

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

*Ўзбекистон Республикасини ЕХҲТга аъзолигининг
20 йиллигига бағишланади*

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ХАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ:

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ СОҲАСИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАР

Учинчи нашр

Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири
А. Х. Саидов, юридик фанлар доктори, профессор

Тошкент — 2012

УДК 341.231.14 (575.1)
ББК КБК 67.412.1
Е 23

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар/Масъул муҳаррир: А. Х. Саидов — юридик фанлар доктори, профессор. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. — 368 б.

Таржимон: **Э. М. Эрназаров**, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

«Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар» — ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан шу мавзуда тайёрланган учинчи тўпламдир. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга йўналтирилган бўлиб, демократия, эркинлик ва адолатнинг асоси ҳисобланади.

Мазкур тўплам, аввалги икки нашрдан фарқли равишда, китобхонларга қулай бўлиши мақсадида ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги ҳужжатлари хронологик тартиб бўйича эмас, балки мавзуларга ажратилган ҳолда тайёрланган.

Ушбу тўплам давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакиллари ва фаоллари ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ушбу тўпламни нашр этишида кўрсатган амалий ёрдами учун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва шахсан ЕХХТ ДИИХБ директори Элчи Янез Линарчичга ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг координаторлари Элчи Иштван Венцельга (2008–2011) ва Элчи Дьёрдь Сабога ўз миннатдорчилигини билдиради.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ)
Ulica Miodowa, 10
00-251 Warsaw, Poland

www.osce.org/odihr

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган. Мазкур нашр мазмунининг ахборот манбаи ЕХХТ ДИИХБ эканлиги кўрсатилган ҳолда ундан бепул нусха олиш ҳамда таълим бериш ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин.

ISBN 978-9943-4060-0-1

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2002 й.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2005 й.

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012 й.

МУНДАРИЖА

ЕХХТ: Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар (Сўз боши ўрнида)	vii
Ўзбек тилидаги нашрга сўз боши	x
Сўз боши	xi
Иккинчи нашрга сўз боши	xiii
Биринчи нашрга сўз боши	xv
Кириш — мазкур маълумотномадан қандай фойдаланиш керак	xvii
ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари: кириш	xix
Мазкур ҳужжатлар тўпламида қайд этилган ЕХХТ ҳужжатлари	xxix

I. Инсонийлик мезонларига тааллуқли умумий қоидалар	1
1. Инсонийлик мезонларига кириш	2
1.1 Инсонийлик мезонларининг моҳияти ва аҳамияти	2
1.2 Инсонийлик мезонлари халқаро ҳамжамиятининг бевосита ва қонуний манфаати сифатида	6
2. Мажбуриятларни бажариш	7
2.1 Мажбуриятларни бажариш вазифаси	7
2.2 Мажбуриятларни бажариш усуллари	9
2.2.1 Умумий қоидалар, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим фаолияти	9
2.2.2 Мажбуриятларни бажаришнинг таҳлили	12
2.2.3 Сайловларни кузатиш	15
2.2.4 Инсонийлик мезонлари механизмлари ва мазкур соҳага алоқадор бўлган бошқа механизмлар	15
А. Вена механизми	15
В. Москва механизми	17
С. Аксилтеррористик тармок	22
D. Бошқа механизмлар	24
2.3 Мажбуриятларни бажариш бўйича шериклар	25
2.3.1 Ҳукуматлар, ҳукумат органлари ва муассасалари	25
2.3.2 Бошқа давлатларнинг ҳукуматлари ва халқаро ташкилотлар	25
2.3.3 Хусусий шахслар, инсон ҳуқуқларини ҳимоячи қилувчилар ва ноҳукумат ташкилотлари	27
2.3.4 ЕХХТнинг инсонийлик мезонларига бевосита алоқадор институтлари/тузилмалари	32
А. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ)	33
I. Асосий мандат, шу жумладан қўшимча умумий вазифалар	33
II. Сайловларга тааллуқли қўшимча вазифалар	42

III. ДИИХБнинг рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуктаси	44
IV. Рома ва синти масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда бағрикенглик масалалари ва камситишларга йўл қўймасликка тааллуқли қўшимча масалалар	50
V. Гендер тенглигига тааллуқли қўшимча вазифалар	57
VI. Одам савдоси билан курашишга тааллуқли қўшимча вазифалар	59
VII. Терроризм билан курашишга тааллуқли қўшимча вазифалар	61
B. Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар	62
C. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил	69
D. Котибият, Одам савдоси билан курашиш бўйича Махсус вакил	74
3. Чеклашлар ва чекинишлар	77
3.1 Қонуний чеклашларнинг хусусиятлари ва доиралари	77
3.2 Фавқулодда ҳолат шароитларида мажбуриятлардан чекинишлар	77
II. Инсонийлик мезонлари бўйича алоҳида мажбуриятлар	81
1. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига тааллуқли мажбуриятлар	82
2. Демократик жамиятнинг таркибий қисмларига тааллуқли мажбуриятлар	83
2.1 Умумий қоидалар	83
2.2 Сайловлар	86
2.3 Демократик институтлар	90
2.3.1 Умумий қоидалар	90
2.3.2 Ҳокимият органларини номарказлаштириш ва махсус тузилмалар ва муассасалар	94
2.3.3 Қуролли кучлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар, ички хавфсизлик хизматлари ва полиция устидан фуқаролик демократик назорат	94
2.3.4 Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил миллий институтлар	96
2.3.5 Нохукумат ташкилотлари	96
2.3.6 Транспарентликка қўмаклашиш, коррупцияга қарши кураш ва давлат ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш	97
2.4 Қонун устунлиги	99
2.4.1 Умумий қоидалар	99
2.4.2 Суд ва адвокатларнинг мустақиллиги, давлат суд хизматининг ҳолис амал этиши	105
2.4.3 Одил судловни амалга ошириш	108
А. Ҳуқуқ-тартибот органлари	108
В. Озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала	111
2.4.4 Халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши	113
3. Ҳар бир инсонга мансуб инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятлар	115
3.1 Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар	115

3.1.1 Умумий қоидалар	115
3.1.2 Яшаш ҳуқуқи/ўлим жазосини бекор қилиш	115
3.1.3 Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазоларни тақиқлаш	116
3.1.4 Асоссиз камокқа олиш ёки озодликдан маҳрум этишга йўл қўймаслик ҳуқуқи	121
3.1.5 Адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқ	122
3.1.6 Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бўлган ҳуқуқ	124
3.1.7 Виждон эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш ва муқобил хизмат	127
3.1.8 Фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги	127
3.1.9 Уюшиш эркинлиги ва тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи	131
3.1.10 Фикр билдириш эркинлиги, ОАВ ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги	132
А. Умумий қоидалар	132
В. ОАВ эркинлиги ва журналистларнинг иш шароитлари	135
С. Маданий ва бадий ифода этиш эркинлиги	141
3.1.11 Ҳаракат қилиш, одамлар ўртасидаги алоқа эркинлиги ва оилани бирлаштириш ҳуқуқи	142
3.1.12 Шахсий ва оила турмушини ҳурмат қилиш	151
3.1.13 Фуқаролик ҳуқуқи	151
3.1.14 Мулкӣ ҳуқуқлар	152
3.2 Иқтисодӣ, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар	152
3.2.1 Умумий қоидалар	152
3.2.2 Иқтисодӣ ва ижтимоӣ ҳуқуқлар	154
А. Умумий қоидалар	154
В. Меҳнаткашлар ҳуқуқлари	156
3.2.3 Маданий ҳуқуқлар/маданий мерос	156
3.2.4 Таълим олиш ҳуқуқи	158
4. Айрим гуруҳларга алоҳида эътибор бериладиган инсон ҳуқуқларига тааллуқли мажбуриятлар	160
4.1 Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар	160
4.1.1 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан имкониятлар тенглиги ва камситмасликни ҳимоя қилиш	160
4.1.2 Ижтимоӣ ва сиёсий ҳаётда самарали иштирок этиш	167
4.1.3 Маданий, тил ва диний ўзига хослик ҳамда таълим масалалари	168
4.1.4 Одамлар ўртасида алоқалар, ОАВ эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш	172
4.1.5 Ташкилотлар ва бирлашмалар роли	174
4.1.6 Адоват асосидаги жиноятлардан ҳимоя қилиш	175
4.2 Рома ва синти	176
4.2.1 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан имкониятлар тенглиги ва камситмасликни ҳимоя қилиш	176
4.2.2 Ижтимоӣ ва сиёсий ҳаётда самарали иштирок этиш	182
4.2.3 Таълим олиш имконияти	184
4.2.4 Ижтимоӣ-иқтисодӣ муаммолар	187

4.2.5 Ирқчилик ва камситиш	188
А. Ирқчилик ва салбий ақидаларга қарши кураш	188
В. Адоват асосидаги жиноятлардан ҳимоя қилиш	190
4.2.6 Инқироз ва инқироздан кейинги вазиятлар	192
4.3 Туб аҳоли	193
4.4 Қочоқлар, кўчирилган шахслар ва қайтиб келаётган шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар	193
4.5 Мигрант-ишчилар	196
4.6 Имкониятлари чекланган шахслар	204
4.7 Болалар	204
4.8 Ҳарбий хизматчилар	210
4.9 Ҳибсда сақланаётган ёки турмада қамоқни ўтаётган шахслар	210
5. Тенглик, бағрикенглилик ва камситмасликка тааллуқли мажбуриятлар	213
5.1 Тенглик ва камситмаслик тўғрисидаги қоидалар	213
5.2 Эркақлар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги	214
5.3 Бидъат, мурасасизлик ва адоват билан боғлиқ ҳаракатларга қарши кураш	222
5.3.1 Умумий қоидалар	222
5.3.2 Халқаро ҳужжатлар	234
5.3.3 Қонунчилик ҳамда қонунларни ва сиёсатни қўллаш	235
5.3.4 Ахборот тўплаш ва кузатиш	240
5.3.5 Бағрикенглиликни тушунишни ва ҳурмат қилишни, шу жумладан хотира ҳурмати рағбатлантириш	243
5.3.6 ОАВ роли	254
6. Инсон ҳавфсизлигига алоҳида таҳдидларга тааллуқли мажбуриятлар	258
6.1 Гендер асосида таъқиб этиш, зўравонлик ва эксплуатация қилишнинг олдини олиш	258
6.2 Одам савдосининг олдини олиш	262
6.2.1 Олдини олиш бўйича умумий қоидалар	262
6.2.2 Тергов қилиш, ҳуқуқни қўллаш ва суд таъқиби	278
6.2.3 Жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш	287
6.3 Наркотиклар, қурол-яроғлар билан ноқонуний савдо қилишни ва халқаро уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари олдини олиш	295
6.4 Терроризмнинг олдини олиш	302
6.4.1 Терроризмни қоралаш ва унга қарши курашиш мажбурияти	302
6.4.2 Терроризм билан курашишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қонун устунлиги	320
6.4.3 Иштирок этувчи давлатлар ҳудудларида терроризм билан боғлиқ фаолиятнинг олдини олиш	323
6.4.4 Террористик ҳуружларга алоқадор шахсларни топшириш ва суд таъқиби	325
6.4.5 Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишга қарши кураш	328
7. Халқаро гуманитар ҳуқуққа тааллуқли мажбуриятлар	332

ЕХХТ: ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ СОҲАСИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАР (СЎЗ БОШИ ЎРНИДА)

Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар» ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси томонидан тайёрланган учинчи тўпламдир¹. Мазкур тўплам Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўзининг йигирма йиллигини нишонлаган 2011 йилда китобхонларга тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: **«Биз Европа қитъасидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз»².**

Бугун ЕХХТ 56 та иштирок этувчи давлат учун универсал ва мақбул ҳисобланиб, Ўзбекистон ЕХХТ олий даражадаги учрашувларида: ЕХХТ иштирок этувчи давлатлар раҳбарлари саммитида (икки йилда бир марта ўтказилади), иштирок этувчи давлатлар ташқи ишлар вазирларининг ҳар йилги учрашувларида, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси сессияларида фаол қатнашмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Варшавадаги ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 30 январда ЕХХТга аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўша йилнинг 26 февралда 1975 йил 1 августда Хельсинкида қабул қилинган Якунловчи ҳужжатни, 1993 йил 27 октябрда эса 1990 йил 21 ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж хартиясини имзолади³.

Ўзбекистон ушбу обрўли халқаро ташкилот аъзосининг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Бу суверен Ўзбекистонни мазкур халқаро форумнинг аъзолари томонидан халқаро эътироф этишида муҳим босқич бўлди. Мазкур ташкилот орқали Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига йўл очилди.

Бу Ўзбекистоннинг ушбу обрўли халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси эканлигининг амалий ифодаси бўлди.

1 Қаранг: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари/Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор А.Х. Саидов/Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. — Т., 2002. — 166 б.; Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари/Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов — юридик фанлари доктори, профессор/Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази., 2005. — 168 б.

2 И. А. Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. Т.: Ўзбекистон, 2005. — 43 б.

3 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий тизими/Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. — Т.: Ўзбекистон, 2010. — 282 б.

«**Инсонийлик мезонлари**» атамаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирок этувчи давлатларининг ўз зиммаларига олган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, конун устуворлигига риоя қилиш, демократия принциплари қарор топишига кўмаклашиш ва шу билан боғлиқ ҳолда демократик институтларни барпо этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек бутун ЕХХТ минтақасида бағрикенглик муҳитини яратиш мажбуриятларини англатади.

Хельсинки Якунловчи ҳужжатининг VII принципида қайд қилинганки, иштирок этувчи давлатлар, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар ҳамма учун «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиладилар».

ЕХХТ нормалари барча иштирокчи давлатларга нисбатан амал қилади: барча қарорлар консенсус (келишув) асосида қабул қилинганлиги туфайли биронта иштирок этувчи давлат ўзига тааллуқли бўлмаган қандайдир мажбуриятларни тасдиқлашга ҳақли эмас. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари масалаларидаги стратегияси шу билан универсалки, унинг хавфсизликни таъминлашга нисбатан ҳамкорликка асосланган ёндашуви ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажара олмайдиган давлатни яққалаб қўйишга эмас, балки унга кўмак беришга қаратилгандир. Хельсинки Якунловчи ҳужжатида баён этилган мажбуриятлар ва дастурамал принциплар ЕХХТ келгуси учрашувларида қарийб чорак аср давомида ўз ривожини топган.

Инсонийлик мезонлари нуқтаи назаридан Мадрид ва Вена учрашувлари муҳим аҳамиятга эга. Вена учрашувида (1986 йил 4 ноябрь – 1989 йил 19 ноябрь) бу соҳадаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш мақсадида ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясини чақиришга қарор қилинган. Конференция уч босқичда Парижда (1989 йил 30 май – 23 июль), Копенгагенда (1990 йил 5–29 июнь) ва Москвада (1991 йил 10 сентябрь – 4 октябрь) ўтказилди. Копенгаген ҳамда Москва босқичлари инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлар қабул қилиш билан якунланди.

1990 йилги Копенгаген ҳужжати (ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати) инсонийлик мезонлари бўйича биринчи тўлиқ ҳужжат бўлиб, у ЕХХТ доирасида инсонийлик мезонлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг муҳим мажмуи ҳисобланади. Унда эълон қилинганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш иштирокчи давлатларнинг асосий мақсадларидан бири ҳамда уларни эътироф этиш эркинлик, адолат ва тинчлик асоси ҳисобланади. Копенгаген ҳужжати инсонийлик мезонлари камровини уларга сайловларга оид мажбуриятларни киритиш билан кенгайтирган.

1991 йилги Москва ҳужжати (ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг ҳужжати) ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Унда ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилинган мажбуриятлари барча иштирокчи давлатлар учун қонуний манфаат ҳисобланади ҳамда тегишли давлатнинг мутлақ ички ишлари сирасига кирмайди, дея баён қилинган. Мазкур принцип 1992 йилда Хельсинки олий даражадаги учрашувида ва 1997 йилда Копенгагенда вазирлар даражасида тасдиқланган.

Шундай қилиб, 1975 йилги Хельсинки Якунловчи ҳужжати имзоланган пайдан бошлаб ЕХХТнинг бир қанча муҳим ҳужжатлари қабул қилинган. Халқаро

хуқуққа мувофиқ ЕХХТ ҳужжатлари юридик мажбурий ҳужжатлар қаторига кирмайди. Шунга қарамасдан улар консенсус орқали маъқулланган, барча иштирок этувчи давлатлар учун ижро этиш зарур бўлган сиёсий мажбуриятлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширишга киришилган **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да мамлакатимизнинг замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиши стратегик мақсад сифатида белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида уқтирганидек: **«очик демократик ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш»**¹ бу стратегиянинг асосий мазмун-моҳиятидир.

«Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари» **иккинчи** тўпламининг ўзбек тилида нашр этилганидан буён етти йил ўтди. Бу даврда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти янги муҳим ҳужжатларни қабул қилиб, Ташкилотнинг норматив базасини янада такомиллаштирди. Улар ҳам мазкур тўпламнинг учинчи нашридан жой олган.

Мазкур тўпламнинг аввалги икки нашрдан фарқи шундаки, унда китобхонларга қулай бўлиши мақсадида ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги ҳужжатлари хронологик тартиб бўйича эмас, балки мавзуларга ажратилган ҳолда тайёрланган.

Умид қиламизки, ЕХХТ ҳужжатларининг ўзбек тилидаги таржима матнлари жамланган ушбу тўплам давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва кенг жамоатчилик учун зарур ва амалий қўлланма бўлиб, уларга ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари билан давлат тилида батафсил танишиш имконини беради.

А. Х. Саидов,
юридик фанлар доктори, профессор.

1 И. А. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2012 йил 12 ноябрь/И. Каримов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — 6 б.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ НАШРГА СЎЗ БОШИ

Менга ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) томонидан тайёрланган «Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари» тўпламини китобхонлар эътиборига тақдим қилиш катта мамнуният бахш этади. Мазкур тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ташаббуси ва ЕХХТ ДИИХБ ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар мувофиқлаштирувчисининг қўллаб-қувватлашида ўзбек тилига таржима қилинди ва нашр этилди.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикасининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлганлигининг 20 йиллиги нишонланган 2012 йилда нашр этилаётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Маълумки, Ташкилот доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча ҳужжатлар сиёсий хусусиятга эга ва уларнинг ратификация қилиниши шарт эмас. Шу муносабат билан ЕХХТга аъзо бўлган ҳар қандай давлат шу давргача қабул қилинган барча ҳужжатларни автомат тарзда имзолаган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан истисно эмас.

Ўзбек тилидаги мазкур тўпламни нашр этишнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг барча даражадаги давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари Сизнинг мамлакатингиз «инсонийлик мезонлари» соҳасида зиммасига олган мажбуриятлари билан умумий таништиришдир.

Китобхонлар учун, фикримча, ЕХХТнинг хавфсизлик ялпи камровли концепциясининг асосий қоидалари ва «инсонийлик мезонлари» тушунчаси моҳияти билан танишиш қизиқарли бўлади.

Барча мажбуриятлар китобхонлар учун қулай бўлиши мақсадида аввалги нашрларда бўлганидек хронологик тартибда эмас, балки муайян мавзуга (масалан, одам савдоси, терроризм билан кураш, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ва ҳоказолар) мувофиқ жойлаштирилган.

Ушбу тўпламнинг нашр этилиши ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан Ўзбекистон давлат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий ривожланиб бораётганлигига ва ўзаро муносабатларнинг жадаллашишига яхши мисолдир.

Ишончим комилки, мазкур нашр давлат органлари ходимлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳамда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги масалалари, шунингдек Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ушбу соҳалардаги норматив қоидалари билан барча қизиқади-ганлар учун фойдали бўлади.

*Элчи Дьёрдь Сабо,
ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори*

СЎЗ БОШИ

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўзининг йигирма йиллигини нишонлаётган йилда *ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари* тўпламининг учинчи нашрини китобхонларга тақдим этишдан мамнунман.

Мазкур нашр — ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасидаги мажбуриятларининг тўплами — ЕХХТ ходимлари, давлатларнинг мансабдор шахслари, фуқаролик жамияти вакиллари ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг кенг доираси фаолиятида муҳим қўлланмага айланди. Тўплам ЕХХТнинг ялпи қамровли ҳаффизлик концепциясида *«инсонийлик мезонлари»* деб аталадиган соҳадаги мажбуриятлар билан танишишга ортиб бораётган эҳтиёжни қондиришга ёрдам берди.

Аввалги нашр эълон қилинган 2005 йилдан кейин беш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида янги даъватлар пайдо бўлди; бизнинг мавжуд даъватларни англашимизда ўзгаришлар рўй берди. Иштирок этувчи давлатлар бу ўзгаришларга янги муҳим ҳужжатларни қабул қилиш, Ташкилотнинг норматив базасини янада такомиллаштириш ва қонун устунлигини мустаҳкамлаш ва адоватга асосланган жиноятчиликка қарши кураш каби соҳаларда янги вазифаларни режалаштириш билан жавоб бердилар.

2010 йилда, 10 йилдан кўпроқ вақт ичида биринчи марта, ЕХХТ 56 иштирокчи давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. 2010 йилги Остона олий даражадаги учрашувида қабул қилинган декларацияда инсонийлик мезонлари соҳасидаги мавжуд *мажбуриятлар мажмуаси* аниқ ва қатъий тарзда тасдиқланди. Мазкур ҳужжат тўпламнинг учинчи нашридан жой олди.

Ташкилот фаолиятининг асосини ташкил этадиган мажбуриятлар барча иштирок этувчи давлатлар томонидан биргаликда ишлаб чиқилган ва яқдиллик билан маъқулланган. Худди шунинг учун улар ўзгартиришларнинг қудратли механизмини ташкил этади. Давлатлар мутлақо ихтиёрий асосда ўз зиммаларига уларни бажариш мажбуриятини олганлар. ЕХХТ доирасида қадриятларни бир давлат ёки давлатларнинг бир гуруҳи томонидан бошқаларга тикиштириши мумкин эмас.

Мажбуриятлар ДИИХБга ҳукуматларга ўз халқаро мажбуриятларига риоя этишларида ёрдам кўрсатиш бўйича ваколат берган ва бизнинг биргаликдаги ишларимизни олиб бориш юзасидан аниқ кўрсатмаларни мужассамлаштирган. Уларда, Остона ҳужжатида қайд қилинганидек, «иштирок этувчи давлатларнинг бир-бирлари билан ва улар ҳудудларида бўлган барча одамлар билан муомала қилишнинг аниқ нормалари» белгиланган.

Моҳият жиҳатидан мажбуриятлар, шунингдек сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бирлашмалари ва айрим шахслар ҳукуматларни масъулиятга даъват этиш учун фойдалана оладиган муфассал мезонларни мужассамлаштирган. Бу Остона ҳужжатида иштирок этувчи давлатлар мажбуриятларини тўлиқ

бажариш юзасидан «ўз фуқароларига ҳисоб берадилар ва бир-бирлари олдида масъуллар» деб яна бир бор тасдиқланганлиги уқтирилган.

Ҳукуматлар риоя этиш мажбуриятини олган нормалар тўғрисидаги ахборот ҳамма томонидан осон фойдалана олган тақдирдагина бундай ҳисоб бериш реал бўлиши мумкин. 1975 йилда Хельсинки Якунловчи ҳужжати имзоланган вақтдан буён «шахсларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ҳуқуқи» ЕХХК/ЕХХТ жараёнининг энг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ва демократик стандартлар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш имкониятининг аҳамияти давлатлар томонидан ЕХХТнинг барча минтақасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тўлиқ риоя этишга қаратилган янада кўпроқ саъй-ҳаракатларни қилиш зарурлиги кенг эътироф этилаётган ХХІ бошида асло камаймаган.

ДИИХБ мазкур тўпламни нашр этар экан, бу жараёнга ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари кенг мажмуаси тўғрисидаги ахборотларни ёйишга кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Мазкур нашр барча давлат арбоблари, мансабдор шахслар, экспертлар, фаоллар ҳамда бу мажбуриятларни ҳаётга тадбиқ қилиш устида иш олиб бораётган бошқа шахслар учун фойдали амалий қўлланма бўлишига умид қиламиз.

Элчи Янез Ленарчич
*ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари
бўйича бюроси (ДИИХБ) директори*

ИККИНЧИ НАШРГА СЎЗ БОШИ

Сизнинг эътиборингизга Хельсинки Якунловчи ҳужжатининг 30 йиллиги байрам қилинаётган йилда чоп этилаётган ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларига тааллуқли ҳужжатлар тўпламининг иккинчи нашрини ҳавола этишдан мамнунман. 1975 йилда имзоланган Якунловчи ҳужжат Европа ва ЕХХТнинг барча минтақасида фақат хавфсизлик умумий концепциясининг тамал тошигина бўлиб қолмасдан, шунингдек менинг институтим — ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси фаолиятини йўналтириб турибди.

Хельсинки Якунловчи ҳужжати инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишни халқаро эътиборга молик деб топган биринчи халқаро ҳужжат бўлди. Бу ҳозирги давр энг бошидан бизга маълум халқаро муносабатларнинг классик қоидалари каби мақомга эга бўлган давлатлараро муносабатларни йўлга қўйишнинг ўнта фундаментал принциpidан биридир.

Лекин 1975 йилдан кейин дунё жиддий тарзда ўзгарди. ЕХХТ томонидан бутун минтақа учун ишлаб чиқилган қарашлар тизими ҳам шу тарзда ўзгарди. 1989 йилги тарихий ўзгаришлардан сўнг Европа мамлакатлари Хельсинки Якунловчи ҳужжатининг умумий концепциясини қабул қилдилар ва унинг асосида инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган нормалар ва стандартларнинг ялпи қамровли рўйхатини ишлаб чиқдилар. Бу базавий ҳуқуқлар демократия принциплари ва қонун устунлиги қаторида ЕХХТ хавфсизликнинг инсонийлик мезонлари сифатида белгиланган тушунчанинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

1990 йилда Копенгагендаги Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияда ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ЕХХТ бутун ҳудуди учун асосий қоидалар мажмуаси, жаҳондаги кўпгина ривожланган демократиялар учун ўзига хос *acquis* (қонунлар мажмуаси) бўлиши керак бўлган пойдеворга асос солдилар. Ҳозирга қадар, унга шу каби ҳар қандай халқаро саъй-ҳаракатларда тенги топилмаган ва у ҳали ҳам бизнинг кундалик фаолиятимизни йўналтириб турибди.

Шундай қилиб, Хельсинкида асос солинган қарашлар тизими ўша вақтдан буён ривожланиб келди ва ялпи қамровли стандартлар рўйхатига айланди. Барча тегишли мажбуриятларнинг унсурлари мазкур тўпламда қайд қилинган бўлса ҳам уларнинг моҳияти қуйидаги базавий принципларда ўз ифодасини топган: инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ЕХХТ томонидан қабул қилинган хавфсизлик концепциясида марказий ўринни эгаллайди; давлатлар бу ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳақиқатдан ҳам ҳурмат ва ҳимоя қилинишини таъминлаш учун ўз фуқаролари ва бир-бирларининг олдида масъуллар.

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ДИИХБ Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар ва Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакил билан биргаликда инсон ҳуқуқлари, демократик принциплар ва қонун устунлигини ҳурмат қилишни таъминлаш учун энг муҳим восита эканлигини тасдиқладилар.

ДИИХБ 2001 йилда инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлардан осон фойдаланиш мақсадида улар тўпламини нашр этди. Бу тўплам инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлигини қарор топтиришга алоқадор бўлган бизнинг ҳаммамиз учун бебаҳо маълумотнома ҳисобланади. Лекин ЕХХТ томонидан қабул қилинган янги мажбуриятлар ва қарорлар унга доимий равишда ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Тўпламнинг мазкур янгиланган нашри хронологик ва мавзу қисмларидан иборат бўлиб, икки томда нашр этилди, чунки мажбуриятлар ҳажми ортиб бормоқда.

Охир-оқибатда ҳамма нарса, АҚШ Президенти Геральд Форд ўттиз йил муқаддам Якунловчи актни имзолаётган пайтда айтганидек, биз қандай ваъдалар беришимиз муҳим эмас, балки биз қайси ваъдаларни бажаришимиз муҳимлигига бориб тақалади. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари инсонийлик мезонлари соҳасида жиддий миқдорда норма ва принципларни ишлаб чиқдилар. Мазкур нашр бундан буён ҳам билимларни ривожлантириш ва ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўзларининг миллиард аҳолиси манфаати йўлида қабул қилган мажбуриятларини бажаришга кўмаклашишига умид қиламан.

Элчи Кристиан Штрохал
ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари
бўйича бюроси директори, 2002–2008 йиллар

БИРИНЧИ НАШРГА СЎЗ БОШИ

Кейинчалик Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотга (ЕХХТ) айлантирилган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаши (ЕХХК) кўп жиҳатдан «ниҳоясига етказилмаган ишлаб чиқариш»га ўхшарди, яъни у узлуксиз жараёнда бўлиб, бу Ташкилотнинг норматив базасини жиддий равишда кенгайтириш имкониятини берди. Бундай кенгайтириш совуқ урушнинг охирида очиклик ва ўзгаришлар руҳида тез жадаллашиб, Янги Европа учун Париж хартияси ва 90-йилларнинг бошида қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг хусусиятли белгиси бўлди.

1975 йилда Хельсинки Яқунловчи ҳужжати имзолангандан сўнг ўтган вақтда ЕХХК/ЕХХТ инсон ҳуқуқлари, демократия, қонун устунлиги ва озчиликни ташкил қилган миллатлар соҳасида жуда катта миқдордаги ҳужжатларни тўплади. ЕХХТнинг олий даражадаги учрашувлари ва бошқа сиёсий анжуманларида қабул қилинаётган ҳужжатларда «ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари» деб аталадиган соҳага тааллуқли мажбуриятлари мунтазам равишда ортиб бормоқда. Натижада ЕХХК/ЕХХТ соҳасида янги стандартларни ишлаб чиқаришда эришилган натижаларни аниқлаш тобора қийинлашиб бормоқда.

1992 йилдаёқ олий даражадаги Хельсинки учрашувида «ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни чуқур англаб етишга ва шу орқали уларнинг бажарилишига кўмаклашишга даъват этилган мавжуд мажбуриятлар тўпламини тайёрлаш» тавсия этилган эди. Кейинчалик ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) 1995 йилда инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг хронологик тўпламини тайёрлади. Бу тўплам ЕХХТнинг мажбуриятлари мажмуасидан фойдаланишни енгиллаштириш йўлида биринчи ва муҳим қадам бўлди. Бироқ ЕХХТнинг олий даражадаги икки учрашуви бўлиб ўтган беш йил мобайнида мазкур нашр эскириб қолди. Бунинг устига нашрнинг мутлақ хронологик таркиби ва индекснинг мавжуд эмаслиги ҳисобга олинмаган бўлса, у фойдаланиш учун бирмунча ноқулай эди.

ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида фаолият олиб борадиган асосий институти — ЕХХТ/ДИИХБнинг 10 йиллигида ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари тубдан қайта кўриб чиқилган тўпламини мамнуният билан китобхонларга тақдим этаман. Унда фақат янгиланган хронологик қисмгина эмас, шунингдек биринчи марта — инсонийлик мезонлари соҳасидаги барча тегишли мажбуриятлар алоҳида мавзулар тартибида жойлаштирилган.

Мазкур нашр давлат хизматчилари, ЕХХТ ходимлари ва кенг жамоатчилик учун фойдаланишда зарур, қулай ва амалий қўлланма бўлиб қолишига ишончим комил. Тўплам ЕХХТнинг мажбуриятлари билан аниқ мавзу йўналишлари, шунингдек хронологик тартибда инсон танилишига имкон беради.

Хельсинки Яқунловчи ҳужжатининг муваффақияти сабабларидан бири — барча иштирок этувчи давлатлар ўртасида ушбу ҳужжатни нашр этиш ва уни

Ўз мамлакатларида иложи борича кенг тарқатишни таъминлашга аҳдлашув бўлди. Бу иштирок этувчи давлатлар фуқароларига ҳукуматлари томонидан зиммаларига олган мажбуриятлар билан танишиш ва ўз давлатлари раҳбарларини амалиётда мазкур мажбуриятларга риоя этмаганлиги учун жавобга чақиришга даъват қилиш имконини берди.

ЕХХТ/ДИИХБ мазкур маълумотнома қўлланмасини нашр этар ва тарқатар экан, ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ҳукуматлари, шунингдек ЕХХТ минтақасидаги фуқаролар ва фуқаролик жамиятининг вакиллари ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини яхшироқ билишлари ва тушунишларига кўмаклашишга интилмоқда. Бу нашр пировард натижада ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ҳукуматлари мажбуриятларни бажаришда янада юқорироқ натижаларга эришишларига кўмаклашишига чин дилдан умид қиламан.

Элчи Жерар Студманн

*ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари
бўйича бюроси директори, 1997–2002 йил*

КИРИШ — МАЗКУР МАЪЛУМОТНОМАДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

1975 йилда Хельсинкида Яқунловчи акт имзоланган вақтдан бошлаб ЕХХТ минтақасининг эндиликдаги 56 иштирокчи давлати ЕХХТ томонидан қабул қилинган комплекс хавфсизлик концепциясининг *инсонийлик мезонлари* сифатидаги тушунчасига тааллуқли кўп сиёсий мажбуриятлар қабул қилди. Ушбу нашрнинг мавзу ва хронологик тартибдаги қисмларидан жой олган мажбуриятларнинг танлаш инсонийлик мезонлари тушунчаси ҳозирги пайтда қандай фойдаланилаётган бўлса, худди шу асосда амалга оширилди. Бу инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, демократия, шу жумладан демократик сайловлар ҳамда демократик бошқарув ва институтлар, бағрикенглилик ва камситмаслик, қонун устунлиги ва озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалаларига тегишли мажбуриятлар, одамлар ўртасидаги алоқалар ва халқаро гуманитар ҳуқуқни қамраб олади. Бундан ташқари, ҳужжатлар тўпламида ушбу мажбуриятлар ижроси устидан кузатиш механизмига доир қоидалар мавжуд, шунингдек ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида фаолият олиб бораётган институтларининг базавий ваколатлари қайд қилинган.

Мазкур маълумотномани тузишда фойдаланилган ҳужжатлар ЕХХК/ЕХХТ томонидан ўтказилган юқори даражадаги турли тадбирларда имзоланган ёки бошқа тарзда қабул қилинган. Халқаро ҳуқуқда бу ҳужжатлар ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий битимлар деб ҳисобланмаслигига қарамасдан, улар иштирок этувчи давлатларнинг келишуви натижасида қабул қилинган ва уларнинг ҳар бирини боғлаб турадиган сиёсий мажбуриятлардан иборатдир. Улар келишув натижасида қабул қилинганлиги сабабли дарҳол кучга киради ва, айтиш керакки, дарҳол қўлланилиши мумкин бўлади ҳамда ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатининг ҳар бир фуқароси ёки ҳукумати томонидан бошқа иштирокчи давлат ҳукумати-га нисбатан бевосита қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, ЕХХТнинг мажбуриятлари халқаро қонунчилик ва битимларда қайд этилган мажбуриятларни такрорламайди, балки уларни мустаҳкамлайди, чунки уларда халқаро мажбуриятларни бажариш ва буни сидқидилдан қилиш кўрсатилган.

Мазкур тўпلامдаги инсонийлик мезонлари бўйича қоидалар 1975 йилдан буён ўтказиб келинаётган саммитлар, навбатдаги қадамлар доирасидаги учрашувлар ва инсонийлик мезонлари бўйича конференциялар, лозим топилганда, Вазирлар кенгаши учрашувларида пайдо бўлган ҳужжатларда тасдиқланган. Шунингдек, ушбу тўпلامда экспертларнинг тегишли кенгашларида ишлаб чиқилган ва кейинчалик бошқа анжуманларда ЕХХК/ЕХХТ мажбуриятлари мажмуасига киритилган ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Ушбу маълумотнома нашр этилишининг мақсади ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги норматив базасини комплекс тарзда тушунтириш бўлса ҳам, бу маълумотнома инсонийлик мезонларининг қайсидир жиҳатларига қандайдир алоқадор бўлган барча таркибий қисмларнинг тўлиқ рўйхатини тақдим этишга даъво қилмайди. Шунини таъкидлаш зарурки, бу тўпلامда асосий эътибор

инсонийлик мезонларига ва, демак, инсон ҳуқуқлари ва демократияга қаратилган бўлса ҳам ЕХҲТнинг мажбуриятлари ҳамиша ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларга эга бўлган масалаларни қамраб олган комплекс хавфсизлик концепцияси нуқтаи назаридан кўриб чиқиши ва англаниши керак. Бирор бир қондани бу тўпламга киритилгани ёки киритилмагани унинг муҳим эмаслиги далилини билдирмайди. Мутлақ амалий нуқтаи назардан айрим ҳолларда танлашга тўғри келди, чунки биз мазкур маълумотнома фойдаланувчи учун қомус эмас, балки қулай дастурамал бўлишини хоҳладик. У давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, олимлар, студентлар ва мутахассислар томонидан фойдаланишга мўлжалланган.

ЕХХТНИНГ ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ: КИРИШ

2010 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) унга асос солган ҳужжат — Хельсинки Яқунловчи ҳужжати имзоланганлигининг ўттиз беш йиллигини нишонлади. 1975 йилдан буён ЕХХТ асосан инсон ҳуқуқлари бўйича анъаналарни ва улар инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа битим ва декларацияларда қандай мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, шу тарздаги тасаввурларни ифода этадиган инсон ҳуқуқлари норма ва стандартларининг катта мажмуасини ишлаб чиқди. ЕХХТ бу асосда, бироқ шакли бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам жуда инновациявий бўлган қатор стандартларни ишлаб чиқди.

Мазкур нашрнинг мақсади — ЕХХТнинг мажбуриятларидан, Хельсинки жараёнининг энг муҳим ҳулосаларига мувофиқ, фуқаролар ҳам, давлат маъмурлари ҳам кенг фойдалана олишлари учун имконият яратишдир. Инсон ҳуқуқлари ҳуқуққа эга бўлиш унсуридан ёки «ўз ҳуқуқини билиш ҳуқуқи»дан бошланади. Хельсинки Яқунловчи ҳужжати қабул қилинаётган пайтда иштирок этувчи давлатлар зиммаларига бу ҳужжатдан кенг фойдалана олиш имкониятини яратиш мажбуриятини олдилар. Бу «Хельсинки гуруҳлари» ёки «Хартия 77» каби кўп сонли инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йирик гуруҳлари ташкил этилишига туртки бўлди. Улар ўз фаолиятларида Хельсинки жараёнига таяндилар ҳамда Марказий ва Шарқий Европада коммунистик ҳокимиятнинг монополиясини барбод қилишга кўмаклашдилар. Демак, ЕХХТнинг инсон ҳуқуқларига тааллуқли қоидаларининг кўлами бу турдаги энг самарали тузилмалардан бири бўлди ва ҳозир ҳам муҳим роль ўйнашда давом этмоқда.

Ҳужжатлар тўпламини қамраб олган мазкур ноёб база бошқа янгиликлар билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини давлатларнинг қонуний ташвишлантирадиган масалага айлантирди. Бунинг асосларини Хельсинки Яқунловчи ҳужжатида топиш мумкин эди, аммо 1990 йилги Копенгаген ҳужжати ва 1990 йилги Янги Европа учун Париж хартияси каби кейинги ҳужжатлар бугунги кунда тушуниш учун зарур бўлган ЕХХТ инсонийлик мезонларининг қатор бошқа муҳим қоидаларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Мазкур мақоланинг мақсади — бу нормаларни қандай мутолаа қилиш ва улардан қандай фойдаланишга доир тавсиялар бериш, шунингдек ЕХХТнинг¹ инсонийлик мезонлари айрим асосий жиҳатларини тақдим этишдир.

1 Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш (ЕХХК) 1994 йилда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот (ЕХХТ) деб ўзгартирилган эди. Ушбу мақолада амалий мақсадларда фақат ЕХХТ атамаси ишлатилмоқда.

А. АСОСЛАР

1. Инсон ҳуқуқлари ва ЕХХТнинг ялпи қамровли хавфсизлик концепцияси

ЕХХТ «хавфсизлик бўйича ташкилот» сифатида ташкил этилган эди. Бироқ у фақат ҳарбий хавфсизлик, қуролсизланиш ёки чегаралар масалалари билангина шуғулланмайди. Кенг қамровли хавфсизлик концепциясига асосланган Ташкилот, шунингдек инсон ҳуқуқлари билан ҳам шуғулланади. ЕХХТ хавфсизликни — шунчаки уруш мавжуд эмаслигидан анча қамровлироқ масала, деб ҳисоблайди. Амалда ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари Европада тинчлик ва барқарорлик учун кенг қамровли доира яратишга интилдилар. Хельсинки Якунловчи ҳужжатида ўнта дастурамал принциплардан бири сифатида «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини шу жумладан, фикр, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш» эътироф этилди. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарихида тамал тоши бўлди. Биринчи маротаба инсон ҳуқуқлари минтакавий хавфсизлик доирасига ҳудди ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий масалалар қатори аниқ белгилаб қўйилган таркибий унсур асосида киритилди. Бундай эътироф кейинчалик кўп сонли навбатдаги ҳужжатларда мустаҳкамланди. Шунинг учун бу ҳолни содир бўлган ва шубҳа туғдирмайдиган далил деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур принциплар қайсидир иерархияга мувофиқ тузилмаган ва шунинг учун бирор ҳукумат улар аввал сиёсий ёки иқтисодий хавфсизликни таъминлашлари керак, шундан кейингина инсон ҳуқуқлари ва демократия масалалари билан шуғулланадилар, деб тасдиқлай олмайдилар.

Яқин ўтмишдаги тарих ҳар бир шахсга ижтимоий ҳаётда тўлиқ иштирок этишга рухсат берадиган эркин жамият низолар ва беқарорликдан кафолат эканлигидан иборат ЕХХТ концепциясининг асосли эканлигини тасдиқлайди. Жумладан, бунга мисоллардан бири — айрим шахслар ёки баъзи гуруҳларни, айрим ҳолларда миллий сабабларга кўра, жамиятдан четлатиш вазиятни чигаллаштиришга ва ҳатто қуролли можароларга сабаб бўлган. Хавфсизликка таҳдидга яна бир мисол сифатида кўп ҳолларда инсон ҳуқуқлари оммавий бузилиши натижасида пайдо бўладиган қочоқлар билан боғлиқ инқирозларни келтириш мумкин.

ЕХХТ атамашунослигида «инсонийлик мезонлари» атамаси ЕХХТ томонидан ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий-экологик мезонлар билан бир қатордаги хавфсизликнинг уч мезонидан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва демократия билан боғлиқ нормалар йиғиндиси ва фаолият турларини англатиш учун қўлланилади. Бундай атама шунингдек, ЕХХТнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли нормалари инсон ҳуқуқлари анъанавий ҳуқуқига қараганда анча кенгрок соҳани қамраб олишидан ҳам далолат беради.

2. ЕХХТ «жараёни»

ЕХХТ ташкил этилган вақтидан бошлаб ўз фаолиятига жараён сифатида ёндашиб келган. Хельсинки Якунловчи ҳужжатида мунтазам равишда навбатдаги конференциялар ва учрашувларни ўтказиб туриш кўзда тутилган. Бу ЕХХТда инсон ҳуқуқлари базасини англаш учун жуда муҳимдир.

Биринчидан, бу аввалги учрашувларда келишилган стандартлар ижросини муҳокама этиш учун анжуман мавжудлигини англатади. Иккинчидан, бу ЕХХТнинг

аввалги ҳужжатларида қабул қилинган инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларга аниқлик киритадиган ва уларни ривожлантирадиган изчил туркум ҳужжатларни қабул қилиш имкониятини берди. Бунинг натижасида ЕХХТ доимий жараёнга айланган инсон ҳуқуқлари соҳасида норма ижодкорлигининг жуда қулай ва динамик жараёнини яратди. Сўнгги ҳужжатларда қайд қилинган янгиликлар орасида, масалан, аввал, одатда, уюшган жиноятчилик нуктаи назаридан қараб келинадиган одам савдоси инсон ҳуқуқларини бузиш ҳамда ички ва ташқи хавфсизлик учун таҳдид туғдирадиган адоват асосидаги жиноят деб эътироф этилмоқда.

ЕХХТ мажбуриятлари, одатда, ЕХХТнинг олий даражадаги ёки иштирок этувчи давлатларнинг вазирлари даражасидаги учрашувларда консенсус асосида қабул қилинган мажбуриятлар ҳужжат шаклини олади. Бундай ҳар бир учрашув аниқ сиёсий вазият ва муайян нуктаи назарга қаратилган тарзда ўтади. Шу сабабли, ЕХХТнинг олий даражадаги учрашувлари ва вазирларнинг кенгашлари янги мажбуриятларни яратиш учун турлича таъсир кўрсатиши ажабланарли эмас. Шунинг учун айрим учрашувлар, айниқса 90-йилларнинг бошидаги учрашувлар муҳим янги нормаларнинг кенг мажмуасини ишлаб чиқиш имконини берган бўлса, бошқалари жиддий бўлмаган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан чекландилар.

Бундай «жараён»ли ёндашув ЕХХТнинг катта миқдордаги ҳужжатларини қабул қилиш имкониятини берди. Натижада ҳар бир ҳужжатда у ёки бу даражада такрорланишлар ҳам, янгиликлар ҳам қайд қилинганлиги ҳисобга олинadиган бўлса, амалиётчи мутахассислар учун аниқ бир вазиятда қайси стандартлар қўлланилишини аниқлаш ҳамиша ҳам осон бўлмайди. Фойдаланувчи асосий мўлжал сифатида бу ҳужжатларнинг ҳаммаси мажмуа сифатида ЕХХТнинг норматив базасини ташкил этишини назарда тутиши керак. Яъни, янги ҳужжатлар қабул қилиниши билан мавжуд бўлган ҳужжатлар ўз кучини йўқотмайди. Ҳужжатлар бир-бирига таянади ва, таъриф жоиз бўлса, «ЕХХТнинг бойлиги»ни ташкил этади. Улар келишув асосида қабул қилинган ва шу сабабли ЕХХТнинг барча иштирок этувчи давлатлари учун сиёсий мажбурият ҳисобланади. Бу ЕХХТга қабул қилинган янги давлатлар учун ҳам тааллуқли бўлиб, улар иштирок этувчи бўлишда бу «бойлик»ни эътироф этишлари шарт.

Шу сабабли фойдаланувчи у ёки бу ҳуқуқ ёки асосий эркинлик бўйича мажбуриятларнинг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун қандайдир бир ҳужжатни асос қилиб олмасдан, мавжуд қатор ҳужжатларни текшириб чиқиши керак. Кўп ҳолларда аввал қабул қилинган ҳужжатда умумий принцип эълон қилинади, холос, у кейинчалик навбатдаги ҳужжатларда ривожлантирилади. Лекин мажбуриятлар ва ҳужжатлар бир-бири билан боғлиқ бўлганлиги учун, аввал қабул қилинган ҳужжатда қайд қилинган мажбуриятлар кейинги ҳужжатларда, мазкур ҳуқуқ умумий тарзда тилга олиб ўтилган бўлса ҳам, ўз кучини йўқотмайди.

Айни пайтда ҳар бир ҳужжат, умуман, аниқ тарихий нуктаи назарни ифода этади, унинг таркиби эса мазкур ҳужжатнинг турли қисмларини кенгроқ нуктаи назарда мужассамлаштирган муайян мантиқ асосига қурилган. Шунинг учун бутун ҳужжатни тегишли нормани англаш ва талқин этиш маъносида ўқиб чиқиш ҳам муҳим ахборот бериши мумкин. Аслида худди шу мавзу ва хронологик тарздаги бўлимлардан иборат бўлган мазкур тўпламни тузишга икки томонлама ёндашувни изоҳлайди.

3. Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар ва қонун устунлигига асосланган плюралистик демократия

Қатор ҳолларда ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги «анъанавий» юридик мажбурий нормалардан анча илгарилаб кетган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги анъанавий шартномаларда шахсий (ёки жамоавий) ҳуқуқлар расмийлаштирилади, иштирок этувчи давлатлар эса бу ҳуқуқларга риоя этиш ва/ёки уларни кафолатлаш мажбуриятини оладилар. Бироқ кўп ҳолларда бу мажбуриятлар ижросининг тартиби давлатлар ихтиёрида қолади.

ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари инсон ҳуқуқларини давлатнинг институционал ва сиёсий тизими билан боғлаш йўлида анча илгарилаб кетган. Моҳиятан ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари инсонийлик мезонлари соҳасида мажбуриятларни зиммаларига олиб, қонун устунлигига асосланган плюралистик демократия инсон ҳуқуқларини самарали кафолатлашга қодир бўлган ягона бошқарув тизими эканлигига рози бўлдилар.

Бу нима учун ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари умумевропавий ижтимоий тартиб (*ordre public*) деб номланганлигини изоҳлайди. Бошқача қилиб айтганда, ЕХХТ — шунчаки 56 давлатни бирлаштирган ташкилот бўлмасдан, «қадриятлар ҳамжамияти»дир. Бу алоқадорликни қонун устунлигига фаол содиқлик ҳам, унинг қоидаси: инсон шахси кадр-қимматига асосланган концепция ҳамда қонунлар ва суд-ҳуқуқ тузилмалари орқали амалга ошириладиган ҳуқуқлар тизими ҳам ифода этади.

4. Сиёсий мажбуриятлар

ЕХХТнинг жараёни, асосан, юридик жиҳатдан мажбурий бўлган норма ва принципларни яратмайдиган сиёсий жараён ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан фарқли равишда ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари юридик жиҳатдан мажбурийликдан кўра кўпроқ сиёсий хусусиятга эгадир. Бу жуда муҳим фарқдир, чунки у ЕХХТ стандартларига риоя этилиши учун ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бошқача қилиб айтганда, ЕХХТ мажбуриятларининг ижросини суд орқали таъминлаб бўлмайди. Аммо бунини хато равишда, мажбуриятларнинг мажбурий кучга эга эмаслиги далолати сифатида тушунмаслик лозим. Бу масалада фарқ «мажбурий» ва «мажбурий эмас» ўртасида эмас, балки «юридик» ва «сиёсий» ўртасидадир. Бу ЕХХТнинг мажбуриятлари шунчаки ирода ёки эзгу ниятлар декларациясидан анча муҳимроқ нарсани эканлигини англатади.

Агар халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг якуний матнини келишиш учун, одатда, кўп вақт талаб қилинса ва якуний ҳужжатлар ратификациялар ва қайдлар хусусиятига эга бўлса, бу ЕХХТ ҳужжатларига тааллуқли эмас. Уларнинг сиёсий табиати ноёб: давлатлар ўртасида келишувга эришилгандан сўнг қарорлар дарҳол кучга кирадиган ва принцип жаҳатидан ЕХХТнинг барча иштирок этувчи давлатлари учун мажбурий ҳисобланадиган (универсаллик принципи) вазиятни яратиш имконини беради.

Бу ЕХХТга янги эҳтиёжларга тезкор ҳозиржавоб бўлиш имконини беради. Масалан, 90-йилларнинг бошида озчиликни ташкил этувчиларга нисбатан инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари кўпайганида ЕХХТ биринчи бўлиб бунга ўз муносабатини

билдирди ва озчиликни ташкил этувчиларни ҳимоя қилиш соҳасида стандартлар мажмуасини ишлаб чиқди. Кейинчалик бу сиёсий стандартлар Европа Кенгашининг озчиликни ташкил этувчи миллатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги юридик жиҳатдан мажбурий бўлган конвенциясига асос вазифасини ўтади.

5. Инсонийлик мезонлари халқаро синчков эътиборидаги масала сифатида

ЕХХТ инсонийлик мезонларининг туб асосий жиҳати инсон ҳуқуқлари ва плюралистик демократияга давлатнинг ички иши сифатида қаралмаслиги ҳисобланади. Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устуңлигига тааллуқли масалалар халқаро хусусиятга эгаллиги, чунки бу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этиш халқаро тартиб асосларидан бири эканлигини таъкидладилар. Амалда иштирок этувчи давлатлар «улар томонидан ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилган мажбуриятлари тегишли давлатнинг мутлақ ички ишига тааллуқли эмас, балки барча иштирок этувчи давлатларнинг бевосита ва қонуний манфаати масалалари ҳисобланиши» (Москва ҳужжати, 1991) тўғрисида «қатъиян ва узил-кесил» баёнот бердилар. Шунинг учун эндиликда иштирок этувчи давлатлар ўз мамлакатларида инсон ҳуқуқлари муаммосини муҳокама этилишидан сақланиш мақсадида аралашмаслик принципига ҳавола қила олмайдилар. Бу нима учун ЕХХТ фақат «қадриятлар муштараклиги» бўлиб қолмасдан, балки «масъулият муштараклиги» эканлигига изоҳ беради. Шунини таъкидлаш керакки, бу «масъулият» бошқа давлатларни инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини бузганлиги учун, уни танқид қилиш ҳуқуқини берибгина қолмасдан, бир-бирларига аниқ муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ҳам юклайди.

6. Чеклаш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар билан алоқадорлик

ЕХХТнинг мажбуриятлари анъанавий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳам, анъанавий инсон ҳуқуқлари соҳасига оид айрим соҳаларни ҳам ифода этади. Инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа халқаро шартномаларда бўлгани каби улар қай даражада чекланиши мумкинлиги муҳим масаладир. Бу қайсидир муайян ҳуқуқ бузилиши рўй берганлигини аниқлашга уринаётган ҳар қандай амалиётчи учун муҳимдир. ЕХХТ томонидан эълон қилинган эркинликларнинг чеклаш тўғрисида аниқ қоидаларга эгалар. Бироқ ЕХХТнинг Копенгаген ҳужжатида бу ҳужжатда қайд қилинган ҳуқуқларга нисбатан муҳим умумий қоида келтирилган. Яъни, бу ҳуқуқлар қонунда кўзда тутилган ва халқаро ҳуқуқ, хусусан Фукаротик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича мажбуриятларга мувофиқ бўлганларидан ташқари бирор чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас. Чеклашлар ихтиёрий тарзда қўлланилмаслиги керак ва ҳамиша шахсий эркинликларга риоя этилиши керак деб эътироф этилган умумий қоидадан истисно сифатида қабул қилиниши зарур. Ҳар қандай чеклаш қонун мақсадларига қатъиян мутаносиб бўлиши керак. Мутаносибликка бўлган бундай топшириқ тор доирадаги талқинни талаб этади, чунки ҳар қандай аралашув бундай асосий эркинликларнинг очик ва демократик жамият учун улкан қадрияти билан таққосланиши зарур.

В. ИНСТИТУТЛАР ВА ИЖРО

1. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларининг ижроси учун масъулият

Юқорида қайд қилинган инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий базаси ЕХХТ минтақасида яшайдиган барча одамлар манфаатидан келиб чиқан ҳолда мавжуддир ва унда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари «ҳамма одамларнинг туғилганидан бошлаб ҳуқуқлари» сифатида таърифлангани тасодифан эмас. Бу ҳуқуқларни кафолатлаш учун масъулият, биринчи навбатда, ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари зиммасига юкланган. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа халқаро шартномаларга мувофиқ, иштирок этувчи давлатларга йўналтирилган. Мажбуриятлар «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳукуматнинг туб асосий мақсади» (1990 йилги Париж хартияси) эканлигини таъкидлаган ҳолда бу принципни янада кучайтиради.

Стандартларни ишлаб чиқиш ўз-ўзидан инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни самарали амалга ошириш учун етарли эмаслиги аввал бошидан равшан эди. Халқаро тартиблар бу масалада муҳим қўшимча функция ролини бажариши керак. Шунинг учун ЕХХТ ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари амалга оширилишини назорат қилиш ва бунга қўмаклашишга ёрдам берадиган тартиблар, конференциялар ва институтлар жамланмасини яратди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа шартномалардан¹ фарқли равишда ЕХХТ Ташкилотнинг мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида айрим шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун суд ёки бошқа орган таъсис этмади. Бу ЕХХТ жараёнининг хусусиятини ва мавжуд механизмларни такрорламаслик ниятини ифода этади. Аксинча, ЕХХТ бу муҳим механизмларни кучайтиради ва барча иштирок этувчи давлатларни мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ўрнатилган стандартларга риоя этишга даъват этади. Шуни таъкидлаш ҳам муҳимки, шахсий муносабатларни кўриб чиқиш механизмнинг мавжуд эмаслиги бундай ҳодисаларни ЕХХТ сиёсий органлари эътиборига ҳавола қилиш имкониятини истисно этмайди.

2. Олий даражадаги учрашувлар ва бошқа кейинги учрашувлар

Юқорида қайд қилинганидек, Хельсинки Якунловчи ҳужжати аҳдлашувларни амалга ошириш учун доимий жараён талаб этилишидан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда кейинги кенгашларни ўтказишни назарда тутди. Узлуксиз жараёнга асосланган бундай ёндашув вақт ўтиши билан ЕХХТ мажбуриятларининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этиладиган

¹ Қаранг: масалан, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенциясига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ёки БМТнинг Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактига мувофиқ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ташкил этилган.

олий даражадаги сиёсий учрашувлар ва бошқа кенгашлар тизимини яратиш имкониятини берди¹.

Бундай, баъзида комплекс таркибли, олий даражадаги учрашувлар — саммитлар, кенгашлар, конференциялар ва семинарлар икки муҳим натижага олиб келади. Биринчидан, у иштирок этувчи давлатларга норма ижодкорлигининг уйғун жараёнига қўшилиш имконини беради. Иштирок этувчи давлатлар янги эҳтиёжларга тезкор муносабат билдира оладилар ва ЕХХТнинг аввал қабул қилинган мажбуриятларига таянган ҳолда уларни қўллаш тартибига аниқлик киритадилар. Иккинчидан, бундай таркиб иштирок этувчи давлатлар тасарруфига инсонийлик мезонлари соҳасидаги амалдаги мажбуриятлар ижроси билан боғлиқ масалаларни муҳофама этиш учун анжуман тақдим этади. Бу ЕХХТнинг мажбуриятлари ЕХХТ барча иштирок этувчи давлатларининг бевосита ва қонуний ташвишлан-тирадиган масала эканлиги ва қайсидир бир аниқ давлатнинг ички масалаларига кирмаслиги принципини акс эттиради.

ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари масалалари бўйича учрашувларининг муҳим хусусияти уларнинг ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) фаол иштирок этишлари учун очиклигидир. НХТ шу тарзда инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг амалдаги ижроси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда иштирок эта оладилар ҳамда бу муаммоларни ҳал этиш йўллари ташкил қила оладилар.

3. Инсонийлик мезонларининг механизми

ЕХХТ ана шундай мунтазам равишдаги учрашувлар билан бир қаторда инсонийлик мезонлари механизми деб аталадиган механизмни — бевосита Вена механизмини² ва Москва механизмини³ яратди, бунда Москва механизми қисман Вена механизмини янада ривожлантирилишидир. Улар биргаликда ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари аниқ бир вазиятларни кўриб чиқишда ёрдамидан фойдаланиш учун мурожаат этишлари мумкин бўлган инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар ижросини назорат қилиш жараёнини ташкил этади.

Вена механизми ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларига бошқа иштирок этувчи давлатнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ масалаларни кўтариш учун фойдаланиш имконини берадиган тартиблар жамланмасидан иборатдир. Москва механизми Вена механизмига таянади ва инсонийлик мезонлари масалалари билан боғлиқ аниқ муаммони ҳал этишда ёрдам кўрсатиш учун қўшимча равишда мустақил экспертларнинг махсус миссияларни шакллантириш имконини беради. Бу инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар бузилиши тўғрисидаги хабарларни текшириш

1 ЕХХТнинг олий даражадаги учрашувлари ва Вазирлар кенгашининг мажлислари одатда янги баёнотлар ва ҳужжатлар қабул қилади. ЕХХТнинг олий даражадаги учрашувларидан аввал кўриб чиқиш бўйича конференциялар ЕХХТ стандартларига риоя этилишини муҳофама этишга хизмат қилади ва кейин олий даражадаги учрашувларда қабул қилинадиган яқунловчи ҳужжатларни тайёрлайди. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари ижроси юзасидан кенгашлар ЕХХТнинг олий даражадаги учрашувлари ўтказилмайдиган йилларда бўлиб ўтади ва ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ масалаларни муҳофама этиш учун анжуман сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари ҳар йили инсонийлик мезонлари масалалари бўйича семинарлар ва инсонийлик мезонлари бўйича учта қўшимча учрашув ташкил этилади. Қўшимча маълумот олиш учун қarang: see the ODHR website at www.osce.org/odihr.

2 1989 йилги Вена Яқунловчи ҳужжатиға мувофиқ ташкил этилган.

3 Москва механизмини яратиш тўғрисидаги қарор ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Москвадаги сўнгги кенгашида (1991) қабул қилинган.

хукукини назарда тутати, бунда истисно ҳолларда айбланаётган давлат розилигисиз ҳам қилиниши мумкин.

Амалиётда инсонийлик мезонлари механизми қисман ЕХХТ мунтазам фаолият олиб борадиган ташкилотга айланганлиги, шунингдек бундай механизмларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқиб кам қўлланилади¹.

4. ЕХХТнинг фаолияти инсонийлик мезонлари билан боғлиқ институтлари

ЕХХТ иштирок этувчи давлатларга ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш учун аввалги йилларда қўллаб келган «конференциявий» ёндашув ўрнига қатор доимий институтларни ташкил этди. Бу институтлар тобора катта роль ўйнамоқдалар. Қуйида инсонийлик мезонлари масаласи билан шуғулланадиган асосий институтларнинг фаолияти батафсил кўриб чиқилмасдан, уларга қисқа шарҳ келтирилмоқда.

А. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

1991 йилда даставвал Эркин сайловлар бўйича бюро² сифатида ташкил этилган, Варшавада жойлашган ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида фаолият олиб борадиган асосий институти ҳисобланади. ДИИХБнинг 1992 йилги Хельсинки ҳужжатида белгилаб берилган ваколати — ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларга «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла ҳурмат қилишни таъминлаш, қонунийлик асосида иш олиб бориш, демократия принципларини ҳаётга тадбиқ этиш..., демократик институтларни яратиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек бутун жамият кўламида муросали муносабат принципларини ривожлантириш»га ёрдам кўрсатишидан иборатдир.

ДИИХБ ўз ваколатлари ва кўп сонли ҳужжатларда қайд этилган вазифаларига мувофиқ сайловларни ҳар тарафлама кузатиш орқали сайловлар соҳасидаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва реал, умумхалқ демократиясини ривожлантиришга йўналтирилган сайловларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади. ДИИХБ, шунингдек ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларига демократик институтларини барпо этишни эксперт баҳолашни тақдим этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш орқали инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларини ижро этишларида ёрдам кўрсатади. Бу қонун устунлигини мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли дастурлар, демократик бошқарувни такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ёрдамида амалга оширилади. ДИИХБ, шунингдек ЕХХТнинг жойлардаги миссияларига ўқув секцияларини ўтказиш, тажриба алмашиш ва минтақавий мувофиқлаштириш орқали улар фаолиятига ёрдам кўрсатади ҳамда иштирок этувчи давлатларнинг ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари ижросининг мониторинги ёрдамида низоларни барвақт олдини олиш ва уларни

1 Шунга қарамадан ЕХХТнинг мустақил институти, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро Москва механизми талаб этганидек, экспертлар рўйхатини тузишни давом эттирмоқда.

2 Эркин сайловлар бўйича бюрони ташкил этиш тўғрисидаги қарор 1990 йилда Париждаги олий даражадаги учрашувда қабул қилинган эди. Бюро 1991 йилда очилган.

бартараф этишда ёрдамлашади. ДИИХБ шу муносабат билан, давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти вакиллари ва ўз ходимлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ҳам доимий ўқув секциялари ўтказади.

ДИИХБ, шунингдек иштирок этувчи давлатларга ўзларининг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришларида ва терроризмга қарши курашни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга риоя этган ҳолда олиб бориш бўйича ЕХХТ мажбуриятларини ҳамда уларнинг бағрикенглилик ва камситмаслик бўйича мажбуриятларини бажаришларида ёрдам кўрсатади. Шу маънода ДИИХБ адоват асосидаги ва ирқчилик, антисемитизм ва мурасизликнинг бошқа шакллари, шу жумладан мусулмонларга нисбатан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш олиб боришдаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. ДИИХБ, шунингдек ЕХХТнинг рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуктаси бўлиб хизмат қилади ҳамда рома ва синти яшаётган жамиятда рома ва синтини тўла интеграциялашини таъминлашга интилади. ДИИХБ ўзининг бутун фаолиятида гендер масалаларини барча соҳаларга киритилишини таъминлаш сиёсатини айрим чораларини ишлаб чиқади ҳамда ЕХХТ минтақасида аёллар аҳволини яхшилаш учун саъй-ҳаракатлар қилади.

ДИИХБ ўзининг инсонийлик мезонлари соҳасидаги фаолиятини тизимлаш учун ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари ижроси кўриб чиқиладиган ва бундан кейинги саъй-ҳаракатлар бўйича тавсиялар киритиладиган мунтазам равишдаги кенгашларни ўтказади. ДИИХБ ўзининг бутун фаолиятида турдош соҳалардаги, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва маҳаллий ноҳукумат ташкилотларидан иборат ҳамкорлари тармоғига, шунингдек халқаро ҳукумат ташкилотлари, жумладан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ва Европа Кенгашига таянади.

В. Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар

ЕХХТнинг Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари (бу институт 1992 йили Гаагада ташкил этилган) вазифасига ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўртасида тинчлик, барқарорлик ёки дўстона муносабатларга хавф солиши мумкин бўлган этник кескинликлар билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш ва уларни тезлик билан ҳал этиш киради.

Барча манфаатдор томонлардан мустақил иш кўрадиган Олий комиссар жойларга ўз миссияларини юборади ва кескинлик пайдо бўлиши илк босқичида превентив дипломатия сиёсатини олиб боради. Олий комиссар бевосита жойлардан маълумот олишга интилибгина қолмасдан, шунингдек мулоқот, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

С. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил

ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари эркинлиги (ОАВ) масалалари бўйича Вакили иштирок этувчи давлатларга плюралистик демократияни меъёрида ишлашининг асосий унсурлари сифатидаги эркин, мустақил ва плюралистик ОАВни шакллантиришда ёрдам кўрсатади. Офиси Венада бўлган Вакил барча иштирок этувчи давлатларда ОАВ соҳасида рўй бераётган воқеаларни кузатиб боради

ҳамда ЕХХТнинг тегишли принциплари ва мажбуриятларини ҳимоя қилар экан, шу тарзда улар бажарилишини қўллаб-қувватлайди.

5. Якунловчи қайдлар

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари инсонийлик мезонлари соҳасида норма ва принципларнинг катта таассурот қолдирадиган жамланмасини яратдилар. ЕХХТнинг ҳужжатлари инсон ҳуқуқлари бўйича муҳим мажбуриятлар бойлиги бўлиб, Ташкилотни бу соҳада етакчи новатор қилади. Умид қиламизки, мазкур нашр билимларни янада мустаҳкамлашга, шунингдек ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, қонун устунлиги ва демократия соҳасида зиммаларига қабул қилган жуда кўп, аксарият ҳолларда муфассал мажбуриятларини амалга оширишларига ёрдам беради.

МАЗКУР ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ЕХҲТ ҲУЖЖАТЛАРИ

- Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Якунловчи ҳужжати, Хельсинки, 1975 йил 1 август (бундан буён **Хельсинки 1975 йил**)
- 1980 йилги Мадрид учрашувининг Якунловчи ҳужжати — кейинги қадамлар доирасидаги Иккинчи учрашув, Мадрид 1983 йил 6 сентябрь (бундан буён **Мадрид 1983 йил**)
- 1986 йилги Вена учрашувининг Якунловчи ҳужжати — кейинги қадамлар доирасидаги Учинчи учрашув, 1989 йил 15 январь (бундан буён **Вена 1989 йил**)
- Атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича кенгашнинг хулосалари ва тавсиялари тўғрисидаги маъруза, Вена, 1990 йил 5 ноябрь (бундан буён **София 1989 йил**)
- Европада иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бонн конференциясининг ҳужжатлари, Бонн, 1990 йил 11 апрель (бундан буён **Бонн 1990 йил**)
- ЕХҲҚнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати, Копенгаген, 1990 йил 29 июнь (бундан буён **Копенгаген 1990 йил**)
- Янги Европа учун Париж Хартияси, Париж, 1990 йил 21 ноябрь (бундан буён **Париж 1990 йил**)
- ЕХҲҚ иштирок этувчи давлатларининг маданий мерос бўйича Краков симпозиуми ҳужжати, Краков, 1991 йил 6 июнь (бундан буён **Краков 1991 йил**)
- Озчиликни ташкил этувчи миллатлар масалалари бўйича ЕХҲҚ экспертлари кенгашининг маърузаси, Женева, 1991 йил 19 июль (бундан буён **Женева 1991 йил**)
- ЕХҲҚнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг ҳужжати, Москва, 1991 йил 3 октябрь (бундан буён **Москва 1991 йил**)
- ЕХҲҚ Кенгаши Иккинчи учрашувининг ҳужжати, Прага, 1992 йил 30–31 январь (бундан буён **Прага 1992 йил**)
- 1992 йилги Хельсинки учрашувининг Якунловчи ҳужжати — кейинги қадамлар доирасидаги Тўртинчи учрашув, Хельсинки, 1992 йил 10 июль (бундан буён **Хельсинки 1992 йил**)
- ЕХҲҚ Кенгаши Учинчи Урашувининг ҳужжати, Стокгольм, 1992 йил 14–15 декабрь (бундан буён **Стокгольм 1992 йил**)
- ЕХҲҚ Кенгаши Тўртинчи учрашувининг ҳужжати, Рим, 1993 йил 30 ноябрь–1 декабрь (бундан буён **Рим 1993 йил**)
- Будапешт ҳужжати, Будапешт, 1994 йил 6 декабрь (бундан буён **Будапешт 1994 йил**)
- Лиссабон ҳужжати, Лиссабон, 1996 йил 3 декабрь (бундан буён **Лиссабон 1996 йил**)
- Вазирлар кенгаши Олтинчи учрашувининг ҳужжати, Копенгаген 1997 йил 18–19 декабрь (бундан буён **Копенгаген 1997 йил**)
- Вазирлар кенгаши Еттинчи учрашувининг ҳужжати, Осло, 1998 йил 2–3 декабрь (бундан буён **Осло 1998 йил**)

- Истамбул ҳужжати, Истамбул, 1999 йил 19 ноябрь (бундан буён **Истамбул 1999 йил**)
- Вазирлар кенгаши Саккизинчи учрашувининг ҳужжати, Вена, 2000 йил 27–28 ноябрь (бундан буён **Вена 2000 йил**)
- Вазирлар кенгаши Тўққизинчи учрашувининг ҳужжати, Бухарест, 2001 йил 3–4 декабрь (бундан буён **Бухарест 2001 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўнинчи учрашувининг ҳужжати, Порту, 2002 йил 6–7 декабрь (бундан буён **Порту 2002 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн биринчи учрашувининг ҳужжати, Маастрихт, 2003 йил 1–2 декабрь (бундан буён **Маастрихт 2003 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн иккинчи учрашувининг ҳужжати, София, 2004 йил 6–7 декабрь (бундан буён **София 2004 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн учинчи учрашувининг ҳужжати, Любляна, 2005 йил 5–6 декабрь (бундан буён **Любляна 2005 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн тўринчи учрашувининг ҳужжати, Брюссель, 2006 йил 4–5 декабрь (бундан буён **Брюссель 2006 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн бешинчи учрашувининг ҳужжати, Мадрид, 2007 йил 29–30 ноябрь (бундан буён **Мадрид 2007 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн олтинчи учрашувининг ҳужжати, Хельсинки, 2008 йил 4–5 декабрь (бундан буён **Хельсинки 2008 йил**)
- Вазирлар кенгаши Ўн етинчи учрашувининг ҳужжати, Афина, 1–2 декабрь 2009 йил (бундан буён **Афина 2009 йил**)
- Остона юбилей декларацияси, Остона, 2010 йил 2 декабрь (бундан буён **Остона 2010 йил**)

**I. ИНСОНИЙЛИК
МЕЗОНЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИГА КИРИШ

1.1 ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларда амал қиладиган принциплар декларацияси; VII–IX принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг умумжаҳон аҳамиятини эътироф этадилар, уларни ҳурмат қилиш ўзлари ўртасида, шунингдек барча давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлаш учун зарур бўлган тинчлик, адолат ва фаровонликнинг муҳим омилidir.

(...)

Улар тенглар сифатида ўзаро ҳамкорликларини ривожлантириб, ўрталарида ўзаро англашув ва ишонч, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни қўллаб-қувватлашга интиладилар. Улар худди шунингдек, ўзаро ҳамкорликларини ривожлантириб, халқлар фаровонлигини оширишга интиладилар ва уларнинг орзуларини ҳаётга тадбиқ этиш учун, жумладан, иқтисодий, илмий, техникавий, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалардаги тараққиётлари ва ютуқлари билан танишишни кенгайтирадиган манфаатлардан фойдаланган ҳолда ёрдамлашадилар. Улар бу манфаатлардан ҳамма фойдалана олишига қулайлик яратадиган шароитларни яратишга қўмаклашадилар; улар иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутларни қисқартиришда барчанинг манфаатларини, жумладан бутун дунёдаги ривожланаётган давлатларнинг манфаатларини ҳисобга оладилар.

Копенгаген 1990 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла ҳурмат қилиш ҳамда плюралистик демократия ва қонун устунлигига асосланган жамиятни ривожлантириш улар Европада қарор топтиришга интилаётган мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик, адолат ва ҳамкорликнинг барқарор вазиятини яратишда тараққиётга эришишнинг зарур шарти эканлигига ўз ишончларини билдирадилар.

I

(1) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бошқарувнинг туб асосий мақсадларидан бири эканлигига ўз ишончларини ифода этадилар ҳамда бу ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этиш озодлик, адолат ва тинчлик асоси эканлигини тасдиқлайдилар.

(...)

V

(41) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига содиқликларини тасдиқлайдилар ва уларнинг Европада хавфсизлик

ва ҳамкорликка мутаносиб ёндашувнинг таркибий қисми сифатида муҳим эканлигини таъкидлайдилар (...)

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Бизнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишимиз ўзгармас эканлигини эълон қиламиз (...)

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

6. Биз, барча иштирок этувчи давлатларнинг умумий қадриятларимизга содиқликларини маъқуллаймиз. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, демократия ва қонун устунлигини ҳурмат қилиш, иқтисодий эркинлик, ижтимоий адолат ва атроф-муҳитга маъсулиятли муносабат бизнинг умумий мақсадларимиз ҳисобланади. Улар ўзгармасдир (...)

7. Биз Хельсинки Яқунловчи ҳужжати ва Париж хартиясида қайд қилинган, давлатларнинг бир-бири олдидаги ва ҳукуматларининг ўз халқлари олдидаги мажбуриятларини мужассамлаштирилган дастурамал принциплар ва умумий қадриятлар ўз кучини йўқотмаганлигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Улар ҳамжамиятимизнинг жамоавий виждонини ифода этади.

(...)

21. Бизнинг ёндашувимиз биринчи маротаба Яқунловчи ҳужжатда баён этилган ялпи қамровли хавфсизлик концепциясига асосланади.

Бу концепция тинчликни сақлаб туриш билан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ўртасида ўзаро алоқадорлик ўрнатади. У иқтисодий ва экологик бирдамлик билан давлатлараро тинчликсевар муносабатлар ҳамкорлигини боғлайди. Буларнинг ҳаммаси ўзаро қарама қарши туришни юмшатиш учун зарур эди ва бугунги кундаги ўзгаришлар жараёнини бошқариш учун долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ.

VI боб: Инсонийлик мезонлари

(2) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўла ҳурмат қилинишини таъминлашга қатъиятларини, қонунийлик асосида иш кўришни, демократик принципларни ҳаётга тадбиқ этишни ва шу муносабат билан демократик институтларни ташкил этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишни, шунингдек бутун жамият кўламида муросали муносабат принципларини ривожлантиришни ифода этади.

Будапешт 1994 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

14. Биз ЕХХК фаолиятининг барча турларида инсонийлик мезонларининг муҳим ролини тасдиқлаймиз. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, демократия ва қонун устунлигини ҳурмат қилиш ЕХХК минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликнинг муҳим қисми ҳисобланади. У ЕХХК фаолияти асосий мақсадларидан бири бўлиб қолиши керак. (...) Биз собиқ айирмачилик меросини бартараф этишда одамлар ўртасидаги алоқалар муҳимлигини таъкидлаймиз.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

2. Ялпи қамровли хавфсизлик концепцияси доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, қонун устунлиги ва демократик институтлар қатъий тарзда

можароларнинг олдини олишга ёрдам беради, тинчлик ва хавфсизлик асоси бўлиб хизмат қилади. Инсон ҳуқуқларини, шу жумладан озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш демократик фуқаролик жамиятининг тамал тоши ҳисобланади. Бу ҳуқуқларни менсимасликнинг жиддий тус олиши экстремизм, минтақавий беқарорлик ва можароларнинг сабабларидан бирига айланган (...)

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: II. Бизнинг умумий асосларимиз)

7. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва Хельсинки Яқунловчи ҳужжати, Париж хартияси ва ЕХХТ доирасида ўзимиз томонидан қабул қилинган барча бошқа ҳужжатларга тўла содиқлигимизни тасдиқлаймиз. Бу ҳужжатлар умумий мажбуриятларимизни мужассамлаштиради ва фаолиятимизнинг асоси ҳисобланади (...) Уларда иштирок этувчи давлатларнинг бир-бирлари ва улар ҳудудларидаги барча одамлар билан муомала қилишнинг аниқ нормалари ўрнатилган (...) Бу ҳужжатларни сидқидилдан бажариш давлатлар ўртасидаги, улар ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги, шунингдек ўзлари аъзо бўлган ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар учун ниҳоятда муҳимдир (...) Биз бу мажбуриятларга умумий ютуғимиз сифатида қараймиз (...)

(...)

9. Биз муносабатларимизни умумий ва ялпи қамровли хавфсизлик концепциясига мувофиқ, тенг ҳуқуқли шериклик, бирдамлик ва бағрикенглилик принципларига амал этган ҳолда қураимиз. Ҳар бир иштирокчи давлатнинг хавфсизлиги барча бошқаларнинг хавфсизлиги билан узвий боғлиқдир. Биз инсонийлик, иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий хавфсизлик мезонларига яхлит бутунлик сифатида қараймиз.

Порту 2002 йил (Вазирлар кенгаши учрашувининг декларацияси)

3.(...) Хавфсизлигимизга таҳдидларнинг хусусияти ўзгараётган шароитларда Ташкилотимиз бизнинг ялпи қамровли ёндашувимизнинг барча учта мезонини қамраб оладиган ва мустаҳкамлайдиган янги жавобларни ишлаб чиқиши керак. Бизнинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларимиз инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва қонун устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашга бўлган қатъиятимиз билан, шунингдек барча давлатларимизда барқарор ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

Маастрихт 2003 йил (I. ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш бўйича стратегияси; XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар)

4. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, демократия ва қонун устунлигини ҳурмат қилиш ЕХХТ томонидан қабул қилинган ялпи қамровли хавфсизлик концепциясида марказий ўринни эгаллайди. Мустаҳкам демократик институтлар ва қонун устунлиги таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Агар давлат бошқаруви бўш йўлга қўйилган бўлса, давлат барқарорликни мустаҳкамлайдиган демократик институтларнинг зарур даражада фаолият кўрсатишга қодирлигини таъминламаса, шунинг ўзи қатор таҳдидлар пайдо бўлиши учун қулай муҳит яратиши мумкин. Худди шунингдек, инсон ҳуқуқлари

ва асосий эркинликларини, жумладан озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларини мунтазам равишда бузиш қатор таҳдидлар пайдо бўлишини қўллаб-қувватлаши мумкин.

(...)

8. Бундай шароитларда ЕХХТнинг хавфсизликка ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, шунингдек инсоний мезонларни қамраб оладиган кенг қамровли ёндашуви ўз долзарблигини асло йўқотмаган ҳамда улар сақлаб турилиши ва янада мустаҳкамланишга муҳтождир.

9. (...) Можаролар кучайишига олиб келадиган бевосита сабаблар орқасида ҳалқаро ҳуқуқ қоидалари, ЕХХТнинг норма ва принципларига риоя этмаслик, шунингдек ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, шу жумладан инсонийлик мезонларига тааллуқли қатор омиллар туради.

Остона 2010 йил

1. Биз ЕХХТнинг 56 иштирок этувчи давлатлари ва ҳукуматларининг раҳбарлари келишилган принциплар, ўзаро мажбуриятлар ва умумий мақсадларга асосланган, Ванкувердан Владивостоккача бўлган Шимолий Атлантика ва ЕвроОсиё ҳамжамияти хавфсизлигининг эркин, демократик, умумий ва ажралмас ғоясига содиқлигимизни яна бир бор эълон қилиш учун ЕХХТнинг Истамбулдаги олий даражадаги аввалги Учрашувидан 11 йил ўтгандан сўнг Остонада тўпландик. Биз Хельсинки Яқунловчи ҳужжатининг 35 йиллиги ва янги Европа учун Париж хартиясининг 20 йиллигини нишонлар эканмиз, бу Ташкилот асосланган принципларнинг долзарблигини ва ўзимизнинг уларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз жиддий тараққиётга эришдик, лекин шу билан бирга ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик ва инсонийлик мезонлари, айниқса инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасида зиммамизга олган базавий принциплар ва мажбуриятлар ҳурмат қилиниши ва бажарилишини таъминлаш учун янада кўпроқ иш қилиш зарурлигини тан оламиз.

2. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига ҳамда ЕХХТ доирасида Хельсинки Яқунловчи ҳужжати, Париж хартияси, Европа хавфсизлиги хартиясидан бошлаб ўзимиз томонидан келишилган ЕХХТнинг барча ҳужжатларига тўла содиқлигимизни, шунингдек уларни сидқидилдан ва тўлиқ бажариш учун масъулиятимизни тасдиқлаймиз. Биз Яқунловчи ҳужжат асос солган ҳамда тинчликни сақлашни инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш билан, иқтисодий ва экологик ҳамкорликни давлатлараро тинчликсевар муносабатлар билан боғлайдиган ҳамкорлик, тенг ва ажралмас хавфсизликка асосланган ялпи қамровли концепцияга содиқлигимизни эълон қиламиз.

(...)

4. Бу нормалар, принциплар ва мажбуриятлар бизга собиқ ўзаро қарши туришни бартараф этишда тараққиётга эришиш ҳамда ЕХХТнинг бутун минтақасида демократия, тинчлик ва бирдамлик йўлидан янада олға силжиш имконини берди. Улар XXI асрда Хельсинки ва Парижда белгиланган барча халқларимиз манфаатларининг юксак мақсадларини амалга оширишдаги биргаликдаги ишимизда бундан буён ҳам мўлжал бўлиб хизмат қилиши керак. ЕХХТнинг бу ва барча бошқа ҳужжатлари барча иштирок этувчи давлатлар учун бир-бирлари билан ва ҳудудлардаги барча одамлар билан муомала қилишнинг аниқ нормаларини ўрнатади (...)

(...)

6. ЕХХТнинг инсон, иқтисодий-экологик ва ҳарбий-сиёсий мезонларига яхлит бутунлик сифатида қараладиган хавфсизлик масалаларига ялпи қамровли ва ҳамкорликка асосланган ёндашуви барқарорлигича қолади. Биз инсон шахси-га мансуб кадр-қиммат кенг қамровли хавфсизликнинг асосий унсурларидан би-ри эканлигига ишончимиз комил бўлгани ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эр-кинликлари ажралмас, уларни ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш энг биринчи мажбуриятимиз ҳисобланишини яна бир бор эълон қиламиз (...)

1.2 ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТИНИНГ БЕВОСИТА ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТИ СИФАТИДА

Москва 1991 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устунилигига тааллуқли масалалар халқаро хусусиятга эга эканлигини таъкидлайдилар, чунки бу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этиш халқаро тартиб асосларидан бирини ташкил этади. Улар ўзлари томонидан ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилган мажбуриятлари барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита манфаатли масала эканлигини ҳамда тегишли давлатларнинг мутлақ ички ишларига тааллуқли эмаслигини қатъий ва узил-кесил эълон қиладилар.

Лиссабон 1996 йил (XXI аср Европаси учун умумий ва ялпи қамровли хавфсизлик модели тўғрисидаги декларация)

5. Биз ЕХХТда давлатлар ўз фуқароларига ҳисоб беришлари ва Ташкилот доирасида ўз мажбуриятларини бажариш учун бир-бирлари олдида масъул эканликларини тан оламиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: II. Бизнинг умумий асосларисмиз)

7. (...) ЕХХТ доирасида қабул қилинган истисносиз барча мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи давлатга тенг равишда тааллуқлидир (...) Биз бу мажбуриятларга умумий ютуқларимиз сифатида қараймиз ва шунинг учун улар барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита ва қонуний манфаатли деб ҳисоблаймиз.

Остона 2010 йил

3. (...) Биз бундан буён ЕХХТ доирасида қабул қилинган истисносиз барча принциплар ва мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи давлатга тенг даражада тааллуқли эканлигини яна бир бор тасдиқлаймиз. (...) Биз бу мажбуриятларга умумий ютуқларимиз сифатида қараймиз ва шунинг учун улар барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита ва қонуний манфаатли деб ҳисоблаймиз.

6. (...) Биз бу мажбуриятларга умумий ютуқларимиз сифатида қараймиз ва шунинг учун улар барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита ва қонуний манфаатли деб ҳисоблаймиз (...)

2. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ

2.1 МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ВАЗИФАСИ

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларда амал қиладиган принциплар декларацияси — VII–X принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] (...) ўзаро муносабатларда бу ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳамиша ҳурмат қиладилар ҳамда биргаликда ва мустақил, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан уларни ҳамма томондан ва самарали ҳурмат қилиниши учун саъй-ҳаракатлар қиладилар.

(...)

(...) Ўзларининг суверен ҳуқуқларини, жумладан ўз қонунлари ва маъмурий қоидаларни ўрнатишни амалга оширишда ўзларининг халқаро ҳуқуққа доир юридик мажбуриятларини ҳисобга оладилар; улар, бундан ташқари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи ҳужжати қоидаларини зарур тарзда ҳисобга оладилар ва бажарадилар.

(...)

Юқорида қайд этилган барча принциплар биринчи даражали аҳамиятга эга ва, демак, уларнинг ҳар бири бошқасини ҳисобга олган ҳолда талқин этилишида бир хил ва сўзсиз қўлланилади.

Иштирок этувчи давлатлар бу принципларни ушбу Декларацияда қайд қилинганидек, тўла ҳурмат қилиш ҳамда ўзаро муносабатлари ва ҳамкорликларида ҳар бир иштирокчи давлатга мазкур принципларни ҳамма томондан ҳурмат қилиш ва қўллашдан келиб чиқадиган устуворликни таъминлаш учун бу принципларни барча жиҳатлари билан қўллашга бўлган қатъиятларини ифода этадилар.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар қуйидагилар бўйича ўз қатъиятларини ифода қиладилар.

(...)

Яқунловчи ҳужжатнинг барча қоидаларини изчил бажариш ва, жумладан, ўзаро муносабатларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимлари, шунингдек қўламлари, жўғрофий жойлашишлари ва иқтисодий ривожланиш даражаларидан қатъи назар ўзлари амал этишадиган Принциплар декларациясида қайд қилинган барча ўн принципни амалга оширадилар (...)

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар инсон шахсига мансуб бўлган қадр-қимматдан келиб чиқадиган ва унинг эркин ва тўла ривожланиши учун муҳим бўлган инсон

ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ҳамда самарали ривожлантириш ва Якунловчи ҳужжатга мувофиқ сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларидан қатъи назар барча иштирок этувчи давлатларда бу соҳада янада барқарор силжишга эришиш мақсадларида доимий ва сезиларли тараққиётни таъминлашга бўлган қатъиятларини таъкидлайдилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бурдамлик янги даври)

Биз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишимиз барқарорлигини эълон қиламиз. Биз ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли қоидаларига тўла риоя қиламиз ва уларни ривожлантираамиз.

Москва 1991 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар (...) ўзларининг инсонийлик мезонлари соҳасидаги барча мажбуриятларни бажариш ва улар билан боғлиқ ҳар қандай масалаларни шахсан ёки биргаликда, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликда тинч воситалар билан ҳал этишга бўлган қатъиятларини эълон қиладилар (...)

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

6. (...) Мажбуриятларимизга содиқлигимиз ЕХХКда иштирок этиш ва ҳамкорлик қилишимиз учун асосни таъминлаб, жамиятларимиз янада ривожланишининг гарови ҳисобланади.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: II. Бизнинг умумий асосларимиз)

7. Биз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва Хельсинки Якунловчи ҳужжати, Париж хартияси ва ЕХХТ доирасида ўзимиз томонидан қабул қилинган барча бошқа ҳужжатларга тўла содиқлигимизни тасдиқлаймиз. Бу ҳужжатлар умумий мажбуриятларимизни мужассамлаштиради ва фаолиятимизнинг асоси ҳисобланади (...) ЕХХТ доирасида қабул қилинган истисносиз барча мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи давлатга тенг равишда тааллуқлидир. Бу ҳужжатларни сидқидилдан бажариш давлатлар ўртасидаги, улар ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги, шунингдек ўзлари аъзо бўлган ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар учун ниҳоятда муҳимдир. Биз, бу мажбуриятларга умумий ютуқларимиз сифатида қараймиз ва шунинг учун улар барча иштирок этувчи давлатлар учун бевожита ва қонуний манфаатли деб ҳисоблаймиз.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: ЕХХТ самарадорлигини ошириш 19/06-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларга улар ўз қонунлари ва ҳуқуқий амалиётларини ЕХХТ мажбуриятлари билан солиштиришлари лозимлигини эслатади;

4. Иштирок этувчи давлатлар томонидан мавжуд мажбуриятларни амалга оширишларининг ҳозирги аҳволига тааллуқли бўлган баҳолашни маълумот учун қабул қилади ва, жумладан, улар томонидан ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларнинг самарали бажарилиши учун масъулият иштирок этувчи давлатларнинг зиммасида эканлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан ДИИХБ уларга ёрдам кўрсатиб, муҳим роль ўйнайди;

(...)

Остона 2010 йил

1. (...) Биз Хельсинки Яқунловчи ҳужжатининг 35 йиллиги ва янги Европа учун Париж хартиясининг 20 йиллигини нишонлар эканмиз, бу Ташкилот асосланган принципларнинг долзарблигини ва ўзимизнинг уларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз жиддий тараққиётга эришдик, лекин шу билан бирга ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик ва инсонийлик мезонлари, айниқса инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасида зиммамизга олган базавий принциплар ва мажбуриятлар ҳурмат қилиниши ва бажарилишини таъминлаш учун янада кўпроқ иш қилиш зарурлигини тан оламиз.

2. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига ҳамда ЕХХТ доирасида Хельсинки Яқунловчи ҳужжати, Париж хартияси, Европа хавфсизлиги хартиясидан бошлаб ўзимиз томонидан келишилган ЕХХТнинг барча ҳужжатларига тўла содиқлигимизни, шунингдек уларни сидқидилдан ва тўлиқ бажариш учун масъулиятимизни тасдиқлаймиз (...)

3. (...) Биз ЕХХТ доирасида истисносиз қабул қилинган барча принциплар ва мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи давлатга тенг даражада тааллуқли эканлигини тасдиқлаймиз ва уларни тўла ҳажмда бажариш учун фуқароларимизга ҳисоб беришимизни ва бир-биримиз олдида масъул эканлигимизни таъкидлаймиз. Биз бу мажбуриятларга умумий ютуғимиз сифатида қараймиз ва шунинг учун улар барча иштирок этувчи давлатларга бевосита ва қонуний манфаатли деб ҳисоблаймиз.

4. Бу нормалар, принциплар ва мажбуриятлар бизга собик қарама-қарши туришни бартараф этишда тараққиётга эришиш ва ЕХХТнинг бутун минтақасида демократия, тинчлик ва бирдамлик йўлидан янада олға силжиш имконини берди. Улар ХХІ асрда Хельсинки ва Парижда белгиланган барча халқларимиз манфаатларининг юксак мақсадларини амалга оширишдаги биргаликдаги ишимизда бундан буён ҳам мўлжал бўлиб хизмат қилиши керак. ЕХХТнинг бу ва барча бошқа ҳужжатлари барча иштирок этувчи давлатлар учун бир-бирлари билан ва ҳудудлардаги барча одамлар билан муомала қилишнинг аниқ нормаларини ўрнатади (...)

6. (...) Биз инсон шахсига мансуб кадр-қиммат кенг қамровли хавфсизликнинг асосий унсурларидан бири эканлигига ишончимиз комил бўлгани ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ажралмас эканлигини, уларни ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш энг биринчи мажбуриятимиз ҳисобланишини яна бир бор эълон қиламиз.

2.2 МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ УСУЛЛАРИ

2.2.1 Умумий қоидалар, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим фаолияти

Хельсинки 1975 йил (Кенгашдан сўнгги кейинги қадамлар)

Иштирок этувчи давлатлар,

(...)

1. Кенгашдан кейинги даврда Кенгашнинг Яқунловчи ҳужжати қоидаларини зарур тарзда ҳисобга олиш ва бажаришга бўлган ўз қатъиятларини эълон қиладилар:

(а) бундай саъй-ҳаракатлар учун тўғри келган барча ҳолларда бир тарафлама тартибда;

(б) бошқа иштирок этувчи давлатлар билан музокаралар йўли орқали икки тарафлама тартибда;

(с) иштирок этувчи давлатлар экспертларининг учрашувлари орқали, шунингдек БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, таълим, фан ва маданият соҳасида ҳамкорликка тааллуқли ҳолларда ЮНЕСКО каби мавжуд халқаро ташкилотлар доирасида кўп тарафлама тартибда;

2. Бундан кейин Кенгашда бошланган кўп томонлама жараёни давом эттиришга бўлган ўз қатъиятларини билдирадилар:

(а) Якунловчи ҳужжат ва Кенгаш томонидан белгилаб берилган вазифаларни ижроси тўғрисида чуқур фикр алмашишни ўтказиш орқали (...)

(...)

Мазкур Якунловчи ҳужжат матни ҳар бир иштирокчи давлатда эълон қилинади ва у буни тарқатади ҳамда матн билан иложи борица кенг танишиш имкониятини таъминлайди.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Улар яна бир бор бу принципларни тўла ҳурмат қилиш ва қўллаш юзасидан ўз қатъиятларини тасдиқлайдилар ва, тегишли равишда, барча чоралар билан қонунчилик бўйича ҳам, амалиётда ҳам принциплар таъсирчанлигини оширишга кўмаклашадилар. Улар қонунчиликда — ҳар бир мамлакатнинг амалиёти ва тартибига мувофиқ бўлган воситада — Якунловчи ҳужжатда баён этилган ўн принцип ўз ифодасини топиши бундай чоралардан бири бўларди деб ҳисоблайдилар.

(...)

Улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва бошқа тегишли халқаро ҳужжатларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ялпи ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича биргаликдаги ва мустақил саъй-ҳаракатларнинг алоҳида аҳамиятини тасдиқлайдилар; улар барча иштирок этувчи давлатларга бу халқаро ҳужжатларга мувофиқ равишда иш кўриш, ҳали буни қилмаган иштирок этувчи давлатларга эса бу ҳужжатларга қўшилиш имкониятини кўриб чиқиш даъвати билан муурожаат қиладилар.

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] инсон шахсига мансуб кадр-қимматлар ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўла ифода этиш учун жуда муҳим бўлган адолат унсурларига қуйидагилар тааллуқли эканлигини тантанали равишда баён қиладилар:

(...)

(5.21) иштирок этувчи давлатлар ўз зиммаларига олган халқаро мажбуриятларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва яхшироқ ҳурмат қилинишини таъминлашга оид ички чораларини тўлдириш учун алоҳида шахсларнинг халқаро органларда ҳуқуқий ҳимоя қилиш тартибини кўзда тутадиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли минтақавий ёки Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Европа конвенцияси ёки Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол каби универсал халқаро конвенцияларга қўшилиш масаласини кўриб чиқади.

Москва 1991 йил

(42) иштирок этувчи давлатлар

(42.1) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим туб аҳамиятга эга эканлигини ва шу муносабат билан ўз фуқароларига миллий қонунчиликларида ҳамда ўзлари қўшилган халқаро шартномаларда белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, шунингдек бу ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳурмат қилиш мажбурияти бўйича таълим берилиши ниҳоятда муҳимлигини тасдиқлайдилар;

(42.2) инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали таълим бериш тоқатсизлик, диний, ирқий ва этник хурофотлар ҳамда муросасизлик, шу жумладан рома, ксенофобия ва антисемитизмга нафрат билан қарашга қарши курашишга ёрдам беришини эътироф этадилар;

(42.3) барча даражадаги талабалар, айниқса ҳуқуқ, бошқарув ва ижтимоий фанларни ўрганаётган талабалар, шунингдек ҳарбий ва полиция ўқув муассасалари ҳамда давлат бошқаруви институтлари тингловчилари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув дастурлари, самарали ўқув режалари ва курсларини тайёрлаш билан машғул бўлган ваколатли органлар фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар;

(42.4) ўқитувчиларга ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари барча қоидалари тўғрисидаги ахборотларни тақдим этадилар;

(42.5) ташкилотлар ва ўқув муассасалари ўртасида миллий ва халқаро даражада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва айрибошлаш бўйича ҳамкорликни рағбатлантирадилар;

(42.6) кенгроқ маънодаги инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгаши каби халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидаги мавжуд тажриба, дастурлар ва ҳамкорлик шакллари ҳисобга олинишига интилади.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида инсон ҳуқуқлари мавзуси бўйича ўқув-маърифий фаолиятга ёрдамлашиш бўйича 11/05-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ бутун минтақасида ўқув-маърифий фаолият орқали инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ЕХХТда қабул қилинган ялпи хавфсизлик концепцияси мазмунида кўриб чиқилиши мумкинлигини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини янада тўлароқ таъминлашнинг ҳаётий муҳим шарти эканлигини, шунингдек муросалик ва камситмасликка ёрдам беришини таъкидлаб,

тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кенг қўламли ҳамкорлик, шу жумладан маслаҳатлашув, ҳамкорлик ва фаолиятни мувофиқлаштиришнинг алоҳида қимматини, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув-маърифий фаолиятда бир-бирларининг тажрибалари ва имкониятларидан қўлланиш натижа-сида келтирадиган фойдани эътироф этиб,

бошқа халқаро ташкилотларнинг савий-ҳарактларини, шу жумладан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича Умумжаҳон дастури, Европа Кенгашининг Демократик фуқаролик учун таълим бўйича дастури ва унинг ёшлар учун «Ҳамма турлича, ҳамма тенг» дастури, Европа Иттифоқининг «Демократия ва инсон ҳуқуқлари учун» Европа ташаббусини, шунингдек миллий даражада амалга оширилаётган дастурларни эътиборга олиб,

ДИИХБ ва ЕХХТ бошқа тузилмалари ва институтларининг ҳамда жойлардаги операцияларнинг иштирок этувчи давлатлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув-маърифий фаолиятига кўмаклашиш ишига ҳиссасини эътироф этиб,

ЕХХТнинг ЕХХТ минтақасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув-маърифий дастурларига кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштиришига, шунингдек Ташкилот томонидан иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим беришга тааллуқли миллий дастурларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашига содиқ бўлиб,

иштирок этувчи давлатларга фуқаролик жамиятини жалб этган ҳолда инсон шахси ажралмас кадр-қимматини ҳурмат қилишни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув-маърифий дастурларни тизимли амалга ошириш бўйича ишларни мустаҳкамлаш ҳамда ҳар қандай ижтимоий гуруҳга ва умуман жамиятга мансуб ҳар бир шахсга нисбатан инсон ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашни таклиф этади;

ЕХХТнинг бошқа халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳасида, айниқса ЕХХТ минтақасида ёшларга алоҳида эътибор берган ҳолда ўқув-маърифий фаолиятига кўмаклашиш мақсадида зарур чоралар кўриш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтиришга қарор қилади;

(...)

2.2.2 Мажбуриятларни бажаришнинг таҳлили

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: I. ЕХХК институтлари ва тузилмаларини мустаҳкамлаш)

(26) ЕХХК бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги муфассал таҳлил ЕХХК фаолиятида ҳамон муҳим аҳамият касб этади ва иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

(27) Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги таҳлиллар, бу ЕХХКнинг тегишли ҳужжатларида назарда тутилганидек, таҳлил бўйича конференцияларда ҳамда ДИИХБ ва МБМ шу мақсадда чакирадиган махсус кенгашларда (...) амалга оширилади.

(28) Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги бу таҳлиллар ҳамкорликдаги фаолият тарзида бўлиб, камровига кўра барча масалаларни ўз ичига олади ва айни вақтда аниқ муаммоларни кўриб чиқиш учун имконият яратади.

(29) Иштирок этувчи давлатларга ўзларининг бажариш тажрибаларини акс эттирувчи, шу муносабат билан дуч келган муаммоларга алоҳида эътибор берган ҳолда ҳисса қўшиш, шунингдек, бутун ЕХХК минтақаси доирасида мажбуриятларнинг бажарилиши масалаларига оид ўз фикрларини маълум қилиш таклиф этилади. Иштирок этувчи давлатларга кенгаш ўтказилишидан олдин ҳиссалари баён этилган материалларни тарқатиш тавсия этилади.

(30) Таҳлиллар муаммоларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳаракатларни белгилаш имконини бериши керак. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги таҳлил келтириладиган кенгашлар ЮЛШКнинг эътиборини, уларнинг фикрларига, мажбуриятларнинг бажарилишини яхшилаш борасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлган чора-тадбирларга оид ҳар қандай таклифга қаратиши мумкин.

Будапешт 1994 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

14 (...) ЕХХҚда энг бошиданок ҳал қилувчи ролни ўйнайдиган инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларимиз бажарилишининг даврий таҳлили алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар. VIII. Инсонийлик мезонлари)

5. 1992 йилги Хельсинки ҳужжатида мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиш учун кўзда тутилган тузилмаларни ривожлантира бориб, шунингдек, инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини такомиллаштиришга ҳаракат қилиб, иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари масалаларида кенгроқ мулоқот олиб боришга ва мажбуриятлар бажарилмай қолган тақдирда лозим бўлган чораларни кўриш учун Доимий кенгашдан фойдаланадилар. Бу мақсадда иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари масалалари мунтазам равишда Доимий кенгашда кўриб чиқиладди, деб қарор қилдилар. Улар ўз ҳудудларидаги инсонийлик мезонлари масалаларини ўрганиш ва бу масалаларнинг ҳал қилинишига қўмаклашиш учун Москва механизми томонидан тақдим қилинадиган имкониятлардан кенг фойдаланадилар.

6. Улар амалдаги Раисни инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар бажарилмаган жиддий ҳоллар тўғрисида келган хабарлардан, шу жумладан ДИИХБ маълумотлари, Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар(ОМОК)нинг маърузалари ва тавсиялари ёки ЕХХҚ миссиялари раҳбарларининг маърузалари асосида, шунингдек, тегишли давлатдан келаётган ахборотдан Доимий кенгашни хабардор қилишга қақирадилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

14. (...) биз шахсий тартибда зиммамизга олган мажбуриятларни тўлиқ бажариш истагимизни тасдиқлаймиз. Биз, шунингдек, ЕХХТ принципларини ҳимоя қилиш учун биргаликда масъулмиз (...) Биз ижро масалаларини доимий асосда кўриб чиқишда бирдамлик ва шериклик руҳида ҳамкорлик қиламиз.(...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Маслаҳатлашув жараёнларини такомиллаштириш 17/06-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Доимий кенгашнинг норасмий ёрдамчи органлари сифатида қуйидаги қўмиталарни таъсис этишга қарор қилади:

(...)

Инсонийлик мезонлари бўйича қўмита, у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Инсонийлик мезонлари масалаларини шу жумладан, иштирок этувчи давлатлар мажбуриятлари ижросини муҳокама этади;
- Инсонийлик мезонлари соҳасидаги ижро бўйича ва инсонийлик мезонлари соҳасида бошқа кенгашларни тайёрлашни қўллаб-қувватлайди;
- Раислик қилувчининг илтимоси бўйича иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашув асосида турли мезонлар соҳасидаги масалаларни инсонийлик мезонлари билан аниқ боғлиқ ҳолда кўриб чиқади;

- Доимий кенгашга иш дастурлари тўғрисидаги, шу жумладан инсонийлик мезонлари соҳасидаги кенгашлар тавсияларига доир бундан кейинги ҳаракатлар бўйича тавсияларни муҳокама этади;

шунингдек қарор қилади:

ҳар йил бошида Раислик қилувчи иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашув асосида юқорида қайд қилинган қўмиталар вазифаларига бундан кейин аниқлик киритади ҳамда Ташкилотнинг мақсад ва устуворликларини акс эттирадиган, шунингдек кўриб чиқиладиган кенг қўламли масалаларни қамраб олишни таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда иш дастурини белгилайди.

(...)

Юқорида қайд этилган қўмиталар норасмий тарзда учрашадилар ҳамда ҳисоб бердилар, таклиф ва тавсияларни билдирадилар, Тайёргарлик кўриш қўмитаси доирасида Доимий кенгаш учун тегишли қарорлар тайёрлайдилар. ЕХХТ Тартиб қодаларининг тегишли моддалари, жумладан V(A) бўлими қўмита ишида қўлланилади.

(...)

Ҳар бир қўмита, коида бўйича, ойига камида бир марта тўпланади. Раислик қилувчи ёки қўмита раиси ташаббуси бўйича ёхуд бир ёки бундан кўпроқ иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра ҳар бир қўмита маслаҳатлашув ёки Доимий кенгаш қарорларини тайёрлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда, талаб этилган вақтда тўпланиши мумкин. Раислик қилувчи ва қўмиталарнинг раислари норасмий ёрдамчи органлар мажлисларини бир вақтда ўтказмасликка ҳаракат қиладилар.

Қўмиталар масалаларни Раислик қилувчи, Доимий кенгаш ёки битта ёхуд бундан кўп иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

ЕХХТнинг Тартиб қодалари V(A) бўлими 6–9-бандлари янги таъсис этилган уч қўмитанинг мажлисларида иштирок этишга нисбатан Тайёргарлик кўриш қўмитасининг мажлисларида иштирок этишга нисбатан қўлланиладиган тарзда қўлланилади.

ЕХХТнинг Котибияти қўмиталар ишини қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Мазкур қарор 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб бир йил давомида қўлланилади. Бу қарор Доимий кенгаш томонидан 2007 йилнинг охирида янги тартибда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда муддатини узайтириш имконияти тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида кўриб чиқилади.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: ЕХХТ самарадорлигини ошириш 19/06-қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

2. ДИИХБ ўз мандатини амалга ошириш давомида иштирок этувчи давлатларга уларнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини бажаришларига ёрдам кўрсатиш бўйича ўз имкониятларини намойиш этди;

3. Иштирок этувчи давлатларга улар ўз конунчиликлари ва ҳуқуқий амалиётларини ЕХХТ мажбуриятлари билан солиштиришлари лозимлигини эслатади;

4. Иштирок этувчи давлатлар томонидан мавжуд мажбуриятлар амалга оширилиши боришининг ҳозирги аҳволига доир баҳони маълумот учун қабул қилади ва жумладан иштирок этувчи давлатларнинг ЕХХТ доирасида зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришлари учун маъсулият уларнинг ўз зиммасида эканлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан ДИИХБ уларга ёрдам кўрсатиб, муҳим роль ўйнайди;

5. ДИИХБ ва ЕХХТнинг бошқа тегишли институтлари тавсияларини эътиборга олган ҳолда Доимий кенгашга мазкур маърузада қайд қилинган мажбуриятларни бажариш муаммосига ДИИХБ ёрдамидан янада самарали фойдаланишни назарда тутган ҳолда эътиборга олишни топширади;

(...)

2.2.3 Сайловларни кузатиш

Копенгаген 1990 йил

(8) Иштирок этувчи давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар ЕХХКда иштирок этувчи ҳар қандай бошқа давлатдан ҳамда қандай тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов боришини кузатиш учун таклиф қиладилар. Худди шунингдек, улар умуммиллий даражадан пастроқ даражада ўтказиладиган сайлов жараёнларида иштирок этиш учун ҳам кўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар ўз зиммаларига сайлов жараёнига аралашмаслик мажбуриятини оладилар.

(...)

(12) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХК Вена Якунловчи ҳужжатининг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги бўлимида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш борасида кенг шаффофликни таъминлаш мақсадида, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқда кўзда тутилганидек, иштирок этувчи давлатлар юборадиган кузатувчиларнинг ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг суд процессларида ҳозир бўлишини ишончни мустаҳкамлаш чораси сифатида қабул қиладилар; бунда шундай тушуниладики, суд процесслари фақат қонун талаб қиладиган ҳолатлар мавжудлигида ҳамда халқаро ҳуқуқ ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўлгандагина ёпиқ (in camera) бўлиши мумкин.

2.2.4 Инсонийлик мезонлари механизмлари ва мазкур соҳага алоқадор бўлган бошқа механизмлар

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

14. (...) Биз шахсий тартибда ўзимиз томонидан қабул қилинган мажбуриятларни тўла бажариш истагимизни тасдиқлаймиз. Биз шунингдек ЕХХТ принципларини ҳимоя қилиш учун биргаликда масъулмиз. Биз (...) ЕХХТда мавжуд бўлган воситалар ва механизмлардан фойдаланишга тайёرمиз (...) Биз мажбуриятларни бажариш масалаларини қараб чиқишда доимийлик асосида бирдамлик ва шериклик руҳида ҳамкорлик қиламиз.

А. Вена механизми

Вена 1989 йил (ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар,

ЕХХК Якунловчи ҳужжати ва бошқа ҳужжатлари бўйича зиммаларига юклатилган инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш,

одамлар ўртасидаги муносабатлар ва шу билан боғлиқ бошқа гуманитар тусдаги масалаларга оид мажбуриятлар ҳақида ёдда тутиб,

ЕХХҚ бўйича барча мажбуриятлар бажарилиши ва қуйида ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари деб аталадиган ушбу соҳаларда ўз ҳамкорлигини яхшилаш зарурлигини эътироф этиб,

ЕХХҚ Якунловчи ҳужжати ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларнинг принциплари ва қоидалари асосида қуйидагиларга қарор қилдилар:

1. ЕХХҚнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли масалалар юзасидан ахборот алмашиш ҳамда бошқа иштирок этувчи давлатлар томонидан берилган ахборот тўғрисидаги сўровномаларга ва тақдимномаларга жавоб қайтариш. Бундай мурожаатлар дипломатик каналлар орқали юборилиши ёки шу мақсадларга тайинланган ҳар қандай органга йўналтирилиши мумкин;

2. ЕХХҚ инсонийлик мезонларига тааллуқли масалани ўрганиш мақсадида бошқа иштирок этувчи давлатлар билан, улар башарти улар шуни хоҳласа, икки томонлама учрашувлар ўтказиш, бундай мурожаатлар дипломатик каналлар орқали юборилиши ёки шу мақсадларда тайинланган ҳар қандай органга йўналтирилиши мумкин.

3. ҳар қандай иштирок этувчи давлат, башарти у буни зарур деб ҳисобласа, ЕХХҚнинг инсонийлик мезонларига оид ҳодиса ва воқеаларга, шу жумладан 2-бандда назарда тутилган икки томонлама учрашувларда кўтарилган масалаларга бошқа иштирок этувчи давлатларнинг эътиборини жалб қилиши мумкин;

4. ҳар қандай иштирок этувчи давлат, башарти у буни зарур деб ҳисобласа, ахборот алмашуви ва унинг ахборотга оид сўровномаларига ҳамда тақдимномаларга жавоблар (1-банд) тўғрисидаги ва икки томонлама учрашувлар натижалари (2-банд) тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан ҳодисалар ва муайян воқеаларига оид ахборотни Инсонийлик мезонлари бўйича конференция кенгашларида, шунингдек ЕХХҚнинг келгуси асосий учрашувларида тақдим этиши мумкин.

(...)

Копенгаген 1990 йил

(42) Иштирок этувчи давлатлар Вена Якунловчи ҳужжатининг ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари ҳақидаги бўлими 1–4-бандларида белгилаб қўйилганидек, тартиботлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигини эътироф этадилар ва шу мақсадда шундай қарорга келдилар:

(42.1) иложи борица қисқа муддатларда, лекин тўрт ҳафтадан кечиктирмасдан, уларга бошқа иштирок этувчи давлатлар томонидан 1-бандга мувофиқ ёзма шаклда ахборот тўғрисида берилган сўровномаларга ва тақдимномаларга ёзма жавоблар бериш;

(42.2) 2-бандда назарда тутилган икки томонлама учрашувлар имкони борица тезроқ, одатда, сўровнома тақдим этилган кундан бошлаб уч ҳафта мобайнида ўтказилади;

(42.3) 2-бандга мувофиқ ўтказиладиган икки томонлама учрашувлар борасида, башарти фақат ҳар иккала томон шу ҳақда келишиб олмаса, бундай учрашувлар предмети билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар ва ҳоллар ҳақидаги масалани қўйишдан ўзини тийиш.

В. Москва механизми

Москва 1991 йил (Муқаддима ва I боб — 1993 йилда Римдаги учрашувда киритилган ўзгартиришлар билан)

Вена Яқуний ҳужжатининг ЕХХҚнинг инсонийлик мезонларига бағишланган бўлимида баён қилинган инсонийлик мезонлари механизмини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, шунингдек ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференция Копенгаген Кенгаши ҳужжатида мавжуд бўлган мажбуриятларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни қабул қиладилар:

(...)

(1) Иштирок этувчи давлатлар шуни таъкидлайдиларки, Вена Яқуний ҳужжатининг ЕХХҚнинг инсонийлик мезонларига бағишланган бўлимининг 1–4-бандларида баён қилинган инсонийлик мезонлари механизми ЕХХҚ жараёнининг мулоқот ва ҳамкорлик, шунингдек, бу соҳага тегишли аниқ масалаларни ҳал этишга қўмаклашиш йўли билан инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устунлигининг янада кўпроқ ҳурмат қилинишини таъминловчи восита сифатидаги ўз қимматини исботлаган муҳим ютуғи ҳисобланади. ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари бажарилишини янада яхшилаш мақсадида улар ушбу механизмнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уни қуйидаги бандларда баён қилинган тарзда мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга қарор қиладилар.

(2) Иштирок этувчи давлатлар Копенгаген Ҳужжатининг 42.1 ва 42.2-бандларига уларнинг ўзларига бошқа иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари механизмнинг 1-бандига мувофиқ мурожаат этиши мумкин бўлган ахборотлар ва тақдимотлар ҳақидаги сўровномаларга иложи борица қисқа муддатда, бироқ ўн кундан кечиктирмасдан ёзма жавоб беришига доир ўзгартиришлар киритадилар. Инсонийлик мезонлари механизмнинг 2-бандида сўз борадиган икки томонлама учрашувлар имкони борица қисқа муддатда, одатда, сўровнома олинганидан сўнг бир ҳафта давомида ўтказилади.

(3) ЕХХҚ институтида¹ ҳар бир иштирок этувчи давлатдан учтагача экспертни ўз ичига оладиган номзодлар рўйхати пайсалга солмасдан тузилади. Таниқли мутахассислар, иложи борица инсонийлик мезонлари соҳасида тажрибага эга бўлган ва ўз вазифаларини беғараз тарзда бажара оладиган мутахассислар эксперт бўлиши лозим.

Тайинловчи давлатнинг хоҳишига қараб экспертлар уч йилдан олти йилгача бўлган муддатга тайинланади. Бунда ҳеч бир эксперт ўз вазифаларини қаторасига икки муддатдан ортиқ вақт бажариши мумкин эмас. ЕХХҚ институтининг тайинлаш ҳақидаги хабарномадан сўнг тўрт ҳафта мобайнида ҳар қандай иштирок этувчи давлат бошқа иштирок этувчи давлатнинг тайинлаши лозим бўлган кўпи билан икки нафар экспертига нисбатан мулоҳаза билдириши мумкин. Бундай ҳолда тайинловчи давлат бундай мулоҳазалар ҳақида хабарнома берилган вақтдан бошлаб тўрт ҳафта давомида ўз қарорини қайта кўриб чиқиши ва бошқа экспертни ёки экспертларни тайинлаши мумкин; агар у дастлаб мўлжалланган тайинловни тасдиқласа, унда тегишли эксперт мулоҳаза билдирган давлатнинг

¹ Бундай институтга тааллуқли қарор Кенгаш томонидан қабул қилинади.

бевосита розилигисиз бу давлатга нисбатан бўладиган қандайдир қоида-русумларда иштирок қилиши мумкин бўлмайди.

Номзодлар рўйхатидан фойдаланиш 45 нафар эксперт тайинланганидан кейин бошланади.

(4) Иштирок этувчи давлат ЕХХК инсонийлик мезонларига тааллуқли масалаларнинг ўз ҳудудида кўриб чиқилиши ёки ҳал қилинишига кўмаклашиш учун уч нафар экспертдан иборат таркибда ЕХХК миссиясининг ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда давлат номзодлар рўйхатидан тегишли шахсни ёки шахсларни танлайди. Бундай иштирок этувчи давлатнинг ўз фуқаролари ёки резидентлари, улар номзодлар рўйхатига таклиф қилган ҳар қандай муайян давлатнинг шахслари ёхуд бир кишидан ортиқ фуқароси ёки резиденти экспертлар миссиясига киритилиши мумкин эмас.

Таклиф этувчи давлат ЕХХК институтини экспертлар миссияси ташкил қилинганлиги ҳақида пайсалга солмасдан хабардор қилади, ўз навбатида институт ҳам барча иштирок этувчи давлатларни хабардор қилади. ЕХХК институтлари ҳам зарур ҳолларда бундай миссияни лозим даражада қўллаб-қувватлайди.

(5) Экспертлар миссиясининг мақсади ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тегишли муайян масала ёки муаммонинг ҳал этилишига кўмаклашишдан иборатдир. Бундай миссия унинг вазифалари бажарилиши учун зарур бўлган ахборотларни йиғиши ҳамда зарур ҳолларда манфаатдор тарафлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликка кўмаклашиш учун яхши ниятли воситачилик хизматларидан фойдаланиши мумкин. Тегишли давлат миссия билан унинг ваколатларини аниқ келишиб олади ва шу тариқа экспертлар миссиясига ЕХХК мажбуриятларининг риоя қилинишига кўмаклашиш йўллари ҳамда воситаларини тавсия этиш мақсадида ҳар қандай кўшимча вазифаларни бажариш, шу жумладан, фактларни аниқлаш ва маслаҳатчилик хизмати кўрсатиш вазифасини юклаши мумкин.

(6) Таклиф этувчи давлат экспертлар миссияси билан тўлиқ даражада ҳамкорлик қилади ва унинг ишини енгиллаштиради. У миссиянинг ўз вазифаларини мустақил амалга ошириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратади. У, шу жумладан, миссияга ўз вазифаларини бажариш учун ўз ҳудудига кириб келиши, у ерда муҳокамалар ўтказиши ва бу ҳудудда эркин айланиб юриши, мансабдор шахслар, ноҳукумат ташкилотлари ва ахборот олишни хоҳлаган ҳар қандай гуруҳлар ёки шахслар билан монеликсиз учрашиши учун пайсалга солмасдан имконият яратади. Шунингдек, миссия ўзи кўриб чиқаётган масалалар юзасидан ҳар қандай шахс, гуруҳ ёки ташкилотдан махфий равишда ахборот олиши мумкин. Бундай миссия аъзолари ўз вазифасининг махфийлигига риоя этади.

Иштирок этувчи давлатлар, шахслар, ташкилотлар ёки институтлар экспертлар миссияси билан алоқада бўлганлиги ёхуд унга ҳар қандай очик ахборотни берганлиги учун уларга қарши ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзларини тиядилар. Таклиф этувчи давлат миссия ўз ишини енгиллаштириш ёки ўз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур деб топган ҳолда миссия экспертларига бу давлатнинг мансабдор шахслари ҳамроҳлик қилишларига доир ҳар қандай илтимосларини бажаради.

(7) Миссия экспертлари ўз мулоҳозаларини таклиф этувчи давлатга иложи борица тезроқ, имконият даражасида миссия ташкил этилгандан сўнг уч ҳафта давомида тақдим этади. Таклиф этувчи давлат миссия мулоҳазаларини тақдим этилгандан кейин икки ҳафтадан кечиктирмасдан бошқа иштирок этувчи давлатларга

миссия мулоҳазаларини ЕХХК институти орқали бу масала юзасидан қабул қилинган ёки қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳар қандай чоралар тўғрисидаги мулоҳазалар билан бирга юборади.

Бундай мулоҳазалар ва таклиф этувчи давлатнинг ҳар қандай фикрлари шундан кейин бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳақидаги масалани кўриб чиқиши мумкин бўлган Юқори мансабдор шахслар кўмитаси томонидан муҳокама қилиниши мумкин. Мулоҳазалар ва фикрларнинг махфийлиги то улар юқори лавозимли шахслар эътиборига ҳавола қилингунига қадар сақлаб қолинади. Мулоҳазалар ва ҳар қандай фикрлар тарқатилгунига қадар ушбу масала юзасидан бошқа экспертлар миссияси тайинланиши мумкин эмас.

(8) Бундан ташқари, инсонийлик мезонлари механизмнинг 1- ёки 2-бандини амалга оширган бир ёки бир неча иштирок этувчи давлат ЕХХК институтидан унинг бошқа иштирок этувчи давлатдан ўз ҳудудида ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли аниқ белгиланган муайян масалани кўриб чиқиш учун экспертлар миссиясини таклиф қилишга розилигини аниқлаб беришни сўраши мумкин. Агар бошқа иштирок этувчи давлат мазкур мақсад учун экспертлар миссиясини таклиф қилишга рози бўлса, унда 4–7-бандларда баён қилинган русум-қоидалар қўлланилади.

(9) Агар 8-бандга мувофиқ қайсидир иштирок этувчи давлат (а) бошқа иштирок этувчи давлатга сўровнома юборган бўлса ва бу давлат сўровномани олгандан сўнг ўн кун мобайнида экспертлар миссиясини ташкил қилмаса ёки (б) кўриб чиқилаётган масала экспертлар миссиясини юбориш натижасида ҳал қилинмади деб ҳисобласа, у бошқа иштирок этувчи давлатларнинг камида бештаси ёрдамида ЕХХКнинг учта маърузачисигача бўлган таркибдаги миссияни шакллантиришга киришиши мумкин. Бундай қарор ЕХХК институтига юборилади, институт тегишли давлатни, шунингдек, бошқа барча иштирок этувчи давлатларни пайсалга солмасдан хабардор қилади.

(10) Сўровнома юбуровчи давлат ёки давлатлар ЕХХК маърузачиси вазифаларини бажариш учун номзодлар рўйхатидан бир кишини тайинлаши мумкин. Сўровномани олувчи давлат, агар у институтнинг ЕХХК маърузачиси тайинлангани ҳақидаги хабарномасини олгандан сўнг олти кун давомида шундай қарор қабул қилса, номзодлар рўйхатидан яна бир маърузачини тайинлаши мумкин. Бундай ҳолда ҳар иккала тайинланган маърузачи тегишли давлатлардан ҳеч бирининг фуқаролари ёки резидентлари, шунингдек, бундай давлатларнинг учинчи маърузачи номзодлари рўйхатига таклиф қилинган шахслари бўлиши мумкин эмас бўлган. Агар улар саккиз кун давомида келишувга кела олишмаса, тегишли давлатлардан ҳеч бирининг фуқаролари ёки резидентлари, шунингдек, бундай давлатларнинг маърузачи номзодлари рўйхатига таклиф қилинган шахслари учинчи бўлиши мумкин бўлмаган учинчи маърузачи Кенгаш тайинлаган ЕХХК органининг олий мансабдор шахси томонидан номзодлар рўйхатидан тайинланади. 4-банднинг иккинчи қисми ва бутун 6-банд қоидалари маърузачилар миссиясига нисбатан ҳам қўлланилади.

(11) ЕХХК маърузачиси (маърузачилари) фактларни аниқлайди, улар юзасидан маъруза тайёрлайди ва қўтарилган масала бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларга доир тавсияларни беради. Маърузачи (маърузачилар) нинг фактлар баёнини ўз ичига олган маърузаси, таклифлари ёки тавсиялари тегишли иштирок этувчи давлатга ёки тегишли иштирок этувчи давлатларга ва, башарти,

барча тегишли давлатлар бошқа нарса тўғрисида келишиб олишмаса, ЕХХК институтига кейинги маърузачи тайинланганидан сўнг уч ҳафтадан кечиктирмасдан тақдим қилинади. Сўровномани олувчи давлат, башарти барча тегишли давлатлар бошқа нарса тўғрисида келишиб олишмаса, ЕХХК институтига маъруза юзасидан ҳар қандай мулоҳазаларини маъруза тақдим қилинганидан сўнг уч ҳафтадан кечиктирмасдан тақдим этади.

ЕХХК институти маърузани, шунингдек, сўровномани олувчи давлат ёки ҳар қандай бошқа иштирок этувчи давлатнинг ҳар қандай мулоҳазаларини барча иштирок этувчи давлатларга пайсалга солмасдан юборади. Маъруза ҳақидаги масала ҳар қандай келгуси ҳаракатлар ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин бўлган Юқори лавозимли шахслар қўмитасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши мумкин. Маърузанинг махфийлиги қўмитанинг ушбу мажлиси тугагунига қадар сақлаб қолинади. Маъруза тарқатилгунига қадар ушбу масала юзасидан бошқа маърузачилар тайинланиши мумкин эмас.

(12) Агар қайсидир иштирок этувчи давлат бошқа иштирок этувчи давлатда ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли қоидаларнинг бажарилиши алоҳида жиддий хавф остида қолган деб ҳисобласа, у бошқа иштирок этувчи давлатларнинг камида тўққизтаси ёрдамида 10-бандда белгиланган русум-қоидалардан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда 11-банднинг қоидалари қўлланилади.

(13) Ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг илтимосига кўра Юқори мансабдор шахслар қўмитаси ЕХХК экспертлари ёки маърузачилари миссиясини ташкил этиш ҳақида қарор қилиши мумкин. Бундай ҳолда қўмита бундан олдинги бандларнинг тегишли қоидалари қўлланилиши мумкин ёки йўқлигини ҳам белгилайди.

(14) ЕХХК экспертлари ёки маърузачилари миссиясининг ташкил этилиши ҳақида илтимос билан мурожаат қилган иштирок этувчи давлат ёки иштирок этувчи давлатлар ушбу миссиянинг харажатларини тўлайди. Юқори лавозимли шахслар қўмитасининг қарорини ижро этиш юзасидан экспертлар ёки маърузачилар тайинланганида харажатлар иштирок этувчи давлатлар томонидан харажатларни тақсимлашнинг оддий шкаласига мувофиқ тўланади. Бундай русум-қоидалар таҳлили Хельсинки учрашувида ЕХХКнинг бундан кейинги режалари доирасида амалга оширилади.

(15) Юқорида баён қилинганларнинг ҳеч бири иштирок этувчи давлатларнинг ЕХХК жараёни доирасида ЕХХКнинг ҳар қандай мажбуриятлари, шу жумладан ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли ҳар қандай мажбуриятларнинг бажарилишига доир ҳар қандай масалаларни кўтариш ҳуқуқига дахлдор бўлмайди.

(16) Қайсидир бир шахсга нисбатан 9- ва 10- ёки 12-бандларда баён қилинган тартиботни қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда иштирок этувчи давлатлар бундай шахснинг иши шунгача қайсидир халқаро суд русум-қоидалари доирасида кўриб чиқиладигани ёки йўқлигини лозим даражада аниқлаб олиши керак.

Прага 1992 йил (ЕХХК институтлари ва тузилмаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжат: III. Инсонийлик мезонлари)

14. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро ЕХХК институти сифатида хизмат қилишга даъват этилган, унга ЕХХКнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг Ҳужжатиға мувофиқ экспертлар ва маърузачилар миссиялари билан боғлиқ вазифалар топширилади.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

(5) ЮЛШҚ умумий раҳбарлигида иш юритиб (...) ДИИХБ инсонийлик мезонлари соҳасидаги бош институт сифатида қуйидагиларни амалга оширади:

(5а) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан кузатишда қуйидаги йўсинда ёрдам кўрсатиш:

- Вена учрашуви Якуний ҳужжатида баён этилганидек, Инсонийлик мезонлари механизмининг 3-бўлими 2-бандига мувофиқ икки томонлама учрашувларни ўтказиш жойи сифатида, 3-бандига мувофиқ ахборот алмашиш канали сифатида иш кўриб;

(...)

(5b) ахборот маркази сифатида қуйидаги ҳолларда иш кўради:

- Инсонийлик мезонлари бўйича конференциянинг Москва кенгаши ҳужжатининг 28.10-бандига назарда тутилганидек, фавқулудда ҳолатларга дахлдор бўлганда;

(...)

(7) Иштирок этувчи давлатлар Инсонийлик мезонлари механизмини ЕХХҚнинг мавжуд тузилмалари ва институтлари билан мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги қарорни қабул қиладилар:

Иштирок этувчи давлатларнинг ҳар қайсиси, агар у бунга зарур деб топса, 2-бандга мувофиқ икки томонлама учрашувларни ўтказиш жойи ҳисобланиши мумкин бўлган ДИИХБ орқали ёки дипломатик йўллар орқали Вена учрашуви Якуний ҳужжатининг «ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари» деб номланган боби 1- ёки 2-бандлари бўйича талаб мавзуси бўлган вазиятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги ёки бу русум-қоидаларнинг натижалари ҳақидаги ахборотни иштирок этувчи давлатларга тақдим этиши мумкин. Бундай ахборот ЮЛШҚ учрашувларида, инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир йиғилишларда, таҳлилга оид конференцияларда муҳокама қилиниши мумкин

(...)

Инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгаш

(8) Экспертлар ва маърузачиларнинг Инсонийлик мезонлари механизми доирасидаги миссияларини қоплашга доир тартиботлар таҳлил бўйича навбатдаги конференцияда тўпланган тажриба асосида кўриб чиқилиши мумкин.

(9) Таҳлил бўйича конференциялар ўтказилмайдиган йили ДИИХБ ўз қароргоҳида иштирок этувчи давлатлар экспертлари даражасида ЕХХҚ бўйича инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиш учун уч ҳафталик кенгашларни ташкил этади. Бу кенгаш қуйидаги вазифаларни бажаради:

(9а) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида, бунга Инсонийлик мезонлари механизмнинг 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ахборотни ҳам қўшган ҳолда, муфассал фикр алмашувни ўтказиши (...)

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

5. 1992 йилги Хельсинки ҳужжатида мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиш учун кўзда тутилган тузилмаларни ривожлантира бориб, шунингдек, инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини

такомиллаштиришга ҳаракат қилиб, иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари масалаларида кенгроқ мулоқот олиб боришга ва мажбуриятлар бажарилмай қолган тақдирда лозим бўлган чораларни кўриш учун Доимий кенгашдан фойдаланадилар. Бу мақсадда иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари масалалари мунтазам равишда Доимий кенгашда кўриб чиқилади, деб қарор қилдилар. Улар ўз ҳудудларидаги инсонийлик мезонлари масалаларини ўрганиш ва бу масалаларнинг ҳал қилинишига кўмаклашиш учун Москва механизми томонидан тақдим қилинадиган имкониятлардан кенг фойдаланадилар.

6. Улар амалдаги Раисни инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар бажарилмаган жиддий ҳоллар тўғрисида келган хабарлардан, шу жумладан ДИИХБ маълумотлари, Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК)нинг маърузалари ва тавсиялари ёки ЕХХК миссиялари раҳбарларининг маърузалари асосида, шунингдек, тегишли давлатдан келаётган ахборотдан Доимий кенгашни хабардор қилишга чақирадилар.

С. Аксилтеррористик тармоқ

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг террорга қарши тармоғи тўғрисидаги низом 6/03-сон қарори)

Вазирлар маҳкамаси,

ЕХХТ мазкур Қарорга иловада келтирилган Аксилтеррористик тармоқ тўғрисидаги низомга мувофиқ Аксилтеррористик тармоқ (АТТ) ташкил этишга қарор қилади.

(6/03-сон Қарорга илова: ЕХХТнинг Аксилтеррористик тармоқ тўғрисидаги низоми)

ЕХХТ Аксилтеррористик тармоғи(АТТ)нинг асосий вазифаси террорга қарши чораларни мувофиқлаштиришни ва ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўртасида ахборот айрибошлашни яхшилашга ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жумладан, у иштирок этувчи давлатларнинг делегациялари, давлатлар пойтахтларида террорга қарши фаолият учун масъул бўлган мансабдор шахслар ва ЕХХТнинг Аксилтеррористик бўлинмалари (АТБ) ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашга даъват этилган. Тармоқ терроризм билан курашиш дастурлари тўғрисида, кадрлар тайёрлаш ҳамда ЕХХТ ва иштирок этувчи давлатлар ташаббуси билан амалга ошириладиган ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида ахборот айрибошлашни, шунингдек очик манбалар орқали олинган терроризм соҳасидаги маълумот манбаларини таҳлил этишни енгиллаштиради. Асосий эътибор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1373 резолюциясини бажариш юзасидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Аксилтеррористик кўмитасини¹ қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини тўлдиришга қаратилади АТТ разведка ёки бошқа муҳим ахборотларни етказиб

1 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аксилтеррористик кўмитаси ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида ташкил этилган бундай минтакавий тармоқларни қўллаб-қувватлайди. Терроризм билан курашиш бўйича Америкалараро кўмитанинг (ТҚАҚ) Котибияти Америка давлатлари ташкилоти доирасида ғарбий ярим шарни камраб олган миллий алоқа нукталарининг минтакавий тармоғини ташкил этган. АТБ ЕХХТнинг аксилтеррористик тармоғини ташкил этиш жараёнида ТҚАҚнинг берган маслаҳатлари ва кўрсатган ёрдамини миннатдорлик билан таъкидлайди.

берувчи канал сифатида фойдаланишга мўлжалланмаган, шунингдек бошқа халқаро ва минтақавий ҳуқуқ-тартибот тармоқлари функцияларини такрорлашга даъво қилмайди.

Ҳар бир ҳукумат алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахсни тайинлайди, у ЕХХТдаги ўз давлати делегацияси орқали АТТ билан терроризм билан курашиш масалалари бўйича асосий алоқа қилувчи шахс функциясини бажаради. Алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахс АТТ орқали олинаётган маълумотларни мазкур давлатнинг пойтахтидаги тегишли давлат органларига етказишни ва АТТ ҳамда делегацияларни ушбу иштирок этувчи давлатдаги тегишли воқеалар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиб туришни таъминлайди. Террорга қарши тармоқ каналлари бўйича АТБга юборилаётган хабарларни мувофиқлаштириш манфаатларида алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахсга мўлжалланган маълумотлар ва ундан олинadиган маълумотлар, қоида бўйича, тегишли давлатнинг ЕХХТдаги делегацияси орқали етказилади.

АТБнинг мажбуриятлари

1. Иштирок этувчи давлатларни терроризм билан курашиш масалалари муносабати билан кадрлар тайёрлаш бўйича икки томонлама, шунингдек кўп томонлама тадбирлар ўтказиш имкониятидан хабардор қилиш ва бундай дастурлар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадларида алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахс билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2. ЕХХТнинг террорга қарши фаолиятини мувофиқлаштириш ва энгиллаштириш, жумладан салоҳиятни кучайтиришга ёрдам кўрсатиш дастурларини амалга оширишни, персонални тайёрлаш бўйича амалий семинарлар ўтказишни ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш ва такрорлашга йўл қўймаслик мақсадларида фавқулодда вазиятларга тайёргарликни оширишни мувофиқлаштириш.

3. Алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахсдан келиб тушаётган ахборотлар ва чора кўриш тўғрисидаги илтимосларига ўз вақтида эътибор кўрсатиш.

4. ЕХХТ минтақасига доир терроризм билан курашиш бўйича муҳим масалалар билан боғлиқ воқеалар тўғрисида электрон почта орқали АТБ ахборот бюллетенини мунтазам тарқатиш ва ЕХХТ АТБ веб-саҳифасини мунтазам янгилab туриш воситасида делегациялар орқали алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахслар тўлиқ хабардор қилинишларини таъминлаш.

5. ЕХХТ АТБ қайсидир мансабдор шахсининг у ёки бу иштирок этувчи давлатга терроризмга тааллуқли масалалар муносабати билан сафари вақтида алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахс билан тегишли делегация орқали ҳаракатларни мувофиқлаштиришни таъминлаш.

Алоқа қилиб туриш учун асосий масъул шахсининг мажбуриятлари

1. АТБ хабарларини тегишли давлат муассасаларига етказилишини, шунингдек АТБга юборилган жавобларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш.

2. Мамлакатдаги терроризм билан курашиш бўйича чораларга алоқадор муҳим воқеалар тўғрисидаги маълумотларни, жумладан террорга қарши янги конунчилик¹ қабул қилинганлиги, кадрларни тайёрлаш ва терроризм билан

¹ ЕХХТ АТБ ратификация жараёнлари тўғрисидаги энг аниқ маълумотларни терроризм билан курашиш бўйича тегишли халқаро-ҳуқуқий институтлар веб-сайтларида жойлаштирилган ратификация тўғрисидаги расмий билдиришлардан олади.

курашиш соҳасида ёрдам кўрсатиш дастурлари, мамлакатдаги мавжуд «энг яхши амалиёт» мисоллари тўғрисидаги ахборотларни АТБга тақдим этиш.

3. Иштирок этувчи давлатлар томонидан ўтказилиши мумкин бўлган ва ташқи томон учун очик бўлган, терроризм билан курашиш муаммоларига алоқадор семинарлар, амалий анжуманлар ва конференциялар тўғрисидаги ахборотларни маълум қилиш.

4. Мазкур асосий масъул шахсни тайинлаган иштирок этувчи давлат қатнашадиган ЕХХТнинг терроризм билан курашиш мавзусидаги семинарлари, амалий анжуманлари ва конференцияларини ўтказишда асосий мувофиқлаштирувчи ролини бажариш.

5. ЕХХТ қўллаб-қувватлаши ёки кўмаклашиши мумкин бўлган терроризм билан курашиш соҳасида касбий тайёргарлик ва ёрдам кўрсатишга тааллуқли эҳтиёжлар ва сўровлар муносабати билан тегишли иштирок этувчи давлат номидан мувофиқлаштириш, устуворликни белгилаш ва хабардор қилиш вазифаларини бажариш (...)

D. Бошқа механизмлар

Прага 1992 йил (ЕХХК институтлари ва тузилмаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжат: IV. Инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлигини ҳимоя қилиш)

16. ЕХХКнинг инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлигини тинч йўл билан ҳимоя қилиш салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида Кенгаш ЕХХК бўйича тегишли мажбуриятлар ошқора, қўпол ва адолатсиз тарзда бузилган тақдирда зарурат бўлса — тегишли давлатнинг розилигисиз ҳам — Кенгаш ёки Юқори мансабдор шахслар қўмитаси томонидан тегишли ҳаракатлар қилиниши мумкинлигига қарор қилди. Бундай ҳаракатлар ана шундай давлат ташқарисида сиёсий баёнотлар билан чиқиш ёки бошқа сиёсий қадамлардан иборат бўлади. Мазкур қарор ЕХХКнинг мавжуд механизминини бузмайди.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: I. ЕХХК институтлари ва тузилмаларини мустаҳкамлаш)

(22) Олий комиссар ЮЛШК томонидан тегишли илтимослар бўлган тақдирда ва ўз мандатини амалга оширишнинг махфийлик тўғрисидаги талабларини ҳисобга олиб, ўз фаолияти тўғрисида ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган тадбирларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашларида ахборот беради.

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 12/04-сон қарори)

Вазирлар кенгаши

(...)

5. Амалдаги раислик килувчининг Портудаги Вазирлар кенгаши учрашувининг 8-сон Қарорига мувофиқ ЕХХТнинг камситишга қарши курашиш ва бағрикенгликга кўмаклашиш бўйича умумий сазй-ҳаракатлари доирасида учта шахсий вакилини тайинлаш ниятини табриклайди. Шахсий вакиллар ҳаражатлари бюджетдан ташқари бадаллар ҳисобидан тўланади.

2.3 МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ШЕРИКЛАР

2.3.1 Ҳукуматлар, ҳукумат органлари ва муассасалари

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларда амал этадиган принциплар декларацияси — IX принцип)

[Иштирок этувчи давлатлар] (...)ҳамкорлик мақсадларига эришишга кўмаклашишда ҳукуматлар, муассасалар, ташкилотлар ва шахслар тегишли ҳамда ижобий ўрин тутиши мумкинлигини тасдиқлайдилар.

Копенгаген 1990 йил (Муқаддима)

[Иштирок этувчи давлатлар] ўз муштарак мақсадларига доимий равишда эришишларини таъминлаш учун ўзаро ҳамкорлик ҳамда алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилот ва муассасаларнинг фаол иштироки жиддий зарурлигини эътироф этадилар.

Москва 1991 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар (...)инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қарор қилганликларини ва бу мажбуриятларни тинчлик йўли билан яқка тартибда ёки биргаликда ҳал қилишга, у билан боғлиқ ҳамма масалаларни бир-бирларига нисбатан ўзаро ва ҳамкорлик асосида ечишга аҳд қилганликларини маълум қиладилар. Улар шу маънода алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бу ишда фаол иштирок этишлари ушбу йўналишда доимий муваффақиятларга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан оладилар.

2.3.2 Бошқа давлатларнинг ҳукуматлари ва халқаро ташкилотлар

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

7. Биз давлатларнинг бир-бирлари олдидаги ва ҳукуматларнинг ўз халқлари олдидаги мажбуриятларини мужассамлаштирувчи Хельсинки Якунловчи ҳужжатида ҳамда Париж хартиясида баён этилган йўл-йўриқ кўрсатувчи принциплар ва умумий қадриятлар ўз кучини йўқотмаганлигини яна бир бора тасдиқлаймиз. Улар ҳамжамиятимизнинг жамоа виждонини акс эттиради. Биз уларнинг бажарилиши учун бир-биримиз олдида жавобгар эканлигимизни эътироф этамиз. Биз ўз ҳукуматларидан бу қадриятлар ва нормаларни ҳурмат қилишни талаб этиш фуқароларнинг демократик ҳукуки эканлигини таъкидлаймиз.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: IV. Халқаро ташкилотлар билан муносабатлар, иштирок этмайдиган давлатлар билан муносабатлар, ноҳукумат ташкилотлари(НХТ)нинг роли)

(1) (...) мустаҳкам тинчлик ва демократик тартиб яратиш ҳамда ўзгартиришлар жараёнини тартибга солиш бўйича саъй-ҳаракатлар муваффақият билан якунланиши учун ЕХХК жараёни доирасидан ташқарида бўлган гуруҳлар, айрим шахслар, давлатлар ва ташкилотлар бунга янада тартибга солинган ва мазмунли ҳиссаларини қўшишлари зарур.

Иштирок этувчи давлатлар шу мақсадда куйидагиларга қарор килдилар:

Халқаро ташкилотлар билан муносабатлар

(2) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига содиқлигини яна бир бор тасдиқлаб, ЕХХК Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг VII Боби маъносида минтақавий аҳдлашув бўлиб ва шу тарзда Европа ва бутун жаҳон хавфсизлиги ўртасидаги муҳим алоқани таъминлайди (...)

(3) Иштирок этувчи давлатлар Прага ҳужжатининг тегишли қарорларига мувофиқ тегишли халқаро ташкилотлар билан алоқаларни яхшилайдилар ва амалий ҳамкорликни такомиллаштирадилар.

(...)

Иштирокчи бўлмаган Ўрта ер денгизи давлатлари билан муносабатлар

(7) ЕХХКнинг Якунловчи ҳужжати ва бошқа тегишли ҳужжатлар қоидаларини ҳисобга олиб ва таркиб топган амалиётга мувофиқ иштирок этмайдиган Ўрта ер денгизи давлатларига аввалгидек ЕХХК фаолиятига ҳисса қўшиш таклиф этилади.

(...)

Бошқа иштирок этмайдиган давлатлар билан муносабатлар

(9) (...) иштирок этувчи давлатлар ЕХХКга қизиқиш билдираётган, унинг принципларини ва мақсадларини қўллаб-қувватлаётган ҳамда тегишли ташкилотлар доирасида Европа ҳамкорлигида фаол қатнашаётган иштирок этмайдиган давлатлар билан ўз ҳамкорликларини чуқурлаштириш ва мустаҳкам алоқаларини ривожлантириш ниятидалар

Лиссабон 1996 йил (Европа учун XXI асрда умумий ва ялпи хавфсизлик модели тўғрисидаги декларация)

5. Биз ЕХХТда давлатлар (...) Ташкилот доирасида ўз мажбуриятларини бажариш учун бир-бирлари олдида масъул эканликларини эътироф этамиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

14. (...) Бугун биз ўз зиммамизга ҳам ЕХХТда, ҳам биз аъзо бўлган ташкилотлар орқали ЕХХТ доирасида иштирок этувчи давлатларга қабул қилинган принципларга риоя этиш ва олинган мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатишни таклиф этиш учун ҳамкорликка асосланган биргаликдаги чораларни кўриш мажбуриятини оламыз. Биз иштирок этувчи давлатларнинг ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларига самарали жавоб бериш учун ҳамкорликка асосланган мавжуд воситаларни мустаҳкамлаймиз ва янгиларини ишлаб чиқамиз. (...)

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрдаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши ҳаракатлари бўйича стратегияси)

Бошқа халқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорлик

52. (...) ЕХХТнинг бошқа ташкилотлар ва институтлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамкорликка асосланган Хавфсизлик платформасига асосланади. Иштирок этувчи давлатлар бу Платформа доирасида сиёсий ва тезкор даражада хавфсизлик масалалари билан шуғулланадиган барча тузилмалар ўртасида аниқ таҳдидларга жавоб беришда ҳам, янги таҳдидлар ва талабларга жавоб бериш бўйича чораларни ишлаб чиқишда ҳам ҳаракатлар мувофиқлаштирилишини қўллаб-қувватлашга интилиш мажбуриятини олганлар (...)

53. Мазкур босқичда бошқа ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорлигимиз ЕХХТ минтақасининг турли қисмларида бизнинг умумий кадриятларимиз ва мақсадларимиз асосида сиёсий мулоқот, мавзу ва минтақавий масалалар бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва тартибга солишни қамраб олади (...)

54. ЕХХТ ЕХХТнинг минтақасида ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш билан шуғулланадиган барча ташкилотлар ва институтлар билан муносабатларни кенгайтиришга интилади (...)

Остона 2010 йил

3. (...) Биз бундан кейин ЕХХТ доирасида қабул қилинган истисносиз барча принциплар ва мажбуриятлар ҳар бир иштирок этувчи давлатга тенг даражада тааллуқли эканлигини яна бир бор тасдиқлаймиз ва ўзимизнинг (...) уларни тўла ҳажмда бажариш учун бир-бирларимиз олдидаги масъулиятимизни таъкидлаймиз (...)

10. Биз ЕХХТ минтақасининг хавфсизлиги қўшни минтақалар, айниқса, Ўрта ер денгизи ва Осиё хавфсизлиги билан узвий боғлиқ эканлигини эътироф этамиз. Шунинг учун биз ҳамкорлик қилиш бўйича шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорлигимиз даражасини оширишимиз лозим. Жумладан, биз ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг имкониятлари ва миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳамжамиятнинг барқарор, мустақил, раванқ топаётган ва демократик Афғонистонни барпо этишга ёрдам кўрсатиши бўйича жамоавий саъй-ҳаракатларига самарали ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлаймиз.

2.3.3 Хусусий шахслар, инсон ҳуқуқларини ҳимоячи қилувчилар ва ноҳукумат ташкилотлари

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принциплар — VII принцип)

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг универсал аҳамиятини эътироф этадилар. (...) Улар шахсларнинг ушбу соҳадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ҳамда уларга мувофиқ иш кўриш ҳуқуқини тасдиқлайдилар.

(...)

Улар (...) ташкилотлар ва одамлар бу мақсадларга эришишга ёрдам беришда тегишли ва ижобий роль ўйнаши мумкинлигини тасдиқлайдилар.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ва уларга мувофиқ, улар Якунловчи актда мужассамлаштирилгандек, иш кўриш соҳасидаги ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билишлари тўғрисида эслатадилар ҳамда ўз мамлакатларида бу ҳуқуқларни самарали таъминлаш мақсадларида зарур чоралар кўрадилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(12) [Иштирок этувчи давлатлар] ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини самарали амалга оширишни кафолатлашга бўлган қатъиятларини билдирадилар (...)

(13) Шу муносабат билан улар:

(...)

(13.3) Якунловчи ҳужжат, Мадрид Якунловчи ҳужжати ва мазкур ҳужжат матнларини, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тегишли халқаро воситаларга доир ҳар қандай матнларни бу ҳужжатлар тўла ҳолида мавжуд бўлиши, ўз мамлакатларида улар билан кенг танишиш имкониятини ва барча шахслар улардан, жумладан оммавий кутубхоналар тармоғи орқали фойдалана олишларини таъминлаш учун нашр этадилар ва тарқатадилар;

(13.4) шахсларнинг бу соҳадаги ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини билиш, шунга мувофиқ иш кўриш ҳуқуқларини самарали таъминлайдилар ҳамда шу мақсадда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тааллуқли барча қонунлар, маъмурий қоидалар ва тартибларни эълон қиладилар ва улардан фойдаланишни таъминлайдилар

(13.5) ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар, мустақил равишда ёки бошқалар билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ва ҳимоя қилишга фаол ҳисса қўшадилар;

(13.6) мактаблар ва бошқа таълим муассасларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ва ҳимоя қилишни муҳофаза этишни рағбатлантирадилар;

(...)

(13.8) бу ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширадиган, амалга ошириш ниятини билдирадиган ёки амалга оширишга интилаётган биронта шахс, унинг оиласининг биронта аъзоси бунинг оқибатида қандайдир шаклда камситилишга йўл қўйилмаслигини таъминлайдилар;

(13.9) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилганлиги тўғрисида баён қилганлар ўзларининг самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан ҳамда бу тўғрисидаги тўлиқ ахборотдан хабардор бўлишлари таъминлайдилар; улар, жумладан, қуйидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларини самарали қўллайдилар:

- шахсларнинг ижроия, қонун чиқарувчи, суд ёки маъмурий органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи;
- мустақил ва ҳолис судда оқилона муддатларда адолатли ва ошкор муҳофаза қилиниши ҳуқуқи, жумладан юридик далиллар келтириш ва ўз танловига қўра адвокатига эга бўлиш ҳуқуқи;
- ҳар қандай мурожаат, жумладан юридик асослар бўйича қабул қилинган қарорлар асослари ҳақида тез ва расмий хабардор қилиниш ҳуқуқи. Бу ахборот, қоида бўйича, ёзма тарзда тақдим этилади ва ҳар қандай ҳолатда шахсга ҳуқуқий ҳимоянинг имконияти бўлган бошқа воситаларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

(...)

(26) (...) Бу мақсадда улар шахсларнинг ЕХХҚнинг ҳужжатлари қоидалари амалга оширилиши устидан кузатиш ва уларни бажаришга ёрдам бериш ҳамда шу мақсадда бошқалар билан уюшиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Улар бундай шахслар, ташкилотлар ва муассасалар билан иштирок этувчи давлатлар ичида ва иштирок этувчи давлатлар ўртасида бевосита алоқаларни енгиллаштирадилар ҳамда ЕХХҚ ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлмаган қонунчилик ва маъмурий тўсиқлар мавжуд бўлган ҳолларда уларни бартараф этадилар. Улар, шунингдек, ЕХХҚ ҳужжатлари қоидаларини бажариш тўғрисидаги ахборотдан

фойдаланишни ҳамда бу масалалар бўйича нуқтаи назарларини эркин ифода этишни енгиллаштириш мақсадида самарали чоралар кўрадилар.

Копенгаген 1990 йил

[Иштирок этувчи давлатлар] ўз муштарак мақсадларига доимий равишда эришишларини таъминлаш учун ўзаро ҳамкорлик ҳамда алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилот ва муассасаларнинг фаол иштироки жиддий зарурлигини эътироф этадилар.

(...)

(10) Алоҳида шахснинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини билиш ҳуқуқини самарали таъминлаш ҳамда уларга мувофиқ иш юритиш ва уларнинг ривожланиши ва ҳимоясига мустақил ёки бошқалар билан бирга фаол ҳисса қўшиш борасидаги ўз мажбуриятини тасдиқлаб, иштирок этувчи давлатлар ўзларининг қуйидаги мажбуриятлари ҳақида маълум қиладилар:

(10.1) — ҳар кимнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳақида мустақил ёки бошқалар билан бирга фикр ҳамда ахборот сўраб олиш, олиш ва эркин узатиш ҳуқуқини, шу жумладан бундай фикр ва ахборотни тарқатиш ҳамда матбуотда эълон қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(10.2) — ҳар кимнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг риоя этилиши масалаларини ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳамда инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро андозаларга риоя этишни таъминлашнинг янада мукамалроқ воситаларини яхшилашга тааллуқли фикрларни мустақил ёки бошқалар билан бирга тайёрлаши ва муҳокама қилишини ҳурматлаш;

(10.3) — алоҳида шахсларга уюшишга доир ҳуқуқни, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантиришга ҳамда ҳимоя қилишга интилувчи ноҳукумат ташкилотларини, шу жумладан инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат қилувчи касаба уюшмалари ва гуруҳларини, шу жумладан уларни ташкил қилиш, уларга қўшилиш ва уларнинг ишида фаол иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга рухсат берилишини таъминлаш;

(10.4) — бундай гуруҳлар ва ташкилотларнинг аъзоларига ўз мамлакатларида ва унинг ташқарисида шу каби органлар билан монеликсиз танишиш имконияти бўлишига ва улар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқани сақлаб туришга ва бундай гуруҳлар ҳамда ташкилотлар билан фикр алмашиш, алоқаларни сақлаб туриш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадида миллий ва халқаро манбалардан, қонунда назарда тутилганидек, ихтиёрий молиявий бадалларни сўраб олишга рухсат бериш.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирликнинг янги даври)

Биз ноҳукумат ташкилотлари, диний ва бошқа гуруҳлар ҳамда алоҳида шахслар ЕХХК мақсадларига эришишда муҳим роль ўйнашин эслатамиз ва бундан буён ҳам уларнинг иштирок этувчи давлатлар томонидан ЕХХК мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаймиз. Бу ташкилотлар, гуруҳлар ва алоҳида шахслар ўзларининг муҳим вазифаларини бажаришлари учун ЕХХК фаолияти ва янги тузилмаларига зарур тарзда жалб қилинишлари керак.

Москва 1991 йил

Иштирок этувчи давлатлар (...) инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қарор қилганликларини ва бу мажбуриятларни тинчлик йўли билан яқка тартибда ёки биргаликда ҳал қилишга, у билан боғлиқ ҳамма масалаларни бир-бирларига нисбатан ўзаро ва ҳамкорлик асосида ечишга аҳд қилганликларини маълум қиладилар. Улар шу маънода алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бу ишда фаол иштирок этишлари ушбу йўналишда доимий муваффақиятларга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан оладилар.

(...)

(43) Иштирок этувчи давлатлар НХТ сифатида тегишли миллий тартибларга мувофиқ ўзларини шундай деб эълон қилган ва бундай ташкилотларни ўз ҳудудларида эркин фаолият олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратишни қўллаб-қувватлайдиган ташкилотларни эътироф этадилар; улар бу мақсадларда

(43.1) НХТ билан тегишли миллий органлар ва давлат муассасалари ўртасида алоқа ўрнатиш ва фикр алмашиш учун шароитларни янада яхшилаш имкониятларини топишга интиладилар;

(43.2) ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг ноҳукумат ташкилотлари инсонийлик мезонлари соҳасидаги шароитларни кузатиш мақсадида мамлакатларига келишларига қўмаклашишга интиладилар;

(43.3) НХТ фаолиятини, шу жумладан, хусусан ЕХХК доирасида инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг ижросини текширишни маъқуллайдилар;

(43.4) НХТларнинг ЕХХК инсонийлик мезонлари доирасидаги муҳим ролини эътиборга олган ҳолда, уларнинг ўз мулоҳазаларини ўз ҳукуматлари ва барча бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳукуматларига ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги келгуси фаолияти давомида етказиш имкониятини берадилар;

(43.5) ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги келажақдаги фаолияти давомида НХТнинг ЕХХК инсонийлик мезонларининг аниқ муаммолари бўйича ёзма ҳиссаларини барча делегациялар ўртасида тарқатиш имкониятини берадилар;

(43.6) ЕХХК Котибияти НХТнинг ЕХХКнинг умумий тарқатиладиган ҳужжатларини тақдим этишга тааллуқли илтимосларини мавжуд ресурслари доирасида қондиради.

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

7. Биз давлатларнинг бир-бирлари олдидаги ва ҳукуматларнинг ўз халқлари олдидаги мажбуриятларини мужассамлаштирувчи Хельсинки Якунловчи ҳужжатида ҳамда Париж хартиясида баён этилган йўл-йўриқ кўрсатувчи принциплар ва умумий қадриятлар ўз кучини йўқотмаганлигини яна бир қарра тасдиқлаймиз. Улар ҳамжамиятимизнинг жамоа виждонини акс эттиради (...) Биз ўз ҳукуматларидан бу қадриятлар ва нормаларни ҳурмат қилишни талаб этиш фуқароларнинг демократик ҳуқуқи эканлигини таъкидлаймиз.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: IV. Халқаро ташкилотлар билан муносабатлар, иштирок этмайдиган давлатлар билан муносабатлар, ноҳукумат ташкилотлари(НХТ)нинг роли)

(1) (...) Мустақкам тинчлик ва демократик тартиб яратиш ҳамда ўзгаришлар жараёнини тартибга солиш бўйича саъй-ҳаракатлар муваффақият қозониши

учун ЕХХК жараёни доирасининг ташкарасидаги гуруҳлар, алоҳида шахслар, давлатлар ва ташкилотларнинг янада тартибга солинган ва мазмунли ҳиссаси зарур.

Иштирок этувчи давлатлар шу мақсадда куйидагиларга қарор килдилар:

(...)

ЕХХК фаолиятида бағрикенгликни кўпайтириш, ЕХХК фаолиятини англаб етишга кўмаклашиш, НХТ ролини кучайтириш

(12) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХК институтлари ва тузилмалари бағрикенглигини кўпайтирадилар ва ЕХХК тўғрисидаги ахборотлар кенг тарқатилишини таъминлайдилар.

(...)

(14) Иштирок этувчи давлатлар ноҳукумат ташкилотларининг ЕХХК фаолиятида янада фаол иштирок этишлари учун имкониятлар яратадилар.

(15) Улар тегишили равишда:

- НХТнинг ЕХХКнинг айрим учрашувларида иштирок этишларига рухсат бериш юзасидан аввал келишилган дастурамал принципларни ЕХХКнинг барча учрашувларига нисбатан қўллайдилар;
- НХТга ДИИХБ барча таҳлилий конференцияларининг ялпи мажлислари, семинарлари, амалий анжуманлари ва учрашувларига Юқори мансабдор шахслар қўмитаси (ЮМШҚ) мажлислари Иқтисодий анжуман сифатида ўтказилганда, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлар ижросини кўриб чиқиш кенгашлари ва экспертларнинг бошқа кенгашларида иштирок этишга рухсат берилади. Бундан ташқари ҳар бир учрашувда НХТнинг айрим бошқа мажлисларида иштирок этишларига рухсат этилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин;
- ЕХХК институтлари директорлари ва ЕХХК учрашувларининг ижрочи котибларига ходимлари ичидан «НХТ билан алоқа учун масъул»ни тайинлаш тўғрисида кўрсатма берадилар;
- Заруриятга қараб, ташқи ишлар вазирликларидан бир ходимни ҳамда ЕХХК учрашувларидаги ўз делегациялари аъзоларидан бирини НХТ билан алоқалар учун масъул қилиб белгилайдилар;
- НХТ билан тегишли миллий органлар ва ҳукумат муассасалари ўртасида ЕХХК учрашувлари орасидаги даврда алоқалар ва фикр алмашишларни ривожлантирадилар;
- ЕХХК учрашувлари пайтида иштирок этувчи давлатларнинг вакиллари билан НХТ ўртасида норасмий муҳокамалар учун мажлислар ўтказилишига кўмаклашадилар;
- НХТнинг ЕХХК институтлари ва учрашувларига ёзма маърузалари юборилишини рағбатлантирадилар, бу маърузаларнинг номлари сақланиши ва иштирок этувчи давлатларнинг сўровига нисбатан тақдим этилиши мумкин;
- ЕХХКга алоқадор масалалар бўйича семинарлар ташкил этаётган НХТларни қўллаб-қувватлайди;
- ЕХХК институтлари орқали НХТни ЕХХКнинг бўлажак учрашувлари муддатларидан хабардор қилади, имконият бўлган ҳолларда муҳокама қилиш учун таклиф этилаётган масалаларни кўрсатади ҳамда сўров бўлган тақдирда иштирок этувчи давлатлар эътиборига етказилган ЕХХКнинг механизмлари ишга солинганлиги ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

(16) Юқорида қайд этилган қоидалар зўравонлик ишлатадиган, шунингдек терроризм ёки зўравонлик ишлатишни ошқора рағбатлантирадиган шахслар ёки ташкилотларга нисбатан қўлланилмайди.

(17) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХК, унинг принциплари, мажбуриятлари ва фаолияти тўғрисидаги билимларни ўз жамиятлари доирасида иложи борида кенгрок ёйиш учун барча мавжуд воситалардан фойдаланадилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

18. Иштирок этувчи давлатлар (...) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган, БМТ доирасида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мустаҳкамлайдиган ҳамда ҳимоя қиладиган шахслар, гуруҳлар ва жамоатчилик органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларациясини қайта ишлаш ва қабул қилишни манфаатдорлик билан кутаётганларни ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

27. Ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлиги қарор топишига кўмаклашишда фавқулудда муҳим роль ўйнашлари мумкин. Улар кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас таркиби ҳисобланадилар. Биз НХТнинг фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлашга ўзларининг тўлақонли ҳиссаларини қўшиш учун мавжуд имкониятларини кенгайтириш мажбуриятини оламыз.

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар кенгашининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини 60 йиллиги муносабати билан баёноти)

Биз қарор қабул қилиш жараёни иложи борида бағрикенглик билан ва аҳолининг кенг иштирокида ўтадиган демократик жамиятда инсон ҳуқуқларига тўла-роқ риоя қилинишини эътироф этамыз. Биз ҳурфикрли фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаймыз ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ишида турли манфаатдор томонлар ўртасидаги шериклик муносабатларини рағбатлантирамыз.

(...)

Остона 2010 йил

6. (...) Биз фуқаролик жамияти ва эркин ОАВ инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократияни, шу жумладан эркин ва ҳалол сайловларни ҳамда ҳуқуқ устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашда бизга ёрдам беришда ўйнаётган муҳим ролни қадрлаймыз.

2.3.4 ЕХХТнинг инсонийлик мезонларига бевосита алоқадор институтлари/тузилмалари

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

14. (...) Биз шахсий тартибда ўзимизнинг зиммамизга олган мажбуриятларни тўла бажариш ниятимизни тасдиқлаймыз. Биз, шунингдек, ЕХХТнинг принципларини ҳимоя қилиш учун биргаликда масъулмыз. Шунинг учун биз ЕХХТ доирасида, шунингдек унинг институтлари ва вакиллари билан ҳамкорлик қилишга

тўла қатъиятдамиз... Биз ижро масалаларини кўриб чиқишда бирдамлик ва шериклик руҳида доимий асосда ҳамкорлик қиламиз.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

ЕХХТнинг жавоби

20. ЕХХТ ўз институтлари — Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ), Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК) ва Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил (ОАВЭВ), жойлардаги ўз операциялари ва ўз Котибиятидан тўла равишда фойдаланган ҳолда минтақасида фаол роль ўйнашни давом эттиради. Улар барча иштирок этувчи давлатларни мажбуриятларини бажаришларида, шу жумладан инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлигини ҳурмат қилишларида кўмаклашишнинг муҳим воситаси ҳисобланадилар. Бутун тегишли фаолият давомида Парламент ассамблеяси билан ва унинг орқали — миллий парламентлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларидан фаол фойдаланилади.

Остона 2010 йил

5. (...) Биз ЕХХТ Котибияти, Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро ва ОАВ эркинлиги масалалари бўйича Вакил, шунингдек ЕХХТ жойлардаги тузилмаларининг ўз мандатларига мувофиқ иштирок этувчи давлатларни ЕХХТ доирасида қабул қилган мажбуриятларини бажаришларида қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ишларининг муҳимлигини таъкидлаймиз. Биз ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси билан ҳамкорликни фаоллаштиришга тўла қатъиятдамиз ва унинг ЕХХТнинг бутун минтақасида ва иштирок этувчи давлатларда хавфсизлик ва демократияни мустаҳкамлаш ҳамда фаровонликни ошириш, шунингдек иштирок этувчи давлатлар ўртасида ўзаро ишончни ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини рағбатлантирамиз (...)

А. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ)

I. Асосий мандат, шу жумладан қўшимча умумий вазифалар

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирликнинг янги даври)

Биз иштирок этувчи давлатларда сайловлар тўғрисида алоқалар ва ахборот айрибошлашни қўллаб-қувватлаш учун Варшавада Эркин сайловлар бўйича бюро ташкил этиш қарорини қабул қиламиз.

Париж 1990 йил (Янги Европа учун Париж хартиясида қайд этилган муайян қоидаларни амалга ошириш тўғрисида Қўшимча ҳужжат)

G. Эркин сайловлар бўйича бюро

1. Эркин сайловлар бўйича бюронинг функциялари иштирок этувчи давлатларда алоқаларни ва сайловлар тўғрисида ахборот айрибошлашни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлади. Шундай қилиб Бюро ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши Хужжатининг 6-, 7- ва 8-бандлари бажарилишига ёрдам беради (тегишли қоидалар I иловада қайд этилган)

2. Бюро шу мақсадда:

- ахборотларни, шу жумладан иштирок этувчи давлатлар ваколатли органлари томонидан тақдим этиладиган, иштирок этувчи давлатларда режалаштирилган миллий сайловларни ўтказиш вақти, тартиби ва расмий натижалари тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек сайловлар устидан назоратчилар гуруҳларининг хабарларини тўплайди ҳамда ҳукуматлар, парламентлар ва манфаатдор хусусий ташкилотларнинг тегишли илтимосига кўра уларни тақдим этади;
- ҳукуматлар, парламентлар ёки сайловлар устидан кузатишда иштирок этиш истагини билдирган хусусий ташкилотлар билан сайловлар бўлиб ўтадиган давлатларнинг ваколатли органлари ўртасидаги алоқаларга кўмаклашади;
- иштирок этувчи давлатларнинг илтимосларига кўра сайловлар тартиблари ва демократик институтларга тааллуқли семинарлар ёки бошқа учрашувларни ташкил этади ҳамда уларни ўтказиш жойи бўлиб хизмат қилади.

3. Бюро бу соҳада бошқа муассасалар фаолиятини эътиборга олади ва улар билан ҳамкорлик қилади.

4. Бюро унга Кенгаш томонидан топширилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Гилова (Копенгаген 1990 йил)

(6) Иштирок этувчи давлатлар шуни баён қиладиларки, мунтазам ўтказиладиган ва ҳақиқий сайловлар борасида эркин ҳамда ҳақиқий ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асосидир. Иштирок этувчи давлатлар тегишлича ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар. Улар халқ иродасининг ифодаси орқали эркин ўрнатилган демократик тартибни ўз қонунлари, халқаро ҳуқуқ бўйича ўзларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ терроризмдан ёки зўравонликдан фойдаланадиган ёки уларни бартараф этишни рад қиладиган ёхуд бошқа иштирок этувчи давлатдаги бундай тартибни йўқ қилишга қаратилган терроризмни ёки зўравонликни рад этишдан бош тортадиган алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларнинг фаолиятидан ҳимоя қилиш ва муҳофазалашдаги ўз масъулиятларини эътироф этадилар.

(7) Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар:

(7.1) қонунда белгиланганидек оқилона вақт оралиғида эркин сайлов ўтказадилар;

(7.2) миллий қонун чиқарувчи органнинг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг объекти бўлишига йўл қўядилар;

(7.3) катта ёшдаги фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлайдилар;

(7.4) овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг келадиган тартибот қўлланилишини ва овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлишини, унинг расмий якунлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлайдилар;

(7.5) фуқароларнинг шахс сифатида ёки сиёсий партияларнинг ёхуд ташкилотларнинг вакили сифатида, камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига эришиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар;

(7.6) алоҳида шахсларнинг ёки шахслар гуруҳларининг тўла эркинлик шароитида ўз сиёсий партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш ҳукукини ҳурмат қиладилар ҳамда бундай сиёсий партиялар ва ташкилотларга ҳуқуқ ва давлат органлари олдида тенглик асосида, бир-бири билан мусобақалашиш имконини берувчи зарур юридик кафолатлар берадилар;

(7.7) ҳеч қандай маъмурий ҳаракат зўравонлик ёки қўрқитиш партия ва номзодларни ўз қарашлари ҳамда баҳолашларини эркин баён этишдан тўхтата олмайдиган, шунингдек, сайловчиларга бу қарашлар ва баҳолашлар билан танишиш ва уларни муҳокама қилиш ёки жазоланишдан қўрқмасдан эркин овоз бериш учун ҳеч ким халақит бермайдиган эркинлик ва ҳаққонийлик шароитида сиёсий кампаниялар ўтказишига қонун ва давлат сиёсати йўл қўйишини таъминлайдилар;

(7.8) оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрна тилмаслигини таъминлайдилар;

(7.9) қонунда белгиланган зарур миқдорда овоз олган номзодлар лозим даражада мансабларини эгаллаши ва мансабларида ваколат муддати тугагунга ёки бошқа, демократик парламент ва конституциявий тартиботга мос равишда қонун билан мувофиқлаштирилаётган тарзда улар тугатилгунга қадар қолишларини таъминлайдилар;

(8) Иштирок этувчи давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказилаётган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар ЕХХКда иштирок этувчи ҳар қандай бошқа давлатдан ҳамда қандай тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов жараёни боришини кузатиш учун таклиф қиладилар. Худди шунингдек, улар умуммиллий даражадан пастроқ даражада ўтказилаётган сайлов жараёнларида иштирок этиш учун ҳам кўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар ўз зиммаларига сайлов жараёнига аралашмаслик мажбуриятини оладилар.

Прага 1992 йил (ЕХХК институтлари ва тузилмаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжат: III. Инсонийлик мезонлари)

9. Иштирок этувчи давлатлар ўртасида инсонийлик мезонлари соҳасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида вазирлар Эркин сайловлар бўйича бюрога қўшимча функциялар беришга қарор қилдилар, эндиликда у Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро деб номланаётган бўлади.

10. Бюро Юқори мансабдор шахслар қўмитаси(ЮМШК)нинг умумий раҳбарлиги остида, жумладан қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро ўзи жойлашган жойда ҳар йили (бу ерда келгусидаги қадамлар доирасида учрашувлар ўтмаганда) ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари ижросининг боришини кўриб чиқиш учун ЕХХКнинг қисқа муддатли учрашувини ташкил этади (...)
- техникавий ёрдам, тажрибадан ҳамда янги демократияларга улар институтларининг шаклланишида ёрдам кўрсатишга йўналтирилган миллий ва халқаро дастурлардан ўзаро фойдаланиш ва улар мавжудлиги ҳақида ахборот айрибошлаш учун институционал асос сифатида хизмат қилади;

- бундай ресурсларни таклиф этадиганлар билан улардан фойдаланишни хоҳлайдиганлар ўртасидаги алоқаларга ёрдам беради;
- Европа Кенгаши билан унинг бундай ресурслар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотлар базасидан фойдаланиш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўяди;
- манфаатдор иштирок этувчи давлатларга демократик институтларни шакллантириш соҳасида фаолият олиб борадиган ноҳукумат ташкилотларининг кенг ресурсларидан ва тажрибасидан фойдаланиш имкониятини яратиш учун улар билан алоқа ўрнатади;
- касбий тайёргарлик ва демократик институтларга алоқадор фанлар бўйича ўқитиш соҳасидаги ҳамкорликка қўмаклашади;
- мақбул муддатларда барча иштирок этувчи давлатлар иштирокида демократик институтларнинг шаклланиши ва фаолиятининг тикланишига алоқадор масалалар бўйича эркин оммавий ахборот воситалари бўйича қисқа муддатли семинар каби кенгашлар ва семинарлар, шунингдек миграция масалалари бўйича битта семинар ташкил этади. Бундай кенгашлар ва семинарлар, агар бошқача қарор қабул қилинмаса, Варшавада ўтказилади.

11. Фаолиятда, айниқса юқорида кайд этилган соҳаларда такрорлашга йўл қўймаслик учун вазирлар Бюрога, жумладан демократик институтлар ва инсон ҳуқуқларини тиклаш соҳасида иш олиб бораётган бошқа муассасалар, Европа Кенгаши ва «Қонун орқали демократия» Европа комиссияси билан яқиндан ҳамкорлик қилишни топширдилар.

12. Юқори мансабдор шахсларнинг қўмитаси ҳар йили инсонийлик мезонлари ва демократик институтлар бўйича кенгашлар ва семинарлар ўтказиш заруриятини кўриб чиқади ва иш дастурини тузади.

(...)

14. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро ЕХХҚнинг институти сифатида хизмат қилишга даъват этилган бўлиб, унга ЕХХҚнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг Хужжатига мувофиқ экспертлар ва маърузчилар миссиялари билан боғлиқ вазифалар топширилади.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

(2) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлаш, қонунчилик асосида ҳаракат қилиш, демократия принципларини ҳаётга жорий этиш ва шу муносабат билан демократик институтларни яратиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, бутун жамият қўламида бағрикенг муносабат принципларини ривожлантиришга қатъий қарор қилганликларини ифодаладилар. Шу мақсадда улар аниқроқ ва реал мазмун билан таъминланган ахборот, ғоя ва ташвишларни алмашиш, шу жумладан жиддий аҳволнинг ва потенциал можаролар пайдо бўлишининг илгарироқ олдини олишга имкон бериш учун ДИИХБни янада мустаҳкамлаш орқали ЕХХҚнинг оператив асосини кенгайтирадилар. Бунда улар ўз эътиборларини алоҳида аҳамиятга эга бўлган инсонийлик мезонлари масалаларига қаратадилар. Шунга қўра улар, айниқса, ўзгаришлар давридаги инсонийлик мезонларини мустаҳкамлашни доимо кузатиб борадилар.

(...)

ЕХХҚ бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини кузатишнинг ва инсонийлик мезонлари соҳасидаги ҳамкорликка ёрдам беришнинг концептуал асослари

(4) ЕХХК бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнини ва уларнинг бажарилишини кузатишни кучайтириш, шунингдек, инсонийлик мезонлари соҳасидаги тараққиётни ривожлантириш мақсадида иштирок этувчи давлатлар ўз ҳамкорликларининг концептуал асосини мустаҳкамлашга қарор қилдилар ва бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги қарорга келдилар:

ДИИХБ ролини кучайтириш

(5) ЮЛШҚ умумий раҳбарлигида иш юритиб (...), ЕХХК институтлари ва тузилмала янада ривожлантириш тўғрисидаги “Янги Европа учун” Париж хартиясида ҳамда Прага ҳужжатида баён этилган ўзининг мавжуд вазифаларига қўшимча равишда ДИИХБ инсонийлик мезонлари соҳасидаги бош институт сифатида қуйидагиларни амалга оширади:

(5a) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ус-тидан кузатишда қуйидаги йўсинда ёрдам кўрсатиш:

- Вена учрашуви Якуний ҳужжатида баён этилганидек, Инсонийлик мезонлари механизмининг 3-бўлими 2-бандига мувофиқ икки томонлама учрашувларни ўтказиш жойи сифатида, 3-бандига мувофиқ ахборот алмашиш канали сифатида иш кўриб;
- Инсонийлик мезонлари механизми доирасидаги миссиялар ҳисобланмайдиган инсонийлик мезонларига алоқадор ЕХХКнинг миссиялари ташриф буюрган давлатлардан изоҳлар олиб: Бюро бундай миссиялар маърузаларини, шунингдек, уларга берилиши мумкин бўлган изоҳларни уларнинг бажарилишини кўриб чиқиш бўйича навбатдаги кенгашда ёки шарҳлар бўйича конференцияда муҳокама қилишни назарда тутиб, барча иштирок этувчи давлатларга юборади;
- миссияларда иштирок этиб ёки уларни кенгаш ёхуд ЮЛШҚ топшириғига биноан амалга ошириб;

(5b) ахборот маркази сифатида қуйидаги ҳолларда иш кўради: бўлади:

- Инсонийлик мезонлари бўйича конференциянинг Москва кенгаши ҳужжатининг 28.10-бандида назарда тутилганидек, фавқулудда ҳолатларга дахлдор бўлганда;
- аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги номзодлар рўйхатига ва ёрдам кўрсатишга ёки маҳаллий ҳамда минтақавий даражадаги демократияга, шунингдек, ушбу масалалар бўйича миллий семинарларни ўтказишга алоқадор бўлганда;

(5c) инсонийлик мезонлари соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турларида, шу жумладан демократия институтларини яратишда ҳам қуйидаги йўсинда:

- «Яқинда қабул қилинган иштирок этувчи давлатларга мувофиқлаштирилган ёрдам кўрсатиш дастури»да белгиланган вазифаларни бажарган ҳолда;
- иштирок этувчи давлатларнинг илтимосларига жавобан «демократик жараён муаммолари бўйича семинарлар»ни ташкил этган ҳолда ёрдам беради. Бу семинарларга нисбатан «Яқинда қабул қилинган иштирок этувчи давлатларга мувофиқлаштирилган ёрдам кўрсатиш дастури»да баён этилган айнан ўша русум-қоидалари қўлланилади;
- бир ёки бир неча иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра семинарларни тайёрлашда ўз тасарруфидаги захиралари доирасида кўмаклашган ҳолда;
- Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссарга зарур бўлганда техник воситалар ва имкониятларни тақдим этган ҳолда;
- зарур бўлганда тегишли халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари билан муносабатларни амалга оширган ҳолда;

- Европа Кенгашининг тегишли органлари ҳамда унга алоқадор ташкилотлар билан маслаҳтлашувлар ва ҳамкорликни амалга ошириб, шунингдек, зарур бўлганда улар ДИИХБ фаолиятига қандай қўмак бера олишлари масаласини ўрганган ҳолда ёрдам кўрсатади. Шунингдек, ДИИХБ иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра, уларга Европа Кенгаши доирасида амалга оширилаётган, барча иштирок этувчи давлатлар учун очиқ бўлган дастурлар тўғрисида ҳам ахборотни тақдим этади.

(6) ДИИХБ инсонийлик мезонлари масалалари бўйича амалга ошираётган фаолият, жумладан, можароларни бартараф этиш ишида ҳам илгарироқ олдини олиш имконини бериши мумкин.

Инсонийлик мезонлари механизми

(7) Иштирок этувчи давлатлар Инсонийлик мезонлари механизмини ЕХХҚнинг мавжуд тузилмалари ва институтлари билан мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги қарорни қабул қиладилар:

Иштирок этувчи давлатларнинг ҳар қайсиси, агар у бунга зарур деб топса, 2-бандга мувофиқ икки томонлама учрашувларни ўтказиш жойи ҳисобланиши мумкин бўлган ДИИХБ орқали ёки дипломатик йўллар орқали Вена учрашуви Якуний ҳужжатининг «ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари» деб номланган боби 1 ёки 2-бандлари бўйича талаб мавзуси бўлган вазиятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги ёки бу русумқоидаларнинг натижалари ҳақидаги ахборотни иштирок этувчи давлатларга тақдим этиши мумкин. Бундай ахборот ЮЛШҚ учрашувларида, инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир йиғилишларда, таҳлилга оид конференцияларда муҳокама қилиниши мумкин.

(...)

Инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгаш

(9) Таҳлил бўйича конференциялар ўтказилмайдиган йили ДИИХБ ўз қароргоҳида иштирок этувчи давлатлар экспертлари даражасида ЕХХҚ бўйича инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиш учун уч ҳафталик кенгашларни ташкил этади. Бу кенгаш қуйидаги вазифаларни бажаради:

(9a) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида, бунга Инсонийлик мезонлари механизмининг 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ахборотни ҳамда ЕХХҚ миссияси маърузаларининг инсонийлик мезонларига оид жиҳатлари муҳокамасини ҳам қўшган ҳолда, муфассал фикр алмашувни ўтказиш, шунингдек, мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнини такомиллаштириш йўллари ва воситаларини ҳам кўриб чиқишди;

(9b) Мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиш русумқоидаларини баҳолашни амалга оширади.

(10) Мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгаш, унинг ЮЛШҚ фикрича, мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнини такомиллаштириш учун амалга оширилиши зарур бўлган таклифларни ЮЛШҚ эътиборига ҳавола қилиши мумкин.

(11) мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашларда келишилган ҳужжат тайёрланмайди.

(12) Ёзма иловалар ёки ахборот материаллари уларни тақдим этган давлатларнинг кўрсатмаларига мувофиқ умумий ёки чекланган тарзда тарқатишга мўлжалланади.

(13) Мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашлар мажлислари расмий ёки норасмий бўлади. Барча расмий йиғилишлар очик бўлади. Бундан ташқари, иштирок этувчи давлатлар ҳар бир аниқ вазиятдан келиб чиқиб, норасмий йиғилишларни очик ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

(14) Мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгаш Европа Кенгашига, «Қонунга асосланган демократия» Европа Комиссиясига. Европа реконструкция ва тараққиёт банкига, шунингдек, бошқа тегишли халқаро ташкилот ва муассасаларга кенгашларда иштирок этиш ва улар ишида ўз ҳиссаларини қўшишни таклиф қилади.

(15) Инсонийлик мезонлари соҳасида тегишли тажрибага эга бўлган ноҳукумат ташкилотлари мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашга, масалан, ДИИХБ орқали ёзма тақдимномалар қилишга таклиф этилади ва уларнинг ёзма тақдимномаларини ҳисобга олиб, улар тегишли ҳолларда аниқ масалалар бўйича оғзаки баёнотлар беришга таклиф этилишлари мумкин.

(16) Мажбуриятлар бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашлар жараёнида расмий кенгашлар ўтказилмаганда НХТ билан қўшимча учрашувлар ташкил этиш имкониятини яратиш учун иш кунининг иккита ярми ажратилади. Бу вақтда зал кенгаш ўтказиш ўрнига НХТ ихтиёрига берилади.

ЕХХК инсонийлик мезонлари семинарлари

(17) ДИИХБ ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига бевосита алоқадор бўлган ва сиёсий маънода долзарб ҳисобланадиган муайян масалаларни кўриб чиқишга бағишланган семинарларини ЮЛШҚ умумий раҳбарлигида ташкил этади. ЮЛШҚ семинарлар ишининг ҳар йилги дастурини, шу жумладан уларнинг номи ва ўтказиш муддатларини ҳар йили қабул қилади. Ҳар бир семинарнинг кун тартиби ва ташкилий шарт-шароитларини ЮЛШҚ у бошланишидан камида уч ой олдин тасдиқлайди. Бунда ЮЛШҚ ДИИХБнинг билдирган фикрларини эътиборга олади. Бошқача таклиф тушмаган ҳолларда семинарлар ДИИХБ қароргоҳида ўтказилади ва уларнинг давомийлиги бир ҳафтадан ошмайди. Иш дастури тегишли халқаро ташкилотлар ва муассасалар ишини ҳисобга олиб тузилади.

(18) Бу семинарлар ошкоралик ва мослашувчанлик принциплари асосида ташкил этилади. Семинарлар ишида иштирок этиш ва унга ҳисса қўшишга тегишли халқаро ташкилотлар ҳамда институтлар, шунингдек, тегишли тажрибага эга бўлган НХТлар таклиф этилиши мумкин. Семинар ишида миллий делегациялар аъзоси сифатида иштирок этувчи мустақил экспертлар ҳам шахсан чиқишлар қилиш имкониятига эга бўладилар.

(19) ЕХХК семинарларида мажлислар расмий ва норасмий бўлади. Барча расмий мажлислар очик ўтади. Бундан ташқари, иштирок этувчи давлатлар ҳар бир муайян ҳолатдан келиб чиқиб, норасмий мажлисларни очик мажлисларга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

(20) ЕХХК семинарларида қилишилган ҳужжат ёки кейинги ҳаракатлар дастурлари қабул қилинмайди.

(21) Мустақил экспертларнинг билдирадиган фикрларини умумий тарзда тарқатиш кўзда тутилади.

Рим 1993 йил (Қарорлар: IV. Инсонийлик мезонлари)

(3) Сиёсий маслаҳатлашувлар жараёни ва ЕХХК миссиялари

(...)

- ЕХХК миссиялари мандатларида, шунингдек, миссияларнинг ҳисоботлари асосидаги фаолиятида инсонийлик мезонлари масаласига катта аҳамият берилади. Худди шу мақсадда ЕХХК миссияларига тайёргарлик кўришда, хусусан, ДИИХБ томонидан тўпланган билимлар ва тажриба асосида миссияларга ахборот ҳамда таклифлар беришда ДИИХБ роли янада оширилади.

(...)

4. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

Вазирлар ДИИХБ фаолиятини кучайтириш ва унинг ролини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Хусусан, ДИИХБ ўз мандатига мувофиқ қуйидаги соҳаларда фаолиятини кучайтиради:

- инсонийлик мезонлари билан боғлиқ соҳаларда экспертлар тўғрисидаги маълумотларнинг кенгайтирилган банкини ташкил этиш. Иштирок этувчи давлатлар ва ноҳукумат ташкилотларига инсонийлик мезонлари билан боғлиқ экспертлар мавжудлиги тўғрисида ДИИХБ учун ахборот бериш илтимосномаси;
- (...)
- фаолиятни мувофиқлаштириш ва биргалашиб ҳаракат қилиш учун имкони бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- инсонийлик мезонлари соҳасида тегишли тажрибага эга бўлган НХТдан ахборот олиш;
- ЕХХК доирасидаги мажбуриятларга мувофиқ иштирок этувчи давлатлар томонидан тақдим этиладиган ахборотни олиш учун алоқа нуқтасининг ролини бажариш;
- инсонийлик мезонлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасида умумий ахборотни тарқатиш.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

8. Инсонийлик мезонлари соҳасида асосий институт ҳисобланган ДИИХБ амалдаги Раис билан келишувга кўра Раҳбарлик кенгашида ва Доимий кенгашида муайян вақт оралиғида ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериб ва ишнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб, олиб бориладиган муҳокамаларда маслаҳатчи сифатида қатнашади. У иш бажарилишининг ҳар йилги таҳлили учун ёрдам берадиган материаллар тақдим этади ва зарур бўлганда олинган ахборот юзасидан тушунтиришлар беради ёки уларни тўлдиради. ДИИХБ директори амалдаги Раис билан яқиндан маслаҳатлашувлар асосида кейинги чора-тадбирлар юзасидан таклифлар киритиши мумкин.

9. Иштирок этувчи давлатлар ахборот, шу жумладан маърузалар алмашиш, шунингдек, мазкур ҳужжатда айтилганидек, келажакка мўлжалланган тадбирларни тайёрлаш мақсадида ДИИХБ орқали инсонийлик мезонлари масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ва институтлар, шу жумладан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини эътироф этадилар.

10. Иштирок этувчи давлатлар қарор қиладилар:

(...)

- ДИИХБ зиммасига минтақада оммавий ахборот воситалари муаммоларига доир ахборотни алмашиш учун марказ вазифалари юклатилсин; шунингдек,

улар ҳукуматлар, журналистлар ва НХТ ахборот воситаларининг ахволи тўғрисида ДИИХБга маълумотлар бериб туради деб умид билдирадilar.

11. ЕХХК миссияларининг мандатлари ДИИХБ билан маслаҳатлашувлардан кейин тасдиқланади. Бунда ДИИХБ ҳам Доимий кенгаш миссия маърузалари асосида белгиланган келгуси қадамларнинг қўйилишига ўз ҳиссасини қўшади. ЕХХК миссиялари учун ходимлар танланганда инсонийлик мезонлари масалалари бўйича экспертлар тўғрисида ДИИХБда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, ушбу миссиялар инсонийлик мезонлари масалаларида ДИИХБ ва НХТ билан алоқа боғлашни ўз аъзоларидан бирига топширадilar.

(...)

13. Мазкур ҳужжатнинг инсонийлик мезонларига бағишланган бобида акс эттирилган қоидалар ДИИХБ мандатини ҳам, ОМОК мандатини ҳам ҳеч қандай ўзгартирмайди.

ДИИХБ семинарлари

14. Инсонийлик мезонлари бўйича ўтказиладиган кенг қўламдаги семинарлар сони ўрта ҳисобда йилига икки мартагача қискартирилади. Бу семинарлар диққат марказида энг катта қизиқиш уйғотадиган мавзулар бўлади.

Минтақавий семинарларга жуда катта эътибор берилади. Мақсадга мувофиқ бўлганда улар Мувофиқлаштирилган ёрдам дастурининг таркибий қисми сифатида ўтказилади. Бу семинарларда улар ўтказиладиган минтақадаги барча давлатларнинг иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилиш лозим(...)

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

43. Улар Мувофиқлаштирилган ёрдам дастурига биноан инсонийлик мезонлари масалаларида юқори малакали эксперт ёрдами кўрсатиш бўйича ДИИХБ имкониятларини янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида келишиб олдилар. Манфаатдор, янги мустақил давлатларнинг демократиялаштиришнинг барча жиҳатлари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларига жавоб беришга ҳаракат қилиб, улар Мувофиқлаштирилган ёрдам дастури доирасида махсус топшириқлар бўйича экспертлардан фойдаланиш ДИИХБ фаолияти учун фойдали қўшимча бўлади, деган қарорга келдилар.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида инсон ҳуқуқлари мавзуси бўйича ўқув-маърифий фаолиятга қўмаклашиш 11/05-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ДИИХБга ЕХХТнинг тузилмалари ва институтлари ҳамда унинг жойлардаги операциялари, шунингдек ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг тегишли салоҳияти ва тўпланган тажрибасидан фойдалангани ҳолда қуйидагини топширади:

- иштирокчи давлатлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув-маърифий фаолиятга қўмаклашишни кучайтириш бўйича янги амалиётни, шу жумладан ЕХХТ минтақасида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни, шунингдек камситишга йўл қўймасликни рағбатлантириш бўйича материаллар тўпламини тайёрлаш.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Инсон ҳуқуқларини ва жиноий одил судлов тизими доирасида қонун устунлигини таъминлаш 12/05-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ДИИХБга ва ЕХХТнинг тегишли тузилмаларига қуйидагиларни топширади:

- иштирокчи давлатларга жиноий одил судлов тизимини такомиллаштириш манфаатларида бир-бирларини муваффақиятли мисоллар, эксперт билимлари ва ижобий тажриба билан таништиришда ёрдам кўрсатиш;
- иштирокчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра ҳимоя ва ҳимоя қилинаётганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларида адвокатуранинг ташкилий базасини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатиш.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Уюшган жиноятчилик 5/06-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

(d) ДИИХБнинг Бош котибига иштирок этувчи давлатларни мунтазам равишда хабардор қилиб туришни ва иштирок этувчи давлатларга юқорида қайд этилган вазифалар ижроси тўғрисидаги масала бўйича қўшма ёзма маърузани 2007 йилги ёзги танаффусга қадар тақдим этишни топширади;

(e) Доимий кенгашга юқорида қайд қилинган маърузани маълумот учун қабул қилиш ва келгусидаги эҳтимол тутилган қадамларнинг мақбуллигини кўриб чиқишни топширади;

(f) Бош котибга ва ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига, шу жумладан ДИИХБга зарурат бўлганда бошқа халқаро ташкилотлар билан фаолиятни мувофиқлаштириб ва ҳамкорлик қилиб, иштирок этувчи давлатлардан ҳамкорлик тўғрисидаги таклифлар ва илтимослар лойиҳаларига жавоб беришга тайёр туриш ҳамда уларнинг тегишли мандатлари ва ушбу мақсадлар учун бадаллар мавжуд бўлганда ўтказиладиган ўқув дастурларини ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни топширади;

(...)

II. Сайловларга тааллуқли қўшимча вазифалар

Рим 1993 йил (Қарорлар: IV. Инсонийлик мезонлари)

4. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

Вазирлар ДИИХБ фаолиятини кучайтириш ва унинг ролини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Хусусан, ДИИХБ ўз мандатига мувофиқ қуйидаги соҳаларда фаолиятини кучайтиради:

(...)

- сайлов жараёни устидан кенг қамровли кузатиш олиб боришда ДИИХБ ролини мустаҳкамлаш;

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

12. ДИИХБ сайлов жараёнини кузатишда сайлов бошлангунгача, унинг бора-сида ва у тугаганидан кейин ҳам катта роль ўйнайди. Шу маънода ДИИХБ оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлигини баҳолаши лозим.

Иштирок этувчи давлатлар сайлов жараёнини кузатадиган турли ташкилотларга ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилашни таклиф этадилар ва бу соҳада мувофиқлаштириш учун асос яратиш мақсадида барча тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашувлар ўтказишни ДИИХБга топширадилар.

Бундан ташқари, ДИИХБ сайлов жараёнини кузатиш тайёргарлиги ва тартиботини такомиллаштириш мақсадида кузатувчилар учун қўлланма тайёрлайди ва бўлажак сайловларнинг доимо янгиланиб турадиган календарини юритади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Сайловлар бўйича 5/03-сон қарори)

Вазирлар кенгаши

(...)

ДИИХБга сайловларни кузатиш тўғрисидаги ДИИХБ маърузасида баён этилган тавсиялар бўйича чоралар кўришда иштирок этувчи давлатларга ёрдам кўрсатиш бўйича ўз самарадорлигини ошириш йўлларини кўриб чиқишни топширади.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: ЕХХТ самарадорлигини ошириш 19/06-сон қарори)

Вазирлар кенгаши

(...)

1. ДИИХБга Вазирлар кенгашининг 17/05-сон Қарори 2-бандига мувофиқ қилган ишлари учун миннатдорчилик билдиради ва унинг 2006 йил 10 ноябрда нашр этилган маърузасини маълумот учун қабул қилади;

2. ДИИХБ ўз мандатини амалга ошириш давомида иштирок этувчи давлатларга уларнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш бўйича ўз имкониятларини намойиш қилганликларини эътироф этади;

(...)

7. ДИИХБ иштирок этувчи давлатларга электорат жараёни билан боғлиқ фаолият турлари ёрдамида, жумладан сайлов қонунчилигини таҳлил этиш ва сайловларнинг боришини кузатишни олиб боришда кўмаклашиш учун эксперт тажрибасига эга эканлигини эътироф этади;

8. Бундан буён ҳам ЕХХТнинг электорат жараёни билан боғлиқ фаолиятини ривожлантириш мажбуриятини олади;

(...)

10. Иштирок этувчи давлатларнинг сайловлар мониторинги учун бошқа иштирок этувчи давлатлар, ДИИХБ, ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси кузатувчиларини ҳамда бундай кузатувчиларни юбориш хоҳишини билдирган тегишли институтлар ва ташкилотлар кузатувчиларини таклиф этиш мажбуриятини яна бир бор тасдиқлайди;

(...)

12. Сайловларни кузатиш жараёнида ҳисоб бериш, ҳолислик, бағрикенглик ва профессионалликни таъминлашнинг мавжуд заруратини эътироф этади;

13. ДИИХБ сайловлар билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш бўйича барча тавсияларни, шу жумладан маърузада қайд этилган тавсияларни, айниқса қуйидаги рўйхатда келтириладиган тавсияларни амалиётга жорий этиши

лозимлигига ҳамда Доимий кенгаш томонидан ҳолатга боғлиқ равишда кўриб чиқиш учун ўз Директори орқали уларни амалга ошириш тўғрисидаги маърузаларни мунтазам тақдим этиш лозимлигига қўшилади:

- бундан буён ҳам кузатиш услубиятини ва ёрдам кўрсатиш дастурини мустаҳкамлаш;
- ДИИХБ электорат фаолияти доирасида иложи борица кенгрок жўғрофий камраб олишни таъминлаш;
- иштирок этувчи давлатлар сонини кўпайтириш, иштирок этувчи давлатларнинг диверсификация фондида бадал тўлашларини рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва сайловларнинг боришни кузатиш бўйича амалиётчи мутахассисларни бирлаштирадиган ЕХХТ тармоқларини ривожлантириш бўйича миллий саъй-ҳаракатлар ғоясини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш йўли билан қисқа муддатли, узок муддатли ва «асосий» кузатувчилар гуруҳларини бундан буён ҳам диверсификациялаш;
- энг юқори профессионал стандартларни қўллаб-қувватлаган ҳолда кузатувчилар гуруҳи таркибига номзодларни танлаш бағрикенглиги даражасини янада оширишни, шу жумладан фаол реклама кампаниялари, ўқув тадбирлари, танлов тартибларини ўтказиш ҳамда сайловларнинг боришини кузатиш бўйича миссиялар раҳбарлари ва «асосий гуруҳлар» аъзоларининг очик рўйхатини тайёрлашни таъминлаш, бу мунтазам равишда иштирок этувчи давлатлар эътиборига ҳавола этилиши ва оммавий фойдаланишга мўлжалланган маълумотлар базаси орқали тарқатилиши лозим;
- ДИИХБнинг сайловлар боришини кузатишни амалга ошираётган ходимлар мустақиллиги, ҳолислиги ва профессионаллиги масалаларига жуда катта эътибор қаратиш;
- тил бўйича камровни кенгайтириш ва қўлланиладиган тиллар кузатиш самарадорлигига бирор тарзда таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш;

14. Сайловларнинг боришини кузатиш ЕХХТ/ДИИХБ, ЕХХТ Парламент ассамблеяси ва бошқа парламент институтлари учун умумий вазифа эканлигини таъкидлайди;

15. ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси билан яқиндан ҳамкорлиги ЕХХТнинг сайловлар боришини кузатишни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлари обрўсини жиддий равишда оширишини эътироф этади ва ДИИХБни Парламент ассамблеяси билан шериклик доирасида сайловларни кузатиш бўйича миссияларни ташкил этишни 1997 йилги Ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида давом эттиришга даъват этади;

III. ДИИХБнинг рома ва синти¹ масалалари бўйича алоқа нуқтаси

Шунингдек қаранг:

§ 1.2.3.4. А. IV: Бағрикенглилик ва камситмаслик, шу жумладан рома ва синти масалаларига тааллуқли қўшимча вазифалар

¹ Рома ва синти — лўлиларнинг асосан Ғарбда яшовчи жамоалари аъзолари. Рома лўлиларининг анъанавий яшаш жойлари собиқ СССР ҳамда Шарқий Европа мамлакатларидир. Синти лўлиларининг (уларнинг француз тилида сўзлашувчиларини «мануш», яни сўзма-сўз таржима қилинганда «инсон» деб ҳам аташади) анъанавий яшаш жойлари — Германия, Франция, Австрия, Голландия, Бельгия, Швейцария, Шимолий Италия ва Швециядир (таржимон изоҳи).

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

23. Иштирок этувчи давлатлар ДИИХБ рома ва синти (лўлилар) элатига тааллуқли масалалар бўйича алоқалар учун қароргоҳ ташкил этишга қарор қилдилар. ДИИХБга қуйдагилар топширилади:

- рома ва синти (лўлилар) билан боғлиқ масалаларда, шу жумладан рома ва синти(лўлилар)га тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот алмашиш учун марказ сифатида ҳаракат қилиш;
- иштирок этувчи давлатлар, халқаро ташкилотлар ва институтлар, шунингдек, НХТ ўртасида рома ва синти (лўлилар) элати муаммолари бўйича алоқаларни енгиллаштириш;
- бу масалаларда ЕХХК институтлари ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда институтлар ўртасидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш. Бу вазибаларни бажариш учун ДИИХБ мавжуд ресурслардан тўла равишда фойдаланади. Бу борада улар рома ва синти (лўлилар) вакиллари бўлган баъзи ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллар ўтказиш ниятларини маъқуллайдилар.

24. Иштирок этувчи давлатлар бошқа халқаро ташкилотлар ва институтлар, хусусан Европа Кенгаши томонидан рома ва синти (лўлилар) масалалари бўйича ўтказилаётган чора-тадбирларни маъқуллайдилар.

Осло 1998 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синтига тааллуқли масалаларда салоҳиятини ошириш тўғрисидаги қарор)

Вазирлар кенгаши,

ЕХХТ доирасида рома ва синтига нисбатан амалдаги мажбуриятларни назарда тутиб ва

Олий даражадаги Будапешт учрашувида ДИИХБда рома ва синти (лўлилар) элатига тааллуқли масалалар бўйича алоқалар учун нуқта ташкил этиш бўйича қабул қилинган қарорни эслатиб,

1. ЕХХТнинг бу масалалардаги салоҳиятини ДИИХБнинг рома ва синти элатига тааллуқли масалалар бўйича алоқа учун мавжуд нуқтасини мустаҳкамлаш йўли билан ошириш қарорини қабул қилади. Қуйдаги масалалар унинг фаолиятида устувор бўлади:

- ЕХХТнинг рома ва синти жамоалари вакиллари бўлган иштирок этувчи давлатлар ҳукуматлари, шунингдек рома ва синти муаммосига алоқадор бўлган халқаро ташкилотлар, ташаббуслар ва НХТ билан ўзаро ҳамкорлигини, жумладан сазй-ҳаракатлар такрорланишини йўл қўймаслик учун Европа Кенгашининг рома халқлари масалалари бўйича мувофиқлаштурувчиси билан ўзаро кучайиб бораётган ҳамкорликни янада ошириш, шу жумладан бу ташкилотлар, ташаббуслар ва НХТлар билан сазй-ҳаракатларни бирлаштиришдан қўшимча самарага эришишга, шунингдек рома ва синти яшайдиган мамлакатларда уларнинг ўзига ҳослигини сақлаб қолган ҳолда бу жамоалар тўла ижтимоий интеграциялашувига умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- ЕХХТ институтлари ва унинг жойлардаги миссиялари/иштирок этувчилари билан мақбул бўлган ҳолларда рома ва синти масалалари бўйича ҳамкорликни кучайтириш;
- иштирок этувчи давлатлар, ЕХХТ институтлари ва жумладан ОМОК, рома ва синти жамоалари, НХТ, халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа институтлар

ва ташаббуслар ҳиссалари асосида иш дастурларини ишлаб чиқиш, улар бошқа масалалар қатори семинарлар, амалий анжуманларни ва ахборот айрибошлаш марказлари ташкил этишни қамраб олиши керак;

- иштирок этувчи давлатлардан ЕХХТ ҳамжамияти, шунингдек бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларга ҳавола этиш ҳамда ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволи тўғрисида қўшимча маърузалар тайёрлаш учун қонунчилик ва бошқа чоралар тўғрисида ахборот тўплаш.

2. Шунингдек алоқа учун нукта фақат рома ва синтига тааллуқли масалалар билан шуғулланиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Одам савдоси билан курашиш 2/03-сон Қарорига Илова; ЕХХТнинг Одам савдоси билан курашиш бўйича Ҳаракат режаси)

ЕХХТ институтлари ва органларининг ҳаракатлари

6. Маълумотлар тўплаш ва тадқиқотлар

(...)

6.2 ДИИХБнинг рома ва синтига тааллуқли масалалар бўйича алоқа учун нуктага одам савдоси ва, энг аввало, болалар савдоси тўғрисида, шунингдек рома ва синти жамоалари учун унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплашни давом эттириш топширилсин.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича ҳаракат режаси 3/03-сон Қарорига Илова)

III. Ирқчилик ва камситиш билан курашиш

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот фаолияти

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари учун тавсия этиладиган ҳаракатлар:

(...)

23. ДИИХБ/Рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуктаси (РСАН) рома ва синтининг ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) билан иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ёрдам кўрсатади.

24. ДИИХБ — РСАН иштирок этувчи давлатлар томонидан киритилган ташаббусларни амалга ошириш муносабати билан мувофиқлаштириш маркази функциясини бажаради ва энг яхши амалиёт тўғрисида ахборот айрибошлаш-ни енгиллаштиради.

25. ДИИХБ — РСАН иштирок этувчи давлатлар, рома ва синти жамоалари билан ва, имконият бўлган жойларда, бошқа халқаро ташкилотлар билан шахсий маълумотларни химоя қилиш тўғрисидаги қонунларни тўла ҳурмат қилган ҳолда янада манзиллироқ сиёсатни ишлаб чиқиш мақсадлари учун ҳужжатларни тўплашни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилади.

Полиция

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари учун тавсия этиладиган ҳаракатлар:

(...)

34. ДИИХБ — РСАН ва Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича гуруҳи ўзларининг тегишли мандатлари доирасида ЕХХТ минтақасида рома ва синти жамоаларига нисбатан полиция фаолиятига бағишланган полиция органларининг «энг яхши амалиёти» тўпламини тайёрлайдилар.

35. ОМОК, ДИИХБ — РСАН ва Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича гуруҳи иштирок этувчи давлатларга ирқий ақидалар қарор топишига

йўл қўймаслик ва элатлараро муносабатларни яхшилашга даъват этилган ҳуқуқ-
атвор кодексини ишлаб чиқишда ёрдам берадилар.

IV. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш

Турар-жой ва турмуш шароитлари

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

47. ДИИХБ — РСАН ва ЕХХТнинг Иқтисодиёт ва атроф-муҳит соҳасидаги
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи бюро (ИАМФМБ) хорижий донорлар томони-
дан лўлилар жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ
лойиҳаларга, айниқса улар рома ва синти бирлашмаларига таклиф этилган бўлса,
ажратилган ресурслар тўғрисида ахборот олишлари ва бу ресурслардан фойда-
ланишлари учун ёрдам кўрсатишнинг салмоқли ҳиссасини зиммаларига олиш-
лари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишсизлик ва иқтисодий муаммолар

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

54. Иштирок этувчи давлатларнинг илтимосларига кўра ДИИХБ — РСАН
ва ИАМФМБ рома ва синтида ёлланиб ишлаш ва тадбиркорлар сифатида
фаолият олиб бориш учун касбий кўникмаларини ривожлантиришга ишти-
рок этувчи давлатларда касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш дастурлари
орқали ёрдам кўрсатадилар. Муваффақиятли лойиҳалар, айниқса тадбир-
корлик кўникмаларига ўргатиш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарни (КЎК)
ривожлантиришга тааллуқли ўқитишни (масалан, ёш тадбиркорлар учун
семинарлар дастурларини) рома ва синти эҳтиёжлари учун мослаштириш
мумкин бўларди (...)

(...)

56. ДИИХБ — РСАН ва (ИАМФМБ) БМТ Ривожлантириш дастури (ПРООН)
ва бошқа муассасаларнинг рома ва синтининг ҳар бир иштирок этувчи давлат-
даги алоҳида эҳтиёжлари кўламлари ва хусусиятларини ҳисобга олиш сиёсати-
ни қўллаб-қувватлаш мақсадларида уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш бўйича фа-
олиятлари натижаларидан фойдаланадилар.

57. ДИИХБ — РСАН ва ИАМФМБ ўз ҳаракатларини тегишли халқаро ташки-
лотлар (жумладан, БМТРД ва Жаҳон банки) билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаш-
тириб, рома ва синтининг ўқитишнинг одатдаги дастурларидан фойдаланишла-
рини кенгайтириш воситаларини кўриб чиқадиладар. Рома ва синти жамоаларини
шахсининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва тадбиркорлар ҳуқуқларига таал-
луқли масалалардан хабардор қилиш ва ўқитиш мақсадларида рома ва синти эҳ-
тиёжларига мўлжалланган амалий семинарлар ёки давра суҳбатида мунозаралар
ташқил этилиши мумкин.

Тиббий хизмат кўрсатиш

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

65. ДИИХБ — РСАН ва, тегишли ҳолларда ЕХХТнинг бошқа институтлари
ва тузилмалари, жумладан ЕХХТнинг жойлардаги операциялари иштирокчи
давлатларнинг рома ва синтига тиббий муассасаларнинг одатдаги хизматлари-
дан тўла даражада фойдаланишга ёрдам беришларига қаратилган ахборот-
маърифий тадбирларини қўллаб-қувватлайдилар. Улар, жумладан, мақбул ама-
лиёт тўғрисидаги тегишли ахборотни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш билан
шуғулланадилар.

66. ДИИХБ-РСАН рома ва синтини наркомания ва наркотикларга тобеликнинг, СПИД ва у билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва/ёки даволашга йўналтирилган дастурлардан фойдаланишларини таъминлашга алоҳида эътибор берадилар.

VII. Рома ва синти инқирозли ва инқироздан кейинга вазиятларда

(...)

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

114. ДИИХБ — РСАН ўз мандатларига мувофиқ лўлилар жамоаларини таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида инқирозли вазиятларда, жумладан тегишли мамлакатлар ҳукуматлари, ҳукуматлараро органлар ва халқаро ташкилотлар, хусусан БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссари билан ҳамкорлик қилиш орқали самарали чоралар кўришга даъват этилган.

115. ДИИХБ — РСАН давлат мансабдор шахслари, журналистлар ва бошқа томонларни рома ва синтининг инқирозлар ёки можаролар жойларидаги аҳволи тўғрисидаги хабардорлигини оширадилар

VIII. Бошқа халқаро ташкилотлар ва НХТлар билан ҳамкорликни ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни чуқурлаштириш

118. ДИИХБ — РСАН бундан буён ҳам *рома элати ишлари бўйича ҳукуматлараро ташкилотлар вакилларининг норасмий алоқа гуруҳи*¹да иштирок этадилар.

(...)

121. ДИИХБ — РСАН «Рома элати ишлари бўйича халқаро алоқа гуруҳи»²ни жипслаштиришга интилади ва Европа Иттифоқининг Европа лўлилар ва дарбадар шахслар ишлари бўйича анжуманини ташкил этиш эҳтимолига оид ташаббусига бундан буён ҳам ҳисса қўшади.

122. ДИИХБ — РСАН рома ва синти ташкилотлари билан муносабатларини ривожлантиришга интилади ҳамда уларга ўз саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини алоҳида давлатлар ичида ҳам, трансчегара даражасида ҳам мувофиқлаштиришга ёрдам беради, рома ва синтига тааллуқли бўлган, олиб борила бошланган миллий ва халқаро сиёсат яратаётган имкониятлардан тўла даражада фойдаланишларида ёрдам кўрсатади.

123. ДИИХБ — РСАН рома ва синти ташкилотлари била муносабатларни ривожлантиришга ҳамда уларга ўз саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини алоҳида давлат ичида, ҳам трансчегаравий даражада мувофиқлаштиришга ҳамда рома ва синтига тааллуқли бўлган миллий ва халқаро микёсда ўтказилаётган сиёсатда уларнинг ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишларига ёрдам беришга ҳаракат қилади.

124. ДИИХБ — РСАН бошқа халқаро ташкилотларнинг мониторинг соҳасидаги тажрибаларига ва мавжуд лойиҳаларига таянади.

IX. ДИИХБнинг Рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуктаси

1 Рома элати ишлари бўйича ҳукуматлараро ташкилотлар вакилларининг норасмий алоқа гуруҳида ЕХХТ/ДИИХБ, Европа Кенгаши, Европа комиссияси ва Европа Иттифоқи иштирок этадилар.

2 Рома элати ишлари бўйича халқаро алоқа гуруҳи ДИИХБнинг Рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуктаси ташаббусига кўра 2000 йил октябрида таъсис этилган эди. Алоқа гуруҳига Халқаро рома иттифоқи, Миллий рома конгресси, рома элатининг сайланган вакиллари, лўли-экспертлар ва ДИИХБ — РСАН киради.

125. Зарурат бўлганда, ДИИХБ — РСАН рома ва синтига нисбатан давлат сиёсатини ишлаб чиққан ёки бу сиёсатни яхшилашга интилаётган ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари ўртасида ахборот айрибошлашни енгиллаштиради.

126. ДИИХБ — РСАН тегишли сўровларга кўра, иштирок этувчи давлатларга рома ва синтига нисбатан келажакдаги сиёсат хусусида маслаҳат беради ҳамда ҳукуматлар билан лўлилар НХТлари ўртасидаги мунозараларни рағбатлантиради.

127. ДИИХБ — РСАН лўлилар НХТлари салоҳиятини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

128. ДИИХБ — РСАН ЕХХТ иштирокчи этувчи давлатларида мавжуд энг яхши амалиёт тўғрисида маълумотлар базасини яратади.

129. ДИИХБ — РСАН иштирок этувчи давлатларнинг рома ва синтига тааллуқли кўраётган чораларини ҳамда аниқ вазиятлар ва ҳодисаларни таҳлил этишда ташаббус кўрсатиши лозим. Шу мақсадларда РСАН иштирок этувчи давлатлар билан бевосита алоқалар ўрнатади ва ривожлантиради ҳамда уларга тавсиялар ва ҳулосаларни таклиф этади.

130. Тегишли мамлакатларнинг ҳукуматлари ДИИХБ — РСАН билан инқирозли вазиятларда самарали қарорларни топишда ҳамкорлик қиладилар.

131. ДИИХБ — РСАН рома ва синти жамоаларига ЕХХТнинг ресурслари ва фаолияти тўғрисида қўшимча ахборот тақдим этади.

132. ДИИХБ ЕХХТнинг тегишли институтлари ва тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда одамлар савдоси, айниқса болалар савдосининг туб сабабларини бартараф этишга йўналтирилган тегишли чораларни ишлаб чиқади ҳамда лўлилар аҳолисининг бунинг оқибатлари ҳақидаги хабардорликларини оширади.

(...)

138. ДИИХБ — РСАН лўлилар аҳолиси ҳамда рома ва синти ташкилотлари ўртасида мазкур Режа тўғрисидаги ахборотни тарқатади, шунингдек уни бошқа халқаро ташкилотларга юборади.

Оммавий ахборот воситалари

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

41. ДИИХБ — РСАН ва ОАВЭВ журналистлар иштирокида ижтимоий онгда рома ва синти образига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этади.

VI. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишни кенгайтириш

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

100. ДИИХБ — РСАН, шунингдек, лўлилар НХТлари, жумладан ОАВ ташкилотлари томонидан лўлилар НХТлари учун лўлилар жамоалари манфаатларида демократик жараёнлар ва уларда фуқароларнинг иштирокига доир мавзуда кадрлар тайёрлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатишлари керак.

(...)

105. ДИИХБ — РСАН, шунингдек тегишли ҳолларда, ЕХХТнинг бошқа институтлари ва тузилмалари, жумладан ЕХХТнинг жойлардаги операциялари рома ва синти номзодларини сайлаб қўйиладиган органларга кўрсатишларини рағбатлантирадиган дастурлар ишлаб чиқади ҳамда ёки рома ва синти вакилларининг миллий ва маҳаллий даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишини таъминлайдиган ностандарт ёндашувларни топадилар.

IV. Рома ва синти масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда бағрикенглик масалалари ва камситишларга йўл қўймасликка тааллуқли қўшимча масалалар

Шунингдек қаранг:

§ 1.2.3.4. А. III: ДИИХБнинг Рома ва синти бўйича алоқа нуқтаси

Рим 1993 йил (Қарорлар: X. Агрессив миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм тўғрисидаги декларация)

1. Вазирлар Кенгашининг Стокгольм Учрашувида қабул қилинган ўз қарорлари тўғрисида эслатган ҳолда айни вақтда ҳудудий экспансионизм, шунингдек, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм кўринишларида агрессив миллатчилик ортиб бораётганлигидан қаттиқ ташвишланаётганини таъкидладилар.

(...)

6. Вазирлар мазкур масалага ЕХХК фаолияти доирасидаги биринчи даражали масала сифатида эътибор қаратишга ва шу муносабат билан қуйидагича қарор қабул қилишга келишди:

(...)

- ДИИХБнинг бундай воқеликларга алоҳида эътиборини қаратишини ҳамда бу муаммоларни ҳал этиш учун ресурслардан заруриятга қараб фойдаланишни таклиф қилдилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

25. Иштирок этувчи давлатлар мурасизлик кўринишларини, айниқса, агрессив миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмни қоралайдилар ҳамда уларни батамом йўқотишга қаратилган таъсирчан чоралар кўришга бундан буён кўмаклашадилар. Улар ДИИХБга бундан кейин ҳам шу ҳодисаларга алоҳида аҳамият бериб, иштирок этувчи давлатларда уларнинг турли кўринишлари тўғрисида ахборот тўплашни таклиф этадилар.

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 5/01-сон қарор)

Вазирлар кенгаши

(...)

ЕХХТ институтларини, жумладан ДИИХБ, Озчиликни ташкил қиладиган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар ва Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакилни агрессив миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва экстремизмнинг кучайган кўринишлари, тоқатсизлик ва ирқий ёки этник келиб чиқиши белгилари, диний, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари бўйича камситиш билан курашишни, шунингдек конун устунлиги, демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр билдириш эркинлиги, тафаккур, виждон, диний ёки эътиқод эркинлигини ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-сон Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

III. Ирқчилик ва камситиш билан кураш

Қонунчилик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

20. ДИИХБ ва, тегишли ҳолларда, ЕХХТнинг бошқа институтлари ва тузилмалари, жумладан ЕХХТнинг жойлардаги операциялари иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра камситишга қарши қонунчиликни ишлаб чиқишда, шунингдек камситиш билан курашиш бўйича органларни ташкил этишда ёрдам кўрсатадилар.

(...)

22. ДИИХБ сўровга кўра, иштирокчи давлатларда рома ва синти билан лўли бўлмаган аҳоли ўртасидаги кескинликни юмшатиш мақсадларида омбудсман бюроси, камситишлар билаш курашиш бўйича комиссиялар, полиция идораларининг интизом комиссиялари ва бошқа тегишли органлар каби мавжуд механизмларни қай тарзда ишга солиш тўғрисида маслаҳатлар берадилар.

Полиция

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

33. Котибият таркибидаги Полиция фаолиятида стратегик масалалар бўйича гуруҳ, шунингдек ДИИХБ иштирок этувчи давлатларга, масалан, рома ва синти билан полиция ўртасида, айниқса маҳаллий даражада муносабатларни яхшилашга даъват этилган полициянинг аҳоли билан иш олиб бориш соҳасидаги дастурларини ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатадилар.

Оммавий ахборот воситалари

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

39. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги масалалари бўйича Вакили (ОАВЭВ) ДИИХБ ва тегишли халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ЕХХТнинг бутун Европага эшиттириш олиб борадиган Европа лўлилар радиосини ташкил этишга ҳисса қўшиш эҳтимоли масаласини кўриб чиқиши лозим. ДИИХБ ва ОАВЭВ камситишга қарши ижтимоий баҳслар, компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ва улар учун қўшма ўқув дастурларини ташкил этишлари лозим.

(...)

Тиббий хизмат кўрсатиш

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

64. ДИИХБ бошқа халқаро ташкилотлар ва НХТлар билан ўзаро ҳамкорликда у ёки бу лўлилар жамоаларининг саломатликлари ҳолатига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий омилларни тадқиқ этиш бўйича мавжуд маълумотлардан фойдаланадилар ва иштирок этувчи давлатларга аниқланган эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурларни амалга ошириш масалаларида маслаҳатлар берадилар.

VI. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишни кенгайтириш

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

99. ДИИХБ ва, мақсадга мувофиқ бўлган жойларда, ЕХХТнинг бошқа институтлари ва тузилмалари, шу жумладан ЕХХТнинг жойлардаги операциялари сиёсий фаолиятда тўлақонли иштирок этиш учун зарур бўлган рўйхатга олишни таъминлашга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқадиладар.

(...)

101. ДИИХБ, шунингдек, мақсадга мувофиқ бўлганда, ЕХХТ институтлари ва тузилмалари, шу жумладан ЕХХТнинг жойлардаги операциялари электорат учун маърифий дастурлар ҳамда сайловчиларни рўйхатга олиш дастурларини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадилар.

102. ДИИХБ иштирок этувчи давлатлар ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ахборот ва илғор тажрибани айрибошлаш катализатори ролини бажаради.

103. ДИИХБ лўлиларнинг овоз беришда ва сайлов жараёнларида иштирок этиш амалиётини ўрганишни давом эттиради ва мустаҳкамлайди, шунингдек лўли экспертларни ЕХХТ минтақасида кузатиш бўйича ўз миссияларининг таркибига киритиш амалиётини давом эттиради.

(...)

106. ДИИХБ лўли аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этишларини кенгайтиришга йўналтирилган фаолиятига алоҳида эътибор беради.

VII. Рома ва синти инқирозли ва инқироздан кейинги вазиятларда

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар:

113. ДИИХБ можароларнинг олдини олиш ва бошланғич босқичда аралашувни талаб этадиган инқирозли соҳаларни аниқлаш масалаларида ўзининг махсус функцияларидан фойдаланади.

(...)

116. ДИИХБ иштирок этувчи давлатларнинг рома ва синтига нисбатан кўраётган чораларини таҳлил этиш ишида ташаббус кўрсатади ҳамда аниқ маҳаллий шароитларда, агар олди олинмаса ошқора можароларга айланиб кетиши мумкин бўлган вазиятларда кескинликка янада муваффақиятли барҳам бериш манфаатларида ўз тавсияларини таклиф этади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик¹ ва камситмаслик 4/03-сон қарори)

Вазирлар кенгаши

(...)

6. Барча иштирок этувчи давлатларни нафрат, шу жумладан ирқчилик², ксенофобия³нинг жанговар кўринишлари, камситиш⁴ ва антисемитизм⁵ негизидаги жиноятлар тўғрисидаги ишонарли ахборотлар ва статистика маълумотларини, юқорида қайд этилган анжуманлар давомида муҳокама этилган ва тавсия қилинганидек, тўплаш ва сақлашга даъват этади. Иштирок этувчи давлатлар нафрат негизидаги жиноятлар билан курашишда қонунчиликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиб, ДИИХБни мурасизлик ва камситиш оқибатидаги жиноятларга тааллуқли мавжуд қонунчилик тўғрисида хабардор қилиб турадилар ҳамда

1 Бағрикенглик (лотинча «tolerantia» — тўғридан тўғри «сабр-тоқатчилик» сифатида таржима қилинсада, «бағрикенглик» маъносида ишлатилади) — ўзгача турмуш тарзи, ҳулқ-атвор, одатлар, фикрлар, ғоялар, эътиқодларга бағрикенглик. Бағрикенглик принциплари декларациясига (ЮНЕСКО, 1995 йил) мувофиқ бағрикенглик фуқаролик жамиятининг турфа бўлиши, турли конфессиялар, сиёсий, этник ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасида барқарор уйғунликни таъминлаш, жаҳон маданиятларининг цивилизациялар ва халқларнинг хилма-хиллигига ҳурмат, ташқи кўриниши, тили, эътиқоди, одатлари бўйича фарқланадиган одамларни англаш ва улар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик.

2 Ирқчилик (расизм) — инсон ирқларининг жисмоний ва руҳий тенг эмаслиги ҳамда ирқий фарқларнинг таърих ва маданиятга ҳал қилувчи даражада таъсир кўрсатиши тўғрисидаги қоидалар асос қилиб олинган қарашларнинг жамланмаси.

3 Ксенофобия (يونونча «ксено» — «ўзга», «фобос» — «қўрқув» сўзларидан) — бирон ўзга, нотаниш, ноодатий нарсадан қўрқиш ёки бунга адоват; ўзга нарсани тушунарсиз, тассавур этиб бўлмайдиган, шунинг учун хавфли ва душманлик сифатида тассавур этиш. Бу дунёқараш даражасига кўтарилиб, инсонларни миллий, диний ёки ижтимоий белгиларига кўра фарқлаш сабабига айланиши мумкин.

4 Камситиш (лотинча «discrimination» — «фарқлаш» сўзидан) — инсонни муайян белгисига қараб ҳуқуқ ва мажбуриятларини чеклаш. Ҳуқуқнинг чекланиши ҳуқуқий — мамлакатда қонунчилик йўли билан (де юре) ёки норасмий — таркиб топган ахлоқий меъёрларга асосланиб (де факто) мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

5 Антисемитизм — яҳудийларга этник ёки диний гуруҳ сифатида душманлик муносабатини ифода этадиган миллий мурасизлик шаклларида биридик. Антисемитизм ксенофобия кўринишларидан биридик.

тегишли ҳолларда ДИИХБга ана шундай қонунчиликни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишда ёрдам сўраб мурожаат қиладилар.

7. ДИИХБга ҳар тарафлама, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси (ЮНСЕРД), Европа Ирқчилик ва мурасизликка қарши кураш бўйича комиссияси (ЕИТК) ва Европа Ирқчилик ва ксенофобия масалалари бўйича мониторинг маркази (ЕИКММ), шунингдек тегишли НХТлар билан ҳамкорлик асосида иштирок этувчи давлатлар томонидан тўпланаётган ахборотлар ва статистикани жамлаш бўйича марказ функциясини, шу жумладан келгусидаги ишларнинг биринчи даражадаги вазифаларини аниқлашда асос сифатида инсонийлик мезонлари бажарилишини кўриб чиқишга бағишланган Кенгаш шаклидан фойдаланган ҳолда бажаришни топширади. ДИИХБ, жумладан энг яхши амалиётни жорий этиш ҳамда мурасизлик ва камситиш билан курашиш сабоқлари тўғрисидаги ахборотни тарқатишга қўмаклашади;

(...)

16. Доимий кенгаш, ДИИХБ ОМОК ва ОАВЭВга Амалдаги раис билан яқиндан ҳамкорликда мазкур қарорнинг тегишли қоидаларини бажариш бўйича самарали чоралар кўришни таъминлашни топширади ҳамда Доимий кенгашда мазкур Қарор ижросини ташкил этиш ва молиялаштириш масаласини кўриб чиқишни сўрайди.

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 607-сон Қарори: Антисемитизм билан курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТ бутун минтақасида антисемитизм билан курашиш бўйича бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтириш мақсадларида

қуйидагини қарор қилади.

(...)

2. ДИИХБга топширилсин:

- ЕХХТнинг бошқа институтлари, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси (ЮНСЕРД), Европа Ирқчилик ва тоқатсизликка қарши кураш бўйича комиссияси (ЕИТК) ва Европа Ирқчилик ва ксенофобия масалалари бўйича мониторинг маркази (ЕИКММ) ҳамда тегишли халқаро институтлар ва НХТлар билан ҳар тарафлама ҳамкорлик асосида мавжуд ва ишончга молик барча ахборотлардан фойдаланган ҳолда ЕХХТ минтақасида антисемитизм хусусиятидаги ҳодисаларни диққат билан кузатиб бориш;
- ўз хулосалари тўғрисида Доимий кенгашга ва инсонийлик мезонлари масалалари бажарилишини кўриб чиқишга бағишланган Кенгашга ҳисоб бериш, шунингдек булардан жамоатчиликни хабардор қилиш. Бундай ҳисоботлар ЕХХТнинг тоқатсизлик муаммолари бўйича фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда ҳам эътиборга олиниши керак;
- ЕХХТ минтақаси қўламида антисемитизмнинг олдини олиш ва бунга чора кўришнинг энг яхши амалиёти тўғрисидаги ахборотни мунтазам тўплаш ва тарқатиш, шунингдек иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра антисемитизм билан курашиш бўйича улар саъй-ҳаракатларини кучайтириш муносабати билан тавсиялар бериш.

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглик ва иркчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТнинг барча минтақаларида тоқатсизлик кўринишларига курашда умумий сайй-ҳаракатларимизни кучайтириб бориш мақсадида куйидаги қарор қилинади:

(...)

2. ДИИХБга топширилсин:

- ЕХХТнинг бошқа институтлари, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича кўмитаси (ЮНСЕРД), Европа Ирқчилик ва мурасасизликка қарши кураш бўйича комиссияси (ЕИТК) ва Европа Ирқчилик ва ксенофобия масалалари бўйича мониторинг маркази (ЕИКММ) ҳамда тегишли халқаро институтлар ва НХТлар билан ҳар тарафлама ҳамкорлик асосида ЕХХТ минтақасида иркчилик, ксенофобия ёки улар билан боғлиқ мурасасизлик, шу жумладан мусулмонларга нисбатан мурасасизлик билан боғлиқ ҳодисаларни мавжуд ва ишончга молик ахборотлардан фойдаланган ҳолда диққат билан кузатиб бориш;
- ўз хулосалари тўғрисида Доимий кенгашга ва инсонийлик мезонлари масалалари бажарилишини кўриб чиқишга бағишланган Кенгашга ҳисоб бериш, шунингдек булардан жамоатчиликни хабардор қилиш. Бундай ҳисоботлар ЕХХТнинг мурасасизлик муаммолари бўйича фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда ҳам эътиборга олинishi керак;
- ЕХХТ минтақаси кўламида иркчилик, ксенофобия ва мурасасизликнинг олдини олиш ва бунга чора кўришнинг энг яхши амалиёти тўғрисидаги ахборотни мунтазам тўплаш ва тарқатиш, шунингдек иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра иркчилик, ксенофобия ва мурасасизлик билан курашиш бўйича улар сайй-ҳаракатларини кучайтириш муносабати билан тавсиялар бериш;
- фуқаролик жамиятининг иркчилик, ксенофобия ёки улар билан боғлиқ мурасасизлик, шу жумладан мусулмонларга нисбатан мурасасизликка қарши туришга қодирлигини кўллаб-қувватлаш (...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашув 10/05-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

6. ДИИХБга топширади:

6.1 иштирок этуши давлатларга уларнинг илтимосига кўра нафрат ҳамда мурасасизлик ва камситишнинг тажовузкор кўринишлари негиздаги жиноятлари тўғрисидаги ишонарли ахборот ва статистикани тўплаш ва сақлашнинг тегишли услубияти ва салоҳиятини ишлаб чиқишларида кўмаклашиш, бундан таккосланса бўладиган статистика маълумотларини тўплашда ёрдам кўрсатиш мақсади кўзланади;

6.2 ЕХХТнинг бошқа институтлари, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича кўмитаси (ЮНСЕРД), Европа Ирқчилик ва тоқатсизликка қарши кураш бўйича комиссияси (ЕИТК) ва Европа

Иркчилик ва ксенофобия масалалари бўйича мониторинг маркази (ЕИКММ), Холокост¹ тўғрисидаги маориф, хотира ва тадқиқотлар соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича Мақсадли гуруҳ ҳамда бошқа тегишли институтлар ва фуқаролик жамияти, шу жумладан ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни давом эттириш;

6.3 ўзининг Дин ва эътиқодлар эркинлиги масалалари бўйича экспертларнинг Маслаҳат гуруҳи доирасида иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра дин ва эътиқод эркинлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини Гуруҳнинг хулосалари ва мулоҳазалари билан ҳам икки томонлама асосда, ҳам ЕХХТнинг тегишли конференциялари ва тадбирлари асосида таништириб бориш; (...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида инсон ҳуқуқлари мавзуси бўйича ўқув-маърифий фаолиятга кўмаклашиш 11/05-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

ДИИХБга ЕХХТнинг тузилмалари ва институтлари ҳамда унинг жойлардаги операциялари, шунингдек иштирок этувчи давлатлар томонидан тўпланган тегишли эксперт салоҳияти ва тажрибасидан фойдаланган ҳолда топширади:

- иштирок этувчи давлатлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида, жумладан ЕХХТ минтақасида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни, шунингдек камситишга йўл қўймасликни рағбатлантириш соҳасида ўқув-маърифий фаолиятга кўмаклашишни кучайтириш бўйича энг яхши амалиёт юзасидан материаллар тўпламини тайёрлаш.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Муросасизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлаш 13/06-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

14. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюрони (ДИИХБ) мавжуд мажбуриятлар асосида, шу жумладан ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмалари билан ҳамкорлик орқали ҳаракат қилишга даъват этади:

(а) бундан буён фаолиятини ўзининг маросасизлик ва камситиш билан курашиш бўйича дастури доирасида, жумладан иштирок этувчи давлатларга, уларнинг илтимосига кўра, мажбуриятларини амалга оширишларида ёрдам кўрсатиш мақсадида кўмаклашиш дастурлари доирасида фаолиятини мустаҳкамлаш;

(б) бундан буён ДИИХБнинг Дин ва диний эътиқод эркинлиги бўйича экспертлар Маслаҳат гуруҳининг иштирок этувчи давлатларни қўллаб-қувватлаш ва уларга эксперт ёрдами кўрсатиши бўйича фаолиятини мустаҳкамлаш;

(с) ўз фаолиятини бошқа тегишли ҳукуматлараро муассасалар ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашув ва муросасизлик ва камситишга қарши курашиш

1 Холокост (инглизча «holocaust», қадимги юнонча «холокаутос» — «батамом ёкиб юбориш» сўзидан) — иккинчи жаҳон уруши йилларида Германияда яҳудийларни таъкиб этиш ва оммавий йўқ қилиш, 1933–1945 йилларда нацистлар Германияси ва коллаборационалчилар томонидан Европа яҳудийларини мунтазам таъкиб этиш ва йўқ қилиш. Холокост курбонлари сифатида, шунингдек кўпинча нацистлар томонидан мазкур гуруҳларга (лўлилар, масонлар, тузалмайдиған беморлар ва бошқаларга) мансублиги учун таъкиб этилган ва йўқ қилинган бошқа этник ва ижтимоий гуруҳлар ҳам англанади.

соҳасида фаолият олиб борадиган фуқаролик жамияти билан, шу жумладан нафрат негизидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш орқали давом эттириш;

(d) иштирок этувчи давлатлар томонидан тақдим этилган, адоват негизидаги жиноятлар ва тегишли қонунчилик тўғрисидаги ахборотлар ҳамда статистикани тўплаш нуқтаси сифатида хизмат кўрсатишни давом эттириш ҳамда бу ахборотни бағрикенглилик ва камситмаслик тўғрисидаги ахборот ҳамда ЕХХТ минтақасида нафрат сабабли ҳаракатларга жавоб бериш тўғрисидаги маъруза тизими орқали ошкор қилиш;

(e) нафрат сабабли ҳаракатлар ва тенденцияларни айнанлаштириш, маълум қилиш ва ошкор этиш учун мавжуд ресурслари доирасида ўзининг барвақт огоҳлантириш функциясини мустаҳкамлаш ҳамда иштирокчи давлатларнинг илтимосига кўра тегишли жавоб бериш талаб қилинадиган соҳаларда тавсиялар таклиф этиш ва ёрдам кўрсатиш;

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТнинг саъй-ҳаракатлари самарадорлигини ошириш 6/08-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТнинг саъй-ҳаракатлари самарадорлигини оширишга қатъий ният қилиб,

(...)

2. ДИИХБни мавжуд ресурслар доирасида иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра рома ва синти болалари барвақт таълим олишини таъминлашда ёрдам кўрсатишга даъват этади. Шу муносабат билан иштирок этувчи давлатларни, бу мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда, жамиятнинг, шу жумладан рома ва синти жамоаларини барвақт таълим олишнинг фойдаси ҳақида хабардорликларини ошириш бўйича ташаббус кўрсатишга қатъий даъват этади;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синти барқарор интеграциялашини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш 8/09-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

6. ДИИХБга ОМОК ва Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил ва ЕХХТнинг бошқа тегишли ижроия тузилмалари билан ҳамкорликда ва фаолиятни мувофиқлаштириб, мандатлари доирасида ҳамда мавжуд ресурслар чегарасида рома ва синтига нисбатан камситиш ва зўравонлик ҳодисаларига қарши туришда, ЕХХТ доирасида ОАВ эркинлигига тааллуқли тегишли мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот воситаларида рома ва синтига нисбатан салбий ақидалар билан курашишда ҳамда ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларни тўла бажариш, жумладан ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажаришда, шунингдек рома ва синтининг барқарор ва муваффақиятли интеграциялашини билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда иштирок этувчи давлатларга ёрдам кўрсатишни давом эттиришни топширади;

(...)

8. ДИИХБга иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашиш асосида ва ЕХХТнинг бошқа тегишли институтлари билан қалин ўзаро ҳамкорликда улар мандатлари доирасида ўқитувчиларни тайёрлаш ва мактаблардаги паст давомат билан курашиш бўйича лойиҳалар каби рома ва синтининг барвақт таълим олиш муаммоларига бағишланган тегишли лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширади;

9. ЕХХТнинг тегишли институтларини Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи каби бошқа тегишли халқаро субъектлар, шунингдек, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда, рома ва синти билан боғлиқ масалалар билан шуғулланаётган фуқаролик институти субъектлари билан ўз ҳамкорликларини фаоллаштиришга даъват этади;

10. ДИИХБ Директорига иштирок этувчи давлатларни уларнинг Доимий кенгашига мунтазам маърузалари вақтида ДИИХБнинг иштирок этувчи давлатларга рома ва синтининг барқарор интеграциялашишини таъминлашда ёрдам кўрсатиш бўйича фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туришни таклиф этади.

Афина 2009 йил (Қарорлар: Адоват негизидagi жиноятлар билан курашиш 9/09-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

12. ДИИХБга иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашиш асосида ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятидаги шериклари билан ҳамкорликда Интернетдан фойдаланиш билан ақидалар сабабли зўравонлик ўртасидаги эҳтимол тутилган алоқадорлик ҳамда бунинг оқибатида етказилаётган зарарни, шунингдек бунга қарши туриш учун қабул қилиниши зарур бўлган имконияти бор амалий чораларни ўрганишни топширади;

13. ДИИХБ Директорига иштирок этувчи давлатларни уларнинг Доимий кенгашига доимий ҳисоботлари доирасида ДИИХБнинг иштирок этувчи давлатларга адоват негизидagi жиноятлар билан курашишда ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятдан хабардор қилиб туришни таклиф этади.

V. Гендер¹ тенглигига тааллуқли қўшимча вазифалар

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарорига Илова; ЕХХТнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

V. ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли мажбуриятларини бажаришларини қўллаб-қувватлаш

(...)

44. Устуворликлар

(а) ЕХХТ миссияси мавжуд бўлмаган давлатларда лойиҳаларни ишлаб чиқиш

- миссиялар мавжуд бўлмаган мамлакатларда аёлларга нисбатан зўравонликка йўл қўймаслик, аёлларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётда иштирок

¹ Гендер (инглизча «gender», лотинча «genus» — «жинс» сўзидан) — инсоннинг жамиятдаги ўрнини кўрсатувчи ва бу қандай қабул қилинишини белгилайдиган ижтимоий жинс. Гендер тенглиги аёллар ва эркаклар томонидан ижтимоий неъматлар, имкониятлар, ресурслар ва рағбатларга кенг эгалик қилишни назарда тутadi. Гендер тенглиги аёллар ва эркаклар бир хил бўлишини эмас, балки уларнинг имкониятлари тенг эканлигини билдиради.

этишларига қўмаклашиш ҳамда миллий даражада гендер муаммосини мунтазам ҳисобга олишни қўллаб-қувватлаш каби соҳалардаги чораларни қўллаб-қувватлаш учун лойиҳалар танлашни амалга оширади.

(b) Ҳуқуқий ва сиёсий тизимларнинг камситмаслик хусусиятини таъминлаш

- ДИИХБ бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда тегишли миллий органлар ва институтлар билан ҳамкорликда ЕХХТ иштирок этувчи давлатларига гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига риоя этишда, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларга ва бошқа мажбуриятларга мувофиқ гендер тенглигини қўллаб-қувватлашнинг тегишли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш мақсадида қонунчиликни қайта кўриб чиқишда ёрдам кўрсатади;
- ДИИХБ аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёллар ролини ошириш ҳамда ЕХХТ минтақасида ҳамма жойда эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни, жумладан таълим бериш ва гендер муаммолари тўғрисидаги хабардорликни ошириш орқали қўмаклашиш бўйича аниқ дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда ёрдам кўрсатади;
- ДИИХБ гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш ва гендер муаммосини мунтазам ҳисобга олиш бўйича чораларни кўзда тутадиган миллий стратегиялар ва режаларни амалга ошириш ҳамда уларни баҳолашга қўмаклашади;

(...)

(d) Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун кенг имкониятларни яратишни таъминлаш

- ДИИХБ иштирок этувчи давлатларни аёлларнинг демократик жараёнларда тенг ҳуқуқли иштирок этишларини таъминлаш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқишларига қўмаклашади ҳамда уларга бу чораларни амалга оширишнинг мақбул амалиётини ишлаб чиқишларида ёрдам кўрсатади;
- ДИИХБ ва ЕХХТнинг жойлардаги операциялари заруратга кўра жойларда гендер соҳасида эксперт ва бошқа салоҳиятни кучайтиришга, шунингдек маҳаллий жамоатчилик етакчилари ва сиёсий арбобларни бирлаштирадиган тармоқларни шакллантиришга ёрдам кўрсатади;
- ДИИХБ иштирок этувчи давлатларга аёлларни сиёсий ҳаётга жалб этишда ёрдам кўрсатишни давом эттиради. У сайловларни кузатиш бўйича ўз миссиялари доираси бўйича бундан буён ҳам аёлларнинг электорат жараёнида иштирок этишларининг кузатиб боради ва бу мавзудаги ахборотларни тақдим этади. ДИИХБ бундан ташқари, имконият даражасида, электорат жараёнлари маъносида аёллар аҳволини таҳлил этишга махсус бағишланган маърузалар тайёрланиши ва эълон қилинишини таъминлайди;

(g) Аёллар аҳволини яхшилаш учун миллий механизмларни яратиш

- ДИИХБ бундан буён ҳам заруратга қараб маҳаллий ва миллий даражадаги омбудсманлар бюроси каби гендер тенглигини таъминлаш учун демократик институтларни барпо этиш соҳасида «ноу-хау» тақдим этади ва бунини қўллаб-қувватлайди;
- ДИИХБ гендер муаммосини ҳисобга олиш масалалари бўйича фукаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ва давлат ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни енгиллаштиради.

VI. Одам савдоси билан курашишга тааллуқли қўшимча вазифалар

Вена 2000 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш тўғрисидаги қарор)

Вазирлар Кенгаши

(...)

7. ЕХХТ институтларини, жумладан ДИИХБ, шунингдек жойлардаги операцияларини ноҳукумат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа тегишли институтлар билан ҳамкорликда одам савдосига қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда олдини олиш, суд таъқиби соҳасида мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларга қўмаклашишга даъват этади;

(...)

13. ЕХХТ Котибиятини ДИИХБ билан ҳамкорликда ЕХХТ таркибининг одам савдоси билан боғлиқ ишларнинг ахволини кузатиш қобилятини ошириш мақсадларида жойларда улар учун кириш дастурлари доирасида одам савдоси билан курашиш масалалари бўйича тайёрлашни кучайтириш, ЕХХТнинг доимий фаолияти доирасида бу ҳақда ҳисоб бериш ва мазкур муаммони ҳал этиш юзасидан чоралар кўришга; шунингдек ЕХХТ институтларининг доирасида ЕХХТ персонали ўртасида одам савдоси билан боғлиқ хабардорликни ошириш; бу ўқув дастурлари фойдаланиш учун, шунингдек иштирок этувчи давлатлар ва бошқа халқаро ташкилотларга тақдим этилиши керак;

(...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Одам савдоси билан курашиш 2/03-сон Қарорига Илова; ЕХХТнинг одам савдоси билан курашиш бўйича Ҳаракат режаси)

III. Тергов қилиш, ҳуқуқни қўллаш ва суд таъқиби

(...)

9. Қонун ҳужжатларини таҳлил ва ислоҳ қилиш

9.1 ДИИХБ ва, тегишли ҳолларда, жойлардаги тузилмалар халқаро стандартларга мувофиқ қонун ҳужжатларини обзор ва ислоҳ қилиш борасидаги ҳаракатларни рағбатлантириш ва қўллаб-қуватлашда давом этадилар.

(...)

10.4 ДИИХБ ишларни топшириш ва кўриб чиқиш бўйича миллий механизмлар ишлаб чиқишда кўрсатаётган қўмаги доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришда давом этади ва бунга ёрдам беради.

(...)

12. Кадрлар тайёрлаш

12.1 ДИИХБ ва ЕХХТнинг Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича гуруҳи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва жинсий жиноятларни тергов қилиш мавзуида ўқув материаллари ишлаб чиқишни, Будапешт шаҳридаги Халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (ХХМҚА) билан бундай таълимни ХХМҚА дастурларига киритиш имкониятлари хусусида маслаҳатлашишни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш иши масалалари бўйича машғулотлар ўтказиш учун йўриқчиларни танлаш ва ЕХХТ иштирокчи давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари учун ўтиладиган ўқув машғулотларини молиялаштиришни давом эттиради.

IV. Одам савдосининг олдини олиш

8. Хабардорликни ошириш

8.1. ДИИХБ ва, қарда мақсадга мувофиқ бўлса, жойлардаги операциялар ЕХХТнинг бутун минтақасидаги тегишли шериклари билан ҳамкорликда хабардорликни ошириш бўйича ташаббусларни рағбатлантириш ва амалга ошириш билан бир қаторда, тадқиқот ишлари олиб борилишига бундан кейин ҳам ўз хиссасини қўшади.

8.2. (...) ДИИХБ оммавий ахборот воситаларининг салбий стереотиплар мустаҳкамланишига олиб келмайдиган тарзда одам савдоси мавзуини одоб билан ёритишидаги масъулиятига бағишланган ўқув тадбирлари ўтказилишини фаоллаштиради. Ўқув тайёргарлиги давомида асосий эътибор одам савдоси мураккаб ҳодиса эканлиги ва унга қарши курашиш учун комплекс ёндашув зарурлигига қаратилади.

V. Ҳимоя ва ёрдам

11. Ишларни топшириш ва кўриб чиқишнинг миллий механизми

11.1 Иштирокчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра ҳукукий тартибга солишнинг миллий механизмини яратишда ёрдам кўрсатиш мақсадида ЕХХТ, ва айниқса ДИИХБнинг фаолиятини жадаллаштириш.

11.2 ЕХХТнинг полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича гуруҳига ДИИХБ билан биргаликда, зарурат бўлганида Иштирокчи давлатларга ёрдам кўриш мақсадида одам савдосининг эҳтимол тутилган жабрдийдаларини аниқлаш ва одам савдоси далилларини тўплаш бўйича йўриқнома ёки қўлланма ишлаб чиқишни давом эттиришни топшириш.

(...)

14. Кадрлар тайёрлаш

(...)

14.2 ДИИХБга ЕХХТда иштирок этувчи давлатларда кўрилатган чоралар, мавжуд ўқув дастурлари ва материаллари ҳақида ахборот тўплаш ва тарқатишни топшириш.

15. Қонунчилик чоралари

15.1 ДИИХБ ўз ҳаракатларини БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Европа Кенгаши ва бошқа тегишли иштирокчилар билан мувофиқлаштириб, Иштирокчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра, аввало одам савдосидан жабрланганларга инсонпарварлик билан ва меҳр-шафқатга асосланган ёндашувни рағбатлантириш эвазига, уларнинг миллий қонун ҳужжатларини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштиришда ёрдам кўрсатишда давом этади.

VI. Бундан кейинги қадамларни амалга ошириш ва ишларни мувофиқлаштириш механизмлари

7. ДИИХБга зарур бўлганида Иштирокчи давлатларга одам савдосига қарши кураш бўйича миллий ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда керакли техник ёрдам кўрсатишни, жумладан одам савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва ундан жабрланганларни ҳимоя қилишни самарали амалга оширишга қаратилган қонунчилик соҳаси ва бошқа соҳаларда кўмаклашишни топширади.

(...)

9. ДИХББга бундан кейин ҳам унинг ахборот алмашиш, алоқаларни сақлаш, материаллар ва илғор тажрибани ёйиш бўйича марказ функцияларини

ривожлантиришни, шунингдек унинг лойиҳалар бўйича фаолиятини жадаллаштиришни топширади.

VII. Терроризм билан курашишга тааллуқли қўшимча вазифалар

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш тўғрисидаги 1-сон Қарорга Илова; Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат дастури)

II. Халқаро юридик ва сиёсий мажбуриятлар

(...)

6. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ) бошқа ташкилотлар, шу жумладан БМТнинг Наркотиклар устидан назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси (БМТнинг ННЖООБ) билан яқин ҳамкорликда манфаатдор иштирок этувчи давлатларнинг расмий сўровлари асосида ва заруратга кўра халқаро ҳужжатларни ратификациялашни қонуний расмийлаштириш бўйича техникавий ёрдам/маслаҳат хизматлари кўрсатади.

(...)

III. ЕХХТ минтақасида терроризмнинг олдини олиш чоралари

(...)

10. Давлат ҳокимиятининг институтлари ва органларини барпо этиш, қонун устунлигини мустаҳкамлаш. ДИИХБ давлатлар илтимосига кўра демократик институтларни барпо этишни қарор топтириш ва кўмаклашиш бўйича саъй-ҳаракатларни, жумладан маҳаллий ва марказий давлат ва парламент тузилмалари, суд тизими, омбудсман ва фуқаролик жамиятининг институтлари маъмурий салоҳиятини мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатиш орқали саъй-ҳаракатларини давом эттиради ва кучайтиради; шу муносабат билан иштирок этувчи давлатлар ўртасида энг яхши амалиёт ва тажриба билан айрибошлашга ёрдам кўрсатади; демократик институтлар, фуқаролик жамиятини ҳамда давлат бошқарувининг зарур тарздаги амалиётини мустаҳкамлаш бўйича бундан буён ҳам лойиҳалар ишлаб чиқади;

(...)

Миллий террорга қарши қонунчиликни мустаҳкамлаш: (...)

18. ДИИХБ манфаатдор иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра тегишли ҳолларда терроризм билан курашиш бўйича халқаро конвенциялар ва протоколларни амалга ошириш, шунингдек миллий қонунчиликни Доимий кенгашнинг қарорига мувофиқ халқаро нормаларга мувофиқлаштириш масалаларида техникавий ёрдам/маслаҳат хизматлари кўрсатади ҳамда шу мақсадларда бошқа ташкилотлар, айниқса БМТнинг ННЖООБ билан ҳамкорлик қилишга интилади; терроризмга қарши курашиш бўйича қонунчилик билан боғлиқ ахборотлар ва энг яхши амалиётни айрибошлашни қўллаб-қувватлаш мақсадларида миллий экспертлар ўртасида алоқаларни енгиллаштириш йўллари кўриб чиқади.

(...)

Ҳуқуқ-тартибот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уюшган жиноятчилик билан курашиш (...)

22. ДИИХБ бундан буён ҳам иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра ҳуқуқ-тартибот органлари, судлар ва прокуратура органлари, юристлар ва адвокатларнинг ассоциациялари каби ички ҳуқуқий механизмлар ва институтларда қонун устунлигини таъминлашни мустаҳкамлаш масалалари бўйича маслаҳатлар беради; одам савдоси билан курашиш бўйича ўз фаолиятини кенгайтириб

боради ва бундай савдодан жабрланганларни қўллаб-қувватлайди; тегишли ҳолларда турма ислохотини ўтказиш ва жиной-процессуал нормаларни такомиллаштиришни қўллаб-қувватлайди.

Любляна 2005 йил (Вазирларнинг ядровий терроризм ҳуружлари билан курашиш тўғрисида халқаро конвенция тўғрисидаги баёоти)

1. Биз, ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларининг ташқи ишлар вазирлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ядровий терроризм ҳуружлари билан курашиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни маъқуллаймиз.

(...)

4. Биз (...) ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросини мурожаат қилаётган иштирок этувчи давлатларга уларнинг расмий илтимосига кўра ва заруратга қараб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятлар бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда мазкур Халқаро конвенцияни кечиктирмасдан ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш бўйича техникавий ёрдам кўрсатиш/маслаҳат хизматлари кўрсатишга қатъиян даъват этамиз.

(...)

Мадрид 2007 йил (Вазирлар кенгашининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал террорга қарши стратегиясини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёоти)

(...)

22. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра ўзларининг терроризмга қарши курашиш бўйича барча ташаббуслари уларнинг ЕХХТ бўйича мажбуриятларига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан нормаларга мувофиқ бўлишини таъминлаш учун ёрдам кўрсатишни давом эттиради. ДИИХБ терроризмдан, терроризмга олиб келадиган тажовузкор экстремизм ва радикализмдан чиқадиган таҳдидларга қарши курашишга йўналтирилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва миллий қонунчиликни амалга оширишда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича бундай бўён ҳам техникавий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳат беришни таклиф этади ҳамда давлатлар билан нодавлат субъектлари ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам учун соҳаларни излашдаги мулоқотларни қўллаб-қувватлашни давом эттиради;

(...)

В. Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: II. ЕХХТнинг Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари)

(1) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Мандат

(2) Олий комиссар ЮЛШҚ ҳомийлигида фаолият кўрсатади ва шу тариқа можароларнинг мумкин қадар илк босқичидаёқ уларнинг олдини олишга ёрдам беради.

(3) Олий комиссар ҳали эртароқ олдини олиш босқичидан чиқмаган, аммо бунга қодир бўлган, Олий Комиссарнинг фикрича, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар билан боғлиқ ҳамда ЕХХК минтақасида иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги тинчлик, барқарорликка ёки муносабатларга дахлдор можарога айланиши мумкин бўлган кескин вазиятларнинг илк босқичидаёқ «эртароқ олдини олиш»ни ва тегишли ҳолатларда «шошилиш ҳаракатлар» қилинишини таъминлайди, шунингдек, Кенгаш ёки ЮЛШҚдан бунга эътибор берилишини ва ҳаракатлар қилинишини талаб қилади.

(4) ЕХХКда қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга асосланган бу мандат доирасида Олий комиссар ишни махфий амалга оширади ҳамда бундай кескин вазиятларга бевосита жалб қилинган барча тарафлардан мустақил тарзда иш юритади.

(5a) Олий комиссар озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг у фуқароси бўлган ёки у ҳудудида доимий яшаб турган давлатда юзага келадиган муаммоларини, шунингдек, у мансуб бўлган озчиликни ташкил қилувчи миллатларга дахлдор муаммоларни, фақат бунга бевосита дахлдор бўлган барча тарафлар, шу жумладан сўз бораётган давлатнинг ҳам розилиги бўлгандагина кўриб чиқади.

(5b) Олий комиссар озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг уюшган террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ вазиятлардаги масалаларини кўриб чиқмайди.

(5c) Шунингдек, Олий комиссар ЕХХК бўйича мажбуриятларнинг у ёки бу озчиликни ташкил қилган миллатга мансуб алоҳида шахсга нисбатан бузилишини ҳам кўриб чиқмайди.

(6) Олий комиссар у ёки бу вазиятни кўриб чиқишда уни тартибга солиш учун демократик воситалар ва халқаро қонун-қоидалар бор-йўқлигини ҳамда манфаатдор тарафларнинг улардан фойдаланганлигини тўлиқ даражада ҳисобга олади.

(7) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли муайян масала ЮЛШҚга маълум этилган ҳолларда Олий комиссарнинг бу масалани кўриб чиқишга жалб этилиши учун тегишли илтимоснома ҳамда ЮЛШҚнинг аниқ мандати талаб этилади.

Умумий маълумотлар, тайинлаш, қўллаб-қувватлаш

(8) Олий комиссар лавозимини тегишли катта тажрибага эга ва топширилган вазифаларни бажаришда беғаразликни кутиш мумкин бўлган таниқли халқаро арбоблар эгаллайдилар.

(9) Олий комиссарни тайинлаш Кенгаш томонидан ЮЛШҚ тавсиясига кўра консенсус асосида уч йиллик даврда амалга оширилади, бу муддат кўпи билан бир марта уч йиллик муддатга узайтирилиши мумкин.

(10) Олий комиссар Варшавадаги ДИИХБнинг техник воситалари ва имкониятларидан, шу жумладан, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар муаммоларининг барча жиҳатлари бўйича ДИИХБ ихтиёрида бўлган ахборотдан фойдаланади.

Эртароқ огоҳлантириш

(11) Олий комиссар:

(11a) Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалаларига доир ахборотни куйида сўз борадиган манбалардан/Қўшимчанинг (23)-(25)-бандларига қаранг/тўплайди ва олади;

(11b) Бевосита манфаатдор тарафларнинг ролини, кескинлик ва унга боғлиқ кейинги ҳодисалар хусусиятини, шунингдек, имкони бўлса ЕХХК минтақасидаги

тинчлик ва баркарорлик учун келтириши мумкин бўлган муқаррар оқибатларини иложи борида энг эрта босқичда баҳолайди;

(11с) Шу мақсадда Қўшимчанинг (17)-бандига, шунингдек, (27)-(30)-бандларига мувофиқ, иштирок этувчи давлатлардан исталган бирига бориш ва (25)-банд қоидаларини назарда тутиб, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар аҳволи тўғрисидаги ахборотни илк манбадан олиш учун манфаатдор тарафлар билан бевожита алоқага киришиш имкониятига эга бўлади.

(12) Олий комиссар иштирок этувчи давлатларга бориб, ахборотни барча бевожита иштирок этувчи тарафлардан илк манбалардан олганда, тарафлар билан тегишли масалаларни муҳокама қилиши, зарурият бўлганда улар ўртасидаги мулоқотга, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин.

Эртароқ огоҳлантиришни таъминлаш

(13) Агар Олий комиссар тегишли тарафлар билан ахборот алмашиш ва мулоқотлар асосида потенциал низо хавфи аниқ, деган хулосага келса, (3)-бандда баён этилганидек), у Амалдаги Раис томонидан ЮЛШҚга тезкорлик билан етказилган эртароқ огоҳлантириш масаласида чиқиши мумкин.

(14) Амалдаги Раис бу эртароқ огоҳлантириш масаласини ЮЛШҚнинг кейинги учрашуви кун тартибига киритади. Агар давлатлардан бирортаси бундай эртароқ огоҳлантириш шошилинич маслаҳатлашувлар ўтказишни тақозо қилди деб ҳисобласа, у Кенгашнинг Берлин учрашуви хулосалари Резюмесининг («Фавқулудда механизм») 2-иловасида баён қилинган тартибдан фойдаланиши мумкин.

(15) Олий комиссар эртароқ огоҳлантириш масаласида чиқиши сабабларини ЮЛШҚга изоҳлаб беради.

Шошилинич ҳаракатлар

(16) Олий комиссар ЮЛШҚ томонидан тасдиқланган мандатга мувофиқ мумкин бўлган ечимларни топиш мақсадида манфаатдор тарафлар билан алоқаларни ўрнатиш ва муфассалроқ маслаҳатлашувлар олиб бориш учун ўзига қўшимча ваколатлар берилишини тавсия этиши мумкин. ЮЛШҚ тегишли қарор қабул қилиши мумкин.

Ҳисобдорлик

(17) Олий комиссар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга алоқадор кескин вазиятларни кўриб чиқиш мақсадида бирорта иштирок этувчи давлатга боришдан олдин амалдаги Раис билан маслаҳатлашувлар ўтказиши. Амалдаги Раис махфийлик асосида тегишли иштирок этувчи давлат/иштирок этувчи давлатлар/билан маслаҳатлашиши, шунингдек, кенгроқ маслаҳатлашувлар олиб бориши мумкин.

(18) Олий комиссар иштирок этувчи давлатга бориб келганидан кейин амалдаги Раисга ўзи аниқлаган далиллар ва берилган муайян масалани ҳал қилишга оид ишларнинг бориши тўғрисида катъий махфий ҳисоботни топширади.

(19) Олий комиссар у ёки бу аниқ масала устидаги ишларини якунлаганидан сўнг амалдаги Раисга ўзи аниқлаган далиллар, натижалар ва хулосалар тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Амалдаги Раис бир ой муддатда тегишли иштирок этувчи давлат/иштирок этувчи давлатлар/билан аниқланган далиллар, натижалар ва хулосалар юзасидан махфийлик тартибида маслаҳатлашувлар олиб боради, шунингдек, у янада кенгроқ маслаҳатлашувлар ўтказиши мумкин. Шундан сўнг ҳисобот мумкин бўлган қайдлар билан ЮЛШҚга берилади.

(20) Агар Олий комиссар вазият можарога айланиб кетади, деган хулосага келса, ёки ўз ҳаракатларини қўллаш хусусидаги имкониятлари тугалланган деб ҳисобласа, бу ҳақда у амалдаги Раис орқали ЮЛШҚни хабардор қилади.

(21) ЮЛШҚ у ёки бу муайян масалани кўриб чиқишга қўшилган тақдирда Олий комиссар ахборотни ЮЛШҚга, шунингдек, ЮЛШҚ сўрови, тавсиясига кўра ёки мазкур ҳужжатнинг III боби қоидаларига мувофиқ ЮЛШҚ мазкур кескин вазият ёки низога нисбатан бирор-бир ҳаракат қўллашни таклиф қилган ҳар қандай муассаса ёки ташкилотга тақдим этади.

(22) Олий комиссар ЮЛШҚ томонидан тегишли илтимослар бўлган тақдирда ва ўз мандатини амалга оширишнинг махфийлик тўғрисидаги талабларини ҳисобга олиб ўз фаолияти тўғрисида ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган тадбирларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашларида ахборот беради.

Қўшимчалар

Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича ахборот манбалари

(23) Олий комиссар:

(23a) ҳар қандай манбадан, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотларидан, (25)-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг аҳволи ва унга дахлдор тарафларнинг роли тўғрисидаги ахборотни тўплаши ва олиши;

(23b) озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида бевосита алоқадор тарафлардан аниқ маърузалар олиши мумкин. Бундай маърузалар қаторига озчиликни ташкил қилувчи миллатларга нисбатан ЕХХҚ бўйича мажбуриятларнинг бузилиши, шунингдек, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалаларига боғлиқ бошқа қоидабузарликлар тўғрисидаги маърузалар киритилиши мумкин.

(24) Олий комиссарга йўлланадиган бундай аниқ маърузалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- улар ёзма тарзда тақдим этилиши, бевосита Олий комиссарга йўлланган ҳамда фамилияси, исми ва тўлиқ манзилини кўрсатиб, имзоланган бўлиши даркор;
- уларда яқинда бўлиб ўтган, асосан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда содир этилган, озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга тааллуқли воқеалар, шунингдек, алоқадор тарафларнинг роли тўғрисидаги ҳақиқий ҳисобот бўлиши лозим. Маърузаларда етарлича ишонарли далиллар билан мустаҳкамланиши мумкин бўлган ахборот акс этиши зарур.

(25) Олий комиссар террорчилик ёки зўравонлик қилувчи ёхуд уларни ошқо-ра қўллаб-қувватловчи ҳар қандай шахслар ёки ташкилотлар билан алоқада бўлмайди, шунингдек, улар тақдим этадиган ахборотни қабул қилмайди.

Бевосита манфаатдор тарафлар

(26) Кескин вазиятга жалб этилган, Олий комиссарга аниқ маърузалар тақдим этиши мумкин бўлган ва Олий комиссар иштирок этувчи давлатга ташриф буюрганда шахсан муносабат ўрнатишга интиладиган бевосита манфаатдор тарафлар қуйидагилар ҳисобланади:

(26a) иштирок этувчи давлатлар ҳукуматлари, шу жумладан тегишли ҳолларда озчиликни ташкил қилувчи миллатлар яшайдиган жойлардаги минтакавий ва маҳаллий ҳокимиятлар ҳам;

(26b) бевосита манфаатдор бўлган ҳамда озчиликни ташкил қилувчи миллатлар яшайдиган кескин вазиятлар юзага келган жойлардаги уюшмалар, ноҳукумат ташкилотлари, диний ва бошқа гуруҳлар вакиллари, бу озчиликни ташкил қилувчи миллатлар томонидан ўз манфаатларини ифодалаш ваколати берилган вакил қилинган шахслардир.

Олий комиссар сафарлари шартлари

(27) Олий комиссар мўлжалланган сафарни амалга оширишдан олдин тегишли иштирок этувчи давлатга бу сафарнинг назарда тутган мақсадлари тўғрисида аниқ ахборотни тақдим этади. Икки ҳафталик муддатда тегишли давлат/лар/Олий комиссар билан бу сафар вазифаларига оид маслаҳатлашувлар олиб боради. Бу маслаҳатлашувлар тарафлар ўртасидаги ўзаро мулоқотга, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беришни ўз таркибига олиши мумкин. Олий комиссар ташриф буюрганда тегишли давлат унга ўз сафарини тўсиқларсиз амалга оширишида ва юқорида келтирилган (25)-банд қоидаларини ҳисобга олиб умумлаштиришга ёрдам беради.

(28) Агар тегишли давлат Олий комиссарга мамлакатга кириш, шунингдек, бир жойдан иккинчи жойга монеликсиз бориш ва мулоқотда бўлиш имконини бермаса, Олий комиссар бу ҳақда ЮЛШҚни хабардор қилади.

(29) Бундай сафар вақтида Олий комиссар (25)-банд қоидаларини назарда тутиб, иштирок этувчи тарафлар билан маслаҳатлашувлар олиб боради ва ҳар қандай бевосита манфаатдор шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлардан Олий комиссар шуғулланаётган масалалар бўйича махфий ахборотни олиши мумкин. Олий комиссар бу ахборотни махфийлигига риоя қилади.

(30) Иштирок этувчи давлатлар Олий комиссар билан алоқа боғлаганлиги учун шахслар, ташкилотлар ёки муассасаларга қарши қандай бўлмасин чоралар қўришдан ўзларини тиядилар.

Олий комиссар ва экспертлар иштироки

(31) Олий комиссар ҳал қилиш учун қисқа ихтисослашган тадқиқот ва маслаҳатлашув талаб этиладиган муайян масалалар бўйича тегишли махсус тажриба ва билимларга эга бўлган кўпи билан учта экспертни ёрдамга чақиришга қарор қилиши мумкин.

(32) Агар Олий комиссар экспертлар мурожаат қилишга қарор қилган бўлса, бу ҳолда у экспертларнинг мандатлари ва иш муддатларини аниқ белгилайди.

(33) Экспертларнинг иштирок этувчи давлатга боришлари, унга Олий комиссар ташриф буюрган вақтдагина амалга оширилади. Уларнинг мандатлари Олий комиссар мандатининг таркибий қисми ҳисобланади, уларнинг сафарлари эса айни ўша шартларда амалга оширилади.

(34) Экспертлардан сўралган маслаҳат хулосалари ҳамда тавсиялар Олий комиссарга махфийлик тартибида тақдим этилади ва у экспертлар фаолияти ва маърузалари учун жавобгар бўлади ҳамда маслаҳат хулосалари ва тавсияларни манфаатдор тарафларга бериш-бермаслик, агар берадиган бўлса, уни қандай шаклда бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилади. Маслаҳат хулосалари ва тавсиялар мажбурийлик тусига эга бўлмайди. Агар Олий комиссар бундай маслаҳат хулосалари ва тавсияларни манфаатдор давлат(лар)га беришга қарор қилган бўлса, унда бу давлат(лар)га улар юзасидан ўз фикрларини айтиш имконияти яратилади.

(35) Олий комиссар экспертларни, Москва кенгаши Хужжатида назарда тутилганидек, ДИИХБ ёрдамида ДИИХБ тузган номзодлар рўйхатидан танлаб олади.

(36) Манфаатдор иштирок этувчи давлатнинг фуқаролари ёки унинг ҳудудида доимий яшовчи шахслар, шунингдек манфаатдор давлат томонидан тайинланган ҳар қандай шахс ёки бу иштирок этувчи давлат томонидан илгари фикрлар билдирилган ҳар қандай эксперт экспертлар қаторига киритилмайди. Экспертлар қаторига бу иштирок этувчи давлатнинг ўз фуқаролари ёки унинг ҳудудида доимий яшайдиган шахслар ёхуд бу давлат номзодлар рўйхатига киритиш учун таклиф этган шахслардан бирортаси, шунингдек, муайян давлатнинг биттадан ортиқ фуқароси ёки ҳар қандай муайян давлатда доимий яшовчи шахсларнинг биттадан ортиғи киритилмайди.

Стокгольм 1992 йил (Қарорлар: 3. Озчилликни ташкил қилувчи миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар)

(...) Вазирлар Олий комиссарни қўллаб-қувватлашларини ва у билан озчилликни ташкил қилувчи миллатлар билан боғлиқ, ЕХХК минтақасида можарога айланиб кетиш эҳтимолини иложи борица эртароқ аниқлаш масалалари бўйича ва низолар қўламини ушлаб туриш юзасидан мураккаб, лекин жуда муҳим вазифани ҳал этишда ҳамкорлик қилишга тайёрликларини билдирдилар.

Вазирлар Олий комиссарни кескинлик эҳтимоли тугилган минтақаларни синчиклаб ўрганиб боришга, хоҳлаган иштирокчи давлатда бўлишга ва бундай вазиятларга бевосита жалб этилган томонлар билан барча даражаларда кенг муҳокама ўтказишга даъват этдилар. Шу муносабат билан Олий комиссар ЕХХК доирасида қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга мувофиқ сиёсий қарорларга эришишни қўллаб-қувватлаш мақсадида томонлар билан олдинда турган вазифаларни муҳокама қилиши ва, тегишли ҳолларда, барча даражаларда улар ўртасида мулоқот, ишонч ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиши мумкин.

Вазирлар Олий комиссарнинг мандатига мувофиқ мустақиллигини тўла ҳурмат қилган ҳолда, озчилликни ташкил қилган миллатлар масалалари бўйича ўзларида мавжуд бўлган ахборотни Олий комиссарга тақдим этиш мажбуриятини олдилар.

Рим 1993 йил (Қарорлар: III. Озчилликни ташкил қилувчи миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар)

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли масалалар билан можароларнинг олдини олиш масалалари ўзаро боғлиқ бўлганлигини ҳисобга олиб, вазирлар Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК)га унинг ваколати доирасидаги ҳаракатларини давом эттиришни таклиф қилдилар (...). Вазирлар иштирок этувчи давлатларнинг Олий комиссар билан кенг қўламда ҳамкорлик қилишлари, шунингдек у таклиф этган тавсияларни амалга ошириш борасидаги фаолиятда қўллаб-қувватлашлари муҳим эканини таъкидладилар (...)

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 5/01-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ институтларини, жумладан ДИХХБ, Озчилликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар ва Оммавий ахборот воситалари эркинлиги

масалалари бўйича Вакилни агрессив миллатчилик, ирқчилик, шовинизм¹, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизм²га, ирқи ёки этник келиб чиқиши, диний, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари белгиси бўйича муросасизлик ва камситиш билан курашишга, шунингдек қонун устунлиги, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, шу жумладан фикр билдириш эркинлиги, тафаккур, виждон, дин ёки эътиқод эркинлигини ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-сон Қарорга Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича ҳаракат режаси)

III. Ирқчилик ва камситиш билан курашиш

Қонунчилик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти

ЕХХТ институтлари ва таркиблари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

21. ОМОК ўз мандати доирасида бундан буён ҳам камситишга қарши қонунчилик ишлаб чиқилишини кузатиб боради ва иштирок этувчи давлатларга бу масалада заруратга қараб ёрдам кўрсатади.

Полиция

ЕХХТ институтлари ва таркиблари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

35. ОМОК, ДИИХБ ва Полиция фаолияти стратегик масалалари бўйича гуруҳ иштирок этувчи давлатларга ирқий ақидалар қарор топишига йўл қўймасликка, элатлараро муносабатларни яхшилашга даъват этилган ҳулқ-атвор кодексини ишалб чиқишда ёрдам кўрсатадилар.

Оммавий ахборот воситалари

ЕХХТ институтлари ва таркиблари ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

42. ОМОК бундан буён ҳам раҳбариятнинг бошқарув органларига мўлжалланган, эшиттириш олиб борадиган давлат компаниялардан кўп маданиятли, жамиятда фойдаланишга тааллуқли, жумладан озчиликни ташкил қилганлар, шу жумладан рома ва синти учун эшиттириш олиб борадиган компанияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамда уларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишларини кенгайтиришга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқади ва тарқатади.

V. Таълимдан фойдаланишни яхшилаш

ЕХХТ институтлари ва таркиблари ҳаракатларига тавсиялар:

85. ОМОК иштирок этувчи давлатларни жамият барча аъзоларининг давлат таълимидан эркин ва тенг фойдаланишларини таъминлашга тааллуқли мажбуриятларини бажаришга, шунингдек уларни бу масалада рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича чоралар кўришга даъват этади.

86. ОМОК таълим моделлари, ўқув дастурларининг мазмуни, она тилга, шу жумладан лўлилар тилига ўқитиш ва бу тилларда таълим беришга тааллуқли дастурамал принципларни шакллантиришни давом эттиради.

1 Шовинизм (французча «chauvinisme» сўзидан) — моҳияти бошқа халқларни камситиш ва ҳўрлаш «хуқуқи»ни асослаш мақсадида миллий устунликни тарғиб этувчи мафкура, миллатчиликнинг ашаддий шакли.

2 Экстремизм (французча «extremisme», лотинча «extremus» — «ашаддий» сўзидан) — ашаддий қарашлар ва, айниқса, чораларга (одатда сиёсатда) мойиллик.

VI. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишни кенгайтириш
ЕХХТ институтлари ва таркиблари ҳаракатларига тавсиялар:
(...)

104. ОМОК ўз мандати доирасида давлатларга рома ва синтининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этишларига кўмаклашишнинг тегишли йўллари ва воситаларига тааллуқли масалаларда маслаҳат беришни давом эттиради.

VII. Рома ва синти инқирозли ва инқироздан кейинги вазиятларда
(...)

ЕХХТ институтлари ва таркиблари ҳаракатларига тавсиялар:
(...)

117. ОМОК можароларни иложи борида бошланғич босқичда олдини олиш бўйича ўз мандатини амалга оширишни давом эттиради.

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарорига Илова, ЕХХТнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йил учун ҳаракат режаси)

V. ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг аёллар ва эркеклар ўртасида тенгликни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли мажбуриятларини бажаришларини қўллаб-қувватлаш

(...)

(d) Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш

(...)

- Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК) озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб аёлларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ролига тааллуқли аниқ масалаларни кўриб чиқади ҳамда унинг Бюроси томонидан ишлаб чиқадиган сиёсат ва лойиҳалар доирасида бу аёллар дучор бўладиган икки тарафлама камситиш билан курашиш учун зарур қадамлар кўяди, буни тегишли ҳолларда можароларнинг олдини олиш бўйича ўз мандати маъносида қилади.

С. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил

Копенгаген 1997 йил (Илова: 1) Доимий кенгашнинг 193-сон қарори, ЕХХТ Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакилининг мандати)

1. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг оммавий ахборот воситалари(ОАВ) га нисбатан қабул қилган принциплари ва мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар, жумладан, ўз фикрини эркин билдириш инсоннинг халқаро эътироф этилган асосий ҳуқуқларидан бири ва демократик жамиятнинг туб асосий унсури эканлигини ҳамда эркин, мустақил ва ҳур фикрли оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги эркин ва очиқ жамиятнинг ва унга ҳисоб берадиган бошқарув тизими амал этишининг зарур шарти эканлигини эслатадилар. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ доирасида қабул қилган принциплар ва мажбуриятларини эътиборга олиб ва олий даражадаги Лиссабон учрашуви Декларациясининг 11-банди қоидаларини бажаришга тўла содиқ ҳолда Доимий кенгашнинг шафелигида ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили лавозимини таъсис этишга қарор қиладилар. Бу ЕХХТнинг тегишли принциплари ва мажбуриятларини тўлароқ бажариш, шунингдек иштирок этувчи

давлатларнинг улар умумий кадриятлари асосида биргаликдаги савъ-ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш мақсадида қилинмоқда. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили билан тўла даражада ҳамкорлик қилиш ниятини тасдиқлайдилар. Вакил иштирок этувчи давлатларга ҳамкорлик руҳида уларнинг эркин, мустақил ва ҳур фикрли оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга содиқликларини ҳаётга тадбиқ этишда бундан буён ёрдам кўрсатади.

2. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили ЕХХТнинг принциплари ва мажбуриятларига асосланиб, шу муносабат билан барча иштирок этувчи давлатларда оммавий ахборот воситалари соҳасида рўй берётган воқеаларни кузатади, шунингдек буни ҳисобга олган ҳолда ва Амалдаги раис билан яқиндан ҳамкорликда ЕХХТнинг ўз фикрини эркин билдириш ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига тааллуқли принциплар ва мажбуриятларга тўлиқ риоя этилишини қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. Бу масалада у барвақт огоҳлантириш функциясини бажаради. У, бошқа масалалар қатори, оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳалақит бериш ва журналистлар фаолияти учун ноқулай шароитлар яратиш билан боғлиқ жиддий муаммоларни кўриб чиқиш билан шуғулланади. У иштирок этувчи давлатлар, Доимий кенгаш, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ), Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар ва, тегишли ҳолларда, ЕХХТнинг бошқа тузилмалари, шунингдек журналистларнинг миллий ва халқаро уюшмалари билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб боради.

3. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили мазкур модда қоидаларига амал этган ҳолда ўзининг асосий савъ-ҳаракатларини иштирок этувчи давлатларнинг ЕХХТнинг ўз фикрини эркин билдириш ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига тааллуқли принциплари ва мажбуриятларига жиддий равишда риоя этмаслик ҳолатларига тезкор муносабат билдиришга қаратади. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили бу принциплар ва мажбуриятларга жиддий риоя этилмаганлиги тўғрисидаги хабарни олиб, тегишли иштирок этувчи давлатлар ва бошқа манфаатдор томонлар вакиллари билан зарур тарзда бевосита алоқа ўрнатади, далилларни таҳлил этади, иштирок этувчи давлатларга муаммони ҳал этишда ёрдам кўрсатади. У Амалдаги раисни ўз фаолияти тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туради ва Домий кенгашга эришилган натижалар, ўз мулоҳазалари ва тавсияларини тақдим этади.

4. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили юридик функцияларни бажармайди, унинг фаолияти инсон ҳуқуқлари бузилиши муносабати билан миллий ёки ҳуқуқий юридик процедураларни қўллаш ўрнини бирор тарзда босмайди. Ўз навбатида инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар муносабати билан миллий ёки халқаро процедураларни қўллаш унинг мазкур мандатга мувофиқ ўз функцияларини бажаришига тўсқинлик қилиши асло шарт эмас.

5. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили барча ишончга молик манбаалардан оммавий ахборот воситаларининг аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва олиш ҳуқуқига эга. У, жумладан, ДИИХБдан олинадиган ахборот ва баҳоларга таянади. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили ДИИХБга сайловлардан олдин, сайловлар пайтида

ва сайловлардан кейин эркин, мустақил ва ҳур фикрли оммавий ахборот воситалари фаолияти шароитларини баҳолашда ёрдам кўрсатади.

6. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили иштирок этувчи давлатлар ва бошқа манфаатдор томонлар (масалан, ташкилот ёки институтлар, ОАВ ва уларнинг вакиллари ҳамда тегишли НХТдан) ЕХХТнинг тегишли принциплари ва мажбуриятларига риоя этилишини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини янада оширишга тааллуқли сўровлар, таклифлар ва мулоҳазаларни, шу жумладан иштирок этувчи давлатларнинг ОАВдан Будапешт хужжати VIII боби 25-бандида ва ЕХХК кенгашининг Рим учрашуви Қарори X қисмида қайд этилган принципларни бузган ҳолда фойдаланишларининг муроса қилиб бўлмайдиган жиддий кўринишлари тўғрисидаги хабарларни хоҳлаган вақтда тўплаш ва олиш ҳуқуқига эга. У сўровлар таклифлар ва мулоҳазаларни Доимий кенгаш кўриб чиқиши учун тақдим этиши, зарурат бўлган ҳолатларда, уларга кейинги ҳаракатларга тааллуқли тавсияларни илова қилиши мумкин.

7. Бундан ташқари, ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили Амалдаги раис билан хамиша маслаҳатлашиб туради ва Доимий кенгашга мунтазам равишда маърузалар тақдим этади. У Доимий кенгашга мазкур мандатига мувофиқ ўз фикрини эркин билдириш ҳамда эркин, мустақил ва ҳур фикрли оммавий ахборот воситаларига тааллуқли аниқ масалалар бўйича маърузаларни тақдим этиши учун таклиф этилиши мумкин. У ҳар йили инсонийлик мезонлари ижросини кўриб чиқиш масалаларига бағишланган кенгашга ёки ЕХХТнинг таҳлили бўйича кенгашда иштирок этувчи давлатларда ўз фикрини билдириш эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлигига тааллуқли принциплар ва мажбуриятлар бажарилиши бўйича ишларнинг аҳволи тўғрисидаги маърузани тақдим этади.

8. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили террористик ёки зўравонлик усулларни қўллайдиган ёхуд бунга оқлайдиган ҳар қандай шахслар ёки ташкилотлар билан алоқа қилмайди ва уларнинг мурожаатларига жавоб бермайди.

9. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили лавозимига мазкур соҳа билан боғлиқ кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган таниқли арбоб тайинланади, ундан зиммасига юкланган функцияларни холис бажариши кутилади. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили ўз мажбуриятларини бажаришда мазкур мандатнинг тегишли қоидаларини мустақил ва объектив талқин этишига амал қилади.

10. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили ўзи фуқароси бўлган ёхуд ўзи доимий асосда яшайдиган иштирок этувчи давлатда содир бўладиган мазкур мандатга тааллуқли жиддий ҳолатларни фақат бунга бевосита алоқадор бўлган томонларнинг, шу жумладан манфаатдор иштирок этувчи давлатнинг рози бўлиши шарти билан кўриб чиқади. Бундай розилик бўлмаган ҳолатларда масала кўриб чиқиш учун Амалдаги раисга берилади, у мазкур аниқ ҳолат бўйича махсус вакил тайинлаши мумкин.

11. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили доимий алоқаларни сақлаб турган ҳолда тегишли халқаро ташкилотлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, шунингдек Европа Кенгаши билан саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ишда такрорлашга йўл қўймаслик мақсадларида ҳамкорлик қилади.

12. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакили ЕХХТ тартибига мувофиқ Вазирлар кенгаши томонидан Амалдаги раиснинг иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашуви якуни бўйича тавсиясига кўра тайинланади. У уч йилга, яна бир марта шу тартибда уч йилга ваколати узайтирилиши имконияти берилиши билан тайинланади.

(...)

14. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари масалалари бўйича Вакилининг Бюроси Венада жойлашади.

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш тўғрисидаги 1-сон Қарорга Илова; Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест Ҳаракатлар режаси)

11. Инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва турфа маданиятликни қарор топтириш: (...)

12. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил: бошқа эътиқодли ва динларга мансуб кишиларга нисбатан бағрикенгликни оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали қарор топтиришга йўналтирилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқади; оммавий ахборот воситаларида тажовузкор миллатчилик, иркчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмга йўл қўймаслик ҳамда улар билан курашиш чораларини кўришга кўмаклашади; хурфикрлик руҳидаги мунозараларни бундан буён ҳам рағбатлантиради ва оммавий ахборот воситаларини этник, диний, тил ва маданий хилма-хилликка бағрикенглик билан муносабатда бўлишни тарғиб этишга кўпроқ эътибор беришларига рағбатлантиради ҳамда шу маънода жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидан кенгрок фойдаланишларига кўмаклашади, шунингдек адоватни авж олдиришга сергак бўлади.

(...)

19. Ҳуқуқни ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлаш ва уюшган жиноятчилик билан курашиш (...)

23. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил: ахборот технологияларидан террорчилик фаолияти учун фойдаланишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қонунчиликни фикрни ифода этиш ва ахборот олиш эркинлигига тааллуқли мажбуриятлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашда сўровлар бўйича иштирок этади.

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 5/01-сон Қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ институтларини, жумладан ДИИХБ, Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссарни ва Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакилни тажовузкор миллатчилик, иркчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизм кўринишларига, иркий ёки этник келиб чиқиши, диний, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари белгилари бўйича мурасасизлик ва камситиш билан курашиш, шунингдек қонун устунлиги, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, шу жумладан фикрни ифода этиш эркинлиги, тафаккур, виждон, диний ёки эътиқод эркинлигини ҳурмат қилинишига кўмаклашишга даъват этади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-сон Қарорига Илова, ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракатлар режаси)

Оммавий ахборот воситалари

ЕХХТ институтлари ва тузилмалари ҳаракатларига тавсиялар

39. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил (ОАВЭВ) ДИИХБ ва тегишли халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ЕХХТнинг бутун Европага эшиттириш олиб борадиган Европа лўлилар радиосини ташкил этишга эҳтимол тутилган ҳиссаси тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши лозим. ДИИХБ ва ОАВЭВ оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ва улар учун ижтимоий мунозаралар, камситишга қарши кампаниялар ва биргаликдаги ўқув дастурларини ташкил этиши лозим.

40. ОАВЭВ лўли журналистлар учун ўқув семинарларини ўтказишга ёрдам кўрсатиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

41. ДИИХБ ва ОАВЭВ журналистлар иштирокида рома ва синтининг ижтимоий онгдаги қиёфасига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этадилар.

София 2004 йил (Қарорлар: бағрикенглик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 633-сон Қарори: Интернетда бағрикенглик ва ОАВ эркинлигини қўллаб-қувватлаш)

4. ЕХХТнинг Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакили ҳам фикрни ифода этиш эркинлиги, ҳам Интернетдан фойдаланишни таъминлашга кўмаклашишда бундан буён ҳам фаол роль ўйнайди ва шу муносабат билан барча иштирок этувчи давлатлардаги воқеалар ривожланиши устидан назоратни давом эттиради. Вакил ЕХХТ доирасида қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларни ҳимоя қилади ҳамда улар амалга оширилишига кўмаклашади. Бу фаолият ирқий, ксенофобия антисеметизм ёки бошқа ақидалар сабабли фикрни ифода этишга қонунларда ёки бошқа чоралар билан таъқиб қўйилганда, сиёсий нуқтаи назардан камситилиш ёки танлаб қўлланиши натижасида муқобил фикрлар ва қарашлар ифода этилиши учун тўсиқлар яратилишига олиб келиши мумкин бўлганда барвақт огоҳлантиришни қамраб олади.

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарорига Илова, ЕХХТнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

V. ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари томонидан аёллар ва эркеклар ўртасидаги тенгликни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли мажбуриятларини бажаришларини қўллаб-қувватлаш

(...)

(d) Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун тенг имкониятларни яратиш — Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил (ОАВЭВ) ОАВЭВ мандатининг 6-бобида мувофиқ аёлларга нисбатан мурасизликнинг жиддий кўринишлари тўғрисидаги хабарларга ва иштирок этувчи давлатларнинг оммавий ахборот воситаларида ёки бу ОАВларнинг ўзлари томонидан гендер камситилишига далолатчилик ҳолатларига сергаклик билан муносабатда бўлади. Вакил бундай ҳолатларни у томонидан мунтазам тайёрланадиган маърузаларда иштирок этувчи давлатлар эътиборига ҳавола этади.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Мурасасизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашни қўллаб-қувватлаш 13/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

15. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакилни мавжуд ресурслар доирасида мурасасизлик билан курашишга алоқадор энг яхши амалиёт масаласини унинг ваколати бўйича кўриб чиқишга даъват этади;

(...)

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар кенгашининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Баёноти)

(...)

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил Бюросининг 10 йиллиги муносабати билан бу институтнинг эркин ва очик жамиятнинг энг муҳим шарти бўлган мустақил ва ҳур фикрли ОАВларни ҳамда давлат институтлари тасарруфидаги ОАВларга кўмаклашиш йўналишидаги фаолиятини эътироф этамиз. Биз иштирок этувчи давлатлар ва шерикларни эркин ва мустақил ОАВ фаолиятига қулайлик яратиш бўйича ҳамкорликка даъват этамиз.

D. Котибият, Одам савдоси билан курашиш бўйича Махсус вакил

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Одам савдоси билан курашиш 3/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Вазирлар кенгашининг Маастрихтдаги ўн биринчи учрашувининг одам савдоси билан курашиш тўғрисидаги 2/03-сон қарори, унга мувофиқ Доимий кенгашнинг шафелигида ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларига одам савдоси билан курашишда ёрдам кўрсатиш учун ЕХХТнинг механизми таъсис этилганлигини эслатиб,

зарур тарздаги тузилманинг тегишли маъмурий-молиявий ресурслари мавжудлиги, унинг сиёсий даражада фаол кўрсатиши муҳимлигини яна бир бор тасдиқлаган ҳолда,

1. Доимий кенгаш шафелигида иштирок этувчи давлатларга одам савдоси билан курашишда ёрдам кўрсатиш учун таъсис этилган ЕХХТнинг механизмини Котибиятнинг таркибий қисмига айлантиришга қарор қилади. Таниқли арбоб бошчилиқ қиладиган, ЕХХТнинг махсус вакили ва ЕХХТ ваколати билан сиёсий даражада иш кўрадиган бу тузилма ёлланиб олинадиган ҳамда бу тузилмага юборилган ходимлардан, шу жумладан Одам савдоси билан курашишга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳозирги гуруҳ таркибига киритилган, ЕХХТнинг персонали тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ тайинланган ёки хизматга юборилаётганлардан шакллантирилади.

мазкур тузилма:

(а) ЕХХТ иштирок этувчи давлатларга мажбуриятларини бажаришларида ва ЕХХТнинг Одам савдоси бўйича Ҳаракат режасида қайд этилган тавсияларни, шу жумладан бу Режага одам савдосидан одам савдоси жабрдийдалари бўлган болаларнинг ҳимоя ва ёрдамга алоҳида эҳтиёжларига тааллуқли Қўшимчани ҳар тарафлама қўллашда ёрдам кўрсатиши;

(b) ЕХХТнинг барча уч мезонларида ЕХХТнинг одам савдоси билан курашиш саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни таъминлаши ва мазкур соҳада ЕХХТнинг саъй-ҳаракатларида марказий бўгин сифатида ҳаракат қилиши;

(c) иштирок этувчи давлатларнинг тегишли ҳокимиятлари ўртасида, шунингдек, ЕХХТ ва бошқа тегишли ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириши;

(d) одам савдоси билан курашишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ошириши;

(e) ЕХХТнинг бутун минтақасида фаолият юритиши ва заруратга қараб иштирок этувчи давлатларга — ҳамкорлик руҳида ва манфаатдор иштирок этувчи давлатларнинг тегишли ҳокимиятлари билан маслаҳатлашувлардан сўнг — уларнинг одам савдоси билан курашиш бўйича мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига кўмаклашиши;

(f) зарурат бўлганда, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган ЕХХТнинг бошқа тузилмалари билан биргаликда қонунчилик ва сиёсатни ишлаб чиқиш соҳасида маслаҳат ва техник ёрдам кўрсатиш ва бунинг енгилаштириши;

(g) иштирок этувчи давлатлар ҳокимиятларининг юқори даражадаги қонунчилик, суд ва ижро этувчи тармоқлари органларига тавсиялар беришга ва улар билан ЕХХТнинг одам савдоси бўйича ҳаракат режасини, шу жумладан унга қўшимчани, шунингдек одам савдоси билан курашиш соҳасидаги мажбуриятларни амалга оширишни муҳокама қилишга тайёр бўлиши керак. Алоҳида эътиборни талаб этадиган аниқ ҳолатларда тегишли иштирок этувчи давлатлар билан зарур тарзда бевосита алоқаларга киришишга интилиши ҳамда зарурат бўлганда маслаҳат хизматлари ва аниқ ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама қилиши керак;

(h) иштирок этувчи давлатлар томонидан давлат муассасаларининг одам савдоси билан курашиш соҳасидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш мақсадларида таъсис этган миллий мувофиқлаштирувчилари, миллий маърузачилари ёки бошқа миллий механизмлари билан ҳамкорлик қилиши керак. У, шунингдек, иштирок этувчи давлатларидаги тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари у ЕХХТ доирасида иштирок этувчи давлатлар томонидан тайинланган миллий мувофиқлаштирувчилар, вакиллар ёки одам савдоси билан курашиш бўйича экспертлар ўртасида ахборот ва тажриба алмашиш бўйича учрашувлар ўтказишни ташкил этиш ва бунга ёрдам кўрсатиш масъулиятини зиммасига олади;

(i) ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ва бошқа институтлари, Котибиятнинг тегишли тузилмалари, шу жумладан ЕХХТнинг Иқтисодиёт ва атроф-муҳит соҳасида фаолиятни мувофиқлаштирувчи Бюроси (ИАМФКБ), Полиция фаолияти стратегик масалалари бўйича гуруҳ (ПФСГ), Гендер масалалари бўйича катта маслаҳатчи, шунингдек зарурат бўлганда, ЕХХТнинг жойлардаги тузилмалари билан қалин ҳамкорлик қилиши, мувофиқлаштирувчи ролни бажариши ва улар мандатларини тўла ҳурмат қилиши зарур. Мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган ЕХХТ тузилмалари ЕХХТдаги мавжуд эксперт салоҳиятига таянган ҳолда саъй-ҳаракатлар такрорланишига йўл қўймаслик, бир-бирларини тўлдириш ва изчилликни таъминлаш учун бир-бирлари билан ва Махсус вакил билан маслаҳатлашадилар, шунингдек заруратга қараб комплекс ёндашувни ишлаб чиқишга интиладилар;

(j) тегишли халқаро субъектлар, шу жумладан минтақавий ташкилотлар ҳукуматлараро муассасалари ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши ва саъй-ҳаракатлари бир-бирларини тўлдиришга интиладилар; Одам савдоси

билан курашиш уюшмасини чақириш, ташкил этиш ва биргаликдаги ташаббусларга бошчилик қилишни давом эттирадилар.

2. Бош котиб ва Амалдаги раисни тегишли касбий ва сиёсий тажрибага эга бўлган таниқли арбобни тайинлаш бўйича бир-бири билан маслаҳатлашишига даъват этади:

- Бош котиб Раиснинг розилиги билан ва Вазирлар кенгашининг Софиядаги ўн иккинчи учрашувида қабул қилинган 15/04-сон Қарорига мувофиқ мазкур арбобни мувофиқлаштирувчи этиб тайинлайди (...);
- Амалдаги раислик қилувчи Одам савдоси билан курашиш бўйича Махсус вакил сиёсий даражада ЕХХТнинг тегишли тарзда вакили бўлиши учун унга Махсус вакил функцияси ва унвонини беради. Вазирлар кенгашининг Португадаги ўнинчи учрашувида қабул қилинган 8-сон Қарорига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилади.

3. Махсус вакил сиёсий жиҳатдан Доимий кенгашга ҳисоб беришини ва заруратга қараб мунтазам равишда унга Амалдаги раис ва Бош Котиб билан маслаҳатлашувидан кейин, шунингдек Вазирлар кенгашининг Люблянадаги ўн учинчи учрашувида қабул қилинган 13/05-сон Қарорига мувофиқ маърузалар тақдим этади; (...)

5. Мазкур қарорни Вазирлар кенгашининг Маастрихтдаги ўн биринчи учрашуви 2/03-сон Қарорини ўзгартириш мақсадида қабул қилишга ва Доимий кенгаш, зарурат бўлса унга ўзгартиришлар киритишига қарор қилади.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов доирасида комплекс ёндашув асосида одам савдоси билан курашиш самарадорлигини ошириш 5/08-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

13. Махсус вакилга мавжуд ресурслар доирасида ва Доимий кенгаш олдида мунтазам ҳисоб беришининг қисми сифатида иштирок этувчи давлатлар билан жиноий одил судлов доирасида одам савдоси билан курашиш самарадорлигини янада ошириш йўллари тўғрисида тавсиялар тайёрлашни топширади.

3. ЧЕКЛАШЛАР ВА ЧЕКИНИШЛАР

3.1 ҚОНУНИЙ ЧЕКЛАШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДОИРАЛАРИ

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(21) Иштирок этувчи давлатлар юқорида эслатиб ўтилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклашлар объекти бўлмаслигини таъминлайдилар, уларнинг қонунда назарда тутилган ва халқаро ҳуқуқ, хусусан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича халқаро мажбуриятларига ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўйича мажбуриятларига тўғри келадиганлар бундан мустасно. Иштирок этувчи давлатлар бу чеклашлар суиистеъмол қилинмаслиги ва улар асоссиз қўлланмаслиги, балки бу ҳуқуқлар самарали амалга оширилишини таъминлайдиган ҳолда қўлланилишини таъминлайдилар.

Копенгаген 1990 йил

(16) Иштирок этувчи давлатлар

(...)

(16.3) шуни таъкидлайдиларки, ҳеч қандай истисно ҳолатлар, бу уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай фавқулодда ҳолат бўладими, қийноқларни оқлаш учун хизмат қилолмайди;

(...)

(24) (...) Демократик жамиятда ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай чеклаш қабул қилинаётган қонуннинг мақсадларидан бири билан боғлиқ бўлиши ва бу қонуннинг мақсадлари билан мутаносиб бўлиши керак.

3.2 ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ШАРОИТЛАРИДА МАЖБУРИЯТЛАРДАН ЧЕКИНИШЛАР

Копенгаген 1990 йил

(16) Иштирок этувчи давлатлар

(...)

(16.3) шуни таъкидлайдиларки, ҳеч қандай истисно ҳолатлар, бу уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай фавқулодда ҳолат бўладими, қийноқларни оқлаш учун хизмат қилолмайди;

(...)

(24) (...) Демократик жамиятдаги ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳар қандай чеклаш қўлланиладиган қонуннинг мақсадларидан бири билан боғлиқ ва бу қонун мақсадига қатъий мутаносиб бўлиши керак.

(25) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тааллуқли мажбуриятлардан, айниқса чекиниш мумкин бўлмаган ҳуқуқлар борасида фавқулодда ҳолат шароитидаги ҳар қандай чекиниш халқаро ҳуқуқда, хусусан

ўзлари иштирокчиси ҳисобланадиган тегишли халқаро воситаларда назарда тутилган қатъий доирада қолиши кераклигини тасдиқлайдилар. Улар қуйидагиларни ҳам тасдиқлайдилар:

(25.1) бундай мажбуриятлардан чекиниш ҳисобланадиган чора-тадбирлар бу воситаларда баён қилинган тартибот талабларига қатъий мувофиқ тарзда қабул қилиниши керак;

(25.2) фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши расмий равишда, ошкора тарзда ва қонунда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларга мувофиқ эълон қилиниши лозим;

(25.3) мажбуриятлардан чекиниш ҳисобланадиган чора-тадбирлар аҳволнинг кескинлиги талаб қиладиган доиралар билан қатъий тарзда чекланади;

(25.4) бундай чора-тадбирлар фақат ирқий мансублиги, терисининг ранги, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ёки озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансублиги асосида камситишга сабаб бўлмайди.

Москва 1991 йил

(28) Иштирок этувчи давлатлар фавқулодда ҳолат шароитида инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя этишни, Копенгаген кенгаши Хужжатининг тегишли қоидаларини ҳисобга олишни ва ўзлари ҳам қўшилган халқаро конвенцияларга риоя қилишни муҳим, деб ҳисоблайдилар.

(28.1) Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, фавқулодда ҳолатлар фақат фавқулодда ва энг жиддий вазиятларда ушбу давлатнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда унинг ЕХХК доирасидаги мажбуриятларига мувофиқ ўзини оқлаши мумкин. Фавқулодда ҳолатдан демократик конституциявий тузумни ағдариб ташлаш учун фойдаланилиши ҳамда у халқаро миқёсда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини барбод қилишга қаратилиши мумкин эмас. Агар куч ишлатиш чорасини четлаб ўтиб бўлмаса, унда у оқилона ва имкони борида чекланган доираларда қўлланилиши лозим.

(28.2) Фавқулодда ҳолат фақат тегишли ваколатларга эга бўлган қонуний конституциявий орган томонидан эълон қилиниши мумкин. Фавқулодда ҳолатнинг эълон қилиниши ҳақидаги қарор ижроия ҳокимияти органлари томонидан қонуний асосларда қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолларда бундай қарор қонунчилик органи томонидан энг қисқа муддат ичида тасдиқланиши ёки назоратга олинishi лозим.

(28.3) Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши ҳақидаги қарор расмий равишда, оммавий тарзда ва қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ эълон қилиниши керак. Бундай қарорда, мумкин бўлган ҳолларда, фавқулодда ҳолат амал қилишининг ҳудудий доиралари кўрсатилиши лозим. Тегишли давлат кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборотдан ўз фуқароларини пайсалга солмасдан хабардор қилади. Фавқулодда ҳолат имкони борида тезроқ вақт ичида бекор қилинади ва у муайян вазиятда жуда зарур бўлганидан ортиқ муддат амал қилиб қолиши мумкин эмас.

(28.4) Фавқулодда ҳолатнинг қонунда белгилаб қўйилган қоидаларни бузган ҳолда де-факто сифатида жорий этилиши ёки унинг узайтирилишига йўл қўйилмайди.

(28.5) Иштирок этувчи давлатлар фавқулодда ҳолатнинг амал қилиб туриши даврида қонунчилик органларининг бир меъёрадаги фаолияти қафолатланишини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

(...)

(28.7) Иштирок этувчи давлатлар ўзлари иштирокчиси ҳисобланадиган халқаро конвенцияларга мувофиқ фавқулодда ҳолат шароитида чекиниш қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай орқага чекинишлардан ўзларини тийишга ҳаракат қиладилар. Бундай мажбуриятлардан орқага чекиниш тарзида қўриладиган чора-тадбирлар ушбу ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган процессуал талабларга қатъий амал қилган ҳолда қабул қилиниши лозим. Бундай чора-тадбирлар улар аниқ вазиятда мутлақо зарур бўлганидан ортиқ муддат амал қилиб қолиши мумкин эмас; улар ўз табиатида кўра фавқулодда чора-тадбирлар ҳисобланади ҳамда чегараловчи тарзда талқин қилиниши ва қўлланилиши лозим. Бундай чора-тадбирлар ҳеч қачон ирқий мансублик, терининг ранги, жинс, тил, дин, ижтимоий қилиб чиқиш ёки озчиликни ташкил қилганларга мансублик асосида камситишга сабаб бўлмайди. (...)

(28.8) Иштирок этувчи давлатлар қонун устунлигини қўллаб-қувватлаб туриш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар фавқулодда ҳолат вақтида ўз қучида қолишини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улар ўз қонунларида фавқулодда ҳолатга тааллуқли қарорлар, шунингдек, уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни назарда тутишга интиладилар.

(28.9) Иштирок этувчи давлатлар жамоатчиликнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этилиши ҳамда фавқулодда ҳолатнинг бекор қилиниши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши учун уларнинг халқаро вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ келадиган сўз эркинлиги ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улар халқаро андозаларга мувофиқ сўз эркинлигига нисбатан, аниқ вазиятда мутлақо зарур бўлган чора-тадбирлардан ташқари, журналистларнинг ўз касбий вазифаларини қонуний амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бирор-бир чора-тадбирларни кўрмайдилар.

(28.10) Агар иштирок этувчи давлатда фавқулодда ҳолат эълон қилинса, тегишли давлат бундай қарор ҳақида, шунингдек ушбу давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасида йўл қўйилган халқаро мажбуриятлардан ҳар қандай орқага чекиниш тўғрисида ЕХҲК институтини¹ зудлик билан хабардор қилади. Институт бошқа иштирок этувчи давлатларни бу ҳақда пайсалга солмасдан хабардор қилади.

¹ Бундай институтга тааллуқли қарор Кенгаш томонидан қабул қилинади.

II. ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА АЛОҲИДА МАЖБУРИЯТЛАР

1.

ХАЛҚЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ ХАЛ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ТААЛЛУҚЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси — VIII принцип)

Иштирок этувчи давлатлар БМТ Уставининг мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларига, шу жумладан давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига тааллуқли нормаларига мувофиқ доим ҳаракат қилиб, халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Халқларнинг тенг ҳуқуқлигиги ва ўз тақдирини белгилаш принциpidан келиб чиқиб, барча халқлар тўла эркинлик шароитида доим, қачон бўлмасин ҳамда ўзлари хоҳлаганидек ўз ички ва ташқи сиёсий мақомини ташқаридан аралашувсиз белгилаш ҳамда ўз хоҳишига кўра ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Иштирок этувчи давлатлар халқлар ўртасида шунингдек барча давлатларлар ўртаси дўстона муносабатлар ривожланиши учун халқларнинг тенг ҳуқуқлигиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ҳамда самарали амалга ошириш умумий аҳамиятини тасдиқлайдилар; улар ушбу принцип бузилишининг ҳар қандай шаклини истисно этиш муҳимлиги ҳақида ҳам эслатиб ўтадилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: принциплар)

(4) [Иштирок этувчи давлатлар] шунингдек тенг ҳуқуқлилиқ ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи хал қилиш ҳуқуқидан келиб чиқиб ҳамда Якунловчи ҳужжатнинг тегишли қоидаларига мувофиқ барча халқлар тўла эркинлик шароитларида қачон бўлмасин ва улар қандай хоҳлашларича ўз ички ва ташқи сиёсий мақомини ташқаридан аралашувларсиз ва ўз хоҳишларига кўра ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига доим эга эканликларини тасдиқлайдилар.

2. ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

2.1 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Бонн 1990 йил (Муқаддима)

(...) Иштирок этувчи давлатлар,
сиёсий плюрализм ва бозор иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлигини ҳамда
қуйидаги принципларга:

- эркин, даврий ва ҳақиқий сайловларга асосланган кўппартиявийлик демократияга;
- ҳуқуқий давлат ва ҳамма учун қонун томонидан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида ҳамда самарали, очиқ ва адолатли ҳуқуқий тизимнинг тенг ҳимоя қилишига;
- инсон кадр-қимматини тегишли равишда қарор топтирадиган ва мажбурий меҳнат, меҳнаткашларни ирқи, жинси, тили, сиёсий қарашлари ёки диний эътиқоди белгиларга кўра камситиш ёхуд меҳнаткашларни мустақил касаба уюшмаларни эркин ташкил этиш ёки уларга киришдан маҳрум этишдан ҳоли бўлган иқтисодий фаолиятга содиқликларини эътироф этиб, қуйидагиларга эришишга ёки амал этишга интиладилар (...)

Копенгаген 1990 йил

[Иштирок этувчи давлатлар] инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинлик-лари ҳурмат қилинишини таъминлаш, одамлар ўртасида муносабатларни ривож-лантириш ва шу билан боғлиқ гуманитар тусдаги масалаларни ҳал қилиш учун хилма-хил демократия ва ҳуқуқий давлат жиддий зарурлигини эътироф этади-лар. Шу сабабли улар барча иштирок этувчи давлатлар томонидан демократия ва сиёсий плюрализм ғояларига ифода этилган садоқатни, шунингдек уларнинг эркин сайловлар ва қонун устунлиги асосида демократик жамиятлар қуриш ҳа-қида умумий қарорга келганликларини маъқуллайдилар.

(...)

(6) Иштирокчи-давлатлар, даврий ва ҳақиқий сайловларда эркин ва виждо-нан билдириладиган халқларнинг иродаси ҳар бир ҳукуматнинг ҳокимияти ва қонунийлигининг асоси эканлиги тўғрисида баёнот қиладилар (...) Улар ўз қонунлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ бўйича мажбури-ятлари билан ҳамда демократик тартибни ағдариб ташлаш ёки бошқа ишти-рокчи давлатда бундай тартибни ағдариб ташлашга йўналтирилган терроризм ёки зўравонликлардан фойдаланувчи ёки уларни инкор этмайдиган алоҳи-да шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар фаолиятдан ҳоли бўлиб, халқнинг ўз иродасини эркин билдириши йўли билан ўрнатилган халқаро мажбури-ятлари билан мувофиқ равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бўлган масъулиятини эътироф этадилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамлиликнинг янги даври)

Биз демократияни мамлакатларимиздаги бошқарувнинг ягона тизими сифатида барпо этиш, жипслаштириш ва мустаҳкамлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Ушбу ташаббусда биз куйидагиларга амал қиламиз:

Инсон ҳуқуқлари ва унинг асосий эркинликлари барча шахсларга туғилганидан бошлаб тегишлидир, улар ажралмасдир ва қонун билан кафолатланади. Уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш — ҳукуматнинг энг биринчи вазифаси. Уларни ҳурмат қилиш — ўта кучли ҳокимиятга эга бўлган давлатга қарши жиддий кафолат. Уларга риоя қилиш ва тўлиқ рўёбга чиқариш — эркинлик, адолат ва тинчлик асоси.

Демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равишда ифодаланадиган халқ хоҳиш-иродасига асосланади. Демократиянинг асосини инсон шахсига бўлган ҳурмат ва қонун устунлиги ташкил этади. Демократия ўз фикрини изҳор этиш эркинлиги, жамиятдаги барча гуруҳларга нисбатан бағрикенг бўлиш ва ҳар бир инсон учун имкониятлар тенглигининг энг яхши кафолати ҳисобланади.

Вакиллик ва фикрлар хилма-хиллиги хусусиятига эга бўлган демократия сайловчиларга ҳисобот беришга, давлат ҳокимиятларининг қонунларга риоя этиш мажбуриятларига ва одил судловга олиб келади. Ҳеч ким қонундан устун турмаслиги керак.

(...)

Давлатларимиз демократик ютуқларни муқаррар абадий қилиш мақсадида бир-бири билан ҳамкорлик қилади ва бир-бирини қўллаб-қувватлайди.

Москва 1991 йил

(17) Иштирок этувчи давлатлар:

(17.1) ҳар қандай иштирок этувчи давлатда вакиллик ҳукуматидан эркин ва адолатли сайлов жараёнида ифода этилган халқнинг хоҳиш-иродасига ҳилоф равишда ва қонуний белгиланган конституциявий тузумни бузиб ҳокимиятни тортиб олишга уринувчи кучларни сўзсиз қоралайдилар;

(17.2) ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг демократик асосда сайланган қонуний ҳукумати нодемократик воситалар орқали ағдариб ташланган ёки ағдариб ташлашга уринилган тақдирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ ушбу давлатнинг инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлигини ҳимоя қилиб турган қонуний органларини асосий кадриятларни бундай чеклашга бўлган ҳар қандай уринишга қарши ҳаракат қилиш борасидаги ўзларининг умумий мажбуриятларини эътироф этиб, кескин қўллаб-қувватлайдилар;

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш стратегияси)

36. (...) ЕХХТ инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларига асосланиб, ўз минтақасида ҳамма жойда ҳамманинг самарали демократик институтлар, зарур тарздаги суд тартиблари ва қонун устунлиги ҳимояси остидаги ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўла даражада фойдаланиш имкониятини берадиган шароитларни яратишни рағбатлантиришга интилади. Бу барча шахслар ва ижтимоий гуруҳлар томонидан тинч мунозаралар ўтказиш ва ўз манфаатларини ифода этиш учун хавфсиз вазиятни таъминлашни

ва тегишли институтларни қамраб олади. Бу масалада фуқаролик жамияти муҳим роль ўйнашга даъват этилган ва ЕХХТ фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлашни давом эттиради ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатади.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг иқтисодий ва экологик мезонлар соҳасидаги хужжат-стратегияси)

2.2.1 Зарур тарздаги давлат ва копоратив бошқарув ҳамда мустаҳкам институтлар инвесторларни жалб этишга қодир бўлган ва бу билан давлатга камбағаллик ва тенгсизлик қўламларини қисқартириш, ижтимоий жипсликни ошириш, ҳамма учун имкониятларни кенгайтириш ва атроф муҳитни сақлаб қолиш имконини берадиган соғлом иқтисодиётнинг энг муҳим устунлари ҳисобланади. Барча даражаларидаги зарур тарздаги бошқарув равнақ топишга, барқарорлик ва хавфсизликка қўмаклашади. Тинчлик, яхши давлатлараро муносабатлар, давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги, шунингдек фуқароларнинг қонун устунлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан таъминланадиган мамлакат ичкарисидаги хавфсизлиги ижобий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ҳисобланган ишонч муҳитини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

2.2.2 Зарур тарздаги бошқарув барча иштирокчи давлатлар учун ниҳоятда муҳимдир ва биз тегишли халқаро институтларнинг қўллаб-қувватлашида миллий даражада зарур тарздаги бошқарувни унинг барча жиҳатларида қарор топтириш чораларини кўриш ва мазкур мақсадга эришишда бир-бирига ёрдам кўрсатиш учун ҳамкорлик усуллари ишлаб чиқишга келишиб олдик.

2.2.3 Зарур тарздаги бошқарувни жорий этиш учун бир йўналишдаги муваффақиятлар бошқаларидаги камчиликлар сабабли бўшаштирмаслиги учун комплекс, узоқ муддатли стратегик ёндашув зарур. Биз зарур тарздаги бошқарувга тааллуқли стратегиямизни шакллантиришда ҳамкорлик қиламиз ва бундай энг муваффақиятли амалиёт тўғрисида ахборот алмашамиз.

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар кенгашининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Баёноти)

Биз инсон ҳуқуқларига қарорларни қабул қилиш жараёни иложи борица тўлиқ транспарентлик¹ ва аҳолининг кенг иштирокида бўлиб ўтадиган демократик жамиятда энг тўла равишда риоя этилишини эътироф этамиз. Биз плюралистик фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаймиз ва турли манфаатдор томонлар билан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги шериклик муносабатларини рағбатлантираемиз.

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганда, ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларининг ўз мандатлари ва мавжуд ресурслари доирасида

1 Транспарентлик (инглизча «transparent» — «равшан», «очик») — шаффофлик, махфийлик мавжуд эмаслиги, ахборотларнинг очиклиги.

кўмаклашишида, ахборот ва энг яхши амалиётларни алмашишни давом эттириш ва бу соҳадаги ишни фаоллаштириш ҳамда қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлашни тавсия этади:

- (...)
- иштирок этувчи давлатларнинг Конституциявий судлари ёки уларга тенглаштирилган, барча давлат институтларида қонун устунлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига риоя этилишини кўмаклашишга даъват этилган институтлари;
- (...)

2.2 САЙЛОВЛАР

Шунингдек қаранг:

§ 1.2.3.4 А: Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ)

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар қиради:

(5.1) амалиётда сайловчиларнинг ўз вакилларини сайлашлари чоғида фикр билдиришни таъминлайдиган шароитларда яширин овоз бериш ёки шунга тенг келадиган овоз бериш йўли билан оқилона вақт оралиқлари ўртасида ўтказиладиган эркин сайловлар;

(...)

(6) Иштирок этувчи давлатлар шуни баён қиладиларки, мунтазам ўтказиладиган ва ҳақиқий сайловлар борасида эркин ҳамда ростасига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асосидир. Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар (...)

(7) Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар:

(7.1) қонунда белгиланганидек оқилона вақт оралиғида эркин сайлов ўтказадилар;

(7.2) миллий қонун чикарувчи органнинг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг объекти бўлишига йўл қўядилар;

(7.3) катта ёшдаги фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлайдилар;

(7.4) овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг келадиган тартибот қўлланилишини ва овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлишини, унинг расмий якунлари эса матбуотда эълон қилилишини таъминлайдилар;

(7.5) фуқароларнинг шахс сифатида ёки сиёсий партияларнинг ёхуд ташкилотларнинг вакили сифатида, камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига эришиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар;

(7.6) алоҳида шахсларнинг ёки шахслар гуруҳларининг тўла эркинлик шароитида ўз сиёсий партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар ҳамда бундай сиёсий партиялар ва ташкилотларга ҳуқуқ ва давлат органлари олдида тенглик асосида, бир-бири билан мусобақалашиш имконини берувчи зарур юридик кафолатлар берадилар;

(7.7) ҳеч қандай маъмурий ҳаракат зўравонлик ёки қўрқитиш партия ва номзодларни ўз қарашлари ҳамда баҳоларини эркин баён этишдан тўхтата олмайдиган, шунингдек, сайловчиларга бу қарашлар ва баҳолар билан танишиш ва уларни муҳокама қилиш ёки жазоланишдан қўрқмасдан эркин овоз бериш учун ҳеч қим ҳалақит бермайдиган эркинлик ва ҳаққонийлик шароитида сиёсий кампаниялар ўтказилишига қонун ва давлат сиёсати йўл қўйишини таъминлайдилар;

(7.8) оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлайдилар;

(7.9) қонунда белгиланган зарур миқдорда овоз олган номзодлар лозим даражада мансабларини эгаллаши ва мансабларида ваколат муддати тугагунга ёки бошқа, демократик парламент ва конституциявий тартиботга мос равишда қонун билан мувофиқлаштирилаётган тарзда улар тугатилгунга қадар қолишларини таъминлайдилар;

(8) Иштирок этувчи давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар ЕХХҚда иштирок этувчи ҳар қандай бошқа давлатдан ҳамда қандай тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов боришини кузатиш учун таклиф қиладилар. Худди шунингдек, улар умуммиллий даражадан пастроқ даражада ўтказиладиган сайлов жараёнларида иштирок этиш учун ҳам қўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар ўз зиммаларига сайлов жараёнига аралашмаслик мажбуриятини оладилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз, ҳеч қандай камситишларсиз ҳар бир инсон:

(...)

эркин ва адолатли сайловда қатнашиш,

(...)

ҳуқуқларига эга эканлигини тасдиқлаймиз.

(...)

Биз иштирок этувчи давлатларда сайловлар тўғрисидаги алоқалар ва ахборот айрибошлашга қўмаклашиш учун Варшавада Эркин сайловлар бўйича бюро ташкил этиш қарорини қабул қиламиз.

Женева 1991 йил

Иштирок этуви давлатлар умуммиллий даражадан анча паст даражада ўтказиладиган сайловда, шунингдек, озчиликни ташкил этувчи миллатлар яшайдиган ҳудудлардаги сайловда, қонун қанчалик йўл қўйишига қараб кузатувчиларнинг ҳозир бўлишини маъқуллайдилар ва буни таъминлашга ҳаракат қиладилар. (...)

Лиссабон 1996 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

9. (...)Инсонийлик мезонларининг ўткир муаммолари орасида ҳамон давом этаётган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари, чунончи (...) сайловдаги қаллобликлар (...) катта хавф бўлиб қолмоқда. Биз бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга қатъий аҳд қилганмиз.

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

26. Бизни кутаётган кўп сонли сайловларни ҳисобга олган ҳолда, улар эркин ва очиқ хусусиятларга, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлашга тўла қатъиятдамиз. Бу демократик ривожланиш учун мустаҳкам асосни таъминлайдиган ягона йўлдир. Биз ДИИХБнинг турли мамлакатларга ЕХХТ доирасида қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга жавоб берадиган сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатишидаги ролини муносиб баҳолаймиз ва у томонидан сайловларни ўтказишни баҳолашига ва тавсияларига дарҳол муносабат билдириш ниятидамиз. Биз ДИИХБ ва ЕХХТ Парламент ассамблеясининг демократик жараёнга қўшимча ҳисса бўлаётган сайловлардан олдинги, сайловлар пайтидаги ва сайловлардан кейинги ишини қадрлаймиз. Биз озчиликни ташкил қилган шахслар учун овоз бериш ҳуқуқини тўла ҳажмда ишонарли таъминлаш ва қочоқларга улар аввал бошдан яшаб келган мамлакатда ўтказилаётган сайловларда иштирок этиш учун шароитлар яратиш қатъий ниятидамиз. Биз ҳам номзодлар ўртасида, ҳам партиялар ўртасида ҳалол рақобатни таъминлаш, шу жумладан уларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни тақдим этиш ва йиғилишлар эркинлигини ҳурмат қилиш йўли билан таъминлаш мажбуриятини оламмиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

25. Биз ЕХХТ доирасида қабул қилинган, жумладан 1990 йилги Копенгаген ҳужжатларидаги мажбуриятларга мувофиқ эркин ва ҳалол сайловлар ўтказиш бўйича ўз мажбуриятларимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз ДИИХБ иштирок этувчи давлатларга сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ёрдам кўрсатиши мумкинлигини эътироф этаммиз. Биз бу мажбуриятларга мувофиқ мамлакатларимизда ўтказиладиган сайловларга бошқа иштирок этувчи давлатлардан, ДИИХБ, ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси ҳамда сайловларни ўтказиш устидан кузатишни хоҳлаган тегишли институтлар ва ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф этаммиз. Биз ДИИХБнинг сайловларни ўтказишни баҳолаш ҳулосаси ва унинг тавсияларига дарҳол муносабат билдиришга розимиз.

Порту 2002 йил (Қарорлар: Сайловларга тааллуқли мажбуриятлар 7/02-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

ЕХХКнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаши ҳужжати (1990 йил) қоидаларига мурожаат қилиб,

бу қоидалар янги мажбуриятлар билан тўлдирилганлигини (...) таъкидлаб,

бу мажбуриятларни бажаришга қатъиятимизни яна бир бор тасдиқлаб,

демократик сайловлар турли хил сайлов тизимлари шароитларида ўтказилиши мумкинлигини таъкидлаб,

ДИИХБнинг иштирок этувчи давлатларга сайловлар билан боғлиқ мажбуриятларини бажаришга ёрдам кўрсатиш бўйича эксперт салоҳиятини эътироф этиб,

Доимий кенгашнинг 509-сон «Халқаро нормалар ва мажбуриятлар: демократик сайловларни ўтказишнинг яхши амалиёти бўйича амалий қўлланма» Қарорини эътиборга олиб,

иштирок этувчи давлатларни ДИИХБнинг сайловларни кузатиш яқунлари бўйича тавсияларига таъсирчанроқ муносабатда бўлишга даъват этади. (...)

Маасрихт 2003 йил (Қарорлар: Сайловлар бўйича 5/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ДИИХБ билан ЕХХТ Парламент ассамблеяси ўртасида сайловларни кузатиш соҳасида давом этаётган самарали ҳамкорликни маъқуллаб,

бу йил июнь ойида ДИИХБ томонидан тайёрланган ва иштирок этувчи давлатларга тақдим этилган «ЕХХТ иштирок этувчи давлатларида демократик сайловларга нисбатан мавжуд мажбуриятлар: ишнинг бориши тўғрисида маъруза» (ODHR.GAL/39/03) ҳужжатини маъқуллаб,

жумладан, электоратга умуман бутун жараёнга ишонч билдириш, сайлов тартиблари транспарентлиги ва сайловларни ўтказиш билан шуғулланаётган органлар ҳисоб беришлари зарурлигини эътироф этиб, иштирок этувчи давлатларни бундан буён ҳам ДИИХБ билан мазкур соҳадаги ўз ҳамкорлигини чуқурлаштиришга даъват этади,

ДИИХБга ўзининг иштирок этувчи давлатларга ДИИХБнинг сайловларни кузатиш тўғрисидаги маърузасида қайд этилган тавсиялари юзасидан чоралар кўришларида ўз ёрдами самарадорлигини ошириш йўллари кўриб чиқишни билдиради. (...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: ЕХХТ самарадорлигини ошириш 19/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

1. ДИИХБга Вазирлар кенгашининг 17/05-сон Қарори 2-бандига мувофиқ бажарган иши учун миннатдорчилик билдиради ва унинг 2006 йил 10 ноябрида нашр этилган маърузасини маълумот учун қабул қилади;

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларга ўз қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётини ЕХХТ мажбуриятлари билан солиштиришлари лозимлигини эслатади;

4. Иштирок этувчи давлатларнинг мавжуд мажбуриятларини амалга оширишлари боришининг ҳозирги ҳолатига тааллуқли баҳони маълумот учун қабул қилади ва, жумладан, улар томонидан ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларнинг самарали бажарилиши учун маъсулият иштирок этувчи давлатлар зиммасида эканлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан ДИИХБ уларга ёрдам кўрсатиб, муҳим роль ўйнайди;

5. Доимий кенгашга ДИИХБ ва ЕХХТнинг бошқа тегишли институтларининг тавсияларини эътиборга олган ҳолда мазкур маърузада қайд қилинган соҳалардаги мажбуриятларни бажариш муаммоларига, ДИИХБ ёрдамида самаралироқ фойдаланишни эътиборга олган ҳолда эътибор қаратишни топширади;

6. Бу маърузада янги мажбуриятларга тааллуқли таклифларни маълумот учун қабул қилади ва Доимий Кенгашдан Вазирлар кенгашининг 2007 йилда

Мадриддаги учрашуви бошлангунга қадар улар юзасидан ўз хулосасини чиқаришини сўрайди;

(...)

8. ЕХХТнинг электорат жараёни билан боғлиқ фаолиятини бундан буён ҳам ривожлантириш мажбуриятини олади ва шу муносабати билан ЕХХКнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг хужжати (1990 йил) қоидаларини иштирок этувчи давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан демократик сайловларни ўтказиш учун зарур бўлган ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадларида қабул қилишган ЕХХТнинг умумий мажбуриятларини тамал тоши сифатида яна бир бор тасдиқлайди;

9. Бу мажбуриятлар Олий даражадаги Будапешт учрашувининг Декларацияси (1994 йил), Олий даражадаги Лиссабон учрашувининг Декларацияси (1996 йил), олий даражадаги Истамбул учрашувининг Декларацияси (1999 йил), Европа ҳаффизлиги хартияси (1999 йил) ва Вазирлар кенгашининг Порту (2002 йил) тегишли қоидалари ва Маастрихт (2003 йил) учрашувларининг қарорлари билан тўлдирилганлигини таъкидлайди;

10. Иштирок этувчи давлатларнинг сайловлар мониторингини олиб бориш учун бошқа иштирок этувчи давлатлардан, ДИИХБ, ЕХХТнинг Парламент асамблеясида ҳамда ўз кузатувчиларини юборишни хоҳлаётган тегишли институтлар ва ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф этиш мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайди;

11. Иштирок этувчи давлатларнинг ўз кузатувчиларини юборишлари йўли орқали электорат жараёни ҳалоллигини мустаҳкамлашга ўзлари самарали ёрдам кўрсатишлари мумкинлигини таъкидлайди; (...)

Остона 2010 йил

6. (...) Биз фуқаролик жамияти ва эркин ОАВ инсон ҳуқуқларини асосий эркинликлари, демократияни, шу жумладан эркин ва ҳалол сайловларни ҳамда ҳуқуқ устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашга ўзимизга ёрдам берар экан, улар ўйнаётган муҳим ролини қадрлаймиз.

2.3 ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР

2.3.1 Умумий қоидалар

Копенгаген 1990 йил

(3) [Иштирок этувчи давлатлар] демократия ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланишини тасдиқлайдилар. Улар сиёсий ташкилотларга нисбатан фикрларнинг хилма-хиллиги аҳамиятини эътироф этадилар.

(4) Улар бир-бирларининг эркин сайлаш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларга мувофиқ ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини ривожлантириш ҳуқуқини ҳурмат қилишини тасдиқлайдилар. Бу ҳуқуқни рўёбга чиқариб, улар ўзларининг қонунлари, маъмурий қоидалари, амалиёти ва сиёсати уларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мос қилишини ҳамда ЕХХК бўйича принциплар Декларацияси қоидаларига ва бошқа мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлайдилар.

(5) Улар тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча инсонларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар киради:

(5.1) амалиётда сайловчиларнинг ўз вакилларини сайлашлари чоғида фикр билдиришни таъминлайдиган шароитларда яширин овоз бериш ёки шунга тенг келадиган овоз бериш йўли билан оқилона вақт ораликлари ўртасида ўтказиладиган эркин сайловлар;

(5.2) ўз моҳияти жиҳатидан бошқарувнинг вакиллик шакли, бунда ижроия ҳокимияти сайланган қонун чиқарувчи органларга ёки сайловчиларга ҳисобдор бўлади;

(5.3) ҳукумат ва давлат ҳокимиятининг конституцияга риоя этиш ва қонунга мос тарзда иш юритиш мажбурияти;

(5.4) давлат ва сиёсий партиялар ўртасида аниқ бўлиниш, жумладан, сиёсий партиялар давлат билан қўшилиб кетмайди;

(5.5) ҳукумат ва маъмуриятнинг, шунингдек, суд органларининг фаолияти қонун томонидан белгиланган тизимга мувофиқ амалга оширилади. Бундай тизимнинг ҳурмат қилиниши таъминланган бўлиши керак;

(5.6) қуролли кучлар ва полиция фуқаролар ҳокимияти назоратида бўлади ҳамда уларга ҳисобдордир;

(...)

(5.8) тегишли ошкор тартибот тугаллангач, қабул қилинган қонунлар ва маъмурий қоидалар матбуотда чоп этилади, бу уларнинг қўлланилиши шартидир. Бу матнлар ҳамманинг танишиши учун очиқ бўлади;

(6) Иштирок этувчи давлатлар шуни баён қиладиларки, мунтазам ўтказиладиган ва ҳақиқий сайловлар борасида эркин ҳамда ростоқамчи ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асосидир. Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар. Улар халқ иродасининг ифодаси орқали эркин ўрнатилган демократик тартибни ўз қонунлари, халқаро ҳуқуқ бўйича ўзларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ терроризмдан ёки зўравонликдан фойдаланадиган ёки уларни бартараф этишни рад қиладиган ёхуд бошқа иштирок этувчи давлатдаги бундай тартибни йўқ қилишга қаратилган терроризмни ёки зўравонликни рад этишдан бош тортадиган алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларнинг фаолиятдан ҳимоя қилиш ва муҳофазалашдаги ўз масъулиятларини эътироф этадилар.

(7) Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(7.2) миллий қонун чиқарувчи органнинг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг объекти бўлишига йўл қўядилар;

(...)

(7.9) қонунда белгиланган зарур миқдорда овоз олган номзодлар лозим даражада мансабларини эгаллаши ва мансабларида ваколат муддати тугагунга ёки

бошқа, демократик парламент ва конституциявий тартиботга мос равишда қонун билан мувофиқлаштирилаётган тарзда улар тугатилгунга қадар қолишларини таъминлайдилар;

(...)

(26) Иштирок этувчи давлатлар яшашига қодир демократия миллий турмушнинг таркибий қисми сифатидаги демократик кадриятлар ва амалиётнинг, шунингдек кенг доирадаги демократик институтларнинг мавжудлигига боғлиқ, деб эътироф этадилар. Улар шунинг учун ўзлари ўртасида биргаликдаги амалий саъй-ҳаракатларни ҳамда ахборот, ғоялар ва тажриба алмашувини ҳамда қуйидагилардан иборат соҳаларда алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасидаги тўғридан-тўғри муносабатлар ва ҳамкорликни рағбатлантирадилар, енгиллаштирадилар ҳамда мақсадга мувофиқ бўлганда қўллаб-қувватлайдилар:

- конституциявий ҳуқуқ, ислохотлар ва ривожланиш;
- сайлов ҳақидаги қонунчилик, сайловларнинг ўтказилиши ва уларни кузатиш;
- судлар ҳамда ҳуқуқий тизимларнинг ташкил этилиши ва уларни бошқариш;
- ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтарилиш ходимларнинг шахсий фазилатларининг ҳисобга олиниши тизимига асосланаётган ҳолис ва самарали давлат хизматининг ривожлантирилиши;
- қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши;
- маҳаллий бошқарув ва марказий органларнинг баъзи вазифаларининг маҳаллий идораларга берилиши;
- ахборотдан фойдалана олиш ва махфийликнинг таъминланиши;
- шаклланаётган сиёсий партиялар ва уларнинг кўп фикрлилик жамиятларидаги ўрни;
- эркин ва мустақил касаба уюшмалари;
- кооперативчилик ҳаракатлари;
- жамият манфаатларини кўзлайдиган эркин уюшмалар ва гуруҳлар бошқа шаклларида ривожлантирилиши;
- журналистика, мустақил оммавий ахборот воситалари, интеллектуал ва маданий турмуш;
- ўқув юрларида демократик кадриятлар, институтлар ва амалиёт ҳақидаги билимларнинг ўқитилиши, шунингдек эркин билиш муҳитининг таъминланиши.

Бундай саъй-ҳаракатлар ЕХҲҚнинг инсонийлик мезонлари доирасидаги ҳамкорлик қирраларини, шу жумладан таълим олиш, китоблар ва ўқув материаллари билан алмашиш, ҳамкорликдаги дастурлар ва лойиҳалар, илмий ҳамда касбий алмашувлар ва конференциялар, стипендиялар, илмий тадқиқотлар учун субсидиялар, экспертлик билимлари ва маслаҳатчилик хизматларининг тақдим этилиши, амалий-илмий муносабатлар ҳамда дастурларни қамраб олиши мумкин.

(27) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва қонун устуңлиги соҳасидаги мустақил миллий институтларнинг ташкил этилиши ва мустаҳкамланишига ҳам қўмаклашиб, бундай институтлар иштирок этувчи давлатлардаги ана шундай институтлар ўртасида мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш марказлари бўлиши ҳам мумкин. Улар иштирок этувчи давлатлар парламентлари аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни, шу жумладан қўшма комиссиялар, парламентлар аъзолари иштирокидаги теледебатлар, учрашувлар ва «давра суҳбатлари»даги муҳокамалар орқали рағбатлантиришни таклиф қиладилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгаши тизимидаги ташкилотлар каби мавжуд муассасаларни

уларнинг бу соҳадаги бошлаган ишларини давом эттириши ва кенгайтиришини ҳам рағбатлантирадilar.

Москва 1991 йил

(18.1) Қонун ҳужжатлари халқ иродасини бевосита ёки у сайлаган вакиллар орқали ифодаладиган очик жараён натижасида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Афина 2009 йил (Қарорлар: Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки 7/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ ҳудудида аёлларнинг ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия, шу жумладан полиция хизматлари, ва суд тармоқлари раҳбар тузилмаларида иштироки етарлича эмаслиги сақланиб қолаётганлигини эътиборга олиб,

аёлларга нисбатан кенг тарқалган камситиш хали ҳам уларнинг барча даражалардаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётда самарали иштирок этишларига тўсқинлик қилаётганлигидан ташвишланиб,

(...)

иштирок этувчи давлатларга даъват этади:

1. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, суд ва ижроия барча органларида, жумладан полиция хизматлари каби тузилмаларда гендер мутаносиблиги мақсадлари-га эришиш учун аниқ чораларни кўриш имкониятларини қараб чиқиш;

2. Аёллар ва эркекларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, айниқса қарор қабул қилишда мутаносиброқ иштирок этишларига ёрдам берадиган қонунчилик чораларини кўриш имкониятини қараб чиқиш;

3. Фаолият кўрсатаётган барча сиёсий кучларга қарор қабул қилишнинг барча даражаларидаги сайлаб қўйиладиган давлат лавозимларида гендер вакиллик мутаносиброқ бўлишига эришиш мақсадларида аёллар ва эркекларнинг сиёсий партияларда тенг иштирок этишларига ёрдам кўрсатишни тавсия қилиш;

(...)

5. Эркеклар ва аёлларни қонунчилик, дастурлар ва сиёсатни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига фаолроқ жалб этилишини таъминладиган очик ва фаол иштирок этишни назарда тутадиган жарёнларни, заруратга қараб, ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

(...)

7. Аёлларнинг иштироки ва вакиллиги тенглиги даражасини баҳолаш учун, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда, самарали миллий механизмларни яратиш учун зарур чораларни кўриш;

8. Ноҳукумат ва илмий тадқиқот ташкилотларига аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари йўлида пайдо бўладиган аниқ тўсиқларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик хабардорлигини ошириш ҳамда аёллар ва эркеклар имкониятлари тенглигини таъминлашга ёрдам кўрсатиш бўйича, зарурат бўлган жойда, мақсадли тадқиқотларни тайёрлаш ва ташаббусларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;

9. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда самарали иштирок этишларини таъминлаш мақсадларида уларнинг имкониятлари тенг бўлишига ёрдам кўрсатиш учун эркеклар ва аёлларнинг меҳнат ва ота-оналик мажбуриятларини бир-галикда бажаришларини рағбатлантириш.

2.3.2 Ҳокимият органларини номарказлаштириш ва махсус тузилмалар ва муассасалар

Женева 1991 йил (IV)

Конституциявий тизимларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада қандайдир бир умумий бир ёндашувдан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд қиладиларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

- озчиликни ташкил қилувчи миллатлар вакиллари ҳам иштирок этадиган, айниқса, таълим, маданият ва динга оид маслаҳат берувчи ва директив органлар,
- озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича ва сайлаб қўйиладиган органлар ва ассамблея;
- маҳаллий ва автоном бошқарув органлари ҳамда ҳудудий асосдаги автономия, шу жумладан эркин ва даврий асосда сайланадиган маслаҳатлашув, қонун чиқарувчи ҳамда ижроия органлари;
- агар ҳудудий асосда автономия мавжуд бўлмаса, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ўзига хослигига доир жиҳатларда ўзини ўзи бошқариш;
- марказлаштирилмаган ёки маҳаллий бошқарув шакллари;

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(...)

(53) Демократик иштирок этиш жараёнини ва институтларнинг қарор топишини кучайтириш мақсадида ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш тартибида маҳаллий ва минтақавий даражада демократиянинг фаолият кўрсатиши муаммолари бўйича тегишли тажриба алмашишга интиладилар ҳамда шу муносабат билан Европа Кенгашининг бу соҳадаги ахборот ва маърифий тармоғи фаолиятини олқишлайдилар.

(54) Маҳаллий ҳамда минтақавий даражаларда тегишли органлар ўртасидаги алоқаларга ёрдам берадилар ва ҳамкорликнинг турли шаклларини рағбатлантирадилар.

2.3.3 Қуролли кучлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар, ички хавфсизлик хизматлари ва полиция устидан фуқаролик демократик назорат

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар киради:

(...)

(5.6) қуролли кучлар ва полиция фуқаролар ҳокимияти назоратида бўлади ҳамда уларга ҳисоб беради;

Москва 1991 йил

(25) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширадилар:

(25.1) ўзларининг қуролли кучлари ва ҳарбий қисмлари, ички хавфсизлик ва разведка хизматлари, шунингдек, полицияси самарали бошқарув ва тегишли фуқаролик ҳокимиятлари назорати остида бўлади;

(25.2) ижроия ҳокимиятининг қуролли кучлар ва ҳарбий қисмлардан фойдаланишини, шунингдек, ички хавфсизлик ва разведка хизматлари, полиция фаолияти устидан назоратини қўллаб-қувватлайдилар ва зарур бўлган жойларда мустаҳкамлайдилар;

(25.3) бундай барча кучлар, хизматлар ва фаолият турлари устидан қонунчилик ҳокимияти назоратининг самарали тартиботи барпо этилмаган жойларда бундай тартиботни яратиш ва мавжуд жойларда уларни қўллаб-қувватлаш учун лозим даражада чора-тадбирлар кўрадилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: IV. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли ҳуқ-атвор кодекси)

20. Иштирок этувчи давлатлар ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлар, ички хавфсизлик кучлари, шунингдек разведка хизматлари ва полиция устидан демократик сиёсий назоратга барқарорлик ва хавфсизликнинг ўзгартириб бўлмайдиган унсури сифатида қарайдилар. Улар ўз қуролли кучларининг фуқаролик жамияти билан интеграциялашини демократиянинг муҳим кўриниши сифатида қўллаб-қувватлайдилар.

21. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўзининг ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлари ҳамда хавфсизлик кучлари устидан демократик ваколатга эга, конституциявий таъсис этилган ҳокимият органлари томонидан самарали раҳбарлик қилиши ва назоратни амалга оширишини мунтазам таъминлайди ва қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир иштирок этувчи давлат бу органларнинг ўз зиммаларига юклатилган конституциявий ва ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришларини таъминлайдиган механизмларни яратади. Иштирок этувчи давлатлар ана шундай кучларнинг функция ва вазифаларини, шунингдек уларнинг мутлақ конституциявий доирада иш олиб бориш фаолиятини аниқ белгилаб қўядилар.

22. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўзининг қонунчилик органи мудофаа учун ҳаражатларни тасдиқлашини кўзда тутди. Ҳар бир иштирок этувчи давлат миллий хавфсизлик талабларини зарур тарзда ҳисобга олиб, ўз ҳарбий ҳаражатларида тийилиб туради, қуролли кучларга тааллуқли ахборотларнинг транспарентлигини ва улардан очик фойдаланишни таъминлайди.

23. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ҳар бир ҳарбий хизматчига ўз фуқаролик ҳуқуқини амалга ошириш имкониятини бериб, ўз қуролли кучлари сиёсий бета-рафликни сақлаб туришини таъминлайди.

24. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ҳарбий воситалардан тасодифан ёки руҳсат берилмаган ҳолда фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўради ва буни кучда сақлаб туради.

25. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг конституциявий таъсис этилган ҳокимият органларига бўйсунмайдиган ёки улар томонидан назорат қилинмайдиган кучлар мавжуд бўлишига йўл қўймайдилар ҳамда бундай кучларни қўллаб-қувватламайдилар. Иштирок этувчи давлат бундай кучларга нисбатан ўз ҳокимиятини амалга оширишга қодир бўлмаган ҳолларда у ЕХХК доирасида зарур чораларни кўриб чиқиш учун маслаҳатлар ўтказиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этиши мумкин. (...)

36. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўз қуролли кучларини ички хавфсизлик соҳасидаги вазифаларни бажариш учун юбориш тўғрисидаги ҳар қандай қарор конституциявий тартибларга мувофиқ қабул қилинишини таъминлайди. Бундай

қарорларда қуролли кучлар олдига қўйилган вазифалар белгилаб қўйилади ҳам-да бу вазифалар конституциявий таъсис этилган ҳокимият органларининг самарали назорати остида ва қонун устунлиги принципига риоя этилиб бажарилишини таъминланади.

2.3.4 Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил миллий институтлар

Копенгаген 1990 йил

(27) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлиги соҳасидаги мустақил миллий институтларнинг ташкил этилиши ва мустаҳкамланишига ҳам қўмаклашадилар, бундай институтлар иштирок этувчи давлатлардаги ана шундай институтлар ўртасида мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш марказлари бўлиши ҳам мумкин. Улар иштирок этувчи давлатлар парламентлари аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни, шу жумладан қўшма комиссиялар, парламентлар аъзолари иштирокидаги телемунозаралар, учрашувлар ва давра суҳбатларидаги муҳокамалар орқали рағбатлантиришни таклиф қиладилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгаши тизимидаги ташкилотлар каби мавжуд муассасаларни уларнинг бу соҳадаги бошлаган ишларини давом эттириши ва кенгайтиришини ҳам рағбатлантирадилар.

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик: ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлаш 10/07-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

10. Иштирок этувчи давлатларга, агар буни қилмаган бўлсалар, мавжуд мажбуриятлар асосида ЕХҲТнинг тегишли институтларининг эксперт салоҳияти ва ёрдамига ҳамда, зарурат бўлса, тегишли халқаро муассасалар ёрдамига таяниб муросасизлик ва камситиш билан курашиш учун миллий институтлар ёки ихтисослаштирилган органларни ташкил этишни тавсия этади;

2.3.5 Нохукумат ташкилотлари

Шунингдек қаранг:

§ 1.2.3.3. Хусусий шахслар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар ва ноҳукумат ташкилотлари.

Москва 1991 йил

(43) Иштирок этувчи давлатлар тегишли миллий қонунчиликка биноан ўзларини НХТ деб эълон қилган ташкилотларни НХТ сифатида эътироф этадилар ва ўз ҳудудида бундай ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратилишига қўмаклашадилар; улар шу мақсадда қуйидагиларни амалга оширадилар:

(43.1) НХТ билан тегишли миллий органлар ва давлат муассасалари ўртасида алоқалар ва фикр алмашинувлар учун шарт-шароитларнинг янада яхшиланиши учун имкониятларни излаб топишга ҳаракат қиладилар;

(43.2) инсонийлик мезонлари соҳасидаги шарт-шароитларни кузатиш мақсадида ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг ноҳукумат ташкилотларининг ўз мамлакатларига ташриф буюришига қўмаклашишга ҳаракат қиладилар;

(43.3) НХТ фаолиятини, шу жумладан, унинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги ЕХХК доирасидаги мажбуриятлар бажарилишини текширишга доир фаолиятини маъқуллайдилар;

(43.4) НХТнинг ЕХХК инсонийлик мезонлари доирасида тутган муҳим ролини эътиборга олиб, унга ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги бундан кейинги фаолияти вақтида ўз ҳукуматлари ва бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳукуматлари эътиборига ўз фикр-мулоҳазаларини етказиши учун имконият берадилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз).

27. Ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлиги қарор топишига қўмаклашишда ниҳоятда муҳим роль ўйнашлари мумкин. Улар кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас таркиби ҳисобланадилар. Биз НХТнинг фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлашга ўзларининг тўлақонли ҳиссаларини қўшиш имкониятларини кенгайтириш мажбуриятини оламиз.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

36. (...) ЕХХТ инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўзининг мажбуриятларига асосланиб, ўз минтақасининг ҳамма жойида ҳаммага самарали демократик институтлар, зарур тарздаги суд тартиблари ва қонун устунлиги ҳимояси остида ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўла равишда фойдаланиш имконини берадиган шароитлар яратилишини рағбатлантиришга интилади. Бу барча шахслар ва жамоатчилик гуруҳларининг тинч мунозаралар ўтказиш ва ўз манфаатларини ифода этиш учун хавфсиз вазиятни ва тегишли институтларни қамраб олади. Бу масалада фуқаролик жамияти муҳим роль ўйнашга даъват этилган ва ЕХХТ фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлашни ва уларни мустаҳкамлашга қўмаклашишни давом эттиради.

Остона 2010 йил

6. (...) Биз фуқаролик жамияти ва эркин ОАВнинг инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократияни, шу жумладан эркин ва ҳалол сайловларни ҳамда ҳуқуқ устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашга бизга ёрдам бериб, ўйнаётган муҳим ролини қадрлаймиз.

2.3.6 Транспарентликка қўмаклашиш, коррупцияга қарши кураш ва давлат ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

33. Биз ўзимизнинг қонун устунлигига содиқлигимизни тасдиқлаймиз. Биз коррупция ЕХХТ умумий қадриятларига катта хавф солишини эътироф этамиз. У беқарорлик туғдиради ҳамда хавфсизлик, иқтисодий ва инсонийлик мезонларининг кўпгина жиҳатларига таъсир кўрсатади. Иштирок этувчи давлатлар коррупция ва у туғдирадиган шароитлар билан курашиш учун ўз сазой-ҳаракатларини ошириш, шунингдек давлат бошқаруви ва мансабда ҳалолликнинг зарур тарздаги амалиёти учун ижобий асосни шакллантиришга қўмаклашиш мажбуриятини оладилар. Улар мавжуд халқаро воситалардан яхшироқ фойдаланадилар.

ва коррупция билан курашишда ўзаро ёрдам кўрсатадилар. ЕХХТ қонун устунлигини қарор топтириш бўйича ўзининг саъй-ҳаракатлари доирасида жамият ва амалий доиралар томонидан коррупцияни қабул қилмаслик яқдил муҳитини шакллантириш учун курашаётган НХТ билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг иқтисодий ва экологик мезонлар соҳасидаги ҳужжат-стратегияси)

Транспарентликка кўмаклашиш ва коррупция билан курашиш

2.2.4 Давлат ишларида транспарентлик давлатнинг ҳисоб бериши ва фуқаролик жамиятининг иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этишининг жуда муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Транспарентлик тегишли қонунчилик ва қонун устунлигини тўла ҳурмат қилиш асосида амал этадиган иқтисодиётга ишончни оширади. Бундай транспарентликни таъминлашда таҳририят сиёсати сиёсий ва молиявий босимдан энг юксак даражада мустақил бўлган эркин ва плюралистик оммавий ахборотлари муҳим роль ўйнайди.

2.2.5 Биз оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ва фуқароларга ўз вақтида ахборотни, шу жумладан бир-бирларининг фикрларини қабул қиладиган, яхши хабардор томонлар ўртасида мулоқот учун шароит яратиш мақсадида жамият учун қизиқишга эга иқтисодий ва экологик масалаларга тааллуқли ишонarli статистик маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган тартиб ва институтларни янада ривожлантириш орқали ўзимизнинг давлат органлари транспарентлигини оширамиз. Бу ўзгараётган шароитларни, шунингдек аҳоли эҳтиёжлари ва тақлифларини ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш учун мутлақо зарур.

2.2.6 Транспарентлик, шунингдек, мамлакатларимиз иқтисодиёти ва жамиятини кўпорадиган коррупциянинг барча турларини фoш этиш ва суд таъқиби-ни амалга ошириш учун муҳимдир. Коррупция билан курашиш иштирок этувчи давлатлардан транспарентликдан ташқари, бу соҳада узоқ муддатли комплекс стратегия қабул қилишларини талаб этади.

2.2.7 Биз коррупция барча шакллари тугатишни устувор вазифалардан бири қилишга рози бўлдик. Биз коррупция билан курашиш соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан Европа Кенгаши ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларга қўшилиш масаласини кўриб чиқамиз ҳамда улар ратификация қилинишини рағбатлантирамиз ва уларнинг тўла ҳажмда бажарилишини қўллаб-қувватлаймиз. Биз БМТнинг коррупцияга қарши конвенция қабул қилганлигини маъқуллаймиз ва унинг тез орада имзоланиши, ратификация қилиниши ва кучга киришига умид қиламиз.

Давлат ресурсларини бошқаришини такомиллаштириш

2.2.8 Зарур тарзда бошқаришнинг яна бир қисми — мустаҳкам, фаолияти пухта ташкил этилган институтлар, профессионал ва самарали давлат хизматлари ҳамда оқилона бюджет тартиблари ёрдамида давлат ресурсларини самарали бошқариш ҳисобланади. Давлат ресурсларини, шу жумладан солиқларни тўплаш ҳамда бюджет ижроси ва давлат харидини зарур тарзда бошқариш давлат ва ижтимоий хизматлар фаолиятининг энг олий сифатини таъминлаш нуқтаи назарида айниқса муҳимдир. Биз ўзимизнинг давлат бошқарув тизимимизнинг салмоқли молия асосини яратишга ҳамда уларнинг барча даражаларда самарадорлиги ва таъсирчанлиги янада оширишга эришишга интиламиз.

София 2004 йил (Қарорлар: Коррупция билан курашиш бўйича 11/04-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 13 октябрда Нью-Йоркда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси коррупция билан курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасидаги катта ютуқ эканлигини ва мазкур муаммони ҳал этиш бўйича глобал ҳаракатлар учун имконият яратишини эътироф этиб,

ЕХҲТ иштирокчи этувчи давлатларини, ҳали бунди қилмаган бўлсалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси тезроқ кучга кириши мақсадида уни иложи борида қисқа муддатларда имзолаш ва ратификация қилиш ҳамда уни тўла ҳажмда бажаришга даъват этади (...)

2.4 ҚОНУН УСТУНЛИГИ

Шунингдек қаранг:

§ I.3: Чеклашлар ва чекинишлар

§ II.3.1.4: Ихтиёрий қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум этишга йўл қўймаслик ҳуқуқи

§ II.3.1.5: Адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқи

§ II.3.1.6: Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига ҳуқуқ

2.4.1 Умумий қоидалар

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(13) (...) [Иштирок этувчи давлатлар]
(...)

(13.4) шахсларнинг бу соҳадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ҳуқуқини самарали таъминлайдилар ҳамда уларга мувофиқ иш кўрадилар, шунингдек шу мақсадда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ҳамда ҳимоялашга фаол ҳисса қўшиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар;

Копенгаген 1990 йил

(2) [Иштирок этувчи давлатлар] ҳуқуқий давлатнинг асосини ташкил этадиган адолатнинг бундай принципларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қарор қилганлар. Улар ҳуқуқий давлат демократик тартибга эришиш ва уни сақлаб туриш борасида мунтазамлилик ва изчилликни таъминлайдиган нафақат қонунийликни, балки инсон шахси олий кадрият эканлигини тан олиш ва тўлиқ қабул этишга асосланган ҳамда бунинг энг тўла намоён бўлишини таъминловчи тузилмалар ташкил этувчи муассасалар томонидан қафолатланадиган адолатни англатади, деб ҳисоблайдилар.

(3) Улар демократия ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланишини тасдиқлайдилар (...)

(...)

(5) Улар тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини

тўларок ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар киради:

(...)

(5.3) ҳукумат ва давлат ҳокимиятининг конституцияга риоя этиш ва қонунга мос тарзда иш юритиш мажбурияти;

(...)

(5.5) ҳукумат ва маъмуриятнинг, шунингдек, суд органларининг фаолияти қонун томонидан белгиланган тизимга мувофиқ амалга оширилади. Бундай тизимнинг ҳурмат қилиниши таъминланган бўлиши керак;

(...)

(5.7) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари қонун билан кафолатланади ҳамда халқаро ҳуқуқ мажбуриятларига мувофиқ бўлади;

(5.8) тегишли ошкоравий тартибот тугаллангач, қабул қилинган қонунлар ва маъмурий қоидалар матбуотда чоп этилади, бу уларнинг қўлланилиши шартидир. Бу матнлар ҳамманинг танилиши учун очиқ бўлади;

(5.9) барча одамлар қонун олдида тенг ва ҳеч қандай камситилишсиз қонун томонидан бир хил ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан қонун ҳар қандай камситишни тақиқлайди ҳамда барча шахсларга қайсидир сифат бўйича камситишдан тенг ва самарали ҳимоя қилинишни кафолатлайди;

(...)

(5.15) жиноий айблов бўйича ҳар бир ҳибсга олинган ва ушланган шахс унинг ҳибсга олинганлиги ёки ушланганлигининг қонунийлигига оид қарор чиқариш мумкинлиги учун зудлик билан судья ёки қонун томонидан бундай вазифани амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа мансабдор шахсга етказилиш ҳуқуқига эга;

(...)

(5.18) ҳеч ким қандайдир жиноий қилмиш учун, башарти бу жиноятнинг элементларини равшан ва аниқ белгилаб берадиган қонунда бу жиноят кўзда тутилмаган бўлсагина, айбланмайди, судланмайди ёки ҳукм қилинмайди;

(5.19) ҳар бир шахс унинг айбдорлиги қонунга биноан исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади;

(5.20) миллий даражада қонун устунлигини таъминлашга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ воситаларининг ҳиссасини муҳим ҳисоблаб, иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, улар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ҳамда бошқа тегишли халқаро-ҳуқуқий воситаларга қўшилиш масаласини, башарти улар буни ҳали амалга оширмаган бўлсалар, кўриб чиқадилар;

(5.21) ҳуқуқий ҳимоянинг ички чора-тадбирларини тўлдириш ва иштирок этувчи давлатлар томонидан ўз зиммаларига олинган халқаро мажбуриятлар ҳурмат қилинишини яхшироқ таъминлаш учун иштирок этувчи давлатлар халқаро органларда алоҳида шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси тартиботини назарда тутадиган Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Европа конвенцияси ёки Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколи каби инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид ҳудудий ёки универсал халқаро конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқадилар.

(...)

(12) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХК Вена Якунловчи ҳужжатининг Инсонийлик мезонлари тўғрисидаги бўлимида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш борасида кенг очикликни таъминлаш мақсадида, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқда кўзда тутилганидек, иштирок этувчи давлатлар юборадиган кузатувчиларнинг ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг суд процессларида ҳозир бўлишини ишончни мустаҳкамлаш чораси сифатида қабул қиладилар; бу шундай тушуниладики, суд процесслари фақат қонун талаб қиладиган ҳолатлар мавжудлигида ҳамда халқаро ҳуқуқ ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўлгандагина ёпик (in camera) бўлиши мумкин.

(...)

(24) Иштирок этувчи давлатлар юқорида баён қилинган инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг амалга оширилиши ҳеч қандай чеклашлар объекти бўлиши мумкин эмаслигини таъминлайдилар, қонунда назарда тутилган ва уларнинг халқаро ҳуқуқ, шу жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир мажбуриятларига, хусусан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўйича уларнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ чеклашлар бундан мустасно. Бундай чеклашлар истисно тусига эга. Иштирок этувчи давлатлар бундай чеклашларнинг суистеъмол қилинмаслигини ва уларнинг хоҳлаган тарзда эмас, балки самарали амалга оширилиши таъминланадиган тарзда қўлланилишини таъминлайдилар. Демократик жамиятдаги ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳар қандай чеклаш қўлланиладиган қонуннинг мақсадларидан бири билан боғланиши лозим ва бу қонун мақсадида катъий мутаносиб бўлиши керак.

Москва 1991 йил

(18.1) Қонун ҳужжатлари халқ иродасини бевосита ёки у сайлаган вакиллар орқали ифодалайдиган очик жараён натижасида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

(...)

(27) Иштирок этувчи давлатлар:

(27.1) инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонун устунлиги ва демократияга асосланган ҳуқуқий тизимларни ривожлантириш, айниқса, ҳозирча бундай тизимлар мавжуд бўлмаган давлатларда уларни ривожлантириш мақсадида давлат, маъмурий, савдо, фуқаролик ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқига тааллуқли соҳаларда ва бошқа тегишли соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятини билдирадилар;

(27.2) ана шу мақсадларда ҳуқуқ ва бошқарув соҳасида, шу жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича икки томонлама ва қўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтиришни назарда тутадилар:

- самарали маъмурий тизимнинг барпо этилиши;
- қонунлар ва қоидалар ишлаб чиқилишига қўмаклашиш;
- бошқарув ва ҳуқуқ соҳасида ходимларни тайёрлаш;
- ҳуқуқ соҳасида илмий ишлар ва даврий нашрлар алмашилиши.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

18. Иштирок этувчи давлатлар шуни таъкидлайдиларки, давлат ҳокимияти органларининг барча ҳаракатлари қонун устунлиги принципига мувофиқ бўлиши керак, бу шахснинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги кафолати бўлиб хизмат қилади.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш 12/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла ҳурмат қилиш ҳамда плюралистик демократия ва қонун устунлиги асосида жамиятни ривожлантириш мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик, адолат ва барқарорликка эришишнинг омилларидан бири эканлигини эътироф этиб,

(...)

ҳукумат ва маъмурият, шунингдек суд органларининг фаолияти қонун билан белгилаб қўйилган тизимга ҳамда иштирок этувчи давлатлар томонидан ЕХҲТ доирасида қабул қилган тегишли мажбуриятлари ва халқаро ҳуқуқий мажбуриятларига мувофиқ бўлади ҳамда бундай тизим ҳурмат қилиниши зарур даражада таъминланиши кераклиги тўғрисида яна бир бор баёнот бериб,

ҳуқуқий давлат демократик тартибга эришиш ҳамда бунини сақлаб туриш мунтазамлиги ва изчиллигини таъминлайдиган шунчаки расмий қонунчиликнигина эмас, инсон шахсини олий кадрият сифатида эътироф этиш ва тўла қабул қилишга асосланган адолатни ҳамда бунинг тўла равишда ифода этадиган тузилмани ташкил этадиган муассасалар томонидан қафолатланишини ҳам англади деб ҳисоблаган ҳолда,

қонун устунлиги халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларини, шу жумладан адолатли суд текширилиши ҳуқуқи, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига бўлган ҳуқуқ, ихтиёрий қамоққа олиниш ва ушланишга йўл қўйилмаслик ҳуқуқини ҳурмат қилишга асосланиши кераклигини эътироф этиб,

(...)

қарор қилади:

2006 йилда жиноий одил судлов тизими доирасида қонун устунлиги ва зарур тарздаги юридик тартиб масалаларига алоҳида эътибор бериш ва бу масалалар бўйича бундан кейинги чораларни кўриш, жумладан иштирок этувчи давлатларни тегишли мажбуриятлар ижросини ДИИХБ эксперт салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ва савй-ҳаракатларни керак бўлмаган такрорланишига йўл қўймаслик мақсадларида бошқа тегишли халқаро ташкилотлар билан қалин ўзаро ҳамкорликда такомиллаштириб бориш;

(...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Уюшган жиноятчилик бўйича 5/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши

(...)

жиноий одил судловнинг тасирчан ва самарали тизими жамият осойишталиги ва хавфсизлигини сақлаб туришда ҳал қилувчи роль ўйнашини таъкидлаб,

жиноий одил судлов тизимига тааллуқли сиёсат ва фаолият бошқа масалалар катори жиноятчиликнинг олдини олишни, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини, полиция, суд тизими, жиноий таъқиб, адвокатлар ва жиноий-пенитенциар тизимларини қамраб олиши кераклигини эътироф этиб,

жиноий одил судловнинг ишонарли ва самарали тизимлари фақат қонун устунлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосида яратилиши мумкинлиги ва қонун устунлигининг ўзи одил жиноий судловнинг бундай тизимларини ҳимоя қилишни талаб этишини эътироф этиб,

қонун устунлигига асосланган жиноий одил судловнинг самарали ва таъсирчан тизимлари уюшган жиноятчилик, одам савдоси, наркотиклар ва курол-яроғнинг ноқонуний айланиши, терроризм, коррупция ҳамда трансмиллий ва ички миллий жиноий фаолият бошқа шакллари билан курашиш воситаси эканлигини ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ бундай ҳолатларга жиноий одил судлов тизимининг умумий доирасида малакали чора кўрилиши талаб қилинишини эътироф этиб,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасалари ва жиноий таъқиб органларининг сидқидиллиги ва профессионаллигига зарур тарзда эътибор беришга, одил судловни самарали амал этиши ва суд тизимининг зарур тарзда ишлаши, судларнинг мустақиллиги ва пенитенциар тизими зарур даражада амал этишига ҳамда озодликдан маҳрум этишга муқобил чораларни ўрганишга қатъиян даъват этади;

(...)

Брюссель 2006 йил (Жиноий одил судлов тизимлари тўғрисидаги Брюссель декларацияси)

Биз иштирок этувчи барча давлатларни ўзларининг жиноий одил судлов тизими адолатли ва самарали ишлашини таъминлаш учун ўз мажбуриятлари ва халқаро мажбуриятларини тўла бажаришга даъват этамиз.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

биз инсон ҳуқуқлари, қонун устунлиги ва демократиянинг, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро кучайиб бориш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, аҳамиятини таъкидлаб, шунингдек қонун устунлигининг инсон ҳуқуқлари ва демократияга риоя этишни, хавфсизлик ва барқарорликни, ўзаро иқтисодий ва савдо муносабатларини зарур тарзда бошқаришни, инвестициялар ва қулай амалий муҳитни кафолатлашни таъминлаш учун барча мезонларни туташтирувчи восита сифатидаги аҳамиятини, шунингдек унинг коррупция, уюшган жиноятчилик ва ноқонуний айланишнинг барча шакллари, шу жумладан наркотик воситалар ва курол-яроғлар айланиши, шунингдек одам савдоси билан курашишдаги ролини таъкидлаб, шу тарзда бу иштирок этувчи давлатлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб,

(...)

2. Иштирок этувчи давлатларни зарурат бўлганда ЕХХТнинг қонун устунлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа ва дастурларини бажаришга ҳисса қўйишга даъват этади;

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганда, ЕХХТ тегиши ижроия тузилмалари, уларнинг мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасида қўмаклишишда ахборот ва энг яхши амалиётни айрибошлаш бўйича фаолиятини давом эттириш ва фаоллаштириш ҳамда қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлашни тавсия этади:

(...)

- одил судловни, адолатли текширишга бўлган ҳуқуқни самарали амалга ошириш, суддан фойдаланиш, давлат институтлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоб беришлари, давлат бошқарувида қонун устунлигини ҳурмат қилиш, ҳуқуқий ёрдамга ҳуқуқ (...);
(...)
- низоларни тинчлик воситалари билан тартибга солиш принципига содиқлик;
(...)
- иштирок этувчи давлатларда ҳамда улар ўртасида иқтисодий фаолият, савдо ва инвестицияларни қўллаб-қувватлаш мақсадларида самарали қонунчилик ва суд-маъмурий асос;
- ЕХХТ минтақасида табиий муҳитни ҳимоя қилиш соҳасида қонун устунлигига риоя этиш;
- судлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, полиция органлари ва жазони ижро этиш тизимлар, шунингдек профессионал юристларни тайёрлаш тизимларида қонун устунлиги билан боғлиқ масалалардан хабардорликни ошириш;
- қонун устунлиги масалалари бўйича таълим бериш, шунингдек ЕХХТ минтақасидаги турли иштирок этувчи давлатларнинг профессионал юристлари, олимлари ва студентлари, юридик факультетларининг ўзаро ҳамкорлиги ва айрибошлаш учун имкониятлар яратиш;
- иштирок этувчи давлатларнинг конституциявий судлари ёки уларга тенглаштирилган институтларнинг барча давлат институтларида қонун устунлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига риоя этилишини қўллаб-қувватлашга даъват этилган восита сифатидаги роли;
- зарурат бўлганда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг воситаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш;
- жиноий одил судлов тизимида қонун устунлиги стандартлари ва амалиётига риоя этиш;
- коррупция билан курашиш;
(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки 7/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ ҳудудида аёлларининг ҳокимиятнинг қонунчилиги, ижроия, шу жумладан полиция хизматлари, ва суд тармоқлари раҳбар тузилмаларида етарлича иштирок этмасликлари сақланиб қолаётганини эътиборга олиб;

аёлларга нисбатан кенг тарқалган камситиш ҳали ҳам уларнинг барча даражалардаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётда самарали иштирок этишларига тўсқинлик қилишидан ташвишланиб,

(...)

иштирок этувчи давлатларни даъват этади:

1. (...) суд ва ижроия ҳокимиятнинг (...) барча органларида гендер муносиблиги мақсадига эришиш учун аниқ чоралар кўриш имкониятини қараб чиқиш.

Остона 2010 йил

6. (...) Биз фуқаролик жамияти ва эркин ОАВнинг инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократияни, шу жумладан эркин ва ҳалол сайловларни ҳамда ҳуқуқ устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашга бизга ёрдам бериб, ўйнаётган муҳим ролини қадрлаймиз.

2.4.2 Суд ва адвокатларнинг мустақиллиги, давлат суд хизматининг ҳолис амал этиши

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар киради:

(...)

(5.12) судьяларнинг мустақиллиги ва давлат суд хизматининг ҳаққоний амал қилиши таъминланади;

(5.13) адвокатларнинг мустақиллиги эътироф этилади ва ҳимоя қилинади, жумладан бу уларни ишга қабул қилиш шартларига тааллуқлидир;

Москва 1991 йил

(19) Иштирок этувчи давлатлар:

(19.1) судьялар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг мустақиллиги ҳамда давлат суд хизмати, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг беғараз фаолият кўрсатишига тааллуқли халқаро эътироф этилган нормаларга риоя қиладилар;

(19.2) тегишли нормалар ва мажбуриятларни амалга оширишда суд органлари мустақиллигининг мамлакат конституцияси ёки қонунларида кафолатланиши ва амалиётда риоя этилиши кафолатланишини қуйидаги қоидалар назарда тутиладиган суд тизими мустақиллигининг Асосий принципларига алоҳида эътибор берган ҳолда таъминлайдилар:

(i) судьяларга ноқонуний таъсир кўрсатишнинг тақиқланиши;

(ii) суд қарорларининг маъмурий органлар томонидан қайта кўриб чиқилишига йўл қўймаслик, ваколатли ҳокимиятларнинг судьялар чиқарган ҳукмлар катъийлигини қонунга мувофиқ камайтириши ёки уларни юмшатиши бундан мустасно;

(iii) суд органлари ходимларининг фақат ўз вазифаларини амалга ошириши билан бирга қўшиб олиб бориши мумкин бўлган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг сўз эркинлиги ва уюшма тузиш эркинлигини ҳимоя қилиш;

(iv) судьяларнинг лозим даражадаги малакага ва тайёргарликка эга бўлиши ҳамда камситилмайдиган асосда сайланиши таъминланиши;

(v) алмаштирилмаслик кафолатлари ва хизмат қилиш учун лозим даражадаги шарт-шароитлар, шу жумладан мақбул бўлганда судьяларнинг хизмат лавозими бўйича юқорига кўтарилиши масалаларида шарт-шароитлар таъминланиши;

(vi) дахлсизлик шартларига риоя қилиниши;

(vii) судьяларга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши, лавозимидан четлаштирилиши ва ишдан бўшатилиши қонунга мувофиқ амалга оширилишининг таъминланиши.

(20) Суд органлари мустақиллигини таъминлаш учун иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширадilar:

(20.1) судьялар ва адвокатларнинг миллий ҳамда халқаро уюшмалари ўз аъзолари мустақиллигининг янада кўпроқ ҳурмат қилинишини таъминлаш, шунингдек суд органлари ҳамда ҳуқуқшуносларнинг жамиятдаги роли масалаларида таълим бериш ва касбий тайёрлаш ишидаги муҳим ролини эътироф этиш;

(20.2) суд органлари мустақиллигининг ҳурмат қилиниши ва адвокатларнинг ҳимояланиши таъминланишидан манфаатдор миллий уюшмалар ҳамда бошқа гуруҳлар ўртасидаги мулоқот, тажриба алмашишлар, ҳамкорликка кўмаклашиш ва хизмат қилиш;

(20.3) судьялар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг мустақиллигини ҳимоя қилиш масалаларидаги муаммоли соҳаларни аниқлаш, бундай муаммоларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш йўллари ва воситаларини белгилаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан мулоқот, алоқалар ва тажриба алмашишлар йўли билан ҳамкорлик қилиш;

(20.4) судьялар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги, шунингдек, улар мустақиллигининг янада кўпроқ ҳурмат қилиниши ва давлат суд хизматининг беғараз фаолият кўрсатишига қаратилган қонунларнинг ишлаб чиқирилиши ва қабул қилиниши каби соҳаларда доимий асосда ҳамкорлик қилиш.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: IV. Бизнинг умумий воситаларимиз)

45. Биз инсон ҳуқуқлари бузилишига ҳуқуқий ҳимоя тақдим этишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган мустақил суд тизимларини ривожлантиришга кўмаклашамиз, пенитенциар тизимларини ислоҳ этишда маслаҳат хизматлари кўрсатамиз ва ёрдам берамиз (...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов тизими доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш 12/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

ҳолис ва мустақил суд тизими суд суриштирувидан олдин, унинг давомида ва охирида тегишли тарздаги юридик тартиб ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳаётий роль ўйнашини эътироф этиб,

адвокатларнинг адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқини таъминлашда ҳамда жиноий одил судлов тизими доирасида инсоннинг бошқа ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнашини эътироф этиб,

(...)

Брюссель 2006 йил (Жиноий одил судлов тизимлари тўғрисидаги Брюссель декларацияси)

Биз иштирок этувчи давлатларнинг суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича мажбуриятларига ҳавола қиламиз.

(...)

Биз шуни ҳисоблаймизки:

- суд мустақиллиги қонун устунлиги омили ҳисобланади ва адолатли суд суриштирувининг туб асосий қафолати бўлиб хизмат қилади;
- ҳолислик суд лавозимини зарур тарзда ижро этиш учун ҳаётий зарурдир;
- виждонлилик суд лавозимини зарур тарзда ижро этиш учун ҳаётий зарурдир
- асосланганлик ва асосланганликнинг далили ҳар қандай судья фаолияти учун ҳаётий зарурат ҳисобланади;
- судларда ҳамма билан тенг муомала қилиш қафолати суд маҳкамасининг зарур тарздаги фаолияти учун ҳаётий зарур ҳисобланади;
- малака ва қунт суд маҳкамасини зарур тарзда фаолият олиб боришининг омили ҳисобланади.

Биз шуни ҳисоблаймизки:

- айбловчилар ҳалол ва қобилиятли шахслар бўлишлари ҳамда зарур тарзда касбий тайёргарлик ва малакага эга бўлишлари керак;
- айбловчилар ҳар бир лаҳзада ўз касби шарафи ва қадрини қўллаб-қувватлашлари ҳамда қонун устунлигини ҳурмат қилишлари керак;
- айбловчи лавозими суд функцияларидан аниқ равишда ажратиб қўйилган бўлиши ва айбловчилар судьяларнинг мустақиллиги ва ҳолислигини ҳурмат қилишлари керак;
- айбловчилар қонунга мувофиқ ўз вазифаларини адолатли, изчил ва тезкор тарзда бажаришлари ҳамда инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишлари ва ҳимоя қилишлари, инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаб, шу тарзда зарур процессуал тартибни таъминлашга ҳамда жиноий одил судлов тизими тўсиқларсиз амал этишига қўмаклашишлари керак.

(...)

Биз шуни ҳисоблаймизки:

- адвокатнинг ўз касбий вазифасини бирон камситишсиз ёки маъмурлар ёхуд омманинг ўринли бўлмаган аралашувисиз амалга ошириш эркинлигини ҳурмат қилиш, ҳимоялаш ва ривожлантириш учун барча зарур чоралар кўрилиши керак;
- адвокат сифатида амалиётга ёки бу касбга қўшилишга рухсат беришга тааллуқли қарорлар мустақил органлар томонидан қабул қилиниши керак. Бундай қарорлар мустақил орган томонидан қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлигидан қатъи назар одил судловнинг мустақил ва ҳолис органи томонидан қараб чиқилиши керак;
- адвокатлар ўз касбий стандартларига мувофиқ иш кўрар эканлар бирор жазога ёки босимга ёхуд бундай таҳдидга дучор бўлмасликлари керак;
- адвокатлар ўз мижозлари билан яккама-якка суҳбатлашиш ва белгиланган касб стандартларига мувофиқ мижозларининг вакили имкониятига эга бўлишлари учун мижозлари билан, шу жумладан, хусусан озодликдан маҳрум этилган шахслар билан учрашиш имкониятига эга бўлишлари керак;
- адвокат ва мижоз муносабатлари махфийлигини ҳурмат қилишни таъминлаш учун барча зарур ва оқилона чоралар кўрилиши керак. Фақат қонун устунлиги билан мувофиқлиги ҳолатларидагина бундай қоидалар истисно қилиниши мумкин;
- адвокатлар судда бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг судда бўлишига монелик кўрсатилмаслиги керак ҳамда ўз мижозларининг ҳуқуқ ва манфаатларини

ўз касбий стандартларига мувофиқ химоя қилишларида барча тегишли гувоҳликлар ва баённомалардан фойдалана олишлари керак.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Уюшган жиноятчилик бўйича 5/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларни жиноий таъкиб органлари сидқидиллиги ва профессионаллиги, одил судловни самарали амалга ошириш ва суд тизими зарур тарзда ишлаши, судларнинг мустақиллиги ва пенитенциар тизими зарур тарзда амал этишига тегишли эътибор қаратишга қатъиян даъват этади (...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш бўйича 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганида, ЕХХТ тегишли ижроия тузилмалари ўз мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасидаги кўмаклашишида, ахборот ва энг яхши амалиётни айрибошлаш бўйича фаолиятни давом эттириш ва фаоллаштириш, қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлаш:

- суд тизимининг мустақиллиги, одил судловни самарали амалга ошириш, адолатли суриштирувга бўлган ҳуқуқ, суддан фойдаланиш, давлат институтлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоб бериши, давлат бошқарувида қонун устунлигини ҳурмат қилиш, ҳуқуқий ёрдамга бўлган ҳуқуқ ва ҳибсга олинган шахсларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш;
- (...)

2.4.3 Одил судловни амалга ошириш

А. Ҳуқуқ-тартибот органлари

Москва 1991 йил

(21) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширадilar:

(21.1) — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жамоат тартибини ўрнатишда жамият манфаатларини кўзлаб, аниқ эҳтиёжлар ва қонуний муҳофаза қилиш ҳаракатлари эҳтиёжларидан ошиб кетмайдиган, вазиятларга мувофиқ келадиган усуллар ва воситаларни қўллаши учун барча зарур чора-тадбирларни кўрадilar;

(21.2) — ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг суд назоратида бўлиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бундай ҳаракатлар учун жавоб бериши ва юқорида кўрсатилган мажбуриятларнинг бузилиши сифатида баҳоланадиган ҳаракатлар қурбонлари миллий ҳуқуққа кўра лозим бўлган товлонни талаб қилиши мумкин бўлишини таъминлайдилар.

(22) Иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш курсига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳаддан ортиқ куч ишлатишининг тақиқланиши, шунингдек тегишли халқаро ҳамда миллий ҳуқ-атвор кодексларига тааллуқли ўқув фанлари ва ахборотлар киритилиши таъминланиши учун зарур чора-тадбирларни кўрадilar.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: IV. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли ҳуқ-атвор кодекси)

37. Иштирок этувчи давлатлар шахсан ўзлари номидан ёки гуруҳлар вакиллари сифатида иш кўрадиган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик ҳуқуқларини тинч ва қонуний амалга оширилишини чеклаш ёхуд бу шахсларнинг миллий, диний, маданий, тил ёки этник ўзига хослигидан маҳрум этиш мақсадларида қуролли кучларини ишлатмайдилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: IV. Бизнинг умумий воситаларимиз)

45. (...) ЕХХТ, шунингдек, полицияга ўз вазифаларини демократия ва қонун устунлиги принципларига мувофиқ бажариш имконини берадиган сиёсий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш мақсадида бошқа халқаро ташкилотлар билан иш олиб боради.

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: Полиция функциялари билан боғлиқ фаолият 9/01-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

қонун устуворилигини қарор топтириш ва демократик институтларни ҳимоя қилиш учун самарали полиция фаолияти зарурлигини тасдиқлаб;

(...)

1. Шунга қарор қиладики, ЕХХТнинг полиция функциялари билан боғлиқ фаолияти режасини ишлаб чиқишда, ЕХХТ полиция фаолиятини фаоллаштириш учун (...) ЕХХТ:

(...)

- бутун аҳоли ишончни қозона оладиган, шунингдек ишончни мустаҳкамлайдиган (...) полиция хизматларини ташкил этишда полиция кадрларини, айниқса, комплекс тайёрлаш бўйича ишлар ролини ўрганади ва ривожлантиради (...)

Брюссель 2006 йил (Жиноий одил судлов тизимлари тўғрисидаги Брюссель декларацияси)

Биз ҳисоблаймизки:

- ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари улар касби талаб этадиган юксак даражадаги масъулиятга мувофиқ, қонун томонидан зиммаларига юклатилган бурчларини жамиятга хизмат қилган ва барча шахсларни ноқонуний қилмишлардан ҳимоя қилган ҳолда ҳар қандай вақтда бажаришлари керак;
- ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ўз бурчларини бажариш пайтида инсон кадр-қимматини ҳурмат қилишлари ва ҳимоя қилишлари ҳамда барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашлари ва муҳофаза этишлари шарт;
- ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ўз вазифаларини бажариш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашда заруратга қараб ва мақсадга мувофиқ равишда куч ишлатишлари лозим;
- ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари давлат хизматчилари янада кенг гуруҳининг аъзолари ёки расмий тарзда иш олиб борадиган бошқа шахслар сифатида ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолаш турларини қўлламасликлари,

иғво қилмасликлари, рағбатлантормасликлари ёки бу билан мурса қилмасликлари керак;

- ҳуқуқ-тартибот органларининг бирорта ҳам ходими қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолаш турларига тенг бўлган қилмишларни содир этиш ёки яшириш тўғрисидаги буйруқларни бажармаганликлари учун жазоланмаслиги керак;
 - ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари қамоқда сақланаётган шахсларнинг саломатликлари билан қизиқишлари ва бунга эътибор қаратишлари, жумладан, зарурат бўлганда, тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш учун шошилинч чоралар кўришлари керак;
- (...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Уюшган жиноятчилик бўйича 5/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларни ҳуқуқ-тартибот муассасалари ва жиноий таъқиб органларининг сидқидиллиги ва профессионаллигига, одил судловни амалга оширишга ва (...) пенитенциар тизими тегишли тарзда амал этишига зарур эътибор қаратишга қатъиян даъват этади (...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганида, ЕХХТ тегишли ижроия тузилмаларининг ўз мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасида кўмаклашишида ахборот ва энг яхши амалиётни айирбошлаш ҳамда қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлаш бўйича фаолиятларини давом эттириш ва фаоллаштиришни тавсия этади;

(...)

- судлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, полиция органлари ва жазони ўташ тизими, шунингдек профессионал юристларни тайёрлаш тизими доираларида қонун устунлиги билан боғлиқ масалалардан хабардорликни ошириш;
- (...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки бўйича 7/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ ҳудудида аёлларининг ҳокимиятнинг қонунчилиқ, ижроия, шу жумладан полиция хизматлари, ва суд тармоқлари раҳбар тузилмаларида етарлича иштирок этмасликлари сақланиб қолаётганини эътиборга олиб;

аёлларга нисбатан кенг тарқалган камситиш ҳали ҳам уларнинг барча даражалардаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётда самарали иштирок этишларига тўсқинлик қилишидан ташвишланиб,

(...)

иштирок этувчи давлатларни даъват этади:

1. Полиция хизмати каби барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларни ҳам қўшган ҳолда қонунчилик, суд ва ижро ҳокимиятларининг барча органларида гендер мувозанати мақсадига эришиш учун муайян чора-тадбирларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш:

(...)

4. Зарурат бўлган жойларда, қудрат тузилмалари, шу жумладан қуролли кучлар ичида шахсий таркибни мутаносиб комплектлашни таъминлаш, эркаклар ва аёлларнинг хизматни давом эттириш ва хизматда кўтарилиш учун чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқиш;

(...)

В. Озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала

Шунингдек қаранг:

§ II.4.9 Ҳибсда сақланаётган ёки турмада қамоқни ўтаётган шахслар

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(23) Иштирок этувчи давлатлар:

(23.1) ҳеч ким асоссиз қамоққа олинмаслигини, ҳибсда сақланмаслигини ёки сургун қилинмаслигини таъминлайдилар;

(23.2) ҳибсда ёки қамоқда сақланадиган барча шахслар билан мурувватли ва инсон шахсига хос кадр-қимматни ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлишни таъминлайдилар;

(23.3) БМТ томонидан қабул қилинган қамоққа олинганларга нисбатан муомала қилиш минимал стандарт қоидаларига, шунингдек БМТ қабул қилган ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳуқ-атвор кодексига риоя қиладилар;

(23.4) қийноққа солишларни ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазолаш бошқа турларини тақиқлайдилар ва бундай амалиётни батараф этиш ҳамда у учун жазолаш бўйича қонунчилик, маъмурий, судга оид ва бошқа чоралар кўрадилар;

(23.5) қийноқларга ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситиувчи муомала ёки жазолаш турларига қарши конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги масалани, башарти улар буни қилмаган бўлсалар, кўриб чиқадиладар;

(23.6) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни бузадиган ҳар қандай психиатрия ёки бошқа тиббиёт амалиётидан шахсларни ҳимоя қиладилар ҳамда бундай амалиётнинг олдини олиш ва у учун жазолаш бўйича самарали чораларни кўрадилар.

(24) (...) Ўлим жазоси бекор қилинмаган иштирок этувчи давлатларда фақат энг оғир жиноятлар учун жиноят содир этилган пайтда амал қилинган қонунга мувофиқ ва уларнинг халқаро мажбуриятларга зид бўлмаган ҳолда ўлим жазоси ҳукми чиқарилиши мумкин (...)

Москва 1991 йил

(23) Иштирок этувчи давлатлар озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар билан инсоний ва инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўладиладар ҳамда одил судловнинг ўтказилишига ва ҳибсга олинган

шахсларнинг инсон ҳуқуқларига доир халқаро эътироф этилган андозаларга риоя қиладилар.

(23.1) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни таъминлайдилар:

(i) шахс фақат қонунга кўра белгиланган асосларда ва русум-қоидаларга мувофиқ озодликдан маҳрум қилиниши мумкин;

(ii) ҳибсга олинadиган ҳар қандай шахс ўзининг ҳибсга олиниши сабаби ва ўзига қарши қўйилаётган ҳар қандай айбловлар ҳақида ўзига таниш бўлган тилда пайсалга солмасдан хабардор қилинади;

(iii) озодликдан маҳрум қилинган ҳар қандай шахс ўзининг миллий қонунларга доир ҳуқуқларидан пайсалга солмасдан хабардор қилинади;

(iv) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс ўзининг ҳибсга олиниши ёки ушланганлигининг қонунийлигини белгилашга ваколатли бўлган судья ёки бошқа мансабдор шахсга пайсалга солмасдан учраштирилиши ва ноқонуний ҳибсга олинган тақдирда зудлик билан озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлади;

(v) жиноят содир этганлик айбланган ҳар қандай шахс ўзини мустақил тарзда ёки ўзи танлайдиган адвокат ёрдамида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади, агар бу шахснинг адвокат хизматидан тўлаш учун етарли маблағи бўлмаса, адолат манфаатлари талаб этган тақдирда хизматни бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

(vi) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс асоссиз равишдаги пайсалга солишларсиз ваколатли органни унинг ҳибсга олинганлиги, қамокда ушлаб турилганлиги ва жойлашган жойи ҳақида хабардор қилиш ёки ўзи танлайдиган тегишли шахсларга хабар берилишини илтимос қилиш ҳуқуқига эга бўлади; бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши борасидаги ҳар қандай чеклашлар қонун орқали белгиланади ва халқаро андозаларга мувофиқ бўлади;

(vii) қамокда сақлаш ёки қамокқа олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни ўз айбига иқрор қилдириш, ўз устига ноҳақдан айб олиш ёки бошқа шахсга нисбатан кўрсатмалар беришга мажбур қилиш мақсадида фойдаланилмаслиги таъминланиши учун, башарти шу пайтгача қилинмаган бўлса, самарали чора-тадбирларни кўрадилар;

(viii) ҳар қандай сўроқ ва сўроқлар ўртасидаги танаффуслар давомийлиги қайдномага киритилади ва миллий ҳуқуққа мувофиқ тасдиқланади;

(ix) ҳибсга олинган шахс ёки унинг адвокати унга қилинадиган муомала, хусусан, қийноқлар ёки бошқача шафқатсиз, раҳмсиз ёки кадр-қимматни камситадиган тарзда қилинган муомала юзасидан қамокда сақлаш жойининг бошқарилиши учун жавобгар бўлган органларга, юқори ташкилотларга, зарур бўлганида эса — назорат қилувчи ёки аҳволни тузатиш юзасидан бошқа ваколатларга эга бўлган тегишли органга илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

(x) бундай илтимоснома ёки шикоят тезлик билан кўриб чиқиладиган ва уларга асоссиз равишда пайсалга солинмасдан жавоб берилади; илтимоснома ёки шикоят рад қилинганида ёки ноқонуний тарзда пайсалга солинганида аризачи ариза билан суд ёки бошқа органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; ҳибсга олинган ёки қамокда ушлаб турилган шахс ва ҳар қандай бошқа аризачи илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилинганлиги сабабли жабр кўрмаслиги лозим;

(xi) ноқонуний ҳибсга олиниши ёки қамокда ушлаб турилишидан жабр кўрган ҳар қандай шахс суд ҳимояси томонидан таъминланган товон талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

(23.2) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширадilar:

(i) ҳибсга олинган ёки қамокда ушлаб турилган шахсларнинг яшайдиган шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга интиладilar;

(ii) қамокқа маҳкур этишнинг муқобил вариантлари муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш.

Брюссель 2006 йил (Жиноий одил судлов тизимлари тўғрисидаги Брюссель декларацияси)

(...)

Биз ҳисоблаймизки:

(...)

- ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари қамокда сақланаётган шахсларнинг саломатликлари билан қизиқишлари ва бунга эътибор қаратишлари, жумладан, зарурат бўлганда, тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш учун шошилинч чоралар кўришлари керак;

(...)

Биз озодликдан маҳрум қилиш боғлиқ жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомала қилиш қўриқлаш, хавфсизлик ва интизом талабларини ҳисобга олиши билан бир йўла инсон кадр-қимматини бузмайдиган ва маҳкумларга оқилона касбий фаолият ҳамда тегишли муомала дастурларини таъминлаши, бу билан уларни жамиятга қайта интеграциялашга тайёрлаши керак, деб ҳисоблаймиз.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганда, ЕХХТ тегишли ижроия тузилмаларининг ўз мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасида кўмаклашишда ахборот ва энг яхши амалиётни айирбошлаш ҳамда қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлаш бўйича фаолиятларини давом эттириш ва фаоллаштиришни тавсия этади;

(...)

- (...) одил судловни самарали амалга ошириш, (...) ҳибсга олинган шахсларнинг ҳуқуқий ёрдамга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишига бўлган ҳуқуқи (...)

2.4.4 Халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар. 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси — X принцип)

Иштирок этувчи давлатлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларидан, шунингдек улар иштирокчилари ҳисобланган битим ёки шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни виждонан бажарадилар.

Ўз суверен ҳуқуқларини, шу жумладан ўз қонуни ва маъмурий қоидаларини белгилаш ҳуқуқини амалга оширишда улар халқаро ҳуқуқ бўйича юридик мажбуриятларидан келиб чиқадилар; улар, бундан ташқари, Европада хавфсизлик

ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи ҳужжати қоидаларини зарур тарзда ҳисобга оладилар ва бажарадилар.

Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўйича мажбуриятлари битим ва бошқа халқаро шартнома бўйича мажбуриятларига зид бўлган тақдирда БМТ Уставининг 103-моддасига биноан Устав бўйича мажбуриятлар устувор кучга эга бўлади.

Брюссель 2006 йил (Жиной оид судлов тизимлари тўғрисидаги Брюссель декларацияси)

Биз барча иштирок этувчи давлатларни ўз жиной оид судлов тизимлари адолатли ва самарали амал этишларини таъминлаш учун ўз мажбуриятлари ва халқаро мажбуриятларини тўла бажаришга даъват этамиз.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

1. ЕХХТ барча иштирок этувчи давлатларини ўз халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига риоя этишга ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган ҳам халқаро, ҳам миллий даражада, шу жумладан ўз қонунчилик, маъмурий ва суд ҳокимияти тармоқларида қонун устунлигига оид қуйидаги мажбуриятларини бажаришга даъват этади:

(...)

4. Иштирокчи-давлатларга, қачонки, уларга зарур бўлганда ЕХХТнинг тегишли ижро тузилмалари, мандати ва мавжуд ресурслари доирасида, ахборотлар ва энг яхши амалиётларни алмашишлари ҳамда қуйидаги йўналишларда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш бўйича ёрдам кўрсатишларини тавсия қиладилар:

(...)

- халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи унсури сифатида риоя этиш;

(...)

3.

ҲАР БИР ИНСОНГА МАНСУБ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

3.1 ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

3.1.1 Умумий қоидалар

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси — VII принцип)

[Иштирок этувчи давлатлар] инсон шахсининг кадр-кимматидан келиб чиқадиган ҳамда унинг эркин ва тўла ривожланиши учун муҳим ҳисобланадиган фуқаролик, сиёсий, (...) ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлардан самарали фойдаланишни рағбатлантирадилар ҳамда ривожлантирадилар.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] ўзларининг фуқаролик, сиёсий соҳалардаги (...) ва инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги қонунлари ва маъмурий қоидаларини такомиллаштиришга бўлган қатъиятларини тенг равишда таъкидлайдилар; улар шунингдек бу ҳуқуқлар ва эркинликларни самарали амалга оширишга бўлган ўзларининг қатъиятларини таъкидлайдилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(12) [Иштирок этувчи давлатлар] (...) тан оладиларки, барча фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқлар ва эркинликлар бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, улар барча зарур усуллар орқали тўлиқ амалга оширилиши керак.

(13) Шу муносабат билан улар:

(...)

(13.2) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, (...) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга доир Факультатив протоколга ҳамда бошқа тегишли халқаро воситаларга қўшилиш ҳақидаги масалани, башарти улар буни қилмаган бўласалар, кўриб чиқадиладар;

(...)

3.1.2 Яшаш ҳуқуқи/ўлим жазосини бекор қилиш

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(24) Ўлим жазоси тўғрисидаги масалага келганда, иштирок этувчи давлатлар таъкидлайдиларки, уларнинг айримларида ўлим жазоси бекор қилинган эди. Ўлим жазоси бекор қилинмаган иштирок этувчи давлатларда фақат энг оғир жиноятлар учун жиноят содир этилган пайтда амал қилган қонунга мувофиқ ва уларнинг халқаро мажбуриятларга зид бўлмаган ҳолда ўлим жазоси ҳукми

чиқарилиши мумкин. Бу масала кўриб чиқиш учун қолдирилмоқда. Шу маънода иштирок этувчи давлатлар мавжуд халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Копенгаген 1990 йил

(17) Иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(17.2) шу ўринда 1989 йил 15 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан мақсади ўлим жазосини бекор қилиш бўлган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир иккинчи факультатив протокол қабул қилинганлиги ҳақида эслатиб ўтадилар;

(17.3) халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган, хусусан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддасидаги ўлим жазосини қўллашга нисбатан чеклаш ва кафолатларни таъкидлайдилар;

(17.4) Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа конвенциясининг олтинчи Протоколидаги ўлим жазосини бекор қилишга алоқадор қоидаларни таъкидлайдилар;

(17.5) охириги пайтда бир қанча иштирок этувчи давлатлар томонидан ўлим жазосини бекор қилиш чоралари кўрилатганини таъкидлайдилар;

(17.6) баъзи ноҳукумат ташкилотларининг ўлим жазоси ҳақидаги масала бўйича кўрсатаётган фаолиятини таъкидлайдилар;

(17.7) инсонийлик мезонлари бўйича Конференция доирасида ўлим жазосини бекор қилиш масаласи юзасидан ахборот алмашадилар ва бу масалани кўриб чиқишни давом эттирадилар;

(17.8) ўлим жазосини қўллашга нисбатан ахборотни жамоатчиликка тақдим қиладилар.

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар кенгашининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60-йиллиги муносабати билан Баёноти)

(...)

Биз ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаймиз; ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак ва ҳеч ким қийноққа солиниши ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд унинг кадр-қимматини камситадиган муомала ёки жазолаш турларига дучор этилмаслиги керак.

(...)

3.1.3 Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазоларни тақиқлаш

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(23) Иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(23.2) ҳибсда ёки қамокда сақланадиган барча шахслар билан мурувватли ва инсон шахсига хос кадр-қимматни ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлишни таъминлайдилар;

(23.3) БМТ томонидан қабул қилинган қамокқа олинганларга нисбатан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларига, шунингдек БМТ қабул қилган

ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳуқ-атвори кодекси-га риоя қиладилар;

(23.4) қийноқ ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазолашнинг бошқа турларини тақиқлайдилар ва бундай амалиётни батараф этиш ҳамда у учун жазолаш бўйича қонунчилик, маъмурий, судга оид ва бошқа чоралар кўрадилар;

(23.5) қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала ёки жазолаш турларига қарши конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги масалани, башарти улар буни қилмаган бўлсалар, кўриб чиқадиладар;

(23.6) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни бузадиган ҳар қандай психиатрия ёки бошқа тиббиёт амалиётидан шахсларни ҳимоя қиладилар ҳамда бундай амалиётнинг олдини олиш ва у учун жазолаш бўйича самарали чораларни кўрадилар.

Копенгаген 1990 йил

(16) Иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(16.2) Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала ёки жазолаш турларига қарши конвенцияга қўшилиш масаласини тезлик билан, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар ҳамда Конвенциянинг 21- ва 22-моддаларига мувофиқ Қийноққа қарши кўмитанинг ваколатларини эътироф олиш ҳамда 20-моддага биноан Кўмитанинг ваколатларига нисбатан қўшимча шартларни олиб ташлаш масаласини кўриб чиқмоқчилар;

(16.3) шуни таъкидлайдиларки, бу уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай фавқулодда ҳолат бўладими, ҳеч қандай истисноли ҳолатлар қийноқларни оқлаш учун хизмат қилолмайди;

(16.4) қийноқларни тақиқлашга оид билим бериш ва ахборот олиш фуқаролик ҳамда ҳарбий ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, тиббиёт ходимлари, давлат хизматчилари ва бошқа қамоқда сақлаб туришга, сўроқ қилишга ёки қамоққа олишнинг, ушланганлик ёхуд қамоқ жазосининг бирор-бир турига дучор бўлган ҳар қандай шахс билан муомала қилишга алоқаси бўлиши мумкин бўлган шахслар тайёрланишига тўлалигича киритилишини таъминлайдилар;

(16.5) бирор-бир қийнаш ҳолатига йўл қўймаслик учун сўроқ қилиш коидалари, йўриқномалари, услублари ва амалиётини, шунингдек, қамоқда сақлаб туриш шароитлари ва ўзларининг юрисдикцияси остидаги ҳар қандай ҳудудда қамоққа олиш, ушлаб туриш ёхуд қамоққа олиш жазосининг бирор-бир шаклига дучор бўлган шахслар билан муомала қилишни мунтазам равишда кўриб чиқадиладар;

(16.6) расмий каналлар ёки бошқа қандайдир ишончли ахборот манбаидан ўзларига маълум бўлиб қолган қийноқларнинг ва бошқа шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала қилиш ёхуд жазолаш турларининг ҳар қандай ҳолатини кўриб чиқиш ва ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли мажбуриятларини самарали бажаришнинг келишилган чора ва тартиботларига жавоб берадиган зарур ҳаракат ўтказиш учун биринчи навбатда қабул қиладиладар;

(16.7) вазиятни тўғрилаш учун зарур воситалар қўлланилганда қийноқларнинг бирор-бир шаклига ҳамда шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг бошқа турларига дучор бўлган ҳар қандай шахснинг ҳаётини сақлаб қолиш ва кафолатлаш тезкорлик ҳамда биринчи навбатда эканликни

аниқлашда ягона мезон бўлишини тушунган ҳолда ҳаракат қиладилар ва шунинг учун ҳар қандай ҳолатдаги қийноқлар ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи турларини ҳар қандай халқаро орган ёки механизм доирасида ЕХХҚнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли мажбуриятларини самарали бажариш учун қилинган чора ва тартиботларга мувофиқ зарур ҳаракатлар қилишдан ҳамда ўтказишдан ўзини тийиб туришга асос бўлиб хизмат қилмайди.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз тасдиқлаймизки, ҳеч ким (...) бирон бир камситишсиз:

(...)

қийноққа солинмайди ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомала ва жазолашга дучор бўлмайди;

Москва 1991 йил

(23.1) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни таъминлайдилар:

(...)

(vii) қамоқда сақлаш ёки қамоққа олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни ўз айбига иқро қилдириш, ўз устига ноҳадан айб олиш ёки бошқа шахсга нисбатан кўрсатмалар беришга мажбур қилиш мақсадида фойдаланилмаслиги таъминланиши учун, башарти шу пайтгача қилинмаган бўлса, самарали чора-тадбирларни кўрадилар;

(viii) ҳар қандай сўроқ ва сўроқлар ўртасидаги танаффуслар давомийлиги қайдномага киритилади ва миллий ҳуқуққа мувофиқ тасдиқланади;

(ix) ҳибсга олинган шахс ёки унинг адвокати унга қилинадиган муомала, хусусан, қийноқлар ёки бошқача шафқатсиз, раҳмсиз ёки кадр-қимматни камситадиган тарзда қилинган муомала юзасидан қамоқда сақлаш жойининг бошқарилиши учун жавобгар бўлган органларга, юқори ташкилотларга, зарур бўлганида эса — назорат қилувчи ёки аҳволни тузатиш юзасидан бошқа ваколатларга эга бўлган тегишли органга илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

(x) бундай илтимоснома ёки шикоят тезлик билан кўриб чиқиладиган ва уларга асоссиз равишда пайсалга солинмасдан жавоб берилади; илтимоснома ёки шикоят рад қилинганда ёки ноқонуний тарзда пайсалга солинганда аризачи ариза билан суд ёки бошқа органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; ҳибсга олинган ёки қамоқда ушлаб турилган шахс ва ҳар қандай бошқа мурожаат қилувчи илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилинганлиги сабабли жабр кўрмаслиги лозим;

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

20. Иштирок этувчи давлатлар қийноқларнинг барча шакллари инсон ҳуқуқлари ва инсон кадр-қимматини кўпол равишда бузишлардан бири сифатида қатъий қоралайдилар. Улар бундай қийноқларга бутунлай барҳам бериш мақсадида иш олиб бориш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Улар бу борада инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда, хусусан, БМТнинг Қийноққа ҳамда қаттиқ, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг турларига қарши конвенциясида, шунингдек Қийноқ ҳамда шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала қилиш ва жазолашга

барҳам бериш тўғрисидаги Европа конвенциясида мустаҳкамланган халқаро нормалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этадилар. Улар қийноқларга барҳам беришга қаратилган миллий қонунчилик муҳимлигини ҳам тан оладилар. Улар қийноқларга солиш ҳоллари тўғрисидаги шикоятларни текшириш ва айбдорларни суд тартибида таъқиб қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Бундан ташқари, улар қийноқларга барҳам бериш мақсадидаги муайян қоидаларни ҳуқуқ-тартибот ва полицияни қўллаб-қувватловчи кучларнинг шахсий таркибини ўқитиш ва тайёрлаш бўйича ўз дастурларига киритиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Улар мазкур муаммо бўйича ахборот алмашиш муҳим зарурий шарт, деб ҳисоблайдилар. Иштирок этувчи давлатлар бундай ахборотни олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бу борада ЕХХК БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси тайинлаган Қийноққа ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг каттик, шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи турлари масалалари бўйича Махсус маърузачиси тажрибасига таяниши, шунингдек, ноҳукумат ташкилотлари тақдим этадиган ахборотдан фойдаланиши зарур.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

21. Биз ЕХХТнинг бутун минтақасида қийноққа солиш, шунингдек шафқатсиз ва ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолаш турларига барҳам беришга қатъий ният қилганмиз. Шу мақсадда биз мазкур амалиёт билан курашиш учун тартиблар ҳамда жиддий кафолатлар ва воситаларни таъминлайдиган қонунчилик қабул қилинишини рағбатлантирамыз. Биз мақсадга мувофиқ бўлган даражада жабрланганларга ёрдам кўрсатамыз ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиламыз.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов тизими доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш 12/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

қийноққа солишга очик қарши чиқиш заруратини таъкидлаб ҳамда қийноққа ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашнинг бошқа турлари ҳамиша ва ҳамма жойда тақиқ остида эканлиги ва тақиқ остида қолиши кераклигини ёдда тутиб ҳамда қийноққа солишга йўл қўймаслик кафолатлари тартибини мустаҳкамлашга, шунингдек буни содир этаётганларни жиноий таъқиб этишга эҳтиёжни сезиб ва бу билан қийноққа солиш учун жазоланмай қолишга йўл қўймаслик мақсадида иштирок этувчи давлатларни Қийноққа қарши конвенцияга Факультатив протоколни имзолаш ва ратификация қилиш масаласини тезда қараб чиқишга даъват этиб,

(...)

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар кенгашининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Баёноти)

Биз ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаймиз; ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак ва ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд унинг кадр-қимматини камситадиган муомала ёки жазолаш турларига дучор этилмаслиги керак.

(...)

Афина 2009 йил (Вазирлар учрашувининг Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турларига қарши конвенция қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан декларацияси)

1. Биз, ЕХХТ Вазирлар кенгашининг аъзолари, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган ҳамда ЕХХТнинг барча иштирок этувчи давлатлари қўшилган Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турларига қарши конвенцияга ўзимизнинг чуқур содиқлигимиз тўғрисида яна бир бор баёнот берамиз.

2. Бу Конвенция қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан биз яна баёнот берамизки, шунингдек Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилинганидек, ҳеч ким қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турларига дучор қилинмаслиги керак.

3. Биз қийноққа солиш энг оғир жиноятлардан бири эканлигини эътироф этамиз ва қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турларидан ҳоли бўлишдан четга чиқишга йўл қўйилмайдиган ҳуқуқ ҳисобланиб, у инсонга хос шахс шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилади.

4. Биз қийноққа солиш ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашнинг бошқа барча турларини қатъий қоралаймиз, улар тақиқланган ҳамда ҳамиша ва ҳамма жойда тақиқланган ҳолда қолиши керак ва ҳеч қачон оқланиши мумкин эмас.

5. Бизда жаҳоннинг кўпгина минтақаларида, шу жумладан ЕХХТ иштирок этувчи давлатларида қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган бошқа турлари ҳали ҳам содир этилишининг ҳоллари жиддий ташвиш туғдирмоқда.

6. Шу муносабат билан биз Конвенцияда эълон қилинган қийноққа солиш ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашнинг бошқа турларига мутлақо тақиқни сақлаб туриш мажбуриятини оламир, бу билан Конвенциянинг қоидаларини тўла ҳажмда ва сидқидилдан бажарамиз ҳамда унинг барча принципларига тўла мувофиқ ҳаракат қиламиз.

7. Биз иштирок этувчи давлатларни, башарти улар буни қилмаган бўлсалар, Конвенциянинг Факультатив протоколига қўшилиш имкониятини иложи борида тезроқ қараб чиқишга даъват этамиз.

8. Биз, шунингдек, ЕХХТ доирасида қабул қилинган қийноққа солиш ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашнинг бошқа турларига барҳам бериш бўйича ўзимизнинг мажбуриятларимизни тўла ҳажмда бажаришга бўлган қатъиятимизни тасдиқлаймиз.

9. Биз қийноққа солиш ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашнинг бошқа турларининг олдини олиш ва улар билан курашиш бўйича қатъий, аниқ мақсадга йўналтирилган ва самарали чораларни кўриш ҳамда қийноққа солишдан жабрланганлар тўла реабилитация қилинишларини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаоллаштириш мажбуриятини оламир.

10. Биз ЕХХТнинг Конвенцияда мужассамлашган принцип ва қоидаларини ҳаётга татбиқ қилишга қимматли ҳиссасини эътироф этамиз.

11. Биз бу йўналишда тегишли халқаро ҳукуматлараро органлар билан тўлиқ ҳамкорлик қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

12. Биз фуқаролик жамиятининг қийноққа солиш ҳамда шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазолашнинг бошқа турларининг олдини олиш ва жабрланганлар укубатларини енгиллаштириш мақсадида иш олиб бораётган фуқаролик жамиятининг қатъий саъй-ҳаракатларига муносиб баҳо берамиз.

3.1.4 Асоссиз қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум этишга йўл қўймаслик ҳуқуқи

Шунингдек қаранг:

§ II.2.4.1: Қонун устунлиги > Умумий қоидалар

§ II.2.4.3 В: Озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала

§ II.3.1.3: Қийноққа ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазоларни тақиқлаш

§ II.3.1.5: Адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқ

§ II.3.1.6: Самарали ҳуқуқий ғимоя воситаларига бўлган ҳуқуқ

Вена 1989 йил (Европа хавфсизлигига тааллуқли масалалар: Принциплар)

(23) Иштирок этувчи давлатлар:

(23.1) ҳеч ким асоссиз қамоққа олинмаслигини, ҳибсда сақланмаслигини ёки сургун қилинмаслигини таъминлайдилар;

(...)

Копенгаген 1990 йил

(5.15) жиноий айблов бўйича ҳар бир ҳибсга олинган ва ушланган шахс унинг ҳибсга олинганлиги ёки ушланганлигининг қонунийлигига оид қарор чиқариш мумкинлиги учун зудлик билан судья ёки қонун томонидан бундай вазифани амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа мансабдор шахсга етказилиш ҳуқуқига эга;

(...)

Москва 1991 йил

(23.1) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни таъминлайдилар:

(i) шахс факат қонунга қўра белгиланган асосларда ва тартиб-қоидаларга мувофиқ озодликдан маҳрум қилиниши мумкин;

(ii) ҳибсга олинадиган ҳар қандай шахс ўзининг ҳибсга олиниши сабаби ва ўзига қарши қўйилаётган ҳар қандай айбловлар ҳақида ўзига таниш бўлган тилда, кечиктирилмасдан хабардор қилинади;

(iii) озодликдан маҳрум қилинган ҳар қандай шахс ўзининг миллий қонунларга доир ҳуқуқларидан пайсалга солмасдан хабардор қилинади;

(iv) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс ўзининг ҳибсга олиниши ёки ушланганлигининг қонунийлигини белгилашга ваколатли бўлган судья ёки бошқа мансабдор шахсга пайсалга солмасдан учраштирилиши ва ноқонуний ҳибсга олинган тақдирда зудлик билан озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлади;

(...)

(vi) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс асоссиз равишдаги пайсалга солишларсиз ваколатли органни унинг ҳибсга олинганлиги, қамокда ушлаб турилганлиги ва жойлашган жойи ҳақида хабардор қилиш ёки ўзи танлайдиган тегишли шахсларга хабар берилишини илтимос қилиш ҳуқуқига эга бўлади; бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши борасидаги ҳар қандай чеклашлар қонун орқали белгиланади ва халқаро андозаларга мувофиқ бўлади;

(vii) қамокда сақлаш ёки қамокқа олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни ўз айбига иқро қилдириш, ўз устига ноҳақдан айб олиш ёки бошқа шахсга нисбатан кўрсатмалар беришга мажбур қилиш мақсадида фойдаланилмаслигини таъминланиши учун, башарти шу пайтгача қилинмаган бўлса, самарали чора-тадбирларни кўрадилар;

(viii) ҳар қандай сўроқ ва сўроқлар ўртасидаги танаффуслар давомийлиги қайдномага киритилади ва миллий ҳуқуққа мувофиқ тасдиқланади;

(ix) ҳибсга олинган шахс ёки унинг адвокати унга қилинадиган муомала, хусусан, кийноқлар ёки бошқача шафқатсиз, раҳмсиз ёки кадр-қимматни камситадиган тарзда қилинган муомала юзасидан қамокда сақлаш жойининг бошқарилиши учун жавобгар бўлган органларга, юқори ташкилотларга, зарур бўлганида эса — назорат қилувчи ёки аҳволни тузатиш юзасидан бошқа ваколатларга эга бўлган тегишли органга илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

(x) бундай илтимоснома ёки шикоят тезлик билан кўриб чиқиладиган ва уларга асоссиз равишда пайсалга солинмасдан жавоб берилади; илтимоснома ёки шикоят рад қилинганда ёки ноқонуний тарзда пайсалга солинганда мурожаат қилувчи мурожаат билан суд ёки бошқа органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; ҳибсга олинган ёки қамокда ушлаб турилган шахс ва ҳар қандай бошқа мурожаат қилувчи илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилинганлиги сабабли жабр кўрмаслиги лозим;

(xi) ноқонуний ҳибсга олинлиши ёки қамокда ушлаб турилишидан жабр кўрган ҳар қандай шахс суд ҳимояси томонидан таъминланган товон талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

3.1.5 Адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқ

Шунингдек қаранг:

§ II.2.4: Қонун устунлиги

§ II.3.1.4: Асоссиз қамокқа олиш ёки озодликдан маҳрум этишга йўл қўймаслик ҳуқуқи

§ II.3.1.6: Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бўлган ҳуқуқ

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принципар)

[Иштирок этувчи давлатлар]:

(...)

(13.9) ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини бузилган деб баён қилаётганлар учун ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан, шунингдек бу воситалар тўғрисидаги тўлиқ ахборотдан фойдаланилишларини таъминлайдилар; улар, жумладан ҳуқуқий ҳимоянинг қуйидаги воситаларини самарали қўллайдилар:

- шахсларнинг ижро этувчи, қонун чиқарувчи, суд ёки маъмурий органларга апелляция қилиш ҳуқуқи;
- мустақил ва ҳолис судда оқилона муддатларда адолатли ва ошкор суриштирувга ҳуқуқ, шу жумладан юридик далилларни келтириш ва ўз танловига қўра адвокатга эга бўлиш ҳуқуқи;
- ҳар қандай апелляцияси бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида, шу жумладан бу қарор асосланган юридик асослар тўғрисида тез ва расмий хабардор бўлиш ҳуқуқи. Бу ахборот, қоида бўйича, ёзма тарзда тақдим этилади ва ҳар ҳолда шахсга ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа имкони бўлган воситаларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар қиради:

(...)

(5.12) судьяларнинг мустақиллиги ва давлат суд хизматининг ҳаққоний амал қилиши таъминланади;

(5.13) адвокатларнинг мустақиллиги эътироф этилади ва ҳимоя қилинади, жумладан бу уларни ишга қабул қилиш шартларига тааллуқлидир;

(5.14) жиноят процессига тегишли нормалар ишни қўриб чиқишга ва ишни қўриб чиқишдан аввал ҳамда бир вақтнинг ўзида бўлган чораларга нисбатан ваколатнинг таърифидан иборат бўлади;

(5.15) жиноий айблов бўйича ҳар бир ҳибсга олинган ва ушланган шахс унинг ҳибсга олинганлиги ёки ушланганлигининг қонунийлигига оид қарор чиқариш мумкинлиги учун зудлик билан судья ёки қонун томонидан бундай вазифани амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа мансабдор шахсга етказилиш ҳуқуқига эга;

(5.16) ҳар бир киши ўзига қўйилаётган жиноий айбловни қўриб чиқишда ёки бошқа ҳар қандай фуқаролик процессида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ҳамда одил суд томонидан адолатли ва очик муҳокама қилиниш ҳуқуқига эга;

(5.17) суд тартибида таъқибга олинган ҳар қандай шахс ўзини шахсан ёки зудлик билан ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига, башарти бу шахс ҳимоячи хизматларига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаса, қачонки буни одил судлов манфаатлари талаб қилса, бундай хизматлардан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

(5.18) ҳеч ким қандайдир жиноий қилмиш учун, башарти бу жиноятнинг элементларини равшан ва аниқ белгилаб берадиган қонунда бу жиноят кўзда тутилмаган бўлсагина, айбланмайди, судланмайди ёки ҳукм қилинмайди;

(5.19) ҳар бир шахс унинг айбдорлиги қонунга биноан исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади;

(...)

(12) Иштирок этувчи давлатлар ЕХҲК Вена Яқунловчи ҳужжатининг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги бўлимида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш борасида кенг очикликни таъминлаш мақсадида, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқда кўзда тутилганидек, иштирок этувчи давлатлар юборадиган

кузатувчиларнинг ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг суд процессларида ҳозир бўлишини ишончни мустаҳкамлаш чораси сифатида қабул қиладилар; бунда шундай тушуниладики, суд процесслари фақат қонун талаб қиладиган ҳолатлар мавжудлигида ҳамда халқаро ҳуқуқ ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўлгандагина ёпик (in camera) бўлиши мумкин.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов тизими доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш 12/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

қонун устунлиги халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, шу жумладан адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуққа, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига бўлган ҳуқуққа ва асоссиз ҳибсга олинмаслик ёки ушланмаслик ҳуқуқига асосланиши зарурлигини эътироф этиб,

ҳолис ва мустақил суд тизими тегишли юридик тартибни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни суд суриштирувидан олдин, бу суриштирув давомида ва ундан кейин таъминлаши ҳаётий муҳим роль ўйнашини эътироф этиб,

жиноий одил судлов тизими доирасида адолатли суд суриштирувига ҳуқуқни ҳамда инсоннинг бошқа ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишни таъминлашда адвокатлар энг муҳим роль ўйнашини эътироф этиб,

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХҲТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганда, ЕХҲТнинг тегишли ижроия тузилмаларини уларнинг мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасида қўмаклашишида ахборот ва энг яхши амалиётни алмашиш бўйича фаолиятни давом эттириш ва фаоллаштириш ҳамда қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлашни тавсия этади:

- (...) одил судловни самарали амалга ошириш, адолатли суриштирувга бўлган ҳуқуқ, судларлардан фойдаланиш, давлат институтлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоб бериши, давлат бошқарувида қонун устунлигини ҳурмат қилиш, ҳуқуқий ёрдамга бўлган ҳуқуқ (...)

3.1.6 Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бўлган ҳуқуқ

Шунингдек қаранг:

§ II.2.4: Қонун устунлиги

§ II.3.1.4: Асоссиз қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум этишга йўл қўймаслик ҳуқуқи

§ III.3.1.5: Адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқ

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(13) (...) [Иштирок этувчи давлатлар]:

(...)

(13.9) ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари, шунингдек улар тўғрисидаги тўлиқ ахборот инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилган деб мурожаат қилган шахсларга фойдаланиш учун очик бўлишни таъминлайдилар; улар хусусан ҳуқуқий ҳимоянинг қуйидаги воситаларини:

- шахснинг ижро этувчи, қонун чиқарувчи, суд ёки маъмурий органларга муурожаат қилиш ҳуқуқини;
- мустақил ва ҳолисона судда оқилона муддатларда одил ҳамда оммавий муҳокамага доир ҳуқуқларни, шу жумладан юридик сабаблар кўрсатиш ва ўз хоҳишига кўра адвокатини вакил қилиш ҳуқуқини;
- ҳар қандай апелляция бўйича қабул қилинган қарор, шу жумладан қарорнинг юридик асослари ҳақида тез ва расман хабардор қилиниш ҳуқуқини самарали қўллайдилар. Бу ахборот қоида тариқасида ёзма равишда ва ҳар бир ҳолда шахсга ҳуқуқий ҳимоянинг йўл қўйиладиган бошқа воситаларидан самарали фойдаланишга имкон бериш мақсадида тақдим қилинади.

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар қиради:

(...)

(5.10) асосий ҳуқуқларнинг ҳурмат қилинишини кафолатлаш ва ҳуқуқий тизимга зарар етказилмаслигини таъминлаш учун ҳар бир киши маъмурий қарорларга қарши ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига эга бўлади;

(5.11) — бирор бир шахсга қаратилган маъмурий қарорлар тўла асосланган ва, одатда, уларда ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд бўлган оддий воситалари кўрсатилиши керак;

(...)

(5.21) ҳуқуқий ҳимоянинг ички чора-тадбирларини тўлдириш ва иштирок этувчи давлатлар томонидан ўз зиммаларига олинган халқаро мажбуриятлар ҳурмат қилинишини яхшироқ таъминлаш учун иштирок этувчи давлатлар халқаро органларда алоҳида шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси тартиботини назарда тутадиган Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Европа конвенцияси ёки Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколи каби инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид ҳудудий ёки универсал халқаро конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқади.

(...)

(11) Иштирок этувчи давлатлар яна шуни маълум қиладиларки, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилиши, таъкидланганидек, рўй берган тақдирда, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

(11.1) алоҳида шахснинг мутаносиб юридик ёрдам сўраб олиш ҳуқуқи;

(11.2) алоҳида шахснинг бошқалардан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам сўраб олиш ҳуқуқи ҳамда бошқаларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам бериш ҳуқуқи;

(11.3) алоҳида шахслар ва уларнинг номидан ҳаракат қилаётган гуруҳларнинг инсон ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисидаги таъкидлашга тааллуқли ахборотни

олиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган халқаро органлар билан алоқани сақлаб туриш ҳуқуқи.

(...)

(40) Иштирок этувчи давлатлар (...)

(...)

(40.5) ҳар бир шахснинг ҳуқуқий ҳимоялашнинг самарали воситаларига эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ манфаатдор шахслар ва гуруҳларнинг камситиш ҳаракатлари, шу жумладан расизм ҳамда ксенофобия ҳаракатлари бўйича шикоятлар билан чиқиш ҳамда бундай шикоятларни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқини эътироф этадилар;

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз ҳар бир инсоннинг унинг ҳуқуқлари бузилишига қарши самарали миллий ёки халқаро ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишини таъминлаймиз.

Москва 1991 йил

(18.2) Ҳар бир одам асосий эркинликларининг ҳурмат қилиниши кафолатланиши ва ҳуқуқий тизимга зарар етказилмаслиги таъминланиши учун маъмурий қарорлардан ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситаларига эга бўлади.

(18.3) Ана шу мақсадда маъмурий қоидаларнинг таъсири натижасида зарар кўрган шахслар учун ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари назарда тутилади.

(18.4) Иштирок этувчи давлатлар бундай қоидалар ва қарорлар устидан суд назоратини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов тизими доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини таъминлаш 12/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

қонун устунлиги халқаро эътироф этилган инсон ҳуқуқларига, шу жумладан адолатли суд суриштирувига бўлган ҳуқуқига, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига бўлган ҳуқуққа ва асоссиз ҳибсга олинмаслиги ёки ушланмаслиги ҳуқуқига асосланиши кераклигини эътироф этиб,

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганида, ЕХХТ тегишли ижроия тузилмаларининг ўз мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасида кўмаклашувида ахборот ва энг яхши амалиётни айирбошлаш ҳамда қонун устунлигини, жумладан қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлаш бўйича фаолиятларини давом эттириш ва фаоллаштиришни тавсия этади;

(...)

зарурат бўлганда, самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш;

(...)

3.1.7 Виждон эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш ва муқобил хизмат

Копенгаген 1990 йил

(18) Иштирок этувчи давлатлар:

(18.1) шуни таъкидлайдиларки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ҳар кимнинг виждон эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини тан олди;

(18.2) охириг пайтда виждон эътиқоди бўйича мажбурий ҳарбий хизматдан бош тортиш асосида озод этишга рухсат бериш мақсадида бир қанча иштирок этувчи давлатлар томонидан қабул қилинган чораларни таъкидлайдилар;

(18.3) баъзи ноҳукумат ташкилотларининг виждон эътиқоди бўйича мажбурий ҳарбий хизматдан бош тортиш билан боғлиқ фаолиятини таъкидлайдилар;

(18.4) муқобил хизматнинг турли, виждон эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш сабабларига мос келадиган шакллари жорий этиш масаласини, башарти бу ҳали қилинмаган бўлса, кўриб чиқишга розилик берадилар. Бунда муқобил хизматнинг бундай турлари жанговар қисмлардаги хизмат билан боғлиқ бўлмайди ёки фуқаролик тусига эга бўлади, жамиятга фойдали бўлади ва қандайдир жазолаш тусига эга бўлмайди;

(18.5) бу масала юзасидан ахборотни жамоатчилик учун очиқ қилиб кўядилар;

(18.6) Инсонийлик мезонлари бўйича конференция доирасида баъзи шахсларни виждон эътиқодига кўра қуролли кучларда хизмат қилишдан бош тортиш асосида мажбурий ҳарбий хизматдан, башарти бу қерда мавжуд бўлса, озод этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун қолдирадилар ва бу масалалар юзасидан ахборот алмашиб турадилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: IV. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли хулқ-атвор кодекси)

28. Иштирок этувчи давлатлар ўз қонунларида ёки бошқа тегишли ҳужжатларида қуролли кучлар шахсий таркибининг ҳуқуқ ва бурчларини акс эттирадилар. Улар ҳарбий хизматдан озод қилиш ёки муқобил хизматни ўташ амалиётини жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқадилар.

3.1.8 Фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар. 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси — VII принцип)

Иштирок этувчи давлатлар барчаларнинг ирки, жинси, тили ёки динини ажратмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиладилар.

(...)

Шулар доирасида, иштирок этувчи давлатлар шахснинг ўз виждонига биноан амал қилиб динга ишониш ёки эътиқод қилиш яқка ҳолда ёки бошқалар билан биргаликда эркинлигини тан оладилар ҳамда ҳурмат қиладилар.

Хельсинки 1975 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, (...) иштирок этувчи давлатларнинг конституциявий доирасида амал қиладиган диний маъзаблар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг вакиллари ўз фаолиятлари соҳасида ўзаро алоқалар ва учрашувларни ҳамда ахборот айрибошлашни амалга оширишлари мумкин.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар (...) бундан ташқари, шахснинг якка тартибда ёки бошқалар билан бирга ўз виждони амрига мувофиқ динга сиғиниш ёки эътиқод қилиш эркинлигини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўришга келишадилар.

Шу маънода улар зарурат бўлган барча ҳолатларда ўз мамлакатларининг конституциявий доирасида амал қиладиган диний руҳонийлар, муассасалар ва ташкилотлари билан маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Улар ўз давлатларининг конституциявий доирасида динга ишонадиган, амал қиладиган ёки амал қилишга тайёр бўлган шахсларнинг диний бирлашмаларига ўз мамлакатларида диний руҳонийлар, муассасалар ва ташкилотлар учун кўзда тутилган мақомни тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатларини хайрихоҳлик билан кўриб чиқадилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар)

(11) [Иштирок этувчи давлатлар] инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан барча учун ирқи, тили ва динидан қатъи назар фикр, виждон, дин ва эътиқодлар эркинлигини ҳурмат қилишларини тасдиқлайдилар. Улар ҳурмат қилиниши барча давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлаш учун зарур бўлган тинчлик, адолат ва хавфсизликнинг жиддий омили ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг умумий аҳамиятини ҳам тасдиқлайдилар.

(...)

(16) Иштирок этувчи давлатлар шахснинг динга сиғиниш ёки эътиқод қилиш эркинлигини таъминлаш мақсадида бошқа тадбирлар қаторида қуйидагиларни амалга оширадилар:

(16.1) дин ёхуд эътиқодлар асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда эътироф этиш, амалга ошириш ва улардан фойдаланишга нисбатан шахслар ёки бирлашмалар камситилишининг олдини олиш ҳамда уни тугатиш бўйича ва диндорлар ҳамда дахрийлар ўртасида ҳақиқий тенгликни таъминлаш бўйича самарали чоралар кўрадилар;

(16.2) турли бирлашмаларнинг диндорлари ўртасида, шунингдек диндорлар ва дахрийлар ўртасида ўзаро бағрикенглилик ва ҳурмат муҳитига кўмаклашиш;

(16.3) ўз давлатларининг конституциявий доирасида ўз динига ишонадиган, амал қиладиган ёки амал қилишга тайёр бўлган шахсларнинг бирлашмаларига уларнинг илтимосига кўра тегишли мамлакатларида улар учун назарда тутилган мақом тан олинишини тақдим этиш;

(16.4) бу диний бирлашмаларнинг:

- ибодат қилиш ёки йиғилишлар учун очиқ жойлар ташкил қилиш ва уларни сақлаш;
- ўз иерхия ва институт тузилмасига мувофиқ ташкиллашиш;

- тегишли ўз талаблари ва андозасига, шунингдек ўзлари ва давлатлари ўртасидаги ҳар қандай эркин келишувларига биноан ўз ходимларини танлаш, тайинлаш ва алмаштириш;

- ихтиёрий молиявий ва бошқа хайриялар сўраб талаб қилиш ва олиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(16.5) диний эркинликлар эҳтиёжларини янада яхши англашга эришиш мақсадида диний руҳонийлар, муассасалар ва ташкилотлар билан маслаҳатлар олиб бориш;

(16.6) ҳар бир шахснинг ўзи ҳоҳлаган тилда ё якка тартибда ёки бошқалар билан бирга диний таълимот бериш ва олиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(16.7) шу маънода бошқалар қаторида ота-оналарининг ўз эътиқодларига мувофиқ фарзандларининг диний ва маънавий тарбиясини тайинлаш эркинлигини ҳурмат қилиш;

(16.8) тегишли ўқув юртларида дин ходимларининг тайёрланишига рухсат бериш;

(16.9) диндорлар ва диний ташкилотларнинг ўзлари ҳоҳлаган тилда муқаддас китоблар, диний нашрларни ва дин ёки эътиқодга амал қилишга тааллуқли бошқа ашёлар ҳамда материалларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(16.10) диний руҳонийлар муассасалар ва ташкилотларга диний нашрлар ҳамда материаллар тайёрлаш, импорт қилиш ва тарқатишга рухсат бериш;

(16.11) диний бирлашмаларнинг жамоат мулоқотида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали иштирок этишдан манфаатдорлигини ҳайрихоҳлик билан кўриб чиқиш.

(17) Иштирок этувчи давлатлар эътироф этадиларки, юқорида эслатиб ўтилган, дин ёки эътиқодлар эркинлигига тааллуқли ҳуқуқларнинг рўёбга чиқиши фақат қонунда белгиланган тарзда чекланиши мумкин бўлиб, улар халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлар ва халқаро мажбуриятлар билан бирга мавжуддир. Улар ўз қонунлари ёки маъмурий қоидаларида ҳамда уларнинг қўлланишида фикр, виждон, дин ёки эътиқодлар эркинлиги тўлиқ ва самарали амалга оширилишини таъминлайдилар.

(...)

(32) улар диндорлар, диний руҳонийлар ва уларнинг вакилларига гуруҳ бўлиб ёки шахсий асосда ўз мамлакатлари ва бошқа мамлакатларида бир-бирлари билан, жумладан сафарлар, зиёрат қилиш ҳамда йиғилишлар ва бошқа диний тадбирларда иштирок этиш орқали бевосита шахсий алоқа ва мулоқот ўрнатишлари ва сақлаб туришларига рухсат берадилар. Шу маънода гап бораётган алоқалар ва тадбирлар билан мутаносиб бўлган тарзда улар сиғинадиган дин ёки эътиқодга тааллуқли диний нашрлар ва диний ашёларни харид қилиш, олиш ва ўзлари билан олиб юришга рухсат берадилар.

Копенгаген 1990 йил

Иштирок этувчи давлатлар шунини тасдиқлайдиларки:

(9.4) ҳар бир киши фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ динини ёки эътиқодини ўзгартириш ва ўз динига ёки эътиқодига ҳам якка тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, диний маросимлар ва урф-одатларга ўргатиш ва уларни бажариш йўли билан амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади. Бу ҳуқуқларни амалга ошириш фақат қонунда кўрсатилган ва халқаро андозаларга мос келадиган чеклашларга тегишлидир;

(...)

(32) (...) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг этник, маданий, тил ёки динга оид ўзига хослигини эркин ифодалаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ўз маданиятини ўзларининг иродасига қарши тарзда қандайдир ассимиляция уринишларига дучор бўлмасдан унинг ҳамма жиҳатлари бўйича қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир. Улар, хусусан куйидаги ҳуқуқларга эга:

(...)

(32.3) ўз динига эътиқод қилиш, шу жумладан диний материалларни сотиб олиш, уларга эғалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда таълим соҳасидаги диний фаолиятни она тилида амалга ошириш;

(...)

(33) Иштирок этувчи давлатлар ўз ҳудудида озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг этник, маданий, тил ва динга оид ўзига хослигини ҳимоя қиладилар ҳамда бу ўзига хосликни рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратадилар. Улар шу мақсадда зарур маслаҳатлашувларни ўтказганидан, шу жумладан бундай озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ташкилотлари ёки уюшмалари билан муносабатлардан сўнг ҳар бир давлатнинг қарорларни қабул қилишга доир тартиботларига мувофиқ равишда зарур чора-тадбирларни қабул қиладилар.

Ҳар қандай бундай чора-тадбирлар тегишли иштирок этувчи давлатларнинг бошқа фуқароларига нисбатан тенглик ва камситмаслик принципларига мувофиқ бўлади.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

27. Виждон ва дин эркинлигини таъминлаш ҳамда турли диний жамиятлар, шунингдек, диндорлар билан дахрийлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат муҳитини вужудга келтириш юзасидан мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлаб, улар тажовузкор миллатчилик мақсадларида диндан фойдаланишдан ташвишда эканликларини билдирадилар.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

9. Фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги муҳимлиги тўғрисида баёнот беради ва ҳар қандай камситиш ва зўравонликни, шу жумладан ҳар қандай диний гуруҳлар ёки алоҳида диндорларга қарши камситиш ва зўравонликни қоралайди. Шахснинг яқка ҳолда ёки бошқалар билан биргаликда динга сиғиниш ёки эътиқод эркинлигини, зарурат бўлса бағрикенглик ва камситмаслик қонунлари, қоидалари, амалиёти ва сиёсати орқали таъминлаш ва рағбатлантириш мажбуриятини олади. Иштирок этувчи давлатларга ДИИХБ ва унинг экспертлар гуруҳига дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича ёрдам сўраб мурожаат қилишни тавсия этади. Кўпроқ бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англаш манфаатларида конфессиялараро ва маданиятлараро мулоқотни давом эттириш ва мустаҳкамлашнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Остона 2010 йил

7. Йўлимизда жиддий таҳдидлар ва муаммолар қолмокда.(...) Дин ва эътиқод эркинлигини қарор топтириш ҳамда мurosасизлик ва камситиш билан курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим (...)

3.1.9 Уюшиш эркинлиги ва тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар меҳнаткашларнинг эркин касба уюшмаларини ташкил этиш ва уларга кириш ҳуқуқини, касба уюшмаларининг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириш ҳуқуқини ҳамда тегишли халқаро ҳужжатларда қайд этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлайдилар. Улар шуни таъкидлайдиларки, бу ҳуқуқлар давлат қонунчилигига риоя этилган ҳолда ва давлатнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Улар бундай касба уюшмалар ва уларнинг вакиллари билан бевосита алоқаларни зарур тарзда рағбатлантирадилар.

София 1989 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар атроф муҳит муаммолари билан шуғулланаётган алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотларнинг ўз фикрларини эркин билдириш, бошқалар билан уюшиш, тинч йиғилишлар ўтказиш, шунингдек мазкур муаммолар тўғрисидаги ахборотларни ЕХҲК қоидаларига зид ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқларсиз олиш, эълон қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари тўғрисида яна бир бор баёнот берадилар. Бу айрим шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар атроф муҳит муаммоларини оммавий муҳокама қилишда иштирок этиш, шунингдек миллий ва халқаро даражада бевосита ва мустақил алоқалар ўрнатиш ва сақлаб туриш ҳуқуқига эгалар.

Бонн 1990 йил (Муқаддима)

сиёсий плюрализм ва бозор иқтисодиётининг ўзаро алоқадорлигини эътироф этиб ва қуйидаги принципларга содиқ бўлиб:

(...)

- инсон кадр-қимматини қарор топтирадиган ва меҳнаткашларни эркин мустақил касба уюшмалар ташкил этиш ва уларга киришдан маҳрум этишдан (...) ҳоли бўлган иқтисодий фаолиятни;
қуйидагиларга эришишга ёки амал этишга интилади (...)

Копенгаген 1990 йил

(7) (...) иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(7.6) — алоҳида шахсларнинг ёки шахслар гуруҳларининг тўла эркинлик шароитида ўз сиёсий партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар (...)

(...)

(9) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тасдиқлайдилар:

(...)

(9.2) ҳар бир киши тинчлик йўли билан йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш борасида белгиланиши мумкин бўлган ҳар қандай чеклашлар қонунда кўрсатилади ва халқаро андозаларга мос келади;

(9.3) уюшиш ҳуқуқи кафолатланади. Касба уюшмасининг умумий ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда касба уюшмасини ташкил қилиш ҳуқуқи ва ўз аъзолигини белгилаш, касба уюшмасига эркин аъзо бўлиш кафолатланади. Бу ҳуқуқлар

ҳар қандай дастлабки назоратни истисно этади. Ишчилар учун уюшиш эркинлиги, шу жумладан иш ташлаш эркинлиги қонунда кўрсатилган ва халқаро андозаларга мос бўлган чеклашлар билан бирга кафолатланади;

(...)

(10) (...) иштирок этувчи давлатлар ўзларининг қуйидаги мажбуриятлари ҳақида маълум қиладилар:

(...)

(10.3) алоҳида шахсларга уюшишга доир ҳуқуқни, инсон ҳуқуқлари ва асолий эркинликларини рағбатлантиришга ҳамда ҳимоя қилишга интилувчи ноҳуқумат ташкилотларини, шу жумладан инсон ҳуқуқларига роя қилинишини назорат қилувчи касаба уюшмалари ва гуруҳларини, шу жумладан уларни ташкил қилиш, уларга қўшилиш ва уларнинг ишида фаол иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга рухсат берилишини таъминлаш;

(...)

(32) (...) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг этник, маданий, тил ёки динга оид ўзига хослигини эркин ифодалаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ўз маданиятини ўзларининг иродасига қарши тарзда қандайдир ассимиляция уринишларига дучор бўлмасдан унинг ҳамма жиҳатлари бўйича қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир. Улар, хусусан қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(...)

(32.6) ўз мамлакати доирасида ташкилотлар ёки уюшмаларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ноҳуқумат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз қуйидаги ҳуқуқларга эгаллигини тасдиқлаймиз:

(...) уюшиш ва тинч йиғилишлар эркинлиги (...)

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар кенгашининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан баёноти)

Биз ҳар бир инсон фикр, виждон дин ёки эътиқод эркинлиги; фикр ва уни билдириш эркинлиги, тинч йиғилишлар ва уюшиш эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида яна бир бор баёнот берамиз. Ҳар бир инсон бу ҳуқуқларини амалга оширишида фақат қонун билан белгиланган ва бизнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий мажбуриятимизга мувофиқ бўлган чеклашларга йўл қўйилиши мумкин.

3.1.10 Фикр билдириш эркинлиги, ОАВ ва ахборотдан фойдаланиш эркинлиги

А. Умумий қоидалар

Хельсинки 1975 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

Иштирок этувчи давлатлар,

бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳаётининг турли жиҳатларини кенгроқ би-
лиш ва тушуниш эҳтиёжини англаган ҳолда,

ушбу жараённинг халқлар ўртасидаги ишончнинг юксалишидаги ҳиссасини таъкидлаб,

иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни ривожлантириш ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш орқали бу соҳада тараққий эттириш мақсадида ҳаракатларни янада давом эттиришни истаган ҳолда,

бошқа иштирок этувчи давлатлардан ахборот тарқалишининг ва бундай ахборот билан яхшироқ танишишнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб,

(...)

барча шакллардаги ахборот эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини энгиллаштиришни, ахборот соҳасида ҳамкорликни ҳамда бошқа мамлакатлар билан ахборот алмашувини рағбатлантиришни ва бир иштирок этувчи давлатнинг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шароитларни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўядилар (...)

Вена 1989 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(34) (...) Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда ахборотнинг барча шакллариини излаш, олиш ва тарқатишга доир тегишли халқаро мажбуриятларга биноан улар алоҳида шахслар ўз ахборот манбаларини эркин танлашларини таъминлайдилар. Шу маънода улар: (...)

- алоҳида шахсларга, муассасаларга ва ташкилотларга интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда ҳар қандай турдаги ахборот материалларини олиш, уларга эга бўлиш, уларни яратиш ва тарқатишга рухсат берадилар.

Шу мақсадда улар юқорида эслатиб ўтилган халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларга ва халқаро мажбуриятларга зид бўлган ҳар қандай чеклашларни бартараф этадилар.

(35) Улар барча шакллардаги ахборотнинг эркинроқ ҳамда кенгроқ тарқалишини таъминлаш учун замонавий, шу жумладан кабель ва йўлдош алоқа воситалари берадиган барча имкониятлардан фойдаланадилар. Улар ўзларининг тегишли муассасалари, ташкилотлари ва техник экспертлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар ҳамда техник андозалар ва нормаларни мувофиқлаштириш борасида иш олиб борадилар. Улар ўзларининг оммавий ахборот воситаларига бу замонавий алоқа воситаларининг таъсирини ҳисобга оладилар.

(36) Улар ўз ҳудудларида расмий ахборот бюллетенлари бошқа иштирок этувчи давлатларнинг дипломатик ҳамда бошқа расмий миссиялари ва консуллик ваколатхоналари томонидан эркин тарқатилишини амалиётда таъминлайдилар.

(...)

(45) Улар ўз ҳудудларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки руҳонийларга мансуб бўлган шахслар ўз она тилида ахборот тарқатилишлари, ундан фойдаланишлари ва у билан алмашишлари мумкинлигини амалиётда таъминлайдилар.

София 1989 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар атроф муҳит муаммолари билан шуғулланаётган алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотларнинг ўз фикрларини эркин билдириш, бошқалар билан уюшиш, тинч йиғилишлар ўтказиш, шунингдек мазкур муаммолар тўғрисидаги ахборотларни ЕХХК коидаларига зид ҳуқуқий ва маъмурий

тўсиқларсиз олиш, эълон қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари тўғрисида яна бир бор баёнот берадилар. Бу айрим шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар атроф муҳит муаммоларини оммавий муҳокама қилишда иштирок этиш, шунингдек миллий ва халқаро даражада бевосита ва мустақил алоқалар ўрнатиш ва сақлаб туриш ҳуқуқига эгалар.

Копенгаген 1990 йил

(7) (...) иштирокчи-давлатлар

(...)

(7.7) қонун ва давлат сиёсати, ҳеч қандай маъмурий ҳаракатлар, зўравонлик ёки кўрқитишлар партиялар ва номзодларни ўз қарашлари ва баҳолашларини эркин баён қилишларини тўхтатиб қола олмайдиган, шунингдек сайловчилар улар билан уларни муҳокама қилишларига ҳалақит бера олмайдиган эркин ва ҳаққонийлик муҳи-тидаги сиёсий камапанияларни ўтказишга имкон беришни таъминлаб берадилар (...)

(...)

(9) Иштирокчи-давлатлар қуйидагиларни тасдиқлайдилар,

(9.1) ҳар ким, муомаларга бўлган ҳуқуқини ҳам қўшган ҳолда, ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ инсоннинг ўз фикрида қолиш ва давлат ҳокимиятининг аралашувисиз ва давлат чегараларидан мустақил равишда ахборотлар олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига қамраб олади. Мазкур ҳуқуқнинг амалга оширишдаги чеклашлар фақатгина қонунда кўрсатилган ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши керак. Хусусан, барча турдаги ҳужжатларни кўпайтириш ва улардан муаллифлик ҳуқуқи билан бирга интеллектуал мулкка тааллуқли ҳуқуқларга рия қилинган ҳолда фойдаланиш учун воситаларга бўлган имкониятларга ҳеч қандай чеклашлар ўрнатиш мумкин эмас;

(...)

(10) (...) иштирокчи-давлатлар қуйидаги ўз мажбуриятлари тўғрисида баёнот қиладилар:

(10.1) ҳар кимнинг ўзи мустақил равишда ёки бошқалар билан биргаликда фикрлар ва ахборотларни тарқатиш ва чоп этишга бўлган ҳуқуқни қўшган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисидаги фикр ва ахборотларни эркин сўраш, олиш ва бериш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(10.2) ҳар кимнинг ўзи мустақил равишда ёки бошқалар билан биргаликда инсон ҳуқуқларига рия қилиш масалаларини ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилаш ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга рия қилишни таъминлашнинг янада такомиллашган воситалари тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

(...)

(32) (...) миллий озчиликка тааллуқли шахслар ўз этник маданиятини, тил ёки диний ўзлигини эркин билдириш, сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ўз иродасига қарши ассимиляциялаштиришга дучор қилинмасдан ўз маданиятини, уни барча жиҳатларида ривожлантириш ҳуқуқига эга.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

36. Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини эркин билдириш инсоннинг асосий ҳуқуқи ва демократик жамиятнинг асосий унсурларидан бири ҳисоблангани яна бир бор тасдиқлайдилар.

Истамбул 1999 йил (Европа ҳавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

26. Биз (...) ахборотнинг эркин оқимлари, шунингдек жамоатчиликнинг ахборотдан фойдаланишлари аҳамиятини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз трансчегаравий ва давлат ичкарасидаги тўсиксиз ахборот оқимлари учун (...) зарур асос яратиш бўйича барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини зиммамизга оламиз. (...)

Остона 2010 йил

6. (...) Биз фуқаролик жамияти ва эркин ОАВнинг инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократияни, шу жумладан эркин ва ҳалол сайловларни ҳамда ҳуқуқ устунлигини ҳурмат қилишни тўла ҳажмда таъминлашга бизга ёрдам бериб, ўйнаётган муҳим ролини қадрлаймиз.

В. ОАВ эркинлиги ва журналистларнинг иш шароитлари

Шунингдек қаранг:

§ 1.2.3.4 С: Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакил

Хельсинки 1975 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(...) бошқа иштирок этувчи давлатлардан ахборот тарқалишининг ва бундай ахборот билан яхшироқ танишишнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб,

шу боис матбуот, радио, телевидение, кино ва телеграф агентликлари ҳамда бу соҳаларда ишлаётган журналистларнинг жиддий ва таъсирчан ролини эътироф этиб,

барча шакллардаги ахборот эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини енгиллаштиришни, ахборот соҳасида ҳамкорликни ҳамда бошқа мамлакатлар билан ахборот алмашувини рағбатлантиришни ва бир иштирок этувчи давлатнинг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шароитларни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўядилар ҳамда

ўз ниятлари деб, хусусан, қуйидагиларни ифода этдилар:

- (a) Ахборот тарқалиши, ундан фойдаланиш ва у билан алмашишни яхшилаш (...)
- (ii) Босма ахборот
- Ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг даврий ва даврий бўлмаган газета ҳамда матбаа маҳсулотларининг тарқалишини яхшилашга қўмаклашиш. (...)
- (...) импорт қилинадиган матбуот нашрлари, даврий ва даврий бўлмаган нашрлардан жамоатчилик фойдаланишига қўмаклашиш (...)
- (iii) Кино, радио ва телевидение ахбороти
- Кино, радио ва телевидение ахборотини тарқатишга қўмаклашиш (...)

Иштирок этувчи давлатлар радио ахбороти тарқалишининг кенгайишини эътироф этадилар ҳамда халқлар ўртасида ўзаро тушуниш манфаатларига ҳамда бу жараён мазкур Кенгаш белгиланган мақсадларга жавоб бериши учун давом этишига умид қиладилар.

(b) Ахборот соҳасидаги ҳамкорлик

Қисқа ёки узоқ муддатли битимлар ё келишувлар асосида ахборот соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш. Хусусан:

- улар оммавий ахборот органлари ўртасида, шу жумладан телеграф агентликлари, нашриётлар ва нашриёт ташкилотлари ўртасида кенгрок ҳамкорликка кўмаклашадилар;
- улар радиоэшиттириш ва телевидениенинг ҳам давлат, ҳам хусусий, миллий ва халқаро ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилишига, хусусан тўғридан-тўғри ёки ёзилган, биргаликда яратилган радио- ва теледастурлар билан алмашиш ҳамда бундай дастурларни тарқатиш йўли билан кўмаклашадилар;
- улар ҳам журналистлар ташкилотлари ўртасида, ҳам иштирок этувчи давлатлар журналистлари ўртасида учрашувлар ва алоқаларни рағбатлантирадилар;
- улар иштирок этувчи давлатларнинг даврий нашрлари, шу жумладан газеталари ўртасида мақолалар алмашуви ва уларнинг нашр этилиши юзасидан келишувларга эришиш имкониятига хайрихоҳлик муносабатида бўладилар;
- улар техника ахбороти алмашувини, шунингдек матбуот, радио ҳамда телевидение соҳасида тажриба ва фикрлар алмашуви бўйича қўшма тадқиқотлар ташкил этилиши ҳамда мутахассислар учрашувлари ўтказилишини рағбатлантирадилар.

(с) Журналистларнинг иш шароитларини яхшилаш

Иштирок этувчи давлатлар иштирок этувчи давлатлар бирининг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шароитларни яхшилашга интилиб, хусусан қуйидагиларни назарда тутадилар:

- журналистларнинг мамлакатга кириш рухсатномаси бериш тўғрисидаги илтимосларини мақбул ва оқилона муддатларда хайрихоҳлик руҳида ўрганиш;
- иштирок этувчи давлатларнинг доимий аккредитациядан ўтган журналистларига келишув асосида мамлакатга кириш ва ундан чиқиш кўп маротабаги рухсатномаларини муайян муддатга бериш;
- иштирок этувчи давлатларнинг аккредитациядан ўтган журналистларига улар вақтинча ҳозир бўлган мамлакатда яшашга рухсатномалар ҳамда, агар зарур бўлса, бошқа керакли расмий ҳужжатлар берилишини енгиллаштириш;
- иштирок этувчи давлатлар журналистларининг ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган мамлакат бўйича сафар қилишларини расмийлаштириш тартиботини ўзаролик асосида енгиллаштириш ва изчиллик билан хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиқ ҳудудлар мавжудлиги билан боғлиқ қоидаларга риоя этган ҳолда бундай сафарлар учун катта имкониятлар яратиш;
- бундай журналистларнинг шу каби сафарлар тўғрисидаги илтимосларига мумкин қадар сўровнома муддатини ҳисобга олган ҳолда тез жавоб берилишини таъминлаш;
- иштирок этувчи давлатлар журналистларининг ўз ахборот манбалари билан, шу жумладан ташкилотлар ва расмий муассасалар билан шахсий муомалада бўлишининг имкониятларини кўпайтириш;
- иштирок этувчи давлатлар журналистларига техник асбоб-ускунани (ўз касбий фаолиятини бажариш учун зарур бўлган фото, кино, магнитофон, радио ва телевидениега доир асбоб-ускунани) кейинчалик олиб чиқиш шарти билангина олиб кириш ҳуқуқини бериш;
- бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига улар домий ёки вақтинча аккредитациядан ўтган бўлса ҳам, уларнинг касбий фаолияти натижаларини, шу жумладан магнитофон ёзувларини ва ойдинлаштирилмаган тасмани радиода эълон қилиш ёки телевидениеда кўрсатиш мақсадида иштирок этувчи

давлатлар эътироф этган каналлар орқали тўлиқ, оддий тартибда ва тез улар тақдим этадиган ахборот органларига узатиш имкониятини яратиш.

Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, журналистлар ўз касбий фаолиятини қонуний амалга оширишлари натижасида мамлакатдан чиқариб юборилиши ёки бошқа тарзда жазоланиши мумкин эмас. Аккредитациядан ўтган журналист мамлакатдан чиқариб юборилган тақдирда у бунинг сабаблари тўғрисида хабардор қилинади ҳамда ўз ишини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиши мумкин.

Мадрид 1983 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

[Иштирок этувчи давлатлар] оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакиллари ўртасида, айниқса матбуот агентликлари, газеталар таҳририятлари ва телевидение ташкилотлари, шунингдек кинокомпаниялар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмаклашадилар. Улар янгиликлар, мақолалар, иловалар, радио эшиттиришларнинг янада мунтазам алмашинувини, шунингдек тегишли тажриба билан янада яхшироқ танишиш мақсадида таҳририятлар ўртасида алмашинувни рағбатлантирадилар. Ўзаролик асосида доимий ёки вақтинча аккредитациядан ўтган телевидение ва радио мухбирларига тақдим этиладиган моддий ва техник воситаларни яхшилайдилар. Бундан ташқари, улар журналистлар ўртасида ҳам бевосита алоқаларни, ҳам профессионал ташкилотлари доирасидаги алоқаларни енгилаштирадилар.

Улар журналистлар учун мамлакатга кириш рухсатномасидаги илтимосномалар бўйича вақтни чўзмасдан қарорлар қабул қиладилар ва рад қилинган илтимосномаларни оқилона муддатларда қайтадан кўриб чиқадиладар. Бундан ташқари касбий фаолият мақсадида эмас, балки шахсий сабабларга кўра сафар қилмоқчи бўлган журналистларга ўша мамлакатдан келган бошқа шахсларга нисбатан бўлган тартиб тадбиқ этилади.

Улар доимий аккредитациядан ўтган мухбирларга ва улар билан яшайдиган оила аъзоларига бир йиллик муддатда қўп маротаба мамлакатга кириш ва ундан чиқиш учун рухсатномалар тақдим этадилар.

Иштирок этувчи давлатлар, зарурат бўлганда, икки томонлама келишувлар асосида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг учинчи мамлакатда доимий аккредитациядан ўтган журналистларни аккредитация қилиш ва уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш имкониятини ўрганадилар.

Улар ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистлари сафар қилишларига кўмаклашадилар, хусусан, зарурат бўлганда, уларга сафарлар учун кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида аниқ чоралар кўрадилар, хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпик ҳудудлар бундан мустасно. Улар, башарти ҳудудлар хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиладиган бўлса, журналистларни, имконият бўлса, олдиндан хабардор қиладилар.

Улар бундан буён ҳам иштирок этувчи давлатларнинг журналистлари учун шахсий муносабатларни ва ахборот манбаи билан алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтирадилар ва, зарурат бўлганда, шарт-шароитларни яхшилайдилар.

Улар радио ҳамда телевидение журналистларига, уларнинг илтимосига кўра, ўзларининг овоз ва кино операторлари билан бирга бўлишларига ҳамда ўз асбоб-ускуналаридан фойдаланишларига, қоида бўйича, рухсат берадилар.

Шунингдек, журналистлар ўзаро маълумотнома материаллари, шу жумладан шахсий ёзувлар ва досъега эга бўлишлари мумкин бўлиб, улардан қатъиян касбий мақсадлар учун фойдаланилади¹.

Вена 1989 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(34) (...) Улар барча шакллардаги ахборотнинг эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини энгиллаштириш, ахборот соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш ва журналистларнинг иш шароитларини яхшилаш учун келгусида яна ҳаракат қиладилар.

(...)

(...) Шу маънода улар:

ўз давлатларида жаҳон электр воситалари (ЖЭВ) радио эшиттириш қоидаларига мувофиқ амал қиладиган радио хизматлари эшиттиришлари тўғридан-тўғри ва нормал қабул қилинишини таъминлайдилар (...)

(37) Улар радио ва телевидение ташкилотлари томонидан ўзларининг ўртасидаги ўзаро келишувлари асосида турли давлатлар вакиллари иштирокидаги дастурлар ва мунозараларнинг тўғрида-тўғри олиб борилишини, шунингдек иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий ва бошқа арбоблари чиқишлари ҳамда интервьюларининг трансляция қилинишини, айниқса улар ўтказиладиган мамлакатларда рағбатлантирадилар.

(38) Улар радио ва телевидение ташкилотлари томонидан бошқа иштирок этувчи давлатлардаги ҳаётнинг турли жиҳатларини ёритишни ҳамда ўз мамлакатлари ўртасидаги телекўприклар сони кўпайтирилишини рағбатлантирадилар.

(39) Улар журналистлар ўз профессионал фаолиятини қонуний амалга оширишлари уларни мамлакатдан чиқариб юбориш хавфи остига қўймаслигини ва бошқа тарзда жазоланишларига олиб келмаслигини эслатган ҳолда журналистларни репортажлар мазмунини сабабли аккредитациядан маҳрум қилиши ёки мамлакатдан чиқариб юбориш каби чеклаш чоралари қабул қилишдан ўзларини тийиб турадилар.

(40) Улар журналистлар, шу жумладан бошқа иштирок этувчи давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлган журналистлар бундай фаолиятни амалга оширганларида ахборотнинг ижтимоий ва хусусий манбаларидан фойдаланиш йўллари эркин излашлари ҳамда ўзлари билан алоқада бўлишлари мумкинлигини, шунингдек уларнинг профессионал махфийликка эҳтиёжлари ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.

(41) Улар журналистларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

(42) Ўзлари ўртасидаги келишувлар асосида, зарурат бўлганда ҳамда репортажлар мунтазам келиб туриши мақсадида эҳтиёж туғилганда, журналистларни аккредитациядан ўтказиладилар ва бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига, уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар, мамлакатга кўп мартаба кириш рухсатномалари берадилар. Шу асосда улар журналистларни аккредитациядан ўтказиш ҳамда уларга кўп мартаба кириш рухсатномалари бериш муддатини кўпи билан икки ойгача қисқартирадилар.

(43) Улар хорижий журналистларнинг илтимосига кўра мамлакатга ашёлари олиб кириш қоидалари, солиқлар ва турар жой каби амалий масалаларга оид тегишли ахборот тақдим қилиб, фаолиятларини энгиллаштирадилар.

¹ Бу маънода англашилинадик, босма материаллар олиб кирилиши маҳаллий қоидалар билан тартибга солиниши мумкин бўлиб, улар журналистларнинг тегишли иш материалларидаги эҳтиёжларини ҳисобга олган.

(44) Улар матбуот учун расмий матбуот анжуманларини ва мақсадга мувофиқ бўлса, бошқа шу каби расмий тадбирлар, башарти аккредитация талаб этилганда, ундан ўтган хорижий журналистлар учун ҳам очик бўлишини таъминлайдилар.

Копенгаген 1990 йил

(7) (...) иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(7.8) оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гуруҳлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлайдилар;

Москва 1991 йил

(26) Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини изҳор қилиш эркинлиги ҳуқуқи, шу жумладан мулоқот қилиш ҳуқуқи ҳамда ахборот воситаларининг ахборотларни, янгиликлар ва фикр-мулоҳазаларни йиғиш, бериш ва тарқатиш ҳуқуқини тасдиқлайдилар. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишига тегишли ҳар қандай чеклашлар қонунда назарда тутиладиган ва халқаро андозаларга мувофиқ келадиган бўлади. Улар яна шуни ҳам эътироф этадиларки, мустақил ахборот воситалари — эркин ва очик жамият ҳамда ўз ҳаракатлари учун масъул бўлган давлат тизимлари учун энг муҳим шарт ҳисобланиб, улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ишида алоҳида роль ўйнайди.

(26.1) Иштирок этувчи давлатлар шундай ҳисоблайдиларки, улар ҳудудидаги матбуот ва телерадиоэшиттириш воситалари хорижий янгиликлар манбалари ва ахборот хизматлари билан ҳеч қандай тўсиқларсиз мулоқот қила билиши керак. Жамоатчилик, чегараларга қарамасдан, шу жумладан хорижда эълон қилинган материаллар ва телерадиоэшиттириш дастурлари орқали давлат ҳокимиятларининг аралашувисиз ахборотлар ҳамда ғояларни олиш ва беришдан иборат шунга ўхшаш эркинликлардан фойдаланади. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишига доир ҳар қандай чеклашлар қонунда назарда тутиладиган ва халқаро андозаларга мувофиқ келадиган бўлади.

(26.2) Иштирок этувчи давлатлар мустақил ахборот воситаларининг ахборотлар, материаллар ва техника воситаларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олиш ҳуқуқининг камситилишига йўл қўймайдилар.

(...)

(28.9) Иштирок этувчи давлатлар жамоатчиликнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этилиши ҳамда фавқулодда ҳолатнинг бекор қилиниши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши учун уларнинг халқаро вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ келадиган сўз эркинлиги ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улар халқаро андозаларга мувофиқ сўз эркинлигига нисбатан, аниқ вазиятда мутлақо зарур бўлган чора-тадбирлардан ташқари, журналистларнинг ўз касбий вазифаларини қонуний амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бирор-бир чора-тадбирларни кўрмайдилар.

(...)

(34) Иштирок этувчи давлатлар зарур ҳолларда хавfli касбий хизмат сафарларида бўлган, айниқса, ҳарбий низоли вазиятларда шундай сафарларда бўлган журналистларни ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирларни кўрадилар

ва шу мақсадда ҳамкорлик қиладилар. Бундай чора-тадбирлар йўқолган журналистларни излаш, улар тақдирини аниқлаш, уларнинг ўз оилаларига қайтарилиши учун зарур ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашишни ўз ичига олади.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

36. Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини эркин билдириш инсоннинг асосий ҳуқуқи ва демократик жамиятнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланишини яна бир бор тасдиқлайдилар. Шу маънода оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва плюралиزمи эркин ва очиқ жамият ҳамда давлат бошқаруви органлари ҳисоб беришлигини таъминлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг раҳбарлик принципи бу ҳуқуқни ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

37. Улар журналистларга қарши қилинган барча ҳужум ҳолларини ва уларга нисбатан собитқадам душманлик ҳуққ--атворликни қоралайдилар ҳамда бундай ҳужумлар ва ҳуққ-атвордаги бевосита айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга интиладилар.

38. Улар, айниқса, ҳукумат томонидан оммавий ахборот воситалари ёрдамида элатлараро адоват кўзгатадиган ва кескинликни кучайтирадиган хатти-ҳаракатлар яқинлашиб келаётган можародан дастлабки огоҳлантириш бўлиб хизмат қилишини таъкидлайдилар.

Лиссабон 1996 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

9. (...) Инсонийлик мезонларининг ўтқир муаммолари орасида ҳамон давом этаётган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари, чунончи, (...) мустақил оммавий ахборот воситалари шаънига бўлаётган пўписалар, (...) ЕХХТ минтақасидаги барқарорликка катта хавф бўлиб қолмоқда. Биз бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга қатъий аҳд қилганмиз.

(...)

11. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги чинакам демократик фуқаролар жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан биридир (...)

Копенгаген 1997 йил (Доимий кенгашнинг 193-сон Қарорига 1-Илова, ЕХХТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакилининг Мандати)

1. Иштирок этувчи давлатлар (...) шуни эслатадиларки, ўз фикрини билдириш эркинлиги халқаро эътироф этилган асосий инсон ҳуқуқларидан ва демократик жамиятнинг туб асосий унсурларидан бири ҳисобланади ҳамда эркин, мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги эркин ва очиқ жамият ҳамда унга ҳисоб берадиган бошқарув тизими амал этишининг зарур шартидир. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ доирасида қабул қилган принциплар ва мажбуриятларни эътиборга олиб, (...) Доимий кенгаш шафелигида ЕХХТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакили лавозимини таъсис этишга қарор қиладилар. Бу ЕХХТнинг тегишли принциплари ва мажбуриятларини янада тўлароқ бажариш, шунингдек иштирок этувчи давлатларнинг уларнинг умумий қадриятлари асосидаги биргаликдаги ҳаракатлари самарадорлигини ошириш мақсадида қилинмоқда. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакили билан тўла ҳамкорлик қилиш ниятларини тасдиқлайдилар. У иштирок этувчи давлатларга, ҳамкорлик руҳида, келгусида уларнинг эркин, мустақил ва плюралистик оммавий

ахборот воситаларини ривожлантиришга бўлган содиқликларини ҳаётга тадбиқ этишда ёрдам кўрсатади (...)

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

(27) (...) Биз можаролар юз берган ҳудудларда адоват ва элатлараро кескинлик оловини ёқиш учун оммавий ахборот воситаларини суистеъмол қилишдан, шунингдек фуқароларни эркин оммавий ахборот воситаларидан маҳрум қилиш учун ҳуқуқий чеклашлар ва гиж-гижлашлардан фойдаланишидан ниҳоятда ташвишдамиз. Биз ҳар қандай демократик жамиятда сиёсий мулоқотнинг энг муҳим унсурларидан бўлган ўз фикрини эркин билдиришни таъминлаш зарурлигини таъкидлаймиз. Биз Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакили Бюросининг эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

26. Биз мустақил оммавий ахборот воситаларининг ва ахборотнинг эркин оқимлари, шунингдек жамоатчиликнинг ахборотдан фойдаланишлари аҳамиятини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳамда трансчегаравий ва давлат ичкарисидаги тўсиқсиз ахборот оқимлари учун зарур асос яратиш бўйича барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини зиммамизга оламиз (...)

С. Маданий ва бадиий ифода этиш эркинлиги

Шунингдек қаранг:

§ II.3.2.3: Маданий ҳуқуқлар/маданий мерос

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз умумий Европа маданиятимизнинг ва биз томондан эътироф этилаётган кадриятларнинг қитъада бўлинишни бартараф этишдаги ниҳоятда муҳим ҳиссасини тан оламиз. Шунинг учун биз ижод эркинлигига, шунингдек маданий ва маънавий меросимизнинг бутун бойлиги ва турфа хиллигини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантиришга ўз содиқлигимизни таъкидлаймиз.

Краков 1991 йил (I. Маданият ва эркинлик)

1. Иштирок этувчи давлатлар шуни алоҳида таъкидлайдиларки, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш маданий ижодиёт ҳар тарафлама ривожланишининг зарур шарти ҳисобланади.

2. Давлат ва жамоат ташкилотлари бадиий ижод эркинлигига тажовузлардан тийилиб турадилар.

3. Иштирок этувчи давлатлар бадиий ижоднинг эркин ва тўсиқларсиз ривожланишини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини оладилар; улар маданият айрим арбобларининг жамиятдаги муҳим ролини эътироф этадилар ҳамда ижодий меҳнат яхлитлигини ҳурмат ва ҳимоя қиладилар.

4. Улар шуни эътироф этадиларки, ҳукуматлар ўзларининг маданият соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш ва бу фаолият эркинлигини кафолатлашдан иборат икки томонлама мажбуриятлари ўртасида мутаносибликни таъминлашлари зарур.

5. Улар шуни ҳам эътироф этадиларки, иштирок этувчи давлатларда маданият соҳасидаги фаолиятнинг турфалиги ҳисобга олиниб, ҳукуматлар ихтиёрида мадний меросга тааллуқли муаммоларни самарали ҳал этиш учун кўп йўллар мавжуддир.

6. Иштирок этувчи давлатлар ўзлигини ифода этиш эркинлигига содиқликларини тасдиқлайдилар ва бу эркинликни санъат ва маданият соҳасида амалга ошириш муносабати билан қуйидагилар тўғрисида баёнот берадилар:

6.1 Ёзма материалларни нашр этиш, мусиқа, театр ва аудио/видео асарларни ижро этиш ва трансляция қилиш, шунингдек рангтасвир ва ҳайкалтарошлик кўргазмаларини ўтказиш давлат томонидан чеклаш ёки аралаштириш объекти бўлмайди, бундай чеклашлар ички қонунчиликда белгиланиши ва халқаро норма-ларга тўлиқ мувофиқ бўлиши ҳолатлари бундан мустасно.

6.2 Улар шунга ўз ишончларини билдирадиларки, санъат ва маданият соҳасида нашриётлар, радио эшиттириш, кинематография ва телевидение ташкилотлари, театрлар ва галереялар каби давлатдан мустақил бўлган турли тарқатиш воситаларининг мавжуд бўлиши плюрализм ҳамда бадиий ва маданий ифода этиш эркинлигини таъминлашга ёрдам беради.

7. Иштирок этувчи давлатлар маданиятдан тўсиқсиз фойдаланишни таъминлашга ўз содиқликларини тасдиқлайдилар ва қуйидагиларга келишиб оладилар:

7.1 Интеллектуал мулк ҳуқуқига зарур тарзда риоя этиш шарти билан ҳар қандай шахс ёки мустақил ташкилот китоблар, нашрлар ва аудио/видео ёзувлари, шунингдек уларни эшиттириш ва кўрсатиш воситалари каби маданий хусусиятга эга бўлган материалларнинг ҳар қандай турларига эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда эшиттириш ва кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Москва 1991 йил

(35) Иштирок этувчи давлатлар ижод эркинлигининг кафолатланиши ва маданий мероснинг сақлаб қолиниши ЕХҲҚ инсонийлик мезонларининг таркибий қисми ҳисобланади, деб эътироф этадилар. Улар мустақил ақлий ва маданий турмуш эркин жамиятлар ҳамда демократик институтларнинг амал қилиши учун ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Улар маданий мерос бўйича Краков симпозиуми Хужжатида баён қилинган маданият соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажарадилар (...)

3.1.11 Ҳаракат қилиш, одамлар ўртасидаги алоқа эркинлиги ва оилани бирлаштириш ҳуқуқи

Шунингдек қаранг:

§ II.4.4: Қочоқлар, кўчирилган шахслар ва қайтиб келаётган шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар

§ II.4.5: Мигрант-ишчилар

Хельсинки 1975 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

Иштирок этувчи давлатлар

халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ишончни мустаҳкамлашда алоқаларни ривожлантиришга муҳим унсур сифатида қараб,

(...)

иштирок этувчи давлатларнинг одамлари, муассасалари ва ташкилотлари ўртасида якка тартибда ёки жамоа, норасмий ва расмий асосда эркинроқ ҳаракатланиш ва муносабатлар ўрнатишни енгиллаштиришни ҳамда ушбу соҳада вужудга келадиган инсонпарварлик муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашишни ўз мақсади, деб белгилайдилар,

бу мақсадларда мақбул ҳисоблайдиган чоралар кўришга, шунингдек зарурат бўлган тақдирда ўзаро шартномалар ёки келишувларни тузишга ўз тайёрликларини баён қиладилар ва ҳозирги пайтда қуйидагиларни амалга оширишга киришиш ниятларини изҳор этадилар:

(а) Оилавий алоқалар асосидаги муносабатлар ва доимий учрашувлар

Оилавий алоқалар асосидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашишни назарда тутган ҳолда иштирок этувчи давлатлар одамлар ўз оила аъзолари билан учрашиш учун бу давлатлар ҳудудларига вақтинча ёки, улар хоҳласа, мунтазам равишда кириши ёки ҳудудидан чиқишига рухсат бериш мақсадида уларнинг сафарлари ҳақидаги мурожаатларини хайрихоҳлик билан кўриб чиқадиладар.

Кишилarning ўз оила аъзолари билан учрашиш учун вақтинча сафар ҳақидаги мурожаатлари улар чиқиб кетаётган мамлакат ёки бораётган мамлакатидан қатъи назар кўриб чиқиладар; сафар ҳужжатлари ва мамлакатга кириш рухсатномаларини расмийлаштиришнинг мавжуд тартиби шу руҳда қабул қилинади. Бундай ҳужжатларни ва рухсатномаларни расмийлаштириш ҳамда топшириш оқилона муддатда, жиддий касаллик, ўлим каби шошилиш ҳолларда эса — навбатдан ташқари тартибда амалга ошириладар. Улар расмий сафар ҳужжатлари ва мамлакатга кириш рухсатномалари берганлик учун йиғимлар мақбул даражасини таъминлашга зарур бўладиган чоралар кўрадиладар.

Улар шунини тасдиқлайдиладарки, оилавий алоқалар асосидаги муносабатларга тааллуқли илтимоснома бериш илтимоснома берувчининг ёки унинг оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзгартиришга олиб келмайди.

(б) Оилаларнинг қайта бирлашиши

Иштирок этувчи давлатлар ўз оила аъзолари билан қайта бирлашиш хоҳишида бўлган шахсларнинг илтимосномаларини ижобий ва инсонпарварлик руҳида кўриб чиқиб, улар касал ёки кексалар томонидан топширилган шошилиш ҳолатидаги илтимосномаларга алоҳида эътибор берадиладар.

Улар илтимосномаларни имкон борида тезроқ кўриб чиқадиладар. Улар зарурат бўлган тақдирда бундай илтимосномалар билан боғлиқ ундириладиган йиғимларнинг ўртача даражада бўлишини таъминлаш учун уларни камайтирадиладар.

Оилаларнинг қайта бирлашиши тўғрисидаги қаноатлантирилмаган илтимосномалар қайтадан берилиши мумкин бўлиб, улар қисқа муддат ўтганидан сўнг тегишинча киши яшаб турган мамлакат ёки уни қабул қиладиган мамлакатнинг ҳокимият органлари томонидан кўриб чиқиладар, бундай ҳолатларда йиғимлар илтимоснома қаноатлантирилган тақдирдагина олинади.

Оилаларнинг қайта бирлашиши тўғрисидаги илтимосномалари қаноатлантирилган шахслар ўзлари билан уй-рўзғор ва шахсий буюмларини олиб келиши ёки юбориши мумкин; шу мақсадда иштирок этувчи давлатлар мавжуд қоидалардаги барча имкониятлардан фойдаланадиладар.

Бир оила аъзолари қайта бирлашгунга қадар улар ўртасида учрашувлар ва муносабатлар оилавий алоқалар асосидаги муносабатлар учун тартибга мувофиқ амалга ошириладар.

Иштирок этувчи давлатлар оилаларнинг қайта уюшиши муаммолари билан шуғулланадиган Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар.

Улар шуни тасдиқлайдиларки, оилаларнинг қайта уюшиши юзасидан илтимоснома берилиши илтимоснома берган шахснинг ва унинг оила аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг ўзгартирилишига олиб келмайди.

Қабул қиладиган иштирок этувчи давлат ўз фуқаролари билан оиласини қайта уюшиш доирасида бу давлатга доимий турар жойга бошқа иштирок этувчи давлатлардан келадиган шахсларга улар шу давлат фуқаролари билан таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминланиш тенг имкониятларига эга бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

(с) Турли давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги никоҳлар

Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлат фуқароси билан никоҳдан ўтмоқчи бўлган шахсларнинг мамлакатдан чиқиш ёки мамлакатга киришга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги илтимосномаларини хайрихоҳлик билан ва инсонпарварлик нуктаи назари асосида ўрганадилар.

Юқорида кўрсатилган мақсадлар ва никоҳдан ўтиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда топшириш оилаларнинг қайта уюшиши юзасидан қабул қилинган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Турли иштирок этувчи давлатлардан бўлган ва никоҳдан ўтган эр-хотинларнинг ўзларига ва уларнинг вояга етмаган болаларига доимий турар жойини одатда уларнинг бири яшаб турган давлатга ўтказиш имкониятини яратиш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқишда ҳам иштирок этувчи давлатлар оилаларнинг қайта бирлашишига нисбатан қабул қилинган қоидаларни қўллайдилар.

(d) Шахсий ёки касбий сабабларга кўра сафарларга бориш

Иштирок этувчи давлатлар ўз фуқароларининг шахсий ёки касбий сабабларга кўра сафарларга боришларини амалга оширилишига кенгроқ имкониятлар яратилишига кўмаклашиш ниятида бўлиб, хусусан шу мақсадда улар:

- мамлакатдан чиқиш ва мамлакатга кириш тартибини аста-секин соддалаштириш ва уни вазиятга қараб қўллашга;
- ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлат фуқароларининг ҳаракатланиши тартибини хавфсизлик талабларини керакли тарзда ҳисобга олган ҳолда осонлаштиришга интилади.

Зарур бўлганда улар мамлакатга кириш рухсатномалари бериш ва сафарга доир расмий ҳужжатлар учун олинадиган йиғимларни босқичма-босқич камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Улар икки томонлама консуллик хизмати кўрсатиш, шу жумладан юридик ва консуллик ёрдамини кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришни, шунингдек қай даражада мақсадга мувофиқ бўлса, кўп томонлама ёхуд икки томонлама консуллик конвенциялари ёки бошқа тегишли шартномалар ва келишувлар тузишни ўрганиш ниятидалар.

Мадрид 1983 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

Иштирок этувчи давлатлар турли давлатлар фуқаролари ўртасидаги муносабатларга ҳамда оилавий алоқалар асосидаги доимий учрашувларга, оилалар тикланишига ва никоҳларга тааллуқли илтимосларни хайрихоҳлик билан кўриб чиқади ва шу руҳда улар юзасидан қарор қабул қиладилар.

Улар бундай илтимослар бўйича оилавий учрашувлар учун фавқулодда ҳолларда мумкин қадар тезроқ, турли давлатлар фуқаролари ўртасида оила ва никоҳ тикланган ҳолларда — оддий тартибда олти ой мобайнида, бошқа оилавий учрашувлар ҳолларида — мунтазам қисқариб борадиган муддатларда қарор қабул қиладилар.

Улар шуни тасдиқлайдиларки, бу ҳолларда илтимос бериш ёки уни қайтадан тиклаш илтимос берган шахсларнинг ёки улар оиласи аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгаришига, хусусан ишга жойлашиш, яшаш, уй-жой, қарамоғидаги шахслар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ижтимоий, иқтисодий ёки таълим имтиёзларига тааллуқли масалаларда, шунингдек тегишли иштирок этувчи давлат қонунлари ва маъмурий қоидаларидан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзгаришига олиб келмайди.

Иштирок этувчи давлатлар бу ҳолларда ариза берадиган шахсларга мўлжалланган тартибот, риоя этилиши лозим бўлган қоидалар тўғрисида зарур ахборот, шунингдек мурожаат қилувчининг илтимоси билан тегишли ҳужжат намуналари тақдим этадилар.

Улар зарур бўлганда, виза ва паспорт нархларини ҳам қўшган ҳолда мурожаат қилишлар билан боғлиқ йиғимларнинг миқдорини тегишли иштирок этувчи давлатдаги ўртача ойлик даромадга нисбатан мос равишга етказиш учун камайтириб борадилар.

Мурожаат қилган шахсларга қабул қилинган қарор ҳақида мумкин қадар тезроқ хабардор қилинадилар. Рад жавоби берилган тақдирда мурожаат қилган шахслар тегишли оқилона муддатдан сўнг мурожаатни қайтадан бера олиш ҳуқуқи ҳақида хабардор қилинадилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(20) Иштирок этувчи давлатлар ҳар бир шахснинг:

- ҳар бир давлат чегаралари доирасида ҳаракатланиш ва яшаш жойи эркинлиги ҳамда
- ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқини тўлиқ ҳурмат қиладилар.

Вена 1989 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(1) Улар (иштирокчи-давлатлар) Яқунловчи ҳужжатнинг, Мадрид Яқуний ҳужжатининг ва мазкур Ҳужжатнинг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларини бажарганда мазкур ҳужжатнинг принципларга, хусусан ҳар бир шахс ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини эркин тарк этиши ва ўз мамлакатига қайтиши тўғрисидаги принципларга бағишланган бўлимида қайд қилинган халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини, шунингдек шу соҳадаги халқаро мажбуриятларини тўлалигича ҳурмат қиладилар.

(2) Улар ўз ҳудудига киришга доир ўзларининг сиёсати Яқунловчи ҳужжат, Мадрид Яқуний ҳужжати ва мазкур Ҳужжатнинг тегишли қоидаларида баён этилган мақсадларга тўлиқ даражада мос бўлишини таъминлайдилар.

(3) Улар мумкин қадар тезроқ, лекин ҳар қандай ҳолда олти ой мобайнида Яқунловчи ҳужжатнинг, Мадрид Яқуний ҳужжатининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган барча илтимосномаларга доир ечим топиш мақсадида зарур қадамлар қўядилар.

(4) Келгусида улар ЕХХҚнинг Якунловчи ҳужжати ва бошқа юқорида кўрсатилган ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган барча илтимосномалар бу қоидаларга биноан кўриб чиқиладиган ҳолат таъминланиши учун доимий таҳлиллар ўтказадилар.

(5) Улар оилавий муносабатлар асосидаги учрашувларга доир илтимосномаларга нисбатан қарорларни ЕХХҚнинг Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларига мувофиқ мумкин қадар қисқа муддатларда ва одатдаги амалиёт доирасида бир ой мобайнида қабул қиладилар.

(6) Шу тарзда улар турли давлатлар оилаларини бирлаштириш ёки улар ўртасида никоҳ тузишга доир илтимосномаларга нисбатан қарорларни оддий амалиёт доирасида уч ой мобайнида қабул қиладилар.

(7) Улар оилавий муносабатлар асосидаги учрашувларга доир илтимосномаларни хайрихоҳлик билан кўриб чиққан ҳолда аризачининг истакларини, хусусан бундай учрашувлар етарли давом этишига оид муддатларга нисбатан ва биргалликда оилавий учрашиш мақсадида унинг бошқа оила аъзолари билан бирга сафарга боришига нисбатан истакларини керакли тарзда ҳисобга оладилар.

(8) Улар оилавий муносабатлар асосидаги учрашувларга доир илтимосномаларни хайрихоҳлик билан кўриб чиққан ҳолда унча яқин бўлмаган қариндошларининг сафар қилишлари ва унча яқин бўлмаган қариндошларининг олдига сафарга боришга ҳам рухсат берадилар.

(9) Улар турли давлатлар фуқароларининг оилаларини бирлаштириш ёки улар ўртасида никоҳ тузишга доир илтимосномаларни хайрихоҳлик билан кўриб чиққан ҳолда аризачиларнинг ўзларини қабул қилишга тайёр бўлган, бориладиган мамлакатга нисбатан истагини ҳурмат қиладилар.

(10) Улар вояга етмаган болаларнинг ўз ота-оналари билан бирлаштиришга доир муаммоларни ечишга алоҳида эътибор берадилар. Шу муносабат билан ҳамда ЕХХҚ Якунловчи ҳужжатининг ва юқорида эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг тегишли қоидалари асосида улар:

- бола вояга етмаган ҳисобланган пайтда берилган бу ҳақидаги илтимоснома бирлаштиришни кечиктирмасдан амалга ошириш мақсадида хайрихоҳлик ва тезлик билан кўриб чиқилишини; ҳамда
- бундай болалар манфаатлари ва фаровонлигини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли чоралар кўрилишини таъминлайдилар.

(11) Улар сафарга борадиган шахслар маҳаллий валютани ҳақиқий ҳаражатлардан ошадиган миқдорда олишига нисбатан ҳар қандай мумкин бўлган талабларни изчил камайтириш ва охир-оқибатда бекор қилиш имкониятларини кўриб чиқиб, бунда оилавий учрашиш мақсадида сафарга борадиган шахсларни афзал кўрадилар. Улар бундай шахсларга амалиётда ўзлари билан бирга шахсий ашёлар ёки совғалар олиб кириш ва олиб чиқиш имкониятларини яратадилар.

(12) Улар кечиктириб бўлмас гуманитар тусдаги сафарлар тўғрисидаги илтимосномаларга зудлик билан эътибор бериб, уларни хайрихоҳлик билан қуйидаги тарзда кўриб чиқадиладар:

- улар жиддий касал бўлганга ёки ўлим тўшагида ётган оила аъзосига сафарларга доир, оила аъзосини кўмиш маросимида қатнашиш учун сафарларга ёки тасдиқланган тез тиббий даволашга муҳтож шахсларнинг ёхуд танг ҳолати ё бедаво касали аниқланиши мумкин бўлган шахсларнинг сафарларига доир илтимосномалар бўйича қарорларни уч иш куни давомида қабул қиладилар;

- улар оғир касал бўлганлар ёки қарияларнинг сафарларига, шунингдек тез, гуманитар тусдаги бошқа сафарларга доир илтимосномалар бўйича қарорларни мумкин қадар тезроқ қабул қиладилар.
- улар юқорида баён этилган ишлар билан шуғулланадиган ўз маҳаллий, минтақавий ва марказий ҳокимиятларининг ҳаракатларини фаоллаштирадилар ҳамда бундай илтимосномаларга биринчи навбатдаги тартиб берилиши учун йиғимлар ҳақиқий қилинган харажатлардан ошмаслигини таъминлайдилар.

(13) Улар турли давлатлар фуқаролари ўртасида оилавий учрашиш, оилаларни бирлаштириш ёки никоҳ тузиш мақсадидаги сафарлар тўғрисидаги илтимосномалар кўриб чиқилишида аризачининг оила аъзолари томонидан ҳаракатлар ёки йўл қўйилган хатолар аризачининг халқаро инструментларда баён этилган ҳуқуқларига салбий таъсир этмаслигини таъминлайдилар.

(14) Улар илтимосномалар учун зарур бўлган ЕХХК Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган барча ҳужжатлардан аризачи осон фойдаланишини таъминлайдилар. Ҳужжатлар илтимоснома кўриб чиқилишининг бутун жараёни давомида кучда бўлади. Илтимоснома қайта берилган тақдирда аризачи томонидан аввалги илтимосномалар сабабли берилган ҳужжатлар эътиборга олинади.

(15) Улар амалиётни енгиллаштириб, ЕХХК Якунловчи ҳужжатининг ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган илтимосномаларга нисбатан маъмурий талабларни босқичма-босқич қисқартирадилар.

(16) Улар ЕХХК Якунловчи ҳужжатининг ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган илтимосномалар тегишли халқаро воситаларда белгиланган сабабларга кўра рад этилган ҳолларда аризачига бундай қарор қайси асосларда чиқарилганлиги ҳақида тез ёзма шаклда расмий хабарнома тақдим этилишини таъминлайдилар. Одатда барча ҳолларда аризачи сўраганда унга қабул қилинган қарорга нисбатан ҳуқуқий ҳимоянинг ҳар қандай амалдаги маъмурий ёки суд воситаларидан фойдаланиш тартиботи тўғрисида зарур ахборот берилади. Чет элга доимий яшаш учун чиқишга доир ҳолларда бундай ахборот юқорида эслатиб ўтилган расмий хабарноманинг бир қисми сифатида тақдим этилади.

(17) Агар шу ўринда алоҳида шахснинг чет элга сафар қилиш тўғрисидаги илтимосномаси давлат хавфсизлиги фикрларига кўра рад этилган бўлса, улар қатъий белгиланган муддатлар доирасида бу шахснинг сафарига нисбатан ҳар қандай чеклаш мумкин қадар қисқа муддатли бўлишини ва ихтиёрий тарзда қўлланмаслигини таъминлайдилар. Улар раддия билан боғлиқ ҳолатлардаги ҳар қандай ўзгаришлар, масалан, аризачи охириги марта давлат хавфсизлиги билан боғлиқ иш ёки вазифаларни бажарган пайтдан бошлаб ўтган вақт эътиборга олиниши учун раддия олти ой мобайнида ва зарурат бўлган тақдирда муайян вақт оралиқларидан сўнг қайта кўриб чиқилиши учун аризачи имкониятга эга бўлишини ҳам таъминлайдилар. Бундай иш ёки бундай вазифаларни бажаришга киришишдан олдин шахс бундай эҳтимоли бўлган сафар тўғрисидаги илтимосномага таъсир этиши ва қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги ҳақида расмий хабардор этилади.

(18) Вена учрашуви тугаганидан кейин бир йил мобайнида улар, башарти бу қилинмаган бўлса, ўз ҳудудлари бўйича алоҳида шахсларнинг ҳаракатланиши

ва давлатлараро сафарларга оид барча қонунларини ҳамда қонун ости ҳужжатларини эълон қиладилар ва улардан осон фойдаланишни таъминлайдилар.

(19) Улар ЕХХК Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган илтимосномаларни хайрихоҳлик билан кўриб чиққан ҳолда аризачи учун аҳамияти бўлган муҳим оилавий, шахсий ёки касбий фикр-мулоҳазаларни зарур тарзда ҳисобга олиш учун илтимосномаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайдилар.

(20) Улар ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ҳамда бошқа эътиқодлари, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, туғилиши, ёши ёки бошқа ҳолатдан қатъи назар чет элга сафарлар тўғрисидаги илтимосномаларни хайрихоҳлик билан кўриб чиқадиладар. Улар раддия бошқа шахслар томонидан берилган илтимосномаларга таъсир этмаслигини таъминлайдилар.

(21) Улар якка тартибда ёки жамоа тарзидаги шахсий ёхуд касбий сабабларга кўра ҳамда туризм мақсадидаги делегациялар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг сафарларига кўпроқ даражада кўмаклашадиладар. Шу мақсадда улар бундай сафарлар тўғрисидаги илтимосномалар бериш вақтини энг кам муддатгача қисқартирадиладар.

(22) Улар мамлакатга кўп маротаба кириш рухсатномалари бериш ҳамда мамлакатга кириш ва ундан чиқиш рухсатномаларига доир расмийлаштириш ўзаро соддалаштиришга нисбатан битимлар тузиш тўғрисидаги таклифларга жиддий эътибор берадиладар, шунингдек ўзаро келишувлар асосида мамлакатга кириш рухсатномаларини ўзаро бекор қилиш имкониятларини ўрғанадиладар.

(23) Улар ўз ҳудудида вақтинча ҳозир бўлган бошқа иштирок этувчи давлатларнинг фуқароларига самарали консуллик, юридик ва тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш мақсадида тегишли кўп томонлама воситаларга қўшилиш, шунингдек, зарурат бўлса, қўшимча ёки бошқа икки томонлама битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқадиладар.

(24) Улар ўз ҳудудида шахсий ёки касбий сабабларга кўра, шу жумладан маданият, фан ва таълим соҳасидаги тадбирларда қатнашиш мақсадида, башарти бу қилинмаган бўлса, вақтинча ҳозир бўлган бошқа иштирок этувчи давлатларнинг фуқароларига зарур шахсий хавфсизлик кафолатланишини таъминлаш учун ҳар қандай керакли чоралар кўрадиладар.

(...)

(31) Улар ўз ҳудудларидаги озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки минтақавий маданиятларга мансуб бўлган шахсларнинг мақоми бошқа фуқаролар фойдаланадиган, ЕХХК Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларига мувофиқ одамлар ўртасидаги муносабатларга доир мақомга тенг бўлишини ҳамда бу шахслар бундай муносабатларни сафарлар ва бошқа воситалар орқали, шу жумладан умумий миллий келиб чиқиши ёки маданий мерос уларни бирлаштирадиган бошқа давлатларнинг фуқаролари билан муносабатлар ўрнатишлари ва сақлашлари мумкинлигини таъминлайдилар.

(32) Улар диндорларга, руҳонийларга ва уларнинг вакилларига гуруҳ асосида ёки якка тартибда хусусан сафарларга бориш, зиёрат қилиш ҳамда йиғилишларда ва бошқа диний тадбирларда иштирок этиш орқали ўзларининг ҳамда бошқа мамлакатларда тўғридан-тўғри шахсий муносабатлар ва бир-бири билан муомала қилишни ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга рухсат берадиладар. Шу маънода ва бундай муносабатлар ҳамда тадбирларга мос даражада уларнинг дини ва эътиқодига

тааллуқли диний нашрлар ҳамда диний маросим ашёлари сотиб олишга, олишга ва ўзлари билан олиб боришга рухсат этилади.

Копенгаген 1990 йил

(9) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тасдиқлайдилар:

(...)

(9.5) улар давлатнинг халқаро ҳуқуқ бўйича халқаро мажбуриятларига ва ЕХҲҚ бўйича мажбуриятларига мувофиқ ҳар қайси одамнинг ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўзининг мамлакатини ҳам тарк этиш ҳамда ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Бу ҳуқуқнинг чекловлари кам учрайдиган истиснолар тусига эга бўлиб, улар шундай ҳолларда зарур саналадики, қачонки улар муайян ижтимоий эҳтиёжга жавоб беради, қонуний мақсадни кўзлайди ва бу мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда суистеъмол ёки ўзбошимчалик билан қўллаш предмети бўлмайди;

(...)

(10.4) бундай гуруҳлар ва ташкилотларнинг аъзоларига ўз мамлакатларида ва унинг ташқарисида шу каби органлар билан монеликсиз танишиш имконияти бўлишига ва улар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқани сақлаб туришга ва бундай гуруҳлар ҳамда ташкилотлар билан фикр алмашиш, алоқаларни сақлаб туриш ва ҳамкорлик қилиш (...)

(...)

(19) Иштирок этувчи давлатлар ўз фуқароларининг янада эркин ҳаракатланиши ва улар ўртасидаги муносабатлар инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш маъносида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайдилар. Улар ўз ҳудудларига кириш сиёсатининг Якунловчи ҳужжат, Мадрид Якуний ҳужжати ва Вена Якунловчи ҳужжатининг тегишли қоидаларида баён қилинган мақсадларга тўла даражада мувофиқ бўлишини таъминлайдилар. Улар ЕХҲҚ ҳужжатларида акс эттирилган мажбуриятлардан воз кечмасликка қарор қилганликларини тасдиқлаб, инсонлар ўртасидаги, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама асосдаги муносабатлар соҳасидаги ҳозирги мажбуриятларни тўлиқ бажариш ва такомиллаштиришни ўз зиммаларига оладилар. Улар шу маънода қуйидагиларни амалга оширадилар:

(19.1) ўз ҳудудларига бошқа давлатлар фуқароларининг киришига доир тартиботни, шу жумладан мамлакатга киришга рухсатномалар берилиши, паспорт ва божхона назоратини виждонан ва асоссиз кечиктиришларсиз бажаришга интиладилар. Улар зарур бўлганда мамлакатга киришга рухсатномалар бериш ҳақидаги қарорлар қабул қилиниши муддатларини қисқартирадилар, шунингдек мамлакатга киришга рухсатномалар бериш тўғрисидаги илтимосномаларга доир амалиётни соддалаштирадилар ва маъмурий талабларни камайтирадилар;

(19.2) мамлакатга киришга рухсатномалар бериш ҳақидаги илтимосномаларнинг кўриб чиқирилишида, хусусан муҳим оилавий, шахсий ёки касбий фикр-мулоҳазалар, айниқса зудлик билан амалга ошириладиган гуманитар тусдаги фикр-мулоҳазаларнинг зарур даражада ҳисобга олиниши учун бу жараён иложи борица тезроқ ўтишини таъминлайдилар;

(19.3) зарур бўлганда мамлакатга кириш рухсатномалари бериш ҳақидаги илтимосномалар билан боғлиқ йиғимларни мумкин қадар энг кам даражагача камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

ЕХХК бўйича мажбуриятларимизга мувофиқ, биз фуқароларимизнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, ахборотлар ва ғоялар оқимининг тўсиқларсиз ўтиши эркин жамиятлар ва раванг топаётган маданиятларни сақлаш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаймиз (...)

Москва 1991 йил

(33) Иштирок этувчи давлатлар, уларнинг миллий қонунларига мувофиқ бўлган ЕХХК доирасидаги мажбуриятларга ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга мувофиқ келадиган ҳарбий манфаатлар, хавфсизлик, экология ёки бошқа қонуний давлат манфаатларидан ташқари, ўз фуқаролари ва хорижий фуқароларнинг ўз ҳудуди доирасида ҳаракатланишга ҳамда доимий истиқомат қилиш ҳуқуқига эга шахсларнинг яшаш жойига тааллуқли барча ҳуқуқий ва бошқа чеклашларни бартараф этадилар. Иштирок этувчи давлатлар бундай чеклашларни энг кам даражага етказиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

40. Улар ўз фаолиятида бошқа давлатлар фуқаролари билан муносабатда бўладиган маъмурий органлар томонидан ЕХХК доирасида қабул қилинган сафарларга бориш борасидаги мажбуриятларнинг тўла бажарилишини рағбатлантирадилар ҳамда шахс билан камситадиган муомалада бўлишдан ва унинг кадр-қимматига нисбатан бошқа тажовуз қилишдан ўзларини тиядилар.

Любляна 2005 йил (Чегаралар хавфсизлиги ва чегара тартиби соҳасидаги концепция: ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг ҳамкорлик қилишлари учун доиралар)

2. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўзларининг барча даражаларда қабул қилган чегараларга тааллуқли масалалари бўйича юридик ва сиёсий мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар:

2.1 Глобал даражада: Иштирок этувчи давлатлар чегара хавфсизлиги ва чегара тартиби масалалари бўйича ўзларининг халқаро ҳуқуққа мувофиқ мажбуриятларини, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар, қочоқлар ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқ бўйича мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар ҳамда шунингдек Жаҳон божхона ташкилоти, Миграция масалалари бўйича халқаро ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси ва бошқа тегишли халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳисобга олишлари мумкин; (...)

4. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг чегара ва божхона хизматлари, кириш ва чиқиш ҳужжатлари ҳамда визалар бериш учун жавоб берадиган идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли идоралари ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ҳамкорликни ривожлантирадилар:

4.1 Тегишли ҳуқуқий нормалар, халқаро ҳуқуқ ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятлар доирасида чегаралар орқали одамлар, товарлар, хизматлар ва инвестицияларнинг эркин ва хавфсиз ҳаракатланишини, жумладан кириш ва чиқиш ҳужжатлари ишонарлигини ошириш ҳамда, зарур ҳолларда, юқорида қайд этилган

хужжатларда белгилаб қўйилган мажбуриятлар руҳида виза тартибини либераллаштириш учун қулай шароитлар яратиш йўли билан қўллаб-қувватлайдилар;

(...)

4.5 Тегишли миллий ҳуқуқий нормалар, халқаро ҳуқуқ, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуққа, қочоқлар ҳуқуқига ва гуманитар ҳуқуққа, шунингдек ЕХҲТ доирасида қабул қилинган тегишли мажбуриятларга мувофиқ чегарани кесиб ўтиш истагида бўлган барча шахслар билан муносиб муомалани таъминлашга ёрдам кўрсатадилар;

3.1.12 Шахсий ва оила турмушини ҳурмат қилиш

Шунингдек қаранг:

§ II.3.1.11: Ҳаракат қилиш, инсонлар ўртасидаги алоқа эркинлиги ва оилани бирлаштириш ҳуқуқи

Москва 1991 йил

(24) Иштирок этувчи давлатлар шахсий ва оилавий турмуш, уй-жой, ёзишмалар ва электрон хабар етказишлар сирининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқини тасдиқлайдилар. Ҳар қандай демократик жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган давлатнинг алоҳида шахс ҳаётига ноқонуний ёки беихтиёр аралашувининг олдини олиш учун бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши фақат қонунда назарда тутилган ва инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро эътироф этилган андозаларга мувофиқ келадиган ҳолларда чекланади. Жумладан, иштирок этувчи давлатлар шахслар, тинтув қилиниши ва ҳибсга олиниши шунингдек, хусусий хоналар ва мол-мулкнинг тинтув қилиниши фақат суд ҳимояси билан таъминланган шундай нормаларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлайдилар.

3.1.13 Фуқаролик ҳуқуқи

Шунингдек қаранг:

§ II.4.4: Қочоқлар, кўчирилган шахслар ва қайтиб келаётган шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(55) Ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эга эканлигини ва ҳеч ким ўз фуқаролигидан зўравонлик билан маҳрум этилиши мумкин эмаслигини тан оладилар.

(56) Фуқароликнинг барча жиҳатлари қонунчилик жараёни билан тартибга солинишини таъкидлайдилар. Зарур бўлганда улар ўз мамлакатларининг конституциявий тузилишига мувофиқ тадбирларни фуқаролиги бўлмаган шахслар қўпайиб кетмаслиги учун қўллайдилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

19. (...) Биз ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эгалигини ва ҳеч ким ўз фуқаролигидан асоссиз маҳрум қилиниши мумкин эмаслигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз ҳар бир шахс бу ҳуқуқдан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш мажбуриятини оламиз. Биз, шунингдек,

фуқаролиги йўқ шахслар янада ишонарли халқаро ҳимояланишига эришиш қатъий ниятдамиз.

3.1.14 Мулккий ҳуқуқлар

Бонн 1990 йил

Иштирок этувчи давлатлар (...) қуйидагиларга эришишга ёки риоя этишга интиладилар:

(...)

мулкчиликнинг барча шакллари, шу жумладан хусусий мулкни ва фуқароларнинг уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини;

шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқини тўла эътироф этиш ва ҳимоя қилиш; хусусий мулк жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш учун олинган тақдирда тез, адолатли ва самарали компенсация қилиниши ҳуқуқи;

(...)

Копенгаген 1990 йил

(9) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тасдиқлайдилар:

(...)

(9.6) ҳар бир одам ўз мулкидан яқка тартибда ёхуд бошқалар билан бирга тинчлик йўли билан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас, жамият манфаатлари билан белгиланадиган қонунда ҳамда тегишли халқаро мажбуриятларда ва халқаро ҳуқуқий мажбуриятларда кўзда тутилган шароитдаги ҳоллар бундан мустасно.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз ҳар бир шахс (...) ҳеч қандай камситишсиз (...) қуйидаги ҳуқуқларга эгаллигини тасдиқлаймиз:

(...)

яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ва шахсий тадбиркорлик билан шуғулланиш (...)

3.2 ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР

3.2.1 Умумий қоидалар

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси — VII–IX принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] инсон шахсининг кадр-қимматидан келиб чиқадиган ҳамда унинг эркин ва тўла ривожланиши учун муҳим ҳисобланадиган фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда бошқа категориядаги ҳуқуқ ва эркинликлардан самарали фойдаланишни рағбатлантирадилар ҳамда ривожлантирадилар.

(...)

Улар тенглар сифатида ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, ўзаро тушуниш ва ишониш, дўстона ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари, халқаро тинчлик,

хавфсизлик ва адолат учун кўмаклашишга интиладилар. Улар ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, халқларнинг фаровонлигини юксалтиришга ҳамда уларнинг кенгайиб бораётган ўзаро танишиш ҳамда иқтисодий, илмий, техник, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалардаги тараққиёт ҳамда ютуқлардан келиб чиқадиган афзалликлардан фойдаланиш орқали орзуларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашишга тенг равишда интиладилар. Улар ҳамма ушбу афзалликлардан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш бўйича ҳаракат қиладилар; улар ҳамманинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайитиришга бўлган манфаатларини ва, хусусан, бутун дунёда ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини инобатга оладилар.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] тенглар сифатида ўзларининг (...) инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари соҳасидаги қонунлари ва маъмурий қоидаларини такомиллаштиришга бўлган қатъиятларини таъкидлайдилар; улар, шунингдек, бу ҳуқуқ ва эркинликлар самарали амалга оширилишини таъминлашга бўлган қатъиятларини таъкидлайдилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(12) [Иштирок этувчи давлатлар] тан оладиларки, барча фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқлар ва эркинликлар бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, улар барча зарур усуллар орқали тўлиқ амалга оширилиши керак.

(13) Шу муносабат билан улар:

(13.1) инсоннинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги ўз қонунлари, маъмурий қоидалари ҳамда сиёсатларини такомиллаштирадилар ва уларни амалиётда бундай ҳуқуқ ҳамда эркинликларни қамолатлаш мақсадида қўллайдилар;

(13.2) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактга доир Факультатив протокол ҳамда бошқа тегишли халқаро воситаларга қўшилиш ҳақидаги масалани, башарти улар буни қилмаган бўлсалар, кўриб чиқадиладар;

(...)

(14) Иштирок этувчи давлатлар эътироф этадиларки, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқларнинг, шунингдек ҳам фуқаролик, ҳам сиёсий ҳуқуқларнинг ривожига кўмаклашиш инсон кадр-қиммати учун ва ҳар бир шахснинг қонуний интилишлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу боис улар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг тўла рўёбга чиқишини изчил таъминлаш мақсадида барча зарур усуллар орқали, хусусан қонунчилик чораларини кўриш йўли билан ўз ҳаракатларини давом эттирадилар.

Шу муносабат билан улар бандлик, уй-жой, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳасидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратадилар. Улар ўз мамлакатларида, шунингдек ўзаро ва бошқа давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришда ҳар бир шахс ҳақиқатан ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан тўлиқ даражада фойдаланиши учун барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг рўёбга чиқишига доимий равишда кўмаклашадилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз ҳар бир шахс (...) ҳеч қандай камситишларсиз (...) қуйидаги ҳуқуқларга эгаллигини тасдиқлаймиз:

(...)

Ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш.

3.2.2 Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

А. Умумий қоидалар

Бонн 1990 йил

[Иштирок этувчи давлатлар] қуйидагиларга эришишга риоя этишга интиладилар:

(...)

- ижтимоий адолатни қарор топтириш ҳамда турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам берадиган сиёсат;

(...)

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Иқтисодий эркинлик, ижтимоий адолат ва атроф муҳитга маъсулиятли муносабатда бўлиш равақ топиш учун мутлақ заруратдир.

Демократия шароитларида амалга ошириладиган ва қонун устунлиги билан ҳимоя қилинадиган шахснинг эркин иродаси муваффақиятли иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун зарур асосни ташкил этади. Биз инсон кадр-қиммати ҳурмат қилинган ва қарор топтирилган ҳолда амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятни рағбатлантирамыз.

Эркинлик ва сиёсий плюрализм бизнинг умумий мақсадимиз — бозор иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсиш, равақ топиш, ижтимоий адолат, бандликни кўпайтириш ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишида ривожлантиришнинг зарур унсурлари ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўналишида ҳаракат қилаётган мамлакатларнинг бунга муваффақ бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир ва ҳаммамизнинг манфаатларимизга жавоб беради. Бу бизга фаровонликнинг янада юқори даражасига кўтарилиш имкониятини беради, бу эса бизнинг умумий мақсадимиздир. Биз бу вазифани ҳал этиш учун ҳамкорлик қиламыз.

Истамбул 1999 йил (Европа ҳавфсизлиги хартияси: II. Ҳаммамиз учун умумий даъватлар)

5. Иқтисодий муаммолар ва атроф муҳитнинг кескин ёмонлашиши бизнинг ҳавфсизлигимиз учун жиддий оқибатлар келтириб чиқаради. (...) Биз иқтисодий ва экологик ислохотлар ўтказишни давом эттириш, иқтисодий фаолият учун барқарор ва транспарент доираларини таъминлаш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга зарур эътибор қаратган ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш йўли билан янада қатъийроқ чоралар кўрамыз. (...)

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда ҳавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

14. Барқарорлик ва ҳавфсизликка таҳдид солаётган иқтисодий омиллари ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг чуқурлашиши, қонун устунлиги мавжуд эмаслиги,

давлат ва корпоратив бошқарувнинг заифлиги, коррупция, оммавий қашшоқлик ва ишсизликнинг юқори даражасидан иборатдир. Улар бошқа жиддий таҳдидлар учун қулай муҳит яратиши мумкин. Атроф муҳитнинг ёмонлашиши, табиий ресурсларнинг беқарор истеъмол қилиниши, чиқиндиларга маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлиш ва табиатни ифлослантириш экотизимга таъсир кўрсатади ҳамда аҳоли соғлиғи ва фаровонлиги, давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига жиддий салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Экологик фалокат худди шундай оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу омиллар билан боғлиқ бўлган бошқарув муаммолари бевосита зиён келтиради ва айни пайтда барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳамда иқтисодий ва экологик даъватларга ҳамда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга самарали қарши туриш салоҳиятини камайтиради.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг иқтисодий ва экологик мезонлар соҳасидаги ҳужжат-стратегияси)

2.2 Зарур бошқарувни қарор топтириш

(...)

Ижтимоий шароитлар

2.2.13 Зарур бошқарув ва барқарор ривожланиш ижтимоий шериклик ва жипсликни мустаҳкамлайдиган сиёсат ва тизимлар мавжуд бўлишини назарда тутди. Биз мақбул нархлар бўйича тиббий хизмат, пенсия таъминоти ва таълим каби базавий ижтимоий хизматлардан ҳамма фойдалана олишини кенгайтириш учун, ижтимоий ночор гуруҳларни тегишли ҳимоя қилиш ва ижтимоий жиҳатдан ажратиб қўйишга йўл қўймаслик бўйича саъй-ҳаракатлар қиламиз.

2.2.14 Биз ижтимоий шароитларни яхшилаш, шу жумладан жамиятдаги ночор гуруҳларни аниқлаш ва уларни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш, тегишли ва самарали ижтимоий ҳимоя тармоқларини яратиш, тиббий хизмат тизимини мустаҳкамлаш, ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш ва реалибитация дастурларини амалга ошириш йўли билан яхшилаш юзасидан чоралар қўриш қатъиятидамиз.

(...)

2.3 Барқарор ривожлантиришни таъминлаш.

2.3.3 Биз иштирок этувчи давлатларнинг қашшоқлик қўламларини камайтириш ва барқарор ривожланишни, жумладан ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда қашшоқлик қўламларини қисқартириш миллий дастурларини амалга оширишни таъминлаш сиёсатини олиб бориш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Биз тегишли тажриба ва ресурсларга эга бўлган халқаро ташкилотлар ва институтлар томонидан зарур маслаҳатлар бериш ва бошқа ёрдам кўрсатишларни маъқуллаймиз.

Любляна 2005 йил (Чегаралар хавфсизлиги ва чегара тартиби соҳасидаги концепция: ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ҳамкорлик қилишлари учун доиралар)

4. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг чегара ва божхона хизматлари, кириш ва чиқиш ҳужжатлари ҳамда визалар бериш учун жавоб берадиган идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли идоралари ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ҳамкорликни ривожлантирадилар:

(...)

4.6 Чегара атрофидаги ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун, шунингдек чегара атрофидаги ҳудудларда истиқомат қиладиган ҳар қандай жамоаларга тааллуқли шахсларнинг раванқ топиши ва маданий ривожланиши ҳамда барча имкониятлардан фойдаланишни таъминлаши учун қулай шароитлар яратиш.

В. Меҳнаткашлар ҳуқуқлари

Шунингдек қаранг:

§ II.4.5: Мигрант ишчилар

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларини эркин ташкил этиш ва уларга кириш ҳуқуқини, касаба уюшмаларининг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириш ҳуқуқини ҳамда тегишли халқаро ҳужжатларда қайд этилган бошқа ҳуқуқларни таъминлайдилар. Улар шунини таъкидлайдики, бу ҳуқуқлар давлат қонунчилигига риоя этилган ҳолда ва давлатнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилади. Улар бундай касаба уюшмалари ва уларнинг вакиллари ўртасидаги бевосита алоқаларни зарур тарзда рағбатлантирадилар.

Бонн 1990 йил (Муқаддима)

(...)

иштирок этувчи давлатлар,

сиёсий плюрализм ва бозор иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлигини эътироф этиб ҳамда қуйидаги принципларга содиқ бўлиб:

(...)

- тегишли равишда инсон кадр-қимматини қарор топтирадиган ва мажбурий меҳнатдан, меҳнаткашларни ирқи, жинси, тили, сиёсий қарашлари ёки динга сиғиниши бўйича камситиш ёхуд меҳнаткашларни мустақил касаба уюшмалар ташкил этиш ёки уларга кириш эркинлиги ҳуқуқини маҳрум этишдан ҳоли бўлган иқтисодий фаолият;

қуйидагиларга эришиш ёки риоя этишга интиладилар (...)

Копенгаген 1990 йил

(9) Иштирокчи давлатлар қуйидагиларни тасдиқлайдилар:

(...)

(9.3) уюшиш ҳуқуқи кафолатланади. Касаба уюшмасининг умумий ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмасини ташкил қилиш ҳуқуқи ва ўз аъзолигини белгилаш, касаба уюшмасига эркин аъзо бўлиш кафолатланади. Бу ҳуқуқлар ҳар қандай дастлабки назоратни истисно этади. Ишчилар учун уюшиш эркинлиги, шу жумладан иш ташлаш эркинлиги қонунда кўрсатилган ва халқаро андозаларга мос бўлган чеклашлар билан бирга кафолатланади;

3.2.3 Маданий ҳуқуқлар/маданий мерос

Шунингдек қаранг:

§ II.3.1.10 С: Маданий ва бадиий ифода этиш эркинлиги

§ II.4.1 Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар

§ II.4.2 Рома ва синти

§ II.5.3.5: Бағрикенглик, тушуниш ва ҳурмат қилишни, шу жумладан хотира ҳурмати рағбатлантириш

Краков 1991 йил (Муқаддима)

[Иштирок этувчи давлатлар] маданий ҳаёт билан ўз халқларининг фаровонлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, шунингдек бундай боғлиқликнинг демократик мамлакатлар учун бозор иқтисодиётига ўтишга тааллуқли жиҳатлари учун алоҳида аҳамиятини маълумот учун қабул қиладилар. Улар қабул қилинган мажбуриятларига мувофиқ бу мамлакатларга уларнинг маданий меросини сақлаш ва муҳофаза қилишда қўллаб-қувватлашларни ва узлуксиз ёрдам беришни рағбатлантирадилар.

(...)

Минтақавий маданий хилма-хиллик иштирок этувчи давлатларнинг умумий маданий ўзига хослиги бойлигини акс эттиради. Уни сақлаш ва муҳофаза этиш демократик, тинч ва бирлашган Европани барпо этишга ёрдам беради.

(...)

II. Маданият ва мерос

10. Иштирок этувчи давлатлар улар ҳар бирларининг маданий мероси келажак авлодларга топширилиши зарур бўлган цивилизация, хотира ва умумий тарихларининг ажралмас қисми эканлигига чуқур ишончларини билдирадилар.

11. Иштирок этувчи давлатлар Европа Кенгаши ва ЮНЕСКОнинг тегишли халқаро ҳужжатларида қайд этилган маданий мероснинг археологик қадриятлари ва архитектура мероси тушунчасини маълумот учун қабул қиладилар.

12. Келажак авлодларга топширилиши мумкин бўлган маданий мерос энг муҳим унсурларидан бири диққатга сазовор жойлар, тузилмалар, маданий ландшафтлар, объектлар ва маданий тизимлар, жумладан ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳолатдаги тарихий, диний ва маданий обидаларни тўла ва мунтазам ҳужжатларда акс эттириш ҳисобланади.

13. Иштирок этувчи давлатлар, шунингдек, тил тўсиқлари, иқлим ёки жўғрофий узоқлик, аҳолининг камсонлиги ёки тарихий бурилишлар ҳамда сиёсий вазиятлар сабаблари бўйича кенг эътироф этилмаган маданиятларни ҳам ўзларининг умумий маданий меросининг муҳим унсурлари сифатида эътироф этадилар.

14. Иштирок этувчи давлатлар халқаро келишувлар ва ўзларининг бу соҳадаги ички қонунчилигига мувофиқ маданий меросни муҳофаза этиш учун имкони бўлган ҳамма нарсани қиладилар.

15. Иштирок этувчи давлатлар маданият, экология ҳамда минтақалар ва шаҳарларни режалаш тадбирларини ишлаб чиқишда маданий меросни сақлаш, ривожлантириш ва тиклашга эътибор берадилар. Улар зарурат ва имконият бўлган ҳолатларда айрим лойиҳаларни уларни тегишли шаҳар ёки кишлоқ ўраб туришини сақлаб қолиш билан боғлаш муҳимлигини таъкидлайдилар.

16. Иштирок этувчи давлатлар маданий мерос билан иложи борица кенгрок танишишни таъминлаш муҳимлигини эътироф этадилар. Бунда, жумладан, улар ногиронларнинг эҳтиёжларига эътибор берадилар.

16.1 Улар маданий мерослардан фойдаланиш ва бу жойларда кенг жамоатчиликнинг бўлиши натижасида маданий меросларга етказилиши мумкин бўлган зарардан муҳофаза қилиш учун имкони бўлгани ҳамма нарсани амалга оширадилар.

16.2 Улар жамоатчилик томонидан мероснинг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш зарурлигини англаб етишларини қўллаб-қувватлайдилар.

16.3 Улар имконияти бўлган барча ҳолатларда тадқиқотчилар ва олимлар тегишли туб асосий ҳужжатлар ва архив материалларидан фойдаланишларини енгиллаштиришга интиладилар.

17. Иштирок этувчи давлатлар ноҳукумат ташкилотларининг маданий меросдан хабардорликни кенгайтириш ва уни муҳофаза қилиш заруратини англатишдаги ролини миннатдорчилик билан таъкидлайдилар.

18. Маданий меросни самарали ва ҳар тарафлама сақлашни таъминлашда ҳам хусусий, ҳам давлат секторидаги турли гуруҳлар ўртасида маҳаллий, минтақавий ва миллий даражалардаги шериклик катта роль ўйнайди. Турли гуруҳларга маданий қадриятлар ва маданий меросни сақлаш муҳимлигини тушунтириш бу гуруҳларни мазкур ишга жалб этишга ёрдам беради, бу улкан аҳамиятга эга турли маданиятларга тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаш имконини беради.

19. Иштирок этувчи давлатлар маданий меросни сақлаш тўғрисидаги ахборот айирбошлашнинг фойдалиги ва муҳимлигини эътироф этадилар ҳамда миллий ва кўп миллатли даражаларда маълумотлар банкидан фойдаланиш бу ишга катта ҳисса қўшиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Москва 1991 йил

(35) Иштирок этувчи давлатлар ижод эркинлигининг кафолатланиши ва маданий мероснинг сақлаб қолиниши ЕХХҚ инсонийлик мезонларининг таркибий қисми ҳисобланади, деб эътироф этадилар. Улар мустақил ақлий ва маданий турмуш эркин жамиятлар ҳамда демократик институтларнинг амал қилиши учун ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Улар маданий мерос бўйича Краков симпозиуми Ҳужжатида баён қилинган маданият соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажарадилар (...)

Любляна 2005 йил (Чегаралар хавфсизлиги ва чегара тартиби соҳасидаги концепция: ЕХХҚнинг иштирок этувчи давлатлари ҳамкорлик қилишлари учун доиралар)

4. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг чегара ва божхона хизматлари, қириш ва чиқиш ҳужжатлари ҳамда визалар бериш учун жавоб берадиган идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли идоралари ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ҳамкорликни ривожлантирадилар:

(...)

4.6 Чегара атрофидаги ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун, шунингдек чегара атрофидаги ҳудудларда истикомат қиладиган ҳар қандай жамоаларга тааллуқли шахсларнинг раванқ топиши ва маданий ривожланиши ҳамда барча имкониятлардан фойдаланишни таъминлаши учун қулай шароитлар яратиш.

3.2.4 Таълим олиш ҳуқуқи

Вена 1989 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(63) [Иштирок этувчи давлатлар] барчага ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши,

мулкӣ ҳолати, туғилиши ёхуд бошқа ҳолат бўйича камситмасдан таълимнинг ҳар хил турлари ва даражаларидан фойдаланишни таъминлайдилар.

Копенгаген 1990 йил

(34) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг, тегишли давлатнинг расмий тили ёки расмий тилларини ўрганиш заруриятидан қатъи назар, ўзининг она тилини ва ўз она тилида ўрганиши учун, шунингдек, мумкин ва зарур бўлганда қўлланиладиган миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз она тилидан давлат органларида фойдаланиши учун лозим даражадаги имкониятларга эга бўлишларини кафолатлашга ҳаракат қиладилар (...)

Ўқув юртларида тарих ва маданиятнинг ўқитилиши маъносида ҳам улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг тарихи ва маданиятини ҳисобга оладилар.

4. АЙРИМ ГУРУҲЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛАДИГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

4.1 ОЗЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ МИЛЛАТЛАР

Шунингдек қаранг:

§ I.2.3.4 В: Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар

§ II.4.2: Рома ва синти

§ II.5: Тенглик, бағрикенглилик ва камситмасликка тааллуқли мажбуриятлар

4.1.1 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан имкониятлар тенглиги ва камситмасликни ҳимоя қилиш

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларнинг декларацияси — VII принцип)

Ҳудудида озчиликни ташкил қилувчи миллатлар мавжуд бўлган иштирок этувчи давлатлар бундай миллатларга мансуб бўлган шахсларнинг қонун олдида тенглиги ҳуқуқини ҳурмат қиладилар, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан амалда фойдаланиши учун тўла имконият яратадилар ва шу тариқа уларнинг ушбу соҳадаги қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] шунингдек озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини таъминлашда, улар томонидан бу ҳуқуқлардан амалда фойдаланишларида, шунингдек уларнинг қонуний манфаатларини Яқунловчи ҳужжатда кўзда тутилганидек ҳимоя қилишда доимий тараққиётга эришиш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(18) Иштирок этувчи давлатлар Яқунловчи ҳужжат ва Мадрид Яқунловчи ҳужжатининг озчиликни ташкил қилганларга тааллуқли қоидаларини амалга ошириш бўйича узлуксиз ҳаракат қиладилар. Улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ўз ҳудудларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган барча зарурий қонунчилик, маъмурий, юридик ва бошқа чораларни, шунингдек тегишли халқаро воситаларни қўллайдилар. Улар бундай шахсларга нисбатан ҳар қандай камситишдан тийилиб турадилар ва уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги қонуний манфаатлари ва умидларини амалга оширишга ёрдам кўрсатадилар.

Копенгаген 1990 йил

(30) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тегишли масалалар қонун устуворлигига асосланган фақат демократик сиёсий доираларда, мустақил суд тизими амал қиладиган шароитда қоникарли тарзда ҳал қилиниши мумкин, деб эътироф этадилар. Бу доиралар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг тўла ҳурмат қилинишини, уларнинг барча қонуний манфаатлари ва орзу-умидларининг эркин ифодаланишини, сиёсий плюрализмни, ижтимоий бағрикенгликни ва давлат ҳокимиятининг суистеъмол қилиниши йўлига самарали тўсиқ қўядиган ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини кафолатлайди.

(...)

Улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларининг умум эътироф этган инсон ҳуқуқларининг бир қисми сифатида ҳурмат қилиниши иштирок этувчи давлатлардаги тинчлик, адолат, барқарорлик ва демократиянинг муҳим омили ҳисобланишини ҳам тасдиқлайдилар.

(31) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай камситишсиз ҳамда қонун олдида тўлиқ тенглик шароитида ва самарали амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Иштирок этувчи давлатлар зарурат бўлганида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқаришда ҳамда улардан фойдаланишда бошқа фуқаролар билан тўлиқ тенгликни кафолатлаш мақсадида махсус чора-тадбирларни қабул қиладилар.

(32) Шахснинг озчиликни ташкил қилувчи миллатга мансублиги унинг шахсий танлови предмети ҳисобланади ва бундай танлов амалга оширилиши туфайли ҳеч қандай нохуш оқибатлар келиб чиқиши мумкин эмас.

(...)

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар якка тартибда, шунингдек, ўз гуруҳларининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва улардан фойдаланиши мумкин. Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахс учун шундай ҳуқуқларнинг ҳар қандай турини амалга оширганлиги ёки амалга оширмаганлиги сабабли ҳеч қандай кўнгилсиз оқибатлар вужудга келиши мумкин эмас.

(...)

(35) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг давлат ишларида, шу жумладан озчиликни ташкил қилувчи бундай миллатларнинг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилишига тааллуқли ишларда қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

(...)

(36) Иштирок этувчи давлатлар ўзлари ўртасида озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари юзасидан конструктив ҳамкорликни ривожлантиришнинг алоҳида муҳимлигини эътироф этадилар. Бундай ҳамкорлик ўзаро бир-бирини тушуниш ҳамда ишонч, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари, халқаро тинчлик, хавфсизлик ҳамда адолатга кўмаклашиш мақсадини кўзлайди.

Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўз ҳудудида яшайдиган барча шахслар ўртасида этник ёки миллий келиб чиқиш ё диндан катъи назар ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик муҳитига кўмаклашади ҳамда муаммоларнинг қонун устуворлиги принципларига асосланган мулоқот ёрдамида ҳал қилинишини рағбатлантиради.

(37) Ушбу қоидалардан ҳеч бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидаги мақсадлар ва принципларга, халқаро ҳуқуққа доир бошқа мажбуриятлар ёки Якунловчи ҳужжат қоидаларига, шу жумладан давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципига зид равишда ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ёки ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш бўйича қандайдир ҳуқуқни англатадиган қоида сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.

(38) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасидаги ўз саъй-ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд конвенциялар ва бошқа тегишли халқаро воситаларга биноан ўз мажбуриятларига тўла риоя қиладилар ҳамда улар, башарти ҳали буни қилмаган бўлсалар, тегишли конвенцияларга, шу жумладан алоҳида шахсларнинг шикоят қилиш ҳуқуқини назарда тутадиган конвенцияларга қўшилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадиладар.

(39) Иштирок этувчи давлатлар ўзлари аъзо бўлган ваколатли халқаро ташкилотларда, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва, тегишли ҳолларда, Европа Кенгашида уларнинг озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли масалалар юзасидан олиб борадиган ишларини ҳисобга олган ҳолда яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

(...) Биз бундан кейин шунини эътироф этамизки, озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари умумжаҳон инсон ҳуқуқларининг қисми сифатида тўла ҳурмат қилиниши керак (...)

Женева 1991 йил

II.

Иштирок этувчи давлатлар бундан буён ЕХҲКнинг озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга доир мажбуриятларининг бажарилишини синчковлик билан муҳокама қилиб бориш зарурлигини тасдиқлайдилар.

Улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг негизи эканлигини таъкидлайдилар (...)

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли масалалар, шунингдек, уларга мансуб шахсларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлари ва бошқа халқаро мажбуриятларига риоя қилиш қонуний халқаро ташвишга сабаб бўлган масалалар ҳисобланади. Бинобарин, улар тегишли давлатнинг мутлақо ички иши ҳисобланмайди.

Улар барча этник, маданий, тилга оид ва диний тафовутлар ҳам, албатта, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг пайдо бўлишига олиб келавермаслигини таъкидлайдилар.

III.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб, давлат ишларида фаол қатнашадиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг аҳволига доир масалалар ўз мамлакатларида муҳокама қилинаётган ҳолларда уларнинг ўзларига бу жараёнда самарали иштирок этишлари учун ҳар қайси давлатнинг ўз қонун-қоидаларига мувофиқ имкон бериш керак деб ҳисоблайдилар (...)

Улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун муайян тарзда муаммоларни музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали амалий ҳамда мулоқот асосида ҳал қилиш мақсадида махсус саъй-ҳаракатлар қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Улар давлатлар ўртасидаги ва давлатлар билан озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўртасидаги мулоқотга таъсир ўтказиш барча томонлар ўртасида ахборот ва ғояларнинг эркин оқими мавжуд бўлганда янада муваффақиятлироқ кечишини эътироф этадилар. Улар ЕХҲҚнинг озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли мажбуриятлари бажарилишининг самарадорлигини ошириш имкониятларини ўрганиш юзасидан ҳукуматларнинг икки томонлама ва кўп томонлама саъй-ҳаракатларини рағбатлантирадилар.

Иштирок этувчи давлатлар бундан буён инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш камситишсиз асосда, бутун жамият доирасида амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Асосан озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар истиқомат қиладиган ҳудудларда ушбу озчиликка мансуб шахслар ва тегишли давлатда кўпчиликни ташкил қилувчи аҳоли ҳамда бу ҳудудларда яшайдиган бошқа озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенг равишда ҳимоя қилинади.

(...)

Улар ваколатли органларга ўз ҳудудларида бўладиган барча давлат органларига режалаштирилган сайлов ҳақида ҳамда умуммиллий даражадан анча паст даражада ўтказиладиган сайлов ҳақида ҳам Эркин сайлов бўйича бюрони хабардор қилишга рухсат берадилар. Иштирок этувчи давлатлар умуммиллий даражадан анча паст даражада ўтказиладиган сайловда, шунингдек, озчиликни ташкил этувчи миллатлар яшайдиган ҳудудлардаги сайловда, қонун қанчалик йўл қўйишига қараб кузатувчиларнинг ҳозир бўлишини маъқуллайдилар ва бунини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

IV.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга давлат ҳаётида, иқтисодий фаолиятда ва жамиятни ривожлантиришда самарали иштирок этишлари учун тенг имкониятлар таъминлашга шарт-шароит яратиб берадилар.

Копенгаген ҳужжатининг 31-бандига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар алоҳида шахсларга нисбатан камситишнинг, айниқса, бу ҳол иш билан банд этиш, уй-жой ва таълимга тааллуқли бўлганида у ёки бу озчиликни ташкил қилган миллатга мансублиги ёки мансуб эмаслиги сабабли камситишнинг олдини олиш зарур чораларини кўради. Шу маънода улар ҳали чора кўрилмаган бўлса, озчиликни ташкил қилган миллатга мансублиги ёки мансуб эмаслиги оқибатида камситадиган муомала учраган алоҳида шахсларга ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланиш учун шароит, шу жумладан, камситишнинг муайян қурбонларига ҳуқуқий ҳимоянинг маъмурий ва суд воситаларидан фойдаланиш учун имконият яратиб берадилар.

(...)

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ҳам аҳолининг қолган қисми каби барча фуқаролик барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга эканлигини тасдиқлайдилар.

(...)

Улар демократик институтлар энди бирлашган, озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масаласи эса алоҳида ташвиш туғдириб турган бўлса, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг тарихий ва ҳудудий шароитларини ҳам ҳисобга олувчи бундай чора-тадбирларнинг жуда муҳим эканлигини эътироф этадилар.

Конституциявий тизимларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада қандайдир бир умумий ёндашувнинг бирор биридан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд қиладиларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

(...)

- озчиликни ташкил қилувчи миллатларга алоқадор икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ҳамда бошқа битимлар; (...)
- тенг ҳуқуқлилик ва камситмасликка оид қонунчилик ва ахборот тарқатишни кўриб чиқиш учун давлат тадқиқот муассасаларини ташкил қилиш; (...)
- амалиётдаги камситиш (масалан, фуқароларнинг ўзаро муносабатлари хизмати) билан алоқадор бўлган маҳаллий қийинчиликларни енгиб ўтишда давлат ёрдами кўрсатиш;
- озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг жамоаларида қуйи поғонадаги жамоалараро муносабатларни ўрнатиш бўйича, кўпчиликни ташкил қилган аҳоли жамоалари билан озчиликни ташкил этувчиларнинг жамоалари ҳамда чегарадош бўлган ҳудудлардаги жамоалар ўртасида жойларда юзага келиши мумкин бўлган ихтилофларнинг олдини олиш ва зиддиятлар келиб чиққан тақдирда уларни тинчлик йўли билан бартараф этиш борасидаги куч-ғайратларни рағбатлантириш;
- чегарадош ҳудудларда музокараларнинг доимийлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёки давлатлараро, ёхуд минтақавий доимий қўшма комиссиялар ташкил қилишни рағбатлантириш орқали ижобий натижаларга эришилди.

Иштирок этувчи давлатлар бу ва бошқа ёндашувлар, улар хоҳ якка тартибда, хоҳ уйғунликда бўлсин, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳудудларидаги шароитларини яхшилашга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

V.

Иштирок этувчи давлат озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг якка тартибда ёки бошқа фуқаролар билан биргаликда ўз ҳуқуқларини амалга оширишларини, ўз мамлакатлари доирасида ташкилотлар ва уюшмалар тузиш ҳамда уларга кўмак беришларини, халқаро ноҳукумат ташкилотлари ишида қатнашишларини ҳурмат қиладилар (...)

VI.

Иштирок этувчи давлат ирқий, этник ва диний адоватни, антисемитизм, ксенофобия ҳамда камситиш ҳолатларининг намоён бўлиши ўсиб бораётганидан ташвишланиб, кимга нисбатан бўлишидан қатъи назар, бундай ҳолатларни доимий равишда қоралаш хусусидаги ўз қатъиятларини таъкидлайдилар.

Шу маънода улар ромалар/лўлилар/нинг алоҳида муаммолари мавжудлигини тан олишларини эътироф этадилар. Улар одатда ромалар билан ўз давлатида яшаб келаётган одамлар ва бошқа аҳоли ўртасида тўлақонли тенгликка эришиш учун самарали чора-тадбирлар кўришга тайёрдирлар. Шунингдек, улар ромаларга ва улар рўбарў бўлаётган алоҳида муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган тадқиқот ва кидирув ишларини рағбатлантирадилар. Улар бағрикенглик, ўзаро

ҳамжихатлик ва имкониятларнинг тенглигини, келиб чиқиши турлича бўлган шахслар ўртасида ўзаро муносабатларни рағбатлантириш учун уларнинг мамлакатлари доирасида самарали чора-тадбирлар кўрадилар (...)

Москва 1991 йил

(37) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХҚнинг ҳамма ҳужжатларида, шу жумладан, ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференция Копенгаген кенгаши Ҳужжатида ва ЕХХҚ экспертлари Женева кенгашининг озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалаларига доир Маърузасида мавжуд бўлган озчиликни ташкил қилувчи миллатлар муаммоларига ҳамда уларга мансуб бўлган шахслар ҳуқуқларига тааллуқли қоидалар ва мажбуриятларни тасдиқлайдилар, уларни тўлиқ ҳамда тез вақт ичида бажаришга даъват этадилар. Улар, шу жумладан, ЕХХҚнинг янги ва кенгайтирилган тартиботи ҳамда русум-қоидаларининг қўлланилиши озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб бўлган шахслар ҳуқуқларини бундан кейин ҳам ҳимоя қилишга ва рағбатлантиришга кўмаклашадди, деб фарз қиладилар.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: II. ЕХХҚнинг Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари)

(1) Иштирок этувчи давлатлар Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари лавозимини таъсис этиш қарорини қабул қиладилар (...)

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(23) миллий озчиликларга тааллуқли масалалар ва миллий озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқларига оид масалаларда (...) ЕХХҚ бўйича ўзининг барча мажбуриятларини ҳеч бир пайсалга солмай ва виждонан бажариш мақсадини катъий тасдиқлайдилар.

(24) шу мақсадда улар миллий озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳар бир давлатда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига тааллуқли қарорлар қабул қилишнинг демократик тартиботларига мувофиқ тўлиқ равишда иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўшган ҳолда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини индивидуал асосда ва бошқалар билан биргаликда эркин амалга оширишнинг таъминлаб бериш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштирадилар (...)

(25) Миллий озчиликни ташкил этувчиларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хосликларини ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш учун шароитлар яратиш билан боғлиқ мажбуриятларини қўшган ҳолда ЕХХҚ бўйича тегишли мажбуриятларини янада самарали бажаришлари учун имкониятларни бир томонлама, иккитомонлама ва кўптомонлама тартибдаги саъй-ҳаракатлар асосида ўрганишни давом эттирадилар.

(26) Миллий озчиликларнинг муаммоларини ЕХХҚ принциплари ва мажбуриятлари асосида конструктив руҳда, тинч воситалар ва барча манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқот йўли билан ҳал қиладилар.

(27) Кўчиришлар амалиётидан воз кечадилар ва уларнинг ҳудудлари доирасидаги туманлардаги этник таркибни ўзгартириш мақсадида куч ишлатиш таҳдиди ёки уни қўллаб кўчиришларни амалга оширишга бўлган ҳаракатларни қоралайдилар (...)

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

21. Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ЕХХК Якунловчи ҳужжати қоидалари ва бошқа барча ҳужжатларининг бажарилишига изчил ёрдам беришда ўз қатъийлигини тасдиқлайдилар. Бу соҳада улар ОМОК амалга ошираётган ишларга юқори баҳо берадилар.

22. Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилашга доир халқаро ҳаракатни маъқуллайдилар. Улар Европа Кенгашида озчиликни ташкил этувчи миллатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги доирали конвенциянинг қабул қилинишини таъкидлайдилар. Улар мазкур Конвенциянинг Европа Кенгашига аъзо бўлмаган давлатлар учун ҳам таклифга кўра имзолашга очиқ эканлигини таъкидлайдилар; улар унга қўшилиш имкониятларини ўрганиш масаласини кўриб чиқишлари мумкин.

Лиссабон 1996 йил (XXI аср Европаси учун умумий ва кенг қамровли хавфсизлик модели тўғрисидаги декларация)

(10) (...)

- хавфсизликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса сифатида биз озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларига доир барча мажбуриятларимизни тўлиқ даражада ҳурмат қилиш ва бажаришга қатъий аҳд қилганимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Биз Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш истагида эканлигимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Биз ўз ҳудуди озчиликни ташкил қилувчи миллатлар муаммоларини ҳал қилишга интилаётган ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг илтимосига лаббай деб жавоб беришга тайёرمىз.

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

30. Биз қонунлар ва сиёсий кўрсатмалар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини (...) тўла даражада ҳурмат қилишни назарда тутишни таъминлашга қатъий аҳд қилганлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз (...) Шунингдек, биз камситишларга қарши ҳамма учун мутлақо тенг имкониятларни таъминловчи кенг қамровли қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ва тўлиқ қўлланилиши тарафдоримиз (...) Биз Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар Бюроси тавсияларини бажариш бора-сидаги ўз сазй-ҳаракатларимизни кучайтирамиз, деб яна бир таъкидлаб ўтамиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу ҳуқуқлар амалга оширилишига ёрдам кўрсатиш иштирок этувчи давлатларда ва улар ўртасидаги муносабатларда демократия, тинчлик, адолат ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади (...) Инсон ҳуқуқларини, шу жумладан озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилиш кўзланган мақсад бўлишидан ташқари ҳудудий яхлитлик ва суверенитетни қўпориши мумкин эмас, лекин мустаҳкамлаши мумкин (...) Биз ҳар қандай озчиликка нисбатан зўравонликни қоралаймиз. Биз бағрикенг руҳида тарбиялаш ва ҳамма учун, уларнинг миллий келиб чиқишидан

қатъи назар кенг имкониятлар тўла таъминланган плюралистик жамият барпо этиш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини оламин.

4.1.2 Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда самарали иштирок этиш

Копенгаген 1990 йил

(35) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг давлат ишларида, шу жумладан озчиликни ташкил қилувчи бундай миллатларнинг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилишига тааллуқли ишларда қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар муайян озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг этник, маданий, тил ва динга оид ўзига хослигини ҳимоя қилиш ҳамда уларни рағбатлантиришга шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу мақсадларга эришиш учун мумкин бўлган воситаларнинг бири сифатида манфаатдор давлатнинг сиёсатига мувофиқ лозим даражадаги, озчиликни ташкил қилувчи бундай миллатларнинг муайян тарихий ва ҳудудий шарт-шароитларига жавоб берадиган маҳаллий ёки автоном бошқарув органларини ташкил этиш йўли билан кўрилган саъй-ҳаракатларни қайд қиладилар.

Женева 1991 йил

III.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб, давлат ишларида фаол қатнашадиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг аҳволига доир масалалар ўз мамлакатларида муҳокама қилинаётган ҳолларда уларнинг ўзларига бу жараёнда самарали иштирок этишлари учун ҳар қайси давлатнинг ўз қонун-қоидаларига мувофиқ имкон бериш керак деб ҳисоблайдилар. Улар давлат ишларида фаол қатнашишнинг муҳим шarti — бу озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ёхуд улар вакилларининг директив ёки маслаҳатлашув органларида демократик асосларда иштирок этишларидир.

Улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун муайян тарзда муаммоларни музокаралар ва маслаҳатлашувлар орқали амалий ҳамда мулоқот асосида ҳал қилиш мақсадида махсус саъй-ҳаракатлар қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Улар давлатлар ўртасидаги ва давлатлар билан озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўртасидаги мулоқотга таъсир ўтказиш барча томонлар ўртасида ахборот ва ғояларнинг эркин оқими мавжуд бўлганда янада муваффақиятлироқ кечишини эътироф этадилар (...)

IV.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга давлат ҳаётида, иктисодий фаолиятда ва жамиятни ривожлантиришда самарали иштирок этишлари учун тенг имкониятлар таъминлашга шарт-шароит яратиб берадилар

(...)

Конституциявий тизимларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада қандайдир бир умумий бир ёндашувдан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд

қиладиларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

- маслаҳат, директив органларда, хусусан таълим, маданият ва дин билан боғлиқ бўлган органларда озчиликни ташкил этувчиларнинг вакиллигига эришиш;
- озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича ва сайлаб қўйиладиган органлар ва ассамблея;
- маҳаллий ва автоном бошқарув органлари ҳамда ҳудудий асосдаги автономия, шу жумладан эркин ва даврий асосда сайланадиган маслаҳатлашув, қонун чиқарувчи ҳамда ижроия органлари;
- агар ҳудудий асосда автономия мавжуд бўлмаса, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ўзига хослигига доир жиҳатларда ўзини ўзи бошқариш;
- марказлаштирилмаган ёки маҳаллий бошқарув шакллари;

(...)

Иштирок этувчи давлатлар бу ва бошқа ёндашувлар, улар хоҳ якка тартибда, хоҳ уйғунликда бўлсин, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳудудларидаги шароитларини яхшилашга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(...)

(24) Шу муносабат билан улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар томонидан ўз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, бунга демократик русум-қоидаларга мувофиқ ҳар бир давлатнинг ўз мамлакати сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида қарорлар қабул қилишда, шу жумладан миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги раҳбар ва маслаҳат органлари ишида, хусусан, сиёсий партиялар ва уюшмалар доирасида демократик асосда иштирок этиш ҳуқуқларини ҳам қўшиб якка тартибдаги асосда ва бошқалар билан бирга амалга оширилишини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фоллаштирадилар (...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

10. ЕХХТ озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича янада олға боришни таъминлайди ва Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссарнинг жамоатчиликни жалб этишга тааллуқли (...) тавсиялари муҳимлигини эътироф этади.

4.1.3 Маданий, тил ва диний ўзига хослик ҳамда таълим масалалари

Хельсинки 1975 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(...)

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ёки минтақавий маданиятлар улар ўртасида маданиятнинг турли соҳаларидаги ҳамкорликка ҳисса қўшиши мумкинлигини эътироф этиб, башарти уларнинг ҳудудларида бундай озчиликни ташкил қилувчи миллатлар ёки маданиятлар мавжуд бўлса,

улар аъзоларининг қонуний манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бундай ҳисса қўшишни қўллаб-қувватлайдилар.

Вена 1989 йил (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(19) [Иштирок этувчи давлатлар] ўз ҳудудларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг миллий, маданий, тилга оид ва диний ўзига хослигини рағбатлантириш учун шароит яратиб, ҳимоя қиладилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(45) [Иштирок этувчи давлатлар] ўз ҳудудларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки руҳонийларга мансуб бўлган шахслар ўз она тилида ахборот тарқатишлари, ундан фойдаланишлари ва у билан алмашишлари мумкинлигини амалиётда таъминлайдилар.

(...)

(59) [Иштирок этувчи давлатлар] ўз ҳудудларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки минтақавий руҳонийларга мансуб бўлган шахслар ўз маданиятини сақлашлари барча жиҳатларда, шу жумладан тили, адабиёти ва динини ривожлантиришлари ҳамда ўз маданий ва тарихий ёдгорликлари ҳамда объектларини асрашлари мумкинлигини таъминлайдилар.

(...)

(68) [Иштирок этувчи давлатлар] ўз ҳудудларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки минтақавий руҳонийларга мансуб бўлган шахслар ўз маданияти тўғрисида билим беришлари ё олишларини, шу жумладан ота-оналар томонидан ўз болаларига тил, дин ва маданиятга оид ўзига хос фазилатларнинг берилиши орқали таъминлайдилар.

Копенгаген 1990 йил

(32) (...) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг этник, маданий, тил ёки динга оид ўзига хослигини эркин ифодалаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ўз маданиятини ўзларининг иродасига қарши тарзда қандайдир ассимиляция қилишга уринишларига дучор бўлмасдан унинг ҳамма жиҳатлари бўйича қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир. Улар, хусусан куйидаги ҳуқуқларга эга:

(32.1) шахсий ва ижтимоий ҳаётда ўз она тилидан эркин фойдаланиш;

(32.2) миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий равишдаги, шунингдек, давлат томонидан молиявий ва бошқа ёрдамни қўллаб-қувватлашни излаши мумкин бўлган ўз таълим, маданий ҳамда диний муассасалари, ташкилотлари ёки уюшмаларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш;

(32.3) ўз динига эътиқод қилиш, шу жумладан диний материалларни сотиб олиш, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда таълим соҳасидаги диний фаолиятни она тилида амалга ошириш;

(...)

(33) Иштирок этувчи давлатлар ўз ҳудудида озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг этник, маданий, тил ва динга оид ўзига хослигини ҳимоя қиладилар ҳамда бу ўзига хосликни рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратадилар. Улар шу мақсадда зарур маслаҳатлашувларни ўтказганидан, шу жумладан бундай озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ташкилотлари ёки уюшмалари

билан муносабатлардан сўнг ҳар бир давлатнинг қарорларни қабул қилишга доир тартиботларига мувофиқ равишда зарур чора-тадбирларни қабул қиладилар.

Ҳар қандай бундай чора-тадбирлар тегишли иштирок этувчи давлатларнинг бошқа фуқароларига нисбатан тенглик ва камситмаслик принципларига мувофиқ бўлади.

(34) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг, тегишли давлатнинг расмий тили ёки расмий тилларини ўрганиш заруриятидан қатъи назар, ўзининг она тилини ва ўз она тилида ўрганиши учун, шунингдек, мумкин ва зарур бўлганда қўлланиладиган миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз она тилидан давлат органларида фойдаланиши учун лозим даражадаги имкониятларга эга бўлишларини кафолатлашга ҳаракат қиладилар.

Ўқув юртларида тарих ва маданиятнинг ўқитилиши маъносида ҳам улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг тарихи ва маданиятини ҳисобга оладилар.

(35) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг давлат ишларида, шу жумладан озчиликни ташкил қилувчи бундай миллатларнинг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилишига тааллуқли ишларда қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар муайян озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг этник, маданий, тил ва динга оид ўзига хослигини ҳимоя қилиш ҳамда уларни рағбатлантиришга шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу мақсадларга эришиш учун мумкин бўлган воситаларнинг бири сифатида манфаатдор давлатнинг сиёсатига мувофиқ лозим даражадаги, озчиликни ташкил қилувчи бундай миллатларнинг муайян тарихий ва ҳудудий шарт-шароитларига жавоб берадиган маҳаллий ёки автоном бошқарув органларини ташкил этиш йўли билан қўрилган саъй-ҳаракатларни қайд қиладилар.

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг миллий, маданий, тилга оид ва диний ўзига хослиги ҳимоя қилинишини ва озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар бу ўзига хосликни ҳеч қандай камситишсиз ва қонун олдида тенг ҳуқуқлилиқ шароитларида эркин ифода этиш, сақлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгалигини тасдиқлаймиз.

(...)

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг жамиятларимиз ҳаётига қўшаётган бой ҳиссасига қўмаклашишга бўлган қатъиятда биз бундан буён ҳам улар аҳолини яхшилаш мажбуриятини оламиз. Биз халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, шунингдек тинчлик, адолат, барқарорлик ва демократия озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг миллий, маданий, тилга оид ва диний ўзига хослиги ҳимоя қилинган бўлиши ва бу ўзига хосликни ривожлантириш учун шароитлар яратилишини талаб қилишини яна бир бор тасдиқлаймиз (...)

Женева 1991 йил

(IV)

Иштирок этувчи давлатлар ишонадиларки, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг кадриятлари ва маданий меросини сақлаш ана шундай миллатларга мансуб шахсларнинг ҳам иштирокини талаб қилади ҳамда турли маданиятларга нисбатан бағрикенглик ва ҳурмат шу жихатдан жуда муҳим аҳамиятга

эга. Шунини ҳисобга олиб, улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли бўлган ва уларга мансуб шахслар томонидан маданиятга оид материалларни ишлаб чиқариш соҳасида тўсиқлар қўйишга ҳаракат қилишдан сақланишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайдилар.

(...)

Конституциявий тизимларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада қандайдир бир умумий бир ёндашувдан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд қиладиларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

- озчиликни ташкил қилувчи миллатлар вакиллари ҳам иштирок этадиган, айниқса, таълим, маданият ва динга оид маслаҳат берувчи ва директив органлар;
(...)
- агар ҳудудий асосда автономия мавжуд бўлмаса, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ўзига хослигига доир жиҳатларда ўзини ўзи бошқариш;
(...)
- озчиликни ташкил қилувчи миллатлар вакиллари уларнинг сони, тарқалишининг жўғрофий тузилиши ва маданий анъаналарини ҳисобга олиб, ўз она тилларида ўқишнинг тегишли турларидан ва тегишли даражасидан фойдаланиш имконини яратиш;
- озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг тилларини кенг жамоатчиликка ўқитиш ишини молиялаштириш, шунингдек, педагогика ўқув юрларининг дастурларига, хусусан, озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб кишилар тарқалган ҳудудларда озчиликни ташкил қилувчи миллатлар тилларини киритиш;
- бирон-бир ҳудудда муайян бир ўқув фани озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг тилида ўқитиш имкони бўлмаса, чет элда шу тилда таълим олингани натижасида берилган дипломни эътироф этиш йўллари белгилаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш;
(...)
- озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга, башарти улар буни хоҳласа, таълим, маданият ва дин муассасалари, ташкилотлари ёки уюшмаларини тузишга оид ҳуқуқларни амалга ошириш учун молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш;
(...)

Иштирок этувчи давлатлар бу ва бошқа ёндашувлар, улар хоҳ якка тартибда, хоҳ уйғунликда бўлсин, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳудудларидаги шароитларини яхшилашга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар (...)

(25) Ўзларининг ЕХХК бўйича тегишли мажбуриятларини, шу жумладан озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хосликларини ҳимоя қилиш ва уни рағбатлантириш учун шароитлар яратиш билан боғлиқ мажбуриятларини самаралироқ бажаришнинг бундан буёнги имкониятларини бир томонлама, икки томонлама тартибда кучайтириш асосида ўрганишни давом эттирадилар (...)

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

30. Биз қонунлар ва сиёсий кўрсатмалар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини, айниқса, маданий ўзига хосликка дахлдор масалаларига тааллуқли ҳуқуқларини тўла даражада ҳурмат қилишни назарда тутишини таъминлашга қатъий аҳд қилганлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. Чунончи, биз озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг таълим олиш ва тил ҳуқуқларига, шунингдек уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқларига тааллуқли қонунлар ҳамда сиёсий кўрсатмаларнинг қўлланиши мумкин бўлган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисидаги талабни таъкидлаймиз. (...)

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

19. (...) Муҳториятнинг турли концепциялари шунингдек ЕХХТнинг принципларига мувофиқ бўлган бошқа ёндашувлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг мавжуд давлатлар доирасидаги миллий, маданий, тил ва диний ўзига хослигини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш воситалари ҳисобланади (...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

10. ЕХХТ озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича янада олға боришни таъминлайди ва Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссарнинг таълимга (...) ва тилга, шу жумладан унинг радио ва телевидениеда ишлатилишига тааллуқли, шунингдек Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакилнинг бу соҳадаги тегишли тавсиялари муҳимлигини эътироф этади.

4.1.4 Одамлар ўртасида алоқалар, ОАВ эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш**Вена 1989 йил** (Гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик)

(31) [Иштирок этувчи давлатлар] ўз ҳудудларидаги озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки минтақавий маданиятларга мансуб бўлган шахсларнинг мақоми бошқа фуқаролар фойдаланадиган, ЕХХК Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларига мувофиқ одамлар ўртасидаги муносабатларга доир мақомга тенг бўлишини ҳамда бу шахслар бундай муносабатларни сафарлар ва бошқа воситалар орқали, шу жумладан умумий миллий келиб чиқиши ёки маданий мерос уларни бирлаштирадиган бошқа давлатларнинг фуқаролари билан муносабатлар ўрнатишлари ва сақлашлари мумкинлигини таъминлайдилар.
(...)

(45) [] ўз ҳудудларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга ёки руҳонийларга мансуб бўлган шахслар ўз она тилида ахборот тарқатишлари, ундан фойдаланишлари ва у билан алмашишлари мумкинлигини амалиётда таъминлайдилар.

Копенгаген 1990 йил

(32) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар (...) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(...)

(32.4) ўз мамлакати доирасида ўзаро, шунингдек, ўзлари бошқа давлатларнинг умумий этник ёки миллий келиб чиқишга, диний меросга ёки диний эътиқоди-га эга бўлган фуқаролари билан чегаралар орқали бир-бирлари ўртасида муносабатларни монеликсиз ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;

(...)

Женева 1991 йил

IV.

Конституциявий тизимларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада умумий ёндашувнинг қайсидир биридан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд қилади-ларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

(...)

- озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг жамоаларида қуйи поғонадаги жамоалараро муносабатларни ўрнатиш бўйича, кўпчиликни ташкил қилган аҳоли жамоалари билан озчиликни ташкил этувчиларнинг жамоалари ҳамда чегарадош бўлган ҳудудлардаги жамоалар ўртасида жойларда юзага келиши мумкин бўлган ихтилофларнинг олдини олиш ва зиддиятлар келиб чиққан тақдирда уларни тинчлик йўли билан бартараф этиш борасидаги куч-ғайратларни рағбатлантириш;
- чегарадош ҳудудларда музокараларнинг доимийлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёки давлатлараро, ёхуд минтақавий доимий қўшма комиссиялар ташкил қилишни рағбатлантириш орқали ижобий натижаларга эришиш.

Иштирок этувчи давлатлар бу ва бошқа ёндашувлар, улар хоҳ якка тартибда, хоҳ уйғунликда бўлсин, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳудудларидаги шароитларини яхшилашга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

(...)

VII.

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун эркин ахборот оқими ва ғоялар алмашуви бўлиши кераклигига ишонган иштирок этувчи давлатлар, давлат ҳокимиятининг аралашувисиз ҳамда давлат чегараларидан қатъи назар, озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўртасидаги мулоқотнинг муҳимлигини таъкидлайдилар. Бундай ҳуқуқларни амалга оширишни чеклашларга фақат конунда назарда тутилган ва халқаро андозаларга мос келган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин. Улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб бирорта ҳам шахс ўзининг бундай озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансублиги ёки улар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли ўзи яшаётган мамлакат ёки унинг ташқарисида жинсий ёки маъмурий жазоларга тортилмаслигини яна бир бор тасдиқлайдилар.

Улар ахборот воситаларидан эркин фойдаланиш соҳасида ҳеч кимга нисбатан этник, маданий, тил ва динга мансублик асосида камситиш йўлини ўтказмайди-лар. Улар электрон оммавий ахборот воситалари ўз дастурларида озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг этник, маданий, тилга оид ва диний ўзига хосликни ҳисобга олишга ёрдам берувчи ахборотни тақдим этадилар.

Улар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўртасида, шунингдек, озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ораларида

этник ёки миллий келиб чиқиш жиҳатидан маданий мерос ёки диний эътиқодлар борасида умумийлик бўлган билан мамлакат чегаралари орқали, монеликсиз мулоқот ўрнатиш ва уни олиб бориш, ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қилишни ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишга имкон беришини яна бир қарра тасдиқлайдилар.

Шу сабабдан улар миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги чегаралараро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузишни, жумладан маҳаллий аҳоли томонидан чегараларни кесиб ўтиш, маданий, тарихий обидалар ва саёҳат жойларига бориш ҳамда уларни асраб-авайлаш, транспорт қатновини, иқтисодиётни яхшилаш, ёшлар ўртасидаги мулоқотлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳамда минтақавий комиссиялар тузишни рағбатлантирадилар.

Шунингдек, улар озчиликни ташкил қилувчи миллатлар яшаётган жойларда озчиликни ташкил қилувчи миллатларга оид масалаларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш ва таклиф киритиш борасида норасмий ишчи тузилмаларини тузишни (масалан, хоҳ иштирок этувчи давлатлар доирасида бўлсин, хоҳ иштирок этувчи давлатлар ўртасида бўлсин, семинарлар ва кўмиталар ташкил қилишни) рағбатлантирадилар.

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида хабардорликни яхшилаш мақсадида иштирок этувчи давлатлар ўз ҳудудларида яшаётган, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида ихтиёрий равишда ЕХХК Котибияти орқали бошқа иштирок этувчи давлатларга ахборот ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсати тўғрисида баёнот юбориб турадилар.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатлар бўйича ЕХХК экспертларининг ялпи мажлислари пайтида қилган маърузаларининг нусхаларини жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида сақлаш учун ЕХХК Котибиятига топширадилар.

4.1.5 Ташкилотлар ва бирлашмалар роли

Копенгаген 1990 йил

(30) [Иштирок этувчи давлатлар] ноҳукумат ташкилотлари, шу жумладан сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлар ва диний гуруҳларнинг бағрикенгликни, маданий ранг-барангликни рағбатлантириш ва озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли масалаларнинг ҳал этилишидаги муҳим ролини ҳам эътироф этадилар.

(...)

Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар (...) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(...)

(32.2) миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий равишдаги, шунингдек, давлат томонидан молиявий ва бошқа ёрдамни қўллаб-қувватлашни излаши мумкин бўлган ўз таълим, маданий ҳамда диний муассасалари, ташкилотлари ёки уюшмаларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш;

(...)

(32.6) ўз мамлакати доирасида ташкилотлар ёки уюшмаларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотлари фаолиятида иштирок этиш.

Женева 1991 йил

IV.

(...)

Конституциявий тизимларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада қандайдир бир умумий бир ёндашувдан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд қиладиларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

(...)

- озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга, башарти улар буни хоҳласа, таълим, маданият ва дин муассасалари, ташкилотлари ёки уюшмаларини тузишга оид ҳуқуқларни амалга ошириш учун молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш;

(...)

Иштирок этувчи давлатлар бу ва бошқа ёндашувлар, улар хоҳ якка тартибда, хоҳ уйғунликда бўлсин, озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг ҳудудларидаги шароитларини яхшилашга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

V.

Иштирок этувчи давлат озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг якка тартибда ёки бошқа фуқаролар билан биргаликда ўз ҳуқуқларини амалга оширишларини, ўз мамлакатлари доирасида ташкилотлар ва уюшмалар тузиш ҳамда уларга кўмак беришларини, халқаро ноҳукумат ташкилотлари ишида қатнашишларини ҳурмат қиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ўз таълим, маданият ва дин муассасалари, ташкилотлари ҳамда уюшмаларини ташкил қилиш ҳуқуқини яна бир бор тасдиқлайдилар ва бу ҳуқуқни амалга оширишга монелик қилмайдилар.

Шу муносабат билан улар алоҳида шахслар, нодавлат муассасалари, диний ва бошқа гуруҳларнинг турли маданиятлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ҳамда жамиятнинг барча даражаларидаги муносабатларни яхшилаш, шунингдек, халқаро чегаралар орқали ҳам яхшилаш борасида тутган ҳаётий муҳим ролини эътироф этадилар.

Улар бундай ташкилот, гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг бевосита кузатишлари ва тажрибаси озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга алоқадор бўлган ЕХХК мажбуриятларини бажаришни рағбатлантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шу боис улар бундай ташкилот, гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар, унга монелик қилмайдилар ҳамда уларнинг бу соҳага қўшган ҳиссаларини маъқуллайдилар.

4.1.6 Адоват асосидаги жиноятлардан ҳимоя қилиш

Женева 1991 йил

Иштирок этувчи давлат ирқий, этник ва диний адоватни, антисемитизм, ксенофобия ҳамда камситиш ҳолатларининг намоён бўлиши ўсиб бораётганидан ташвишланиб, кимга нисбатан бўлишидан қатъи назар, бундай ҳолатларни доимий равишда қоралаш хусусидаги ўз қатъиятларини таъкидлайдилар. Шу маънода улар ромалар/лўлилар/нинг алоҳида муаммолари мавжудлигини тан олишларини эътироф этадилар (...)

Иштирок этувчи давлатлар ўз конституциявий ҳуқуқлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ, башарти улар ҳали бундай қилмаган бўлсалар, ўз мазмуни жиҳатидан зўравонликка ундайдиган миллий, ирқий, этник ёки диний камситилишларга, антисемитизмни ҳам қамраб оловчи душманлик ва адоватга асосланган ҳаракатларни тақиқлайдиган қонунларга риоя қилиниши учун самарали ҳаракат қиладилар ҳамда бундай қонунларнинг ижро этилишини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилиниши сиёсатни юритадилар.

Бундан ташқари, жамоатчиликнинг бидъат ва адоват нималигини тўла англаб етиши, адоват билан боғлиқ жиноятларга доир қонунларни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, жамиятда адоват ва хурофотларни енгишга бўлган бундан буёнги бошқа саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ўз тегишли ҳудудларида содир бўлаётган ва замирида ирққа, этник мансубликка ёки динга нисбатан хурофот ётган жиноятлар ҳақида мунтазам равишда ахборот тўплаш, бундай маълумотларни тўплаш учун фойдаланиладиган тамойилларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, уни нашр қилиш учун куч-ғайратларини сарфлайдилар. Бу маълумотларда муайян шахслар тўғрисидаги ахборотлар бўлмаслиги лозим.

Улар хурофот ва адоват мавжудлигидан далолат берувчи жиноятлар ҳақида халқаро миқёсда, шу жумладан ЕХҲҚнинг бўлажак кенгашларида маслаҳатлашадилар ҳамда фикр-мулоҳаза ва ахборот алмашадилар.

4.2 РОМА ВА СИНТИ

Шунингдек қаранг:

§ 1.2.3.4 А: Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ)

§ 1.2.3.4 А. III: ДИИХБнинг рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуқтаси

§ II.5: Тенглик, бағрикенглилик ва камситмасликка тааллуқли мажбуриятлар

4.2.1 Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан имкониятлар тенглиги ва камситмасликни ҳимоя қилиш

Женева 1991 йил

(VI)

[Иштирок этувчи давлатлар] одатда ромалар билан ўз давлатида яшаб келаётган одамлар ва бошқа аҳоли ўртасида тўлақонли тенгликка эришиш учун самарали чора-тадбирлар кўришга тайёрдирлар. Шунингдек, улар ромаларга ва улар рўбарў бўлаётган алоҳида муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган тадқиқот ва кидирув ишларини рағбатлантирадилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

23. Иштирок этувчи давлатлар ДИИХБда рома ва синти (лўлилар) элатига тааллуқли масалалар бўйича алоқа нуқтасини ташкил этишга қарор қиладилар (...)

24. Иштирок этувчи давлатлар бошқа халқаро ташкилотлар ва институтлар, жумладан Европа Кенгаши томонидан рома ва синтига (лўлиларга) тааллуқли масалалар бўйича ўтказаетган тадбирларни маъқуллайдилар.

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

31. (...) Биз қонун ҳужжатлари ҳамда сиёсий кўрсатмалар рома ва синти ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилишни назарда тутишини, чунончи бу камситишларга

қарши тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинишига кўмаклашиш зарур бўлган жойларда ҳам шундай бўлишини таъминлаш мажбуриятини оламиз (...)

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз).

20. Биз рома ва синти дуч келаётган алоҳида қийинчиликларни ҳамда ЕХХТда қабул қилинган тегишли мажбуриятларга мувофик рома ва синтига мансуб барча шахслар учун имкониятлар тўла тенг бўлишишига эришиш учун самарали чоралар кўриш заруратини эътироф этамиз. Биз рома ва синти жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлишларини, шунингдек уларга нисбатан камситишларга барҳам беришни таъминлаш учун ўз саъй-ҳаракатларимизни кучайтирамиз.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси 3/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Биз рома ва синти дуч келаётган алоҳида қийинчиликларни ҳамда ЕХХТда қабул қилинган тегишли мажбуриятларга мувофик рома ва синтига мансуб барча шахслар учун имкониятлар тўла тенг бўлишишига эришиш учун самарали чоралар кўриш заруратини эътироф этиб,

миллий қонунчилик соҳасида ва ҳаракатлар дастурида тараққиётга эришилганини, шунингдек иштирок этувчи давлатлар томонидан бу мақсадда қилинган жиддий саъй-ҳаракатларни эътироф этиб,

айни пайтда ЕХХТ минтақасининг барча жойларида рома ва синти элатига мансуб аҳоли аҳволини яхшилаш учун ҳали ҳам қатъий ҳаракатлар қилиш зарурлигини англаган ҳолда,

(...)

рома ва синти уларга мўлжалланган сиёсатни шакллантириш учун тобора кўпроқ даражада масъулиятни ўз зиммаларига олиши зарурлигига ишончимиз комил бўлиб,

Доимий кенгаш томонидан 2003 йил 27 ноябрда 566-сон Қарор билан қабул қилинган ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини ҳамда мазкур Қарорга Иловани маъқуллашга қарор қилади.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

II. Умумий маъно: рома элати манфаатларида, улар билан биргаликда

4. Ҳар бир мамлакатда сиёсат ва стратегия қуйидагиларни назарда тутиши керак: 1) рома ва синти жамоаларининг аниқ муаммолари, эҳтиёжлари ва устуворликларига ҳозиржавоблик; 2) комплекс хусусият; 3) ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадларини ижтимоий сиёсат билан боғлайдиган мутаносиб ва тизимли қўллаш имконини берадиган ёндашув; ва 4) лўлиларга тааллуқли сиёсатни белгилашда уларнинг ролини иложи борица ошириш (...) Бундан ташқари амалга ошириш стратегияларида умумдавлат сиёсатини маҳаллий даражада ҳаётга татбиқ этишни таъминлайдиган механизмлар кўзда тутилиши керак.

5. Иштирок этувчи давлатлар ва ЕХХТнинг тегишли институтлари ўз саъй-ҳаракатларида ҳар қандай сиёсат ва уни амалга ошириш стратегияси рома ва синти жамоаларининг фаол иштирокида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

принципларига амал қилишлари лозим. Бу стратегияларни ишлаб чиқишда рома ва синти маҳаллий, миллий ва халқаро органлар вакиллари билан ёнма-ён иштирок этишлари керак. Яна шуниси муҳимки, лўлилар жамоалари тенг ҳуқуқли шериклар сифатида иш кўришлари ва ўз фаровонликларини ошириш учун маъсулиятнинг ўз улушини зиммаларига олишлари керак.

6. Ҳар қандай сиёсат ва дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда лўли аёлларнинг алоҳида аҳволлари ҳисобга олиниши керак. Бу сиёсатни белгилаш жараёнида рома ва синти иштирок этишини қўллаб-қувватлашнинг маслаҳатлашув ва бошқа механизмлари мавжуд бўлган ҳолатларда аёллар бу ишда эркаклар билан тенг ҳолда иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Лўли аёлларнинг муаммолари мазкур бутун аҳолига тааллуқли ҳар қандай тегишли сиёсий қарорларда мунтазам ҳисобга олиниши керак.

III. Ирқчилик ва камситишга қарши курашиш.

Қонунчилик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти.

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

(...)

8. Ирқ ва миллий белгиси бўйича барча соҳаларда, шу жумладан, хусусан, турар жойга эга бўлиш, фуқаролик ва доимий яшаш, таълим, бандлик, тиббий хизмат ва ижтимоий хизматлар масалаларида камситишга қарши курашиш мақсадларида камситишга қарши самарали қонунчиликни қабул қилиш ва қўллаш. Рома ва синти вакиллари концепцияларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолаш ишларига жалб этиш.

9. Камситишга қарши қонунчилик қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

- ҳам бевосита, ҳам билвосита ирқий камситишни ман этиш;
- камситиш ҳолатлари ёки амалиётининг олдини олиш учун етарли бўлган самарали ва мутаносиб жазо чораларини жорий этиш;
- (...)
- самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан (суд тартиблари ёки маъмурий тартиблар, яраштириш ва воситачилик тартибларидан) тенг фойдаланиш.

10. Миллий қонунчилик ҳар қандай камситиш ҳолатларини ман этиши, шунингдек эҳтимол тутилган камситишнинг барча ҳолатлари синчиклаб ва холис текширилишини таъминлаши зарур.

11. Тегишли ҳолатларда бундай қонунчиликни, шунингдек уни қўллашнинг бориши устидан назорат қилишнинг миллий механизмларини қўллашни таъминлайдиган ихтисослаштирилган институтларни яратиш ҳамда бу ҳақда бағрикенглик шароитларида мунтазам маърузалар тақдим этиш. Рома ва синти вакиллари жамоатчилик учун очик бўлган бундай органлар ишида иштирок этишга даъват қилиш.

12. Зарурат бўлган жойларда рома ва синти аҳолини яхшилаш, жумладан ҳаётнинг барча соҳаларида камситишга қарши туриш аниқ чоралари кўзда тутилган кенг қамровли миллий стратегиялар ёки ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш.

13. Айниқса маҳаллий даражада бундай стратегиялар амалга оширилишининг натижаларини мунтазам баҳолаш ҳамда рома ва синти жамоаларини баҳолаш жараёнига жалб этиш.

(...)

15. Вазиятни яхшироқ баҳолаш ҳамда рома ва синти эҳтиёжларига ҳозиржавоблик имкониятига эга бўлиш учун миллий ва халқаро маълумотларни ҳимоя

қилиш нормаларига риоя этган ҳолда камситишнинг барча турлари ва тегишли ҳодисаларининг рўйхатини ҳужжатлаштириш.

(...)

17. Камситиш ҳодисаларида айбдорларнинг (...), жумладан полиция томонидан текшириш ва тегишли шахсларни жазолаш бўйича кечиктирмасдан самарали чоралар кўриш орқали айбдорлар жазоланмай қолишига йўл қўймаслик.

18. Рома ва синтини уларга ҳуқуқий ёрдам ва лўлилар тилида ахборот бериш каби чоралар ёрдамида одил судловдан фойдаланишларини енгиллаштириш.

19. Барча чоралар ва дастурларни ишлаб чиқишда кўпинча ўзларининг миллий келиб чиқишлари ва жинслари сабабли камситилишдан жабрланадиган лўли аёлларнинг аҳволини эътиборга олиш.

(...)

Оммавий ахборот воситалари

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

37. Фикрни ифода қилиш эркинлигини қўллаб-қувватлаш мақсадларида рома ва синти оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишларини кенгайтириш учун лўли журналистларининг касбий тайёргарлигини ва уларни оммавий ахборот органларига ишга қабул қилинишларини рағбатлантириш.

IX. ДИИХБнинг рома ва синти масалалари бўйича алоқа нуктаси

(...)

136. Ижро таҳлили жараёнини енгиллаштириш мақсадларида ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг инсонийлик мезонлари бажарилишига бағишланган кенгашлар давомида, таҳлил бўйича конференциялардан олдин, шунингдек Доимий кенгаш мажлисларида — булардан қайси бири мақсадга мувофиқлигига қараб — рома ва синти аҳволига таъсир кўрсатадиган яқинда бўлиб ўтган воқеалар ва/ёки мазкур Ҳаракат режаси руҳида қабул қилинган чоралар тўғрисида ахборот тақдим этишлари маъқулланади.

137. ЕХХТнинг барча тегишли институтлари ва тузилмалари, жумладан ЕХХТнинг жойлардаги операциялари иштирок этувчи давлатларга Ҳаракат режасини бажаришда ёрдам кўрсатиш мақсадларида улар билан қалин алоқада иш олиб боришни давом эттирадилар.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТ саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш 6/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТ саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишга қатъий ният қилиб,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга рома ва синтига тааллуқли масалаларни ўзларининг рома ва синтига оид қонунчилиги ва сиёсатини кўриб чиқишда, айниқса 2003 йилда ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасининг устувор соҳаларида эътиборга олишни тавсия этади;

5. Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга тааллуқли каби рома ва синтининг аҳволига таъсир кўрсатадиган, соғлиқни сақлаш, таълим, турар жойлардан

фойдаланиш, камситишга қарши ишларга тааллуқли каби тегишли миллий органлар органларни, полиция ва оммавий ахборот воситаларини тенглик ва камситмаслик тўғрисидаги миллий қонунчилик доирасида ЕХХТнинг мажбуриятларини бажаришни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтиришга даъват этади. Шу маънода лўли аёллар ва қизлар аҳволига алоҳида эътибор қаратилиши лозим;

6. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар буни қилмаган бўлсалар, рома ва синти аҳволини яхшилашга йўналтирилган сиёсат ва дастурларни амалга оширишни енгиллаштириш учун лўлилар иштирокида шу соҳага доир давлат органларида тегишли даражаларда ташкилий механизмларни яратишни тавсия этади;

7. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синтига тааллуқли сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнига рома ва синти жамоасининг ўзини ҳам фаол жалб этиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришга даъват этади (...);

8. ЕХХТ доирасида ва, зарурат бўлганда, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи каби тегишли халқаро муносабатлар субъектлари билан мавжуд ресурслар чегарасида бундан буён ҳам фаолиятни мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилишга даъват этади;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синти барқарор интеграциясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш 8/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

ЕХХТ доирасида рома ва синтига тааллуқли, шу жумладан 2003 йилда ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасида қайд қилинган мажбуриятларни яна бир бор тасдиқлаб,

иштирок этувчи давлатлар томонидан бу мақсадда муайян саъй-ҳаракатлар қилинганлигини эътироф этиб,

айрим соҳаларда рома ва синти билан бошқа аҳоли аҳволи ўртасида сақланиб қолинаётган жиддий тафовутларни бартараф этишда чекланган тараққиётга эришилганини таъкидлаб,

ДИИХБнинг 2008 йилда ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасининг бажарилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи тўғрисидаги Маърузасини маълумот учун қабул қилиб,

ЕХХТ бутун минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш учун қатъий ҳаракатлар қилиш заруратини таъкидлаб,

иштирок этувчи давлатлар рома ва синтига тааллуқли сиёсатни белгилашда лўлиларнинг ролини иложи борида оширишга интилишлари зарурлигига ҳамда рома ва синти жамоалари улар интеграциясини қўллаб-қувватлашга даъват этилган бундай сиёсатда шериклар бўлиши ва бу сиёсатни амалга ошириш учун масъулиятга шерик бўлиши зарурлигига ишончи комил ҳолда,

рома ва синти дуч келаётган алоҳида қийинчиликларни тан олиб ҳамда уларга нисбатан камситишга барҳам бериш мақсадларида самарали чоралар кўриш заруратини ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ уларнинг барқарор интеграциясини таъминлаш зарурлигини эътироф этиб,

рома ва синти ирқий ва камситишдан азият чекаётган жамоаларга мансублигидан, шунингдек рома ва синтига нисбатан бидъатларнинг ва тоқатсизликнинг шифқатсиз кўринишлари ортиб бораётганлигидан ташвишланиб,

глобал иқтисодий пасайиш давларида рома ва синти алоҳида ночор гуруҳларга мансуб бўлиши ҳамда оқилона бўлмаган душманлик ва ижтимоий қоралаш объектига айланиши мумкинлигини таъкидлаб,

рома ва синтига нисбатан мурасасизлик кўринишлари фақат уларни ихоталаш ва маргиналлаштиришнинг ортишигагина олиб келибгина қолмасдан, шунингдек умуман жамиятдаги ижтимоий келишув ва тинч-тотувликни таҳдид остига қўйиши мумкинлигини англаган ҳолда,

(...)

ЕХХТ тегишли институтлари ва тузилмаларининг ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасининг бажарилишини қўллаб-қувватлаш орқали мандатларини амалга ошириш, шунингдек ЕХХТ доирасида шу мақсадда самарали мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик аҳамиятини таъкидлаб,

1. Иштирок этувчи давлатларни ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга ҳамда рома ва синтини барқарор интеграциялаш жараёнини амалга оширишга даъват этади;

2. Иштирок этувчи давлатларни ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш бўйича эришилган тараққиёт тўғрисида ДИИХБга ахборот тақдим этишни давом эттиришга даъват этади;

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синтига доир сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашда улар иштирокини тегишли тарзда фаоллаштиришда, шунингдек рома ва синти билан жамиятнинг бошқа қисми ўртасида мурасасизлик ва камситиш ижтимоий келишув, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигидан хабардорликни ошириш мақсадида мулоқотни рағбатлантиришга даъват этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синти билан ҳамкорликда ЕХХТ минтақаси доирасида барқарор интеграциясига алоқадор бўлган миграция муаммоларини аниқлаш ва ўрганишга даъват этади;

6. ДИИХБга ОМОК ва Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил ҳамда ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмалари билан уларнинг мандатлари доирасида ва мавжуд ресурслар чегарасида ҳамкорлик қилиш ва фаолиятни мувофиқлаштиришни, иштирок этувчи давлатларга рома ва синтига нисбатан камситиш ва зўравонлик ҳолатларига қарши туришда, ЕХХТ доирасида қабул қилинган ОАВ эркинлигига тааллуқли тегишли мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот воситаларида рома ва синтига нисбатан салбий ақидалар билан курашишда, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган, жумладан ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажаришга тааллуқли мажбуриятлар тўлиқ бажарилишида ҳамда рома ва синтини барқарор ва муваффақиятли интеграцияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатишни давом эттиришни топширади;

(...)

9. ЕХХТнинг тегишли институтларини Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи, мақсадга мувофиқ бўлганда, шунингдек рома ва синти билан боғлиқ масалалар билан шуғулланаётган фуқаролик жамияти субъектлари билан ўз ҳамкорлигини фаоллаштиришга ва ишларини мувофиқлаштиришни оширишга даъват этади;

(...)

4.2.2 Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда самарали иштирок этиш

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

[Иштирок этувчи давлатлар]

(35) (...) анъанавий тарзда лўлилар деб аталмиш рома жамоалари ва бошқа гуруҳларга мансуб ўз фуқаролари муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тегишли дастурларнинг ишлаб чиқилиши, шунингдек, бу шахслар жамият ҳаётида тенг имкониятларга эга бўладиган ва тўлиқ иштирок этадиган шарт-шароитларнинг яратилиши зарурлигини яна бир қарра тасдиқлайдилар ва бу мақсадга эришиш учун ҳамкорлик йўлларини ўрганиб чиқадилар.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

VI. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишни кенгайтириш

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

87. Иштирок этувчи давлатлар рома ва синти бошқа барча аҳоли каби ҳамма зарур ҳужжатлар, шу жумладан туғилиш тўғрисида гувоҳнома, шахс гувоҳномаси ва тиббий суғурта полислари билан таъминланишларида ташаббус кўрсатишлари керак. Иштирок этувчи давлатларга асосий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммоларни рома ва синтининг жамоа ташкилотлари билан ўзаро шериклик ҳамкорлиги асосида ҳал этиш қатъиян тавсия этилади.

88. Иштирок этувчи давлатлар рома ва синтининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирок этишларини таъминлашнинг қуйидаги асосий шарт-шароитларини ҳисобга олишлари мақбул:

- бошланғич босқичда жалб этиш;
- рома ва синтига тааллуқли ҳар қандай ташаббус бу ташаббусларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашда иложи борича уларни бунга эртароқ жалб этишни кўзда тутиши керак;
- ялпи қамраб олиш;
- рома ва синти маслаҳатлашувларнинг расмий жараёнлари билан қамраб олиниши керак, бунда уларнинг энг муҳим сиёсий ташаббусларни ишлаб чиқишда иштирок этиш учун ташкил этган механизмларнинг самарадорлиги уларни кенг вакиллик хусусиятига эга жараёнга жалб этиш ҳисобига таъминланиши зарур;
- бағрикенглик;
- дастурлар ва таклифлар рома ва синти жамоаларининг вакиллари уларни синчиклаб таҳлил этиш ва бу ҳужжатларга ўз ҳиссаларини қўшишлари учун уларга доир қарорлар қабул қилиш муддатидан етарлича илгарироқ тарқатилиши керак;
- рома ва синтининг барча даражалардаги давлат бошқарувида реал иштирок этиши;
- рома ва синтининг давлат бошқарувининг маҳаллий органларида иштирок этишлари уларга тааллуқли сиёсатни самарали амалга ошириш учун мутлақ зарурдир;
- шахсий масъулият;
- рома ва синти ўзларининг сиёсий жараёнда иштирок этиш ҳуқуқларига амалда риоя этилишини таъминлашда энг муҳим ва ўзгартириб бўлмайдиган роль ўйнайдилар.

89. Сайлаб қўйилган мансабдор шахслар рома ва синти жамоалари билан қалин амалий алоқалар ўрнатишлари керак.

90. Рома ва синти вакиллари билан давлат ҳокимияти, шу жумладан кенгашиш ва маслаҳат органлари ўртасида тенг ҳуқуқли, бевосита ва очиқ мулоқотни таъминлаш учун механизмлар яратиш.

91. Маҳаллий ва миллий даражадаги сиёсий етакчилар билан турли лўли бирлашмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни энгиллаштириш.

92. Лўлилар электоратининг сайловларда иштирок этишларини кенгайтириш мақсадларида уларнинг бу ҳақдаги хабардорликларини ошириш бўйича компанияларни ташкил этиш.

93. Сайловчи лўлиларга эркин ва хабардорлик асосидаги танлаш имкониятларини таъминлаш.

94. Аёлларга овоз бериш тенг ҳуқуқлилигини таъминлайдиган, шу жумладан «оилавий овоз бериш» деб аталадиган тақиқларга риоя этилишини таъминлаш учун чоралар кўриш.

95. Рома ва синтини давлат ва ижтимоий хизматлар фаолиятида янада фаолроқ иштирок этишларини, зарурат бўлганда, уларни давлат аппаратидаги ишларга жалб қилишни қўллаб-қувватлайдиган махсус чораларни рағбатлантириш.

96. Рома ва синтини давлат бошқарувининг барча даражаларидаги сайлаб қўйиладиган мансаблар ва тайинланадиган лавозимлардаги вакиллигини рағбатлантириш.

97. Рома ва синтининг фуқаролик салоҳиятини ошириш ҳамда уларни ўз жамоаларининг ва ўз мамлакатлари фуқароларининг сайланган вакиллари сифатида давлат ва маҳаллий даражаларда қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этиш.

98. Лўли аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш; лўли аёллар эркаклар билан тенг ҳолда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этишларини кенгайтиришга даъват этилган маслаҳатлашув ва бошқа механизмларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТ саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш 6/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТ саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишга қатъий ният қилиб,

(...)

7. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синтини рома ва синти жамоаси тааллуқли сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнига фаол жалб этиш ҳамда рома ва синтини ижтимоий ва сиёсий ҳаётга жалб этиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини қучайтиришга даъват этади;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синти барқарор интеграциясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш 8/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

иштирок этувчи давлатлар рома ва синтига тааллуқли сиёсатни белгилашда лўлиларнинг ролини иложи борица оширишга интилишлари зарурлигига ҳамда рома ва синти жамоалари улар интеграциясини қўллаб-қувватлашга даъват этилган бундай сиёсатда шериклар бўлиши ва бу сиёсатни амалга ошириш учун масъулиятга шерик бўлиши зарурлигига ишончи комил ҳолда,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синтига доир сиёсатни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашда улар иштирокини тегишли тарзда фаоллаштиришда, шунингдек рома ва синти билан жамиятнинг бошқа қисми ўртасида муросасизлик ва камситиш ижтимоий келишув, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигидан хабардорликни ошириш мақсадида мулоқотни рағбатлантиришга даъват этади;

(...)

4.2.3 Таълим олиш имконияти

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

V. Таълим олиш имкониятини яхшилаш

Таълим рома ва синтининг бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида ўз мамлакатларининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иштирок этиш шарт-шароитларидан бири ҳисобланади. Мактаб машгулотларида қатнашишни яхшилаш ва саводсизлик билан курашишга йўналтирилган таъсирчан чораларни кечиктирмасдан қабул қилишга раҳбарият томонидан ҳам, лўлилар жамоалари томонидан ҳам энг олий устуворликлардан бири сифатида қаралиши керак. Таълим соҳасидаги сиёсат рома ва синтини маданий ўзига хослик хусусиятига эътиборни сақлаб қолган ҳолда таълимнинг барча даражаларидан тўла ва кенг фойдаланиш имкониятларини берган ҳолда уларни умумий таълим тизимига интеграциялашишига йўналтирилиши керак.

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

67. Миллий қонунчилиқка таълим соҳасида ирқий чеклаш ва камситишни ман этиш тўғрисидаги тегишли қоидалар киритилишини ҳамда унда бундай қонунчилиқ бузилган ҳолатларда ҳуқуқий ҳимоянинг самарали чораларини кўзда тутилишини таъминлаш.

68. Таълим соҳасидаги сиёсатда рома ва синтига тааллуқли масалаларни ишлаб чиқишда уларнинг вакиллари билан маслаҳатлашиш.

69. Рома ва синти болаларига таълим соҳасида, айниқса тил ёки бошқа соҳада ёрдам кўрсатиш орқали тенг имкониятлар берилишини фаол қўллаб-қувватлаш.

70. Рома ва синти болаларига таълим бериш сифати ва самарадорлигини ошириш учун алоҳида чоралар кўриш. Рома ва синтининг мактабларнинг ўқитувчилар таркибида кенгрок вакиллигини рағбатлантириш.

71. Ўқув қўлланмаларига лўлилар тарихи ва маданияти бўйича материалларни киритиш, бунда Холокост давридаги рома ва синти тақдирига алоҳида эътибор қаратиш.

72. Лўлилар тилини ўқитишни, шунингдек рома ва синти маданиятининг ажралмас қисми сифатида лўлилар маданиятини ҳурмат қилиш, ҳимоялаш ва тарқатишни ташкил этишни таъминлайдиган чоралар кўриш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш.

73. Мактабларда куйидагиларга қаратилган қайта сегрегация қилиш кенг камровли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: 1) лўлилар болаларини махсус мактаблар ёки синфлар (масалан, ақли заифлар мактабларига, фақат рома ва синти болаларига мўлжалланган мактаблар ва синфларга) мунтазам равишда жўнатиш амалиётига барҳам бериш; ва 2) лўлилар болаларини махсус мактаблардан умумий мактабларга ўтказиш.

74. Лўлилар болаларини умумий таълим тизимига ўтказиш ҳамда ана шундай умумий таълим тизимига ўтказишни енгиллаштиришга даъват этилган мактабларни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқишни молиялаштириш учун маблағлар ажратиш.

75. Лўлилар болаларини умумий таълим тизимида ўқишини куйидаги чораларни амалга ошириш орқали енгиллаштириш:

(а) мактабларда рома ва синтига нисбатан бидъат кўринишлари ҳолатларига барҳам бериш бўйича чоралар;

(б) педагогик кадрларни турфа маданиятли таълим соҳасида тайёрлаш ва турли миллатга мансуб болалар ўқийдиган синфларда иш олиб бориш;

(с) мактабларни қайта сегрегация¹ қилиш бўйича чораларни маҳаллий жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш;

(д) рома ва синти болалари билан бошқа ўқувчилар ўртасидаги тафовутларига барҳам бериш, шу жумладан буни рома ва синти болаларини бошлангич мактабда ўқишга тайёрлашга мўлжалланган мактабгача тарбия дастурларини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш;

(е) лўли жамоалари аъзолари орасидан воситачилар/тарбиячилар ва ўқитувчилар сонини кўпайтиришни қўллаб-қувватлаш.

76. Мактаблар учун ирқчиликка қарши йўналтирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

77. Рома ва синти болалари томонидан мактаб машгулотлари паст давоматига олиб келадиган омилларга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш. Бу, жумладан, рома ва синти оилаларини барча бошқа аҳоли билан тенг ҳолда рўйхатга олиш имконини берадиган зарур ҳужжатлар билан таъминлашни қамраб олади.

78. Мактабгача ёшдаги болалари бор кам таъминланган лўлилар оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш.

79. Рома ва синти болаларининг мактаб машгулотларига мунтазам қатнашини, жумладан бу ишга оила аъзолари ва ижтимоий воситачиларни жалб қилиб, рома ва синти ота-оналари ҳамда лўли оксоқолларининг болалар томонидан мактаб машгулотларига қатнашишлари ва айниқса қизларнинг таълим олишларига тенг имкониятлар яратиш бўйича ўз маъсулиятларини англашларини рағбатлантириш.

80. Лўли қизларга таълим олиш учун тенг имкониятлар яратиш ва ижтимоий ҳаётга жалб қилишни таъминлашга алоҳида эътибор бериш ҳамда улар орасида, айниқса, юқори бўлган ўқишни ташлаганлар фоизини камайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.

1 Сегрегация (лотинча «segregation» — «ажралиш» сўзидан) — шахсларни танасининг ранги ёки миллий мансублиги асосида ҳуқуқларини чеклаш, ирқий камситиш турларидан бири.

81. Бошланғич мактабни тугалламаганлар ва саводсизлар учун тегишли дастурларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш.

82. Зарурат бўлганда, лўли талабаларга стипендиялар тақдим этиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг стипендиялар тақдим этиш бўйича мавжуд дастурларда янада кенгрок иштирок этишларини рағбатлантириш.

83. Ахборот веб-сайтлари ташкил этиш йўли билан рома ва синти ўртасида компьютер саводхонлигини оширишга ёрдам бериш.

84. Таълим соҳасидаги сиёсат самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаб бориш.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТ саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш 6/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ минтақасида рома ва синтининг аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режасини бажариш юзасидан ЕХХТ саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишга қатъий ният қилиб,

(...)

1. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синтининг ижтимоий жиҳатдан ажратиб қўйиш ва маргиналлаштиришининг¹ олдини олиш, шунингдек уларнинг аҳволини узоқ муддатли яхшилашга эришиш воситаси сифатида рома ва синти болаларининг таълим олишдаги тенглигини таъминлаш ва уларнинг эрта таълим олишини рағбатлантиришга қатъиян даъват этади. Шу маънода таълим соҳасидаги сиёсат рома ва синтини умумий таълим тизимида интеграциялашга йўнатирилган бўлиши кераклигини таъкидлайди;

2. ДИИХБни мавжуд ресурслар доирасида иштирок этувчи давлатларга, уларнинг илтимосига кўра, рома ва синти болаларини барвақт таълим олишларини таъминлашда ёрдам кўрсатишга даъват этади. Шу муносабат билан иштирок этувчи давлатларни, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолатларда, жамиятни, шу жумладан рома ва синти жамоасини барвақт таълим олишнинг афзалликлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш бўйича ташаббус кўрсатишга қатъиян даъват этади;

3. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синти билан ҳамкорликда ўзларининг рома ва синтини мактабга ўқишга кириш ва машғулотларга мунтазам қатнаш муҳимлиги бўйича хабардорлигини ошириш юзасидан саъй-ҳаракатларни кучайтиришга даъват этади;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синти барқарор интеграциясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш 8/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

7. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синти учун эрта таълимни тенг таълим олиш ҳамда рома ва синтини умумий таълим тизимида интеграциясини

¹ Маргиналлаштириш (инглизча «margin» — «энг кам», «қуйи қирра» сўзларидан) — аҳоли гуруҳлари ёки алоҳида шахсларнинг ижтимоий мақомини кескин пасайтириш.

таъминлашга алоҳида эътибор берган ҳолда таъминлаш масаласини комплекс ҳал қилишга даъват этади.

8. ДИИХБга иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашув асосида ва ЕХХТнинг тегишли институтлари билан қалин ҳамкорликда, ўз мандатлари доирасида рома ва синтининг эрта таълим олишнинг ўқитувчилар тайёрлаш ва мактаблардаги паст давомат билан курашиш лойиҳалари каби лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширади;

(...)

4.2.4 Ижтимоий-иқтисодий муаммолар

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

31. (...) Биз рома ва синтини ижтимоий жиҳатдан ажратиб қўйиш муаммосига қаттиқ эътибор бериш зарурлигини таъкидлаймиз. Бу масалаларда жавобгарлик асосан тегишли иштирок этувчи давлатлар зиммасидадир.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

Турар жой ва турмуш шароитлари

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

43. Рома ва синтининг мулкӣ ҳуқуқига аниқлик киритишга даъват этилган механизмлар ва маъмурий-ҳуқуқий тартибларни яратиш, уларнинг истиқомат қилишлари қонунийлиги тўғрисидаги масала тартибга солинмаган ҳолатларда (масалан, лўлиларни ерга ҳуқуқи йўқ манзилларга жойлаштириш ёки асосий аҳоли турар жойи ер режасига киритилмаган манзилларга жойлаштириш; тегишли шахслар амалда ўнлаб йиллар давомида истиқомат қиладиган манзилларда оила ва уйнинг қонунлаштирилган турар жой мақоми мавжуд эмаслиги) мулк масаласини ҳал этиш ва ҳуқуқий мақомини тартибга солиш.

44. Рома ва синтини улар манфаатлари йўлида амалга оширилаётган турар-жой сиёсатини аниқлашга, шунингдек қурилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, давлат турар жойларини тиклаш ва/ёки зарур тартибда сақлашга жалб этиш. Турар жой лойиҳалари миллий ва/ёки ирқий сегрегацияни қўллаб-қувватлашига йўл қўймаслик.

45. Иштирок этувчи давлатлар томонидан халқаро ташкилотлар ва молиявий муассасалардан кам таъминланганлар учун турар жой қурилиши эҳтиёжларига олиниши мумкин бўлган қарзлар бўйича кафолатлар тақдим этиш имкониятини қараб чиқиш.

46. Лўлилар жамоалари учун кооператив турар-жой қурилишини рағбатлантириш ва бундай объектларни сақлаш учун зарур бўлган таълим беришни таъминлаш.

Ишсизлик ва иқтисодий муаммолар.

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

48. Зарур малакага эга рома ва синтининг давлат сектори ходимлари ўртасида сони кўпайишини қўллаб-қувватлаш.

49. Рома ва синти каби вакиллари кам бўлган аҳоли гуруҳларини давлат бошқарувининг маҳаллий органлари ва бошқа соҳаларда ишлашга тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда бу дастурларни тугаллаганларни фуқаролик хизматларига ёллаш сиёсатини рағбатлантириш.

50. Рома ва синтининг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун ишга жойлаштиришнинг молиялаштирилган дастурларини

амалга ошириш натижаларини қайта баҳолаш, бунда ўқитишга тааллуқли масалаларга алоҳида эътибор бериш.

51. Рома ва синтининг, айниқса уларнинг ёшлари ва аёлларини меҳнат бозорида талабга эга касбий кўникмаларини ва ишга жойлашишга яроқликларини оширишга тайёрлашга даъват этилган сиёсат ҳамда дастурларни, шу жумладан касб-техника таълими соҳасидаги сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш.

52. Ижтимоий тўловларга қарамликдан ҳоли бўлишнинг ишонарли воситаси сифатида иш излашга рағбатни оширишга йўналтирилган ижтимоий сиёсат олиб бориш.

Тиббий хизмат кўрсатиш

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

58. Рома ва синти тиббий хизматдан камситилмасдан фойдаланишини таъминлаш.

59. Тиббиёт ходимларининг лўли аҳолисининг алоҳида эҳтиёжлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш.

60. Лўлилар жамоаларида касалланиш даражаси юқорилиги ва тўйиб овқатланмасликка барҳам бериш бўйича чоралар кўриш.

61. Рома ва синтини соғлиқни сақлаш умумий хизматларидан эрта босқичда фойдаланишларини кенгайтиришни куйидагилар орқали рағбатлантириш:

(а) рома ва синтини бундай хизматлар мавжудлиги ва улар хизматидан қандай фойдаланиш тўғрисида хабардор қилиш;

(б) рома ва синтини давлат тиббий муасасаларига ишончини, жумладан рома ва синтига нисбатан бевосита ёки билвосита камситишда айбдорларни жазолаш орқали ошириш; тиббий муасасалар ходимлари томонидан лўлилар маданиятининг тегишли хусусиятларини англашларини яхшилаш; ва лўлилар жамоалари билан соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги тушунмовчиликни бартараф этишда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган воситачиларни қўллаб-қувватлаш.

62. Аёллар ва қизлар саломатлигига, жумладан куйидагилар орқали алоҳида эътибор бериш:

(а) соғлиқни сақлаш масалалари (шу жумладан чақалоқларни овқатлантириш, парваришлаш, майишнинг ўз-ўзиданлик ва ҳоказолар) бўйича ахборотларни тарқатиш дастурларини қўллаб-қувватлаш ва/ёки ишлаб чиқиш;

(б) гинекология ёрдамидан, шу жумладан туғишдан олдинги даврда, туғиш пайтида ва туғишдан сўнг тиббий ёрдамдан фойдаланишни, хусусан ахборот тарқатиш ва ўқитиш орқали кенгайтириш.

63. Рома ва синти болалари саломатлигига тегишли педиатрия ёрдами, жумладан лўлилар яшаш манзилларида ихтиёрий вакцинация ўтказиш каби профилактика чоралари орқали алоҳида эътибор бериш.

4.2.5 Ирқчилик ва камситиш

А. Ирқчилик ва салбий ақидаларга қарши кураш

Копенгаген 1990 йил

(40) Иштирок этувчи давлатлар тоталитаризмни, ирқий ва этник адоват туйғусини, антисемитизмни, ксенофобияни ва ҳар қандай шахсга нисбатан камситишни, шунингдек диний ва мафкурий сабабларга кўра таъқиб қилишни аниқ

ва сўзсиз қоралайдилар. Улар шу маънода рома(лўли)ларга оид алоҳида муаммоларни ҳам эътироф этадилар.

Женева 1991 йил

(VI)

Иштирок этувчи давлат ирқий, этник ва диний адоватни, антисемитизм, ксенофобия ҳамда камситиш ҳолатларининг намоён бўлиши ўсиб бораётганидан ташвишланиб, кимга нисбатан бўлишидан қатъи назар, бундай ҳолатларни доимий равишда қоралаш хусусидаги ўз қатъиятларини таъкидлайдилар.

Шу маънода улар ромалар(лўлилар)нинг алоҳида муаммолари мавжудлигини тан олишларини эътироф этадилар. Улар одатда ромалар билан ўз давлатида яшаб келаётган одамлар ва бошқа аҳоли ўртасида тўлақонли тенгликка эришиш учун самарали чора-тадбирлар кўришга тайёрдирлар. Шунингдек, улар ромаларга ва улар рўбарў бўлаётган алоҳида муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган тадқиқот ва кидирув ишларини рағбатлантирадилар.

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

31. Биз озчиликни ташкил қилувчи миллатларга, шу жумладан рома ва синтига нисбатан зўравонлик ҳоллари ҳамда бошқа ирқчилик кўринишлари ва камситишлар мавжудлигини афсус-надомат билан таъкидлаймиз (...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот фаолияти

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

7. Тегишли халқаро ҳужжатларни ва жумладан Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияни, башарти бу қилинмаган бўлса, имкони борича қисқа муддатларда ратификация қилиш масаласини қараб чиқиш.

(...)

14. Ҳақиқий мулоқот ёки маслаҳатлашув ёхуд бошқа тегишли воситаларни рағбатлантириш орқали бағрикенгликликни ошириш, бидъатларга ва салбий ақидаларга ҳар икки томондан барҳам бериш мақсадларига амал қилган ҳолда рома ва синти билан бошқа аҳоли ўртасидаги муносабатларни яхшилашга интилиш.

(...)

Полиция

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

26. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг рома ва синти ахволи тўғрисида хабардорликларини ошириш ҳамда бидъатлар ва салбий ақидаларга барҳам бериш сиёсатини ишлаб чиқиш.

27. Ортиқча куч ишлатишнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини чуқурроқ англаш ва ҳурмат қилишга мўлжалланган касбий тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш.

28. Қуйидагиларга даъват этилган сиёсатни ишлаб чиқиш: (1) полиция томонидан рома ва синтига нисбатан шафқатсиз муомала ва зўравонликнинг олдини олиш учун рома ва синти жамоалари билан полиция ўртасидаги муносабатларни яхшилаш; ва (2) рома ва синти томонидан полицияга ишончли ошириш.

(...)

30. Миллий полиция, НХТ ҳамда рома ва синти жамоалари вакиллари билан маслаҳатлашувлар асосида полиция фаолияти соҳасида миллий амалиёт билан халқаро нормалар ўртасидаги мавжуд тафовутларни баҳолашни амалга ошириш.

31. Зарурат бўлганда ҳамда халқаро ташкилотлар ва лўлилар НХТлари билан калин ҳамкорликда дастурамал кўрсатмалар, хулқ-атвор кодекслари, амалий қўлланмалар ва кадрларни тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

32. Рома ва синтини бағрикенгликлик ва турфаликни оширишнинг ишонарли воситаси сифатида ҳуқуқ-тартибот органларига ишга киришга даъват этиш.

Оммавий ахборот воситалари

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

36. Рома ва синтига нисбатан бидъатлар ҳамда улар билан боғлиқ салбий оқибатларни бартараф этишга мўлжалланган ахборот-тарғибот кампаниясини авж олдириш.

(...)

38. Оммавий ахборот воситаларини лўлилар ҳаётининг ижобий томонларини ёритиш, рома ва синти тўғрисидаги ақида тасаввурлар пайдо қилиш ҳамда турли миллий гуруҳлар ўртасида тигизликни кучайтиришга йўл қўймасдан тегишли материалларни мутаносиб эълон қилишга даъват қилиш. Бу мақсадларда оммавий ахборот воситалари ҳамда рома ва синти вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш.

Афина 2009 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синти барқарор интеграциясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш 8/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

рома ва синти ирқчилик ва камситишдан, шунингдек рома ва синтига нисбатан бидъат ва тоқатсизликнинг шафқатсиз кўринишлари ортишидан жабрланишлари давом этаётганлигидан ташвишланиб,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларни рома ва синти янада маргиналлашиши ва ажратиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан бағрикенгликликни рағбатлантириш ва бидъатлар билан курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қатъиян даъват этади (...);

4. Иштирок этувчи давлатларни (...) тоқатсизлик ва камситиш ижтимоий тоғувлик, барқарорлик ва хавфсизликка солиши мумкин бўлган таҳдид тўғрисидаги хабардорликни ошириш мақсадларида рома ва синти билан бошқа жамиятлар ўртасидаги мулоқотни рағбатлантиришга даъват этади;

(...)

В. Адоват асосидаги жиноятлардан ҳимоя қилиш

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот фаолияти

9. Камситишга қарши қонунчилик қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

(...)

- ирқчилик асосида ҳам хусусий шахслар, ҳам давлат маъмурлари томонидан содир этиладиган жиноятларга жиддийроқ чоралар қўллаш;
- ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан(суд ёки маъмурий тартиблар, яраштириш ёки воситачилик тартибларидан) тенг фойдаланиш.

(...)

11. Тегишли ҳолларда бундай қонунчиликни қўллашни таъминлайдиган ихтисослаштирилган институтлар, шунингдек уни қўллашнинг бориши устидан кузатадиган ва бу ҳақда ошкоралик шароитларида мунтазам маърузалар тақдим этадиган миллий механизмларни яратиш. Рома ва синти вакиллари жамоатчилик учун очиқ бўлган бундай органлар ишида иштирок этишга даъват этиш.

(...)

16. Рома ва синтига нисбатан зўравонлик ҳолатларини, айниқса улар ирқчилик асосида содир этилган деб шубҳаланишга етарлича асос бўлганида, фаол ва самарали тергов қилинишини таъминлаш ҳамда айбдорларга нисбатан, тегишли ҳуқуқий-ҳимоя нормаларига риоя этган ҳолда, миллий қонунчиликка мувофиқ суд таъкибини амалга ошириш.

17. Зўравонликда (...) айбдорлар, жумладан полиция томонидан тегишли шахсларни кечиктирилмасдан тергов қилиш ва жазолаш бўйича самарали чоралар кўрилиши орқали, жазоланмай қолинишига йўл қўймаслик.

18. Рома ва синтига ҳуқуқий ёрдам ва лўлилар тилида ахборот тақдим этиш каби чоралар орқали одил судловдан фойдаланишларини енгиллаштириш.

Полиция

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

27. Ортиқча куч ишлатишнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини чуқурроқ англаш ва ҳурмат қилишга мўлжалланган касбий тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш.

28. Қуйидагиларга даъват этилган сиёсатни ишлаб чиқиш: (1) полиция томонидан рома ва синтига нисбатан шафқатсиз муомала ва зўравонликнинг олдини олиш учун рома ва синти жамоалари билан полиция ўртасидаги муносабатларни яхшилаш; ва (2) рома ва синти томонидан полицияга ишончни ошириш.

29. Рома ва синтига нисбатан ирқчилик асосида зўравонликка жавобан полиция томонидан самарали чоралар кўрилишини таъминлайдиган сиёсат ва тартибларни ишлаб чиқиш.

30. Миллий полиция, НХТ ҳамда рома ва синти жамоалари вакиллари билан маслаҳатлашувлар асосида полиция фаолияти соҳасида миллий амалиёт билан халқаро нормалар ўртасидаги мавжуд тафовутларни баҳолашни амалга ошириш.

31. Зарурат бўлганда ҳамда халқаро ташкилотлар ва лўлилар НХТлари билан калин ҳамкорликда дастурамал кўрсатмалар, хулқ-атвор кодекслари, амалий қўлланмалар ва кадрларни тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

Афина 2009 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг рома ва синти барқарор интеграциясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш 8/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

рома ва синти ирқчилик ва камситишдан, шунингдек рома ва синтига нисбатан бидъат ва тоқатсизликнинг шафқатсиз кўринишлари ортишидан жабрланишлари давом этаётганлигидан ташвишланиб,

глобал иқтисодий пасайиш даврларида рома ва синти алоҳида ночор гуруҳларга мансуб бўлиши ҳамда нооқилона душманлик ва ижтимоий қоралаш объектига айланиши мумкинлигини таъкидлаб,

рома ва синтига нисбатан мурасасизлик кўринишлари фақат уларни ихоталаш ва маргиналлаштириш ортишигагина олиб келибгина қолмасдан, шунингдек умуман жамиятдаги ижтимоий келишув ва тинч-тотувликни таҳдид остига қўйиши мумкинлигини англаган ҳолда,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларни (...) рома ва синтига нисбатан мурасасизликнинг шафқатсиз кўринишларига қарши курашиш, шунингдек рома ва синтига қарши қаратилган ҳар қандай зўравонликни омма орасида сўзсиз қоралаш ва уларнинг миллий суд, маъмурий, келишиш ва яраштириш тартибларига мувофиқ ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланишларини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш, шунингдек бу соҳада ҳамма даражаларда масъул тузилмалар ўртасидаги мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадларида бағрикенгликликни рағбатлантириш ва бидъатлар билан курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қатъиян даъват этади.

(...)

4.2.6 Инқироз ва инқироздан кейинги вазиятлар

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-Қарорига Илова: ЕХХТ минтақасида рома ва синти аҳволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

VII. Рома ва синти инқирозли ва инқироздан кейинги вазиятларда.

(...)

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

107. Инқирозли вазиятларда қочоқлар ва ичкарида кўчирилган шахсларнинг жўнаб кетиш ҳоллари мавжуд бўлган аниқ жўғрофий минтақаларни аниқлаш, шунингдек рома ва синтининг ўзига хос аҳволини ҳисобга олиш мақсадларида лўлилар аҳолиси билан маслаҳатлашиш.

108. Мажбурий кўчирилган лўлилар аҳолиси (қочоқлар ва вақтинча кўчирилган шахслар) зарур тарзда рўйхатга олинишини ва уларга тегишли ҳужжатлар берилишини таъминлаш.

109. Иштирок этувчи давлатлар рома ва синтига мансуб қочоқлар ва вақтинча кўчирилган шахслар ўзларининг келажаги бўйича узоқ муддатга асосланган қарор қабул қилишларини, шу жумладан уларнинг хавфсиз, муносиб ва барқарор қайтиб келишини енгиллаштирадиган дастурлар мавжуд бўлишини таъминлашлари керак. Бундай дастурлар қочоқлар ва вақтинча кўчирилган шахслар учун аҳамиятли бўлган ҳар бир масала бўйича тегишли тилларда тақдим этиладиган аниқ ахборот берилишини таъминлаши керак.

110. Рома ва синтига мансуб қочоқлар билан муомала тегишли халқаро ҳимоя норма ва стандартларига жавоб беришини ва камситмаслик хусусиятига эга бўлишини таъминлаш.

111. ДИИХБнинг можароларнинг олдини олиш ва эрта босқичда аралашишни талаб этадиган соҳаларни аниқлаш бўйича функциясидан ЕХХТнинг ОМОК тажрибасига таянган ҳолда фойдаланиш.

112. Лўли аёллари ва болалари эҳтиёжларига инқирозли ва инқироздан кейинги вазиятларда алоҳида эътибор бериш, уларга тиббий хизмат кўрсатишдан фойдаланишни, турар-жой олиш ва мактабда ўқиш имкониятини биринчи навбатда тақдим этиш.

4.3 ТУБ АҲОЛИ

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VII. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(29) Туб аҳолига мансуб шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда махсус муаммоларга тўкнашиб келишлари мумкинлигини қайд этиб, ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тааллуқли ЕХХК бўйича мажбуриятлари бундай шахсларга нисбатан тўлиқ ва ҳеч бир камситишларсиз қўлланилиши мумкинлигига розилик билдирадилар.

4.4 ҚОЧОҚЛАР, КЎЧИРИЛГАН ШАХСЛАР ВА ҚАЙТИБ КЕЛАЁТГАН ШАХСЛАР, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР

Шунингдек қаранг:

§ II.3.1.11: Ҳаракат қилиш, одамлар ўртасидаги алоқа эркинлиги ва оилани бирлаштириш ҳуқуқи

§ II.3.1.13: Фуқароликка бўлган ҳуқуқ

§ II.4.2: Рома ва синти

§ II.4.5: Мигрант-ишчилар

§ II.7: Халқаро гуманитар ҳуқуққа тааллуқли мажбуриятлар

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(22) [Иштирок этувчи давлатлар] (...) барча истак билдирган қочоқларга хавфсиз уйга қайтишга рухсат берадилар.

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

14. Можаролар даврида инсоннинг энг оддий эҳтиёжларини қондиришга энг катта таҳдид солинади. (...) Биз бу можаролар натижасида пайдо бўладиган қочоқлар муаммоси ҳаммамиздан ҳамкорлик қилишни талаб этишини тан оламиз. Биз бу можаролар оқибатидаги қочоқлар муаммоларининг асосий оғирлиги зиммаларига тушган давлатларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида баёнот берамиз ва бу мамлакатлар билан бирдамлигимизни билдираамиз. Шу муносабат билан биз ҳамкорлик қилиш ва келишилган ҳаракатлар қилиш зарурлигини эътироф этамиз.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(...)

(39) Қочоқлар ва кўчирилган шахслар муаммоларидан ташвишда эканликларини билдирадилар.

(40) Қочоқлар ва кўчирилган шахсларнинг оммавий оқимиға сабаб бўлиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш муҳимлигини кўрсатиб ўтадилар ҳамда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва мажбурий

миграциясининг туб сабабларини аниқлаш ҳамда кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайдилар.

(41) Қочоқлар ва кўчирилган шахсларнинг оммавий оқимлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган халқаро ҳамкорлик зарурлигини тан оладилар.

(42) Кўчириш ҳоллари кўпинча ЕХХК бўйича мажбуриятлар, шу жумладан инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларнинг бузилиши натижаси ҳисобланишини тан оладилар.

(43) Қочоқларни ҳимоя қилиш ҳамда уларга ёрдам кўрсатишга оид мавжуд халқаро стандартлар ва ҳужжатларнинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар ҳамда Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенция ва Баённомага қўшилиш тўғрисидаги масалани, агар улар буни ҳали амалга оширмаган бўлсалар, кўриб чиқадиладар.

(44) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, шунингдек, қочоқларни ҳамда кўчирилган шахсларни ҳимоялашни таъминлаш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадиган ноҳукумат ташкилотларининг фаолияти муҳимлигини тан оладилар.

(45) Қочоқлар ва кўчирилган шахсларни ҳимоялашни таъминлаш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш бўйича узоқ муддатли ечимларни излашга қаратилган бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама саъй-ҳаракатларни олқишлайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Стокгольм 1992 йил (Қарорлар: 2. ЕХХК умумий қадриятлар тизими сифатида)

Қочоқлар ва кўчирилган шахсларнинг кескинлашиб бораётган муаммоси, айниқса асосий инсоний эҳтиёжларни қондириш барча иштирок этувчи давлатларда жиддий ташвиш уйғотаётган масала ҳисобланади. Вазирлар бундай можаролар оқибатида энг кўп жабрланган фуқаро аҳолисининг укубатлари муносабатлари билан таассуф билдирдилар ва барча иштирок этувчи давлатларга мазкур умумий оғирликни биргаликда зиммага олиш бўйича мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшишга даъват билан мурожаат қиладилар. Барча мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз фуқаролари ва ўз қўшниларига нисбатан ўз ҳаракатларида бир-бирларининг олдида маъсулдирлар. Айрим шахслар ҳарбий жиноятлар ва халқаро гуманитар ҳуқуқни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлишлари керак.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

32. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХК минтақасида оммавий кўчиш содир бўлаётганидан, шу жумладан асосан уруш, қуролли тўқнашувлар, ижтимоий адоват ва инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши оқибатида миллионлаб қочоқлар ва кўчирилган шахслар пайдо бўлаётганлигидан ташвишланаётганликларини изҳор қиладилар. Улар (...) бу соҳада тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қарор қиладилар.

(...)

Лиссабон 1996 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

9. (...) Инсонийлик мезонларининг ўткир муаммолари орасида ҳамон давом этаётган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари, чунончи инсон ҳуқуқларининг мажбурий кўчириш шаклидаги бузилиши (...) ЕХХТ минтақасидаги барқарорликка катта хавф бўлиб қолмоқда. Биз бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга қатъий аҳд қилганмиз.

10. ЕХХТ минтақасининг турли қисмларида кейинги пайтда қочоқлар бошига тушган фожеаларни ёдга олиб ва зўрлик билан кўчириш муаммосини эътиборга олиб, биз яна бир бор ҳар қандай «этник тозалашлар» сиёсатини ёки аҳолини ёппасига қувғин қилишни қоралашимизни билдирамиз ва бундай сиёсат юритмасликни зиммамизга оламиз. Бизнинг давлатларимиз қочоқлар ҳамда мамлакат ичкарисидида кўчиб юрган шахсларнинг хавфсиз ва муносиб тарзда қайтиши учун халқаро нормаларга мувофиқ шарт-шароитлар яратиб беради. Бу одамларнинг дастлабки истиқомат жойларига ҳеч қандай камситмаслик асосида ижтимоий жиҳатдан қўшилиб кетувига эришмоқ даркор (...)

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

Биз (...) улар даставвал яшаб келган мамлакатларда ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш қатъий ниятидамиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

19. (...) Биз ҳар бир инсон фуқаролик ҳуқуқига эга эканлигини ва ҳеч ким ўз фуқаролигидан асоссиз маҳрум қилиниши мумкин эмаслигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз ҳар бир шахс бу ҳуқуқдан фойдалана олинишини таъминлаш мақсадидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш мажбуриятини оламиз. Биз, шунингдек, фуқаролиги йўқ шахсларни янада ишонарли халқаро ҳимоя қилиш қатъий ниятидамиз.

(...)

22. Биз «этник тозалаш» ёки оммавий қувғин қилишнинг ҳар қандай сиёсатини рад этамиз. Биз 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва 1967 йилги унга Протоколга мувофиқ қочоқларнинг бошпана излаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва улар халқаро ҳимоя қилиниши таъминланиши, шунингдек қочоқлар ва ички кўчирилган шахсларнинг ихтиёрий, муносиб ва хавфсиз кўчиб келишига ёрдам кўрсатишга бўлган ўзимизнинг содиқлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. Биз қочоқлар ва ички кўчирилган шахсларни улар даставвал яшаб келган жойларда камситмаслик асосида қайтадан ижтимоий интеграциялашларига эришишга ҳаракат қиламиз. Можаролар вақтида фуқаро шахслар ҳимоясини кучайтириш мақсадида биз халқаро гуманитар ҳуқуқни янада фаолроқ қўллаш йўллари излаймиз.

Бухарест 2001 йил (Тероризм билан курашиш 1-сон Қарорига Илова: Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режаси).

15. Чўзилиб кетган кўчиш муаммосини ҳал этиш. Иштирок этувчи давлатлар/ДИИХБ/ОМОК/Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил: ЕХХТнинг ишонарли қарорлар излаш бўйича салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқа тегишли ташкилотлар, биринчи навбатда БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Бошқармасини қўллаб-қувватлаш ва улар билан қалин ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганадилар; чўзилиб кетган кўчириш билан боғлиқ вазиятларни диққат билан кузатадилар.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

12. Шу муносабат билан миллий қонунчилик ва халқаро мажбуриятларга риоя этган ҳолда бошпана излаётган шахсларни, шунингдек қочоқларни камситиш мавжуд бўлган жойларда бунга қарши кураш олиб бориш мажбуриятини олади ва ДИИХБни бу соҳадаги ўз фаолиятини мустаҳкамлашга даъват этади;

13. БМТнинг ички кўчиришга тааллуқли Дастурамал принципларини ЕХХТ фаолияти ва иштирок этувчи давлатларнинг ички кўчириш муаммоларини ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатлари учун фойдали асос сифатида маълумот учун қабул қилади;

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарорга Илова, ЕХХТнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

Гендер белгиси бўйича таъкиб қилишга тааллуқли халқаро ҳимоя масалалари бўйича Дастурамал принципларида қайд қилинган тафсияларига мувофиқ, 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция I А (2)-моддаси ва/ёки унинг 1967 йилги қочоқлар мақомига тааллуқли Протоколи маъносида, башарти бунинг хали қилмаган давлатларда, қочоқлар мақомларини аниқлаш жараёнида аёлларнинг мурожаатини тегишли тарзда кўриб чиқишни таъминлайдиган тартиб амалиётига, шунингдек гендер асосида таъкиб қилиш бўйича барча шикоятларга зарур даражада эътибор қаратишни;

Любляна 2005 йил (Чегаралар хавфсизлиги ва чегара тартиби соҳасидаги концепция: ЕХХТ иштирок этувчи давлатларнинг ҳамкорлиги учун доиралар)

4. Иштирок этувчи давлатлар келиш ва чиқиш ҳамда виза ҳужжатлари бериш учун жавоб берадиган ўз чегара ва божхона хизматлари, идоралар, ҳуқуқ тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли миллий идоралар ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ҳамкорликни ривожлантирадилар:

(...)

4.5 Тегишли миллий ҳуқуқий нормалар, халқаро ҳуқуқ, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар, қочоқлар ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган тегишли мажбуриятларга мувофиқ чегарани кесиб ўтиш истагида бўлган барча шахслар билан муносиб муомалани таъминлашни қўллаб-қувватлаш;

4.5 МИГРАНТ-ИШЧИЛАР

Шунингдек қаранг:

§ II.3.1.11: Ҳаракат қилиш, одамлар ўртасидаги алоқа эркинлиги ва оилани бирлаштириш ҳуқуқи

§ II.3.2.2: Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар

§ II.4.2: Рома ва синти

§ II.5.3: Бидъат, мурасасизлик ва адоват билан боғлиқ ҳаракатларга қарши кураш

Хельсинки 1975 йил (Иқтисодиёт, фан ва техника ҳамда атроф муҳит соҳасида ҳамкорлик)

Иштирок этувчи давлатлар,

Европада мигрант-ишчиларнинг кўчиб юриши кенг қўлам касб этганлигини эътиборга олиб ва бу ҳам қабул қиладиган мамлакатларда, ҳам келиб чиқиш

мамлакатларида муҳим иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар омил эканлигини эътиборга олиб,

ишчиларнинг миграцияси, ҳам уларни қабул қиладиган мамлакатларда, ҳам уларнинг келиб чиқиш мамлакатларида қатор иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммолар туғдириши мумкинлигини эътироф этиб,

бу соҳада ваколатли халқаро ташкилотлар, жумладан Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятини зарур тарзда ҳисобга олиб, ҳисоблайдиларки, Европада ишчилар билан боғлиқ миграция сабабли икки томонлама муносабатларда, шунингдек иштирок этувчи давлатлар ўртасида пайдо бўладиган муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда бевосита манфаатдор томонлар томонидан кўриб чиқилиши керак, бунда ҳар бир давлатнинг у қўшилган икки томонлама ва кўп томонлама битимлари бўйича мажбуриятларини эътиборга олиб, ҳар бир манфаатдор давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий аҳволни зарур даражада ҳисобга олишга бўлган интилишида қуйидаги мақсадларга эришишни кўзда тутиш:

- келиб чиқиш мамлакати ўз фуқаролари учун ўз ҳудудида бандлик имкониятларини, жумладан бу мақсадга ҳамда келиб чиқиш ва қабул қиладиган мамлакатлар манфаатдорлиги мақсадларига жавоб берадиган иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш йўли билан кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш;
- қабул қиладиган мамлакатлар билан келиб чиқиш мамлакати ўртасидаги ҳамкорлик йўли билан ишчиларнинг кўчиб юришини тартибга солиш учун шароит яратишни таъминлаш, бунда уларнинг шахсий ва ижтимоий фаровонлигини муҳофаза этиш ҳамда тегишли ҳолатларда мигрант-ишчиларнинг энг оддий тил ва касбий тайёргарлигини ташкил этишни таъминлаш;
- мигрант-ишчилар билан қабул қиладиган мамлакатлар фуқаролари ўртасида ёллаш ва меҳнат шароитлари, шунингдек ижтимоий таъминотга тааллуқли масалаларда тенг ҳуқуқлилини таъминлаш ҳамда мигрант-ишчиларга, айниқса турар-жойга нисбатан қониқарли турмуш шароитлари яратилишини назорат қилиш;
- мигрант-ишчилар ишсизлик ҳолатларида, имконияти борица, мақбул бўлган иш топишда қабул қиладиган мамлакат фуқаролари эга бўлган имкониятлардан фойдаланишларини назорат қилиш;
- мигрант-ишчилар касбий тайёргарлик олиш ва, имконияти борица, қабул қиладиган давлатда иш жойида тилга бепул ўқитилишига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш;
- мигрант-ишчиларнинг, имконияти борица, ҳам келиб чиқиш, ҳам қабул қилувчи мамлакатларда мунтазам равишда ўз она тилида ахборот олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйиш;
- қабул қиладиган мамлакатда мигрант-ишчиларнинг болаларини, ушбу мамлакат болаларидек, одатдаги таълимдан фойдаланишларини таъминлаш ҳамда бундан ташқари она тили, миллий маданият, тарих ва жўғрофияга ўқитишни таъминлаш;
- мигрант-ишчилар, айниқса улардан малака олганлари, биров вақт ўтгандан сўнг ўз мамлакатларига бориб, келиб чиқиш мамлакатларида малакали иш кучи етишмаслигини тўлдиришга қўмаклашишлари мумкинлигини назарда тутиш;
- мигрант-ишчилар оилаларини бирлашишларини, имконияти борица, енгиллаштириш;

- келиб чиқиш мамлакатларининг ўз иқтисодий ривожланиши доирасида бандликка тегишли имкониятларини кенгайтириш учун мигрант-ишчиларнинг жамғармаларини жалб этиш ва бу билан мазкур ишчилар қайтиб келгандан сўнг қайта интеграциялашишларига кўмаклашишларига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш;

Мадрид 1983 йил (Иқтисодиёт, фан ва техника ҳамда атроф муҳит соҳасида ҳамкорлик)

Иштирок этувчи давлатлар Якунловчи ҳужжатнинг Европада иш кучи миграциясига тааллуқли қоидалари маъносида шуни таъкидлайдиларки, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши сўнгги вақтда мигрант-ишчилар аҳволига таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан иштирок этувчи давлатлар қабул қилувчи мамлакатлар ва келиб чиқиш мамлакатлари ўзаро манфаатдорлик ва ҳамкорлик руҳига амал қилиб, мигрант-ишчилар ва улар оилаларининг умумий аҳволини янада яхшилашни, жумладан инсон ҳуқуқларини, шу жумладан уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иккинчи авлод мигрантларининг махсус муаммоларини айниқса эътиборга олиб, ўзаро алоқаларни кучайтириш истагини билдирадилар. Улар, шунингдек, оқилона эҳтиёжлар мавжуд бўлган ҳолатларда, келиб чиқиш мамлакатлари тили ва маданиятига тегишли ўқитишни таъминлашга ёки буни қўллаб-қувватлашга интиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар қайтиб келаётган мигрант-ишчиларнинг ижтимоий ва иқтисодий қайта интеграциялашишларини енгиллаштириш бўйича бошқа чоралар билан бир қаторда тегишли қонунчилик воситалари ёки ўзаро келишувларга кўра, бу ишчиларга ишга қабул қилинган мамлакатларда белгиланган ижтимоий таъминот тизимларида кўзда тутилган пенсиялар тўланиши таъминланишини тавсия этадилар.

Вена 1989 йил (Иқтисодиёт, фан ва техника ҳамда атроф-муҳит соҳасидаги ҳамкорлик)

(40) Иштирок этувчи давлатлар Якунловчи ҳужжатнинг ва Мадрид Якунловчи ҳужжатининг Европадаги мигрант-ишчилар ва улар оилаларига тааллуқли қоидаларини самарали амалга ошириш заруратини таъкидлайдилар. Улар қабул қилувчи мамлакатларда қонуний асосда яшаётган мигрант-ишчилар ва улар оилаларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа шароитларини янада яхшилаш учун қабул қилувчи мамлакатлар ва келиб чиқиш мамлакатларидан саъй-ҳаракатлар қилишни сўрайдилар. Улар келиб чиқиш мамлакатларига қайтиб келаётган мигрант-ишчиларнинг қайта интеграцияланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилувчи мамлакатлар билан келиб чиқиш мамлакатлари тегишли соҳаларда икки тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлашларини тавсия қиладилар.

(41) Иштирок этувчи давлатлар (...) қабул қилувчи мамлакатларда қонуний яшаётган мигрант-ишчилар оилалари уюшишини, шунингдек бошқа иштирок этувчи давлатлардаги мигрант-ишчилар билан оилавий алоқалар ва сафарлар тўғрисидаги мурожаатларини хайрихоҳлик билан қараб чиқадиладар.

(42) Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлатларнинг мигрант-ишчилари ва уларнинг оилалари ўз миллий маданияти неъматларидан эркин фойдаланишларини, уни сақлашни ҳамда қабул қилувчи мамлакат маданиятидан фойдаланишларини таъминлайдилар.

(43) Иштирок этувчи давлатлар мигрант-ишчилар болалари билан ўз фуқаролари болаларининг таълимнинг барча турлари ва даражаларидан фойдаланиш бўйича самарали тенглигини таъминлаш мақсадида таълим олишдан янада тўлароқ фойдаланиш ва бу имкониятларни яхшилаш учун зарур чораларни кўришга ўзларининг тайёрликларини тасдиқлайдилар. Бундан ташқари улар, оқилона эҳтиёж мавжуд бўлган жойларда, мигрант-ишчилар болалари учун ўз она тилларида қўшимча дарс ўтилишини рағбатлантирадилар ёки енгиллаштирадилар.

(44) Иштирок этувчи давлатлар мигрант-ишчиларнинг масалалари ўз инсонийлик мезонларига эга эканлигини эътироф этадилар.

Копенгаген 1990 йил

(22) Иштирок этувчи давлатлар мигрант-ишчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши ўзининг инсонийлик мезонларига эгаллигини тасдиқлайдилар. Улар шу маънода:

(22.1) мигрант-ишчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши барча иштирок этувчи давлатларнинг вазифаси эканлигига ва бундай ҳуқуқлар худди шу тарзда ЕХХК жараёни доирасида кўриб чиқирилиши кераклигига розилик берадилар;

(22.2) ўзлари иштирокчиси бўлган халқаро битимларда назарда тутилган мигрант-ишчиларнинг ҳуқуқларини ўз ички қонунларида тўлиқ таъминлаш мажбуриятини тасдиқлайдилар;

(22.3) мигрант-ишчиларнинг ҳуқуқларига тегишли бўлажак халқаро воситаларда улар ушбу масаланинг ҳамма учун муҳим эканлиги фактини ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблайдилар;

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз қабул қилувчи мамлакатларда қонуний яшайдиган мигрант-ишчилар ва улар оилаларининг муаммолари иқтисодий, маданий ва ижтимоий хусусиятларга, шунингдек ўз инсонийлик мезонларига эга эканлигини эътироф этамиз. Биз улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга ёрдам бериш, шунингдек тегишли халқаро мажбуриятларимизни бажариш бизнинг умумий ишимиз эканлигини яна бир бор тасдиқлаймиз.

Москва 1991 йил

(38) Иштирок этувчи давлатлар бундай давлатларда қонуний истиқомат қиладиган мигрант-ишчилар ва улар оилаларининг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишининг таъминланиши ҳамда уларнинг миллий, маданий, диний ва тилга оид ўзига хос хусусиятларини эркин намоён этиш ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш зарурлигини эътироф қиладилар. Бундай ҳуқуқларнинг амалга оширилишига фақат қонунга кўра белгиланган ва халқаро андозаларга мувофиқ келадиган чеклашлар кўлланилиши мумкин.

(38.1) Улар барча ирқий мансублик, терининг ранги ва этник келиб чиқишига кўра камситилишни, кўчманчи ишчиларга нисбатан тоқатсизлик ва ксенофобия ҳаракатларини қоралайдилар. Улар ўз миллий қонунлари ва халқаро мажбуриятларига кўра мигрант-ишчиларга нисбатан бағрикенглик, ўзаро тушуниш, имкониятлар тенглигининг рағбатлантирилиши ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши учун самарали чора-тадбирларни кўрадилар; агар улар ҳали

шу пайтгача бундай қилмаган бўлсалар, миллий, иркий, этник ёки диний камситиш, душманчилик ёки адоватга асосланган зўравонликка ундашдан иборат ҳаракатларни тақиқлаш чора-тадбирларини кўрадилар.

(38.2) Улар мигрант-ишчиларнинг иштирок этувчи давлатлар ижтимоий турмушида қатнашишига имкон берадиган тегишли чора-тадбирларни кўрадилар.

(38.3) Улар инсонийлик мезонларига тааллуқли ҳар қандай бошқа масалалар сингари ҳудудида истиқомат қиладиган мигрант-ишчилар инсонийлик мезонлари билан боғлиқ масалалар инсонийлик мезонлари механизми доирасида кўтарилиши мумкин бўлур эди, деб таъкидлайдилар.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(36) Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари барчага тегишли эканлигини ва мигрант-ишчилар ҳам, ўз яшаш жойларидан қатъий назар, бу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишларини яна бир бор билдирадилар, шунингдек, иштирок этувчи давлатлар ҳудудида қонуний яшаб турган мигрант-ишчилар ва уларнинг оилаларига тааллуқли ЕХҲК бўйича барча мажбуриятларнинг бажарилиши муҳимлигини таъкидлайдилар.

(37) Мигрант-ишчилар билан улар қонуний яшаб турган иштирок этувчи давлатнинг жамияти ўртасида янада уйғунроқ муносабатларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга ёрдам берадилар. Шу мақсадда улар, жумладан, мигрант-ишчилар ва уларнинг оилаларига қабул қилувчи мамлакат жамияти ҳаётида иштирок этиш имкониятини бериш учун уларга тегишли иштирок этувчи давлат тилини ўрганиб олишлари ва ижтимоий ҳаёт билан танишишларига ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

(38) Ўз ички сиёсатлари, ўз ички қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ тегишли ҳолларда қонуний яшаб турган ва ишлаб турган мигрант-ишчиларга меҳнат қилиш, таълим олиш, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш, турар-жой таъминоти, касаба уюшмалари фаолиятида иштирок этишга ва маданий ҳуқуқларга доир тенг имкониятларни таъминлашга ёрдам берувчи шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

29. Улар мигрант-ишчилар ва уларнинг оилаларига нисбатан иркий хуружлар ва мурасисизлик, зўравонликнинг бошқа кўринишларини олдини самарали олиш учун тегишли чоралар кўришга қарор қилдилар.

(...)

31. Улар мигрант-ишчилар қонуний яшаб турган мамлакатларида уларнинг ижтимоий интеграциясига кўмаклашишни давом эттирадилар. Улар интеграция жараёнининг муваффақияти кўп жиҳатдан мигрант-ишчиларнинг ўзлари уни фаол амалга оширишларига боғлиқ эканлигини тан оладилар ва шунга мувофиқ уларни бу борада рағбатлантиришга қарор қилдилар.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

11. Мигрант-ишчиларга қарши камситиш билан курашиш мажбуриятини олади. Шунингдек мигрант-ишчилар қонуний яшайдиган мамлакатларида ижтимоий интеграцияланишларини енгиллаштириш мажбуриятини ҳам олади.

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарори-га Илова; Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглилик ва ирқчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш)

Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

(...)

- ўзларининг ички қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларга мувофиқ мигрантлар ва мигрант-ишчиларга нисбатан камситиш, тоқатсизлик ва ксенофобияга қарши чоралар кўриш;
- жамоатчиликнинг мигрантлар ва мигрант-ишчиларнинг жамият ҳаётини бойитишга қўшадиган ҳиссасига нисбатан хабардорликларини ошириш бўйича чоралар кўриш масаласини қараб чиқиш;

(...)

Любляна 2005 йил(Чегаралар хавфсизлиги ва чегара тартиби соҳасидаги концепция: ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг ҳамкорлиги учун доиралар)

4. Иштирок этувчи давлатлар келиш ва чиқиш ҳамда виза ҳужжатлари бериш учун жавоб берадиган ўз чегара ва божхона хизматлари, идоралар, ҳуқуқ тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли миллий идоралар ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ҳамкорликни ривожлантирадилар:

(...)

4.5 Тегишли миллий ҳуқуқий нормалар, халқаро ҳуқуқ, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар, қочоқлар ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган тегишли мажбуриятларга мувофиқ чегарани кесиб ўтиш истагида бўлган барча шахслар билан муносиб муомалани таъминлашни қўллаб-қувватлаш;

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Миграция 2/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

миграцияга ва жумладан мигрант-ишчиларга тааллуқли мажбуриятларини, шунингдек бу соҳадаги бошқа мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлаб (...)

миграция аҳамияти ортиб бораётганлигини, шунингдек иштирок этувчи давлатлар учун бу билан боғлиқ даъватларни ҳам, қулай имкониятларни ҳам таъкидлаб,

миграция ўз хусусияти бўйича тобора кенг қўламли ва мураккаб бўлиб бораётганлигини ва шу сабабли ҳар тарафлама кўриб чиқилишини ҳамда тегишли равишда, миллий, минтақавий ва халқаро даражада мезонлараро ёндашувни талаб этаётганлигини ҳам таъкидлаб,

барча давлатлар миллий даражада миграцияни тартибга солиш бўйича самарали чоралар кўришлари лозимлигини таъкидлаб,

миграция — бу, моҳияти бўйича, давлатлар ўртасида ҳамкорликни талаб этадиган трансмиллий муаммо эканлигини таъкидлаб,

миграция фақат келиб чиқиш мамлакатигагина эмас, балки қабул қилувчи мамлакат учун ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар омил эканлигини эътироф этиб,

шунингдек, хусусан маданий ва диний турфаликни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ва рағбатлантириш бизнинг мамлакатларимизда барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашнинг омили ҳисобланишини эътироф этиб,

(...)

ЕХХТ, жумладан Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ) билан ЕХХТнинг Иқтисодий ва атроф-муҳит соҳасидаги фаолиятининг Мувофиқлаштирувчиси Бюроси (ИАМФМБ) ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар ва институтлар ўртасидаги мавжуд ҳамкорликни маъқуллаб,

ЕХХТ хавфсизликка кенг қамровли ёндашуви доирасида, жумладан, куйидагилар орқали ҳисса қўшиши мумкинлигини ҳисоблаб:

- миграция муаммолари билан шуғулланаётган халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва янада қалин шериклик алоқаларини ўрнатиш,
- иштирок этувчи давлатлар, шу жумладан ЕХХТ минтақасида келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатлари, шунингдек ЕХХТнинг ҳамкорлик бўйича шериклари ва унинг Ўрта ер денгизидаги ҳамкорлик бўйича шериклари ўртасида мулоқот ва ҳамкорликни енгиллаштириш,
- иштирок этувчи давлатларга, уларнинг илтимосига кўра, миграция соҳасида самарали сиёсатни ишлаб чиқишда ва ЕХХТда қабул қилинган тегишли мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатиш,
- иштирок этувчи давлатларни тегишли халқаро ҳужжатларга қўшилишга даъват қилиш,

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Миграция жараёнларини бошқариш 5/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Барча мамлакатларда, шу жумладан келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ижтимоий тотувлик, хавфсизлик ва барқарорлик учун миграция жараёнларини самарали бошқаришнинг ортиб бораётган аҳамияти ва манфаатларини эътироф этиб,

иқтисодий ва ижтимоий вазифалар, табиатни муҳофаза қилиш, ривожланиш ва хавфсизлик стратегиясига миграция сиёсатини интеграция қилишнинг ҳамда ҳамкорлик, кенг қўламли ва мезонлараро ёндашувларга асосланган миграция жараёнларини бошқаришнинг аҳамиятини таъкидлаб,

конуний миграцияни енгиллаштириш ва ноқонуний миграция билан курашиш зарурлигини таъкидлаб,

ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг миграция муаммоларига ёндашуви турлича эканлигини ҳисобга олиб ҳамда уларнинг тажрибаси ва энг яхши амалиёти мисолларига мурожаат қилиб,

давлатлар ичида барча даражаларда ва барча давлатлар ўртасида, шунингдек барча тегишли манфаатдор томонлар, жумладан ижтимоий шериклар, ишбилармон доиралар, фуқаролик жамияти ва академик доиралар вакиллари ўртасида қулай имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда миграция жараёнларини комплекс бошқариш билан боғлиқ давлатларга жавоб топиш мақсадларида мулоқот ва ҳамкорликни чуқурлаштириш заруратини таъкидлаб,

миграцияни бошқариш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш, мулоқот ва ижобий амалиёт ҳамда ахборот айрибошлаш ҳали ҳам тегишли мандатлар, имкониятлар ва барча уч мезонлар ресурслари доираларида зарур қўллаб-қувватланилаётган ЕХХТ томонидан қабул қилинган хавфсизликка кенг қўламли ёндашувининг муҳим таркибий қисми эканлигини тасдиқлаб,

1. Иштирок этувчи давлатларга миграцион жараёнларни бошқариш соҳасидаги фаолиятларини давом эттиришни тавсия этади ва бунинг учун:

- миграция туб сабабларини бартараф қилишга алоҳида эътибор бериш;
- уларнинг миграция соҳасидаги миллий амалиёти ўзларининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари ва ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;
- заруратга кўра кенг қўламли ва самарали миллий миграция сиёсати ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқишни давом эттириш ва уларни амалга оширишни фаоллаштириш;
- ЕХХТ даражасида мулоқот ва энг яхши амалиётни айрибошлашни қўллаб-қувватлаш мақсадида миграция тўғрисидаги таққосланадиган маълумотларни тўлашни такомиллаштириш;
- маятникли (яъни, маятник принципидаги) миграция ҳамда келиб чиқиш ва бориш мамлакатларини ривожлантириш манфаатларида меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини қўллаб-қувватлашнинг бошқа ихтиёрий дастурлари шакллари каби қонуний миграция самарали тизимларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш йўли билан келиб чиқиш ва бориш мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикликни мустаҳкамлаш;
- мигрантларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳамда мигрантлар ва улар оилаларининг аъзоларига нисбатан камситиш, тоқатсизлик ва ксенофобия билан курашиш учун янада қатъийроқ саъй-ҳаракатлар қилиш;

2. Иштирок этувчи давлатларга ўзларининг миграция сиёсатига ЕХХТ томонидан тайёрланган, меҳнат миграцияси соҳасидаги стратегияларда гендер омилини ҳисобга оладиган Раҳбарий қўлланмасида қайд қилинган тавсияларни ҳисобга олган ҳолда гендер хусусиятларини киритишни тавсия этади;

3. Иштирок этувчи давлатларни миграция ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, табиатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик соҳасидаги стратегиясини, зарурат бўлса, ҳукуматлар ўртасида икки томонлама, минтақа ва минтақалараро даражалардаги маслаҳатлашувлар, шериклик ва ҳамкорликдан фойдаланган ҳолда дастурий келишувни ошириш йўли билан такомиллаштиришга даъват этади;

4. Иштирок этувчи давлатларга глобал молиявий-иқтисодий инкирознинг салбий оқибатларини иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, инвестициялар учун қулай шароитларни яратиш, бизнесни ривожлантириш ва пул ўтказмаларини енгиллаштириш йўли билан иложи борица камайитириш учун зарур чораларни қўришни тавсия этади;

5. Доимий кенгашга, унинг норасмий ёрдамчи органлари ва ЕХХТнинг ижроия тузилмаларига барча мезонлар бўйича тегишли мандатларига мувофиқ, Ташкилотда қабул қилинган хавфсизликка кенг қўлламли ёндашув доирасида ва мавжуд ресурслар чегарасида, бошқалар қаторида, қуйидагиларни топширади:

- ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўртасида, ҳам шунингдек, иштирок этувчи давлатлар билан ҳамкорлик бўйича шериклар ўртасида ЕХХТ

Тартиб қоидаларига тўла мувофиқ равишда бошқа тегишли манфаатдор томонларни жалб этган ҳолда миграция ва хавфсизлик масалалари бўйича мулоқотни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг минтакавий платформани таъминлаш;

- миграциянинг гендер жиҳатлари устида ишлашни давом эттириш;
- миграциянинг гендер хусусиятлари бўйича ишни давом эттириш; иштирок этувчи давлатларга, уларнинг сўровига кўра, миграция қонунчилигини такомиллаштиришда ёрдам бериш ҳамда тегишли халқаро ва минтакавий ташкилотлар билан ҳамкорликда маслаҳат бериш ва кадрлар тайёрлаш йўли билан миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш;
- миграция оқимлари интенсивлигининг атроф-муҳит ҳолатини ёмонлашга эҳтимол тутилган таъсирини баҳолаш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш;
- иштирок этувчи давлатларга, уларнинг сўровига кўра, миграция жараёнларини бошқаришнинг самарали усуллари, шу жумладан энг яхши амалиёт мисолларини айрибошлаш билан жорий этишда, қонуний миграцияни енгиллаштириш ва ноқонуний миграция билан курашишда ёрдам беришни давом эттириш, бунда мазкур соҳада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка алоҳида эътибор бериш.

4.6 ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР

Москва 1991 йил

(41) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагилар ҳақида қарор қабул қиладилар:

(41.1) ногирон шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

(41.2) бундай шахсларга жамият ҳаётида тўла даражада қатнашиш учун тенг имкониятларни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

(41.3) бундай шахсларнинг уларга дахлдор бўлган соҳаларда қарорлар қабул қилинишида тегишли равишда иштирок этишига кўмаклашиш;

(41.4) ногирон шахсларнинг касбий ва ижтимоий реабилитация қилиниши бўйича хизматлар кўрсатиш ҳамда бу соҳа бўйича ижтимоий ходимлар тайёрланишига кўмаклашиш;

(41.5) ногирон шахсларнинг ижтимоий бинолар ва хизмат кўрсатиш турлари, турар жой иморатлари, транспорт, маданий турмуш ва дам олишдан фойдалана олишини таъминловчи қулай шарт-шароитларни яратиш.

4.7 БОЛАЛАР

Шунингдек қаранг:

§ II.3.1.11: Ҳаракат қилиш, одамлар ўртасидаги алоқа эркинлиги ва оилани бирлаштириш ҳуқуқи

§ II.3.2.4: Таълим олиш ҳуқуқи

§ II.4.2: Рома ва синти

§ II.4.4: Қочоқлар, кўчирилган шахслар ва қайтиб келаётган шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар

§ II.4.5: Мигрант-ишчилар

§ II.6.2: Одам савдосини олдини олиш

Копенгаген 1990 йил

(13) Иштирок этувчи давлатлар бола ҳуқуқларининг тан олиншига, унинг фуқаролик ҳуқуқлари ва шахсий эркинликларига, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига ҳамда унинг зўравонлик ва эксплуатациянинг барча турларидан алоҳида ҳимояланиш ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратишга қарор қиладилар. Улар, башарти ҳали буни қилмаган бўлсалар, давлатлар имзолаши учун 1990 йил 26 январда очилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқадиладар. Улар ўз ички миллий қонунчилигида ўзлари ҳам тарафлар ҳисобланган халқаро битимларда қайд этилган бола ҳуқуқларини эътироф этадиладар.

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

28. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг 10 йиллигини нишонлаш ҳамда ЕХХТнинг Копенгаген кенгаши ҳужжатида қайд этилган мажбуриятларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биз, айниқса, можаролар шароитида ва можаролардан кейинги шароитда болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини фаол ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Биз ЕХХТ фаолиятида болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги масалага мунтазам равишда эътибор берамиз (...) Биз қуроли можароларга жалб этилган ёки уларга тортилган болаларнинг жисмоний ва психологик фаровонлиги масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

24. Биз болаларга нисбатан зўравонлик, шунингдек шахвоний эксплуатация ва одам савдосининг барча шаклларида барҳам бериш (...) бўйича чоралар кўрамиз. Биз бу каби жиноятларнинг олдини олиш учун, бошқалар қаторида, бундай хатти-ҳаракатда айбдорларни жавобгарликка тортиш ва жабрланганларни ҳимоя қилишни кучайтириш учун қонунчилик қабул қилиниши ёки унинг мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлаймиз. Биз, шунингдек, қуроли можароларда ва можаролардан кейинги вазиятларда болаларнинг, шу жумладан қочоқ болаларнинг ва давлат ичкарисида кўчирилган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича чораларни такомиллаштирамиз ва амалга оширамиз. Биз 18 ёшдан кичик бўлганларни қуроли можароларда фойдаланиш учун зўрлаб ёки мажбурлаб хизматга чақирилишига йўл қўймаслик йўллари йўрғанамиз.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Болаларни шахвоний эксплуатация қилиш билан курашиш 15/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

болаларни шахвоний эксплуатация қилиш ЕХХТ минтақаси ва унинг ташқарисида жиддий ва кенг қўламли муаммо эканлигини, унинг учун болаларни шахвоний эксплуатация қилишнинг жуда кўп, ўзаро боғлиқ кўринишларининг барча шакллари, шу жумладан фоҳишабозлик, болалар порнографияси, болаларни шахвоний эксплуатация қилиш мақсадида улар савдоси, шахвоний сайёҳлик ва болаларни никоҳга мажбурлаш хос эканлигини эътироф этиб,

болаларни шахвоний эксплуатация қилиш инсон кадр-қимматини камситишини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга оширишининг асосларини қўпоришини эътироф этиб,

болаларни шахвоний эксплуатация қилиш кўп ҳолларда уюшган жиноятчилик иштирокидаги оғир ва жирканч жиноят эканлигини ҳамда қонун бўйича бундай жиноятлар барча мавжуд воситалар ёрдамида олди олиниши, тергов қилиниши, таъқиб қилиниши ва жазоланиши зарур деб ҳисоблаб,

болалар шахвоний эксплуатация қурбонлари бўлишининг кенг доирали муаммоларини, шу жумладан иқтисодий тенгсизлик, таълимдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслиги ва камситиш, шу жумладан жинс белгиси бўйича камситиш муаммоларини ҳал этиш, шунингдек болалар порнографияси ва шахвоний сайёҳликка қарши чоралар кўриш ҳамда қонунбузарлар хатти-ҳаракатининг олдини олиш заруратини таъкидлаб,

болаларни шахвоний эксплуатация қилиш тобора кенг кўламли бўлиб бораётганлиги ва Интернет каби янги технологиялар ёрдамида тарқалаётганлигини ҳисобга олиб,

(...)

1. Болаларни шахвоний эксплуатация қилинишининг барча шакллари, хусусан қуйидагиларни қоралайди:

(а) болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси, шу жумладан ана шундай мақсадлар учун болаларни таклиф этиш, олиш, таъминлаш, тақдим этиш ёки ёллашни ёхуд бундай мақсадларда болаларни эксплуатация қилишдан манфаат топишни;

(б) болани зўрлаш, унга нисбатан куч ишлатиш ёки таҳдид этиш, ишончини, ўз ҳокимияти ёки таъсирини суъистеъмол қилишни ёхуд шахвоний хатти-ҳаракатлар учун, шу жумладан қуролли можаролар даврида ёки можародан кейинги вазиятларда, пул бериш ёки рағбатлантиришнинг бошқа шакллари қўллашни;

(с) болалар порнографияси барча шакллари ишлаб чиқиш, тарқатиш ёки узатиш, таклиф қилиш ёхуд бошқа воситаларни (компьютер тизимлари, Интернет ёки бошқа воситалар ёрдамида) тақдим этиш;

(д) болалар порнографиясини атайин харид қилиш ёки сақлаш;

(е) шахвоний эксплуатация мақсадларида болалар савдоси;

2. Иштирок этувчи давлатларни ўз қонунчилигини ушбу масала бўйича амалдаги халқаро мажбуриятлар ва нормаларга мувофиқлаштиришга даъват этади;

3. Иштирок этувчи давлатларни болаларни шахвоний эксплуатация қилишининг туб сабаблари ва бунга ёрдам берадиган омиллар, шу жумладан болаларни шахвоний эксплуатация қилиш барча шакллари келтириб чиқарадиган талаб муаммосига ҳар тарафлама ёндашишга ҳамда болаларни шахвоний эксплуатация қилишнинг олдини олишга ва у билан курашишга йўналтирилган кенг кўламли ҳамда ҳужумкор стратегия ва чораларни ишлаб чиқишга қатъиян даъват этади;

4. Иштирок этувчи давлатларни болаларни шахвоний эксплуатация қилганлик учун жиноий таъқибни амалга оширишнинг самарали ва мутаносиб бўлган ҳамда тийиб туриш таъсирини кўрсатадиган жазоларни қўллаш учун зарур бўлган ҳуқуқий чораларни қабул қилишга тўла қатъият билан даъват этади. Шу муносабат билан иштирок этувчи давлатларни болаларга нисбатан жиддий шахвоний жиноятлар содир этганлиги учун, ҳатто бу жиноятлар бошқа мамлакатда содир қилинган ҳолда ҳам, фуқароларни жиноий таъқиб этишни амалга ошириш имконини берадиган ҳуқуқий чораларни кўриб чиқишга даъват этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни ҳуқуқбузарларни тергов қилиш ва жиноий таъқиб этишни фаол олиб бориш мақсадларида ҳуқуқ-тартибот органлари имкониятларини мустаҳкамлашга даъват этади;

6. Иштирок этувчи давлатларни шахвоний эксплуатациядан жабрланган болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий, тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш, реабилитация ва қайта интеграция қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишга ва, мақбул бўлса, бола савдосидан жабрланганларнинг хавфсиз қайтиб келишларини таъминлашга даъват этади;

7. Иштирок этувчи давлатларни болаларни шахвоний эксплуатация қилиш муаммоларини ёритиш учун жамиятнинг барча даражаларида тарғибот-маърифий ишлар даражасини оширишга даъват этади;

8. Иштирок этувчи давлатларга болаларни шахвоний эксплуатация қилишга бевосита тааллуқли ҳолатларни рўйхатга олиш ва маълумотлар билан айрибош-лашнинг таққосланадиган тизимларини ишлаб чиқиш, бунда шахсий маълумотлар махфий бўлишига зарур эътибор бериш ва болаларни шахвоний эксплуатация қилиш муаммолари бўйича маълумотлар тўплаш ҳамда тадқиқотлар ўтказишнинг кенг қамровли механизмларини яратишни қўллаб-қувватлашга тавсия этади;

9. Иштирок этувчи давлатларнинг ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) ҳамда туризм ва дам олиш индустрияси каби иқтисодиётнинг тегишли секторлари ёки оммавий ахборот воситалари билан биргаликда болаларни шахвоний эксплуатация қилишга талабни барҳам этиш мақсадида кўраётган чораларини қўллаб-қувватлайди;

10. Иштирок этувчи давлатлар ўртасида болаларни шахвоний эксплуатация қилишда айбдор шахсларни қидириш, тергов қилиш, жиноий таъқиб қилиш ва жазолаш масаласида ҳамкорликни кучайтиришга қатъиян даъват этади;

11. Иштирок этувчи давлатларга, жумладан одил судлов тизими, полиция, туризм индустрияси, транспорт, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган персонал, шунингдек фуқаролик жамияти, диний ташкилотлар ва таълим тизими вакиллари учун болаларни шахвоний эксплуатация қилиш муаммоси бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқишни тавсия этади;

(...)

12. Иштирок этувчи давлатларнинг тегишли органлари шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга тааллуқли миллий қонунчиликка амал қилган ҳолда болаларни шахвоний эксплуатация қилиш билан боғлиқ ахборотларни кузатишни таъминлаш мақсадида Интернет хизматлари кўрсатадиган провайдерлар, кредит карталари, банклар ва бошқа юридик шахсларга хизмат кўрсатадиган компаниялар, шунингдек тегишли НХТлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлашларини маъқуллайди;

(...)

13. Ҳуқуқ-тартибот органлари терговлар ўтказишлари ҳамда жабрланганлар ва уларнинг оилалари тегишли қўллаб-қувватлашлари учун фуқаролар болаларнинг шахвоний эксплуатацияси ҳолатлари тўғрисида махфийлик шароитларида хабар беришлари мумкин бўлган «ишонч телефонлари» ёки Интернет «ишонч манзиллари»ни, имконият даражасида НХТлар билан биргаликда ташкил этишни тавсия этади;

(...)

15. ЕХХТнинг ижроия тузилмаларига уларнинг мавжуд мандатлари доирасида, ЕХХТ Ходимлари учун хулқ-атвор кодекси ва одам савдоси муаммоларига

бағишланган 11-сонли мансаб йўриқномасига амал қилган ҳолда, ЕХХТ мансабдор шахсларининг болаларни шахвоний эксплуатация қилиш муаммолари бўйича тегишли тайёргарликларини ва хабардорликларини оширишни таъминлаш йўллари ўрганишни топширади;

16. ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига, уларнинг мавжуд мандатлари доирасида, болаларни шахвоний эксплуатация қилиш муаммосига, шу жумладан одам савдоси муносабати билан эътибор қаратишга даъват этади ҳамда уларнинг ва иштирок этувчи давлатларнинг бошқа халқаро ташкилотлар, НХТ ва фуқаролик жамияти билан болаларнинг шахвоний эксплуатацияси билан курашиш учун ҳамкорлик қилишлари зарурлигини таъкидлайди.

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Меҳнат эксплуатацияси мақсадларида одам савдоси билан курашиш 8/07-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

(...)

20. Болалар меҳнатининг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатларини, башарти улар буни ҳали қилмаган бўлсалар, ХМТнинг 1999 йилги Болалар меҳнатининг энг хунук шакллари тўғрисидаги конвенциясини имзолаш ва ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш, башарти улар бу конвенция томонлари бўлсалар, унинг қоидаларини амалга ошириш йўли билан фаоллаштириш;

(...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Интернетда болаларни шахвоний эксплуатация қилишга қарши курашиш 9/07-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

Интернетнинг ривожланиши бутун дунёда болалар порнографиясини кўриш ва тарқатиш кўламларини улкан даражада кенгайтирганлиги ҳамда бундан, шу жумладан жинсий тузилмалар, фойда олишидан ташвишланиб,

(...)

бундай ҳодиса билан, шу жумладан ЕХХТнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини фаоллаштириш йўли билан курашишга қатъиятга тўла ҳолда қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, болаларни шахвоний эксплуатация қилиш билан боғлиқ масалаларни янада самаралироқ ҳал этиш мақсадларида мувофиқлаштиришни яхшилаш ва бунда давлат-хусусий шерикчиликни иложи борида кенгроқ ишга солиш учун миллий тезкор марказ ёки бошқа зарур тузилмани ташкил этишни тавсия этиш;

2. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, болаларни шахвоний эксплуатация қилиш ёки уларга тажовуз қилишда айбдор деб тан олинганларни ушлаш ва улар синов муддатини ўташлари устидан назорат қилишни қўллаб-қувватлаш учун уларга тааллуқли маълумотларни шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги миллий қоидаларга мувофиқ равишда тўплаш ва сақлашни йўлга қўйиш ҳамда, зарурат бўлганда, ҳуқуқ тартибот органлари ўртасида халқаро даражада шахвоний жиноятларда айбланиб ҳукм қилинганлар ва ҳуқуқларидан маҳрум қилинганларга нисбатан маълумотлар айлантириш имкониятини берадиган механизмлар яратиш;

3. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар ҳали бун қилмаган бўлсалар, ҳуқуқни қўллаш тузилмаларига болалар йўқолганлиги тўғрисида оммавий эълон қилиш ва, зарурат бўлганда, аҳолини тезкор хабардор қилиш каналларидан фойдаланиш имкониятини берадиган тизимни яратиш;

4. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар ҳали бун қилмаган бўлсалар, болалар порнографиясини кўриш ва сақлаш жинояткорона бизнес ўсишини рағбатлантиришини ҳисобга олган ҳолда, атайин болалар порнографиясини харид қилиш ва сақлаш жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракат эканлигини эълон қилишнинг имкониятини кўриб чиқиш қатъий даъвати билан мурожаат қилиш;

5. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар ҳали бун қилмаган бўлсалар, болаларга тажовуз қилиш, шу жумладан Интернетда болалар шахвоний эксплуатацияси ҳолатлари тўғрисида хабар бериш учун махсус миллий «шошилиш тармоқлар» яратишга даъват қилиш;

6. Иштирок этувчи давлатларни, зарурат бўлганда, Интернетда болаларни шахвоний эксплуатация қилиш ва болалар порнографияси муаммоси кўламлари ва тенденцияларини яхшироқ англаш ҳамда бу билан кураш олиб бориш бўйича дастурлар самарадорлигини ошириш учун бундай ҳолатлар бўйича фаол маълумотлар тўплаш ва тадқиқотлар олиб боришни қўллаб-қувватлашга даъват этиш;

7. Иштирок этувчи давлатларни шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги миллий қонунчиликка мувофиқ Интернетдан болаларни шахвоний эксплуатация қилишда фойдаланишининг олдини олиш ва тўловлар тизимини мураккаблаштириш, бу орқали мазкур жинояткорона фаолиятни кам даромадли қилиш ва бу билан Интернетда болалар порнографиясига талабни камайитириш мақсадида фақат миллий даражада эмас, шунингдек халқаро асосда ҳам Интернетда хизматлар тақдим этадиганлар, кредит карталар эмитентларининг компаниялари, банклар ва бошқа тегишли корпорациялар билан ҳамкорлик қилишга даъват этади;

8. Иштирок этувчи давлатларни шахвоний эксплуатациясидан жабрланган болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тиббий парваришлаш, реабилитация ва қайтадан интеграция қилиш ҳамда, зарур бўлган жойларда, халқаро савдо объектига айланган болаларнинг уйларида хавфсиз қайтишларини таъминлашга яна бир бор даъват этади;

9. ЕХХТ иштирок этувчи давлатларини ҳуқуқни қўллаш тузилмалари ходимлари, педагоглар ва тиббиёт ходимларининг, зарур бўлган жойларда, Интернетда болалар порнографиясига қарши курашиш масалаларида, шу жумладан, Болалар йўқолиши ва эксплуатация қилиниши бўйича халқаро марказ дастурлари каби мавжуд дастурлар имкониятларидан фойдаланиб, махсус тайёргарликларини бундан буён ҳам оширишга қатъиян даъват қилади ҳамда ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига бунга нисбатан алоқаларни қўллаб-қувватлашни топширади;

10. ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига ЕХХТ иштирок этувчи давлатларига, уларнинг илтимосига кўра, мавжуд ресурслар доирасида ва ўтказилаётган тадбирларга зарар етказмасдан мазкур Қарорни ва Вазирлар кенгашининг 15/06-сон Қарорини амалга ошириш ишида ёрдам кўрсатишни топшириш;

11. ЕХХТ Котибиятига мавжуд ресурслар доирасида ўзининг Полиция фаолияти масалалари бўйича гуруҳининг POLIS веб сайтида Интернетда болаларнинг шахвоний эксплуатацияси билан курашишга бағишланган кўп тилли бўлимни яратишни топшириш, шу муносабати билан POLIS тизими бўйича секция иштирок этувчи давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот тузилмалари энг яхши амалиёт

ва мавжуд услубиётларидан ёки тергов олиб боришлари учун компьютер дастурлардан, шунингдек қонунчиликни ёки намунавий қонунчиликни ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатиш бўйича манбалардан фойдаланишларига, уларнинг хабардорлигини ошириш ҳамда тегишли веб сайтларнинг иловаларидан фойдаланишларига даъват этилган экспертлар анжуманини йўлга қўйишни топшириш.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов доирасида комплекс ёндошув асосида одам савдоси билан курашиш самарадорлигини ошириш 5/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

7. Иштирок этувчи давлатларни, башарти улар ҳали бун қилмаган бўлсалар, одам савдосидан жабрланган болаларга жиноий жараён доирасида бола энг яхши манфаатларига қаратилган ҳаракат, камситмаслик, боланинг иштирок этиши ва кўрсатма бериш имконияти принципларига мувофиқ ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус чораларни кўришга даъват этади.

(...)

4.8 ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: IV. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий хусусиятларига тааллуқли ҳулқ-атвор кодекси)

27. Ҳар бир иштирок этувчи давлат унинг ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлари ҳамда хавфсизлик кучларига шахсий таркибни қабул қилиш ёки қақириш бу давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳуқуқий ва бошқа мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди.

28. Иштирок этувчи давлатлар ўз қонунлари ва бошқа тегишли ҳужжатларида қуролли кучлар шахсий таркибининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирадилар. Улар ҳарбий хизматдан озод қилиш ёки муқобил хизматни ўташ амалиётини жорий этиш масаласини кўриб чиқади.

(...)

32. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлар ҳамда хавфсизлик кучларининг шахсий таркиби инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан ЕХХК ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқда акс этганидек, тегишли конституциявий ва ҳуқуқий қоидалар ҳамда хизматни ўташ талабларига мувофиқ фойдаланиш ҳамда амалга оширишни таъминлайди.

33. Ҳар бир иштирок этувчи давлат унинг кучлари шахсий таркиби ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун тегишли маъмурий-ҳуқуқий тартиб қабул қилинишини таъминлайди.

4.9 ҲИБСДА САҚЛАНАЁТГАН ЁКИ ТУРМАДА ҚАМОҚНИ ЎТАЁТГАН ШАХСЛАР

Шунингдек қаранг:

§ II.2.4: Қонун устунлиги

§ II.3.1.4: Асоссиз қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум этишга йўл қўймаслик ҳуқуқи

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар:

(...)

(23.2) Ҳибсда ёки қамокда сақланадиган барча шахслар билан мурувватли ва инсон шахсига хос кадр-қимматни ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўлишни таъминлайдилар;

(23.3) БМТ томонидан қабул қилинган қамокқа олинганларга нисбатан муомала қилиш минимал стандарт қоидаларига, шунингдек БМТ қабул қилган Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳулқ-атвори кодексига риоя қиладилар;

Копенгаген 1990 йил

(15) Иштирок этувчи давлатлар шундай ҳаракат қиладиларки, ҳукм қилинган шахсларни ушлаб бериш осонлашади ҳамда 1983 йил 21 ноябрда Страсбургда имзоланган Ҳукм қилинган шахсларни ушлаб бериш тўғрисидаги Конвенцияга аъзо бўлмаган иштирок этувчи давлатларни бу Конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқишга ундайди.

Москва 1991 йил

(23) Иштирок этувчи давлатлар озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар билан инсоний ва инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўладилар ҳамда одил судловнинг ўтказилишига ва ҳибсга олинган шахсларнинг инсон ҳуқуқларига доир халқаро эътироф этилган андозаларга риоя қиладилар.

(...)

(vi) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс асоссиз равишдаги пайсалга солишларсиз ваколатли органни унинг ҳибсга олинганлиги, қамокда ушлаб турилганлиги ва жойлашган жойи ҳақида хабардор қилиш ёки ўзи танлайдиган тегишли шахсларга хабар берилишини илтимос қилиш ҳуқуқига эга бўлади; бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши борасидаги ҳар қандай чеклашлар қонун орқали белгиланади ва халқаро андозаларга мувофиқ бўлади;

(vii) қамокда сақлаш ёки қамокқа олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни ўз айбига иқроор қилдириш, ўз устига ноҳақдан айб олиш ёки бошқа шахсга нисбатан кўрсатмалар беришга мажбур қилиш мақсадида фойдаланилмаслиги таъминланиши учун, башарти шу пайтгача қилинмаган бўлса, самарали чора-тадбирларни кўрадилар;

(viii) ҳар қандай сўрок ва сўроқлар ўртасидаги танаффуслар давомийлиги қайдномага киритилади ва миллий ҳуқуққа мувофиқ тасдиқланади;

(ix) ҳибсга олинган шахс ёки унинг адвокати унга қилинадиган муомала, хусусан, қийноқлар ёки бошқача шафқатсиз, раҳмсиз ёки кадр-қимматни камситадиган тарзда қилинган муомала юзасидан қамокда сақлаш жойининг бошқарилиши учун жавобгар бўлган органларга, юқори ташкилотларга, зарур бўлганида эса — назорат қилувчи ёки аҳволни тузатиш юзасидан бошқа ваколатларга эга бўлган тегишли органга илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

(x) бундай илтимоснома ёки шикоят тезлик билан кўриб чиқилади ва уларга асоссиз равишда пайсалга солинмасдан жавоб берилади; илтимоснома ёки шикоят

рад қилинганида ёки ноқонуний тарзда пайсалга солинганида аризачи ариза билан суд ёки бошқа органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; ҳибсга олинган ёки қамоқда ушлаб турилган шахс ва ҳар қандай бошқа аризачи илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилинганлиги сабабли жабр кўрмаслиги лозим;

(...)

(23.2) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширадилар:

(i) ҳибсга олинган ёки қамоқда ушлаб турилган шахсларнинг яшайдиган шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга интилади;

(ii) қамоқда ушлаб туришнинг муқобиллари муаммосига алоҳида эътибор берадилар.

Брюссель 2006 йил (Жиноий одил судлов тўғрисида Брюссель декларацияси)

Биз ҳисоблаймизки:

(...)

- ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ҳибсда сақланаётганларнинг соғлиги билан қизиқишлари ва бунга эътибор беришлари, ва, жумладан, зарурат бўлганда, тиббий ёрдамни таъминлаш учун шошилиш чоралар кўришлари керак;

(...)

Биз ҳисоблаймизки, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазонинг ижроси ва маҳкумлар билан муомала қўриқлаш, хавфсизлик ва интизом талабларини ҳисобга олиш билан бир қаторда маҳкумнинг инсоний қадр-қимматини камситмайдиган шароитларни таъминлаш ҳамда маҳкумларни оқилона касбий фаолияти имкониятини ва тегишли муомала дастурларини таъминлаши, бу билан уларни жамиятга қайта интеграциялаштишларига тайёрлаши керак.

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга (...) ахборот ва энг яхши амалиёт билан айрибошлаш бўйича фаолиятни давом эттириш ва фаоллаштириш ҳамда қонун устунлигини, жумладан, қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлашни тавсия этади:

(...) ҳибсга олинган шахсларнинг ҳуқуқий ёрдамга ҳуқуқи унинг инсон ҳуқуқларига риоя этилиши;

(...)

5. ТЕНГЛИК, БАҒРИКЕНГЛИЛИК ВА КАМСИТМАСЛИККА ТААЛЛУҚЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

5.1 ТЕНГЛИК ВА КАМСИТМАСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОИДАЛАР

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(а) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қиладиган принципларининг декларацияси — VII принцип)

Иштирок этувчи давлатлар барчанинг ирқи, жинси, тили ёки динини ажратмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини (...) ҳурмат қиладилар

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(13.7) ўз ҳудуди доирасида юрисдикциясидаги ҳар бир шахсга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай фарқсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёҳуд ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ ҳолати, туғилиши ё ўзга ҳолатидан қатъи назар таъминлайдилар;

(13.8) бу ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширувчи, амалга ошириш ниятини билдирувчи ёки амалга оширишга интилувчи шахс ҳам, унинг оила аъзоларидан биронтаси ҳам бунинг натижасида ҳар қандай шаклда камситилмаслигини таъминлайдилар.

Копенгаген 1990 йил

(5) [Иштирок этувчи давлатлар] тантанали равишда шуни баён қиладиларки, инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тўлароқ ифода этиш учун зарур бўлган адолат элементлари сирасига қуйидагилар киради:

(...)

(5.9) барча одамлар қонун олдида тенг ва ҳеч қандай камситилишсиз қонун томонидан бир хил ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан қонун ҳар қандай камситишни тақиқлайди ҳамда барча шахсларга қайсидир сифат бўйича камситишдан тенг ва самарали ҳимоя қилинишни кафолатлайди;

(...)

(25.3) мажбуриятлардан чекиниш ҳисобланадиган чора-тадбирлар аҳволнинг кескинлиги талаб қиладиган доиралар билан қатъий тарзда чекланади;

(25.4) бундай чора-тадбирлар фақат ирқӣ мансублиги, терисининг ранги, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ёки озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансублиги асосида камситишга сабаб бўлмайди.

(...)

(31) Озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай камситишсиз ҳамда қонун олдида тўлиқ тенглик шароитида ва самарали амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Иштирок этувчи давлатлар зарурат бўлганида озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқаришда ҳамда улардан фойдаланишда бошқа фуқаролар билан тўлиқ тенгликни кафолатлаш мақсадида махсус чора-тадбирларни қабул қиладилар.

5.2 ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИГИ

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: принциплар)

[Иштирок этувчи давлатлар] эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлайдилар; тегишли равишда улар эркаклар ва аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда бир хил самарали иштирок этишларини рағбатлантириш учун барча зарур чоралар кўришга келишадилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: принциплар)

(15) Иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар таъминлашга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар. Тегишли равишда улар эркаклар ва аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда самарали тенг иштирокини рағбатлантириш мақсадида барча зарур, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар. Улар Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш имкониятини, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, кўриб чиқадиладар.

Москва 1991 йил

(40) Иштирок этувчи давлатлар шуни эътироф этадиларки, эркаклар билан хотин-қизлар ўртасидаги тўлиқ ва ҳақиқий тенглик қонун устуворлигига асосланган адолатли ва демократик жамиятнинг ғоят муҳим элементи ҳисобланади. Улар жамиятнинг яхлит ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлигининг оширилиши эркаклар билан хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирок этиши учун тенг имкониятларни тақозо этади, деб биладилар. Улар шу маънода қуйидагиларни амалга оширадилар:

(40.1) ЕХҲК доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ҳимоя қилиниши ҳамда рағбатлантирилишига тааллуқли барча мажбуриятлар тўлиқ ва жинсга қараб ҳеч қандай камситишларсиз қўлланилишини таъминлайдилар;

(40.2) агар улар хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш ҳақидаги Конвенция қатнашчилари бўлсалар, унга тўлиқ риоя қилиш, башарти ҳали унга аъзо бўлмаган бўлсалар, улар ушбу Конвенцияни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадиладар; ушбу Конвенцияни ҳар хил шартлар билан ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар бундай шартларни олиб ташлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқадиладар;

(40.3) ўзлари ҳам тарафлари ҳисобланган халқаро шартномаларга доир мажбуриятларни самарали амалга ошириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар аҳволини яхшилаш соҳасидаги Найроби истиқболли стратегияларини рўёбга чиқариш борасида лозим даражадаги чора-тадбирларни кўрадилар;

(40.4) уларнинг мақсади эркаклар билан хотин-қизлар учун нафақат юридик, балки амалдаги тенгликка ҳам эришиш, шунингдек, бу йўналишда самарали чора-тадбирлар кўришга кўмаклашиш эканлигини тасдиқлайдилар;

(40.5) дастурлар ва сиёсатнинг хотин-қизлар аҳволига таъсирини баҳолаш ўтказилишини таъминлаш учун хотин-қизлар аҳволини яхшилашга доир тегишли миллий тартиботни яратадилар ёки мустаҳкамлайдилар;

(40.6) хотин-қизлар учун барча иқтисодий имкониятларни таъминлаш, шу жумладан таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасидаги бир хилдаги имкониятлар, меҳнат килувчи хотин-қизлар ҳамда эркакларнинг ишни ва оиладаги вазифаларни қўшиб олиб боришини енгиллаштирадиган чора-тадбирларни самарали рағбатлантирадилар; ва таркибий қайта қуришни назарда тутадиган ҳар қандай сиёсат ёки дастурлар хотин-қизлар учун камситувчи оқибатларга олиб келмаслигини таъминлашга ҳаракат қиладилар;

(40.7) хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари ва хотин-қизлар билан олди-сотди қилиш ҳамда хотин-қизлар фоҳишабозлигининг барча шакллари тугатишга, шу жумладан бунга ўхшаган ҳаракатларга нисбатан тегишли юридик тақиқларни қабул қилиш ва бошқа тегишли чора-тадбирларни кўриш йўли билан тугатишга ҳаракат қиладилар;

(40.8) хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ва қарор қабул қилиш жараёнларида, шунингдек, умуман халқаро ҳамкорликда тенг ҳамда ғоят кенг тарзда иштирок этишига кўмаклашадилар ва ёрдам берадилар;

(40.9) хотин-қизларнинг ва хотин-қизлар ташкилотларининг хотин-қизлар ҳуқуқларининг ривожлантирилиши ҳамда кенгайтирилишига қаратилган миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларда тутадиган ҳаётий муҳим мавқеини таъминлаш, шу жумладан бевосита хизматларни тақдим этиш, шунингдек, ҳукуматлар ҳамда кўрсатилган ташкилотлар ўртасида хотин-қизларнинг янада кўпроқ тенглигини таъминлаш мақсадида тўлиқ шериклик қилишини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш йўли билан ҳам эътироф этадилар;

(40.10) хотин-қизларнинг сиёсий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий турмушнинг барча жабҳаларидаги қимматли ҳиссасини эътироф этадилар ҳамда бундай ҳиссанинг, шу жумладан, норасмий ва ҳақ тўланмайдиган шўъбалардаги ҳиссанинг янада кенгроқ эътироф этилишига кўмаклашадилар;

(40.11) халқаро ҳамда давлат ҳуқуқига кўра хотин-қизлар ва уларнинг ҳуқуқларига тегишли ахборотдан бемалол фойдаланиш таъминланишига кўмаклашиш мақсадида чора-тадбирлар кўрадилар;

(40.12) таълим соҳасида уларнинг конституциявий тизимларга мувофиқ келадиган сиёсатини ишлаб чиқадиладар, хотин-қизларнинг таълим олишига ва меҳнат фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, ноанъанавий соҳаларда қатнашишига кўмаклашадилар, эркаклар билан хотин-қизлар тенглигига тааллуқли масалаларнинг кўпроқ тушунилишига кўмаклашадилар ва ёрдам берадилар;

(40.13) хотин-қизларнинг аҳволини лозим даражада баҳолаш, назорат остига олиш ва яхшилаш учун маълумотлар йиғилиши ҳамда таҳлил этилишини таъминлайдилар; бундай маълумотлар ҳеч қандай шахсий тусдаги ахборотга эга бўлмаслиги керак.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

23. Аёллар томонидан ўз инсон ҳуқуқларини тўла ва тенг амалга оширишлари ЕХХТ минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш, гуллаб-яшнаш ва демократия учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Биз эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлаш ҳам давлатларимиз ўртасида, шунингдек Ташкилот доирасида ўз сиёсатимизнинг ажралмас қисми бўлиши мажбуриятини оламиз.

(...)

24. Биз аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликни, шунингдек шахвоний эксплуатация ва одам савдосининг барча шакллари йўқотиш чораларини кўрамиз (...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

2. Аёлларнинг иштирок этишларини кенгайтириш ва ролларини ошириш учун кўрилатган сайй-ҳаракатларни кучайтириш, ЕХХТнинг Гендер масалалари бўйича Ҳаракат режаси қоидаларини, қўллаш мумкин бўлган жойларда, давлат сиёсатида ҳисобга олиш масаласини кўриб чиқишга қарор қилади. Шунингдек, ЕХХТнинг барча даражаларда гендер тенглигига эришиш бўйича ўз сайй-ҳаракатларини кучайтиришга ҳам қарор қилади, шу муносабат билан барча иштирок этувчи давлатлардан ходимларни адолатли асосда ишга ёллаш принципини ҳам эътиборга олади (...)

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарори; ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

Вазирлар кенгаши,

(...)

аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ЕХХТ минтақасида тинчлик, барқарор демократия, иқтисодий ривожланишни, демак хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шарти эканлигини эътироф этиб,

(...)

ЕХХТ шафелигида ўтказиладиган тадбирларда гендер муаммосини зарур тарзда ҳисобга олиш зарурлигини, шунингдек иштирок этувчи давлатлар гендер муаммоси тўғрисидаги хабардорликни оширишга ёрдам берадиган зарур чораларни кўришлари кераклигини ҳамда ЕХХТ минтақасида гендер тенглигини ва гендер муаммосини ҳисобга олишни кенг қамровли хавфсизлиkning энг муҳим шартларидан бири сифатида амалий жиҳатдан янда кенгрок таъминлаш манфаатларида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли ва тўлиқ иштирок этишларини таъминлаш заруратини англаб,

(...)

Доимий кенгаш томонидан 2004 йил 2 декабрдаги 638-сон Қарори ва мазкур қарорга Иловада баён этилган Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режасини маъқуллашга қарор қилади.

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарори; ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

3. Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлигига эришиш учун гендер муаммосини самарали ҳисобга олиш¹ ЕХХТ минтақасида инсон капиталини тўлақонли ишга солиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Гендер тенглиги ЕХХТнинг барча уч мезонларига қаратилган саъй-ҳаракатларига эришиш — кенг қўламли хавфсизликни таъминлаш мақсадига ёрдам беради. Гендер муаммосини тизимли ҳисобга олиш бу мақсадга эришиш воситаларидан биридир. Шунинг учун бу муаммо Ташкилотнинг, шунингдек иштирок этувчи давлатларнинг фаолиятида ҳам гендер тенглигига эришиш учун Ташкилотнинг барча тадбирлари, лойиҳалари ва дастурларида эътиборга олинishi керак. Бу давлатларни, Амалдаги раисни, Бош котибни ҳамда институтлар ва миссиялар раҳбарларини ЕХХТ сиёсати ва фаолиятининг ажралмас унсури сифатида аёллар ва эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқлиликни қарор топтириш масъулияти бирлаштириб туради. Бундай иш олиб борилар экан, ҳар қандай минтақа ва жамиятнинг ҳар қандай даражасида гендер тенглигини ҳаётга татбиқ этишнинг ижобий натижалари аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам сезиладиган бўлишини назарда тутиш керак.

(...)

8. Гендер муаммосини ҳисобга олиш (...) барча мезонларни камраб оладиган ёндашув асосида изчил ва мунтазам акс эттиришни, шунингдек мониторингнинг адекват механизмлари ҳамда кўриб чиқилишини назарда тутати (...)

IV. Иштирок этувчи давлатларда гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш

41. Иштирок этувчи давлатлар шахсан ва жамоавий тарзда ўзларининг аёллар ва эркаклар учун ҳуқуқлар тенглиги ва тенг имкониятларга тааллуқли мажбуриятларини бажариш учун масъулдирлар ва ўз фуқароларига ҳисоб берадилар. Улар аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликни ҳам давлат даражасида, ҳам Ташкилот доирасида сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиши мажбуриятини олдилар. Улар ЕХХТнинг тегишли анжуманларидан аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликка тааллуқли ЕХХТда қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишининг таҳлили учун ҳар тарафлама фойдаланилишини таъминлайдилар.

42. Тегишли равишда, иштирок этувчи давлатларга тавсия этилади:

- Ташкилот томонидан гендер тенглигига самарали ёрдам берадиган, шунингдек янги таклифлар ва ташаббусларда гендер хусусиятларини ҳисобга олиш сиёсати ишлаб чиқишнинг таъминлаш;
- гендер тенглигини таъминлаш учун механизмлар яратиш ёки мавжудларини мустаҳкамлаш, жумладан айрим фуқароларни гендер асосида камситиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш мақсадларида ҳолис ва мустақил шахслардан ҳамда омбудсман/инсон ҳуқуқлари бўйича комиссар каби ёки орган хизматларидан фойдаланиш имконияти орқали таъминлаш;

1 «Гендер муаммосини ҳисобга олиш ҳар қандай режалаштирилаётган чораларни, шу жумладан барча соҳалардаги ва барча даражалардаги сиёсат ёки дастурнинг аёллар ва эркаклар учун пайдо бўладиган оқибатларини баҳолаш жараёни ҳисобланади. Бунда гап сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги сиёсат ва дастурларни аёллар ҳам, эркаклар ҳам улар самарасидан тенг даражада фойдаланишлари ва тенгсизлик учун жой қолмайдиган тарзда ишлаб чиқиш, амалга ошириш, назорат қилиш ва баҳолаш жараёнида аёллар ва эркаклар олдида пайдо бўладиган муаммолар ва улар томонидан тўпланган тажриба бу жараён фаолиятининг ажралмас йўналишларидан бири бўлиши кераклигига қаратилган стратегия тўғрисида кетмоқда. Бунинг пировард мақсади аёллар ва эркаклар ўртасида тенгликни таъминлашдан иборатдир». Қаранг: Бош ассамблеяга расмий ҳисоботлар, эллик иккинчи сессия, 3-сон қўшимча (A/52/3 Rev. 1) 4-боб, 4-модда.

- улар томонидан тенглик, камситишга йўл қўймасликка тааллуқли халқаро норма ва мажбуриятларни тўла ҳажмда ҳаётга тадбиқ этиш, шунингдек аёллар ва қизлар ҳуқуқларига риоя этиш;
- Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга (АКБК), агар улар бу конвенция томонлари бўлса, риоя этиш ёки, башарти улар ҳали бун қилмаган бўлсалар, мазкур конвенцияни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш. Бу конвенцияни ўз шартлари билан ратификация қилганлар ёки қўшилганлар ана шу шартларни бекор қилиш имкониятини қараб чиқади-лар. Шунингдек, АКБК томонлари бўлган давлатларга Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга Факультатив протоколни ратификация қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш таклиф этилади;
- Агар улар Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (АКБК), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ФСХХП) ва/ёки Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ИИМХХП) томонлари бўлсалар, тегишли органларга мунтазам ва ўз вақтида ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда бу ҳисоботларни тайёрлашга аёллар ташкилотларини жалб этиш;
- зарур бўлган жойларда, ўз фуқароларига хавфсиз турмуш шароитларини ва қонунга мувофиқ тенг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича бундан кейинги саъй-ҳаракатлар қилиш (...)
- ЕХХТнинг тажрибасига таянган ҳолда барча мезонларда гендер тенглигини таъминлаш сиёсатини ва стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда бундай сиёсатни амалга ошириш бўйича тадбирларга, бошқалар қатори, гендер таҳлили механизмларини ҳамда гендер соҳасидаги самарали сиёсат ва стратегияларни тўла амалга оширишга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш манфаатлари йўлида бу сиёсат ва стратегияни баҳолаш мониторингини қўллаш.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Можароларнинг олдини олиш, инқирозларни тартибга солиш ва инқироздан кейинги тиклашда аёлларнинг роли 14/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам билими, маҳорати ва тажрибаси тинчлик, барқарор демократия, иқтисодий ривожланиш ва айни пайтда ЕХХТ минтақасида хавфсизлик ва барқарорликка тааллуқли энг муҳим омиллар эканлигини таъкидлаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 1325 (2000) резолюциясида гендер тенглиги ва хавфсизлигининг ўзаро алоқадорлиги эълон қилинганлиги ҳамда барча даражалардаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда аёлларнинг ролига урғу берилишини ҳам таъкидлаб;

(...)

можароларнинг олдини олиш ва ҳал этишнинг барча босқичлари ҳамда тинч қурилишдаги ишларга аёлларни тўла ва тенг ҳуқуқли жалб этиш муҳимлигини таъкидлаб,

ЕХХТ томонидан аёлларни можароларнинг олдини олиш, инкирозларни тартибга солиш ва можаролардан кейинги тиклаш бўйича ўзи олиб бораётган ишларга аёлларни, жумладан, куйидагилар орқали жалб этиш бўйича аниқ чоралар кўриш заруратини эътироф этиб:

1. Бутун Ташкилот кўламида Доимий кенгашнинг 2004 йил 2 декабрдаги 638-сон Қарори билан қабул қилинган ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режасини ташаббус билан бажаришни таъминлаш,

2. ЕХХТ фаолиятида, зарур ҳолларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 1325 (2000) резолюцияси тегишли қоидаларини ҳисобга олиш,

3. Иштирок этувчи давлатларни аёллар орасидан номзодларнинг миллий рўйхатларини тузиш (ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси 22-банди талабларига мувофиқ) ва аёлларни можароларнинг олдини олиш ва можаролардан кейинги тиклаш соҳасидаги лавозимларни, жумладан юқори бошқарув бўғини даражасидаги лавозимларни эгаллаш учун танловлардан кенг хабардор қилиш ва уларда иштирок этишга рағбатлантириш бўйича фаол чоралар кўришга даъват этиш,

4. Иштирок этувчи давлатларга аёллар номзодларини ЕХХТ институтлари ёки миссияларининг раҳбарлиги лавозимларига ҳамда юқори бўғиндаги бошқа лавозимларга кўпроқ кўрсатиш даъвати билан мурожаат қилиш,

5. Аёлларни ЕХХТнинг жойлардаги ташкилотлари лавозимларига, жумладан раҳбарлик лавозимларига ёллашни фаол қўллаб-қувватлаш орқали жойлардаги салмоқли ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимлари аёллар томонидан эгалланишига эришиш,

6. Иштирок этувчи давлатларга, тегишли ҳолатларда, ЕХХТ тузилмаларига аёллар ва қизларга мўлжалланган ўқув-маърифий дастурларни, шунингдек аёлларнинг мустақкам тинчлик барпо этишда иштирокини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишларини қўллаб-қувватлаш ва қўмаклашиш даъвати билан мурожаат қилиш; аёллар ташкилотлари имкониятларини кенгайтириш; оммавий ахборот воситаларида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигига бағишланган семинарлар ўтказиб, аёлларнинг тинчликсевар ташаббусларини қўллаб-қувватлашни таъминлаш; шунингдек аёлларнинг ўзлари сиёсий ҳаётда иштирок этишлари муҳимлигидан хабардорликларини ошириш;

7. Иштирок этувчи давлатларга ва, тегишли ҳолатларда, ЕХХТ тузилмаларига можароларнинг олдини олиш ва уларни ҳал этиш ҳамда можаролардан сўнг тиклаш ишларида аёлларнинг ва аёллар ташкилотларининг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли равишда иштирок этишлари мақсадини кўзлайдиган аниқ сиёсат ишлаб чиқиш, тажриба ва энг яхши амалиёт мисоллари билан айрибошлашни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек аёлларнинг тинчликсевар ташаббусларида ўзаро ҳамкорлик қилиш даъвати билан мурожаат қилиш,

8. Иштирок этувчи давлатларга аёллар ва қизларнинг ўзларини ҳимоя қилишга тааллуқли ҳукумат дастурларини амалга оширишда ҳамда қочоқлар ва ички кўчирилган шахсларни хавфсиз ва муносиб шароитларда ихтиёрий қайтиб келишлари, жойлаштирилишлари, тиклаш, (кайта) интеграциялаш ёки репатриация қилиш каби масалалар бўйича узоқ муддатли қарорлар қабул қилишда муҳим роллари ва алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш даъвати билан мурожаат қилиш,

9. Иштирок этувчи давлатлар можароларнинг олдини олиш ва тартибга солиш ҳамда тиклаш бўйича фаолиятларида гендер муаммосини ҳисобга олиш юзасидан ўз саяё-ҳаракатларини мунтазам равишда таҳлил қилишларини ҳамда гендер хусусиятини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлашда фойдаланиш, шунингдек тегишли мажбуриятларини бажаришлари муносабати билан ва бу масаланинг муҳимлиги тўғрисида хабардорликни ошириш манфатида ана шундай таҳлиллар натижаларини ошкор қилишларини тавсия этишни қабул қилиш,

қарор қилади:

- Бош котибга Доимий кенгашнинг ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги 2004 йилги Ҳаракат режаси тўғрисидаги 638-сон Қарори бажарилишининг бориши тўғрисидаги ўзининг ҳар йиллик маърузасига Ташкилот доирасида ЕХХТ учун долзарб бўлган БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1325 (2000) резолюцияси қоидаларини бажаришга бағишланган аниқ масалаларни киритиш топширилсин;
- Котибиятга ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режасида белгиланган вазифаларга амал қилган ҳолда иштирок этувчи давлатлар билан ҳамкорликда ЕХХТнинг Котибияти ва институтлари ҳамда унинг жойлардаги операциялари таркибида, хусусан юқори ва сиёсатни белгилайдиган поғонадаги лавозимларда аёллар вакиллигини сезиларли даражада кўпайтириш бўйича бундан кейинги чораларни ишлаб чиқиш топширилсин;
- ЕХХТнинг тузилмалари ва институтларига тегишли лойиҳалар, стратегиялар ва ташаббусларни ишлаб чиқиш ёки уларга аниқлик киритиш ҳамда бошқа ишларни олиб бориш, шу жумладан БМТ билан мазкур қарорда баён этилган мажбуриятларни бажариш тартибида ахборот айрибошлашни топшириш;
- ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларига ва ЕХХТ институтларига Хавфсизлик соҳасидаги муаммолар таҳлили бўйича ҳар йилги конференцияга мазкур қарорда баён этилган мажбуриятларни бажариш бўйича қилинган ишлар бўйича ҳисоб беришни таклиф этиш.

Афина 2009 йил (Қарорлар: Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки 7/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ ҳудудда аёлларнинг ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия, шу жумладан полиция хизмати ва суд тармоқлари раҳбар тузилмаларидаги вакиллиги етарлича эмаслиги сақланиб қолинаётганлигини эътиборга олиб,

аёлларга нисбатан кенг тарқалган камситиш ҳали ҳам уларнинг барча даражалардаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётда самарали иштирок этишларига тўсқинлик қилишидан ташвишланиб,

(...)

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325 (2000) резолюциясидаги аёлларнинг можароларнинг олдини олиш, шунингдек можаролардан кейинги тиклашга тааллуқли қарорлар қабул қилишда тўлиқ ва тенг иштирок этишларига даъватга ило ва қилиб ҳамда уларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш бўйича барча саяё-ҳаракатларда тўлиқ ва тенг иштирок этишлари ҳамда жалб қилинишлари зарурлигини таъкидлаб,

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1889 (2009) резолюциясида халқаро ва минтакавий ташкилотларга аёлларнинг тинчлик жараёни барча босқичларида иштирок этишларини кенгайтириш учун чоралар кўришга қатъий даъват қилинганлигини маълумот учун қабул қилиб,

2009 йил 18 декабрда аёлларга нисбатан сиёсий ва ижтимоий ҳаётда камситишларга барҳам беришга қаратилган Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (АКБК) қабул қилинганлигига 30 йил тўлишига эътиборни қаратиб ҳамда 10 декабрда бу Конвенцияга Протокол имзолаш учун очилганлигига 10 йил тўлганлигини таъкидлаб,

аёллар ўзларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш йўлида гендер хусусиятига эга тўсқинликлардан ташқари бошқа тўсиқларга ҳам дуч келиши мумкинлигини эътироф этиб,

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

1. Қонун чиқарувчи, суд ва ижроия ҳокимият барча органларида, шу жумладан полиция хизмати каби қудрат тузилмаларида ҳам гендер мутаносиблиги мақсадларига эришиш учун аниқ чоралар кўриш имкониятини қараб чиқиш;

2. Аёллар ва эркакларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, айниқса қарорлар қабул қилишда янада мутаносиброқ иштирок этишларини қўллаб-қувватлайдиган қонунчилик чораларини қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш;

3. Ҳаракатдаги барча сиёсий кучларга сайлаб қўйиладиган давлат лавозимларида қарор қабул қилишнинг барча даражаларида мутаносиб гендер вакиллигига эришиш мақсадларида аёллар ва эркакларнинг сиёсий партияларда тенг иштирок этишларига ёрдам кўрсатишни тавсия қилиш;

4. Ички қудрат тузилмаларида, шу жумладан қуролли кучларда, зарурат бўлган жойларда, шахсий таркибни мутаносиб комплекшлашни таъминлайдиган тенг имкониятларини яратиш, эркаклар ва аёлларнинг хизматни давом эттириш ва хизмат лавозимларида кўтарилиш чораларини кўриш имкониятини қараб чиқиш;

5. Қонунчилик, дастурлар ва сиёсатни ишлаб чиқиш барча босқичларига аёллар ва эркакларни янада фаолроқ жалб этишни таъминлайдиган очик ва фаол иштирок этишни назарда тутадиган жараёнларни, заруратга қараб, ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

6. Тинчликни мустаҳкамлаш ташаббусларига аёллар ва эркаклар томонидан тенг ҳисса қўшиш имкониятларини яратиш;

7. Аёлларнинг тенг иштирок этишлари ва вакиллиги даражасини баҳолаш учун, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда, самарали миллий механизмларни яратиш учун зарур чоралар кўриш;

8. Ноҳукумат ва илмий тадқиқот ташкилотларига аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш йўлида учрайдиган аниқ даъватларни аниқлаш мақсадида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш бўйича мақсадли тадқиқотларни тайёрлаш ва амалга ошириш ташаббусларини, зарурат бўлган жойларда, қўллаб-қувватлаш ҳамда аёллар ва эркаклар имкониятлари тенглигига қўмаклашиш,

9. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда самарали иштирок этишларини таъминлаш мақсадларида уларнинг тенглик имкониятларига қўмаклашиш учун эркаклар ва аёллар томонидан меҳнат ва ота-она мажбуриятларини биргаликда бажаришларини рағбатлантириш.

5.3 БИДЪАТ, МУРОСАСИЗЛИК ВА АДОВАТ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРАКАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

5.3.1 Умумий қоидалар

Копенгаген 1990 йил

(40) Иштирок этувчи давлатлар тоталитаризмни, ирқий ва этник нафрат туйғусини, антисемитизмни, ксенофобияни ва ҳар қандай шахсга нисбатан камситишни, шунингдек диний ва мафкурый сабабларга кўра таъқиб қилишни аниқ ва сўзсиз қоралайдилар. Улар шу маънода рома(лўли)ларга оид алоҳида муаммоларни ҳам эътироф этадилар.

Улар бу ходисаларнинг барча шакллариغا қарши курашиш бўйича ўз ҳаракатларини фаоллаштириш қатъий ниятида эканликларини баён қиладилар ва шунинг учун улар:

(...)

(40.2) ўзларининг ирқий, этник, маданий, тилга ёки динга оид ўзига хослиги натижасида камситиш, душманлик ёки зўравонлик таҳдидлари ё ҳаракатларига дучор бўлиши мумкин бўлган шахслар ёхуд гуруҳларни ҳимоя қилиш учун лозим даражадаги ва тегишли чора-тадбирларни қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар;

Париж 1990 йил (Янги Европа учун Париж хартияси)

Биз ирқий ва миллий адоватнинг, антисемитизм, ксенофобиянинг барча шакллариغا ҳамда кимгадир нисбатан камситишга, шунингдек диний ва мафкуравий сабаблар бўйича таъқиб этишга қарши курашишга бўлган ўз қатъиятимизни билдирамиз (...)

Краков 1991 йил

Иштирок этувчи давлатлар тарих томонидан яратилган ва, бошқалар қаторида, шахс, виждон, дин ва эътиқод, фикр билдириш эркинлиги, қонун ус-тунлиги, бағрикенглилик ва бошқа маданиятлар вакиллари билан мулоқот учун очиқ бўлишга содиқликка асосланган умумий қадриятлардан биргаликда фойдаланаётганларига ўзларининг чуқур ишончини билдирадилар.

(...)

Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг барча маданиятлари алмаштириб бўлмайдиган ўзига хослигини ҳурмат қиладилар ҳамда ўзаро ва жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан узлуксиз маданий мулоқотга кўмаклашишга интиладилар. Улар маданий турфаликни ҳурмат қилиш ўзаро англашувга ёрдам бериши ҳамда айрим одамлар ва улар гуруҳлари бағрикенгликли кўринишлари пайдо бўлишига ёрдам беришига ишончларини яна бир бор тасдиқлайдилар. (...)

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

12. (...) биз ҳар қандай шаклдаги ирқий, миллий ва диний камситишни рад этамиз. Эркин ва бағрикенглик муносабатга ўрганиш зарур ва уларни амалиётда қўллаш керак.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(30) Яқинда содир бўлган йўл қўйиб бўлмайдиган тоқатсиз камситишлар, тажовузкор миллатчилик, ксенофобия, антисемитизм ва ирқчилик ҳолатларидан ташвишда эканликларини билдирадилар ҳамда барқарор демократия жамиятини барпо этиш ва сақлаш ишида бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни жуда муҳим аҳамият қасб этишини таъкидлайдилар.

Рим 1993 йил (Қарорлар: X. Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм тўғрисидаги декларация)

1. Вазирлар Кенгашнинг Стокгольм Учрашувида қабул қилинган ўз қарорлари тўғрисида эслатган ҳолда айни вақтда ҳудудий экспансионизм, шунингдек, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм кўринишларида тажовузкор миллатчилик ортиб бораётганлигидан қаттиқ ташвишланаётганини таъкидладилар. Бу ҳолатлар ЕХХК доирасида қабул қилинган принцип ва мажбуриятларга зиддир.

2. Вазирлар бундай ҳодисалар зўравонлик қилишга, этник заминда куч ишлатиш йўли билан ажралиб чиқиш ва низоларга интилишга, энг нохуш ҳолларда эса — айбсиз фуқароларга нисбатан оммавий қувғин қилиш, этник тозалаш ва зўравонлик қилишнинг ваҳший ҳолатларига олиб келиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

3. Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм давлатларда ва улар ўртасидаги муносабатларда этник, сиёсий ва ижтимоий танглик вазиятини вужудга келтиради. Улар халқаро барқарорликка ва инсон умумий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бутун дунёда зўр бериб амалга оширилаётган ҳаракатларга ҳам путур етказди.

4. Вазирлар халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига катъий риоя қилишни, шу жумладан ҳарбий жиноятларда ва инсониятга қарши қаратилган бошқа жиноятларда айбдорларни таъқиб қилиш ва жазолашни мустаҳкам таъминлаш мақсадида тезкор ҳаракатлар зарурлигига эътиборни қаратдилар.

5. Вазирлар бу ҳаракатларда ЕХХК муҳим роль ўйнаши зарурлигига рози бўлдилар. ЕХХК мажбуриятларида акс эттирилган ёрқин ахлоқ андозалари халқаро ҳуқуққа, шунингдек, озчиликни ташкил қилувчи миллатларни ҳимоя қилишга мувофиқ ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлашни фаол қўллаб-қувватлашдан иборат.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари: Бағрикенглилик ва камситмаслик)

25. Иштирок этувчи давлатлар мурасасизлик кўринишларини, айниқса, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмни қоралайдилар ҳамда уларни батамом йуқотишга қаратилган таъсирчан чоралар кўришга бундан буён кўмаклашадилар (...) Улар гўёки этник софликка эришиш мақсадида содир этилган барча жиноятларни қоралайдилар ва Гаагадаги ҳарбий жиноятлар бўйича собиқ Югославия учун халқаро трибунални самарали қўллаб-қувватлашни давом эттирадилар.

26. Улар ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ва мурасасизликка нисбатан Европа Кенгашининг қабул қилинган ҳаракатлар дастурини ижобий баҳолайдилар.

ЕХХҚ институтлари Кенгашнинг Рим учрашуви Декларацияси мазмунидан келиб чиққан ҳолда келгуси қадамлар борасида Европа Кенгаши, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ишлаш имкониятларини ўрганадилар.

27. Виждон ва дин эркинлигини таъминлаш ҳамда турли диний жамиятлар, шунингдек, диндорлар билан даҳрийлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат муҳитини вужудга келтириш юзасидан мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлаб, улар тажовузкор миллатчилик мақсадларида диндан фойдаланишлардан ташвишда эканликларини билдирадилар.

Лиссабон 1996 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

9. (...) Инсонийлик мезонларининг ўткир муаммолари орасида ҳамон давом этаётган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари, чунончи (...) агрессив миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм кўринишларининг намоён бўлиши ЕХХТ минтақасидаги барқарорликка катта хавф бўлиб қолмоқда. Биз бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга қатъий аҳд қилганмиз.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: IV. Бизнинг умумий жавобимиз)

19. (...) Биз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги бузилиши ҳамда тоқатсизлик, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм каби хавфсизликка таҳдидларга қарши туриш мажбуриятини зиммамизга оламиз.

(...)

22. Биз этник тозалаш ёки оммавий қувғин қилиш ҳар қандай сиёсатини рад этамиз.

(...)

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш тўғрисидаги 1-сон Қарорига Илова; Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режаси)

11. Инсон ҳуқуқлари, бағрикенглик ва турфа маданиятликни қарор топтириш. Иштирок этувчи давлатлар/Доимий кенгаш/ДИИХБ/Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК)/Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги масалалари бўйича Вакил: бағрикенглик, миллий, диний, тилга мансуб ва бошқа гуруҳларнинг тотув яшашлари ҳамда улар ўртасидаги уйғун муносабатларни, шунингдек иштирок этувчи давлатлар ўртасида бу масалада конструктив ҳамкорликни тарғиб этадилар ва мустаҳкамлайдилар; бу гуруҳларга нисбатан зўравонлик, тоқатсизлик, экстремизм ва камситиш эҳтимолидан барвақт огоҳлантиришни таъминлайдилар, бундай ҳолатларга тегишли муносабатда бўладилар ва айни пайтда мазкур гуруҳлар томонидан қонун устунлиги, демократик кадриятлар ва шахс эркинлигини ҳурмат қилиш кўринишларини қўллаб-қувватлайдилар; озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг миллий, маданий, тил ёки диний ўзига хослигини эркин ифода этиш, сақлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлишларига эришадилар.

Порту 2002 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 6-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бағрикенглик ва камситмасликнинг энг муҳим кафолати ҳамда ЕХХТ бутун минтақаси кўламида барқарорлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва тинч ривожланишнинг муҳим омили ва ўз навбатида бағрикенглик ва камситмаслик инсон ҳуқуқларини қарор топтиришнинг муҳим унсурлари ҳисобланиши тўғрисида яна бир бор баёнот бериб,

(...)

бағрикенглик ва камситмасликни қарор топтириш адоватни авж олдириш, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизм асосларини тугатишга ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлаб,

иштирак этувчи давлатлар бағрикенглик ва камситмасликни қарор топтириш учун масъул эканликларини эътироф этиб,

1. (а) Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизмнинг барча кўринишларини, шунингдек адоватни тарғиб этишни, дин ёки эътиқод асосида камситиш ҳолатларини тўла қатъият билан қоралайди;

(...)

2. ЕХХТ институтларининг қўллаб-қувватлашида ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти билан, масалан ахборот ва энг яхши амалиётни айрибошлаш йўли билан ҳамкорликда бағрикенглик ва камситмасликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга қарор қилади;

(...)

5. Жумладан, диний белги бўйича камситишни қоралайди ва ҳар қандай диний гуруҳга — бу айрим шахслар, диний муқаддас жойлар ёки сиғиниш предметлари бўлмасин — қарши қаратилган тажовузларга йўл қўймаслик ва бундан ҳимоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар қилиш мажбуриятини олади;

6. Жумладан, сўнгги вақтда ЕХХТ минтақасида антисемитизм кўринишлари тез-тез такрорланаётганлигини қоралайди ҳамда бутун тарих давомида антисемитизм кўринишлари эркинликка жиддий таҳдид манбаи бўлганлигини эътироф этади;

7. Шунингдек, сўнгги вақтда ЕХХТ минтақасида мусулмонларга нисбатан камситиш ва зўравонлик актлари тез-тез такрорланаётганлигини қоралайди ҳамда терроризм ва экстремизмни қайсидир аниқ бир дин ёки маданият билан айнанлаштирилишни қатъиян рад этади;

8. Адоватни авж олдиришга ҳамда тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизмга, шунингдек дин ёки эътиқод белгиси бўйича камситиш ҳолатларига қатъиян ва баралла қарши чиқишга қарор қилади;

(...)

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар

(...)

12. Камситиш ва тоқатсизлик билан боғлиқ амалиёт фақат айрим шахсларнинг хавфсизлигига таҳдид солибгина қолмасдан, шунингдек анча кенг кўламлироқ

можаролар ва зўравонликларга сабаб бўлиши мумкин. У миллий ва диний тигизлик, тажовузкор миллатчилик, шовинизм ва ксенофобияга асосланиши, шунингдек антисемитизм, тажовузкор экстремизм ҳамда озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларига ҳурматнинг мавжуд эмаслиги асосида пайдо бўлиши мумкин.

13. Мигрантларнинг аҳоли гуруҳлари сифатидаги ҳаракатчанлиги ва ЕХХТ минтақаси барча қисмларида турфа маданиятларга мансуб жамоаларнинг пайдо бўлиши тобора кенгроқ имкониятлар яратибгина қолмасдан кучайиб бораётган даъватларни ҳам пайдо қилмоқда. Жамиятда интеграциялашишнинг мавжуд бўлмаслиги, шунингдек бу жамиятда яшовчи ҳар бир шахсда бошқа барча шахслар ҳуқуқларига ҳурматнинг мавжуд бўлмаслиги барқарорликни қўпоришга олиб келиши мумкин.

(...)

Камситиш ва мурасасизлик билан боғлиқ таҳдидларга қарши туриш

36. Камситиш ва мурасасизлик, хавфсизлик ва барқарорликни қўпорадиган можароларни келтириб чиқаришга қодир бўлган омиллар қаторига киради. ЕХХТ ўзининг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларга асосланиб, ўз минтақасининг ҳамма жойларида ҳамма томонидан ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини самарали демократик институтлар, зарур тарздаги суд тартиби ва қонун устунлиги ҳимояси остида тўла даражада фойдаланиш имкониятини берадиган шароитларни яратишга интилоқда. Бу барча шахслар ва ижтимоий гуруҳлар томонидан ўз манфаатларини мунозара қилиш ва ифода этиш учун хавфсиз вазиятни ва тегишли институтларни таъминлашни қамраб олади. Бу масалада фуқаролик жамияти муҳим роль ўйнашга даъват қилинган ва ЕХХТ фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни мустаҳкамлашга ёрдам беришни давом эттиради.

(...)

38. Иштирок этувчи давлатлар, ЕХХТнинг органлари ва институтлари камситиш ва тоқатсизлик туғдираётган таҳдидларга қарши туриш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтириш қатъий ниятидалар. Миллий, диний, тилга мансуб ва бошқа гуруҳлар ўртасидаги уйғун муносабатлар, шунингдек озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари фаол рағбатлантирилади (...) Бу гуруҳлар, шу жумладан мигрант-ишчилар, бошпана излаётган шахслар ва бошқа мигрантларга нисбатан зўравонлик, тоқатсизлик, экстремизм ва камситишга зарба бериш зарур, бундай хатти-ҳаракатларда айбдор шахслар эса жавобгарликка тортилиши керак. Айни пайтда бундай гуруҳларга мансуб шахслар томонидан қонун устунлиги, демократик кадриятлар ва шахс эркинлигини ҳурмат қилиш энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

бағрикенгликка қўмаклашиш ва камситиш билан курашиш бўйича ўз мажбуриятини, шунингдек иштирок этувчи барча давлатларда тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва зўравонликка олиб келадиган экстремизм, худди шунингдек камситиш, жумладан ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини ёки этники, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий

келиб чиқиши, мулкый, табақавий ёки бошқа ҳолати белгилари бўйича камситишнинг барча кўринишларидан ўзининг ташвишини яна бир бор тасдиқлаб,

барча иштирок этувчи давлатлардаги тегишли ҳокимият органларини камситиш ва тоқатсизлик негизда содир этилган зўравонлик қилмишларини тегишли даражада ва зарур тарзда ошкор қоралашга ҳамда барча соҳаларда бағрикенглилик ва камситмасликга кўмаклашиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришга ўзларининг содиқлигини қарор топтиришга қатъий даъват этиб (...)

8. Интернетда ирқчилик, ксенофобия ва антисемитизмни тарғиб этиш адоват асосидаги жиноятларга туртки бериши мумкинлиги ва бу жиноятлар билан курашиш заруратини эътироф этади (...)

9. Фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги муҳимлиги тўғрисида баёнот беради ҳамда ҳар қандай камситиш ва зўравонликни, шу жумладан ҳар қандай диний гуруҳлар ёки айрим диндорларга нисбатан камситиш ва зўравонликни қоралайди. Шахсларнинг яқка тарзда ёки бошқалар билан биргаликда динга сиғиниш ёки эътиқод эркинлигини, зарурат бўлганда, бағрикенгликли ва камситмайдиган қонунлар, қоидалар, амалиёт ва сиёсат воситасида таъминлаш ва рағбатлантириш мажбуриятини олади. Иштирок этувчи давлатларга ДИИХБга ҳамда унинг дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича экспертлар гуруҳига ёрдам сўраб мурожаат қилишни тавсия этади (...)

(...)

11. Мигрант-ишчиларни камситиш билан курашиш мажбуриятини қабул қилади. Шунингдек, қонуний асосда яшаб келаётган мамлакатлардаги мигрант-ишчиларнинг ижтимоий интеграциясини енгиллаштириш мажбуриятини ҳам олади. ДИИХБни бу соҳадаги фаолиятини мустаҳкамлашга даъват этади;

12. Шу билан боғлиқ равишда, миллий қонунчилик ва халқаро мажбуриятларга риоя қилиб, бошпана излаётган шахсларни, шунингдек қочоқларни камситишлар бор жойларда, уларга қарши кураш олиб бориш мажбуриятини оладилар ва ДИИХБни мазкур соҳадаги ўз фаолиятини мустаҳкамлашишига чақиради;

13. БМТнинг ички кўчиришга тааллуқли Дастурамал принципларини ЕХХТнинг фаолияти ҳамда иштирок этувчи давлатларнинг ички кўчириш муаммосини ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатлари учун фойдали асос сифатида маълумот учун қабул қилади (...)

(...)

15. ЕХХТнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи каби тегишли халқаро ташкилотлар, шунингдек фуқаролик жамияти ва тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан бағрикенглилик ва камситмасликни қарор топтириш мақсадларидаги ҳамкорлигини фаоллаштиришга қарор қилади (...)

София 2004 йил (Вазирларнинг Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг олтмиш йиллиги тўғрисидаги декларацияси)

Тарих бизга миллий, ирқий ва диний негиздаги тоқатсизлик, камситиш, экстремизм ва адоват оқибатлари қандай хавф солишидан сабоқ беради. Биз бундай хавфли ҳодисалар билан, шу жумладан ЕХХТ орқали кураш олиб бориш қатъий ниятидамыз ва бу қилмишларни оқлашга ҳар қандай уринишларни рад этамыз.

Биз холокостни ҳар қандай инкор этишни қатъиян қоралаймыз. Биз этник тозалашнинг барча шакллари қоралаймыз. Биз БМТ 1948 йил 9 декабрда қабул қилган геноцид жиноятларининг олдини олиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги

конвенцияга содиқлигимизни тасдиқлаймиз. Биз иштирок этувчи давлатларни ҳозирги кунларда ҳам, келажакда ҳам геноцид содир этишга уринишларга йўл қўймаслик учун имкони бор ҳамма ишларни қилишга даъват этамиз. Бундай жиноятлар содир этишда айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак.

София 2004 йил (Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

2. Доимий кенгашнинг мазкур қарорга илова қилинаётган антисемитизм билан курашиш ва бағрикенглилик тўғрисида (PC.DEC/607) ҳамда иркчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш тўғрисидаги қарорларини (PC.DEC/621), шунингдек Доимий кенгашнинг бағрикенглилик ва Интернетда ОАВ эркинлиги тўғрисидаги қарорини (PC.DEC/633) маъқуллайди;

3. Шунингдек, жумладан таълим, оммавий ахборот воситалари, қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш, миграция ва дин эркинлиги каби соҳалардаги мажбуриятлар қайд этилган бу учта қарорни бажариш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш тўғрисида қарор қилади;

(...)

5. Амалдаги раислик килувчининг Портудаги Вазирлар кенгаши учрашувининг 8-сон Қарорига мувофиқ ЕХХТнинг камситиш билан курашиш ва бағрикенглиликга қўмаклашиш бўйича умумий саъй-ҳаракатлари доирасида учта шахсий вакилни тайинлаш ниятини маъқуллайди (...)

София 2004 йил (Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 607-сон Қарори: Антисемитизм билан курашиш)

Доимий кенгаш,
(...)

ЕХХТнинг бутун минтақасида антисемитизм билан курашиш бўйича бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтириш мақсадларида қуйидагиларга қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- уларнинг ҳуқуқ тизимлари антисемитизмни гиж-гижлаш, ҳаётнинг қайси бир соҳасида бўлмасин, зўравонлик ёки камситишдан ҳоли бўлган хавфсиз муҳитга қўмаклашишига интилиш;
- оммавий ахборот воситаларида ва Интернетда иркчилик, ксенофобия ва антисемитизм тарғиботи авж олдириши мумкин бўлган адоват асосида содир этиладиган жиноятлар билан курашиш;
- халқаро ташкилотлар ва НХТнинг ушбу соҳалардаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш (...)

(...)

- ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси билан антисемитизм муаммоларини вақти-вақти билан кўриб чиқишнинг мақбул йўллари аниқлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш
- экспертлар ўртасида тегишли анжуманлар доирасида ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқ таълимоти соҳасида энг яхши амалиёт ва тажрибага доир норасмий фикр алмашишни ривожлантиришни рағбатлантириш;

(...)

София 2004 йил (Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглилик ҳамда ирқчилик, ксенофобия ва камситишга қарши курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТ бутун минтақасида тоқатсизлик кўринишлари билан курашишда бизнинг умумий саъй-ҳаракатларимизни кучайтириш мақсадида куйидагиларга қарор қилади:

1.Иштирок этувчи давлатлар куйидаги мажбуриятларни олади:

(...)

- ЕХХТ минтақасида мусулмонларга нисбатан камситиш ва зўравонлик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- ўзларининг ички қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ мигрантларга ва мигрант-ишчиларга нисбатан камситиш, тоқатсизлик ва ксенофобияга қарши чоралар кўриш;
- жамоатчиликнинг мигрантлар ва мигрант-ишчиларнинг жамият ҳаётини бойитишга қўшадиган ҳиссасидан хабардорлигини ошириш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш;
- Интернетдаги ирқчилик, ксенофобия ва антисемитизм тарғиботи авж олдириши мумкин бўлган адоват негизидаги жиноятлар билан курашиш ва бундай жиноятлар содир этилган ҳолларда уларни тегишли тарзда ошқора қоралаш;
- (...)
- Халқаро ташкилотлар ва НХТларнинг мазкур йўналишлардаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- (...)
- мамлакат ичкарасида бағрикенглиликни ҳамда ирқчилик, ксенофобия ва камситиш ҳамда у билан боғлиқ тоқатсизлик, шу жумладан мусулмонларга нисбатан тоқатсизлик ҳамда антисемитизм билан курашиш учун масъул бўлган тегишли органларни таъсис этиш имкониятини ўрганиш;
- (...)
- ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси билан ирқчилик, ксенофобия ва камситиш муаммоларини даврий равишда кўриб чиқишнинг мақбул йўллари аниқлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш
- экспертлар ўртасида тегишли анжуманлар доирасида ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқ таълимоти соҳасида энг яхши амалиёт ва тажрибага доир норасмий фикр алмашишни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- (...)

Любляна 2005 йил (Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/05-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда бағрикенглилик, ўзаро ҳурмат ва англашувни оширишга қаратилган маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқотни ривожлантириш ва енгиллаштириш муҳимлигини эслатиб,

(...)

3. Терроризм ва зўраки экстремизмни ҳар қандай дин ёки сиғиниш, маданият, этник гуруҳ, миллат ёки ирқ билан айнанлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблайди;

(...)

4. ЕХХТ бундан буён ҳам хабардорликни ошириши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини, ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини ва сиғиниши, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавӣ ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар истисносиз барчанинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилган ҳолда бидъатлар, тоқатсизлик ва камситишга қарши туриш бўйича чоралар ишлаб чиқиши лозимлигига қарор қилади;

(...)

Брюссель 2006 йил (Мурасасизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш 13/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ўзаро ҳурмат, англашув ва тенглик маданиятига кўмаклашиш ҳамда демократик жамиятларда самарали иштирок этиш учун тенг имкониятларни таъминлаш тизимли, кенг қамровли ва узок муддатли ёндашувни талаб этишини таъкидлаб,

ирқчи, ксенофобия ва камситувчи ошкор чиқишлардан чуқур ташвишланиб,

(...)

иштирок этувчи давлатлар томонидан адоватнинг барча ҳоллари ва кўринишлари, шу жумладан адоват негиздаги жиноятлар билан курашишга қатъиятини яна бир бор тасдиқлаб, улар билан курашиш учун зарур саъй-ҳаракатлар кўпинча умумӣ ёндашувни талаб этишини эътироф этиб ҳамда айни пайтда уларнинг ҳар бир шакл кўриниши ўзига хослиги ва тарихӣ манзарасини эътироф этиб,

(...)

мурасасизлик ва камситиш билан курашишда ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашишда фуқаролик жамиятининг ҳал қилувчи ролини таъкидлаб,

зўравонликни тарғиб этувчи сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва гуруҳларнинг ҳар қандай кучайишидан ташвишланиб,

шунингдек, ушбу маънода ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм, тажовузор миллатчилик ва неонацизм билан боғлиқ зўраки экстремизм кўринишларидан ҳам ташвишланиб,

ЕХХТнинг ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш учун институционал даражада ва фуқаролик жамияти даражасида жамоавӣ сиёсий ирода ҳамда бир-биридаги саъй-ҳаракатларни сафарбар этишни мустаҳкамлаш мақсадларида ЕХХТнинг БМТнинг «Цивилизациялар альянси» ташаббусига ҳиссасини эслатиб ҳамда «Цивилизациялар альянси» мақсадига қўшиладиган халқаро ташкилотлар ўртасида БМТ шафелигида шерикликни йўлга қўйиш мақсадида Истамбулда 2006 йил 13 ноябрда БМТ Бош қотибига тақдим этилган Юқори даражали гуруҳ маърузасини таъкидлаб,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларни имкониятлар, ҳуқуқлар, одил судлов ва жамоатчилик хизматларидан фойдаланиш тенглиги ҳамда мулоқотни ва самарали иштирок этишни ривожлантиришга урғу берадиган сиёсатни ривожлантириш йўли

билан барча шахслар жамиятларимизнинг уйғун плюралистик хусусиятига қўшиши мумкин бўлган ижобий ҳиссасини эътироф этишга даъват этади;

(...)

8. Ирқчи, ксенофобия ва камситувчи ошкор чиқишларни қоралайди ҳамда сиёсий вакиллар ўзаро ҳурмат ва англашувни умумий қўллаб-қувватлашда ижобий роль ўйнашлари ҳамда адоват асосида содир этилган актлар ва қилмишларга қарши чиқиб, жамият ичидаги тангликни юмшатишга жиддий таъсир кўрсатишлари мумкинлигини таъкидлаб ва барча шахслар уйғун плюралистик жамиятга ижобий ҳисса қўшишлари мумкинлигини эътироф этиб;

(...)

12. Иштирок этувчи давлатлар фуқаролик жамияти билан давлат ҳокимияти ўртасида ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш, имкониятлар тенглигини ҳамда бутун жамиятни фаоллаштириш ва мурасасизлик билан курашиш, зарурат бўлган жойларда, маҳаллий, минтақавий ёки миллий маслаҳат механизмларини яратиш билан самарали шерикликни ривожлантириш ҳамда мулоқот ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали фуқаролик жамияти фаолиятини рағбатлантиришда янада фаолроқ иштирок этишлари кераклиги тўғрисида қарор қилади;

(...)

16. «Цивилизациялар альянси» ташаббуси Юқори даражали гуруҳининг маърузаси муносабати билан уни бажариш учун ЕХХТнинг зарур ҳиссасини ўрганиш мақсадларида БМТнинг саъй-ҳаракатларини кутади.

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/07-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш)

Вазирлар кенгаши,

(...)

тоқатсизлик ва камситиш кўринишларига қарши туриш учун асосий масъулият иштирок этувчи давлатлар, шу жумладан уларнинг сиёсий вакиллари зиммасида эканлигини таъкидлаб,

(...)

тоқатсизлик ва камситиш кўринишлари шахслар ҳуқуқларини, шу жумладан мигрантлар, қочоқлар ва озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ҳамда фуқаролиги йўқ шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни қўпориши мумкинлигини эътироф этиб,

(...)

тоқатсизликнинг турли шакллари ўзига хос хусусиятга эгалигини эътироф этиб ва айни пайтда камситишнинг барча шакллари билан самарали курашиш учун кенг қамровли ёндашувга амал этиш ва муҳим масалаларни ҳал этиш (...) зарурати катта аҳамият бериб,

1. Сиёсий вакилларни, шу жумладан парламент аъзоларини ҳам бундан буён ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм, камситиш ва тоқатсизлик, шу жумладан христианлар, иудейлар, мусулмонлар ва бошқа дин вакилларига нисбатан камситиш ва тоқатсизликни, шунингдек жангари миллатчилик ва неонацизм билан айнанлаштириладиган экстремизмнинг шафқатсиз кўринишларини қатъиян рад этиш ва қоралашга, бунда фикр билдириш эркинлигига риоя қилишга даъват этади;

2. Иштирок этувчи давлатлар (...) фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилишининг зарурати сақланиб қолаётганлигини таъкидлайди;

(...)

5. Иштирок этувчи давлатларни фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда ўз саъй-ҳаракатларини муқаррар равишда адоват асосида зўравонлик ва жиноятларга олиб келадиган далолатчиликка, шу жумладан Интернет орқали далолатчиликка миллий қонунчиликлари доирасида қарши туриш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга, бунда фикр билдириш эркинлигига риоя этишга даъват этади ҳамда айни пайтда демократия, инсон ҳуқуқлари ва бағрикенгликни тарбиялаш учун Интернет томонидан очиб берилаётган имкониятлардан тўла даражада фойдаланиш заруратини таъкидлайди;

(...)

7. Иштирок этувчи давлатларни қабул қилувчи мамлакатларда қонуний асосларда яшайдиган мигрантларни ҳамда озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахсларни, фуқаролиги йўқ шахсларни ва қочоқларни ирқчилик, ксенофобия, камситиш ва тоқатсизликнинг шафқатсиз кўринишларидан ҳимоя қилишга ёки легал мигрантларни интеграциялашга йўналтирилган миллий стратегиялар ва дастурларни кучайтиришга даъват этади, бунинг учун юқорида қайд қилинган шахслар томонидан ҳам фаол саъй-ҳаракатлар қилиниши зарур;

(...)

9. Иштирок этувчи давлатлар ва ЕХХТнинг тегишли институтлари, шу жумладан ДИИХБнинг унинг Бағрикенглик ва камситмаслик масалалари бўйича дастури доирасида қилинган ишлар якунини ривожлантириш учун, улар мандатлари доирасида, бағрикенглик ва камситмасликни тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида бундан кейинги самарали чораларни кўришни таъминлаш мажбуриятини олади, бунда ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларни мазкур соҳада саъй-ҳаракатларни такрорламаслик учун тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тажрибаси ва эксперт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда бажарилишининг катта аҳамиятини таъкидлайди (...);

10. Иштирок этувчи давлатларга, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш учун миллий институтлар ёки ихтисослаштирилган органлар ташкил этишни, шунингдек мавжуд мажбуриятлар доирасида ЕХХТнинг тегишли институтлари ва, зарурат бўлса, тегишли халқаро муассасаларининг эксперт салоҳиятига ва уларнинг ёрдамига таяниб мазкур соҳада миллий стратегиялар ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тавсия этади;

11. БМТнинг Юқори вакили томонидан тайёрланган «Цивилизациялар альянси» бўйича Амалга ошириш режасини эътиборга олиб, ЕХХТнинг БМТ Юқори вакилининг «Цивилизациялар альянси» бўйича тавсияларини бажаришга зарур тарзда ҳисса қўшиш имкониятини қараб чиқишга қарор қилади ҳамда ЕХХТнинг Бош қотибига унинг Амалдаги раислик қилувчи билан маслаҳатлашиб, Альянснинг яқинлашиб келаётган Мадриддаги биринчи йиллик Анжуманида иштирок этишини ва унинг якунлари тўғрисида иштирок этувчи давлатларга ҳисоб беришини тавсия қилади.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг «Цивилизациялар альянси» ташаббусини бажариш босқичига ҳиссаси 8/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

турли маданиятлар ва цивилизациялар элтувчилари ҳисобланган мамлакатлар ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик муносабатларига кўмаклашиш заруратини эътироф этиб,

терроризмга олиб борадиган радикализация ва зўравонлик экстремизмига қарши туришга тўла қатъиятда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг VIII Боби маъносига кўра ЕХХТнинг минтақавий тузилма сифатидаги ролини таъкидлаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги «Цивилизациялар альянси» ташаббусига ЕХХТнинг Вазирлар кенгаши томонидан Любляна, Брюссель ва Мадридда қабул қилинган қарорларига мувофиқ доимий қизиқишига эътиборни қаратиб,

тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш ишига ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашишга ўзининг содиқлиги тўғрисида яна бир бор баёнот бериб,

ЕХХТнинг 2006 йилда БМТ Бош қотибига тақдим этилган «Цивилизациялар альянси» ташаббусига дастлабки ҳиссасини эслатиб,

БМТнинг Юқори вакили томонидан тайёрланган «Цивилизациялар альянси» ташаббуси бўйича Амалга ошириш режасини эътиборга олиб,

мавжуд ресурслар доирасида қарор қилади:

1. ЕХХТ Бош қотибига «Цивилизациялар альянси» тадрижий ривожланиши устидан кузатиш, «Цивилизациялар альянси» лойиҳаси доирасида умумий қизиқишга ва умумий манфаатга эга соҳаларда ЕХХТ мажбуриятлари бажарилишига кўмаклашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш имкониятини кўриб чиқиш ваколатини беради ҳамда унга иштирок этувчи давлатларга маъруза тақдим этишни топширади;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Миграция жараёнларини бошқариш 5/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

1. Иштирок этувчи давлатларга миграция жараёнларини бошқариш соҳасидаги фаолиятини давом эттиришни тавсия этади ва бунинг учун:

(...)

- мигрантларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳамда мигрантлар ва улар оилалари аъзоларига нисбатан камситиш, тоқатсизлик ва ксенофобия билан курашиш учун янада қатъийроқ саъй-ҳаракатлар қилиш;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Адоват негизидаги жиноятлар билан курашиш 9/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ бутун ҳудудида адоват негизидаги жиноятлардан ташвишланиб ва бундай жиноятлар билан самарали курашиш учун ҳамкорлик зарурлигини эътироф этиб, шунингдек ДИИХБ иштирок этувчи давлатларнинг топшириғи бўйича тайёрлаган «ЕХХТ минтақасида адоват негизидаги жиноятлар: кўринишлари ва жавоб чоралари» маърузасини маълумот учун қабул қилиб,

(...)

адоват негизидаги жиноятлар бидъат асосида содир этиладиган жиноятлар ҳисобланишини эътироф этиб,

БМТнинг Бош ассамблеясида 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган, терроризм билан курашишга кенг қамровли глобал ёндашув концепцияси баён этилган, бунда фақат терроризм кўринишлари эмас, балки унинг тарқалишига хизмат қиладиган шароитлар қараб чиқилган ҳамда терроризмга олиб келадиган зўравонлик экстремизми ва радикаллаштиришни авж олдиришда адоват, камситиш ва тоқатсизлик негизидаги жиноятлар ўйнаши мумкин бўлган роль эътироф этилган БМТнинг Глобал терроризмга қарши стратегиясини маълумот учун қабул қилиб,

(...)

глобал иқтисодий инқироз ЕХХТ минтақасида адоват негизидаги жиноятлар сони ортишига олиб келиши мумкинлигини эътироф этиб,

адоват негизидаги жиноятлардан жабрланганлар ҳам озчилик, ҳам кўпчилик вакиллари орасида бўлиши мумкинлигини эътироф этиб,

(...)

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

(...)

5. Жараённинг тегишли иштирокчилари билан ҳамкорликда адоват негизидаги жиноятлардан жабрланганларга маслаҳат, ҳуқуқ ва консуллик ёрдамидан фойдаланиш, шунингдек одил судловдан самарали фойдаланишни тақдим этиш имкониятини ўрганиб чиқиш,

(...)

8. Ҳуқуқ-тартибот органлари иштирокида, жумладан жамоатчиликка ва адоват негизидаги жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатаётган фуқаролик жамиятлари гуруҳларига йўналтирилган ахборот-маърифий кампанияларини ўтказиш;

(...)

10. Адоват негизидаги жиноятлар билан курашишга кенг қамровли ёндашувни қўллашни таъминлаш учун таълим, касбий тайёргарлик соҳаларида ва жамоатчилик хабардорлигини оширишда ДИИХБ ишланмаларидан фойдаланиш имкониятларини қараб чиқиш;

11. Иштирок этувчи давлатларни бидъат оқибатида зўравонликка, шу жумладан адоват негизидаги жиноятлар шаклларида далолатчилик фикрларини тарғиб қилиш учун Интернетдан тобора кенг фойдаланилаётганлиги муаммосини ҳал этиш учун ҳамкорлик имкониятларини излаш ва шу асосда бу муаммони ҳал этиш ҳамда ана шундай материаллар етказётган зарарни чеклаш, бунда ҳар қандай зарур чоралар ЕХХТ мажбуриятларига, жумладан фикр билдириш эркинлигига нисбатан мажбуриятларига мувофиқ кўрилишини таъминлашга даъват этади;

(...)

Остона 2010 йил

7. Бизнинг йўлимизда жиддий таҳдидлар ва даъватлар қолмоқда (...) Дин ва эътиқод эркинлигини қарор топтириш ҳамда тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим (...)

5.3.2 Халқаро ҳужжатлар

Копенгаген 1990 йил

(40) (...) [Иштирок этувчи давлатлар] (...)

(40.6) башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, камситиш муаммоси кўриб чиқиладиган халқаро воситаларга кўшилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади-лар ва улар юзасидан зиммаларига олинган мажбуриятлар, шу жумладан дав-рий маърузаларнинг тақдим қилинишига доир мажбуриятларнинг тўла бажари-лишини таъминлайдилар;

(40.7) давлатлар ва алоҳида шахсларнинг халқаро органларга камситишга ало-қадор хабарларни юборишига имкон берадиган халқаро механизмларнинг эъти-роф қилиниши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадиладар.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

[Иштирок этувчи давлатлар]

(32) Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга риоя қилиш, башарти улар буни ҳали қилмаган бўлсалар, имкони-ятларини ўрганиб чиқадиладар.

София 2004 йил (Вазирларнинг иккинчи жаҳон уруши тугалланганлигининг ол-тмиш йиллиги тўғрисидаги декларацияси)

(...) Биз 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган БМТнинг Геноцид жиноятлари-нинг олдини олиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенциясига ўз со-диқлигимизни тасдиқлаймиз (...)

5.3.3 Қонунчилик ҳамда қонунларни ва сиёсатни қўллаш

Копенгаген 1990 йил

(40) (...) [Иштирок этувчи давлатлар]

(40.1) самарали чора-тадбирларни, шу жумладан ўз конституциявий тизим-лари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ шахслар ёки гуруҳларга нисбатан зўравонлик кўрсатилишига оид миллий, ирқий, этник ёки диний камситишга, душманликка ёки нафратланишга асосланган ифвогарлик, шу жумладан анти-семитизмдан иборат ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоя этиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган қонунларни қабул қиладилар;

(...)

(40.3) ўз конституциявий тизимларига мувофиқ миллий, минтақавий ва ма-ҳаллий даражаларда, айниқса, таълим, маданият ва ахборот соҳасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва бағрикенглиликка кўмаклашиш учун самарали чора-тад-бирларни қабул қиладилар;

(...)

(40.5) ҳар бир шахснинг ҳуқуқий ҳимоялашнинг самарали воситаларига эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ манфаатдор шах-слар ва гуруҳларнинг камситиш ҳаракатлари, шу жумладан ирқчилик ҳамда ксе-нофобия ҳаракатлари бўйича шикоятлар билан чиқиш ҳамда бундай шикоятлар-ни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқини эътироф этадилар;

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

[Иштирок этувчи давлатлар]

(33) Ўз ҳудудларида турган барча шахсларга ирқий, этник ва диний бел-гилар бўйича камситишлардан ҳимояланишни таъминлайдиган, шунингдек,

барча шахсларни ва ажнабийларни ҳам зўравонлик ҳаракатлари, шу жумладан бу белгиларнинг ҳар қандайдан ҳимоя қиладиган тегишли тадбирларни ўз конституциявий тизимлари ва ўз халқаро мажбуриятлари доирасида қабул қилиш имкониятларини ўрганиб чиқадиладар. Бундан ташқари, улар ўз ички юридик русум-қоидаларидан, шу жумладан унга тааллуқли мавжуд қонунларга риоя қилинишини таъминлашдан ҳам тўлиқ даражада фойдаланадилар.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

25. Иштирок этувчи давлатлар мурасасизлик кўринишларини, айниқса, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмни қоралайдилар ҳамда уларни батамом йуқотишга қаратилган таъсирчан чоралар кўришга бундан буён кўмаклашадилар (...) Улар бу борадаги қонун ҳужжатларини мустаҳкамлашга ёки тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишга интиладилар, шунингдек бундай ҳодисалар кўринишларига барҳам бериш мақсадида мавжуд қонунчиликни самарали қўллашни таъминлаш учун тегишли чоралар кўрадилар. Улар бундай ҳодисаларга қарши курашга интеграцияга мўлжалланган сиёсат ва маърифатнинг таркибий қисми сифатида қараш лозимлигини таъкидлайдилар.

Порту 2002 йил (V. Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 6-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

9. Иштирок этувчи давлатларнинг тегишли органларини зўравонлик қилмишларини, айниқса улар тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизм, шунингдек у ёки бу динга ёхуд у ёки бу эътиқодларга қарши адоват сабабли содир этилганлигига шубҳа қилиш учун оқилона асослар бўлган ҳолатларда тезкор ва холис тергов қилинишига ҳамда ички қонунчиликка мувофиқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасида тегишли халқаро стандартларига риоя қилинган ҳолда айбдорларни суд таъқиби остига олишга даъват этади;

(...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: 3/03-сон Қарорига Илова, ЕХҲТ минтақасида рома ва синти ахволини яхшилаш бўйича Ҳаракат режаси)

Бидъатга қарши туриш (...) ҳамда ирқчилик негизида камситиш ва зўравонлик билан курашиш самарали сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадларида қуйидаги саъй-ҳаракатлар қилиш тавсия этилади:

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот фаолияти

Иштирок этувчи давлатлар ҳаракатларига тавсиялар:

7. Башарти улар ҳали бунда қилмаган бўлсалар, имконияти борида қисқа муддатларда тегишли халқаро шартномаларни, жумладан Ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш.

8. Барча соҳаларда, жумладан турар-жойдан фойдаланиш, фуқаролик ва доимий яшаш, таълим, бандлик, тиббий хизмат ва ижтимоий хизматлар масалаларида ирқий ва миллий белги бўйича камситиш билан курашиш мақсадларида камситишга қарши самарали қонунчилик қабул қилиш ва қўллаш.

Рома ва синти вакиллари концентуаллаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш бўйича ишларга жалб этиш.

9. Камситишга қарши қонунчилик қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

- бевосита ва билвосита ирқий камситишни таъқиқлаш;
- камситиш ҳолатлари ёки амалиётининг олдини олиш учун талаб этилган самарали ва мутаносиб жазо чораларини жорий этиш;
- ҳам хусусий шахслар, ҳам давлат амалдорлари томонидан ирқий негизда содир этиладиган жиноятлар учун қатъийроқ жазо чораларини қўллаш;
- самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан (суд ёки маъмурий тартиблар, яраштириш ёки воситачилик тартибларидан) тенг фойдаланиш.

10. Миллий қонунчилик камситишнинг ҳар қандай ҳолатларини ман этишини, шунингдек эҳтимол тутилган камситишнинг барча ҳолатлари синчиклаб ва ҳолис тергов қилинишини таъминлаши зарур.

11. Тегишли ҳолатларда бундай қонунчиликни қўллашни таъминлайдиган ихтисослаштирилган институтларни, шунингдек уни қўллашнинг бориши устидан назорат қилиш ва бу ҳақда ошқоралик шароитларида мунтазам маърузалар тақдим этиш миллий механизмларини яратиш (...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар Кенгаши,

(...)

6. (...) Иштирок этувчи давлатлар адоват негизидаги жиноятлар билан курашиш учун қонунчиликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиб, ДИИХБни тоқатсизлик ва камситиш сабабли жиноятларга тааллуқли мавжуд қонунчилик тўғрисида хабардор қиладилар ва тегишли ҳолатларда ДИИХБга ана шундай қонунчиликни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишда ёрдам сўраб мурожаат қиладилар; (...)

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглилик ҳамда ирқчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТнинг бутун минтақасида тоқатсизлик кўринишлари билан курашишда умумий сазъ-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида

қуйидагиларга қарор қилади.

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавӣ ёки бошқа ҳолатлар белгилари бўйича камситишни, шунингдек ушбу белгилар сабабли адоват негизидаги жиноятлар содир этишга далолатчиликни тақиқлайдиган қонунчиликни қабул қилиш ёки, тегишли равишда, кучайтириш масаласини қараб чиқиш; (...)
- ҳуқуқ-тартибот ва суд органларининг мансабдор шахслари учун адоват негизидаги жиноятларга тааллуқли қонунчилик ҳамда уни қўллашни таъминлашга бағишланган ўқув дастурларини ташкил этиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш;

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 633-сон Қарори: Интернетда бағрикенглилик ва ОАВ эркинлигига кўмаклашиш).

Доимий кенгаш,

(...)

қарор қилади:

(...)

2. Иштирок этувчи давлатлар Интернет орқали тарқатилаётган, ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ёки бу бидъатлар билан боғлиқ бошқа сабабларларга кўра зўравонлик ҳолатларини ёки жинояткорона хусусиятга эга бўлган зўравонликни қўллаш таҳдидлари ҳолатларини тергов қилишлари ҳамда, зарурат бўлганда, айбдорларни қонуннинг бутун қатъийлиги билан таъкиб этилишини таъминлашлари керак;

3. Иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини, шунингдек прокурорларни Интернет орқали тарқатилаётган, ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ёки бу бидъатлар билан боғлиқ жиноятларга тааллуқли масалалар бўйича касбий тайёрлашни таъминлашлари, шунингдек энг яхши амалиёт мисоллари билан айрибошлаш доирасида бир-бирларига бундай тайёргарликнинг муваффақиятли дастурлари тўғрисидаги ахборотларини тақдим этишлари лозим;

(...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш 10/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

5. Иштирок этувчи давлатлар бағрикенглилик ва камситмасликга кўмаклашишга йўналтирилган ўз мажбуриятларини бажаришда ўз фаолиятларини, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти, таълим, оммавий ахборот воситалари, маълумотларни тўплаш, миграция ва интеграция, диний эркинликлар, маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқот каби соҳаларда мужассамлаштирадилар ва қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

5.1 миллий қонунчилик, сиёсат ва амалиёт барча шахслар учун қонун томонидан тенг ва самарали ҳимоя қилинишини ҳамда тоқатсизлик ва камситиш қилмишларини, бу соҳада ЕХХТда қабул қилган мажбуриятлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ, тақиқлашига қаратилган ўз фаолиятларини фаоллаштириш масаласини қараб чиқиш;

5.2 давлат хизматчиларини, жумладан ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимларини адоват негизидagi жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш қўникмаларига тегишли тарзда ўргатиш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтириш ва шу муносабат билан ана шундай тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани, шунингдек мазкур соҳада ДИИХБ эксперт хизматларидан фойдаланиш ва энг яхши амалиёт мисолларини айирбошлашни қараб чиқиш;

(...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш 13/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

7. Шунга қарор қиладики, касбий тайёргарлик йўли билан ҳуқуқ-тартибот органлари имкониятларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш ҳамда бидъат билан боғлиқ жиноятлар билан энг самарали ва оқилона курашиш тўғрисида қўлланмани тузиш, полиция билан жабрланганлар ўртасида ижобий ўзаро муносабатни кенгайтириш ҳамда жабрланганлар томонидан адоват негизидagi жиноятларни маълум қилишларини рағбатлантиришни, масалан, бунга оддий ходимларни полиция билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни яхшилаш бўйича интерфаол дастурларни амалга ошириш ҳамда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ишларни кўриб чиқиш учун қабул қилишни таъминлашга ўргатиш орқали эришиш; (...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/07-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш)

Вазирлар кенгаши,
(...)

адоват негизидagi жиноятлар ва камситиш кўринишлари билан курашиш тўғрисидаги қонунчиликни қабул қиладиган миллий парламентларнинг ролини эътироф этиб (...),
(...)

тоқатсизлик турли шакллариининг ўзига хос хусусиятини эътироф этиб ва айни пайтда (...) камситишнинг барча шакллари билан самарали кураш олиб бориш учун қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш фаолияти каби соҳаларда кенг қўламли ёндашув ва муҳим масалаларни ҳал этишга катта эътибор бериб,
(...)

2. Иштирок этувчи давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот тузилмалари тегишли ходимларини тайёрлашни йўлга қўйишлари зарурати сақланиб қолаётганлигини таъкидлайди (...)

8. Иштирок этувчи давлатларга ҳар бир шахс учун маданий ва диний турфа-лик, инсон ҳуқуқлари ва демократик принципларни ҳурмат қилиш асосида очиқ бўлган жамиятни шакллантиришга ёрдам берадиган ўз қонунчилиги доирасида (...) энг яхши амалиёт билан айрибошлашни тавсия қилади.

Афина 2009 йил (Қарорлар: Адоват негизидagi жиноятлар билан курашиш 9/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:
(...)

2. Зарурат бўлса, адоват негизидagi жиноятлар оғирлигини ҳисобга оладиган, жазолашнинг самарали чораларини кўзда тутадиган адоват негизидagi жиноятлар билан курашиш тўғрисида махсус ва аниқ мақсадга йўналтирилган қонун қабул қилиш;
(...)

4. Адоват негизидagi жиноятлар билан шуғулланаётган ҳуқуқ-тартибот, прокурор ва суд тузилмаларининг мансабдор шахсларига мўлжалланган касбий тайёргарлик ҳамда салоҳиятни яратиш бўйича тадбирларни жорий этиш ёки уларни такомиллаштириш;

5. Жараённинг тегишли иштирокчилари билан ҳамкорликда адоват негизидаги жиноятлардан жабрланганларга маслаҳат, ҳуқуқий ва консуллик ёрдамидан, шунингдек самарали одил судловдан фойдаланишни тақдим этиш имкониятини ўрганиш;

6. Адоват негизидан жиноятларни кечиктирмасдан тергов қилиш ҳамда адоват негиздаги жиноятлар учун жазоланган шахслар амал қилган сабаблар ҳоқимиятнинг тегишли органлари ва сиёсий раҳбарият томонидан тегишли баҳоланиши ва ошқор қораланиши;

7. Адоват негиздаги уюштирилган зўравонлик жиноятлари билан кураш олиб бориш ишида, зарур ҳолатларда, миллий ва халқаро даражаларда, шу жумладан тегишли халқаро органлар ва полиция хизматлари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш;

8. Жумладан, ҳуқуқ-тартибот органларининг иштирокида жамоатчиликка ҳамда адоват негиздаги жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатаётган фуқаролик жамияти гуруҳларига мўлжалланган ахборот-маърифий кампанияларни ўтказиш;

(...)

5.3.4 Ахборот тўплаш ва кузатиш

Женева 1991 йил

(VI)

Бундан ташқари жамоатчиликнинг бидъат ва адоват нималигини тўла англаб етиши, адоват билан боғлиқ жиноятларга доир қонунларни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек жамиятда адоват ва бидъатларни енгишга бўлган бундан буёнги бошқа саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида [иштирокчи-давлатлар] ўз тегишли ҳудудларида содир бўлаётган ва замирида ирққа, миллий мансубликка ёки динга нисбатан бидъат ётган жиноятлар ҳақида мунтазам равишда ахборот тўплаш, бундай маълумотларни тўплаш учун фойдаланиладиган дастурамал принципларини ҳам ҳисобга олган ҳолда уларни нашр қилиш учун саъй-ҳаракатлар қиладилар. Бу маълумотларда аниқ шахслар тўғрисидаги ахборотлар бўлмаслиги лозим.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: IV. Бизнинг умумий воситаларимиз)

44. Биз ЕХХТнинг фуқаролар полицияси функциялари билан боғлиқ фаолиятидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадларида иш олиб борамиз (...) Бундай фаолият қуйидагиларни қамраб олиши мумкин:

- полиция мониторинги, шу жумладан полиция томонидан диний ва миллий белгилар бўйича камситиш ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида;
- (...)
- ўз таркибида турли этник гуруҳлар ва/ёки сиғинувчиларни бирлаштирган ҳамда бутун аҳолининг ишончини қозонишга қодир бўлган полиция хизматини ташкил этиш;

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

41. ДИИХБнинг кузатиш соҳасидаги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади, маълумотларни тўплаш, ахборотларни айрибошлаш ва биргаликдаги таҳлил каби соҳаларда кузатиш бўйича бошқа органлар билан тезкор ўзаро ҳамкорлик рўй бераётган воқеаларнинг иложи борида тўлиқ манзарасини гавдалантириш

мақсадларида ривожлантирилади. Бу ЕХХТга фаолиятини энг устувор йўналишларда самарали марказлаштириш имконини беради.

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 4/03-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

6. Барча иштирок этувчи давлатларни адоват негиздаги жиноятлар, шу жумладан иркчилик, ксенофобия, камситиш ва антисемитизмнинг жангари шаклдаги кўринишлари тўғрисидаги ишонарли ахборот ва статистика маълумотларини, юқорида қайд этилган конференцияларда муҳокама этилганлиги ва тавсия қилинганидек, тўплаш ва сақлашга даъват этади (...)

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова. Доимий кенгашнинг 607-сон Қарори: Антисемитизм билан курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТ бутун минтақасида антисемитизм билан курашиш бўйича бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтириш мақсадларида

қуйидагиларга қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар.

- ўз ҳудудларида содир этилаётган адоват негиздаги антисемитизм ва бошқа жиноятлар тўғрисидаги ишончга молик ахборот ва статистика маълумотларини тўплаш ва сақлаш, вақти-вақти билан бу ахборотни ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ)га етказиш ҳамда жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш;
- (...)

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова. Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглилик ҳамда иркчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТнинг бутун минтақасида тоқатсизлик кўринишлари билан курашишда умумий саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида

қуйидагиларга қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар.

(...)

- ўз ҳудудларида иркчилик, ксенофобия сабабли ҳамда камситишлар ва тоқатсизлик билан боғлиқ равишда, адоват негизда содир этилаётган жиноятлар тўғрисидаги ишончли ахборот ва статистика маълумотларини тўплаш ва сақлаш, бу ахборотларни даврий равишда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ)га етказиш ҳамда жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш;

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик: ўзаро ҳурмат ва англашувга қўмаклашиш 10/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

5. Иштирок этувчи давлатлар бағрикенглилик ва камситмасликга кўмаклашишга йўналтирилган ўз мажбуриятларини бажаришда ўз фаолиятларини, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти, таълим, оммавий ахборот воситалари, маълумотларни тўплаш, миграция ва интеграция, диний эркинликлар, маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқот каби соҳаларда мужассамлаштирадилар ва куйидаги мажбуриятларни оладилар:

(...)

5.5 адоват негизидаги жиноятлар тўғрисидаги ишонарли ахборот ва статистика маълумотларини ҳамда улар ҳудудида ушбу масала бўйича мавжуд бўлган қонунчиликни тўплаш ва сақлаш, бундай ахборотларни ДИИХБга вақти-вақти билан тақдим этиш, жамоатчиликнинг бундай ахборотдан фойдаланишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада ДИИХБ ёрдамидан фойдаланиш масаласини қараб чиқиш, шунингдек шу муносабат билан адоват негизидаги жиноятлар тўғрисидаги масала бўйича ДИИХБ билан алоқа учун миллий нуқталарини аниқлаш ҳақидаги масалани қараб чиқиш;

(...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш 13/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

11. Иштирок этувчи давлатларни адоват негизидаги ҳаракатларга қарши туриш учун самарали сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда зарур ресурсларни ажратишга ҳаётий зарур бўлган ва сақлаш соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажариш бўйича саъй-ҳаракатларини ривожлантиришга даъват этади ва шу маънода иштирок этувчи давлатларга фуқаролик жамиятининг адоват сабабли ҳаракатлар тўғрисида мониторинг ва ҳисоботга ҳисса қўшиши бўйича имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда адоват негизидаги жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишни таклиф этади;

(...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/07-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш)

Вазирлар кенгаши,

(...)

тоқатсизлик турли шакллариининг ўзига хос хусусиятини эътироф этиб ва айни пайтда (...) камситишнинг барча шакллари билан самарали кураш олиб бориш учун, жумладан адоват негизидаги жиноятлар маълумотларини тўплаш ва мониторинг (...) каби соҳаларда кенг қўламли ёндашув ва муҳим масалаларни ҳал этишга катта эътибор бериб,

(...)

2. Иштирок этувчи давлатларнинг адоват негизидаги жиноятлар ва уларнинг кўринишлари тўғрисидаги ишонарли ахборот ва статистика маълумотларини тўплаш ва сақлашни таъминлашлари, ҳуқуқ-тартибот тузилмалари тегишли ходимларини тайёрлашни йўлга қўйишлари ҳамда фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурати сақланиб қолаётганлигини таъкидлайди;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Адоват негизидаги жиноятлар билан курашиш 9/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ДИИХБнинг маърузасида эътибор қаратилган адоват негизидаги жиноятлар тўғрисидаги изчил, кенг қўламли ва таққосланадиган маълумотларга эҳтиёжни эътироф этиб,

(...)

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

1. Адоват негизидаги жиноятлар ва тоқатсизликнинг зўравонлик кўринишлари, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот органлари маълумотида етказилган, қўзғатилган ишлар ва чиқарилган ҳукмлар тўғрисидаги ишонарли маълумотлар ва етарли тарзда батафсил статистика маълумотларини тўплаш, сақлаш ва эълон қилиш. Шахсий маълумотлар махфийлиги тўғрисидаги қонунлар жабрланганлар ҳақида маълумотлар тўплашни чеклайдиган ҳолатларда давлатлар бундай қонунлар талабларига жавоб берадиган маълумотларни тўплаш усулларини қўллаш имкониятларини қараб чиқишлари лозим;

(...)

3. Жабрланганларнинг адоват негизидаги жиноятлар тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш учун зарур чораларни кўриш, бунда адоват негизидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни яшириш давлатларга самарали сиёсат ишлаб чиқишга ҳалақит беришини эътироф этиш. Шу муносабат билан улар қўшимча қадамлар сифатида фуқаролик жамиятининг адоват негизидаги жиноятлар билан курашишга қўшиши мумкин бўлган ҳиссасини қўллаб-қувватлайдиган усулларни қўллаш имкониятини қараб чиқишлари лозим;

(...)

9. ДИИХБга вақти-вақти билан адоват негизидаги жиноятлар тўғрисидаги ишонарли ахборот ва статистика маълумотларини тақдим этиш учун, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, адоват негизидаги жиноятлар билан курашиш бўйича миллий алоқа нуқтасини тайинлаш;

(...)

5.3.5 Бағрикенглиликни, тушунишни ва ҳурмат қилишни, шу жумладан хотира ҳурматини рағбатлантириш

Хельсинки 1975 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: 1.(b) Юқорида қайд қилинган принциплардан айримларини ҳаётга тадбиқ этишга тааллуқли масалалар)

(i) Иштирок этувчи давлатлар,

(...)

Баёнот берадиларки, улар бир-бирлари билан муносабатларда, шу жумладан иштирок этувчи давлатлар Принциплар декларациясига мувофиқ ўзаро муносабатларида амал қиладиган қуйидаги қоидаларни ҳурмат қиладилар ва бажарадилар:

- Барча воситалар билан, уларнинг ҳар бири мақбул деб топганини, халқлар ўртасида ишонч ва ҳурмат муҳитини яратадиган, тажовузкор урушларни ёки ҳар қандай куч ишлатишни ёхуд куч билан таҳдид қилишни, Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти ва Принциплар декларациясининг мақсадларига мувофиқ бўлмаган, тарғиб қилишдан тийилиб туриш мажбуриятига жавоб берадиган, иштирок этувчи мамлакатлар бошқа иштирок этувчи давлатга нисбатан ўзаро амал қиладиган принципларни қўллаб-қувватлайдилар.

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(16) Иштирок этувчи давлатлар шахсининг динга сиғиниш ёки эътиқод қилиш эркинлигини таъминлаш мақсадида бошқа тадбирлар қаторида қуйидагиларни амалга оширадилар:

(...)

(16.2) Турли бирлашмаларнинг диндорлари ўртасида, шунингдек диндорлар ва дахрийлар ўртасида ўзаро бағрикенглилик ва ҳурмат муҳитига кўмаклашиш;

Вена 1989 йил (Гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш; Маданият соҳасида ҳамкорлик ва айрибошлаш)

(61) Ўзларининг тегишли маданиятларининг ўзига хослигини ва хилма-хиллигини керакли тарзда эътиборга олган ҳолда улар ўз маданий мероси умумий жиҳатларини ўрганишга ва яхшироқ англашни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни рағбатлантирадилар. Тегишли равишда улар бошқа иштирок этувчи давлатларнинг барча шаклларидаги маданий мероси ҳақидаги билимларни, шу жумладан минтақавий жиҳатлари ва халқ ижодкорлиги ҳақидаги билимларни яхшилашга кўмаклашиш мумкин бўлган ташаббусларни рағбатлантирадилар.

Копенгаген 1990 йил

(36) (...) Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўз ҳудудида яшайдиган барча шахслар ўртасида этник ёки миллий келиб чиқиш ё диндан қатъи назар ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик муҳитига кўмаклашади ҳамда муаммоларнинг қонун устуворлиги принципларига асосланган мулоқот ёрдамида ҳал қилинишини рағбатлантиради.

(...)

(40) (...) [Иштирок этувчи давлатлар]

(...)

(40.3) — ўз конституциявий тизимларига мувофиқ миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда, айниқса, таълим, маданият ва ахборот соҳасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва бағрикенгликка кўмаклашиш учун самарали чора-тадбирларни қабул қиладилар;

(40.4) — таълим бўйича вазифалар доирасида ирқий бидъатлар ва адоват туйғуси муаммосига алоҳида эътибор берилиши ҳамда турли цивилизациялар ва маданиятларга ҳурмат-эҳтиромнинг мустаҳкамланишини таъминлашга интиладилар;

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз қитъада бўлинишни бартараф этишда умумий маданиятимиз ва қадрайладиган қадриятларимизнинг энг муҳим ҳиссасини эътироф этамиз. Шунинг учун биз ўзимизнинг ижод эркинлигига, шунингдек маданий ва маънавий меросимизнинг бутун бойлиги ва турфалигида химоя қилиш ва ривожлантиришга ўз содиқлигимизни тасдиқлаймиз.

Краков 1991 йил (Муқаддима)

Иштирок этувчи давлатлар тарих томонидан яратилган ҳамда бошқалар қаторида шахсни, виждон, дин ёки сиғиниш, ўз фикрини билдириш эркинлигини ҳурмат қилиш, маънавий ва маданий қадриятларнинг муҳимлигини эътироф этиш, конун устуворлиги, бағрикенглилик ва бошқа маданиятларнинг вакиллари билан мулоқот учун очиқликка содиқликка асосланган умумий қадриятлардан биргалликда фойдаланаётганликларига ўзларининг чуқур ишончларини билдирадилар.

(...)

Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг барча алмаштирилмайдиган маданиятларининг ўзига хослигини ҳурмат қиладилар ҳамда ўзаро ва жаҳондаги бошқа мамлакатлар ўртасида узлуксиз маданий мулоқотга кўмаклашишга интиладилар. Улар маданий турфаликни ҳурмат қилиш айрим шахслар ва улар гуруҳларининг ўзаро англашувига ва бағрикенглик кўринишларига кўмаклашишга хизмат қилишига бўлган ўзларининг ишончларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

Улар маданиятнинг минтақавий хусусиятлари ўз ҳолича одамлар ўртасида ўзаро англашув омили бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблайдилар.

Минтақавий маданий турфалик иштирок этувчи давлатларнинг умумий маданий ўзига хослиги бойлигининг ифодаси ҳисобланади. Уни сақлаш ва муҳофаза қилиш демократик, тинч ва бирлашган Европани яратишга хизмат қилади.

(...)

II. Маданият ва мерос

18. Маданий меросни самарали ва ҳар тарафлама сақланишини таъминлашда маҳаллий, минтақавий ва миллий даражаларда ҳам хусусий, ҳам давлат секторининг турли гуруҳлари ўртасидаги шериклик катта роль ўйнайди. Турли гуруҳларнинг маданий қадриятлари ва маданий меросини сақлаш муҳимлигини тушунтириш мазкур гуруҳларни бу ишга жалб этишга ёрдам беради, бу эса улкан аҳамиятга эга турли маданиятларга бағрикенглилик ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаш имконини беради.

(...)

III. Сақлаш ва ҳамкорликнинг асосий соҳалари

27. Маданиятнинг минтақавий хусусиятлари миллий чегаралар ташқарисида одамлар ўртасида алоқаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини ҳисобга олиб иштирок этувчи давлатлар яхши кўшничилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида маҳаллий ва миллий ҳокимиятлар даражасида, шунингдек ноҳукумат ташкилотлари билан минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

(...)

31. Иштирок этувчи давлатлар бизнинг умумий ўтмишимизнинг фожеали воқеаларидан далолат берадиган ёдгорликлар ва хотира жойлари, жумладан энг машҳур концентрация лагерлари, шунингдек тегишли архивлар сақланиши ва муҳофаза этилишига интиладилар. Бу воқеалар хотирада сақланиб қолиниши, ҳозирги ва келажак авлодларини улар билан таништиришга ёрдам бериши ва шу тарзда улар ҳеч қачон қайтарилмаслигини кафолатлай олиш мумкин бўлиши учун бундай чоралар кўрилиши лозим.

32. Алоҳида ҳиссиётларни уйғотадиган хотира жойларининг аҳамиятини ижтимоий ва маданий турфаликни ҳисобга олган ҳолда тушунтириш одамлар ўртасида бағрикенглилик ва ўзаро англашувни шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Женева 1991 йил

(VI)

[Иштирокчи-давлатлар] бағрикенглилик, ўзаро ҳамжихатлик ва имкониятларнинг тенглигини, келиб чиқиши турлича бўлган шахслар ўртасида ўзаро муносабатларни рағбатлантириш учун уларнинг мамлакатлари доирасида самарали чора-тадбирлар кўрадилар.

Москва 1991 йил

(38.1) [Иштирокчи-давлатлар] барча ирқий мансублик, терининг ранги ва этник келиб чиқишига кўра камситилишни, кўчманчи ишчиларга нисбатан тоқатсизлик ва ксенофобия ҳаракатларини қоралайди. Улар ўз миллий қонунлари ва халқаро мажбуриятларига кўра кўчманчи ишчиларга нисбатан бағрикенглилик, тушуниш, имкониятлар тенглигининг рағбатлантирилиши ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши учун самарали чора-тадбирларни кўрадилар (...)

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

12. (...) ЕХХК минтақасида барқарорликка иқтисодий таназзул, ижтимоий кескинлик, тажовузкор миллатчилик, мурасасизлик, ксенофобия (хорижликларга нафрат) ҳамда этник можаролар таҳдид солмоқда.

Хилма-хилликни ҳар томонлама ҳимоялашни ва унинг амалиётда ҳурмат қилинишини таъминловчи демократик ҳамда фикрлар хилма-хиллиги қарор топган жамиятларни шакллантириш учун ҳали кўп иш қилиниши даркор. Шунинг натижасида биз ҳар қандай шаклдаги ирқий, этник ва диний камситишларни суриб чиқарамиз. Эркинликни ҳамда бағрикенгликли муносабатни ўрганиш ва уларни амалиётда қўллаш лозим.

Хельсинки 1992 йил (Қарорлар: VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(30) Яқинда содир бўлган йўл қўйиб бўлмайдиган тоқатсиз камситишлар, тажовузкор миллатчилик, ксенофобия, антисемитизм ва ирқчилик ҳолатларидан ташвишда эканликларини билдирадилар ҳамда барқарор демократия жамиятини барпо этиш ва сақлаш ишида бағрикенглилик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни жуда муҳим аҳамият қасб этишини таъкидлайдилар.

(...)

(34) Турли маданиятлар намоёндалари ўртасида камситмаслик ва ўзаро бир-бирини тушуниш принципларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш дастурларини ишлаб чиқиш имкониятини ўрганиб чиқадиладар, бунда унинг доирасида эътибор инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маърифий фаолиятига, оддий фуқароларга йўналтирилган тадбирларга, шунингдек, маданий хилма-хиллик соҳасидаги таълим ва тадқиқотларга берилади.

Рим 1993 йил (Қарорлар: IV. Инсонийлик мезонлари)

1. (...) Кескинликнинг туб сабаблари тарихий мутаассиблик билан ниқобланганлигини ташвиш билан англаган вазирлар хусусан маърифий фаолият доирасида аҳолини бағрикенглилик руҳида тарбиялаш ва умумий қадриятлар тизимида дахлдорлигини англашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга даъват этдилар. Вазирлар алоҳида таъкидладиларки, инсонийлик мезонлари соҳасидаги

мажбуриятларни бажариш ЕХХКнинг можароларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларида марказий ўрин тутди.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз.

19. (...) Биз ҳар қандай озчиликни ташкил қилганларга нисбатан зўравонликни қоралаймиз. Биз бағрикенглиликни тарбиялаш ҳамда миллий келиб чиқишидан қатъи назар ҳамма учун имкониятларнинг тўла тенглигини таъминлайдиган плюралистик жамият барпо этиш юзасидан чоралар кўриш мажбуриятини оламмиз.

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш 1-сон Қарорига Илова: Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат дастури)

11. Инсон ҳуқуқлари бағрикенглилик ва турфа маданиятликни қарор топтириш: Иштирок этувчи давлатлар/Доимий кенгаш/ДИИХБ/Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК)/Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил бағрикенглилик, миллий, диний, тилга доир ва бошқа гуруҳлар ўртасида тинч-тотув яшаш ва уйғун муносабатларни, шунингдек ушбу масалада иштирок этувчи давлатлар ўртасида конструктив ҳамкорликни тарғиб этади ва мустаҳкамлайди (...)

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 5-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

иштирок этувчи давлатларни хабардорликни ошириш бўйича кампаниялар ёрдамида ва маърифий ишлар воситасида (...) бағрикенглиликка кўмаклашишга ва камситишга йўл қўймасликка даъват этади;
(...)

Порту 2002 йил (ЕХХТнинг терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш тўғрисидаги хартияси)

21. Оммавий ахборот воситаларининг бағрикенглиликни ҳамда турли дин, этнокод, маданият ва халқлар вакиллари ўртасидаги ўзаро англашувни тарғиб этишдаги ижобий ролини эътироф этадилар (...)

Порту 2002 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 6-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...) демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бағрикенглилик ва камситмасликнинг энг муҳим кафолати ҳамда ЕХХТ бутун минтақаси кўламида барқарорлик хавфсизлик, ҳамкорлик ва тинч ривожланишнинг муҳим омиллари ҳисобланиши ва, ўз навбатида, бағрикенглилик ва камситмаслик инсон ҳуқуқларини қарор топтиришнинг муҳим омиллари ҳисобланиши тўғрисида яна бир бор баёнот бериб,

ЕХХТнинг тузилмалари ва институтлари томонидан инсон ҳуқуқлари, бағрикенглилик, камситмаслик ва маданиятлар турфалигини, жумладан инсонийлик мезонлари соҳасидаги, хусусан иштирок этувчи давлатлар томонидан ўтказилаётган тадбирлар, лойиҳалар ва дастурлар доираларида олиб бораётган доимий иш тўғрисида эслатиб,

турфа маданиятлик ва конфессиялараро мулоқотнинг мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро англашувни чуқурлаштиришдаги ижобий ролини таъкидлаб,

бағрикенглилик ва камситмаслик шунингдек адоватни авж олдириш, тажовузор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия, антисемитизм ва жангари экстремизм асосларини бартараф этишга ёрдам бериши мумкинлигини уқтириб,

иштирок этувчи давлатлар бағрикенглилик ва камситмасликни қарор топтириш учун масъул эканликларини эътироф этиб,

(...)

1. (...) (b) турфа маданиятчилик, ҳукуматлар ва фуқаролик жамиятининг фаол иштирок этиши маъқулланадиган миллатлараро ва конфессиялараро мулоқотни бундан буён ҳам ривожлантириш мажбуриятини олади;

(...)

2. ЕХХТ институтларининг қўллаб-қувватлашида ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг, масалан ахборот ва энг яхши амалиётни айирбошлаш йўли орқали ҳамкорлигида бағрикенглилик ва камситмасликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга қарор қилади;

(...)

4. Тегишли конституциявий тизимлар талабларига риоя этган ҳолда миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада бағрикенглилик ва камситмасликни қарор топтириш, шунингдек бидъат ва далилларни, айниқса таълим, маданият ва ахборот соҳаларида бузиб кўрсатиш билан курашиш бўйича тегишли чоралар кўриш мажбуриятини олади;

(...)

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

40. ЕХХТнинг саъй-ҳаракатлари ёшларга, жумладан, уларда бағрикенглилик заруратини, шунингдек ярашиш ва тинч-тотув яшаш муҳимлигини англашни тарбиялашга мўлжалланган. Ёшларнинг дунёқараши ва уларнинг келажак тўғрисидаги тасаввурлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун тегишли ҳолатларда ЕХХТ таълим соҳасида ўз зиммасига салмоқлироқ ролни олади. Инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш каби йўналиш алоҳида эътиборга моликдир.

София 2004 йил (Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 607-сон Қарори: Антисемитизм билан курашиш)

Доимий кенгаш,

(...)

ЕХХТ бутун минтақада антисемитизм билан курашиш бўйича бизнинг бир-галикдаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтириш мақсадларида

куйидагига қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатлар куйидаги мажбуриятларни оладилар:

антисемитизмга қарши туришга йўналтирилган таълим дастурларини амалга оширишни, заруратга кўра, қўллаб-қувватлаш;

холокост фожиаси тўғрисидаги хотира сақланишини ва бу соҳада таълим бериш, шунингдек барча миллий ва диний гуруҳларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш муҳимлигини англашни, заруратга кўра, қўллаб-қувватлаш;

(...)

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарори-га Илова; Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглилик ҳамда ирқчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш)

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

(...)

- бағрикенглиликни тарбиялаш ҳамда ирқчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашишни тарбиялашга йўналтирилган маърифий дастурларни қўллаб-қувватлаш ва, зарурат бўлса, кучайтириш;
 - бағрикенглилик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашув манфаатларида очик ва бағрикенг конфессиялараро ва маданиятлараро мулоқот ва шерикликни қўллаб-қувватлаш ва енгиллаштириш;
 - оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернетда бағрикенглилик мулоқот, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни тарғиб қилишни рағбатлантириш;
- (...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Миграция 2/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

миграцияга ва жумладан мигрант-ишчиларга тааллуқли мажбуриятларни, шунингдек бу соҳадаги бошқа мажбуриятларни яна бир бор тасдиқлаб (...)

(...)

жумладан, маданий ва диний турфаликни ҳурмат қиладиган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишни назарда тутадиган муваффақиятли интеграциялашиш сиёсати мамлакатларимизда барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашнинг омили ҳисобланишини эътироф этиб,

(...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/05-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш)

Вазирлар кенгаши,

инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, демократия ва қонун устунлигини ҳурмат қилиш ЕХХТда қабул қилинган хавфсизлик концепциясида марказий ўринни эгаллашини таъкидлаб,

(...)

адоват қилмишлари ва кўринишлари, жумладан сиёсий фикр билдиришлардаги адоват кўринишларига изчил ва қатъий қарши чиқиш заруратини ҳамда бағрикенглилик, ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш зарурлигини уқтириб,

ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бағрикенглилик, ўзаро ҳурмат ва англашувга йўналтирилган маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқот ва шерикликни ривожлантириш ва енгиллаштиришнинг муҳимлигини эслатиб,

(...)

Амалдаги раислик қилувчи уч шахсий вакилининг ЕХХТнинг камситиш билан курашиш ҳамда бағрикенглилик, ўзаро ҳурмат ва англашувга кўмаклашиш, шунингдек ушбу соҳадаги хабардорликни ошириш бўйича умумий саъй-ҳаракатларига ҳиссасини таъкидлаб,

(...)

2. ДИИХБнинг Бағрикенглилик ва камситмаслик масаласи бўйича дастури ишлаб чиқилганлигини маъқуллайди;

3. Тероризм ва зўраки экстремизмни ҳар қандай дин ёки сиғиниш, маданият, этник гуруҳ, миллат ёки ирқ билан айнанлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблайди;

4. ЕХХТ бундан буён ҳам хабардорликни ошириши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини, ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини ва сиғиниши, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ, табақавӣ ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар истисносиз барчанинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилган ҳолда бидъатлар, тоқатсизлик ва камситишга қарши туриш бўйича чоралар ишлаб чиқиши лозимлигига қарор қилади;

5. Иштирок этувчи давлатлар бағрикенглилик ва камситмасликга кўмаклашишга йўналтирилган ўз мажбуриятларини бажаришда ўз фаолиятларини, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти, таълим, оммавий ахборот воситалари, маълумотларни тўплаш, миграция ва интеграция, диний эркинликлар, маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқот каби соҳаларда мужассамлаштирадилар ва қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

(...)

5.3 бағрикенглилик ва камситмасликга кўмаклашишга йўналтирилган давлат ва хусусий дастурларни амалга оширишни рағбатлантириш, мурасасизлик ва камситиш мавжудлиги ва уларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш ва шу муносабат билан ДИИХБнинг эксперт хизматлари ва ёрдамидан бағрикенглилик масалалари бўйича маърифий фаолият учун услубиёт ва ўқув дастурлари ишлаб чиқиш мақсадларида фойдаланиш, шу жумладан:

- ирқий бидъатлар ҳамда адоват, ксенофобия ва камситиш билан курашишда;
- Холокост тўғрисида, шунингдек 1948 йилги Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенцияда геноцид сифатида тан олинган шундай қилмишлар ҳамда инсониятга қарши жиноятлар тўғрисида таълим бериш ва хотирлашда;
- таълимга тизимли ёндашувни таъминлаш, шу жумладан иштирок этувчи давлатларда антисемитизмнинг замонавий шаклларига бағишланган ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадларида антисемитизмга нисбатан таълим бериш;
- христианлар, мусулмонлар ва бошқа динлар вакилларига нисбатан бидъат, мурасасизлик ва камситишларга қарши курашиш;

(...)

5.6 бағрикенглилик, ўзаро ҳурмат ва тушуниш ва камситишларга қарши кураш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш бўйича ЕХХТнинг умумий саяё-ҳаракатлари доирасида маданий ва диний турфа хилликни ҳисобга олиб, ЕХХТнинг тегишли тузилмалари ва институтлари ва уларнинг жойлардаги операцияларининг кўмагида миграция ва интеграция муаммолари билан шуғулланишни давом эттириш;

(...)

7. «Цивилизациялар альянси» ташаббусига ЕХХТнинг бутун ҳудудида маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқотни ривожлантириш ҳамда ўзаро англашув ва ҳурматни, шунингдек инсон ҳуқуқларига кўмаклашиш орқали тегишли ҳисса қўшишга қарор қилади ва шу муносабат билан қуйидагиларни топширади:

7.1 ЕХХТнинг Амалдаги раислик қилувчисига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини мазкур қарор тўғрисида ҳамда ЕХХТнинг «Цивилизациялар альянси» ташаббусини қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлиги тўғрисида хабардор қилиш;

7.2 Бош котибга ЕХХТнинг тузилмалари ва институтларининг, жумладан ДИ-ИХБ эксперт салоҳиятидан фойдаланган ҳолда иштирок этувчи давлатлар билан ҳамкорликда ЕХХТнинг «Цивилизациялар альянси» ташаббусига ҳисса қўшишини таъминлаш ҳамда 2006 йил июнь ойининг охирига унинг эътиборига «Цивилизациялар альянси» Юқори даражали гуруҳини тақдим этиш.

Брюссель 2006 йил (Вазирлар кенгашининг Миграция бўйича баёноти)

5. Миграциянинг ҳодиса сифатида қўлами ва мураккаблик даражасининг ортиши муносабати билан ЕХХТнинг барча тегишли институтлари ва тузилмаларини, уларнинг мавжуд мандатлари доирасида, барча уч мезонларда миграция ва интеграция масалалари, жумладан миграциянинг барқарор ривожланиш ва ҳамкорликда ривожланиш жараёнига ҳисса қўшиши масаласи бўйича ўз фаолиятларини давом эттириш; тегишли халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ҳурмат қилган ҳолда мажбурий миграция муаммоларини ҳал қилиш ва ноқонуний миграция, шунингдек мигрантларга нисбатан эксплуатация, камситиш, суиистеъмолликлар ва ирқчилик кўринишлари билан курашиш, бунда аёллар ва болаларга алоҳида эътибор бериш; ҳамда ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари билан ҳамкорлик бўйича шериклар ўртасида миграция билан боғлиқ масалаларда мулоқот, шериклик ва ҳамкорликга қўмаклашиш.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга қўмаклашиш 13/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

камситиш ва тоқатсизлик кўринишлари айрим шахслар хавфсизлиги ва жамият бирлигига хавф солиши ҳамда янада кенг қўламли можаролар ва зўравонликларга олиб келиши мумкинлигини эътироф этиб,

ўзаро ҳурмат, англашув ва тенглик маданиятига қўмаклашиш ҳамда демократик жамиятларда самарали иштирок этиш учун тенг имкониятларни таъминлаш тизимли, кенг қамровли ва узоқ муддатли ёндашувни талаб этишини таъкидлаб,

ирқчи, ксенофобия ва камситувчи ошкор чиқишлардан чуқур ташвишланиб, иштирок этувчи давлатларнинг адоватнинг барча қилмишлари ва кўринишлари, шу жумладан адоват негизидаги жиноятлар билан курашишга қатъият кўрсатишлари зарурлигини яна бир бор тасдиқлаб, булар билан курашиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатлар кўпинча умумий ёндашувни талаб этишини эътироф этиб ҳамда айти пайтда унинг ҳар бир кўриниши ўзига хослиги ва тарихий манзарада эканлигини эътироф этиб,

(...)

Амалдаги раислик қилувчи уч шахсий вакилининг ЕХХТнинг тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш бўйича умумий саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишини эътироф этиб ҳамда Амалдаги раислик қилувчининг 2007 йил давомида иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашувлари давомида уларнинг бу умумий саъй-ҳаракатларига ҳиссасини қараб чиқишига интилиб,

мурасасизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга қўмаклашишда фуқаролик жамияти ўйнаши мумкин бўлган ҳал қилувчи ролни таъкидлаб,

зўравонликни тарғиб этадиган сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва гуруҳларнинг ҳар қандай кучайишидан ташвишланиб,

шунингдек бу маънода ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм, тажовузкор миллатчилик ва неонацизм билан боғлиқ зўравонлик экстремизми кўринишларидан ҳам ташвишланиб,

(...)

2. Доимий кенгашига 2007 йилдан бошлаб, мажбуриятлар янада самарали бажарилиши мақсадларида ЕХХТнинг тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурматни ва англашувни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолиятининг самарадорлигини, бир хиллигини ва изчиллигини янада мустаҳкамлаш йўллари қараб чиқишни топширади;

3. Иштирок этувчи давлатларни барча шахсларнинг имкониятлар, ҳуқуқлар тенглиги, одил судлов ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳамда мулоқот ва самарали иштирок этишни ривожлантиришга урғу берган ҳолда сиёсатни ривожлантириш орқали жамиятларимизнинг уйғун плюралистик хусусиятига ижобий ҳисса қўшишлари мумкинлигини эътироф этишга даъват қилади;

4. Маданий ва диний турфалик қадриятларини жамиятларни ўзаро бойитиш манбаси сифатида англашни ошириш мажбуриятини олади ҳамда маданий ва диний турфаликка нисбатан интеграциянинг аҳамиятини ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлайдиган ҳал қилувчи унсур сифатида эътироф этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни тоқатсизлик ва камситишнинг туб сабаблари билан кенг қўламли сиёсат ва ички таълим стратегиясини, шунингдек маориф чораларини мустаҳкамлаш йўли билан курашишга, рағбатлантиришга даъват этади, булар:

- турли маданиятлар, миллатлар, динлар ва сиғинишларни кўпроқ англаш ва ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлайди;
- тоқатсизлик ва камситишни, шу жумладан христианлар, яҳудийлар, мусулмонлар ва бошқа динлар аъзоларига нисбатан тоқатсизлик ва камситишнинг олдини олишга қаратилган;
- Холокост фожиаси, шунингдек 1948 йилги Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва бунинг учун жазолаш конвенциясига мувофиқ геноцид деб эътироф этилган бошқа жиноятлар ва инсонийликка қарши жиноятлар тўғрисида таълим бериш ва уларни хотирлашни қўллаб-қувватлайди;

6. Ёшлар тоқатсизлик ва камситиш билан курашишга қўшиши мумкин бўлган муҳим ҳиссани эътироф этади ҳамда ЕХХТнинг бутун минтақасида ёшлик пайтдан бошлаб инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш каби энг яхши амалиётни янада ривожлантиришни рағбатлантиради;

(...)

8. Ирқчи, ксенофобия ва камситувчи ошкор чиқишларни қоралайди ҳамда сиёсий вакиллар адоват сабабли ҳуружлар ва қилмишларга қарши чиқиб ҳамда барча шахслар уйғун плюралистик жамиятга ижобий ҳисса қўшишлари мумкинлигини эътироф этиб, ўзаро ҳурмат ва англашувни умумий қўллаб-қувватлашда ҳамда жамият ичида тангликни юмшатишга жиддий таъсир кўрсатишда ижобий роль ўйнашлари мумкин;

(...)

12. Иштирок этувчи давлатлар фуқаролик жамияти билан давлат ҳокимияти ўртасида самарали шериклик ҳамда мулоқот ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳурмат ва англашувни, имкониятлар тенглигини, бутун жамиятни фаоллаштириш ҳамда тоқатсизлик билан курашиш, жумладан, зарурат бўлган жойларда, маҳаллий, минтақавий ёки миллий маслаҳатлашув механизмларини яратиш йўли билан фуқаролик жамияти фаолиятини рағбатлантиришда янада фаолроқ иштирок этишлари керак деб қарор қабул қилади;

(...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/07-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлаш)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ёшлар турли маданиятлар ва динлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва англашувни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини, уларнинг бу билан демократия, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлашдаги муҳим ролини эътироф этиб,

(...)

тоқатсизлик турли шаклларининг ўзига хос хусусиятини эътироф этиб ҳамда айни пайтда камситишнинг барча шакллари билан самарали кураш олиб бориш учун кенг қўламли ёндашув ва муҳим масалаларни ҳал қилиш, жумладан (...) таълим (...) ва конструктив ижтимоий мунозара, шунингдек маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлашга қатъи эътибор бериб,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларда ёшларнинг ўзаро ҳурмат ва англашув қадри тўғрисидаги хабардорлигини ошириш учун таълим соҳасидаги дастурларни бажаришни қўллаб-қувватлашга даъват этади;

(...)

5. (...) Демократия, инсон ҳуқуқлари ва бағрикенглиликни тарбиялаш ғоясини илгари суриш учун Интернет очиб бераётган имкониятлардан тўла равишда фойдаланиш заруратини таъкидлайди;

(...)

8. Иштирок этувчи давлатларга ҳар бир шахс маданий ва диний турфаликни, инсон ҳуқуқлари ва демократик принципларни ҳурмат қилиш асосида иштирок этиши учун очик бўлган жамиятни шакллантиришга ёрдам берадиган ўз қонунчилиги, стратегия ва дастурлари доирасида энг яхши амалиёт билан айрибошлашни йўлга қўйишни тавсия этади.

Афина 2009 йил (Қарорлар: Адоват негиздаги жиноятлар билан курашиш 9/09-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

сиёсий вакиллар мурасасизлик ва камситиш билан курашда етакчиликни ўз зиммасига олиб, ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувга эришишни қўллаб-қувватлаб, бу жараёнда ўйнаши мумкин бўлган ҳал қилувчи ролни эътироф этиб,

(...)

5.3.6 ОАВ роли

Истамбул 1999 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

27. Биз фикрлар хилма-хиллиги ҳукмрон бўлган демократик жамиятлар қарор топишининг фундаментал шарти ҳисобланган оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Биз можаролар юз берган зоналарда адоват ва миллатлараро кескинлик оловини ёқиш учун оммавий ахборот воситаларини суъиистемол қилишдан, шунингдек фуқароларни эркин оммавий ахборот воситаларидан маҳрум қилиш учун ҳукукий чекловлар ва гиж-гижлашдан фойдаланилишидан ниҳоятда ташвишдамиз (...)

Порту 2002 йил (ЕХХТнинг терроризмни олдини олиш ва у билан курашиш хартияси)

22. Адоватни тарғиб этиш билан курашиш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ахборот технологияларидан террористик мақсадларда суиистеъмоллик қилишга йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўради, бу чораларнинг қонунчилиқ, халқаро ҳуқуқ ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлайди;
(...)

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

37. (...) ЕХХТ фикр билдириш эркинлигини тўла ҳурмат қилган ҳолда Интернетда ирқчилик, ксенофобия ва антисемитизмни тарғиб қилиш гиж-гижлаши мумкин бўлган адоват негизидаги жиноятлар билан курашишга интилади.

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 621-сон Қарори: Бағрикенглилик ҳамда ирқчилик, ксенофобия ва камситиш билан курашиш)

Доимий кенгаш,
(...)

ЕХХТ бутун минтақасида тоқатсизлик кўринишлари билан курашишдаги бизнинг умумий саъй-ҳаракатларимизни кучайтириш мақсадида

қуйидагиларга қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатлар қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

(...)

- оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернетда бағрикенглилик, мулоқот, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни тарғиб қилишни рағбатлантириш;
(...)

София 2004 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 12/04-сон Қарорига Илова; Доимий кенгашнинг 633-сон Қарори: Бағрикенглиликни ва Интернетда ОАВ эркинлигини қўллаб-қувватлаш)

Доимий кенгаш,
(...)

қарор қилади:

1. Иштирок этувчи давлатлар Интернет, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, фикр эркинлиги ва фикрни ифода

қилиш эркинлигини таъминлайдиган очиқ ва умумий фойдаланиладиган анжуман бўлиб қолиши чораларини кўришлари ҳамда Интернетга уйда, шунингдек таълим муассасалари орқали уланиш имкониятини кенгайтиришга ёрдам беришлари лозим.

2. Иштирок этувчи давлатлар Интернет орқали тарқатилаётган иркчилик, ксенофобия, антисемитизм ёки улар билан боғлиқ бўлган бидъатлар сабаб бўлган зўравонлик ҳолатлари ҳамда уни қўллашнинг жиноий хусусиятга эга таҳдидларини тергов қилишлари керак;

3. Иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари, шунингдек прокурорларни иркчилик, ксенофобия, антисемитизм ёки улар билан боғлиқ бидъатлар сабаб бўлган жиноятларга тааллуқли масалалар бўйича касбий тайёрлашни таъминлашлари, шунингдек энг яхши амалиёт мисолларини алмашиш доирасида бир-бирларига ана шундай муваффақиятли дастурлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этишлари лозим;

(...)

5. Иштирок этувчи давлатлар Интернет мазмунини унинг иркчилик, ксенофобия ва антисемитизм негизида содир этилаётган жиноятлар сонига таъсирини қонулар ва бошқа чораларнинг самарадорлиги нуктаи назаридан аниқ ўрганишлари лозим;

6. Иштирок этувчи давлатлар Интернетда билдирилаётган иркчилик, ксенофобия ва антисемитизм фикрларининг иркчилик, ксенофобия, антисемитизм ёки улар билан боғлиқ бидъат сабаб бўлган жиноятлар ўртасида эҳтимол тутилган алоқадорликка тааллуқли таҳлилий қатъий тадқиқотларни рағбатлантиришлари ва қўллаб-қувватлашлари лозим;

7. ЕХХТ ахборот эркинлиги ва фикр билдириш эркинлигини таҳдид остига қўймайдиган тарзда Интернетда иркчилик, ксенофобия ва антисемитизмни тартиб этиш муаммосига самарали ёндашувларни топиш мақсадидаги алмашишни қўллаб-қувватлайди. ЕХХТ энг яхши амалиёт тўғрисидаги ахборотларни, жумладан инсонийлик мезонларига бағишланган ижрони баҳолаш бўйича ҳар йилги кенгашларда тарқатиш учун имкониятлар яратади;

8. Иштирок этувчи давлатлар Интернетда учраши мумкин бўлган иркчилик, ксенофобия, антисемитизм ёки улар билан боғлиқ бошқа бидъатларга доир материалларга йўналтирилган болалар ва ёшларга таълим бериш дастурларини рағбатлантиришлари лозим. Бундан ташқари иштирок этувчи давлатлар ва Интернет хизматларининг провайдерлари тегишли ҳолатларда ота-оналарнинг фарзандлари Интернетдан қандай фойдаланаётганликларини янада самаралироқ назорат қилиш имкониятини берадиган, фойдаланишни филтрлашнинг кенг тарқалган дастурий таъминотлар тўғрисидаги хабардорлигини ошириш бўйича чораларни кўришлари керак. Маърифий дастурларни амалга ошириш ва киришни филтрлаш воситаларидан фойдаланишнинг муваффақиятли тажрибаси энг яхши амалиётни алмашиш доирасида кенг омалаштирилиши керак;

9. Иштирок этувчи давлатлар НХТнинг Интернетдаги иркчи, ксенофобия ва антисемитизм материалларини кузатиш бўйича саъй-ҳаракатларини давом эттиришлари ва кенгайтиришларини, шунингдек НХТнинг олинган натижалар тўғрисидаги ахборотларини тарқатиш ва ошкор қилиш бўйича саъй-ҳаракатларини маъқуллашлари керак.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/05-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлаш)

Вазирлар кенгаши,

(...)

5. Иштирок этувчи давлатлар бағрикенглилик ва камситмасликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ўз мажбуриятларини бажаришда фаолиятларини, жумладан, конунчилик, ҳуқуқ-тартибот фаолияти, таълим, оммавий ахборот воситалари, маълумотларни тўплаш, миграция ва интеграция, диний эркинликлар, маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқот каби соҳаларда марказлаштирадилар ва қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

(...)

5.4. Фуқаролик жамияти билан қалин ҳамкорликда ахборот эркинлиги ва фикр билдириш эркинлигини таҳдид остига қўймаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида ксенофобия ақидалари, тоқатсизлик ва камситишга қарши туриш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш ҳамда болалар ва ёшлар оммавий ахборот воситаларида ва Интернетда дуч келишлари мумкин бўлган ақидалар ва бидъатларга нисбатан маърифий дастурларни рағбатлантириш;

(...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Тоқатсизлик ва камситиш билан курашиш ҳамда ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлаш 13/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

9. Эркин ва мустақил ОАВ демократик жамиятларда ўйнаши мумкин бўлган ҳал қилувчи ролни ва уларнинг ақидалар, бидъатларга қарши туриш ёки уларни чуқурлаштиришга кўрсатиши мумкин бўлган кучли таъсирини эътироф этади ҳамда шу маънода журналистлар ўртасида янада профессионализмни, аниқлик ва ахлоқий меъёрларга риоя этишни таъминлаш учун журналистларнинг ихтиёрий касбий стандартлари, ОАВнинг ўзини-ўзи тартибга солиш ва бошқа мақбул механизмлари қабул қилинишини рағбатлантиради;

(...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Бағрикенглилик ва камситмаслик 10/07-сон Қарори: ўзаро ҳурмат ва англашувни қўллаб-қувватлаш)

Вазирлар кенгаши,

(...)

тоқатсизлик турли шаклларининг ўзига хос хусусиятини эътироф этиб ҳамда айти пайтда камситишнинг барча шакллари билан самарали кураш олиб бориш учун кенг қўламли ёндашув ва муҳим масалаларни ҳал қилиш, жумладан (...) ОАВ ва конструктив ижтимоий мунозарани (...) қўллаб-қувватлашга катта эътибор бериб,

(...)

4. Эркин ва мустақил ОАВ демократик жамиятда ўйнаши мумкин бўлган муҳим ролни ҳамда уларнинг хато тушунчалар ва ақидалар ёки уларни чуқурлаштиришга қарши туриш йўналишида кўрсатиши мумкин бўлган катта таъсирини эътироф этиши тўғрисида яна бир бор баёнот беради ва шу муносабат билан

профессионализмни оширишни, ишонарлилиكنи ва журналистлар ўртасида ахлоқ меъёрларига риоя этилиши кафолатлайдиган ихтиёрий касбий меъёрларни қабул қилишни, ОАВнинг ўзини-ўзи назорат қилишни жорий этишни ҳамда бошқа зарур механизмларни қабул қилишни тавсия этишда давом этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда, шу жумладан Интернет орқали адоват негизидаги зўравонлик ва жиноятларга муқаррар етаклайдиган далолатчиликка ўз миллий қонунчилиги доирасида, фикр билдириш эркинлигига риоя этган ҳолда қарши туриш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга даъват этади ва айна пайтда демократия, инсон ҳуқуқлари ва бағрикенглиликни тарбиялашни олға суришда Интернет томонидан очиб берилаётган имкониятлардан тўла даражада фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди;

(...)

6. ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИГА АЛОҲИДА ТАҲДИДЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

6.1 ГЕНДЕР АСОСИДА ТАЪҚИБ ЭТИШ, ЗЎРАВОНЛИК ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Шунингдек қаранг:

- § II.4.4: Қочоқлар, кўчирилган шахслар ва қайтиб келаётган шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар
- § II.5.2: Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги
- § II.6.2: Одам савдосини олдини олиш
- § II.7: Халқаро гуманитар ҳуқуққа тааллуқли мажбуриятлар

Москва 1991 йил

[Иштирок этувчи давлатлар куйидагиларни амалга оширадилар:]

(40.7) хотин-қизларга нисбатан зўрлик ишлатишнинг барча шакллари ва хотин-қизлар билан олди-сотди қилиш ҳамда хотин-қизлар фоҳишабозлигининг барча шакллари тугатишга, шу жумладан бунга ўхшаган ҳаракатларга нисбатан тегишли юридик тақиқларни қабул қилиш ва бошқа тегишли чора-тадбирларни кўриш йўли билан тугатишга ҳаракат қиладилар;

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

24. Биз (...) аёлларга нисбатан зўравонлик, шунингдек шахвоний эксплуатация қилинишига барҳам бериш бўйича чоралар кўрамиз (...) Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун биз, бошқалар қаторида, мазкур қилмишларда айбдорларни жавобгарликка тортиш ва жабрланганларни ҳимоя қилишни кучайтириш учун қонунчилик қабул қилиш ёки уни мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаймиз.

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 8/01-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

аёлларнинг можароларни олдини олиш, яраштириш ва тинч қурилиш жараёнларига ҳисса қўшишларига қодирликларига ишонч билдириб,

аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга содиқлигимизни тасдиқлаб ҳамда аёлларнинг, айниқса можаролар ва можаролардан кейинги вазиятларда ночор бўлишларини англаб,

аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан маиший зўравонликка қарши кураш олиб боришга тўла қатъиятда,

зўравонликка дучор бўлган аёллар учун реабилитация марказларини ташкил этиш зарурлигини эътироф этиб,

(...)

гендер масалалари бўйича Ҳаракат режасини бажаришга даъват этади;
(...)

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарорига Илова, ЕХХТнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

- ўз фуқароларига қонунга мувофиқ ҳаёфсиз турмуш шароитлари ва тенг ҳимояланиш ҳуқуқини, жумладан аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллариغا чек қўйишга йўналтирилган фаолиятни кучайтириш йўли билан таъминлаш бўйича, зарур бўлган жойларда, бундан кейинги саъй-ҳаракатлар қилиш (...)
- аёлларга нисбатан, халқаро ҳуқуқнинг қўлланиладиган нормаларига мувофиқ ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши жиноятлар сифатида малакалаштириладиган, жиноятлар содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги амалдаги миллий қонунчилик ижросини таъминлаш, шунингдек, зарурат бўлса, янги қонунчиликни ишлаб чиқиш;
- 1951 йилги Қочоқлар мақомлари тўғрисида конвенция 1А (2)-моддаси ва/ёки унга 1967 йилги Қочоқлар мақомларига тааллуқли протокол маъносида гендер белгиси бўйича таъкиб этишга тааллуқли халқаро ҳимоя масалалари бўйича Дастурамал принципларида баён этилган тавсияларга мувофиқ давлатларда, башарти улар ҳали бунди қилмаган бўлсалар, аёлларнинг қочоқлар мақомини аниқлаш жараёнида мурожаатларини зарур тарзда қараб чиқишини таъминлайдиган амалиёт тартибини жорий этиш, шунингдек гендер негизидаги таъкибларга доир барча шикоятларга зарур даражада эътибор бериш;
(...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Аёлларга нисбатан зўравонликка йўл қўймаслик ва бунга чек қўйиш 15/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, демократия ва қонун устунлигини ҳурмат қилиш ЕХХТ томонидан қабул қилинган кенг қўлламли ҳаёфсизлик концепциясида марказий ўринни эгаллашини эътироф этиб,

(...)

давлатлар аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик қилмишларининг олдини олиш, тергов қилиш ва бунда айбдорларни жазолаш мақсадларида зарур зийраклик кўрсатишлари шарт эканлиги ҳамда жабрланганларни ҳимоя қилишнинг таъминлашлари ва бу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги аёллар ва қизларнинг ўз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланиш имкониятларини бузиши, бўшаштириши ёки йўққа чиқаришини яна бир бор тасдиқлаб,

(...)

зўравонлик олдида қизлар ва аёлларнинг айрим гуруҳлари, масалан озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб аёллар, туб халқларга мансуб аёллар, қочоқ аёллар, ичкарида кўчирилган шахслар ҳисобланган аёллар, мигрант аёллар, қишлоқ ёки оқим туманларда яшайдиган аёллар, тирикчилик воситаларидан маҳрум аёллар, турли маҳсул муассасалардаги ёки ҳибсда сақланаётган аёллар, ногирон аёллар, кекса аёллар, бевалар, ҳарбий можаролар вазиятларидаги аёллар ҳамда бошқа асосларга кўра, жумладан ОИВ касаллиги асосида камситиладиган

аёлларнинг манфаатлари алоҳида таъсир остида қолиши ёки улар бундай зўравонлик олдида ночорлигидан чуқур ташвишланиб,

(...)

ЕХХТ минтақасида аёллар ва кизларга нисбатан сақланиб қолаётган зўравонлик даражасидан, шунингдек бундай ҳодисаларнинг гуманитар ва сиёсий оқибатларидан чуқур ташвиш билдириб ҳамда аёлларга нисбатан зўравонлик инсон ҳавфсизлигига таҳдид эканлигини эътироф этиб,

1. Иштирок этувчи давлатларни ЕХХТнинг қўллаб-қувватлаши ва қўллаб-қувватлашида аёллар ҳуқуқларининг тўла амалга оширилишини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадларида барча зарур қонунчилик, сиёсий ҳамда мониторинг ва баҳолаш дастурий чораларини кўришга, шунингдек аёллар ва кизларга нисбатан гендер белгиси бўйича зўравонликнинг барча шаклларида чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қатъий даъват этади;

2. Иштирок этувчи давлатларни Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга, агар улар бу конвенциялар томонлари бўлсалар, риоя этишга ёки, башарти улар ҳали бунини қилмаган бўлсалар, бу конвенцияларни ратификация қилиш ёки уларга қўшилиш масаласини кўриб чиқишга даъват этади, шунингдек бу конвенцияни ратификация қилган ёки уларга қўшилган давлатларни мазкур конвенцияларнинг мазмуни ва мақсадларига зид бўлган қайдларни бекор қилишга даъват этади;

3. Иштирок этувчи давлатларни БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколни, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, шунингдек, тегишли ҳолларда, Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши чоралар тўғрисидаги конвенцияни имзолаш ва ратификация қилиш ёки уларга қўшилиш масаласини қараб чиқишга даъват этади.

4. Зўравонликдан жабрланган аёллар кўпинча ҳимоясиз ва ёрдамсиз қолиши муносабати билан таассуф билдиради ва иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга қатъиян даъват этади:

- (а) зўравонликдан жабрланган барча аёллар одил судлов ва ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан тўлиқ, тенг ва ўз вақтида фойдаланишларини; тиббий ва ижтимоий ёрдамдан, шу жумладан шошилинч ёрдамдан; махфий маслаҳат олишдан; ва бошпаналардан фойдаланишларини таъминланишни кафолатлаш;
- (б) гендер принципи бўйича зўравонликни жиноий жазоланадиган қилмишлар каторига қўйиш ва ҳуқуқий ҳимоянинг тегишли чораларини кўзда тутадиган қонунчилик чораларини қабул қилиш ва қўллаш;
- (с) жабрланганларга ўз вақтида жисмоний ҳимоя ва психологик ёрдам, шу жумладан гувоҳларни қўриқлашнинг тегишли чораларини тақдим этиш;
- (д) айбдорларни тергов қилиш ва жиноий таъқиб қилиш, бунда улар билан тегишли муомала тўғрисидаги талабларга риоя этиш;
- (е) аёлларнинг суд, прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органларида тўлақонли иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тегишли масалалар билан шуғулланадиган давлат маъмурлари аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик

ҳолатларини аниқлаш, ҳужжатлаштириш ва кўриб чиқишга тўла ўқитилиши ва бунга йўналтирилишларини таъминлаш;

(f) зўравонлик қурбонлари бўлган қизларнинг ҳимоя ва ёрдамга алоҳида эҳтиёжларини қондириш;

5. Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кўпинча номаълум қолиши ва рўйхатга олинмаслигини ҳамда, тегишлича, статистика маълумотларида зарур тарзда акс эттирилмаслигини қайд этади ва иштирок этувчи давлатларга хабардорликни ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни; таққосланадиган ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ва тарқатиш бўйича қўшимча жиддий саъй-ҳаракатлар қилишни; ҳамда мазкур масала бўйича ихтисослаштирилган НХТ ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни таклиф этади;

6. Иштирок этувчи давлатлар аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, шу жумладан камситмаслик сиёсатини ва бандлик соҳасидаги амалиётни, таълим ва касбий тайёргарликдан тенг фойдаланишни, тенг меҳнатга тенг тўлғанишни, меҳнат ва таълим соҳасидаги имкониятларни кенгайтиришни, иқтисодий ресурслардан тенг фойдаланиш ҳамда аёлларнинг зўравонликнинг барча шаклларида, шу жумладан маиший зўравонлик ва одам савдосидан ночорлигини камайтириш мақсадида назоратни таъминлашга даъват этади;

7. Иштирок этувчи давлатларни ҳарбий можаролар ва фавқулодда ҳодисалар вақтида ҳамда улардан кейин гендер белгиси бўйича зўравонликка йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўришга, шу жумладан жиноятда айбдорларни судга жалб қилишга ҳамда аёллар ва қизларнинг можаролардан кейинги шароитлардаги эҳтиёжларини қондириш бўйича махсус чоралар кўришга қатъиян даъват этади;

8. Гендер белгиси бўйича жиноятлар 2002 йил сентябрида Рим Мақомида иштирок этувчи давлатлар Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Халқаро жиноят судининг Рим Статутига ва Жиноятлар унсурлари матнига киритилганлигини ҳамда бундай жиноятлар инсониятга қарши жиноятлар ва/ёки ҳарбий жиноятлар сифатида қаралиши мумкин бўлган вазиятлар белгилаб қўйилганлигини қайд этади.

9. Собиқ Югославия учун ва Руанда учун махсус халқаро жиноий трибуналларнинг тегишли ҳуқуқий прецедентлари тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш ва ушбу суд идоралари билан тўлиқ ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди;

10. Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклларига йўл қўймасликни қўллаб-қувватлаш ва бу билан курашиш мақсадларида ЕХХТнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари, шунингдек фуқаролик жамияти ва тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга қарор қилади;

11. Доимий кенгашга ЕХХТнинг тегишли институтлари ва тузилмалари билан иштирок этувчи давлатларга, уларнинг илтимосига кўра, аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган дастурлар, лойиҳалар ва сиёсатни ишлаб чиқишни рағбатлантиришни топширади;

12. Бош котибдан мазкур қарорнинг Доимий кенгашнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режасига бағишланган ҳар йиллик маърузасида ёритилишига алоҳида эътибор қаратишни сўрайди.

6.2 ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Шунингдек қаранг:

§ 2.3.4 D: Котибият, одам савдосига қарши кураш бўйича Махсус вакил

6.2.1 Олдини олиш бўйича умумий қоидалар

Москва, 1991 йил

(40) Иштирок этувчи давлатлар (...)

(...)

(40.7) аёллар савдоси ва аёллар фоҳишабозлигининг ҳамма шакллариغا, жумладан шу каби қилмишларга нисбатан тегишли юридик тақиқлар ва бошқа тегишли чоралар орқали чек қўйишга интиладилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

24. Биз шахвоний эксплуатация ва инсон савдосининг барча шакллариغا чек қўйиш чораларини кўрамиз. Биз бундай жиноятларнинг олдини олиш учун, бошқа чоралар қаторида, бундай қилмишларда айбдор бўлганларни жавобгарликка тортиш ва жабрланганларни ҳимоя қилишни кучайтириш учун қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиш ёки уларни мустаҳкамлашга кўмаклашамиз.

Вена 2000 йил (Қарорлар: ЕХХТ нинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш тўғрисидаги қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Одам савдоси тобора жиддий муаммога айланаётганлиги ва Ташкилот ЕХХТнинг бутун минтақасида одам савдосига қарши курашиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини, шу жумладан низо вазиятлари ва низо вазиятларидан кейин ҳам фаоллаштириши кераклигига ишончи комил бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, бундай савдога, шунингдек трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича миллий, минтақавий ва халқаро саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш мақсадида,

1. Яна бир бор одам савдоси инсон ҳуқуқларини ашаддий бузиш ва жиддий жиноят эканлигини билдиради, бу иштирок этувчи давлатлар ва халқаро ҳамжамият, шунингдек келиб чиқиш мамлакатлари, транзит ва бориш мамлакатлари томонидан ҳар тарафлама мувофиқлаштирилган жавоб чоралари кўрилишини, янада келишилган ва яхшироқ ўзаро ҳамкорликка асосланган ёндашувларни талаб қилади;

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирадиган Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол қабул қилинганлигини, шунингдек унда «одам савдоси» атамаси белгилаб қўйилганлигини маъқуллайди ҳамда барча иштирок этувчи давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур Протоколини, шунингдек Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга оид Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколни имзолаш ва ратификация қилишга даъват этади;

3. Иштирок этувчи давлатларнинг одам савдосига комплекс ва ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашув асосида курашишлари учун, шу жумладан бундай савдонинг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва улар шерикларини суд таъқибига олиш учун асосий жавобгарлигини тан олади;

4. Миллий парламентларнинг бошқалар қаторида одам савдосига қарши курашиш учун зарур бўлган қонунлар қабул қилишдаги ролини таъкидлайди ҳамда Парламент Ассамблеясининг одам савдоси тўғрисидаги 106 ва 107 Бухарест декларацияларини маъқуллайди;

5. ЕХХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятини мустаҳкамлашга қарор қилади ҳамда ЕХХТнинг турли институтлари ўртасидаги ҳамкорликни, шунингдек ЕХХТ билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Миграция масалалари бўйича халқаро ташкилот, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи ва Интерполнинг тегишли муассасалари каби бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди;

6. Барқарорлик пакти доирасида Одам савдоси муаммоси бўйича мақсадли гуруҳ ишини қўллаб-қувватлайди ва хусусан тегишли минтақа мамлакатлари ҳукуматларини мазкур Мақсадли гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этишга даъват этади;

(...)

8. Одам савдоси муаммоларининг барча жиҳатлари тўғрисида, жумладан ДИ-ИХБ, ноҳукумат ташкилотлари ва бошқа тегишли институтларнинг қўллаб-қувватлашида хабардорликни, зарурат бўлса, давлат хизматчилари, жумладан ҳукуқ-тартибот, консуллик ва иммиграция органларининг хизматчилари учун ҳам ўқув дастурларини ташкил этиш орқали хабардорликни ошириш мажбуриятини олади;

9. Ўз зиммасига зарур чораларни кўриш, хусусан одам савдосини жиноят сифатида квалификациялаш, шу жумладан ҳукуқ-тартибот органлари бунга қарши самарали кураш олиб боришлари ва бунинг учун суд таъқибини таъминлаш мақсадларида тегишли жазо чоралари кўзда тутилган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни қўллаш мажбуриятини олади. Бундай қонунчилик ҳужжатларида одам савдоси муаммосига ҳукуқий муҳофаза ёндашуви ҳисобга олинishi ва уларга одам савдосидан жабрланганларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қоидалари киритилиши, одам савдосидан жабрланганлар савдо объекти бўлганликлари сабабига кўрагина таъқиб қилинмасликлари таъминланган бўлиши керак;

(...)

11. Миллий даражада фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда бошқа аъзо мамлакатларга тегишли ахборотларни тақдим қилишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадларида одам савдоси бўйича ҳукумат вакиллари тайинланишини мақуллайди;

(...)

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 6/01-сон Қарор)

Вазирлар кенгаши,

барча иштирок этувчи давлатларга тааллуқли бўлган одам савдосининг барча шаклларида қарши курашишга ўз содиқлигини яна бир бор ифода этиб,

инсон савдосига қарши ва у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича чораларга тааллуқли масалаларда иштирок этувчи давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга содиқлигини эълон қилиб,

иштирок этувчи давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ҳамда унга Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бунга чек қўйиш ҳамда бунинг учун жазолаш тўғрисидаги Протоколни имзолаш ва ратификация қилишга даъват этади;

(...)

тергов қилиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида ахборот айрибошланиши маъқуллайди;

иштирок этувчи давлатларни улар томонидан вазирларнинг Вена учрашувида қабул қилинган мажбуриятлар ижроси юзасидан, жумладан одам савдосининг олдини олиш, ундан жабрланганларни ҳимоя қилиш, шунингдек бундай савдо билан шуғулланувчи шахслар ва улар шерикларини таъқиб этиш бўйича зарур чоралари қабул қилишни жадаллаштиришга даъват этади.

Порту 2002 йил (Одам савдоси тўғрисидаги декларация)

I.

Биз, ЕХХТ Вазирлар кенгашининг аъзолари, одам савдоси ЕХХТ минтақасида ва унинг ташқарисида хавфсизликка жиддий таҳдид солаётганлиги ҳақида баёнот берамиз.

Биз одам савдоси ва ҳозирги даврдаги қулликнинг бошқа шакллари инсон шахси кадр-қиммати ва ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш, деб баёнот берамиз.

Биз одам савдоси жиноий гуруҳларга улкан даромадлар келтираётган трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг жиддий ва тез кенгайиб бораётган тури эканлигини тушунамиз, бундай уюшган жиноятчилик наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ғайриқонуний савдоси, шунингдек мигрантлар контрабандаси каби жиноятларга ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

Биз ЕХХТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича мажбуриятларига тўла содиқлигини эслатамиз ва бу ҳақда баёнот берамиз (...) ҳамда келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларида одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган қатъиятимизни билдираамиз.

(...) Биз бу икки ҳужжатни (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни) ратификация қилиш ва тўлиқ бажариш одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ва миллий қонунчилик асосини мустаҳкамлаши ҳамда ҳуқуқий қўллашни мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳақида баёнот берамиз. Биз давлатларга ана шу ҳужжатлар билан бир қаторда юқорида қайд қилинган Конвенцияни тўлдирадиган Мигрантларни қуруқлик, денгиз ва ҳаво бўйича ғайриқонуний олиб киришга қарши Протоколни ратификация қилиш ва тўлиқ бажариш имкониятини кўриб чиқишини қатъиян тавсия этамиз (...)

Биз саъй-ҳаракатларни ғайриқонуний савдо туб сабабларини бартараф этишга ҳамда ноқонуний миграцияга туртки бўлаётган ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик ва ночорликни камайитиришга қаратиш зарурлигини эътироф этамиз, бундай ҳолатлар уюшган жиноятчи гуруҳлар томонидан жиноий мақсадларда фойдаланиши мумкин. Биз, шунингдек, бундай гуруҳларнинг жиноий қилмишларини енгиллаштирадиган коррупцияга қарши курашиш зарурлигини ҳам эътироф этамиз (...)

Биз бориш мамлакатларида шахвоний эксплуатация қилиш, меҳнатга мажбурлаш, қул қилиш ёки қулликка ўхшаш бошқа амалиётларга мажбурлаш мақсадида олиб қириладиган шахслар хизматларига талабнинг мавжудлиги одам савдосининг таркибий қисми эканлигини эътироф этамиз. Биз бориш мамлакатларини бундай талабга нисбатан самарали чоралар кўришга қатъиян даъват этамиз, бу одам савдосига йўл қўймаслик ва у билан курашиш самарали стратегиясининг энг муҳим унсурларидан бири бўлиши керак. Шунингдек, шахвоний эксплуатация қилиш, қул қилиш ва меҳнатга мажбурлашнинг барча шакллари мутлақо муросасиз бўлиш зарур.

Биз халқаро ташкилотлар миссияларининг айрим аъзолари одам савдоси билан боғлиқ фаолиятга, айниқса низолар содир бўлган мамлакатларда алоқадорликлари тўғрисидаги хабарлардан чуқур ташвишдамиз. Биз Доимий кенгашнинг 2001 йил 12 июлдаги 426-сон Қарори муҳимлигини яна бир бор таъкидлаймиз ва ЕХХТ миссияси ходимларининг хулқ-атвори Кодекси каби тегишли чоралар қабул қилиниши ва амалга оширилишини рағбатлантирамыз. Биз халқаро ходимларнинг қонунга зид ҳар қандай фаолияти, уларнинг бу жинояткорона савдони рағбатлантиришлари ёки уларнинг қайд қилинган хулқ-атвор Кодексини бузишларига тоқат қила олмаймиз. Биз халқаро ходимлар бундай қилмишлари учун ўз мамлакатлари ҳокимиятлари олдида, тегишли ҳолларда эса — маҳаллий ҳокимиятлар олдида ҳам жавобгарликка тортилиши учун амалга ошириш мумкин бўлган барча чораларни кўрамыз.

Биз вояга етмаганлар савдоси ортиб бораётганлигидан ташвишланаётганлигимизни билдирамыз ва болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини эътироф этган ҳолда болалар савдосига тааллуқли тадқиқотларни ҳамда ахборот айрибошлашни кенгайтиришни қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, болаларга нисбатан кўриладиган барча чораларда, биринчи навбатда, бола манфаатлари иложи борица яхши тарзда таъминланиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда савдодан жабрланган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш, улар келгусида эксплуатация қилинмаслиги, шунингдек уларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатларини яхшилаш учун тегишли гамхўрлик қилиш юзасидан махсус тадбирларни ишлаб чиқишга даъват этамиз.

Биз ўз мамлакатларида одам савдосига йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўрилишига, жумладан келиб чиқиш ва транзит мамлакатларида, айниқса ёшлар ва бошқа ночор гуруҳларга мўлжалланган хабардорликни ошириш ва маърифий ишлар бўйича мақсадли кампаниялар ўтказишга интиламиз ҳамда бундай кампанияларни келиб чиқиш мамлакатларида авж олдирилишига қаратилган саъй-ҳаракатлар қиламыз, жумладан тегишли мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларини ҳуқуқ-тартибот ишлари, чегара назорати, жиноий одил судлов ва ижтимоий хизматлар мавзулари бўйича тайёрлашни ташкил этамиз ҳамда бу соҳада ноҳумат ташкилотлари билан ҳар тарафлама ҳамкорлик қилишни тавсия этамиз.

(...)

Биз одам савдосига қарши курашишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва мазкур соҳада миллий, халқаро ва минтақавий ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш учун миллий стратегияларга эҳтиёжни таъкидлаймиз. Бу эҳтиёжни вазирликлараро органлар ва миллий мувофиқлаштирувчиларни тайинлаш ёки, мақсадга мувофиқ бўлганда, бошқа тегишли органлар ёхуд механизмларни ишга солиш каби чоралар орқали қондириш мумкин бўларди.

III.

Биз турли мезонларни қамраб оладиган ёндашув асосида ЕХХТнинг тегишли тузилмалари ва институтлари ўртасида, шунингдек ЕХХТ билан тегишли бошқа халқаро ташкилотлар ва субъектлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи ва Миграция масалалари бўйича халқаро ташкилот ўртасида ҳамкорликни фаоллаштиришга розимиз ҳамда Доимий кенгашга одам савдосига қарши курашиш мақсадларда бундай ҳамкорликни энг мақбул тарзда таъминлаш масаласини ўрганиб чиқишни топширамыз(...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Одам савдосига қарши кураш бўйича 2/03-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

1. ЕХХТнинг мазкур Қарорга илова қилинаётган Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасини маъқуллашга қарор қилади; ва

2. Доимий кенгаш шафелигида иштирок этувчи давлатларга одам савдосига қарши курашда ёрдам кўрсатиш учун ЕХХТнинг механизмини таъсис этади. Бу механизм бир-бирининг фаолиятини тўлдирадиган икки қисмдан иборат: Амалдаги раислик қилувчи томонидан махсус вакилни тайинлаш ва ЕХХТ Котибиятида махсус гуруҳ ташкил этиш (...)

Маастрихт, 2003 йил. (Қарорлар: Одам савдосига қарши кураш 2/03-сон қарорига Илова; ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режаси)

IV. Одам савдосининг олдини олиш.

(...)

1. Маълумотлар тўплаш ва тадқиқотлар

1.1 Одам савдосидан жабрланган аёллар, эркеклар ва болалар ҳақидаги маълумотларни алоҳида-алоҳида тўплаш, шунингдек одам савдосининг олдини олиш бўйича самарали ва мақсадли чораларни ишлаб чиқиш мақсадида одам савдосининг характери ва қўлами ҳамда уюшган жиноий гуруҳлар қўллайдиган одам савдоси ва эксплуатация механизмлари каби мавзуларда тадқиқот ва таҳлилий ишларни такомиллаштириш. Болалар савдоси муаммоси бўйича тадқиқотларни кенгайтириш ва ахборот алмашишга қўмаклашиш.

1.2 Аҳолининг ҳимояси энг заиф гуруҳларини аниқлаш ҳамда улар учун махсус ахборот-маърифий кампаниялар ишлаб чиқиш.

1.3 Одам савдосининг туб сабабларини, бу савдога бўлган талаб ва таклиф омилларини, унинг тармоклари ва иктисодий оқибатларини, шунингдек унинг ғайриконуний миграция билан алоқаларини чуқурроқ таҳлил этиш.

2. Чегара назорати чоралари

2.1 Одамларнинг эркин ҳаракатланиши борасидаги халқаро мажбуриятларга зарар етказмаган ҳолда, имкон қадар, чегара назорати чораларини одам савдосининг олдини олиш ва уни аниқлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган даражада кучайтириш.

2.2 Тижорат асосида одам ташувчилар фойдаланадиган транспорт воситаларининг одам савдосига қарши кураш ҳақидаги қоидаларда белгиланган жиноятларни содир этишда қўлланишининг имкон қадар олдини олиш учун қонунчилик чоралари ва бошқа тегишли чораларни кўриш.

2.3 Тегишли ҳолларда ва қўлланиладиган халқаро конвенцияларга зарар етказмаган ҳолда тижорат асосида йўловчи ташувчиларга, жумладан ҳар қандай транспорт компанияси ёки мулкдори ёки ҳар қандай транспорт воситасининг операторига барча йўловчилар кириш/чиқиш учун ҳақиқий ҳужжатларга эга эканликларига ишонч ҳосил қилиш мажбуриятини юклатиш. Ички қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни бузганлик учун жазолар назарда тутиш мақсадида зарур чоралар кўриш.

3. Одам савдосининг туб сабабларини бартараф этишга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат

3.1. Келиб чиқиш мамлакатларида:

- ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликка кўмаклашиш ҳамда қашшоқлик туфайли юзага келадиган миграцияни ҳам, одам савдосидаги «таклиф» омилларини ҳам камайтиришни устувор вазифалар деб ҳисоблаш;
- болалар учун умумий ва касбий-техникавий таълимдан фойдаланиш имкониятини ошириш ҳамда болалар, айниқса қизлар ва озчиликни ташкил қилувчи гуруҳлар вакилларининг мактаб таълими билан камраб олинишини кенгайтириш;
- кичик ва ўрта корхоналарнинг тижорат истиқболларини яхшилашга кўмаклашиш орқали аёлларнинг ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш. Кичик ва ўрта корхоналар учун биринчи навбатда «хавф гуруҳи»га кирувчи шахсларга мўлжалланган кадрлар тайёрлаш курсларини ташкил қилиш.

3.2. Бориш мамлакатларида:

- «эксплуатациянинг сезилмаслиги»ни камайтириш чораларини кўриш. Меҳнат бозори ва, қўлланиши мумкин бўлган жойда, секс-индустрияга нисбатан мониторинг, маъмурий назорат ва тезкор ахборотни тўплаш бўйича идоралараро дастур ишлаб чиқиш ушбу мақсадга эришишда жуда қўл келади;
- ҳукуматларнинг турли малакаларга эга ходимларнинг ишга жойлашиш имкониятларини ошириш мақсадида ўз мамлакатларида меҳнат бозорларини либераллаштириш имкониятини кўриб чиқиш;
- арзон иш кучига бўлган талаб ва қонуний миграция имкониятлари ўртасида мувозанат ўрнатиш мақсадида ҳимояланмаган, норасмий ва аксарият ҳолларда ғайриқонуний меҳнат муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўриш;
- иқтисодиётни барбод этувчи ва одам савдосининг кўпайишига шароит яратувчи хуфиёна иқтисодий фаолиятга қарши курашиш.

3.3. Келиб чиқиш мамлакатларида ҳам, бориш мамлакатларида ҳам:

- ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш ва барча учун тенг ишга жойлашиш имкониятларини яратиш чораларини кўриш;
- ишга ёлланиш пайтида аёлларнинг камситилишини бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш, яъни гендер тенглиги асосида бир хил меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқи ҳамда ишга жойлашиш соҳасида тенг имкониятларга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш;
- озчиликни камситишнинг барча шаклларида қарши курашиш;
- одамларга ҳаёт учун зарур пулни ишлаб топишнинг турли усулларини танлаш имконини берувчи ҳамда бошланғич маълумот, савод чиқариш, коммуникатив ва бошқа кўникмаларни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти йўлидаги тўсиқларни камайтиришни ўз ичига оладиган дастурларни ишлаб чиқиш;
- гендер масалаларига эътиборлироқ муносабатда бўлишни рағбатлантириш ҳамда жинслар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳурматга асосланган

муносабатларни тарғиб қилиш ва бу билан аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш;

- аёлларга иқтисодий ва молиявий ресурслардан тенг фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этишда тенг ҳуқуқ беришни назарда тутувчи сиёсат ўтказилишини таъминлаш;
- молиялаштиришнинг мослашувчан механизмларини ривожлантириш ҳамда кредит, жумладан фоиизи кам бўлган микросудалар олиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш;
- иқтисодий битимларда бошқарув ва транспарентликнинг тегишли амалиёти қарор топишига кўмаклашиш;
- қонун ҳужжатлари, таълим, маданият ёки ижтимоий соҳада, шунингдек қўлланиши мумкин бўлган жойда, жиноят ҳуқуқи соҳасида, жумладан одамлардан, айниқса аёллар ва болалардан барча шаклларда фойдаланишни юзага келтирадиган ҳамда одам савдосини келтириб чиқарадиган талабга қарши курашишга қаратилган икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик орқали чоралар кўриш ёки уларни такомиллаштириш.

4. Хабардорликни ошириш

4.1 Фуқаролик жамияти ва НХТлар билан биргаликда жамоатчиликни турли шакллардаги одам савдоси, жумладан бундай савдода қўлланиладиган усуллар ҳамда ундан жабрланганлар дуч келадиган хавф-хатарлар ҳақидаги хабардорлигини ошириш учун ахборот кампаниялари ўтказиш.

4.2 Олган билимларини эҳтимол тutilган жабрланганлар билан кундалик алоқада ишлатиши мумкин бўлган иммиграция органларининг ходимлари, шунингдек консуллик ва дипломатик ходимлар ўртасида одам савдосидан хабардорликни ошириш.

4.3 Давлатлар элчихоналарининг, жумладан НХТлар орқали, эҳтимол тutilган мигрантлар учун қизиқиш уйғотувчи оила ҳуқуқи, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва иммиграция қонун ҳужжатлари соҳаларидаги тегишли миллий қонун ҳужжатларига доир ахборотни тарқатишларини рағбатлантириш.

4.4 Бошқа тегишли ижтимоий гуруҳлар, жумладан сиёсатни ишлаб чиқиш учун масъул шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва бошқа тегишли мутахассислар, жумладан тиббиёт ходимлари, ижтимоий соҳа ходимлари ҳамда ишга жойлаштириш масалалари билан шуғулланувчи мансабдор шахслар, шунингдек хусусий сектор вакилларининг ушбу ҳодисага қарши лозим даражада кураш олиб боришга тайёригини ошириш ҳамда уларнинг ушбу курашдаги институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадларида уларнинг одам савдосидан хабардорлик даражасини ошириб бориш.

4.5 Дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ва виза бўлимларига уларнинг хатарга дуч келадиган шахслар билан олиб борадиган ўз ишларида босма ва бошқа материаллардан фойдаланишни тавсия қилиш.

4.6 ОАВ ходимларининг хабардорлигини ошириш. Одам савдоси муаммосининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ушбу ҳодисанинг моҳиятини аниқ тушунтириш ва ундан жабрланганларни чинакам тасвирлашни ўз ичига олиши керак. Жамоатчиликни ушбу муаммодан иложи борица тўлиқ хабардор қилиш ҳамда унга одам савдосига қарши кураш бўйича кампаниянинг иложи борица кўпроқ эътиборини тортиш учун бу тадбирларни профессионал журналистлар иштирокида ўтказиш лозим.

4.7 Аҳолининг энг кам ҳимояланган гуруҳлари, жумладан оз сонли миллатларга мансуб шахслар, болалар, мигрантлар ва мамлакат ичкарасида кўчирилган шахслар (МИКШ)га ҳам қаратилган хабардорликни ошириш кампанияларини ўтказиш.

4.8 Хабардорликни ошириш кампаниялари билан аҳолига таҳдиди айниқса юқори даражада бўлиши мумкин бўлган кичик шаҳарлар ва қишлоқларни қамраб олиш.

4.9 Ахборотни ёшларга етказиш ва уларнинг одам савдосидан хабардорлигини ошириш учун мактаблар ва олий ўқув юртларида, шунингдек бевосита оила-лар билан иш олиб бориш.

4.10 Фоҳишаликда фойдаланиш, мажбурий меҳнатга жалб қилиш, қулликка солиш ва уларга нисбатан қулликка ўхшаш бошқа амалиётни қўллаш мақсадида олиб қириладиган шахсларнинг хизматига бўлган талабни камайтириш зарурлигига, жумладан ОАВ ёрдамида, эътибор қаратиш ҳамда шу сабабли барча шакллардаги одам савдосига нисбатан мутлақо муросасизликни тарбиялаш.

4.11 Келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларида «ишонч телефонлари» ташкил қилиш ва улардан кенг аҳоли оммасини хабардор қилиш. Улар учта ва-зифани бажаришлари керак: ишга жойлашиш мақсадида ёки бошқа мақсадларда чет элга бориш ҳақидаги таклифни ўйлаб кўраётган ва одам савдосидан жабрла-ниш эҳтимоли бўлганларга маслаҳат ва тавсияларнинг мустақил манбаи бўлиб хизмат қилиш, одам савдосидан жабрланганлар ишларни бериш ва кўриб чиқиш механизмларидан фойдалана олишларига ёрдам берадиган биринчи алоқа теле-фони бўлиш, шунингдек одам савдоси ҳоллари ҳақида ва бундай ҳолларга оид гумонлар ҳақида аноним сигналлар берилишини осонлаштириш.

5. Қонунчилик чоралари

5.1 Тезкор маълумотларга кўра одам савдосига алоқадор бўлиши мумкин бўлган лицензия бериш ва тижорат фаолиятининг ишга жойлаштириш бюроси, сайёҳлик фирмалари, энагалар ва хўжалик бўйича ёрдамчиларни ёллаш билан шуғулланувчи агентликлар, фарзандликка олиш ёки эр (ёки хотин)ни халқаро миқёсда танлаш бўйича агентликлар, шунингдек меҳмонхоналар ва эскорт-хиз-матлар бюrolари каби турларини амалга оширишни тартибга солишчи қонунлар, маъмурий механизмлар ва тартиб-қоидаларни қабул қилиш ёки кўриб чиқиш.

5.2. Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида кўри-ладиган чоралар шахс ҳуқуқлари ва кадр-қимматига, жумладан ҳаракатланиш эркинлигига зарар етказмаслигини таъминлаш.

(...)

VI. Бундан кейинги қадамларни амалга ошириш ва ишларни мувофиқлашти-риш механизмлари

Иштирок этувчи давлатларнинг ЕХХТда қабул қилинган мажбуриятларини ба-жаришларини кузатиш билан бир қаторда, ЕХХТнинг мавжуд механизмларидан, жумладан инсон ўлчамига бағишланган, инсон ўлчами соҳасидаги обзор ва те-гишли тадбирлар бўйича конференциянинг бажарилишини кўриб чиқиш бўйи-ча ҳар йилги Мажлисдан фойдаланган ҳолда, Доимий кенгаш миллий даражада куйидаги ишларни амалга оширишни тавсия этади:

1. Миллий маърузачилар тайинлаш ёхуд давлат муассасаларининг одам сав-досига қарши қаратилган фаолиятини ҳамда миллий қонун ҳужжатлари талаб-ларининг бажарилишини кузатишнинг бошқа механизмларини яратиш масала-сини кўриб чиқиш.

2. Одам савдосига қарши кураш бўйича комиссиялар (мақсадли гуруҳлар) ёки давлат муассасалари ва мамлакат ичидаги НХТларнинг ишларини мувофиқлаштириш ҳамда одам савдосининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш, одам савдосида айбдорларни жазолаш ва бундан жабрланганларни ҳимоя қилиш учун масъул бўлган тегишли органларни ташкил қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш.

3. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, гендер тенглигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари масалаларида хабардорликни ошириш билан шуғулланувчи давлат институтлари ва миллий НХТлар ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш.

София 2004 йил (Қарорлар: Одам савдоси жабрланувчилари бўлган болаларнинг ҳимоя ва ёрдамга алоҳида эҳтиёжлари 13/04-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1998 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида ва 2000 йилги Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йилги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколда, шунингдек, 1993 йилги Болаларни ҳимоя қилиш ва Болаларни асраб олиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш Гаага конвенциясида эълон қилинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳурмат қилишга тааллуқли принципларига мурожаат этган ҳолда,

иштирок этувчи давлатлар одам савдосига қарши курашда комплекс мувофиқлаштирилган асосда, шу жумладан бундай савдонинг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва бундай савдо билан шуғулланадиган шахслар ва уларнинг шерикларини жиноий таъқиб этишда зиммаларига асосий масъулиятни олишларини англаган ҳолда,

умумий принциплар, жумладан болалар манфаатини энг яхши таъминлаш, камситмаслик, жалб қилмаслик, шунингдек, яшаш ва ривожланишни таъминлашга доир принциплар болаларга тааллуқли бутун фаолиятнинг асосини ташкил этишини яна бир бор тасдиқлаган ҳолда,

бундан буён ҳам ЕХХТнинг одам савдосига қарши сазй-ҳаракатларини қучайтириш ва Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасини фаол бажаришни давом эттиришга, шунингдек, Ташкилотнинг иштирок этувчи давлатларга, улар илтимосига кўра, миллий даражада ўзларининг бу соҳадаги тадбирларини амалга оширишларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни таъминлашга қатъият-ини билдирган ҳолда, жумладан,

ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасида баён этилган, ЕХХТ болалар савдоси муаммосига алоҳида эътибор бериши кераклиги тўғрисидаги тавсияни эътиборга олган ҳолда, шунингдек кузатувчилари бўлмаган ва оиласидан ажратилган болаларнинг ночорлигини англаган ҳолда,

иштирок этувчи давлатлар болаларни зўравонликнинг барча турларидан, шу жумладан, шахвоний эксплуатация қилинишдан қатъий ҳимоя қилиш ниятларини англаган, болаларнинг ҳимоя ва ёрдамга алоҳида эҳтиёжини ҳурмат қилиш

зарурлигини таъкидлаган, шунингдек болага ўз фикрини билдириш имкониятини бериш принципини, бола савдосига қарши кураш чоралари гендер хусусиятларини ҳисобга олиши ва камситиш хусусиятга эга бўлмаслигини таъкидлаган ҳолда,

савдодан жабрланган болага тааллуқли қарорлар қабул қилишда энг асосийси бола манфаатларини, жумладан зарур ҳолларда бундай болалар манфаатларини ҳимоя қиладиган вакиллар ёрдамида энг яхши тарзда таъминлаш эканлигини уқтирган ҳолда,

болаларга ёрдам ва ҳимоя кўрсатиш учун самарали асос яратиш, шунингдек одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни эксплуатация қилишнинг барча шакллари рағбатлантирадиган, болаларни савдо объектига айланиши эҳтимолини оширадиган талабга қарши курашиш мақсадида ахборот-тадбиқот ўтказиш заруратини англаган ҳолда,

1. ЕХХТнинг бола савдосининг олдини олиш, савдодан жабрланган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш ҳамда бола савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жиноий таъкиб қилишга йўналтирилган, ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасини эътиборга олган ҳолда саъй-ҳаракатларини кучайтиришга қарор қилади;

2. Иштирок этувчи давлатларнинг бола муаммолари билан шуғулланадиган тегишли давлат органларини мустаҳкамлашларини мақбул деб ҳисоблайди; шунингдек иштирок этувчи давлатлар зарурат бўлганда ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасида уларга қаратилган тегишли тавсияларнинг ижросини таъминлаш учун болаларни савдо объектига айланиши эҳтимолини оширадиган омилларга, жумладан ирқи, жинси, дини ёки этники, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, табақаси ёки бошқа ҳолатларга кўра камситишга қарши курашиш мақсадига қаратилган чоралар кўришни жадаллаштиришларини мақбул деб ҳисоблайди; ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасида белгиланганидек, эксплуатация — камбағаллик, таълимнинг паст даражаси ва одатланган яшаш жойидан ажратишдир;

3. Талабга, шу жумладан болалар секс-туризмга қарши кураш олиб бориш бўйича ишларни кучайтиришга қарор қилади. Шу муносабат билан у иштирок этувчи давлатларга бошқа масалалар қаторида ўз фуқароларини шахвоний эксплуатация қилиш учун, шу жумладан бундай эксплуатация бошқа мамлакатда содир этилган бўлса ҳам жиноий таъкиб этишни кўзда тутадиган ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этади (...)

Любляна 2005 йил (Чегаралар ҳафсизлиги ва чегара тартиби соҳасидаги концепция: ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар ҳамкорлиги доиралари)

2. ЕХХТда иштирок этувчи давлатлар яна бир бор ўзларининг барча даражаларда қабул қилишган чегараларга тааллуқли масалалар бўйича юридик ва сиёсий мажбуриятларини тасдиқлайдилар;

(...)

2.2. ЕХХТ даражасида иштирок этувчи давлатлар яна бир бор Хельсинки Яқунловчи актида эълон қилинган нормалар, принциплар, сиёсий мажбуриятлар ва қадриятларни тасдиқлайдилар, уларнинг ҳаммаси ҳар бирининг бошқаларини ҳисобга олган ҳолда талқин этишда бир хил ва сўзсиз қўлланилади. Иштирок этувчи давлатлар яна бир бор 1990 йилги Копенгаген хужжати, 1992 йилги Хельсинки хужжати ва 1999 йилги Европа ҳафсизлиги хартиясида баён этилган

принциплар ва сиёсий мажбуриятларни тасдиқлайдилар. Улар иш режалари, қарорлари ва ЕХХТнинг чегараларга тааллуқли масалаларга бағишланган бошқа тегишли келишилган ҳужжатларини эслатадилар. Жумладан, ЕХХТнинг чегараларнинг очиклиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича салоҳиятни мустаҳкамлаш, ЕХХТнинг ХХІ асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши курашиш бўйича Стратегиясининг 35-бандида белгилаб қўйилганидек, хавфлар (...) одам савдосига (...) қарши кураш воситаси бўлиб хизмат қилади;

(...)

4. Иштирок этувчи давлатлар ўз чегара ва божхона хизматлари, кириш ва чиқиш ҳужжатлари ҳамда визалар беришга жавоб берадиган идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли миллий идоралар ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатлари бўйича ҳамкорликни ривожлантирадилар:

(...)

4.3. Трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг (...) ва одамлар билан (...) ғайриқонуний савдонинг олдини оладилар ва унга чек қўядилар;

(...)

Любляна, 2005 йил (Қарорлар: Одам савдосига қарши кураш бўйича 13/05-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

юқорида қайд қилинган чораларни мустаҳкамлаш заруратига эътиборни жалб этган ҳолда кўп томонлама, минтақавий ва икки томонлама асосда амал этадиган одам савдосига қарши кураш олиб бориш бўйича мустаҳкам тармоқни ташкил этиш, ЕХХТ тузилмалари ва институтлари ҳамда унинг жойлардаги операциялари томонидан иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кўрсатилаётган ёрдамга таянган ҳолда зиммаларига олган мажбуриятларини самарали бажариш,

ЕХХТнинг халқаро ташкилотларнинг барча шаклдаги одам савдосига қарши кураш олиб боришга йўналтирилган биргаликдаги савий-ҳаракатларининг катализатори сифатидаги ноёб ролини яна бир бор таъкидлаб ва ЕХХТ махсус вакилининг «Одам савдоси билан курашиш иттифоқи» доирасида одам савдосига қарши кураш олиб бориш бўйича ташаббусини маъқуллаб,

қарор қилади:

1. Доимий Кенгашнинг 2005 йил 7 июлдаги 685-сон қарори билан одам савдосидан жабрланган энг ночор ва ҳимояланмаганлар эҳтиёжларига жавобан самарали чоралар сифатида қабул қилинган ЕХХТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасига тааллуқли одам савдосидан жабрланган болаларнинг алоҳида эҳтиёжларига доир Қўшимчалар маъқуллансин;

2. ЕХХТ томонидан қабул қилинган умумқамровли хавфсизлик концепцияси доирасида бундан буён ҳам одам савдосининг ортиб бораётган хавфига эътиборни кучайтириш ва уюшган жиноятчилик, жиноятчи гуруҳлар фаолияти ва коррупция турларидан бири сифатидаги одам савдосига қарши кураш муаммоларига жабрланганлар манфаатларига қаратилган кенг қамровли чораларни кўриш ёндошувига амал этиш;

(...)

Любляна, 2005 йил. (Қарорлар: Халқаро кучлар ва миссияларда хизмат қиладиган шахслар хулқ-атвори юксак нормалари ва масъулиятини таъминлаш 16/05-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

одам савдоси кулчиликнинг ҳозирги даврдаги шакли бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга оширишни жиддий равишда барбод қилиши тўғрисида яна бир бор баёнот берар экан,

халқаро тинчликсевар кучлар ёки бошқа халқаро миссиялар, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, жумладан ЕХХТнинг дала шароитларида, шу жумладан контракт асосида хизмат қиладиган ҳарбий ва фуқаро персонали одам савдоси занжирида талабни қўллаб-қувватлайдиган омиллардан бири бўлиши мумкинлигидан ташвишланиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шунингдек бошқа халқаро ташкилотларнинг бошқа маърифий тадбирлари ва касбий тайёрлаши билан бирга ҳам тинчликсевар кучлар персонали, ҳам бошқа тоифадаги ходимларнинг одам савдосида иштирок этишларига йўл қўймаслик учун зарур бўлган «ноль тоқати» сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларини маъқуллаб,

(...)

халқаро тинчликсевар кучлар ва бошқа халқаро миссияларда хизмат қиладиган ҳарбий ва фуқаро ходимларнинг номақбул хулқ-атвори тўғрисидаги хабарлар, шу жумладан одам савдосида иштирок этишлари тўғрисидаги хабарлардан ташвишланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколида белгилаб қўйилганидек, бундай қилмишларни қатъий қоралаб, бу миссиялар мандатларини бажаришга салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб,

халқаро тинчликсевар кучлар ва бошқа халқаро миссияларда хизмат қиладиган ҳарбий ва фуқаро ходимларнинг номақбул хулқ-атвори тўғрисидаги хабарлар, шу жумладан шахвоний эксплуатация ҳамда маҳаллий аҳоли ва қочоқларга нисбатан тажовузлари тўғрисидаги хабарлардан, шунингдек меҳнатга мажбурлаш тўғрисидаги хабарлардан ҳам ташвишланиб, бундай қилмишларни қатъий қоралаб, бу миссиялар мандатларини бажаришга салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб,

халқаро миссияларда хизмат қиладиган ходимларга бу масалалар тўғрисида янада тўлиқроқ ахборот бериш ва уларнинг хабардорлигининг ошириш заруратини таъкидлаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш кучлари ёки бошқа халқаро миссияларда хизмат қиладиган ходимлар хулқ-атворининг юксак нормаларига риоя қилишларини ва масъулиятларини оширишни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини маълумот учун қабул қилиб,

1. Барча иштирок этувчи давлатларни хорижда тинчликни сақлаш кучлари ёки халқаро миссияларда ишлайдиган ҳарбий ва фуқаро ходимларнинг, шунингдек ЕХХТнинг мансабдор шахсларининг одам савдоси ёки савдодан жабрланганларни эксплуатация қилишда иштирок этишларининг олдини оладиган чораларни зарурат туғилганда мустаҳкамлашга даъват этади. Шу муносабат билан иштирок этувчи давлатлар тинчликни сақлаш кучлари ёки бошқа халқаро миссияларда хизмат қиладиган ўз фуқароларининг хулқ-атвори юксак нормаларини

ва маъсулиятини таъминлаш мақсадида миллий қонунлари, қоидалари ва бошқа тегишли ҳужжатларида уларни қўллашга интиладилар;

2. Хорижда жойлаштирилган ҳарбий ва фуқаро ходимларига эга бўлган иштирок этувчи давлатларни ўз ваколатлари ва тегишли мандатлари доирасида қабул қилувчи давлатларнинг ваколатли ҳокимиятларига уларнинг одам савдосига қарши курашиши бўйича саъй-ҳаракатларига ёрдам кўрсатишга даъват этади;

3. Иштирок этувчи давлатларни улар томонидан тинчликни сақлаш кучлари ёки бошқа халқаро миссияларда хизматни ўташ учун юборган ҳарбий ва фуқаро ходимлари томонидан шахвоний эксплуатация ва тажовузларнинг, шунингдек меҳнатга мажбурлаш ҳолларининг олдини олиш учун зарур чораларни кўришга, бу масалада тегишли ҳуқ-атворга риоя этилишини таъминлашга ҳамда бундай ҳар қандай қилмишларни зарур тарзда тергов қилиш ва унинг учун жазолашни таъминлашга даъват этади;

4. ЕХХТнинг мансабдор шахслар учун ҳуқ-атвор Кодекси ва одам савдосига бағишланган 11-сонли хизмат йўриқномасининг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди ва Бош қотибга ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича Махсус вакили ва Одам савдосига қарши курашишни қўллаб-қувватлаш бўйича гуруҳнинг эксперт билимларидан фойдаланган ҳолда бу ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқ ҳолга келтириш учун янгилашни ва уни нашр этишдан олдин иштирок этувчи давлатларга изоҳлаш ва муҳокама қилиш учун беришни топширади;

5. ЕХХТнинг ҳамкорлик бўйича шериклари ҳукуматларига ўз томонидан мазкур қарорда баён этилган принципларга содиқликларини ифода этишни таклиф этади ва шу мақсадда ЕХХТнинг одам савдосига курашиш бўйича Махсус вакили ва ЕХХТнинг Бош қотибига шу мақсадда ЕХХТнинг ҳамкорлик бўйича шерикларига тегишли ахборот ва материалларни тақдим этишни топширади;

6. ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича Махсус вакилига тегишли халқаро ташкилотларга ЕХХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича ўқув материаллари ва бошқа фойдали ахборотларни тақдим этишни топширади;

7. ЕХХТнинг Бош қотибига ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича иш режасининг III 11.1-қоидасига мувофиқ мазкур қарорнинг ЕХХТнинг Мансабдор шахслари ҳуқ-атвори кодекси ва 11-сонли хизмат йўриқномасига тааллуқли қисмининг ижроси тўғрисида ҳар йил Доимий кенгашга ҳисоб беришни топширади.

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Кенг қамровли ва ташаббусли ёндашув асосида одам савдоси, жумладан меҳнатидан фойдаланиш мақсадидаги одам савдосига қарши кураш бўйича ҳаракатларни жадаллаштириш тўғрисидаги 14/06-қарори)

Вазирлар кенгаши,

барча шакллардаги одам савдоси ушбу ҳодисага қарши миллий ва халқаро ҳаракатлар фаоллашганига қарамай, ҳамон ЕХХТ ҳудудида ва ундан ташқарида кенг кўламга эғалигидан жиддий ташвишланиб,

одам савдосини инсон кадр-қимматининг таҳқирланишига, инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари амалга ошишининг асосларига путур етишига олиб келадиган ҳамда уюшган жиноий тармоқлар учун қулай муҳит бўлиб хизмат қиладиган оғир ва қабих жиноят деб ҳисоблаб,

ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари, ҳуқуқбузарларнинг жиноятини очиш ва айбдорларни фош этиш, шунингдек жабрланганларни ҳимоялаш, реабилитация қилиш, интеграциялаш ва, тегишли ҳолларда, қайта интеграциялаш, жумладан

уларга одил судловдан самарали фойдаланиш имконини бериш, шунингдек олдини олиш чоралари, хусусан, талабга чек қўйишга қаратилган чоралар одам савдосига қарши самарали курашиш учун катта аҳамиятга эгаллигини тан олиб,

одам савдоси муаммосининг мураккаб характерга эгаллиги кўп ўлчамли ёндашувни ҳамда кучларни бирлаштириш, миллий, минтақавий ва халқаро даража-ларда мувофиқлаштиришни талаб этишини таъкидлаб,

(...)

1. Иштирок этувчи давлатларни ЕХХТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича мажбуриятларини бажариш жараёнини мустаҳкамлаш мақсадида, Одам савдосига қарши кураш бўйича махсус вакил билан катта сиёсий даражада ҳамкорликни давом эттиришга чақиради;

2. Иштирок этувчи давлатларни одам савдосининг барча шаклларига қарши кураш муаммосига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат инспекциялари, ижтимоий ҳимоя органлари, тиббиёт муассасалари, иммиграция ва чегара хизматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва бизнес-ҳамжамиятлар ўртасида, шунингдек бошқа ҳар қандай тегишли томонлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга миллий, минтақавий ва халқаро механизмлар доирасида кенг қамровли ёндашув, жумладан гендер жиҳатларига қаратилган ёндашувнинг қабул қилинишида кўмаклашишга қатъий чақиради;

3. Иштирок этувчи давлатларни ЕХХТ тузилмалари ва институтлари томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда, агар тегишли илтимоснома тушса, маълумотларни тадқиқ этишни ҳамда тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштиришга, бунда уларнинг махфийлигига лозим даражада эътибор қаратишга ҳамда имкони бор жойда муаммонинг характери ва миқёсларини яхшироқ баҳолаш ҳамда одам савдосига қарши курашнинг самарали ва мақсадга қаратилган чораларини ишлаб чиқиш учун, вазиятдан келиб чиқиб, статистикани жинс, ёш ва бошқа тегишли омиллар бўйича беришга қатъий чақиради. Шу мақсадда иштирокчи-давлатларга миллий маърузачиларни тайинлашни ёки шунга ўхшаш мустақил мониторинг механизмларини яратиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия қилади;

(...)

6. Иштирок этувчи давлатларни, жумладан қуйидаги йўллар билан, меҳнатидан фойдаланиш мақсадида одам савдосига қарши фаол курашишга чақиради:

(а) одам меҳнатидан фойдаланиш мақсадида одам савдосига оид уларнинг ички жиноят қонун ҳужжатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи БМТнинг Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколнинг талабларига жавоб беришини таъминлаш. Ушбу мақсадда иштирок этувчи давлатлар бундай жиноятларни тегишли тарзда аниқлаш, айбдорларни эса жиноий тартибда таъқиб этиш мумкин бўлишини таъминлашга чақириладилар;

(б) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида одам савдоси билан шуғулланиш учун имкониятларни камайтириш мақсадида минимал меҳнат стандартлари уларнинг меҳнат қонун ҳужжатларида акс этиши ҳамда ушбу қонун ҳужжатлари кучга кiritилишини таъминлаш;

(с) тегишли мансабдор шахслар, шунингдек одам савдосидан жабрланиш эҳти-моли бўлган шахслар билан мулоқот қилиши мумкин бўлган барча бошқа шахслар, жумладан соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, ижтимоий хизмат ходимлари,

меҳнат инспекторлари ва шу кабилар одам савдосидан жабрланганларни аниқлашлари ҳамда улар учун мўлжалланган ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш хизматларини ташкил этишлари мақсадида улар учун таълим дастурларини жорий этиш;

(d) одам савдоси муаммосидан хабардорлик даражасини ошириш бўйича ахборот кампаниялари натижасида ҳимояси сушт гуруҳларнинг аҳволи ёмонлашмаслигини таъминлаш, зеро бу уларнинг инсон ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш нуқтаи назаридан ҳимоясизлиги янада чуқурлашувига олиб келиши мумкин;

(e) жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг одил судлов механизмларидан фойдаланишларини оsonлаштириш ҳамда одам савдосининг эҳтимол тутилган ҳоллари ҳақида маълумотга эга бўлган шахсларни жабрланганларни тегишли ёрдам кўрсатиш марказларига юбориш ҳамда бу каби жиноят бўлгани ҳақида гумон қилиш учун барча асослар мавжуд бўлганида, бу ҳақда суриштирув органларига хабар беришга рағбатлантириш мақсадида, меҳнатидан фойдаланиш учун одам савдоси билан шуғулланиш тўғрисидаги ахборотни мигрантлар жамоалари ҳамда кам ҳақ тўланадиган ишни бажарувчи шахслар, айниқса қишлоқ хўжалиги, қурилиш, кийим-бош тикиш ёки ресторан саноати ёки уй хизматчиси сифатида ишлаш сингари ҳимояси бўш секторларда ишловчилар эътиборига етказиш учун аҳоли билан, жумладан тегишли НХТлар билан ҳамкорликда ишлаш стратегияларининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

(f) тергов ҳаракатлари ўтказиш учун замонавий методикалар ишлаб чиқиш ва қўллаш, хусусан одам савдоси ҳолларини аниқлашга рухсат беришда ҳамда ҳуқуқбузарларни жиноий таъқиб этишда жабрланганларнинг кўрсатмалари билан чекланиб қолмаслик;

(...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Меҳнатидан фойдаланиш мақсадидаги одам савдосига қарши кураш 8/07-қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

одам савдосининг олдини олиш ва унинг учун жавобгарларни судга бериш бўйича миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларга қарамасдан одам савдоси ҳали ҳам ЕХХТ минтақаси ва унинг ташқарисида кенг ёйилганидан жиддий ташвишланиб,

ЕХХТ доирасида меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси муаммосини ҳал қилиш учун қабул қилинган механизмларни янада мустаҳкамлаш заруратини тан олиб,

меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси нуқтаи назаридан болаларнинг ҳимояланмаганлиги ва одам савдосидан жабрланган болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини тан олиб,

расмий ва ҳуфиёна иктисодиёт доирасида пайдо бўладиган меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдоси муаммосини ҳал этиш сиёсати ва амалиёти кенг қамровли бўлиши ва шунинг учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар қўлланилишини кўзда тутиши зарурлигини таъкидлаб,

меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдоси муаммоларини ҳал этиш бўйича чоралар меҳнат субъектлари шу жумладан меҳнатқашлар ва иш бевуручилар ташкилотлари, маъмурлар ва меҳнат бўйича инспекторларнинг фаол иштирок этишида ишлаб чиқилиши ва бундай иштирок рағбатлантирилиши кераклигини таъкидлаб,

(...)

зарур иммиграция мақомига эга бўлмаган шахслар, афтидан, меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдоси нуқтаи назаридан кўпроқ ҳимояланмаганлигини тан олиб,

(...)

жабрланганларни идентификация қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, жумладан пировард натижада уларнинг мамлакатда бўлишларининг эҳтимол тутилган мақомига нисбатан ноаниқлик, бундан ташқари одам савдоси билан шуғулланувчилар уларга нисбатан таҳдид қилганликлари ва бу қўрқитишдан фойдаланиш муаммоларини, шунингдек жабрланганларни ариза беришга рағбатлантирадиган тартиб ўрнатиш зарурлигини тан олиб,

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

(...)

5. Меҳнат шароитларини назорат қилиш, бошқа чоралар қаторида, аниқ мақсадга йўналтирилган ахборот-маърифий дастурлар ёки ихтиёрий хулқ-атвор кодекслари ёрдамида меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва меҳнат ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, шу жумладан фуқаролик жамияти, НХТ ва меҳнатни муҳофаза қилиш ваколатига эга бўлган давлат муассасалари ўртасидаги шериклик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

(...)

8. Меҳнат ва иммиграция масалалари билан шуғулланувчи мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот ва суд органларининг мансабдор шахслари ҳамда ижтимоий таъминот ходимлари ўртасида меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси муаммолари бўйича идоралараро ҳамкорликни, шу жумладан, заруратга кўра, ЕХҲТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасида қайд қилинган тавсияларга мувофиқ ишларни топшириш ва кўриб чиқиш миллий механизмларини яратиш ёки мустаҳкамлаш йўли билан кучайтириш;

(...)

11. Айрим шахсларнинг махфий равишда меҳнат ва турмуш эксплуатацияси шароитлари каби меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосидан гувоҳлик берувчи вазиятларни кўрсатадиган ҳодисалар тўғрисида шикоят қилишлари учун самарали тартибни таъминлаш;

12. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси вазиятлари аниқланганда меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларни айнанлаштиришнинг изчиллиги ва транспарентлигини таъминлаш учун индикаторларни ишлаб чиқиш, зарурат бўлганда, ХМТ экспертлар комиссияси ишлаб чиққан индикаторларни эътиборга олиш;

13. Экспертлар даражасида меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси ҳодисаларини ғайриқонуний бандликнинг бошқа вазиятларидан қандай қилиб фарқлаш тўғрисидаги мунозараларни давом эттириш имкониятини кўриб чиқиш;

(...)

16. Ишга жойлаштириш бўйича айрим агентликлар томонидан одамларнинг савдо объекти бўлиш хавфини оширадиган алдов йўли билан ёллашларини чеклаш дастурларини ишлаб чиқиш;

(...)

19. Келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларида, жумладан меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси нуқтаи назаридан ҳимояланмаган гуруҳларга мўлжалланган ахборот-маърифий кампанияларни ўтказишни режалаштириш;

20. Агар ХМТнинг 1999 йилги Бола меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги Конвенцияси имзоланмаган ва ратификация қилинмаган бўлса, уни имзолаш ва ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш, агар бу қилинган бўлса, унинг қоидаларини амалга ошириш йўли билан болалар меҳнатининг олдини олиш саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш;

21. Халқаро даражадаги ҳамкорликни меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси билан курашиш соҳасидаги ахборот ва яхши амалиётни айирбошлаш йўли билан кучайтириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш, шунингдек жабрланганларни ҳимоя қилиш ва репатриация ҳолатларида реинтеграцияда ёрдам беришга тааллуқли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари кўриб чиқиш;

22. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси билан миграция ўртасидаги алоқадорлик тўғрисида маълумотларни тўплаш ва таҳлил этишни тақомиллаштириш ҳамда ЕХХТнинг бошқа иштирок этувчи давлатлари ўртасида бундай ахборот билан айирбошлаш.

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: Жиноий судлов доирасида комплекс ёндашув асосида одам савдоси билан кураш самарадорлигини ошириш 5/08-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

одам савдоси ҳали ҳам ЕХХТ минтақасида кенг тарқалганлик хусусиятига эга эканлигидан ўзининг жиддий ташвишлилишига эътиборни қаратиб,

(...)

иштирок этувчи давлатларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлари ва бошқа тегишли органлар билан ҳамкорликда, жумладан одам савдосининг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқларига тўла ҳурмат билан уларга қўмаклашиш ҳамда одам билан савдо қилувчиларни жиноий таъқиб қилиш бўйича чораларни, шунингдек трансмиллий жиноий ташкилотлар ва одам савдосидан бойлик орттираётган бошқа унсурлар фаолияти билан курашиш чораларини қамраб олган одам савдоси билан курашишга кенг қамровли, мувофиқлаштирилган ва интеграция қилинган ёндашувни ишлаб чиқишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлайди,

(...)

Остона 2010 йил

9. (...) Айни пайтда биз бугунги мураккаб ва ўзаро боғлиқ дунёда одам савдоси (...) каби намоён бўлаётган трансмиллий таҳдидларга қарши туришда мақсадларимиз ва саъй-ҳаракатларимизнинг янада кўпроқ бирлигига эришишимиз керак.

6.2.2 Тергов қилиш, ҳуқуқни қўллаш ва суд таъқиби

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

24. Биз одам савдосининг барча шаклларига (...) чек қўйиш (...) бўйича чоралар кўрамиз. Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун биз, бошқалар каторида, бундай қилмишларда айбдорларни жавобгарликка тортиш учун конун ҳужжатлари қабул қилиш ёки уларни мустаҳкамлашга қўмаклашамиз (...)

Вена 2000 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг одам савдосига қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш тўғрисидаги қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларнинг одам савдоси билан шуғилланувчилар ва улар шерикларини суд таъқиби остига олишни (...) камраб оладиган комплекс ва мувофиқлаштирилган ёндашув асосида одам савдосига қарши курашга тааллуқли асосий жавобгарлигини тан олади;

(...)

9. Ўз зиммасига зарур чораларни, шу жумладан одам савдосини жиноят сифатида квалификация қилиш, жумладан ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан бунга самарали кураш олиб бориш ва суд таъқибини амалга ошириш мақсадларида қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва қўллаш орқали амалга ошириш мажбуриятини олади. Бундай қонунчиликда одам савдоси муаммосига ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёндашуви ҳисобга олиниши ҳамда жабрланганларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар ўрин олиши, бу одам савдосидан жабрланганлар фақат савдо объекти бўлганликлари учунгина таъқиб қилинмаслиги таъминланиши керак;

(...)

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: 6/01-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Тергов қилиш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида ахборот айирбошлашни маъқуллайди;

(...)

Порту 2002 йил (Одам савдоси тўғрисидаги декларация)

Биз иштирок этувчи давлатларни трансмиллий уюшган жиноятчилик, шу жумладан наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ғайриқонуний айланиши, шунингдек мигрантлар контрабандаси каби жинойи қилмишларга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлиқни кучайтиришга даъват этамиз. Бундай ҳамкорликда Европол ва Интерпол, шунингдек Жанубий-Шарқий Европадаги ҳамкорлик бўйича ташаббус, халқаро ҳуқуқ-тартибот органлари одам савдоси ходисаларини тергов қилиш, айбдорларни ички қонунчилик ва, қўлланиш мумкин бўлганда, халқаро мажбуриятлар бўйича таъқиб этишда иштирок этишлари керак (...)

Маастрихт 2003 йил (Қарорлар: Одам савдосига қарши кураш бўйича 2/03-сон қарорига илова; ЕХХТнинг Одам савдосига қарши Ҳаракат режаси)

III. Тергов қилиш, ҳуқуқни қўллаш ва суд таъқиби

(...)

Миллий даражада амалга оширилиши тавсия этиладиган ҳаракатлар

1. Жинойи жазоланадиган қилмиш сифатида эътироф этиш

1.1 БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи БМТнинг Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги

протоколининг 3-моддасида кўрсатилган қилмишларни жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўриш.

1.2 Қуйидаги қилмишларни жиноий жазоланадиган қилмиш деб топиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўриш:

- ушбу оғир жиноятни содир этишга суиқасд қилиш;
- ушбу оғир жиноятни содир этишда шерик сифатида иштирок этиш;
- ушбу оғир жиноятни содир этиш мақсадида бошқа шахсларни уюштириш ёки уларга раҳбарлик қилиш.

1.3 Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги билан бир қаторда юридик шахсларнинг ҳам жавобгарлигини белгилаш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик чоралари ёки бошқа чораларни кўриш. Иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий принципларига риюя этилганида юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий, фуқаровий-ҳуқуқий ва/ёки маъмурий бўлиши мумкин.

1.4 Ушбу жиноятнинг жиддийлигини инобатга олувчи самарали ва мутаносиб жиноий жазо чоралари, жумладан турмага камаш жазосини назарда тутувчи қонун қоидаларини қабул қилиш. Қаерда мақсадга мувофиқ бўлса, қонун ҳужжатлари жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда, масалан, болалар савдоси билан боғлиқ ёки давлатнинг мансабдор шахслари томонидан ёки улар иштирокида жиноятлар содир этилганида, одам савдоси билан шуғулланишда айбдор деб топилган шахслар учун қўшимча жазо чораларини назарда тутиши мумкин.

1.5 Одам савдоси ва у билан боғлиқ оғир жиноятлар содир этиш қуролларини, шунингдек улардан олинган даромадларни мусодара қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш, бунда миллий қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тақдирда одам савдосидан олинган ва мусодара этилган даромадлар ушбу савдодан жабрланганлар учун фойдаланилишини кўрсатиш. Одам савдосидан жабрланганларга товлон пули тўлаш фондини таъсис этиш ҳамда мусодара этилган активлардан бундай фондни молиялаштиришнинг қўшимча манбаи сифатида фойдаланиш масаласини кўриб чиқиш.

1.6 Одам савдоси, бундай савдони ташкил этувчи ҳаракатлар ва у билан боғлиқ жиноятлар миллий қонун ҳужжатларида ва ушлаб бериш тўғрисидаги шартномаларда ушлаб беришга олиб келиши мумкин бўлган жиноятлар сифатида квалификация қилинишини таъминлаш.

1.7 Оммавий мансабдор шахслар орасида фаол ёки пассив коррупция актлари БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясининг 8-ва 9-моддаларида келтирилган жиноий жазоланадиган қилмишлар деб топилиши учун қонунчилик чоралари ва бошқа чораларни кўриш.

1.8 Одам савдосидан жабрланган шахсларга нисбатан, улар бундай савдо объектларига айланганликлари учун ҳам жиноий иш қўзғатилмаслигини таъминлаш.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари

2.1 Одам савдосига қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар ва улар билан боғлиқ чораларни тўлиқ ҳажмда қўллаш.

2.2 Ходимларнинг билимдонлиги, касбий маҳорати ва ҳалоллигини оширишга қўмаклашиш учун шахвоний хусусиятга эга бўлган тажовузлар ёки болаларга доир жиноятлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда пухта тайёргарлик

кўрган эркак ва аёллардан иборат махсус одам савдосига қарши кураш бўйича бўлинмалар ташкил қилиш.

2.3 Коррупцияга қарши кураш соҳасида салоҳиятни ошириш.

2.4 Полициянинг маҳаллий аҳоли билан ўзаро ҳамкорлиги дастурларини ишлаб чиқиш: жумладан одам савдосига оид маълумотлар олинishiга шароит яратиш ва бундан жабрланганларда жиноятлар ҳақида хабар бериш истагини рағбатлантириш учун полиция ва аҳоли ўртасида ишонч даражасини ошириш.

2.5 Одам савдоси жинояти билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган шубҳали активларни топиш мақсадида тергов ва умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш.

2.6 Нафақат жиноятчиликни тийиб қўйиш ва таҳлил қилиш, шунингдек криминалистик маълумотларга ишлов бериш ва уларни таҳлил қилиш бўйича тезкор ахборотни тўплашга асосланган полиция фаолиятини ривожлантириш учун ресурсларни ва кадрлар тайёрлашни, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига уларнинг одам савдосига қарши кураш бўйича вазифаларини бажаришлари учун зарур бўлган юксак касбий кўникмалар ва замонавий техникани ҳам таъминлаш.

2.7 Терговчилар ва прокурорларни тергов ва суд муҳокамаси давомида гувоҳлик кўрсатувлари билан чекланмасликка ундаш. Жабрланганлар судда кўрсатма беришлари шартлигини истисно этувчи муқобил тергов стратегияларини ўрганиш.

2.8 ЕХХТ миссияларининг ўз хатти-ҳаракати билан ЕХХТ миссиялари ходимларининг ахлоқ кодексини бузаётган ходимларига нисбатан белгиланган жазолар, жумладан зарур ҳолларда интизомий тартиб-қоидалар ва жиноий таъқиб қўлланилишини таъминлаш мақсадида амалга оширса бўладиган чораларни кўриш.

2.9 Маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги коррупция муаммосига биринчи навбатда эътибор қаратиш ҳамда одам савдоси билан боғлиқ коррупцияга алоқадорлиги фош этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан тегишли интизомий тартиб-қоидалар ва жиноий таъқиб қўлланилишини таъминлаш.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлиги ва Иштирок этувчи давлатлар ўртасида ахборот алмашинуви

3.1 Ушбу Ҳаракат режасида қамраб олинган жиноятларга қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўз ички ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига монанд ҳаракат қилиб бир-бирлари билан яқин ҳамкорликда бўлиш. Давлатлар ичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ана шундай ҳамкорлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ривожлантириш.

3.2 Жумладан қуйидаги мақсадларда самарали чоралар кўриш:

- иштирок этувчи давлатлар ўртасида алоқа каналларини кенгайтириш ва, қарерда зарур бўлса, яратиш;
- ушбу Ҳаракат режасида қамраб олинган жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилиш;
- тегишли ҳолларда таҳлил ва тергов мақсадлари учун зарур бўлган нарса ва далилларни тақдим этиш;
- уларнинг тегишли органлари, идоралари ва хизматлари ўртасида ҳамкорликни самарали мувофиқлаштиришга ҳамда ходимлар ва бошқа экспертлар айирбошлашни рағбатлантиришга, жумладан манфаатдор Иштирок этувчи давлатлар ўртасида икки томонлама шартнома ёки битимлар тузиш, алоқа бўйича ходимларни юбориш кабиларда кўмаклашиш;

- уюшган жиноий гуруҳлар қўллайдиган аниқ восита ва усуллар ҳақида ахборот алмашиш, жумладан қўлласса бўладиган жойларда, йўналишлар ва ташишлар ҳақидаги, шунингдек сохта исм, ўзгартирилган ёки қалбаки ҳужжатлар ёхуд улар фаолиятини яширишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларни айирбошлаш;

- ушбу Иш режасида қамраб олинган жиноятларни эртароқ аниқлаш учун мақсадга мувофиқ деб топилган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштириш.

3.3 Ахборот айирбошлашни осонлаштириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш.

3.4 Статистик маълумотлар тўплашга доир умумий стандартлар ишлаб чиқиш мақсадида саъй-ҳаракатлар қилиш.

4. Жиноий одил судлов тизими доирасида гувоҳлар ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш

4.1 Иштирок этувчи давлатлар имкониятлари доирасида жиноят процессида иштирок этаётган ҳамда ушбу Иш режасида қамраб олинган жиноятлар бўйича кўрсатмалар бераётган гувоҳлар ва, зарур ҳолларда, уларнинг қариндошлари ва бошқа яқинларига нисбатан эҳтимол тутилган қасос олиш ёки қўрқитишдан самарали ҳимояни таъминлаш учун тегишли, жумладан қонунчилик чоралари кўриш.

4.2 Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва мансабдор шахсларнинг одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини ва яқин истикболдаги фаровонлигини таъминлаш учун ўзларининг масъуллигини англаш даражасини ошириш.

4.3 Маълумотларнинг ҳимояланиши ҳамда жабрланувчиларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини, жумладан маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш жараёнида, таъминлаш.

4.4 Жабрланганларга гувоҳларни ҳимоя қилиш чораларидан бири сифатида турар жойни алмаштириш имконини бериш орқали уларнинг жиноятни тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш ёки жиноят процесси доирасидаги бошқа тадбирларда гувоҳ сифатида иштирок этишларини осонлаштириш.

4.5 Жабрланганларнинг судда кўрсатувлар билан чиқиш-чиқмаслик масаласида қарор қабул қилишлари жараёнида уларга юридик маслаҳатлар бериш.

4.6 Агар миллий қонун ҳужжатларига зид келмаса НХТларнинг суд муҳокама-лари давомида жабрланганларни қўллаб-қувватлашларига рухсат этиш.

5. Кадрлар тайёрлаш

5.1 Чегара хизматларининг мансабдор шахслари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари, судьялар, прокурорлар, иммиграция ва бошқа тегишли хизматлар мансабдор шахсларининг одам савдоси муаммосининг барча жиҳатлари бўйича тайёргарлик кўришларини ташкил қилиш ва такомиллаштириш.

5.2 Бундай тайёргарлик дастурларини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари масалаларига, айниқса болаларга доир муаммоларга, шунингдек гендер муаммоларига эътибор қаратиш ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамияти элементлари билан ҳамкорликни рағбатлантириш.

6. Чегара назорати чоралари

6.1 Ички қонун ҳужжатларида белгиланган жиноятни содир этишга алоқадор шахсларнинг мамлакатга киришига рухсат бермаслик, визаларини бекор қилиш

ёки, эҳтимол, вақтинча ушлаб туришга имкон берадиган чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш.

6.2 Чегара назорати органлари ўртасида ҳамкорликни, жумладан бевосита алоқа каналлари яратиш ва сақлаб туриш орқали мустаҳкамлаш имкониятини кўриб чиқиш.

7. Хужжатларнинг ишончлилиги ва уларни назорат қилиш

7.1 Мавжуд имкониятлар доирасида Иштирок этувчи давлатлар томонидан ёки улар номидан бериладиган кириш/чиқиш ҳужжатлари ёки шахсий гувоҳномаларнинг ғайриқонуний ишлатилиши, қалбакилаштирилиши ёки қонунга ҳилоф ўзгартирилиши, қайта ишлаб чиқарилиши ёки берилишини иложи борида қийинлаштирадиган сифатини таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўриш.

8. Хужжатларнинг қонунийлиги ва ҳақиқийлиги

8.1 Бошқа Иштирок этувчи давлат илтимосига кўра ва ўз ички қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу давлат томонидан берилган ёки гўёки берилган кириш/чиқиш ҳужжатлари ёки шахсий гувоҳномалар одам савдоси мақсадларида фойдаланаётганидан гумон қилиш учун жиддий асослар бўлган ҳолларда уларнинг қонунийлиги ва ҳақиқийлигини оқилона муддат давомида текшириш.

София 2004 йил (Қарорлар: Одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳимоя ва ёрдамга алоҳида эҳтиёжлари тўғрисидаги 13/04-сон қарор)

Вазирлар кенгаши,

(...)

1. ЕХХТнинг болалар савдосининг олдини олиш (...) ва болалар билан савдо қилувчиларни жиноий таъқиб қилишга (...) йўналтирилган саъй-ҳаракатларини кучайтиришга қарор қилади.

(...)

3. Шаҳвоний эксплуатацияга бўлган талабга, шу жумладан болалар сексуализмига қарши курашни кучайтиришга қарор қилади. Шу муносабат билан у, шунингдек иштирок этувчи давлатларга, бошқа масалалар қаторида, ўз фуқароларини шаҳвоний эксплуатация қилиш, шу жумладан бундай эксплуатация бошқа мамлакатда содир бўлганда ҳам жиноий таъқиб қилишни назарда тутадиган ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни тақлиф қилади.

Брюссель, 2006 йил. (Қарорлар: Кенг қамровли ва ташаббусли ёндашув асосида одам савдоси, жумладан меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосига қарши кураш бўйича ҳаракатларни фаоллаштириш тўғрисидаги 14/06-қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

2. Иштирок этувчи давлатларни одам савдосининг барча шаклларига қарши кураш муаммосига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат инспекциялари, ижтимоий ҳимоя органлари, тиббиёт муассасалари, иммиграция ва чегара хизматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва бизнес-ҳамжамиятлар ўртасида, шунингдек бошқа ҳар қандай тегишли томонлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга миллий, минтақавий ва халқаро механизмлар доирасида кенг қамровли ёндашув,

жумладан гендер жиҳатларига қаратилган ёндашувнинг қабул қилинишида кўмаклашишга қатъий қакиради;

(...)

6. Иштирок этувчи давлатларни, жумладан куйидаги йўллар билан, меҳнатидан фойдаланиш мақсадида одам савдосига қарши фаол курашишга қакиради:

(...)

g) меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдоси билан шуғулланиш ҳоллари полиция томонидан тергов қилиниши давомида тезкор ҳаракатлар қилиш бўйича мавжуд илғор тажрибани алмашиш ҳамда одам савдоси ҳолатлари бўйича иш олиб бораётган полиция бошқа муассасаларда ишлайдиган ва меҳнат шароитини текшириш учун масъул бўлган ҳамкасблари билан мунтазам алоқада бўла олишлари учун, вазиятдан келиб чиқиб одам савдоси ва меҳнат эксплуатациясидан жабрланганларни аниқлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммосига комплекс ёндашиш;

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосига қарши кураш 8/07-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

иштирок этувчи давлатларни куйидагиларга даъват этади:

(...)

4. Одам савдосидан жабрланганларни айнанлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш ва тартиблар самарадорлигини оширишни таъминлаш ва шу муносабат билан бу вазифани бажариш учун ўзларининг меҳнат ва ресурслар бўйича инспекторларини тайёрлашни таъминлаш ҳамда зарурат бўлса, меҳнат эксплуатацияси нуктаи назаридан ҳимояланмаган секторларда инспекциялар ўтказишни фаоллаштириш;

(...)

6. Миллий қонунчиликка мувофиқ, меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосидан жабрланганлар ўзлари мустақил амалга ошира олмайдиган ҳолларда суд жараёнида муқобил вакилликка рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш;

(...)

14. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосини қўллаб-қувватлайдиганлар, шу жумладан эксплуатация билан шуғулланадиган иш берувчиларга қарши самарали ва мутаносиб жазо беришни таъминлаш;

15. Иш берувчилар ва ишга жойлаштириш бўйича агентликларга улар қарз қўлиги вазиятларини яратадиган ҳолларда самарали жазо берилишини таъминлаш

(...)

17. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосида иштирок этадиган ёрдамчи пудратчилардан онгли равишда фойдаланган пудратчиларни бу жинойт учун жавобгарликка тортилишини таъминлаш масаласини кўриб чиқиш;

18. Судялар, прокурорлар, полиция ходимлари ва меҳнат бўйича инспекторларни жинойт таъқиб нуктаи назаридан меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосига тааллуқли масаларда тайёрлаш, шунингдек жабрланганларни ҳимоя қилишни таъминлаш масаласини кўриб чиқиш ва зарурат бўлганда, тегишли ресурсларни тақдим этиш;

(...)

21. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосига қарши кураш соҳасида ахборот ва энг яхши амалиётни айрибошлаш орқали халқаро даражадаги ҳамкорликни кучайтириш ва ҳуқуқни қўллашга тааллуқли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари кўриб чиқиш (...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: Жиноий одил судлов доирасида комплекс ёндашув асосида одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш 5/08-сонли қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

халқаро, минтақавий ва миллий даражада (...) кўрилатган изчил чораларга қарамадан, одам савдоси билан шуғулланувчи фақат айрим шахсларгина одил судловга тортилганлигидан ўзининг ташвишини яна бир бор баён қилиб,

одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва қўмаклашиш ҳамда жабрланганларни фаолроқ аниқлаш жиноий одил судловнинг бу курашда, шу жумладан одам савдоси билан шуғулланувчилар ва уларнинг шерикларини жиноий таъқиб этиш шаклида самарали иштирок этишининг зарур дастлабки шартига киришини эътироф этиб,

жиноятчиликнинг бу шаклига қарши кураш олиб бориш мажбурияти келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатлари зиммасида тенг даражада эканлигини яна бир бор баён этиб,

иштирок этувчи давлатларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлари ва бошқа тегишли органлар билан ҳамкорликда, жумладан, одам савдосининг олдини олиш чоралари, (...) ва одам савдоси билан шуғулланадиганларни таъқиб этиш чораларини, шунингдек, трансмиллий жиноий ташкилотлар ва одам савдосидан бойлик орттираётган бошқа унсурлар фаолиятига қарши кураш чораларини қамраб олган одам савдосига қарши курашга кенг қамровли, мувофиқлаштирилган ва интеграциялашган ёндашувни ишлаб чиқиш йўналишидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлаб,
(...)

жиноий одил судлов доирасида одам савдосига қарши янада самаралироқ кураш олиб боришга эришиш қатъиятида,

1. Иштирок этувчи давлатларга, ҳали бунга қилмаган бўлсалар, ЕХХТнинг Иш режасида белгилаб қўйилганидек, одам савдосининг барча шакллари жиноий жазоланадиган қилмиш деб эътироф этиш ҳамда одам савдосида иштирок этаётган шахсларнинг қилмишлари жазосиз қолмаслиги учун чоралар кўришни тавсия этади;

2. Иштирок этувчи давлатларга одам савдосига қарши кураш масалалари бўйича касбий тайёргарликни ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ўқитиш дастурига киритиш ҳамда миллий прокуратура ва суд органларининг тегишли мансабдор шахслари одам савдоси муаммоси бўйича ихтисослаштирилган касбий тайёргарлик олишлари учун тегишли чоралар кўришни тавсия этади. Ҳар бир иштирокчи давлат чет элга юбораётган ўзининг ҳарбий ва фуқаро таркибига йўриқнома бериш дастурида одам савдоси ва унинг оқибатларига қарши кураш сиёсатини ҳисобга олиши лозим;

3. Иштирок этувчи давлатларни ҳуқуқ-тартибот тузилмалари, зарурат бўлганда, судлар одам савдосидан жабрланганларни янада самаралироқ аниқлашлари

мақсадида ўзаро ҳамда бошқа органлар, шу жумладан ижтимоий хизматлар, шунингдек, зарурат бўлса, фуқаролик жамиятининг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишлари учун чоралар кўришга қатъиян даъват этади.

4. Иштирок этувчи давлатларга зарурат бўлганда ва ўзларининг тегишли қонунларида кўзда тутилганда, одам савдосидан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этаётган фуқаролик жамияти ташкилотлари жиноий процесс давомида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлишларини таъминлашни, бу соҳада ҳуқуқ-тартибот тузилмалари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятини кўриб чиқишни тавсия этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни маъмурларда муайян шахс одам савдосидан жабрланганлигига оқилона асос бўлганда, унинг шахсини аниқлаш жараёни тугагунга қадар мамлакатдан чиқариб юборилмаслиги ҳамда бу шахсга тегишли ёрдам кўрсатилиши, шу жумладан буни ички қонунчилик талаб қилса, унга ўз жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш учун тегишли вақт берилиши, бу вақт давомида шахсни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслигини таъминлашга даъват этади;

(...)

7. Иштирок этувчи давлатларни, ҳали буни қилмаган бўлсалар, жиноий процесс доирасида боланинг манфаатларини энг мақбул тарзда таъминлаш принципларига мувофиқ, одам савдосидан жабрланган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, камситмаслик бўйича махсус чораларни кўришга, бола жиноий процессда иштирок этиш ва ўз кўрсатмаларини бериш имкониятига эга бўлишни таъминлашга даъват этади;

8. Иштирок этувчи давлатларни, ҳали буни қилмаган бўлсалар, одам савдоси ҳодисаси бўйича ишларни тергов қилиш ва бунинг учун таъқиб қилиш жабрланган томонидан бу ҳақда шикоят қилганлиги ёки айблаганлигига боғлиқ бўлмаслигини таъминлашга даъват этади.

9. Иштирок этувчи давлатларни одам савдосидан жабрланганлар билан улар инсон ҳуқуқларидан таҳдидсиз, кўрқитилмасдан ёки камситилмасдан тўлиқ фойдаланишларини кафолатлайдиган тарзда муомалада бўлишни ва жабрланганларнинг ўзларига етказилган руҳий жароҳатларини тузатишлари учун тегишли вақтга эҳтиёжларини тан олишни таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттиришга даъват этади;

10. Иштирок этувчи давлатларга, тегишли қонунлари талабларига мувофиқ, одам савдосидан жабрланганлар ўзларига етказилган зарар учун адолатли ва зарур компенсация олиш имкониятларига эга бўлишлари ва тегишли ҳолларда жиноят ва/ёки фуқаролик суд жараёни доирасида моддий тоvon тўлашни талаб этишлари учун тегишли чоралар кўришни тавсия қилади;

11. Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, прокуратура тузилмаларини тегишли халқаро органлар, шу жумладан Интерпол ва Европол, бошқа иштирок этувчи давлатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари билан алоқа бўйича ходимларни тайинлаш ёки жиноий одил судлов доирасида, жавоб чоралари самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишни таъминлайдиган ҳолларда, қўшма тергов бригадаларини тузиш шаклида ҳамкорликни янада фаоллаштиришга даъват этади;

12. Иштирок этувчи давлатларни одам савдоси тармоқларини фош этиш, жумладан одам савдоси муносабати билан молиявий тергов, ғайриқонуний пул

операцияси ҳолатлари бўйича тергов тадбирларини ўтказиш орқали ҳамда одам савдоси билан шуғулланадиган шахслар маблағларини музлатиб қўйиш ёки мусодара қилиш йўли билан фош этиш мақсадидаги чораларни фаоллаштиришга қатъиян даъват этади;

13. Махсус вакилга мавжуд ресурслар доирасида ва иштирок этувчи давлатлар билан ҳамкорликда Доимий кенгаш олдида мунтазам ҳисоб бериш қисми сифатида одил судлов доирасида одам савдосига қарши самарали кураш олиб боришни янада кучайтириш йўллари тўғрисида тавсиялар тайёрлашни топширади;

6.2.3 Жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш

Истамбул 1999 йил (Европа ҳавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

24. Биз аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка, шунингдек шахвоний эксплуатация қилиш ва одам савдоси барча шаклларида чек қўйиш (...) бўйича чоралар кўрамиз. бундай жиноятларнинг олдини олиш учун биз, бошқа чоралар каторида, жабрланганларни ҳимоя қилишни кучайтиришга (...) кўмаклашамиз.

Вена 2000 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш тўғрисидаги қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

3. Иштирок этувчи давлатларнинг комплекс ва мувофиқлаштирилган ёндашув асосида одам савдосига қарши кураш, жумладан (...) жабрланганларни ҳимоя қилиш (...) бўйича асосий масъулиятини тан олади.

(...)

9. Ўз зиммасига, жумладан қонунчиликда одам савдосини жиноят сифатида квалификациялашни қабул қилиш ва қўллаш йўли билан зарур чораларни амалга ошириш мажбуриятини олади (...) Бундай қонунчиликда одам савдоси муаммосида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёндашуви ҳисобга олиниши ва жабрланганларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосидан жабрланганлар фақат савдо объекти бўлганликлари сабабли таъқиб қилинмасликларини таъминлайдиган қоидалар бўлиши керак;

10. Қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиш ёки одам савдосидан жабрланганлар тегишли ҳолларда бу жойда вақтинча ёки домий қолишлари имкониятини берадиган бошпаналар ташкил этиш каби тегишли чораларни кўриш, одам савдосидан жабрланганларни улар ҳавфсизлигини зарур даражада таъминланган ҳолда, жумладан ҳужжатлар бериб, шунингдек бундай жабрланганларга ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар берилишини таъминлаш, уларни реабилитация ва ижтимоий реинтеграция қилиш масалалари бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиқиш.

Порту 2002 йил (Одам савдоси тўғрисидаги декларация)

Биз одам савдосидан жабрланганларга айниқса аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишга интиламиз ва шу мақсадларда, бу мақсадга мувофиқ бўлганда, одам савдосидан жабрланганлар фақат савдо объекти бўлганликлари сабабли таъқиб қилинмасликларини таъминлайдиган ишларни топшириш ва кўриб чиқиш бўйича самарали ва ҳаммабоп миллий механизмларни яратамиз.

Ҳар қандай вазиятларда жабрланганлар кадр-қиммати ва инсоний ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши керак (...)

Биз келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларидаги тегишли иштирокчилар ўртасидаги янада қалинроқ ҳамкорлик одам савдосидан жабрланганларни ҳаётга қайтариш дастурларида энг муҳим роль ўйнашини ва уларнинг реинтеграция қилинишини енгиллаштиришини тушунамиз. Шунинг учун биз барча ташкилотларнинг, шу жумладан жабрланганларга ёрдам кўрсатаётган НХТларнинг бундай ҳамкорликни янада ривожлантиришларини рағбатлантирамиз.

Биз одам савдосидан жабрланганлар тегишли ҳолларда ҳудудимизда вақтинча ёки доимий қолишлари, шунингдек инсонпарварлик ҳамда ҳамдардлик ҳисобга олинadиган бошқа чораларни кўриш масаласини кўриб чиқамиз.

Маастрихт, 2003 йил. (Қарорлар: Одам савдосига қарши кураш 2/03-сон қарорига Илова; ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режаси)

V. Ҳимоя ва ёрдам

(...)

1. Маълумот тўплаш ва тадқиқотлар ўтказиш

1.1. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларида одам савдосидан жабрланганларни самарали ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишга доир энг яхши амалиётга оид ахборот ва бошқа маълумотларни айирбошлаш ҳамда таҳлил қилиш орқали маълумот тўплаш.

2. Қонунчилик чоралари

2.1 Одам савдоси билан жабрланганларга, айниқса тергов ва суд муҳокамаси давомида, ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоялаш учун ҳуқуқий асос яратувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш.

2.2 БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи БМТнинг Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш ёки унга қўшилиш ҳамда унинг тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш.

3. Одам савдоси жабрланувчилари ишларини кўриб чиқишга беришнинг миллий механизми

3.1 Иштирокчи-давлатлар томонидан одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасидаги ўз вазифаларини ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти ва ушбу соҳада олиб бориладиган ишларнинг бошқа иштирокчилари билан стратегик шерикликда амалга ошириладиган ҳамкорлик режаларини яратиш орқали ишларни кўриб чиқишга беришнинг миллий механизминини таъсис этиш.

3.2 Одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаб топишни енгиллаштириш ҳамда бундай шахсларнинг қарашлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилиб, улар билан муносиб муомалада бўлишга қаратилган рахбарий кўрсатмаларни шакллантириш.

3.3 Одам савдоси жабрланувчилари ишларини кўриб чиқишга беришнинг миллий механизми ишига жалб этиладиган энг муҳим иштирокчилар сифатида одам савдосига қарши кураш учун махсус ташкил этилган бўлинмаларни ҳам қўшган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек маҳаллий даражадаги полиция, миграция ва чегара хизматлари, ижтимоий ёрдам кўрсатиш тузилмалари, тиббиёт муассасалари, шунингдек НХТлар ҳамда фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларидаги мансабдор шахсларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.

3.4 Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ишини тергов органлари ва прокуратура фаолияти билан мувофиқлаштириш учун тегишли механизмлар яратиш.

3.5 Полиция ҳамда НХТларнинг одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш, уларга маълумотлар бериш ва уларни ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш.

3.6 Одам савдосига қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда унинг амалга оширилишини кузатиб бориш ваколатига эга бўлган тармоқлараро ва соҳалараро гуруҳларни шакллантириш мақсадида ишларни бериш ва кўриб чиқишнинг миллий механизми ишини идоралараро органлар, миллий координаторлар, НХТлар ва бошқа тегишли миллий институтлар фаолияти билан боғлаш.

4. Турар жойлар

4.1 Давлат органлари, НХТлар ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қошида одам савдосидан жабрланганлар учун турар жойлар ташкил қилиш; ушбу турар жойларда уларга ҳавфсизлик, ўзларига маълум тилда холис тавсия ва маслаҳатлар олиш имкони, биринчи тиббий ёрдам ҳамда бошдан кечирган кулфатдан кейин ўйлаб кўриш учун вақтдан фойдаланиш имкони таъминланиши керак. Турар жойлар аёллар учун кризис марказлари сингари мавжуд муассасалар негизда ташкил этилиши мумкин.

4.2 Тергов ўтказилиши чоғида маъмурлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр ёки тайёр эмаслигидан қатъи назар, одам савдосидан жабрланган барча шахсларга турар жойдан фойдаланиш имконини бериш.

4.3 Бундай турар жойлар ходимларининг ҳавфсизлигини, олинадиган ахборотнинг сир тутилишини, шунингдек одам савдосидан жабрланганлар ҳавфсизлигини ва уларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш.

4.4 Турар жойлардан одам савдосидан жабрланганларга кейинчалик уларнинг реинтеграцияси, ишга жойлашишлари ва мустақил бўлишларини, шунингдек бошдан кечирган кулфатдан сўнг ижтимоий рақобатбардошлигини оширишни осонлаштирадиган таълим олишлари учун имконият беришда фойдаланиш.

5. Хужжатларни бериш

5.1 Зарур бўлганида жабрланганларнинг шахси ва бориш мамлакатларидаги мақомини аниқлаш бўйича биринчи қадам сифатида хужжатларнинг берилишини таъминлаш, бу эса кейинги кўмакнинг вазиятга мос вариантини, масалан, репатриация (ихтиёрий бўлгани маъқул), истиқомат учун вақтинчалик ёки доимий хужжат бериш ва/ёки ёлланма ишни легаллаштиришни танлашга имкон беради.

5.2 Шахсий маълумотларнинг текширилишини осонлаштириш ва тезлаштириш мақсадида ҳамда асоссиз ёки номаъқул сусткашликка йўл қўймаслик мақсадида келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан шуғулланувчи барча муассасаларнинг масъул мансабдор шахслари, жумладан иштирок этувчи давлатлар элчихоналари ва консулликларининг ходимлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш.

5.3 Одам савдосидан жабрланган деб топилган шахсларга ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг дипломатик ва консуллик вакиллариغا мурожаат этиш ҳуқуқи ҳақида маълумот бериш.

6. Ижтимоий ёрдам кўрсатиш

6.1 Ижтимоий ёрдам ва интеграция дастурларини ишлаб чиқиш, жумладан бошпаналарда ёхуд бошқа тегишли муассасаларда жабрланган шахсга маълум тилда юридик маслаҳатлар бериш, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш.

6.2 Агар миллий қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, мусодара этилган активлардан одам савдосидан жабрланганларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича дастурларга давлат молиялаштиришига қўшимча сифатида ҳамда жабрланганларга уларга қарши содир этилган жиноятнинг оғирлигига мутаносиб товон тўлаш учун фойдаланишга имкон берувчи юридик чоралар қўллаш имкониятини кўриб чиқиш.

7. Репатриация, реабилитация ва реинтеграция

7.1 Одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ва оиласининг хавфсизлигини инобатга олган ҳолда ҳамда асоссиз ва номаъкул сусткашликларсиз келиб чиқиш мамлакатига асосан ихтиёрий репатриациясида қўмаклашиш.

7.2 Қайтарилиш ва чиқариб юборилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар давомида, инсонпарварлик ва меҳр-шафқатга асосланган ёндашувни инобатга олган ҳолда, тегишли тартибларга риоя этилишини таъминлаш.

7.3 Одам савдосидан жабрланганларга ижтимоий-иқтисодий имтиёз бериш орқали уларнинг реабилитация қилиниши ва ижтимоий реинтеграциясига қўмаклашиш имкониятини кўриб чиқиш.

7.4 ОАВлар эътиборини шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, одам савдосидан жабрланганлар шахси ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш ҳамда эълон қилиниши жабрланганлар хавфсизлигига ёки жиноят процесси давомида одил судловнинг амалга оширилишига зарар етказиши мумкин бўлган махфий маълумотларни чоп этишдан тийилиш зарурлигига қаратиш.

8. Ўйлашга вақт бериш ҳамда истиқомат учун вақтинчалик ёки доимий гувоҳномалар бериш

8.1 Жабрланганларга гувоҳлик кўрсатмалари бериш ёки бермаслик хусусида қарорга келиши учун ўйлашга етарли вақт бериш амалиётини жорий этиш масаласини кўриб чиқиш.

8.2 Агар мақсадга мувофиқ бўлса, жабрланганларнинг хавфсизлигига таҳдидлар бўлиши мумкинлиги каби омилларни инобатга олиб, уларга вақтинчалик ёки доимий истиқомат учун гувоҳномалар бериш ҳақидаги масалани яқка тартибда кўриб чиқиш.

8.3 Агар мақсадга мувофиқ бўлса, жабрланганларга қабул қилувчи мамлакатда бўлиш даврида ишлашлари учун рухсатлар бериш масаласини кўриб чиқиш.

9. Бошпана бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқини таъминлаш

9.1 Одам савдосига қарши кураш бўйича қонунлар, сиёсат, дастурлар ва тадбирлар барча шахсларнинг, жумладан одам савдосидан жабрланганларнинг қочокларга доир халқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқ тақиб этилишдан бошпана сўраш ва олиш, жумладан ҳайдаб чиқармаслик принципини самарали қўллаш орқали, ҳуқуқини чекламаслигини таъминлаш.

10. Болаларни ҳимоялаш

10.1 Болаларнинг алоҳида эҳтиёжлари ва бола манфаатларини энг яхши тарзда таъминлаш зарурати муносиб турар жой, тегишли таълим ва гамхўрлик бериш ҳақида қарор қабул қилиш чоғида тўлиқ инобатга олиншини таъминлаш.

Тегишли ҳолларда, бола ҳавфсизлигига бевосита таҳдид бўлмаганида, болаларга давлат таълим тизимидан фойдаланиш имконини бериш.

10.2 Одам савдосидан жабрланган болани репатриация қилиш ҳақидаги қарорни фақат ишнинг аниқ ҳолатлари ҳисобга олинганидан кейин ҳамда келиб чиқиш мамлакатида оила ёки ушбу боланинг ҳавфсизлиги, ҳимояси, реабилитацияси ва реинтеграциясини таъминлай оладиган махсус муассаса мавжуд бўлганидагина қабул қилиш.

10.3 БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари чиқарган Қаровсиз вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича йўриқномада келтирилган қоидаларни ушбу «ҳавф гуруҳи»га доир сиёсатни, айниқса шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганларга доир сиёсатни ишлаб чиқишда инобатга олиш.

10.4 Болаларни ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун ҳамроҳсиз болаларни тегишлича қабул қилишнинг асосий принциплари тўғрисидаги икки томонлама ва/ёки минтақавий битимлардан фойдаланиш.

10.5 Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча бўлган Болалар савдоси, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографияси ҳақидаги факультатив протоколни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш ҳамда унинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш.

11. Одам савдоси жабрланувчилари ишларини кўриб чиқишга беришнинг миллий механизми

11.1 Иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра, уларда ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий механизмини яратишда ёрдам кўрсатиш мақсадида ЕХХТ, ва айниқса ДИХББнинг фаолиятини жадаллаштириш.

11.2 Иштирок этувчи давлатларга ёрдам кўрсатишнинг заруриятдан келиб чиққан ҳолда, ЕХХТнинг полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича гуруҳига, ДИХББ билан биргаликда, одам савдосига йўлиқиши эҳтимоли бўлган жабрдийдаларни аниқлаш ва одам савдоси бўйича далилларини тўплаш бўйича йўриқнома ёки қўлланма ишлаб чиқишни давом эттиришни топшириш.

(...)

14. Кадрлар тайёрлаш

(...)

14.2. ДИИХБга ЕХХТда иштирок этувчи давлатларда кўрилаётган чоралар, мавжуд ўқув дастурлари ва материаллари ҳақида ахборот тўплаш ва тарқатишни топшириш.

15. Қонунчилик чоралари

15.1 ДИИХБ ўз ҳаракатларини БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Европа Кенгаши ва бошқа тегишли иштирокчилар билан мувофиқлаштириб, Иштирок этувчи давлатларга уларнинг илтимосига кўра, аввало одам савдосидан жабрланганларга инсонпарварлик билан ва меҳр-шафқатга асосланган ёндашувни рағбатлантириш эвазига, уларнинг миллий қонун ҳужжатларини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштиришда ёрдам кўрсатишда давом этади.

София 2004 йил (Қарорлар: Одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳимояга ва ёрдамга бўлган алоҳида эҳтиёжлари 13/04-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

1. ЕХХТнинг болалар савдосининг олдини олиш, савдодан жабрланган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишга (...) қаратилган савдод-ҳаракатларини кучайтиришга қарор қилади (...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Кенг қамровли ва ташаббусли ёндашув асосида одам савдоси, жумладан меҳнатидан фойдаланиш мақсадидаги одам савдосига қарши кураш бўйича ҳаракатларни жадаллаштириш тўғрисидаги 14/06-қарори)
Вазирлар кенгаши,

(...)

2. Иштирок этувчи давлатларни одам савдосининг барча шакллариغا қарши кураш муаммосига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат инспекциялари, ижтимоий ҳимоя органлари, тиббиёт муассасалари, иммиграция ва чегара хизматлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва бизнес-ҳамжамиятлар ўртасида, шунингдек бошқа ҳар қандай тегишли томонлар ўртасида ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга миллий, минтақавий ва халқаро механизмлар доирасида кенг қамровли ёндашув, жумладан гендер жиҳатларига қаратилган ёндашувнинг қабул қилинишида қўмаклашишга қатъий чақиради. Шу мақсадда, иштирокчи-давлатларга одам савдоси жабрланувчилари ишларини кўриб чиқишга беришнинг миллий механизмини ташкил этиш, шунингдек миллий мувофиқлаштирувчиларни тайинлаш тавсия этилади;

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларни, халқаро ташкилотлар ва, қаерда мақсадга мувофиқ бўлса, НХТлар билан ҳамкорликда, одам савдосидан жабрланган ва репатриация қилинганлар учун рецидив хавфининг даражасини, айниқса одамларнинг кўпинча одам савдоси объектига айланишларига олиб келадиган қашшоқлик, камситилиш, таълим олиш ва иқтисодий имкониятлардан маҳрум бўлиш, жинсий суиистеъмолликлар ва маиший зўравонлик каби омилларни бартараф этиш орқали, шунингдек жабрланганлар уларнинг хавфсизлиги масаласи лозим даражада ҳисобга олинган ҳолда қайтарилишини таъминлаш мақсадида хатарларни баҳолаш орқали пасайтиришга қатъий чақиради;

5. Одам савдосидан жабрланганларга, жумладан уларга тегишли ҳуқуқлари бўйича ўзлари тушунадиган тилда маслаҳат ва ахборот бериш соҳасида одил судловдан самарали фойдаланиш имконини беришнинг, шунингдек уларга етказилган зарар эвазига компенсация олишлари учун имкон берилишининг муҳимлигини таъкидлайди ҳамда Иштирок этувчи давлатларни БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Палермо конвенцияси) ва унга қўшимча Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколнинг тегишли қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларини бажаришга чақиради;

(...)

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларида одам савдосига қарши кураш 8/07-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

иштирок этувчи давлатларни қуйидагиларга даъват этади:

1. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганлар одил судловдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш;

2. Ички ҳуқуқ ва халқаро мажбуриятларга мувофиқ, одам савдосидан жабрланганларга ўйлаб кўриш учун вақт бериш ва яшаш учун вақтинча ёки доимий рухсат бериш, жабрланганларга мамлакатда бўлган вақтларида ишлашга рухсат бериш ва бундай имконият тўғрисида хабардорликларини ошириш;

3. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларга ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Иш режасининг V қисмида ва одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳимояланиш ва ёрдам олиш алоҳида эҳтиёжларига тааллуқли Қўшимчалардаги тавсияларни эътиборга олган ҳолда, жумладан бошпанадан, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш сифатида ёрдам кўрсатишни таъминлаш ва уларнинг шундай хизматлар мавжудлигидан хабардорлигини ошириш;

4. Одам савдосидан жабрланганларни айнанлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш ва бу иш самарадорлигини оширишни таъминлаш, шу муносабат билан мазкур вазифани бажариш учун зарур бўлган ўз меҳнат инспекторларини ва ресурсларни тайёрлашни таъминлаш, зарур бўлган ҳолларда меҳнат эксплуатацияси нуктаи назаридан ҳимояланмаган секторларда инспекциялар ўтказишни фаоллаштириш;

5. Фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан НХТнинг, ва меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитлари устидан назорат қилиш, бошқа масалалар қаторида меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, бундай савдонинг ва меҳнат ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш ваколатига эга бўлган давлат муассасалари ўртасида, шу жумладан аниқ мақсадга йўналтирилган ахборот-маърифий дастурлар ёки ихтиёрий хулқ-атвор кодекслар ёрдамида шериклик муносабатларини қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

6. Миллий қонунчиликка мувофиқ, меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларга суд жараёнида, жабрланган бунӣ ўзи мустақил амалга ошира олмайдиган бўлса, муқобил вакилликка рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш;

7. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларга етказилган зарар учун компенсация олиш, жумладан, зарурат бўлганда, уларнинг иш ҳақи бўйича қарзларини қайтариб бериш имкони берилиши кўзда тутиладиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки уларни мустаҳкамлаш масаласини кўриб чиқиш;

8. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдоси муаммолари бўйича ҳуқуқ-тартибот ва суд органларининг меҳнат ва иммиграция масалалари билан шуғулланадиган мансабдор шахслари ва ижтимоий таъминот хизмати ходимлари ўртасида одам савдоси муаммолари бўйича идоралараро ҳамкорликни, шу жумладан ЕХХТнинг Одам савдосига қарши кураш бўйича Ҳаракат режасида кайд қилинган тавсияларига мувофиқ, одам савдоси жабрланувчилари ишларини кўриб чиқишга беришнинг миллий механизмини заруратга кўра ташкил этиш ёки мустаҳкамлаш йўли орқали кучайтириш;

9. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосидан жабрланганларга қонуний асосда ёрдам кўрсатаётган фуқаролик жамиятининг ташкилотлари бундай ёрдам кўрсатганлик учун жазоланмасликлари ва қонундан ташқарида деб эълон қилинмасликларини таъминлаш;

10. Ўз ҳуқуқ тизимининг асосий принципларига мувофиқ, мақсадга мувофиқ бўлганда, жабрланганларни агар улар ғайриқонуний фаолиятда қатнашишга мажбурланган бўлсалар бунинг учун жазоланмасликлари имкониятини назарда тутиш;
(...)

18. Судлар, прокурорлар, полиция ходимлари ва меҳнат инспекторларини меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосига тааллуқли масалалар бўйича, ҳам жиноий таъқиб, ҳам жабрланганларни ҳимоя қилиш нуктаи назаридан тайёрлашни ва шу муносабат билан, зарурат бўлганда, тегишли ресурсларни тақдим этишни таъминлаш масаласини кўриб чиқиш;
(...)

21. Меҳнатидан фойдаланиш мақсадларидаги одам савдосига қарши кураш соҳасида ахборот ва энг яхши амалиётни айрибошлаш йўли билан халқаро даражадаги ҳамкорликни ошириш ва жабрланганларни ҳимоя қилиш (...) репатриация ҳолатларида реиммиграция қилишларига ёрдам кўрсатишни кучайтириш йўллари кўриб чиқиш;
(...)

Хельсинки 2008 йил ((Қарорлар: Жиноий одил судлов доирасида комплекс ёндашув асосида одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш 5/08-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

халқаро, минтақавий ва миллий даражада (...) кўрилатган изчил чораларга қарамасдан, одам савдоси билан шуғулланувчи фақат айрим шахсларгина одил судловга тортилганлигидан ўзининг ташвишини яна бир бор баён қилиб,
(...)

иштирок этувчи давлатларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлари ва бошқа тегишли органлар билан ҳамкорликда, жумладан, одам савдосининг олдини олиш (...) чораларини қамраб олган одам савдосига қарши курашга кенг қамровли, мувофиқлаштирилган ва интеграциялашган ёндашувни ишлаб чиқиш йўналишидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни яна бир бор тасдиқлаб,
(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга зарурат бўлганда ва ўзларининг тегишли қонунларида кўзда тутилганда, одам савдосидан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этаётган фуқаролик жамияти ташкилотлари жиноий процесс давомида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлишларини таъминлашни, бу соҳада ҳуқуқ-тартибот тузилмалари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятини кўриб чиқишни тавсия этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни маъмурларда муайян шахс одам савдосидан жабрланганлигига оқилона асос бўлганда, унинг шахсини аниқлаш жараёни тугаунга қадар мамлакатдан чиқариб юборилмаслиги ҳамда бу шахсга тегишли ёрдам кўрсатилиши, шу жумладан буни ички қонунчилик талаб қилса, унга ўз жисмоний ва маънавий кучларини тиклаш учун тегишли вақт берилиши, бу вақт давомида шахсни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор ижро этилмаслигини таъминлашга даъват этади;

6. Иштирок этувчи давлатларга одам савдосидан жабрланганлар ортиқча кечиктирилмасдан кафолатланган турар жой, психологик ва тиббий ёрдам ҳамда ўзларининг юридик ҳуқуқлари ва кўрсатилиши керак бўлган хизматларга тааллуқли маслаҳатлар олишларини таъминлашларини тавсия этади;

7. Иштирок этувчи давлатларни, ҳали буни қилмаган бўлсалар, жиноий процесс доирасида боланинг манфаталарини энг мақбул тарзда таъминлаш принципларига мувофиқ, одам савдосидан жабрланган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, камситмаслик бўйича махсус чораларни кўришга, бола жиноий процессда иштирок этиш ва ўз кўрсатмаларини бериш имкониятига эга бўлишини таъминлашга даъват этади;

(...)

9. Иштирок этувчи давлатларни одам савдосидан жабрланганлар билан улар инсон ҳуқуқларидан таҳдидсиз, кўрқитилмасдан ёки камситилмасдан тўлиқ фойдаланишларини кафолатлайдиган тарзда муомалада бўлишни ва жабрланганларнинг ўзларига етказилган руҳий жароҳатларини тузатишлари учун тегишли вақтга эҳтиёжларини тан олишни таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттиришга даъват этади;

10. Иштирок этувчи давлатларга, тегишли қонунлари талабларига мувофиқ, одам савдосидан жабрланганлар ўзларига етказилган зарар учун адолатли ва зарур компенсация олиш имкониятларига эга бўлишлари ва тегишли ҳолларда жиноят ва/ёки фуқаролик суд жараёни доирасида моддий тоvon тўлашни талаб этишлари учун тегишли чоралар кўришни тавсия қилади;

6.3 НАРКОТИКЛАР, ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР БИЛАН НОҚОНУНИЙ САВДО ҚИЛИШНИ ВА ХАЛҚАРО УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БОШҚА ШАКЛЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Шунингдек қаранг:

§ II.6.2: Одам савдосини олдини олиш

§ II.6.4: Терроризмнинг олдини олиш

Париж 1990 йил (Демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даври)

Биз (...) наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши биргаликда кураш олиб борамиз.

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

27. Наркотикларнинг ноқонуний айланиши бизнинг жамоатчилик ва демократик институтларимизнинг барқарорлиги учун хавф ҳисобланади. Биз наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва халқаро уюшган жиноятчилик барча шаклларида қарши курашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан икки тарафлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг барча турларини мустаҳкамлаймиз.

Бухарест 2001 йил (Вазирлар кенгашининг декларацияси)

4. (...) Уюшган жиноятчилик, наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний айланиши ҳамда одам савдоси барча иштирок этувчи давлатлар ҳаёфсизлиги, иқтисодиёти ва ижтимоий тузилмасига таҳдид солади. Вазирлар кенгаши бу даъватларга қарши туриш учун саъй-ҳаракатларни кучайтириш ва халқаро ҳамкорликни

кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди ҳамда иштирок этувчи давлатларни, башарти улар ҳали бунни қилмаган бўлсалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига ва унинг протоколларига қўшилишга даъват этади.

Порту 2002 йил (Одам савдоси тўғрисидаги декларация)

Биз иштирок этувчи давлатларни трансмиллий уюшган жиноятчилик, шу жумладан наркотиклар ва курол-яроғларнинг ноқонуний айланиши каби жиноий ҳаракатлар, шунингдек мигрантлар контрабандаси билан курашиш учун халқаро ҳамкорликни кучайтиришга даъват этамиз. Бундай ҳамкорликда Европол ва Интерпол каби халқаро ҳуқуқ-тартибот органлари, шунингдек Жанубий-Шарқий Европада Ҳамкорлик бўйича ташаббус (ЖШЕХТ) иштирок этишлари керак.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

31. ЕХХТ уюшган жиноятчилик билан курашиш бўйича ўз фаолиятини кучайтиради. ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг полиция экспертлари билан ихтисослашган тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллариининг доимий учрашувлари бунга муҳим ҳисса бўларди (...) ЕХХТнинг енгил ва ўқ отар куроллар (ЕЎОК) тўғрисидаги ҳужжати ЕЎОК билан ноқонуний савдо ва унинг тарқатилиши барча кўринишлари билан курашишнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳужжатни амалга ошириш бўйича фаолият қўшимча равишда кучайтирилади. ЕХХТ наркотикларнинг ноқонуний айланиши муаммосини ҳал этиш бўйича Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (бундан кейин, ЮНОДК) билан ҳамкорликда кўраётган савдо-ҳаракатларини давом эттиради. Бу муаммога самарали ва кенг қамровли халқаро ёндашувни ишлаб чиқиш керак.

32. Полиция фаолиятининг стратегик масалалари бўйича гуруҳи иштирок этувчи давлатларнинг жиноий фаолият билан боғлиқ таҳдидларга қарши туриш қобилиятини ошириш ҳамда уларнинг қонун устунлигини сақлаб туришларига қўмаклашишга қодирлигини ошириш учун таъсис этилган эди. Бунинг мақсади полициянинг ҳал қилувчи кўникмаларини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини такомиллаштиришдан иборатдир. ЕХХТ иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра, жиноятчилик ва жиноий ҳамжамиятлар билан курашишда ҳокимиятларга, шу жумладан маҳаллий даражада ёрдам кўрсатишга қўшимча эътибор беради ҳамда кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятни кучайтириш каби полиция фаолиятининг ҳал қилувчи йўналишларини белгилаб беради ва ривожлантиради.

33. ЕХХТ мигрантларни контрабанда қилиб ўтказиш ва нолегал миграция каби муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз савдо-ҳаракатларини фаоллаштиради.

34. Коррупциянинг самарали олдини олиш ва унинг барча шакллари билан курашишга кенг қамровли, соҳалараро ёндашув зарур. ЕХХТ ЮНОДК ҳамда бошқа тегишли халқаро ташкилотлар ва молиявий муассасалар билан фаолиятини калин мувофиқлаштирган ҳолда ЕХХТ минтақасининг ҳамма жойида коррупция қўламларини камайтиришга ҳиссасини қўшади.

35. Терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг таҳдидлари кўп ҳолларда ўзаро боғлиқдир ҳамда уларга қарши туришнинг синергетик ёндашувларини ўрганиш давом эттирилади. Одамлар, ресурслар ва курол-яроғнинг трансчегаравий ҳаракати,

шунингдек террористик фаолиятни молиялаштириш ва моддий-техникавий қўллаб-қувватлашнинг манбаи сифатидаги ноқонуний айланиши тобора ортиб борадиган роль ўйнайди. ЕХХТ бу муаммоларни ҳал этиш, чегараларнинг очиқлиги ва ҳавфсизлигини салоҳиятни янада самарали кучайтириш ва ўзаро манфатли давлатлараро ҳамкорлик манфаатларида, шу жумладан ЕХХТнинг чегаралар ва чегара тартибинининг ҳавфсизлиги масалалари бўйича концепциясини ишлаб чиқиш бўйича қўллаб-қувватлашга қаратилган ўз салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Любляна 2005 йил (Чегаралар ва чегара тартиби ҳавфсизлиги соҳасидаги концепция: ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг ҳамкорлиги учун доиралар)

2. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари улар томонидан барча даражаларда қабул қилинган чегараларга тааллуқли масалалар бўйича ўз юридик ва ҳукукий мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар:

(...)

2.2 Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ даражасида Хельсинки Якунловчи ҳужжатида эълон қилинган нормалар, принциплар, сиёсий мажбуриятлар ва қадриятларни яна бир бор тасдиқлайдилар, уларнинг ҳаммаси ҳар бирининг бошқаларини ҳисобга олган ҳолда талқин этилишида бир хил ва оғишмай қўлланилади. Улар 1990 йилги Копенгаген ҳужжатида, 1992 йилги Хельсинки ҳужжатида ва 1999 йилги Европа ҳавфсизлиги хартиясида қайд этилган принциплар ва сиёсий мажбуриятларни яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар ЕХХТнинг чегараларга тааллуқли масалаларга бағишланган ҳаракат режалари, қарорлар ва бошқа тегишли келишилган ҳужжатларни эслатадилар. Жумладан, ЕХХТнинг ХХI асрда ҳавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегиясининг 35-бандида белгилаб қўйилганидек, ЕХХТнинг чегараларнинг очиқлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича салоҳиятни мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли давлатлараро ҳамкорлик (...), уюшган жиноятчилик (...), шунингдек қурол-яроғ, наркотиклар ва одамларнинг ноқонуний айланиши таҳдидларига қарши туриш воситаси бўлиб хизмат қилади;

(...)

4. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг чегара ва божхона хизматлари, кириш ва чиқиш ҳужжатлари ҳамда виза беришга масъул идоралар, ҳукук-тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли миллий идоралари ўртасидаги ҳамкорликни куйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ривожлантирадилар:

(...)

4.3 Трансмиллий уюшган жиноятчилик, нолегал миграция, коррупция, контрабанда ҳамда қурол-яроғ, наркотиклар ва одамлар ноқонуний савдосининг олдини оладилар ва буларга чек қўядилар;

(...)

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Трансмиллий уюшган жиноятчилик билан курашиш 3/05-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Трансмиллий уюшган жиноятчилик билан бошқа, ноқонуний наркотиклар, терроризм, енгил ва ўқ отар қурол, шунингдек сезгир материаллар ва технологиялар билан ноқонуний савдо, мигрантларни ноқонуний олиб келиш, кибержиноятчилик,

уюшган жиноятчилик ва пулни ювиш маъносидаги коррупция ва нолегал миграция каби таҳдидлар ўртасидаги мавжуд алоқаларни таъкидлаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва унга протоколлар трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши қаратилган халқаро ҳамкорлик фаолиятида олға қараб қўйилган йирик қадам ҳисобланишини ҳамда бу таҳдидга глобал қарши туриш имкониятини таъминланишини қайд этиб,

ЕХХТ томонидан уюшган жиноятчилик билан курашишга тааллуқли соҳаларда олиб борилаётган ишни қайд этиб,

ЕХХТ томонидан қабул қилинган кенг қамровли хавфсизлик концепцияси иштирок этувчи давлатларнинг уюшган жиноятчилик таҳдидларига қарши туриш бўйича салоҳиятини оширишнинг энг мақбул воситаси ҳисобланишига ишончи комил бўлган ҳолда ҳамда ЕХХТ уюшган жиноятчилик билан курашишга қўмаклашиш учун зарур доираларни таъминлаши мумкинлигини ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар ва институтлар, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятлар бўйича бошқармаси томонидан қилинган муҳим ишни қайд этиб,

- иштирок этувчи давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг (ЮНОДК), Европа Кенгаши ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъиян даъват этади;
- ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларига, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва унга протоколларга қўшилиш масаласини қараб чиқишни ҳамда келгусида бу ҳужжатлар бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришни таклиф этади;
- Бош котибга тегишли илтимослар билан мурожаат этаётган иштирок этувчи давлатларга техникавий ёрдам кўрсатилишини, шу жумладан тегишли халқаро ташкилотларнинг Иштирокчилар конференцияси ва ЮНОДКни қўллаб-қувватлаш тартибида ҳамда улар билан қалин маслаҳатлашувлар орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва унга протоколларни бажариш мақсадларида зарур эксперт хизматлари ва ресурсларини сафарбар этишларини қўллаб-қувватлашни топширади;
- уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва у билан курашиш иштирок этувчи давлатлардан ўзларининг тегишли миллий конунчилиги ва дастурларини, жумладан жиноий одил судлов соҳасидаги конунчилигини конун устуворлиги принципи ва ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг сиёсий мажбуриятлари асосида бажарилишига қўмаклашиш ишига мувофиқлаштирилган ёндашувни талаб этишини эслатади;
- Доимий кенгашга иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни ҳамда Бош котиб ва ЕХХТнинг тегишли институтлари қўллаб-қувватлашида тегишли илтимослар билан мурожаат қилаётган иштирок этувчи давлатларга ЮНОДК, Европа Кенгаши ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар билан маслаҳатлашувда жиноий одил судлов тизими, жумладан конунчилик, ҳуқуқни қўллаш, суд тартиби, одил судловни амалга ошириш,

ҳалқаро ҳукукий ҳамкорлик, шу жумладан экстрадиция ва одил судлов тизимларининг амал этишини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадларида ёрдам кўрсатишнинг имконияти бўлган чоралари ва шакллари аниқлашни топширади; (...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Уюшган жиноятчилик 5/06-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,
(...)

уюшган жиноятчилик бизнинг глобаллашган иқтисодийтимиз ва очиқ жамиятимизни эксплуатация қилишда тобора самарали бўлиб бораётганлигидан ва ЕХХТ бутун минтақасида барча иштирок этувчи давлатлар учун кучайиб бораётган кенг қўламли даъват ҳисобланишидан ташвишланиб,

уюшган жиноятчилик улкан бойликларни тасарруф этиши ва даҳшатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлгани ҳолда, жамиятларимиздаги демократик қадриятларни қўпориш эҳтимолидан ҳамда оддий фуқароларнинг осойишталиги ва ҳавфсизлигига бевосита ёки билвосита таҳдид солишидан ташвишланиб,

шунингдек, уюшган жиноятчилик, одам савдоси, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши, коррупция ва терроризм, шунингдек трансмиллий ва миллий жиноий фаолиятнинг бошқа шакллари ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқаётган даъватлар ва таҳдидлардан ҳам ташвишланиб,

уюшган жиноятчилик билан курашиш фуқароларимизнинг осойишталиги ва ҳавфсизлигини ҳам миллий даражада, ҳам халқаро ҳамкорлик йўли билан таъминлаш бўйича бизнинг сиёсатимизнинг марказий унсури бўлиб қолишига ишонч билдирган ҳолда,

инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлигини ҳурмат қиладиган ҳамда фуқароларга ва фуқаролик жамиятига ҳисоб берадиган демократик институтлар ёрдамида уюшган жиноятчилик билан энг самарали кураш олиб бориш мумкинлигини таъкидлаб,

жамият осойишталиги ва ҳавфсизлигини сақлаб туришда жиноий одил судловнинг таъсирчан ва самарали тизими ўйнайдиган ҳал қилувчи ролни таъкидлаб,

жиноий одил судловга тааллуқли сиёсат ва фаолият, бошқа нарсалар қатори, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот фаолияти, полиция, суд тизими, жиноий таъқиб қилиш, адвокатлар ва жиноий-пенитенциар тизимларни қамраб олиши зарурлигини эътироф этиб,

ишончли ва самарали жиноий одил судлов тизимлари қонун устунлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосидагина яратилиши мумкинлигини ҳамда қонун устунлиги ўз ҳолича жиноий одил судловнинг бундай тизимини ҳимоя қилишни талаб этишини эътироф этиб,

қонун устунлигига асосланган жиноий одил судловнинг самарали ва таъсирчан тизимлари уюшган жиноятчилик, одам савдоси, наркотиклар ва қурол-яроғнинг ноқонуний айланиши, терроризм, коррупция ҳамда трансмиллий ва ички миллий жиноий фаолиятнинг бошқа шакллари билан курашиш воситаси эканлигини ҳамда жиноий одил судлов тизимининг умумий доирасида ҳавфсизликка бу даъватларга малакали жавоб берилиши талаб қилинаётганлигини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасидаги стандартлари ва нормаларининг доимий аҳамияти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича

бошқармасининг (ЮНОДК) юқорида қайд қилинган стандарт ва нормалардан фойдаланиш ва қўллашни қўллаб-қувватлашидаги ролини эътироф этиб ҳамда ЕХХТ Котибияти, ЮНОДК ва БМТ Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов бўйича комиссияси ўртасидаги ҳамкорлик кенгайишини табриклаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошқа органларининг ва қонун устунлиги соҳасидаги бошқа халқаро анжуманлар фаолиятини қайд этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Палермо конвенцияси) бўйича ҳамда зарурат бўлган ҳолларда, унга қўшимча протоколларни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси бўйича мажбуриятларнинг уюшган жиноятчилик ҳамда коррупция билан курашиш воситаси эканлигини, шунингдек жиноятчилик билан курашиш масалаларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги аҳамиятини қайд этиб,

(...)

ЕХХТ халқаро ҳукукий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва жиноий одил судлов тизимини такомиллаштиришни ўзининг хавфсизлик соҳасидаги умумий кун тартибининг қисми сифатида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа кўп томонли анжуманлар билан ҳамкорликда, диққат марказига қўйиши заруратини эътироф этиб,

1. Иштирок этувчи давлатларни жиддий хавф ҳисобланган уюшган жиноятчилик билан курашишни давом эттиришга ва, имконияти борича, ЕХХТ доирасида ўзларининг жиноий одил судлов барча соҳаларидаги тегишли халқаро мажбуриятлари бажарилишини мустаҳкамлашга қатъиян даъват этади;

2. Хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларга тааллуқли миллий режаларни қабул қилиш тўғрисидаги масалани, зарурат бўлса, қараб чиқишни ҳамда жиноий одил судлов тизимининг ҳар бир унсури бошқа унсурларга таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда интеграциялашган ёндошувни қўллашни тавсия этади;

3. Иштирок этувчи давлатларга ўз жиноий одил судлов тизимларини, зарурат бўлса, ЮНОДК/ЕХХТ баҳолаш бўйича воситаси каби халқаро ташкилотлар ихтиёрида бўлган воситалардан фойдаланган ҳолда баҳолашни амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш, мақсадга мувофиқ бўлганда, бошқа мавжуд воситаларни, шу жумладан Европа Кенгаши воситаларини (ЕКЭП) ва бошқа ташкилотлар, илмий ҳамжамиятлар ёки юридик ассоциациялар воситаларини қўллашни тақлиф этади;

4. Иштирок этувчи давлатларни ҳуқуқ-тартибот муассасалари ва жиноий таъкиб қилиш органларининг ҳалоллиги ва профессионализмига, одил судловни самарали амалга ошириш ва суд тизимининг зарур тарзда ишлашига, судларнинг мустақиллиги ва пенитенциар тизими зарур тарзда амал этишига ҳамда озодликдан маҳрум этишга муқобилликни ўрганиб чиқишга қатъиян даъват этади;

5. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиши ва у билан курашиш соҳасидаги сиёсатни режалаштиришнинг бир қисми сифатида маълумотларни тўплаш ва таҳлил этишни, мамлакатларда хавфлар ва таҳдидларни баҳолашни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ҳали қилинмаган даражада ахборот ва энг яхши амалиёт мисоллари билан алмашишни ривожлантиришни тавсия этади;

6. Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши туриш соҳасидаги муҳим қадм сифатида халқаро ҳамкорлик, ахборотларни мувофиқлаштириш ва айрибошлаш соҳасидаги миллий саъй-ҳаракатларни кучайтиришни тавсия этади;

7. Иштирок этувчи давлатларни жиноий масалалар бўйича халқаро-ҳукукий ҳамкорликни, бошқа нарсалар катори, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Палермо конвенцияси) ва, зарур бўлса, унга қўшимча протоколларни, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг иштирокчилари бўлиш масалаларини қараб чиқиш, шунингдек бу ва бошқа, ўзлари иштирокчилар бўлган кўп томонлама ва икки томонлама мажбуриятларини, шу жумладан ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатиш ва экстрадиция тўғрисидаги зарур моддалардан тегишли фойдаланиш йўли орқали бажаришга қатъиян даъват этади;

8. Иштирок этувчи давлатларни Ҳукм қилинган шахсларни топшириш тўғрисидаги конвенцияга (Страсбург, 1983 йил 21 ноябрь) ва 1997 йилги унга қўшимча протоколларга қўшилиш, мақбул бўлганда, ҳукм этилган шахсларни топширишни енгиллаштириш мақсадида мазкур Конвенцияни тўлдирадиган икки томонлама битимларга киришиш масаласини кўриб чиқишга қатъиян даъват этади;

9. Халқаро полиция ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди ҳамда 2006 йил 24 ноябрда Брюсселда бўлиб ўтган ЕХХТ мамлакатлари полиция раҳбарларининг учрашуви хулосаларини, шу жумладан доимий учрашувларни, бундай учрашувлар полиция раҳбарларининг бошқа учрашувларини ҳисобга олиб ва мувофиқлаштирилган ҳолда, доимий учрашувларни ўтказиш тўғрисидаги таклифни маълумот учун қабул қилади;

10. Фуқаролар ўз фуқаролик ҳуқуқларини янада равшанроқ англашлари, жиноий одил судлов тизимига ўз ҳуқуқларининг кафолати сифатида кўпроқ ишонч билдиришлари ҳамда тегишли органларга мурожаат этганларида қулайликларни ҳис этишлари учун аҳоли билан алоқаларни, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот органлари билан фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик йўли билан кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатлар қилишни тавсия этади;

11. (а) Бош котибга ва ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига, уларнинг мандатлари доирасида, ўз сиёсатлари ва фаолиятида қонун устунлигининг ташкилий тузилмаси ва кўмаклашишида жиноий одил судлов тизимининг ҳал қилувчи ролига алоҳида эътибор қаратишни, шунингдек бу тизимлар қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшироқ ҳисобга олиш учун ҳамкорлик қилиш ва фаолиятни янада чуқурроқ мувофиқлаштиришни топширади;

(б) Бош котибга ва ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига, уларнинг мандатлари доирасида, жиноий одил судлов ва уюшган жиноятчилик билан курашиш соҳасидаги мавжуд билимлар ва тажрибаларни ривожлантириш ва мукамаллаштиришни топширади;

(с) Бош котибга иштирок этувчи давлатлар ўртасида жиноятчилик масалалари соҳасидаги халқаро-ҳукукий ҳамкорликни, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ўрнатган доираларни эътиборга олиб, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ҳамда унинг Иштирокчилар конференциясини қўллаб-қувватлашни, шунингдек ЮНОДК билан, жумладан, уюшган жиноятчилик ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши билан курашиш масалалари бўйича ҳамкорликни давом эттиришни топширади;

(д) Бош котибга ва ДИИХБга иштирок этувчи давлатларни юкорида қайд этилган вазифаларни бажариш тўғрисида мунтазам хабардор қилиш ҳамда 2007 йилги ёзги танаффусга қадар иштирок этувчи давлатларга бу масала бўйича қўшма ёзма маъруза тақдим этишни топширади;

(е) Доимий кенгашга юқорида қайд этилган маърузани маълумот учун қабул қилиш ҳамда келгусида эҳтимол тутилган қадамлар ўринлигини қараб чиқишни топширади;

(ф) Бош котибга ва ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларига, шу жумладан ДИ-ИХБга, зарурат бўлса, бошқа халқаро ташкилотлар ва институтлар билан фаолиятни мувофиқлаштириб ва ҳамкорлик қилиб, иштирок этувчи давлатлардан лойиҳавий таклифлар ва илтимосларга жавоб беришга тайёр бўлиш ҳамда уларнинг тегишли мандатлари доирасида ва ушбу мақсадларга бадаллар мавжуд бўлганида ўқув дасурларини ривожлантириш тўғрисидаги масалани қараб чиқишни топширади;

(г) ЕХХТ барча манфаатдор органлари бирдамлигини кенгайтириш ва саъй-ҳаракатлар узвийлигининг, шунингдек ихтисослашган муассасалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг аҳамиятини таъкидлайди. Шу маънода Бош котибга, мавжуд ресурслар ва мандатлар доирасида, бундай фаолиятни мувофиқлаштиришни мустаҳкамлашни топширади. Иштирок этувчи давлатларга бу фаолиятни қўллаб-қувватлашни таклиф этади.

Остона 2010 йил

9. Айни пайтда биз бугунги мураккаб ва ўзаро боғлиқ дунёда уюшган жиноятчилик, (...) шунингдек енгил ва ўқ отиш қуроллари, [ва] наркотикларнинг ноқонуний айланиши (...) каби трансмиллий таҳдидларга қарши туришда мақсадларимиз ва саъй-ҳаракатларимизнинг янада каттароқ бирлигига эришишимиз керак. (...) Бундай таҳдидлар бизнинг минтақамизда ёки унинг ташқарисида пайдо бўлиши мумкин.

6.4 ТЕРРОРИЗМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

6.4.1 Терроризмни қоралаш ва унга қарши курашиш мажбурияти

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар бирор айбсиз одамларнинг ҳаётини хавф остига қўядиган ёки умрига зомин бўладиган ёхуд инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига бошқа тарзда хавф соладиган терроризмни, шу жумладан халқаро муносабатларидаги терроризмни қоралайдилар ҳамда улар билан курашиш бўйича катъий чоралар қўриши зарурлигини таъкидлайдилар.

Улар терроризмни ҳам миллий даражада, ҳам халқаро ҳамкорлик воситасида, шу жумладан тегишли икки томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича самарали чоралар қўришга ҳамда тегишли равишда бундай ҳолатлар билан курашишда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган катъиятларини билдирадилар. Улар бунди Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияси ва Хельсинки Яқунловчи ҳужжати мувофиқ қилишга қўшиладилар.

(...)

Иштирок этувчи давлатлар террористик фаолиятга ёки қўпоровчилик ёхуд бошқа иштирок этувчи давлат тузумини зўравонлик билан қулатишга йўналтирилган бошқа фаолиятга бевосита ёки билвосита ёрдам кўрсатишдан ўзларини

тийиб турадилар. Тегишли равишда улар ҳар қандай бундай фаолиятни, шу жумладан молиялаштириш, рағбатлантириш ва далолатчилик қилишдан ёҳуд бунга тоқат қилишдан ўзларини тийиб турадилар.

Вена 1989 йил (Европада ҳавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(8) Иштирок этувчи давлатлар давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ва уларнинг ҳавфсизлигини таҳдид остига қўядиган терроризмнинг барча жиноий қилмишлари, услублари ва амалиётини, бу ким томондан қилинмасин, сўзсиз қоралайдилар ҳамда терроризм ҳеч бир вазият билан оқлана олмаслигига қўшиладилар.

(9) Улар терроризмга ҳам икки томонлама асосда, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик, айниқса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти ва Халқаро денгиз ташкилоти каби халқаро анжуманлар йўли билан ҳамда Якунловчи ҳужжат ва Мадрид Якунловчи ҳужжатининг тегишли қоидаларига мувофиқ барҳам беришга эришишга бўлган ўз қатъиятларини билдирадилар.

(10) Иштирок этувчи давлатлар миллий даражадаги чоралар халқаро ҳамкорлик билан мустаҳкамланиши кераклигига ишончи комил бўлганликлари ҳолда, ўзларининг қуйидаги ниятларини билдирадилар:

(10.1) террорчилар талабларига жавобан қатъий сиёсат ўтказиш;

(10.2) терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш мақсадида ўзаро икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, шунингдек икки томонлама даражада ёки давлатлар гуруҳи доирасидаги мавжуд ҳамкорликни, шу жумладан зарур ҳолларда, ахборот айрибошлаш воситаси билан самарадорлигини ошириш;

(...)

(10.4) дипломатик ёки консуллик вакилликларига қарши ҳамда Дипломатик ва консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясини, жумладан унинг дипломатик ва консуллик имтиёзлари ва иммунитетга тааллуқли қоидаларининг бузилишига олиб келадиган терроризмга қарши самарали чоралар кўриш;

(...)

(10.6) терроризмга чек қўйишга тааллуқли тегишли халқаро конвенцияларининг, башарти улар бун қилмаган бўлсалар, иштирокчилари бўлиш масаласини қараб чиқиш;

(10.7) терроризмга қарши кураш чораларини такомиллаштириш ва кенгайтириш ҳамда иложи борича кўпроқ давлатлар тегишли битимларга қўшилишлари ва уларга мувофиқ иш кўришлари мақсадларида тегишли халқаро органларидаги фаолиятни давом эттириш.

Хельсинки 1992 йил (Олий даражадаги учрашув декларацияси)

26. (...) Биз террористик фаолиятга нисбатан ахборот айрибошлашни рағбатлантираемиз. Заруратга қараб, биз келгусидаги ҳамкорликнинг самарали йўналишларини излаймиз. Биз, шунингдек, мазкур соҳадаги ўзларимизнинг халқаро мажбуриятларимизни бажариш учун миллий даражада зарур чораларни кўраемиз.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: IV. Ҳавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли хулқ-атвор кодекси)

6. Иштирок этувчи давлатлар бирор тарзда террористик ҳолатларни қўллаб-қувватламайдилар ҳамда терроризмнинг олдини олиш ва унинг барча шакллари

билан курашиш учун зарур чоралар кўрадилар. Улар террористик фаолият хавф туғдирадиган таҳдидга ўзлари томонидан келишилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларини ва бу соҳадаги мажбуриятларини бажариш йўли билан курашишда тўла ҳажмда ҳамкорлик қиладилар.

(...)

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: I. Ҳаммамиз учун умумий даъватлар)

4. Халқаро терроризм, зўравонлик қўлланилган экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотикларнинг айланиши хавфсизликка тобора катта таҳдид туғдиromoқда. Терроризм, у нима билан изоҳланмасин, барча шакллари ва кўринишларида номақбулдир (...) Енгил ва ўқ отиш куролларининг ортикча ва беқарорликка олиб келадиган тўпланиши ҳамда назорат қилинмайдиган ҳолда тарқатилиши тинчлик ва хавфсизликка таҳдид ҳисобланади. Биз ўзимизни бу янги таҳдид ва даъватлардан ишончлироқ ҳимоя қилиш қатъий ниятидамиз; бундай ҳимоянинг асоси мутаҳкам демократик институтлар ва қонун устунлиги ҳисобланади. Биз, шунингдек, бундай даъватларга қатъий қарши туришда бир-биримиз билан янада фаолроқ ва қалинроқ ҳамкорлик қилишга тўла қатъиятдамиз.

Бухарест 2001 йил (Вазирлар кенгашининг декларацияси)

2. Биз терроризмнинг барча ҳолатларини қатъий қоралаймиз. Терроризм, унинг сабаблари ёки келиб чиқишидан қатъи назар, оқлана олмайди. Ҳеч бир нарса бирор айбсиз бўлган одамларга қарши онгли, аниқ мақсадли зарбаларни оқлай олмайди. Терроризм билан курашда четда туриш мумкин эмас.

3. (...) Биз терроризм билан курашиш динлар ёки халқларга қарши уруш эмаслиги тўғрисида яна бир бор баёнот берамиз (...)

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан кураш 1-сонли Қарори)

ЕХХТнинг 55 та иштирок этувчи давлати давримизнинг иллати ҳисобланган терроризмга қарши ягона фронт бўлиб чиқади.

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари 2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларга қарши содир этилган ваҳшиёна террористик ҳужумларни қатъий қоралайдилар. Бу бутун халқаро ҳамжамият, барча эътиқод ва маданиятга мансуб одамларга қарши қаратилган зарба бўлди. Бу жирканч қилмишлар, шунингдек терроризмнинг барча шакллари ва кўринишларидаги бошқа қилмишлари, каерда бўлмасин ва ким томонидан содир этилмасин, халқаро ва минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солади. Бундай жиноий қилмишларни амалга оширадиган ва молиялаштирадиган, яширадиган ёки бунинг учун жавобгар бўлганларни бошқа тарзда қўллаб-қувватлайдиган кимсаларга ҳеч каерда бошпана бўлиши мумкин эмас (...)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари террорчиларнинг таҳдидлари олдида чекинмайдилар, балки ўзларининг халқаро мажбуриятларига мувофиқ барча воситалардан фойдаланган ҳолда улар билан курашадилар. Бу узоқ муддатли ва бўйлаштирилмайдиган саъй-ҳаракатларни талаб этади, лекин улар Ванкувердан Владивостокгача ястанган ўзларининг кенг коалициясидан куч-қувват оладилар. (...) Улар терроризмни бирор миллат ёки дин билан айнанлаштиришни қатъиян рад этадилар (...)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ЕХХТ доирасида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан террористик фаолиятнинг барча шакллари ва кўринишлари билан, бу қарда ва ким томонидан амалга оширилмасин, курашиш мақсадларида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мажбуриятини оладилар. ЕХХТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави VIII боби маъносида минтақавий келишув бўлиб, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1373 (2001) резолюциясида мустаҳкамлаб қўйилган халқаро мажбуриятлар бажарилишига ўз ҳиссасини қўшиш қатъий ниятидадир ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави мақсадлари ва принципларига мувофиқ иш кўрадилар. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга тааллуқли барча 12 та конвенцияси ва протоколига иложи борица тезроқ қўшилиш мажбуриятини оладилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро терроризм бўйича кенг камровли конвенцияси юзасидан музокараларни иложи борица тезроқ якунлашга даъват этадилар.

(...)

(...) ЕХХТ Вазирлар кенгаши мазкур Қарорига илова қилинаётган Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режасини қабул қилади.

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш 1-сон Қарорига Илова: Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режаси)

I. Ҳаракат режасининг мақсади.

1. (...) ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўзларининг сиёсий иродалари, ресурслари ва амалий воситаларини терроризмга тааллуқли мавжуд халқаро конвенциялар бўйича мажбуриятларини бажаришга сафарбар этадилар (...)

(...)

3. Ҳаракат режасининг мақсади ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлар ва умуман Ташкилот томонидан халқаро ҳуқуқни, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни ва бошқа тегишли халқаро-ҳуқуқий нормаларни тўла ҳурмат қилган ҳолда терроризм билан курашиш бўйича ҳар тарафлама ҳаракат қилишлари учун асос яратишдан иборатдир (...)

II. Халқаро юридик ва сиёсий мажбуриятлар

4. (...) Иштирок этувчи давлатларнинг терроризм билан курашиш бўйича мавжуд механизмларда жуда кенг ва ҳар тарафлама иштирок этишлари ҳамда бу соҳадаги мажбуриятларини бажаришларини таъминлашга эришиш зарур.

5. Иштирок этувчи давлатлар: иложи борица, 2002 йилнинг 31 декабрига қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга тааллуқли барча 12 та конвенция ва протоколига қўшилиш учун барча чораларни кўриш мажбуриятини оладилар, бунда парламент аъзоларининг ратификация қилиш ва терроризмга қарши қаратилган бошқа конунчилик фаолияти масалаларида ўйнаши мумкин бўлган муҳим ролларини эътироф этадилар; (...) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан халқаро терроризм билан курашиш бўйича кенг камровли конвенцияси ва ядровий терроризм ҳолатларига чек қўйиш тўғрисидаги халқаро конвенция бўйича ўтказилаётган музокараларда конструктив иштирок этадилар, бунда музокаралар тезда муваффақиятли тугалланишини назарда тутадилар.

(...)

7. Иштирок этувчи давлатлар: полиция ва суд органлари ўртасидаги ҳамкорлик каби соҳалардаги энг яхши амалиёт ҳамда бошқа тегишли гуруҳлар, ташкилотлар, институтлар ва анжуманлар тажрибасидан чиқарилган сабоқлардан ЕХХТ қандай тарзда фойдаланиши мумкинлиги масаласини қараб чиқадиладар; қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини истисно қилиш; чегара назорати, шу жумладан виза ва ҳужжатларга нисбатан хавфсизлик чоралари; ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ахборотдан фойдалана олишлари.

8. Иштирок этувчи давлатлар терроризм билан курашиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини мустаҳкамлаш учун Хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича анжумандан (ХХА) ЕХХТ билан келишилган барча тегишли чораларни тўла ва ўз вақтида амалга ошириш орқали фойдаланадиладар. Шу мақсадда улар мавжуд ҳарбий-сиёсий мажбуриятлар ва битимлар, жумладан Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли ҳуқ-атвор кодекси ҳамда Енгил ва ўқотар куроли (ЕЎОҚ) тўғрисидаги ҳужжат бажарилишини фаоллаштирадиладар.

(...)

III. ЕХХТ минтақасида терроризмга қарши олдини олиш чоралари

(...)

11. Инсон ҳуқуқлари, бағрикенглилик ва турфа маданиятчилиқни қарор топтириш. Иштирок этувчи давлатлар/Доимий кенгаш/ДИИХБ/Озчиликни ташкил қилувчи миллатлар масалалари бўйича Олий комиссар (ОМОК)/Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги масалалари бўйича Вакил: миллий, диний, тилга доир ва бошқа гуруҳлар ўртасида бағрикенглилик, тинч-тотув яшаш ва уйғун муносабатларни, шунингдек мазкур масалада иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги конструктив ҳамкорликни тарғиб этадиладар ва мустаҳкамлайдиладар; мазкур гуруҳларга нисбатан эҳтимол тутилган зўравонлик, тоқатсизлик, экстремизм ва камситиш тўғрисида барвақт огоҳлантиришни таъминлайдиладар ҳамда айни пайтда ушбу гуруҳлар томонидан қонун устунлиги, демократик қадриятлар ва шахс эркинлигига ҳурмат кўринишларини қўллаб-қувватлайдиладар; озчиликни ташкил қилувчи миллатларга мансуб шахслар ўзларининг миллий, маданий, тил ёки диний ўзига хосликни эркин ифода этиш, сақлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлишларига эришишга ҳаракат қиладиладар.

(...)

13. Салбий, ижтимоий-иқтисодий омилларни бартараф этиш. Иштирок этувчи давлатлар/Котибият: самарасиз давлат бошқаруви, коррупция, қонунга зид иқтисодий фаолият, ишсизликнинг юқори даражаси, оммавий камбағаллик ва ҳуқуқ тенгсизлик, демографик омиллар ва табиий ресурслардан беқарор фойдаланиш каби иқтисодий хавфсизликни қўпорадиган ҳамда экологик муаммоларни аниқлашга интиладиладар (...)

14. Зўравонлик қўшиладиган можароларнинг олдини олиш ҳамда низоларни тинч йўл билан ҳал этишни қўллаб-қувватлаш ЕХХТ ўз салоҳиятига таянган ҳолда можаролар тўғрисида барвақт огоҳлантириш ва уларга тегишли тарзда муносабатда бўлиш, уларнинг олдини олиш, инқирозларни ва инқироздан кейинги тиклашни тартибга солиш бўйича саъй-ҳаракатларини давом эттиради ва фаоллаштиради; можароларни тартибга солиш бўйича ўз имкониятларини мустаҳкамлайди; тартибга солинмаган можароларни мустаҳкам ҳал этиш йўллари топиш, шу жумладан қонун устуворлигини қарор топтириш ҳамда можароларнинг ана шундай зоналарида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа

Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар билан янада кенгроқ ҳамкорлик қилиш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларини кучайтиради; инкирозли вазиятларда тез ишга солинадиган (РЕАКТ) салоҳиятини янада ривожлантиради.

15. Чўзилиб кетган кўчиш муаммосини ҳал этиш. Иштирок этувчи давлатлар/ДИИХБ/ОМОК/Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича Вакил: ЕХХТнинг ишонарли қарорларни излаш бўйича салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқа тегишли ташкилотлар, биринчи навбатда БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Бошқармасини қўллаб-қувватлаш ва улар билан қалин ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганадилар; чўзилиб кетган кўчиш билан боғлиқ вазиятларни диққат билан кузатиб борадилар.

16. Терроризмга қарши миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш. Иштирок этувчи давлатлар: терроризмга тааллуқли тегишли конвенциялар ва протоколлар, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи протоколлар доирасида ўзлари томонидан қабул қилинган барча мажбуриятларни бажариш, тегишли ҳамда бутун ЕХХТ доирасида ва минтақавий даражада икки томонлама асосда ўтказиладиган учрашувларда ахборот ва услубиёт билан айрибошлаш ҳамда ҳамкорлик йўллари ва воситаларини қараб чиқадиладар.

(...)

24. Терроризмни молиялаштиришга чек қўйиш. Иштирок этувчи давлатлар: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмни молиялаштириш билан курашиш тўғрисидаги конвенцияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1373 (2001) резолюцияси доирасида, шунингдек БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1267 (1999) резолюциясини эътиборга олиб, терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш ва бунга чек қўйиш, террористик фаолият мақсадларида қасддан маблағ бериш ёки тўплаш учун жиний жавобгарликни жорий этиш ҳамда террорчилар активларини ёпиш юзасидан чоралар кўрадиладар; ўзларининг қонунчиликлари ва халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ бошқа иштирок этувчи давлатларнинг ва тегишли халқаро ташкилотларнинг ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларига тезкорлик билан муносабатда бўладиладар.

25. Иштирок этувчи давлатлар/Котибият (...) ЕХХТнинг транспарентликни ошириш ва коррупция билан курашиш бўйича фаолияти доирасида терроризмга қарши қаратилган халқаро умумий саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани қараб чиқадиладар; миллий молиявий муассасалар персонали учун терроризм билан курашиш, шу жумладан молиявий оқимлар устидан назорат қилиш ва «пулни ювиш»га йўл қўймаслик мавзулари бўйича ўқитиш лойиҳаларини ташкил этишда ўз зиммасига мувофиқлаштириш ролини олиш масаласини қараб чиқадиладар. Иштирок этувчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ташкил этилаётган коррупция билан курашиш тўғрисидаги глобал ҳуқуқий ҳужжат бўйича бўлажак музокараларда уларни тезроқ якунига етказиш мақсадларида конструктив иштирок этадиладар.

26. Террорчилар ҳаракатланишининг олдини олиш. Иштирок этувчи давлатлар: самарали чегара назорати ва шахсни тасдиқловчи ҳамда йўл ҳужжатлари берилиши устидан назорат қилиш, шунингдек мазкур ҳужжатларга нисбатан хавфсизлик чоралари ҳамда уларни сохталаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ёрдамида террорчилар ёки террорчи гуруҳларнинг ҳаракатланишига

чек қўядилар; бундай назорат чораларини ўзларининг қочоқлар тўғрисидаги ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мажбуриятлари-га тўла риоя қилган ҳолда қўллайдилар; 1950 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенцияда ва 1967 йилги унга Протоколда қайд қилинган истиснолар тўғрисидаги қоидаларни зарур тарзда қўллаш орқали террористик қилмишларда иштирок этган шахсларга бошпана бермасликни таъминлайдилар; террористик қилмишларда айбланаётган шахсларни, ўзларининг халқаро мажбуриятлари ва миллий ҳуқуқига мувофиқ ўз вақтида ушлаш ва суд таъқибини амалга оширишни таъминлайдилар.

IV. Ҳамкорликка асосланган Хавфсизлик платформасига мувофиқ, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатлар (...)

28. Иштирокчи-давлатлар/Котибият: терроризм билан курашда иштирок этаётган бошқа тегишли гуруҳлар, ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар ва ҳам расмий, ҳам норасмий асосда ахборот алмашадилар; Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда таҳлил ва барвақт огоҳлантириш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар, шунингдек терроризм билан курашишга алоқадор соҳаларда Жанубий-Шарқий Европа учун Барқарорлик тўғрисидаги пакт ва Марказий Европа ташаббуси билан ўзаро ҳамкорликнинг синергетик самарадорлигини оширадилар; ЕХХТ минтақасида янги таҳдидлар ва даъватларга тааллуқли масалалар бўйича мулоқотни ривожлантирадилар; ЕХХТ минтақаси ташқарисидаги шериклари, жумладан Ўрта Ер денгизининг ҳамкорлик бўйича шериклари, Осиёда ҳамкорлик бўйича шериклари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлаш чоралари бўйича кенгаш, Ислом конференцияси ташкилоти, Араб мамлакатлари лигаси, Африка иттифоқи ва ЕХХТ минтақаси билан чегарадош давлатлар билан ЕХХТ минтақасида қўллаш учун терроризм билан курашишга тааллуқли энг яхши амалиёт ва олинган сабақларни алмашиш мақсадларида мулоқотни кенгайтирадилар.

Бухарест 2001 йил (Қарорлар: Полиция функциялари билан боғлиқ фаолият 9-сон Қарори)

Вазирлар Кенгаши,

(...)

қонун устунлигини қарор топтириш ва демократик институтларни ҳимоя қилиш учун самарали полиция фаолияти зарурлигини тасдиқлаб,

(...)

3. Хавфсизликка янги даъватларга қарши туришда иштирок этувчи давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш ва ривожлантиришга қарор қилади, шу жумладан қуйидагилар орқали:

- иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра ва уларнинг розилиги билан ЕХХТнинг полиция кадрларини тайёрлаш бўйича фаолиятини, шу жумладан минтақавий даражада қуйидаги мақсадларда амалга ошириш ва мувофиқлаштириш:
- полициянинг тезкор-тактика имкониятларини кенгайтириш;
- полиция ходимларининг ҳал қилувчи соҳалардаги, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, зарурат бўлса, ноқонуний миграциянинг жиноий жиҳатлари билан боғлиқ масалалардаги малакасини ошириш; ва
- жойларда полициянинг наркотиклар, коррупция ва терроризм билан курашиш соҳаларидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш; ва

- иштирок этувчи давлатларнинг илтимосларига кўра ва уларнинг розилиги билан: самарали полиция фаолияти эҳтиёжига тааллуқли эксперт хизматларини кўрсатишни (эҳтиёжларини баҳолаш) тавсия этиш ва ташкил этиш ҳамда уларни қондириш воситаларини тақдим этиш (...); ва
- иштирок этувчи давлатлар ўртасида, заруратга қараб, бу ҳавфсизликка янги даъватларга қарши туриш бўйича олинган сабоқлар ва энг яхши полиция амалиёти бўйича ахборот алмашишни рағбатлантириш.

(...)

5. Юқорида қайд қилинган мажбуриятлар ижроси бўйича иштирок этувчи давлатлар куйидаги мажбуриятларни оладилар:

- ҳавфсизликларига янги таҳдидлар ва даъватларга қарши туриш мақсадларида полиция функциялари билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама даражадаги ўзаро ҳамкорликни, шунингдек, зарурат бўлса, тегишли органлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўли билан ҳамкорликни кенгайтириш; ва
- бу янги таҳдидлар ва даъватларга жавоб бериш бўйича халқаро ҳаракатлар самарадорлигини ошириш мақсадида ЕХХТнинг полиция функциялари билан боғлиқ фаолияти масалаларидаги махсус билимлари ва тажрибасини ўзлари аъзо бўлган тегишли халқаро ташкилотлар билан баҳам кўриш.

Порту 2002 йил (ЕХХТнинг Терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш тўғрисидаги хартияси)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари терроризм билан биргаликда курашишга қатъий содиқ бўлган ҳолда,

(...)

2. (...) терроризмга қарши туриш бирор дин, миллат ёки халққа қарши қаратилмаганлигини тасдиқлайдилар;

(...)

4. Терроризм ҳуружлари, усуллари ва амалиёти, шунингдек бундай ҳуружларга қасддан ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш, уларни молиялаштириш, режалаштириш ва бунга далолатчилик қилиш БМТ ва ЕХХТ мақсадлари ва принципларига зид эканлигига баён қиладилар;

5. ЕХХТда терроризмга нисбатан қабул қилинган мажбуриятларни бажаришнинг давом этаётган жараёнини тўлдириш фавқулодда муҳим бўлиб, ЕХХТнинг фаолияти асосланган ва бундан кейин ҳам асосланадиган туб асосий, ўзгармас принципларининг тасдиғи деб ҳисоблайдилар ва иштирок этувчи давлатлар бунга тўла қўшиладилар;

(...)

8. Ҳар бир давлат бошқа давлатда террористик ҳуружларни ташкил этиш, бунга далолатчилик қилиш, уларни фаол ёки нофаол қўллаб-қувватлаш ёхуд қўмак бериш ҳамда бунга қайси бир шаклда бўлмасин ҳомийлик қилишдан (...) ўзларини тийиб туришлари шарт эканлигини яна бир бор тасдиқлайдилар

11. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли конвенциялари ва протоколлари ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари, жумладан БМТ хавфсизлик кенгашининг 1373 (2001) резолюцияси терроризм билан курашишнинг бирламчи халқаро — ҳуқуқий асосини ташкил этишини эътироф этадилар;

12. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Терроризмга қарши қўмитаси томонидан олиб борилаётган иш муҳимлигини эътироф этадилар ҳамда ЕХХТнинг бу қўмита билан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини ва бунга тайёрилигини яна бир бор тасдиқлайдилар;

13. БМТ Уставининг VIII боби маъносида ЕХХТнинг минтақавий келишув сифатидаги ролини ва унинг шу маънода терроризм билан глобал курашишга ҳисса қўшишига доир мажбуриятларини эслатадилар;

(...)

15. 2001 йил 13–14 декабрда Бишкекда бўлиб ўтган «Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: терроризмга қарши туриш бўйича ҳар тарафлама саъй-ҳаракатларни кучайтириш» мавзусидаги халқаро конференцияда қабул қилинган Декларация ва Ҳаракат дастурини мамнуният билан қайд этадилар;

(...)

17. Терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш умумий ва кенг қамровли хавфсизлик концепциясига ҳамда узоқ муддатли ёндашувга асосланиши зарурлигини таъкидлайдилар ва ЕХХТнинг уч мезони ҳамда унинг барча органлари ва институтлардан иштирок этувчи давлатлар, уларнинг илтимосига кўра, барча шакллардаги терроризмнинг олдини олишлари ва бу билан курашишларида фойдаланиш мажбуриятини оладилар;

18. БМТнинг конвенциялари ва протоколлари ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияларига, шунингдек бошқа халқаро мажбуриятларига мувофиқ террористик ҳуружлар ва бундай актларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан терроризмни молиялаштириш фаолияти ички қонунчиликда жиддий жиноят сифатида малакалаштирилишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида баён қиладилар;

19. Террористик ҳуружларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва уларни тергов қилиш ҳамда айбдорларни таъқиб қилиш мақсадларида биргаликда, шу жумладан ҳамкорликни кучайтириш ва терроризмга тааллуқли тегишли халқаро конвенциялар ва протоколларини тўла ҳажмда бажариш орқали биргаликда иш олиб борадилар.

20. Терроризм пайдо бўлиши ва амал этиши манбаларини, жумладан демократия ва қонун устуворлигини тўла ҳурмат қилиш, барча фуқароларга сиёсий ҳаётда тўла иштирок этиш имкониятини тақдим этиш, ўз жамиятларида камситишга йўл қўймаслик ҳамда маданиятлараро ва динлараро мулоқотни рағбатлантириш, фуқаролик жамиятини можароларни умумий сиёсий ҳал қилиш йўллари излашга жалб этиш, инсон ҳуқуқлари ва бағрикенгликликни қарор топтиришни таъминлаш, шунингдек камбағаллик билан курашиш орқали бартараф этиш зарурлигига ишончлари комилдир;

21. Оммавий ахборот воситалари турли дин, эътиқод, маданиятлар ва халқлар вакиллари ўртасида бағрикенглик ва ўзаро англашувни тарғиб этишда, шунингдек терроризм хавфини чуқурроқ англашда ёрдам беришда ўйнаши мумкин бўлган ижобий ролларини эътироф этадилар;

22. Адоватни тарғиб қилиш билан курашиш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ахборот технологияларининг террористик мақсадларда суиистеъмоллик қилишларига йўл қўймаслик учун зарур чораларни қўриш, бундай чоралар ички қонунчиликка, халқаро ҳуқуқ ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлаш мажбуриятини оладилар;

23. Террорчилар ёки террорчи гуруҳларнинг ҳаракатларини самарали чегара назорати ва шахсни тасдиқловчи ҳамда йўл ҳужжатлари берилиши устидан назорат қилиш ёрдамида олдини оладилар;

(...)

25. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1373 (2001) ва 1390 (2002) резолюцияларида қайд этилган ўзларининг халқаро мажбуриятларини, жумладан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1267 (1999) резолюциясига мувофиқ ташкил этилган Қўмита томонидан кўрсатилганларининг активларини ёпиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажаришга бўлган қатъиятларини тасдиқлайдилар;

26. Терроризм билан трансмиллий уюшган жиноятчилик, «пулни ювиш», одам савдоси, наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ноқонуий айланиши ўртасидаги алоқадорликни ташвишланиб қайд этадилар ва шу муносабат билан хавфсизлик ва барқарорликка бу жиддий таҳдидлар ва даъватларга янада самаралироқ жавоб бериш мақсадларида саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилаш ва барча даражаларда ҳамкорликка асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини таъкидлайдилар (...)

Порту 2002 йил (Қарорлар: 1-сон Қарор: ЕХХТда қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши ва унинг терроризм билан курашиш бўйича фаолиятини амалга ошириш)

Вазирлар Кенгаши,

(...)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари, унинг органлари ва институтлари ўзларининг Бухарест мажбуриятларини кечиктирилмаган тартибда бажарадилар ва уларнинг таъсирчанлигини таъминлашга қарор қилади;

барча иштирок этувчи давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга тааллуқли барча 12 конвенцияси ва протоколига иложи борица тезроқ қўшилиш мажбуриятларини тасдиқлайди ҳамда тегишли тартибларни тугаллаган иштирок этувчи давлатлар томонидан кўрилган чораларни табриклайди;

ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бу соҳадаги янги универсал ҳужжатлар тўғрисида олиб борилаётган музокараларни муваффақиятли якунига етказиш мажбуриятини олади ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Терроризмга қарши қўмитаси билан фаолиятини мувофақлаштирган ҳолда БМТнинг терроризмга тааллуқли ҳужжатлари ва бошқа тегишли ҳужжатларини ратификация қилиш ва амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида ўзининг техникавий ёрдам сўрови ва салоҳиятини кучайтириш масалаларини кўриб чиқишга тайёргилигини тасдиқлайди;

(...)

Терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш масалалари бўйича Амалдаги раис шахсий вакилининг ЕХХТнинг, жумладан, полиция функцияларини бажариш, чегара хавфсизлигини таъминлаш, ноқонуий савдо билан курашиш ва терроризмни молиялаштиришга чек қўйиш каби соҳаларда иш олиб бориши лозимлиги тўғрисидаги тавсияларини эслатади; (...)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари, унинг органлари ва институтлари терроризм билан ҳамда уни пайдо қилишни ва мавжудлигига қўмаклашиши мумкин бўлган шароитлар билан курашишда ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришга ҳамда бунга жамоавий содиқликка қарор қилади, бунинг учун ўзининг кучли

томонлари ва нисбатан устунлиги: ўзининг хавфсизликка кенг қамровли ёндашуви, ўзининг можаролардан барвақт огоҳлантириш ва унинг олдини олиш эксперт салоҳияти, инқирозларни ва инқирозлардан кейин тиклашни тартибга солиш, ўзининг ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича синовдан ўтган кенг қўламли чоралари ҳамда салоҳиятни ривожлантиришга тааллуқли ўз тажрибаси ва билимидан фойдаланади.

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг XXI асрдаги хавфсизлик ва барқарорликка қарши туриш бўйича стратегияси)

XXI асрда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар

10. Хавфсизлик соҳасида ҳозирги беқарор вазиятнинг асосий сабабларидан бири терроризм ҳисобланади. У ЕХХТ минтақасида иштирок этувчи давлатларни бирлаштириб турган кадриятларни қўпоришга йўналтирилган. Терроризмнинг хавфсизлик ва мудофаанинг анъанавий тизимларини айланиб ўтиш учун ноодатий бўлган усулларни қўллаш қобилияти сабабли у тинчлик, барқарорлик ва давлат ҳокимиятига энг асосий даъватлар қаторида қолади. Терроризмни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Шу билан бир қаторда фақат терроризмнинг намоён бўлишинишгина ҳисобга олиб қолмасдан, шунингдек уни пайдо қиладиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий моҳиятга глобал ёндашув талаб этилади.

(...)

Терроризмга ва бошқа жиноий фаолиятдан келиб чиқадиган таҳдидларга қарши туриш.

28. БМТнинг конвенция ва протоколлари, шунингдек БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари терроризм билан курашиш учун глобал ҳуқуқий асосни ташкил этади. ЕХХТ уни қўллаб-қувватлаш мақсадларида 2001–2002 йилларда қабул қилган ўз қарорлари билан иштирок этувчи давлатлар ва Ташкилот томонидан, энг аввало, терроризм таҳдиди, унинг кўринишлари ҳамда пайдо бўлиши ва мавжудлигига қўмаклашиши мумкин бўлган шароитларга қарши туришнинг ҳар тарафлама чораларини кўриш учун тузилмани яратди (...)

29. (...) Салоҳиятни кучайтиришга ва терроризм билан курашиш соҳасида бошқа ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади (...) Бу чоралар террорчиларга бошпана беришдан воз кечиш ҳамда террорчилар ўз тарафдорларини ёллаш ва қўллаб-қувватлашларига умид қилиш имкониятини берадиган шароитларни бартараф этишни қамраб олади. Улар, шунингдек, террорчиларга ўз салоҳиятларини оширишлари, жумладан енгил ва ўқ отиш қуролилари ҳамда бошқа одатдаги қуроолларга эга бўлишларига йўл қўймасликка қаратилган. Бошқа тегишли халқаро ташкилотлар ва органлар, жумладан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Терроризмга қарши қўмитаси (БМТ ТҚҚ) ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНОДК) билан биргаликда кенгашлар ўтказиш, барча даражаларда алокани йўлга қўйиш, аниқ дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш шаклида қалин ҳамкорлик қилиш вазифаси қўйилмоқда.

30. ЕХХТ, шунингдек, терроризмга қарши чораларни янада аниқроқ мувофиқлаштиришни ҳамда иштирок этувчи давлатлар ўртасида ахборот алмашишга қўмаклашиш мақсадида, шунингдек БМТ ТҚҚнинг Хавфсизлик Кенгаши 1373 резолюциясини амалга ошириш бўйича фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадларида терроризмга қарши тармоқ яратишга қарор қилди.

(...)

35. Терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг таҳдидлари кўп ҳолларда ўзаро боғлиқдир ва уларга қарши туришга синергетик ёндашувларни ўрганиш давом эттирилади. Одамлар, ресурслар ва қуроолларнинг трансчегаравий ҳаракатланиши, шунингдек терроризмни молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг манбаси сифатида уларнинг ноқонуний айланиши террористик фаолиятда тобора ортиб бораётган роль ўйнамоқда. ЕХХТ бу муаммоларни ҳал этиш ҳамда ўзининг чегаралар очиклиги ва ҳавфсизлигини қўллаб-қувватлаш бўйича салоҳиятини, шу жумладан салоҳиятни янада самарали ошириш ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик манфаатларида ЕХХТнинг чегаралар ҳавфсизлиги ва чегара тартиби масалалари бўйича концепциясини ишлаб чиқиш йўли билан ошириш қатъий ниятидадир.

София 2004 йил (Софияда Вазирлар кенгашининг терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш бўйича баёноти)

1. Биз, ЕХХТ Вазирлар кенгашининг аъзолари (...), жумладан, 2004 йилда Испания, Ўзбекистон, Туркия ва Россияда содир бўлган террористик ҳуружларни қатъий ва сўзсиз қоралашимизни баён қиламиз (...) Биз улар зомин бўлган юзлаб инсон ҳаётларидан қайғудамиз ҳамда ўзимизнинг терроризм ҳуружларининг қурбонлари ва улар оилаларининг аъзолари билан чуқур ҳамдардлигимизни билдирамиз. Бу актлар терроризмнинг ноинсоний табиатини яққол кўрсатди. Биз террорчилар ҳужумига дучор бўлган, ташкилотимиз иштирокчилари бўлмаган давлатлар билан бирдамлигимизни билдирамиз.

Терроризм тинчлик ва ҳавфсизликка энг жиддий таҳдид ҳисобланиши тўғрисида яна бир бор баёнот бериб ҳамда терроризм ҳуружлари инсон ҳуқуқларини амалга оширишга жиддий зарар етказди деб ҳисоблаб, биз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, айниқса бизнинг юрисдикциямиз остида бўлган ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқини амалга оширишни террорчилик актларидан ҳимоя қилиш бўйича ўзимизнинг мажбуриятимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. (...)

2. Биз терроризмга қарши кенг қўламли курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчи ролини таъкидлаймиз.

Биз давлатларимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида терроризм билан курашиш соҳасидаги, шу жумладан БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг 1267 (1999), 1373 (2001), 1456 (2003), 1535 (2004), 1540 (2004) ва 1566 (2004) резолюцияларини, шунингдек БМТ Бош Ассамблеясининг 58/187 резолюцияси бўйича халқаро-ҳуқуқий ва сиёсий мажбуриятларимизни тасдиқлаймиз ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг 2004/87 резолюциясини қўллаб-қувватлаймиз (...)

Биз БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг 1566 (2004) резолюциясида терроризм билан курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда тегишли халқаро минтақавий ташкилотларнинг ролига берилган аҳамиятини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга даъватни табриқлаймиз.

Биз БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг Терроризмга қарши қўмитаси ва унинг Ижроия директоратининг муҳим саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга бўлган қатъиятимизни таъкидлаймиз (...)

3. Биз (...) ЕХХТ Котибиятининг Терроризмга қарши бўлинмаси ишини қўллаб-қувватлаймиз.

Биз бугун тасдиқлаётган амалий қарорлар жамланмасини¹ табриклар, уларнинг бундан кейин бажарилиши ЕХХТ ҳудудида хавфсизлик ва барқарорлик даражасини оширишига ишончимиз комил. Бу қарорлар бизнинг терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш бўйича халқаро — ҳуқуқий мажбуриятларимизни бажаришни таъминлашга ёрдам беради.

4. (...) Биз ЕХХТнинг террористик таҳдидларга қарши туриш бўйича саъй-ҳаракатлари ЕХХТ барча мезонларида — хавфсизлик мезонида, шу жумладан ҳарбий-сиёсий соҳа, иқтисодий-экологик ва инсонийлик мезонларида қўрилиши кераклигини тасдиқлаймиз. Хавфсизликка умумий, кенг қамровли ва бўлинмас ёндашувга асосланган бизнинг Ташкилотимиз бундан кейин ҳам глобал терроризмга қарши саъй-ҳаракатларга салмоқли ҳисса қўшишга қодирдир.

Бизнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризмнинг олдини олишнинг муҳим унсури ҳисобланишига ишончимиз комил. Биз терроризмнинг олдини самарали олиш ва у билан курашишга мамлакатларимиздаги фуқаролик жамиятларини жалб этиш талаб қилинишини эътироф этамиз.

(...) Биз террористик ҳуружларнинг ижрочилари, ташкилотчилари ва ҳомийларини ҳамда уларни қўллаб-қувватлаётганларни қидириш ва жавобгарликка тортиш масалалари бўйича фаол ҳамкорлик қиламиз.

Биз терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш масалалари бўйича Ўрта ер денгизи ва Осиёдаги ҳамкорлик бўйича шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришни давом эттирамиз.

Любляна 2005 йил (Вазирларнинг Ядровий терроризм ҳуружлари билан курашиш бўйича халқаро конвенцияси тўғрисидаги баёоти)

1. Биз, ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг ташқи ишлар вазирлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг Ядровий терроризм ҳуружлари билан курашиш бўйича халқаро конвенцияси қабул қилинганлигини табриклаймиз.

2. Биз бу Халқаро конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида имзолаш учун очиладиган кун — 2005 йилнинг 14 сентябрида имзолаш учун барча саъй-ҳаракатларни қилиш мажбуриятини оламиз.

3. Биз мазкур конвенция иложи борида қисқа муддатда ратификация қилиниши, қабул қилиниши, тасдиқланиши ёки бошқа тарзда унинг иштирокчиси бўлишга йўналтирилган барча зарур чоралар амалга оширилишини рағбатлантираамиз.

Любляна 2005 йил (Чегаралар ва чегара тартиби хавфсизлиги соҳасидаги концепция: ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг ҳамкорлиги учун доиралар)

2. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ўзлари томонидан барча даражаларда қабул қилинган чегараларга тааллуқли масалалар бўйича юридик ва сиёсий мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар:

(...)

¹ Доимий кенгашнинг Терроризмни молиялаштиришга чек қўйиш бўйича бундан кейинги чоралар тўғрисидаги 617-сон қарори (2004 йил 1 июль; Доимий кенгашнинг Терроризм қурбонлари билан бирдамлик тўғрисидаги 68-сон Қарори (2004 йил 1 июль); Вазирлар кенгашининг Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш билан курашиш тўғрисидаги Қарори; Вазирлар кенгашининг контейер хавфсизлигини ошириш тўғрисидаги Қарори; Вазирлар кенгашининг Интерпол САП — БДПДга йўқотилган/ўғирланган паспортлар тўғрисидаги ахборотни бериш тўғрисидаги Қарори.

2.2 ЕХХТ даражасида: иштирок этувчи давлатлар Хельсинки Якунловчи ҳужжатида эълон қилинган, уларнинг ҳаммаси бир хил ва оғишмай, ҳар бири бошқаларини ҳисобга олган ҳолда талқин этиладиган нормалар, принциплар, сиёсий мажбуриятлар ва қадриятларни тасдиқлайдилар. Улар 1990 йилги Копенгаген ҳужжати, 1992 йилги Хельсинки ҳужжати ва 1999 йилги Европа ҳавфсизлиги хартиясида баён этилган принциплар ва сиёсий мажбуриятларни яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар ЕХХТнинг чегараларга тааллуқли масалаларга бағишланган ҳаракат режалари, қарорлари ва бошқа тегишли келишилган ҳужжатларини эслатадилар. Жумладан, ЕХХТнинг чегараларнинг очиқлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича салоҳиятини мустаҳкамлаш, ЕХХТнинг ХХI асрда ҳавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегиясининг 35-бандида белгилаб қўйилгандек, (...) терроризм таҳдидларига қарши туриш воситаси бўлиб хизмат қилади;

(...)

4. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг чегара ва божхона хизматлари, кириш ва чиқиш ҳужжатлари ҳамда виза бериш учун жавобгар идоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва миграция хизматлари, шунингдек бошқа ваколатли миллий идоралари ўртасида қуйидаги мақсадларга эришиш манфаатларида ҳамкорликни ривожлантирадилар:

(...)

4.2 Терроризм таҳдидини, шу жумладан террористик ёки бошқа жиноий фаолият билан боғлиқ шахслар, қуроллар ва пул маблағларининг трансчегаравий ҳаракатланишининг олдини олиш йўли билан камайтириш;

(...)

4.5 Чегараларни тегишли миллий ҳуқуқий нормалар, халқаро ҳуқуқ, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар, қочоқлар ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқлар, шунингдек ЕХХТ доирасида қабул қилинган тегишли мажбуриятларга мувофиқ кесиб ўтишни хоҳлайдиган барча шахслар билан муносиб муомала қилинишини таъминлашни қўллаб-қувватлаш;

(...)

Брюссель 2006 йил (Вазирлар кенгашининг Терроризм билан курашишни қўллаб-қувватлаш ва унинг халқаро-ҳуқуқий асосини дастаклаш тўғрисидаги Брюссель баёноти)

Биз, ЕХХТнинг Вазирлар Кенгаши аъзолари терроризмнинг барча шакллари ва кўринишлари билан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари қандай бўлишига қарамасдан, ҳеч бир окланиб бўлмайдиган жиноий фаолият сифатида курашишга, шунингдек ЕХХТнинг амалдаги мажбуриятларига мувофиқ терроризмга қарши фаолиятимизни давом эттириш ва мустаҳкамлашга бўлган қатъиятимизни тасдиқлаймиз.

(...)

Биз терроризм билан курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосини, шу жумладан терроризмнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш билан боғлиқ ялпи конвенциялар ва протоколлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан яқинда қабул қилинган Терроризмга қарши глобал стратегия, шунингдек

терроризмга тааллуқли минтақавий ва икки томонлама ҳукукий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш муҳимлигининг аҳамиятига ишончимиз комил.

Биз ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг терроризм билан курашишга тааллуқли тегишли резолюцияларини амалга оширишга даъват этамиз.

Биз иштирок этувчи давлатлар томонидан Вазирлар кенгашининг Бухарест баёнотида қайд этилган терроризмга қарши 12 та конвенция ва протоколларга қўшилиш бўйича даъвати асосида 46 та иштирок этувчи давлат ҳозирги вақтда амал қилаётган 12та ҳужжатнинг томонлари бўлганликлари билан эришилган жиддий натижани маъқуллаймиз.

Биз ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини, башарти улар ҳали буни қилмаган бўлсалар, ҳозирги пайтда амалда бўлган терроризмга қарши ялпи конвенциялар ва протоколларга кечиктирмасдан қўшилишга ҳамда унинг қоидалари бажарилишини таъминлашга, жумладан ўзларининг ички қонунчилигида тегишли жиноятлар учун жиноий жазолашни кўзда тутишга даъват этамиз.

Биз ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларига Ядровий терроризм актлари билан курашиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилиш имкониятини қараб чиқиш, шунингдек ҳозирги пайтда халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши мақсадларига эришишга кўмаклашадиган шартларга асосланган халқаро терроризм тўғрисида ялпи конвенция қабул қилиш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга яна бир бор даъват этамиз.

Биз иштирок этувчи давлатларни ўзимиз мансуб бўлган ташкилотлар томонидан қабул қилинган терроризм бўйича минтақавий ва субминтақавий ҳукукий ҳужжатларга қўшилиш ёки жиноий ишлар бўйича ҳукукий ҳамкорлик қилиш, шунингдек тегишли ҳолларда мавжуд ҳукукий ҳужжатлардаги бўшлиқларни тўлдириш ҳамда ички ва халқаро ҳуқуқ асосида қўлланса бўладиган нормаларга мувофиқ ҳар тарафлама ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлиш учун террористик актларнинг ижрочилари, ташкилотчилари, ёрдамчилари ва ҳомийларини топшириш ёки жиноий таъқиб қилишни таъминлаш принципи асосида уларни қидириш ва судловга бериш мақсадларидаги саъй-ҳаракатлар доирасида ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатиш ва жиноятчиларни топшириш тўғрисида икки томонлама битимлар тузишга даъват қиламиз.

Биз, шунингдек, Ўрта ер денгизи ва Осиёдаги ҳамкорлик бўйича шерикларимиз билан терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришни давом эттирамиз.

Мадрид 2007 йил (Вазирлар кенгашининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши глобал стратегиясини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёноти)

3. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризм билан курашиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатлардаги етакчи ролини эътироф этамиз ва 2006 йил 8 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган БМТнинг Терроризмга қарши глобал стратегиясини қўллаб-қувватлаймиз, ЕХХТнинг терроризмга қарши туриш бўйича фаолиятида бу стратегияга амал қиламиз, чунки унда фақат терроризм билан курашишга қарши туришда ялпи глобал ёндашув ифода

этибгина қолмасдан, балки инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлиги принципини ҳурмат қилиш ҳамда халқаро ҳуқуқ бўйича барча мажбуриятларга, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуққа, қочоқлар ҳуқуқларига ва гуманитар ҳуқуқларга риоя этишни таъминлаш асосида унинг тарқалишига ёрдам берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳам кўрсатилган.

4. Биз Стратегияда терроризмга фақат унинг кўринишлари билан курашиб қолмасдан, балки терроризм тарқалишига ёрдам берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш чоралари қайд этилибгина қолмасдан, жумладан бу билан чекланиб қолмасдан чўзилиб кетилган ҳал этилмаган можаролар, терроризмнинг барча шакллари ва кўринишларидан жабрланганлар, ҳуқуқ тартиботи мавжуд эмаслиги ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳамда миллий ва диний камситиш, сиёсий ихоталаниш, ижтимоий-иқтисодий жиноятчилик ҳамда тегишли бошқарувнинг мавжуд эмаслиги бундай шарт-шароитларни яратиши, лекин уларнинг биронтаси терроризм актларини оқлаш ва асослаш учун асос бўла олмаслигини эътироф этамиз.

(...)

6. Биз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг халқаро терроризмга тааллуқли барча резолюцияларини бажариш мажбурияти тўғрисида эслатамиз, бунда кўпгина давлатлар уларни бажариш учун ҳали ҳам ёрдамга мухтож эканликларини эътироф этамиз.

(...)

8. (...) ЕХХТ ва жумладан, унинг иштирок этувчи давлатлари терроризмга қарши туриш мажбуриятларини амалга оширишни давом эттирмоқдалар, бунда қуйидаги тадбирларга имконияти борича алоҳида эътибор бермоқдалар, лекин бу билан чекланиб қолмаяптилар;

9. ЕХХТ терроризм билан курашишнинг халқаро-ҳуқуқий доирасини, жумладан терроризм билан курашиш тўғрисидаги универсал конвенциялар ва протоколларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни давом эттирмоқдалар. Бунда иштирок этувчи давлатлар уларни бу ҳужжатларга қўшилиш ва бу ҳужжатларларга мувофиқ ўз мажбуриятларини қуйидаги воситалар билан бажаришни давом эттиришларига даъват этилмоқда;

(...)

17. ЕХХТ терроризмга олиб келадиган зўраки экстремизм ва радикаллаштиришга қарши туриш бўйича фаолиятини давом эттиради. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ва ижроия тузилмалари ўзларининг мандатлари доирасида сабр-тоқатсизлик ва камситиш муаммоларини ҳамда бу ҳодисаларга қарши туришни кўриб чиқишлари керак. Доимий кенгаш Котибиятнинг ва институтларнинг қўллаб-қувватлашда ЕХХТнинг мезонлараро ёндашуви ёрдамида миллий тажрибани айрбошлаш йўли билан терроризмга олиб келадиган зўраки экстремизм ва радикаллашиш ҳодисаларини англашни яхшилашга қандай қилиб ҳисса қўшиши мумкинлигини 2008 йилда ўрганади;

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг терроризмга қарши туриш бўйича фаолиятини янада кучайтириш 10/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТнинг терроризмга қарши туриш бўйича мавжуд мажбуриятларини ҳамда терроризмга қарши фаолиятини ЕХХТнинг устувор масалалари қаторида сақлаб қолиши ниятини яна бир бор тасдиқлаб,

(...)

терроризм пайдо бўлиши ва унинг амал этишини қўллаб-қувватлашга ёрдам берадиган шарт-шароитларни, жумладан демократия ва қонун устунлигини тўла ҳурмат қилиш, барча фуқароларга сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, камситишнинг олдини олиш ҳамда ўз жамиятларида маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқотларни рағбатлантириш, можароларни умумий сиёсий ҳал этиш йўллари излашга фуқаролик жамиятини жалб этиш, инсон ҳуқуқлари ва сабр-тоқатлилиқни таъминлаш, шунингдек қашшоқлик билан курашиш йўли орқали бартараф этиш зарурати тўғрисида яна бир бор баёнот бериб,

(...)

1. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари ва ижроия тузилмалари БМТнинг Терроризмга қарши глобал стратегияси ҳамда БМТнинг терроризм билан курашиш бўйича бошқа ҳужжатларини амалга оширишга фаол ёрдам беришга йўналтирилган савб-ҳаракатларини давом эттиришга даъват этади;

2. Иштирок этувчи давлатларни фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари, амалий ҳамжамият ва саноат доиралари билан терроризмга қарши туришга давлат-хусусий шерикчилиқни, шу жумладан зарурат бўлганда, ҳам ЕХХТ, ҳам миллий, суб-минтақавий ва минтавий даражаларда эгалланган тажрибани тақатиш ҳамда энг яхши миллий амалиёт мисолларига доир тегишли ахборот билан айрбошлаш йўли орқали рағбатлантиришни давом эттиришга даъват этади;

(...)

4. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини ўзларининг тегишли мамлакатларида терроризмга олиб келадиган зўраки экстремизм ва радикаллаштиришга қарши туришда ЕХХТнинг ижроия тузилмаларидан фойдланишга даъват этади. Шу мақсадда иштирок этувчи давлатларга терроризмга олиб келадиган зўраки экстремизм ва радикаллаштиришга қарши туриш бўйича стратегия ва чораларга тааллуқли ғоялар ва энг яхши миллий амалиёт мисоллари билан айрбошлашни давом эттириш, шунингдек ўзларининг оммавий ахборот воситалари, амалий ҳамжамият, саноат доиралари ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликларини кенгайтириш тавсия этилади;

(...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Терроризм билан курашиш халқаро-ҳуқуқий доираларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича бундан кейинги чоралар 3/09-сон Қарори)

Вазирлар Кенгаши,

(...)

(...) иштирок этувчи давлатларнинг терроризм билан курашиш тўғрисидаги 1963–1999 йиллардаги 12 та универсал конвенция ва протоколга қўшилиш соҳасида эришган жиддий натижаларини, шунингдек Ядровий терроризм хуружлари билан курашиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (2005 йил) имзолаш ва ратификация қилишдаги натижаларни табриклаб,

(...)

терроризм билан курашиш бўйича универсал конвенциялар ва протоколларда миллий жиной, қўлланиш мумкин бўлган ҳолларда, шунингдек маъмурий ва фуқаролик қонунчилигидаги жинойтлар жазоланиши кераклиги тўғрисидаги қоидаларни бажариш заруриятини эътироф этиб, терроризм хуружларининг ижрочилари, ташкилотчилари, уни қўллаб-қувватловчилар ва бунга ҳомийларни қонун устунлиги доирасида суд жавобгарлигига жалб қилиш учун мазкур жинойтларни содир этганликлари учун зарур жазо чораларини кўзда тутиб ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризм билан курашиш тўғрисидаги тегишли резолюциялари ва универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талаб қилганидек, «судга бериш ёки топшириш» принципи асосида халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида,

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари юқорида қайд этилган йўналишлардаги ўз саъй-ҳаракатларида техникавий ёрдамга муҳтож бўлишлари мумкинлигини эътироф этиб,

парламент аъзоларининг терроризм билан курашиш тўғрисидаги универсал конвенциялар ва протоколларни миллий қонунчилик доирасида ратификация қилиш ва амалга оширишдаги муҳим ролларини эътироф этиб,

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини, башарти бун ҳали қилмаган бўлсалар, терроризм билан курашиш тўғрисидаги ҳозирги вақтда амалда бўлган 13 та универсал конвенция ва протокол томонлари бўлиш ва уларнинг қоидаларини тўла ҳажмда бажариш учун барча саъй-ҳаракатларни қилишга қатъиян даъват этади;

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини Ядровий материални жисмоний ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга Тузатишга (2005 йил), Денгизда кема қатнови ҳавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар билан курашиш тўғрисидаги конвенциянинг Протоколига (2005 йил) ҳамда қитъа шельфида жойлашган муқим платформаларининг ҳавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний хуружлар билан курашиш тўғрисидаги Протоколга қўшилиш имкониятини қараб чиқиш ҳамда бундан сўнг улар қоидаларини тўлиқ ҳажмда бажаришга даъват этади;

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини терроризмга тааллуқли минтақавий ва субминтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Европа Кенгашининг Терроризмнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенциясига қўшилиш имкониятини қараб чиқишга даъват этади.

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатларини терроризм билан курашиш тўғрисидаги универсал конвенциялар ва протоколларини ҳаётга тадбиқ қилишга техникавий эксперт салоҳиятини алмашиш йўли билан давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга даъват этади ҳамда Бош қотибга давлатлараро ҳамкорликни, шу жумладан иштирок этувчи давлатлар ўртасида техникавий ёрдамга таклиф ва буюртмаларни қилишиш орқали, қўллаб-қувватлашни давом эттиришни топширади;

Бош қотибга ва ЕХХТнинг ваколатли ижроия тузилмаларига, мавжуд ресурслар доирасида, терроризм билан курашиш тўғрисидаги универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишни, жумладан ЮНОДКнинг терроризмнинг олдини олиш дастурини янада такомиллаштириш ва тартибга солишни қўллаб-қувватлаш йўли билан ЮНОДК билан терроризм билан курашиш ҳуқуқий тартибини кучайтириш масаласида ҳамкорликни қуйидагича давом эттиришни топширади:

- жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш ҳамда иштирок этувчи давлатларда терроризм билан курашиш тўғрисидаги универсал конвенциялар

ва протоколларнинг томонлари бўлиш учун уларнинг сиёсий иродасини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш;

- иштирок этувчи давлатларга, уларнинг илтимосига кўра, терроризм билан курашиш бўйича жиной қонунчиликни ишлаб чиқишда техникавий ёрдам кўрсатиш;
 - суд органлари мансабдор шахсларини терроризм билан боғлиқ жиной ишларда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик кўникмаларига ўқитиш;
- (...)

Остона 2010 йил

9. Айни пайтда биз бугунги мураккаб ва ўзаро боғлиқ дунёда терроризм каби пайдо бўлаётган трансмиллий таҳдидларга қарши туришда мақсадларимиз ва ҳаракатларимизда кўпроқ бирдамликка эришишимиз керак (...) Бундай каби таҳдидлар бизнинг минтақамизда ёки унинг ташқарисида пайдо бўлиши мумкин.

6.4.2 Терроризм билан курашишда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва қонун устунлиги

Мадрид 1983 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Иштирок этувчи давлатлар террористик ҳуружларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича самарали чоралар кўришга бўлган ўз қатъиятларини ифода этадилар (...) Улар буни (...) Хельсинки Яқунловчи ҳужжатида мувофиқ қилишга келишадилар.

Копенгаген 1990 йил

(6) Иштирок этувчи давлатлар (...) ўзларининг қонунлари, ўзларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлари ва ўзларининг халқаро мажбуриятларига мувофиқ халқнинг эркин ирода билдириши йўли билан ўрнатилган демократик тартибни ёки бошқа иштирок этувчи давлатда ана шундай тартибни ағдаришга йўналтирилган терроризм ёки зўравонликдан фойдаланадиган ёхуд терроризм ёки зўравонликни рад этишдан бош тортадиган алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларнинг фаолиятдан ҳимоя қилиш ва муҳофаза этиш бўйича ўз мажбуриятларини эътироф этадилар.

Бухарест 2001 йил (Вазирлар Кенгашининг декларацияси)

3. (...) Биз терроризм билан курашиш динлар ёки халқларга қарши уруш эмаслигини яна бир бор баён қиламиз. Биз ўзимизнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишга бўлган содиқлигимизни тасдиқлаймиз.

4. Биз, қонун устуворлигини, қонун доирасида индивидуал эркинлик ҳамда тенг одилсудловга бўлган ҳуқуқни сақлаган ҳолда, ўз фуқароларимизни, уларнинг хавфсизлигини янги таҳдидлардан ҳимоя қилишга қатъий мақсад қилдик.

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш 1/01-сон Қарори)

(...) ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари террористлар таҳдидлари олдида чекинмайдилар балки улар билан ўзларининг халқаро мажбуриятларига мувофиқ барча воситалардан фойдаланган ҳолда кураш олиб борадилар (...) Улар халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини тўла равишда ҳурмат қилган ҳолда

ўз фуқароларининг эркинлигини ва уларни терроризм ҳуружларидан ҳимоя қилишни таъминлайдилар. Улар терроризмни бирор миллат ёки дин билан айнанлаштиришни қатъиян рад этадилар ҳамда ЕХХТнинг нормалари, принциплари ва қадриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш 1-сон Қарорига Илова: Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режаси)

26. Террорчилар ҳаракатланишининг олдини олиш. Иштирок этувчи давлатлар: самарали чегара назорати ва шахсни тасдиқловчи ҳамда йўл ҳужжатлари берилиши устидан назорат қилиш (...) бундай назорат чораларини ўзларининг қочоқлар тўғрисидаги ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мажбуриятларига тўла риоя қилган ҳолда қўллайдилар;

Порту 2002 йил (ЕХХТнинг терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш хартияси)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари (...)

5. ЕХХТда терроризмга нисбатан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишининг давом этаётган жараёнини ЕХХТнинг фаолияти асосланиб келган ва бундан кейин асосланадиган ҳамда иштирок этувчи давлатлар бунини тўла маъқуллайдиган туб асосий, мустақкам принципларни тасдиқлаш билан тўлдириш ниятида муҳим деб ҳисоблайдилар;

6. Ўзларининг юрисдикцияси остида бўлган ҳар бир шахсни инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, айниқса яшаш ҳуқуқини террористик ҳуружлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриш мажбуриятларини тасдиқлайдилар;

7. Қонун устунлиги принципи, БМТ Устави ва халқаро ҳуқуқнинг тегишли қоидалари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар ва, қўллаш мумкин бўлган жойларда, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг қоидаларига мувофиқ терроризмга қарши самарали ва қатъий чоралар кўриш ҳамда террорга қарши барча чоралар ва ҳамкорликни амалга ошириш мажбуриятини оладилар;

(...)

Маастрихт 2003 йил (ЕХХТнинг ХХI асрда ҳаёфсизликка ва барқарорликка таҳдидларга қарши туриш бўйича стратегияси)

29. (...) Терроризм билан курашиш соҳасида салоҳиятни кучайтириш ва бошқа ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Бунда қонун устунлиги ва халқаро ҳуқуқ, шу жумладан инсон ҳуқуқларига тааллуқли принципларга тўла мувофиқ равишда терроризмга қарши самарали чоралар кўришдек муҳим муаммага ҳам эътибор қаратилади (...)

София 2004 йил (Вазирлар кенгашининг терроризмни олдини олиш ва у билан курашиш бўйича София баёноти)

(...) Биз терроризмнинг барча шакллари ва кўринишлари билан курашиш (...) ва бу курашни қонун устунлигига риоя этган ҳолда ҳамда ўзимизнинг халқаро ҳуқуқ, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар, қочоқлар ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқларга мувофиқ олиб боришга бўлган қатъиятимизни таъкидлаймиз.

2. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши тўла қамровли курашдаги етакчи ролини таъкидлаймиз (...) ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг 2004/87 резолюциясини қўллаб-қувватлаймиз (...)

Биз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда терроризмнинг олдини олишнинг муҳим унсури эканлигига ишончимиз комил. Биз терроризмнинг олдини самарали олиш ва у билан курашишга мамлакатларимиздаги фуқаролик жамиятини жалб этиш талаб қилинишини эътироф этамиз.

София 2004 йил (Қарорлар: Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш билан курашиш 3/04-сон Қарори)

(...) Интернетдан террористик ташкилотларнинг фойдаланишлари қўламларидан ташвишланиб (...) шунга қарор қиладики, иштирок этувчи давлатлар Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан алмашадилар ҳамда бу таҳдид билан курашишнинг эҳтимол тутилган стратегиясини аниқлайдилар, айти пайтда халқаро мажбуриятлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормалар, шу жумладан хусусий ҳаётнинг дахлсизлиги, фикр билдириш эркинлигига тааллуқли нормаларга риоя этилишини таъминлайдилар;

(...)

Брюссель 2006 йил (Вазирлар кенгашининг терроризм билан курашиш халқаро-ҳуқуқий асосини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш бўйича Брюссель баёноти)

Биз бу кураш чоралари қонун устунлиги принципи тўла ҳурмат қилинган ҳолда ҳамда халқаро ҳуқуқ доирасидаги мажбуриятларимиз, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ, қочоқлар ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуққа мувофиқ қабул қилиниши кераклигини таъкидлаймиз.

Мадрид 2007 йил (Қарорлар: Терроризмга қарши туришда давлат-хусусий шерикчилиги 5/07-сон Қарори)

Туб аҳамиятни, шу жумладан терроризм билан курашиш ва терроризм олдидаги кўрқувга барҳам бериш маъносида, инсоннинг барча ҳуқуқлари ва туб эркинликларини ҳамда қонун устунлиги принципи ва тегишли халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларга, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ, қочоқлар ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилиш туб аҳамиятини яна бир бор тасдиқлаб,

(...)

(...) Шу муносабат билан барча саъй-ҳаракатларда қуйидаги жиҳатлар зарур тарзда ҳисобга олиниши керак: (...)

— бағрикенглилик, инсон ҳуқуқлари, қонун устунлиги, демократияни, зарур тарздаги давлат бошқаруви ва маданиятлараро мулоқотларни қарор топтириш,

— маданий ва диний турфаликни ҳурмат қилиш шарти билан ОАВ ва таълим муассасалари орқали, (...)

қарор қилади:

1. Бош котибга ва ЕХХТ институтларига хусусий секторни (фуқаролик жамияти ва ишбилармонлар ҳамжамиятини) терроризмга қарши туриш бўйича саъй-ҳаракатларда, бу ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлганда, иштирок этишга жалб этиш бўйича ишларни давом эттиришни топшириш;

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТ минтақасида қонун устунлигини янада мустаҳкамлаш 7/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

4. Иштирок этувчи давлатларга, зарурат бўлганда, ЕХХТнинг тегишли ижроия тузилмаларининг қўллаб-қувватлашида, уларнинг мандатларига мувофиқ ва мавжуд ресурслари доирасида, ахборот ва энг яхши амалиёт билан алмашиш бўйича фаолиятни давом эттириш ва фаоллаштириш ҳамда қонун устунлигини, жумладан, қуйидаги соҳаларда мустаҳкамлаш:

(...)

- терроризм билан курашиш давомида ўзларининг халқаро ҳуқуқий мажбуриятлари ва ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқ қонун устунлиги ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш;

(...)

Хельсинки 2008 йил (Қарорлар: ЕХХТнинг терроризмга қарши туриш бўйича фаолиятини янада кучайтириш 10/08-сон Қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг терроризмнинг барча шакллари ва кўринишлари билан, унинг илдизлари ёки сабаблари қандай бўлмасин, оқлаб бўлмайдиган жиноят сифатида курашишга ҳамда бу курашни қонун устунлигини ҳурмат қилган ва ўзларининг халқаро ҳуқуқ, жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ, қочоқлар ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ олиб бориш қатъиятини яна бир бор таъкидлайдилар,

(...)

6.4.3 Иштирок этувчи давлатлар ҳудудларида терроризм билан боғлиқ фаолиятнинг олдини олиш

Мадрид 1983 йил (Европада ҳавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

Улар терроризм ҳуружларига қарши кураш маъносида ўзларининг тегишли ҳудудларидан террористик фаолиятни, шу жумладан бошқа иштирок этувчи давлатлар ва уларнинг фуқароларига қарши қаратилган террористик фаолиятни тайёрлаш, ташкил этиш ёки содир қилиш мақсадларида фойдаланишига тўсқинлик қилиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар. Бу, шунингдек, уларнинг ҳудудларида терроризм ҳуружларига далолатчилик қиладиган, бунини ташкил этадиган ёхуд уларни содир этишда иштирок этадиган шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар учун ҳам тааллуқлидир.

Вена 1989 йил (Европада ҳавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(10) (...) иштирок этувчи давлатлар қуйидаги ниятларини билдирадилар:

(...)

(10.3) ўз ҳудудларида бошқа иштирок этувчи давлат тузумини куч ишлатиб ағдаришга қаратилган терроризм ёки қўпуровчилик актлари ёхуд бошқа фаолиятга далолатчилик қиладиган, бунини ташкил этадиган ёки уларда иштирок этадиган шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар ноқонуний фаолиятининг олдини оладилар;

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: I. Биз учун умумий давъатлар)

4. (...) Биз ўз давлатларимиз ҳудудларида терроризмнинг ҳар қандай хужжларига ва уларни молиялаштиришга йўл қўймаслик бўйича ўз саъй-ҳаракатларимизни кучайтирамиз ҳамда террорчиларга бошпана беришни рад этамиз (...)

Бухарест 2001 йил (Терроризмга қарши курашиш 1-сон Қарорига Илова: Терроризмга қарши курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режаси)

24. Терроризмни молиялаштиришга чек қўйиш. Иштирок этувчи давлатлар: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1373 (2001) резолюцияси доирасида, шунингдек БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1267 (1999) резолюциясини эътиборга олиб, терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш ва бунга чек қўйиш, террористик фаолият мақсадларида қасддан маблағ бериш ёки тўплаш учун жиноий жавобгарликни жорий этиш ҳамда террорчилар активларини ёпиш юзасидан чоралар кўрадилар; ўзларининг конвенчиликлари ва халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ бошқа иштирок этувчи давлатларнинг ва тегишли халқаро ташкилотларнинг ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларига тезкорлик билан жавоб берадиган муносабатда бўладилар.

25. Иштирок этувчи давлатлар/Котибият (...) ЕХХТнинг транспарентликни ошириш ва коррупция билан курашиш бўйича фаолияти доирасида терроризмга қарши қаратилган халқаро умумий саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани қараб чиқадиладар; миллий молиявий муассасалар персонали учун терроризм билан курашиш, шу жумладан молиявий оқимлар устидан назорат қилиш ва «пулни ювиш»га йўл қўймаслик мавзулари бўйича ўқитиш лойиҳаларини ташкил этишда ўз зиммасига мувофиқлаштириш ролини олиш масаласини қараб чиқадиладар. Иштирок этувчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ташкил этилаётган коррупция билан курашиш тўғрисидаги глобал ҳуқуқий ҳужжат бўйича бўлажак музокараларда уларни тезроқ якунига етказиш мақсадларида конструктив иштирок этадиладар.

26. Террорчиларнинг ҳаракатланишини олдини олиш. Иштирок этувчи давлатлар: самарали чегара назорати ва шахсни тасдиқловчи ҳамда йўл ҳужжатлари берилиши устидан назорат қилиш, шунингдек мазкур ҳужжатларга нисбатан хавфсизлик чоралари ҳамда уларни сохталаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ёрдамида террорчилар ёки террорчи гуруҳларнинг ҳаракатланишига чек қўядилар; бундай назорат чораларини ўзларининг қочоклар тўғрисидаги ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича мажбуриятларига тўла риоя қилган ҳолда қўллайдилар; 1950 йилги Қочоклар мақоми тўғрисидаги конвенцияда ва 1967 йилги унга Протоколда қайд қилинган истиснолар тўғрисидаги қоидаларни зарур тарзда қўллаш орқали террористик қилмишларда иштирок этган шахсларга бошпана бермасликни таъминлайдилар; террористик қилмишларда айбланаётган шахсларни, ўзларининг халқаро мажбуриятлари ва миллий ҳуқуқига мувофиқ ўз вақтида ушлаш ва суд таъкибини амалга оширишни таъминлайдилар.

Порту 2002 йил (ЕХХТнинг терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш хартияси)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари терроризм билан биргаликда кураш олиб боришга қатъий содиқликлари ҳолда,

8. Ҳар бир давлат террористларни яшириш, бошқа давлатда террористик ҳуружларни ташкил этиш, бунга далолатчилик қилиш, фаол ёки нофаол қўллаб-қувватлаш ёхуд қандайдир шаклда бўлмасин буни қўллаб-қувватлаш ва бунга ҳомийлик қилишдан ўзларини тийиб туришлари, шунингдек ўзларининг ҳудудларида ана шундай актларни ташкил қилишга йўналтирилган уюшган фаолиятга бефарқ қарамасликлари шарт;

(...)

24. Ўзларининг ҳудудларида барча қонуний воситалар билан ҳар қандай террористик ҳуружнинг, уларни молиялашнинг ва бунга тайёргарлик кўришнинг олдини олиш ва чек қўйиш, шунингдек Терроризмни молиялаштириш билан курашиш тўғрисидаги халқаро конвенция ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциялари бўйича ўзларининг мажбуриятлари доирасида террористик фаолият мақсадларида қасддан маблағ ажратиш ёки маблағ тўплашга жиноий жавобгарликни жорий этиш учун барча зарур чораларни кўриш билан халқаро ҳамкорликни тўлдириш заруратини этироф этадилар;

(...)

6.4.4 Террористик ҳуружларга алоқадор шахсларни топшириш ва суд таъқиби

Вена 1989 йил (Европада хавфсизликка тааллуқли масалалар: Принциплар)

(10) (...) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг қуйидаги ниятларини билдирадилар:

(...)

(10.5) террористик ҳуружларга алоқадор шахсларни топшириш ёки суд таъқибни таъминлаш ҳамда бир нечта давлат манфаатдор бўладиган рақобатлашадиган юрисдикция ҳолатларида қалин ҳамкорлик қилиш, ҳар икки ҳолатда тегишли халқаро битимларга мувофиқ иш кўриш;

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: IV. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли ҳуқ-атвор кодекси)

6. Иштирок этувчи давлатлар (...) халқаро битимларда террорчиларнинг суд таъқибини амалга ошириш ёки топшириш бўйича улар зиммасига юклатилган мажбуриятлар талабларини бажариш бўйича чоралар кўрадилар.

Бухарест 2001 йил (Терроризм билан курашиш 1-сон Қарорига Илова: Терроризм билан курашиш бўйича Бухарест ҳаракат режаси)

19. Ҳуқуқ-тартибот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уюшган жиноятчилик билан курашиш. Иштирок этувчи давлатлар: (...) ўзларининг ички қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ террористик ҳуружларга алоқадор жиноятчиларни жиноий тергов қилиш ёки уларни топшириш тартиби муносабати билан ахборот тақдим этишда бир-бирларига иложи бўлган ҳамма ёрдамни кўрсатадилар.

Порту 2002 йил (ЕХХТнинг терроризмнинг олдини олиш ва у билан курашиш тўғрисидаги хартияси)

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари терроризм билан биргаликда кураш олиб боришга қатъий содиқ ҳолда,

(...)

10. Террористик ҳуружларни режалаган, унга ёрдам берган ёки унда иштирок этган ҳар қандай шахсга бошпана берилишига йўл қўймаслик мақсадида зарур чоралар кўрадилар, бунда ички давлат ва халқаро ҳуқуқнинг тегишли қоидаларига риоя этидилар (...)

(...)

18. БМТнинг конвенциялари ва протоколлари ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияларига, шунингдек бошқа халқаро мажбуриятларига мувофиқ террористик ҳуружлар ва бундай актларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан терроризмни молиялаштириш фаолияти ички қонунчиликда жиддий жиноят сифатида малакалаштирилишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисида баён қиладилар;

19. Террористик ҳуружларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва уларни тергов қилиш ҳамда айбдорларни таъқиб қилиш мақсадларида биргаликда, шу жумладан ҳамкорликни кучайтириш ва терроризмга тааллуқли тегишли халқаро конвенциялар ва протоколларини тўла ҳажмда бажариш орқали биргаликда иш олиб борадилар.

Любляна 2005 йил (Қарорлар: Терроризмга қарши туриш мақсадларида жиноий иш олиб бориш масалаларида ҳуқуқий ҳамкорликни кучайтириш 4/05-сон Қарори)

Вазирлар Кенгаши,

халқаро ҳуқуқ ва ЕХХТ доирасидаги мавжуд сиёсий мажбуриятларга мувофиқ ЕХХТнинг терроризмга қарши фаолиятини кучайтиришга қатъий ниятда,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг 1373 (2001), 1566 (2004) ва 1624 (2005) резолюцияларида барча мамлакатларга иложи борица тезроқ терроризм билан курашиш тўғрисидаги тегишли халқаро конвенциялар ва протоколларнинг иштирокчилари бўлиш ҳамда терроризм билан курашишда тўлиқ ҳамкорлик қилиш даъвати қайд қилинганлигини, шунингдек ЕХХТда қабул қилинган терроризмга қарши тегишли мажбуриятларни эслатиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг 1631 (2005) резолюциясига, жумладан унинг «барча тегишли минтақавий ва субминтақавий ташкилотларга ўзларининг тегишли мандатлари доирасида терроризм билан курашиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини, шу жумладан иштирок этувчи давлатларнинг террористик ҳуружлар халқаро тинчлик ва хавфсизликка тўғдираётган таҳдидларни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларига ёрдам кўрсатиш мақсадларида ўз салоҳиятини ошириш» қатъий даъвати қайд этилган қоидаларига мурожаат қилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида терроризм тўғрисида кенг қамровли конвенция лойиҳасини ниҳоясига етказиш бўйича жадал иш давом этаётганлигини табриклаб,

юқорида кўрсатилган конвенция ва протоколлар универсал терроризмга қарши ҳуқуқий тартиб ташкил этишини ҳамда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва,

экстрадиция тўғрисида икки томонлама шартномалар мавжуд бўлмаганида, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Палермо конвенцияси) билан биргаликда ҳуқуқий ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилишини қайд этиб,

(...)

қарор қиладики, иштирок этувчи давлатлар ички қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ томонидан ўрнатилган қоидаларга амал қилган ҳолда террористик ҳуружларнинг ижрочилари, ташкилотчилари, ҳомийларини ҳамда уларни қўллаб-қувватланаётганларни «ёки суд қил, ёки топшир» принципи асосида излаш ва жавобгарликка тортиш учун ўзаро фаол ва тўла равишда ҳамкорлик қилишлари муҳимдир;

Бош қотибга ЮНОДК билан қалин ҳамкорликда тегишли илтимос билан муносабат қилаётган иштирок этувчи давлатлар учун прокуратура ва судлар ходимларини, шу жумладан терроризм билан боғлиқ экстрадиция ва жиноятлар бўйича иш олиб боришда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича тайёрлаш учун миллий семинарлар ташкил этишни топширади.

Брюссель 2006 йил (Вазирлар Кенгашининг терроризм билан курашиш халқаро-ҳуқуқий асосини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Брюссель баёноти)

Биз иштирок этувчи давлатларни терроризм бўйича минтақавий ёки субминтақавий ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш ёки биз мансуб бўлган ташкилотлар томонидан олиб борилаётган жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ҳамкорлик қилишга, шунингдек тегишли ҳолларда мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқни тўлдиришга ҳамда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва террористик ҳуружлар ижрочилари, ташкилотчилари, бунга ёрдам кўрсатувчилар ва ҳомийларни қидириш ва одил судловга топшириш мақсадларида қилинаётган саъй-ҳаракатлар доирасида ички ва халқаро ҳуқуқ асосида қўллаш мумкин бўлган нормаларга мувофиқ уларни топшириш ва жиноий таъқиб қилишни таъминлайдиган принциплар асосида топшириш бўйича икки томонлама битимлар тузиш имкониятларини қараб чиқишга даъват қиламиз.

Мадрид 2007 йил (Вазирлар кенгашининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши глобал стратегиясини қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги баёноти)

13. Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ террористик ҳуружларини молиялаштириш, режалаш, тайёрлаш ёки содир этишни ҳамда бошпана беришни қўллаб-қувватлаётган, ёрдам кўрсатаётган, уларда иштирок этаётган ёки иштирок этишга уринаётган ёхуд ҳар қандай шахсни «топшир ёки судга бер» принципи асосида топиш, бошпана беришни рад этиш ва одил судловга топшириш масалаларида тўла равишда ҳамкорлик қиладилар. Иштирок этувчи давлатлар қочоқ мақомини беришдан аввал бошпана сўраётган шахс террористик ҳуружни режалаштирмагани, бунга ёрдам кўрсатмагани ва унда иштирок этмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун миллий қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг тегишли қоидаларига мувофиқ зарур чоралар кўрадилар. Улар халқаро ҳуқуққа мувофиқ террористик ҳуружларни содир этган, ташкил қилган ёки содир этишга ёрдам берган шахслар қочоқ мақомини

суниестъмол қилмасликлари ҳамда террористик фаолиятда шубҳа қилинаётган шахслар бўйича сиёсий сабабнинг мавжудлигини тасдиқлаш уларни экстрадиция қилиш тўғрисидаги сўровни рад этиш учун асос сифатида тан олинмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қиладилар (...)

Афина 2009 йил (Қарорлар: Терроризм билан курашиш халқаро ҳуқуқий доираларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича бундан кейинги чоралар 3/09-сон Қарори)

Вазирлар Кенгаши,

(...)

терроризм билан курашиш бўйича универсал конвенциялар ва протоколларда миллий жиной, қўлланиш мумкин бўлган ҳолларда, шунингдек маъмурий ва фуқаролик қонунчилигидаги жинойтлар жазоланиши кераклиги тўғрисидаги қоидаларни бажариш заруриятини эътироф этиб, терроризм ҳуружларининг ижрочилари, ташкилотчилари, уни қўллаб-қувватловчилар ва бунга ҳомийларни қонун устунлиги доирасида суд жавобгарлигига жалб қилиш учун мазкур жинойтларни содир этганликлари учун зарур жазо чораларини кўзда тутиб ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризм билан курашиш тўғрисидаги тегишли резолюциялари ва универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талаб қилганидек, «судга бериш ёки топшириш» принципи асосида халқаро ҳуқуқий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида,

ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари юқорида қайд этилган йўналишлардаги ўз саъй-ҳаракатларида техникавий ёрдамга муҳтож бўлишлари мумкинлигини эътироф этиб,

(...)

6.4.5 Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишга қарши кураш

София 2004 йил (Қарорлар: Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш билан курашиш 3/04-сон Қарори)

Вазирлар Кенгаши,

(...) Интернетдан террористик ташкилотлар қуйидаги мақсадларда фойдаланишларининг кўламларидан ташвишланиб:

- янги аъзоларни аниқлаш ва ёллаш учун,
- маблағ тўплаш ва ўтказиш учун,
- террористик ҳуружларни ташкил этиш учун,
- террористик ҳуружларга, жумладан тарғибот ишлатиш воситаси билан далолатчилик қилиш учун,

қарор қиладики, иштирок этувчи давлатлар Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот билан алмашадилар ва бу таҳдид билан курашишнинг имконияти бор стратегиясини аниқлайдилар деб (...)

Брюссель 2006 йил (Қарорлар: Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишга қарши туриш 7/06-сон қарори)

Вазирлар кенгаши,

(...)

Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш ортишидан ҳали ҳам жиддий ташвишланиб,

(...)

шу маънода фикр билдириш эркинлиги, жумладан демократия учун ҳаётий муҳим бўлган ҳамда Интернет томонидан мустаҳкамланаётган ахборотни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳамда қонун устунлигини ҳар тарафлама ҳурмат қилиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1624 (2005) резолюциясида барча давлатларга зарур ва ўринли бўлган чораларни кўриш ҳамда уларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ террористик хуруж ёки хуружлар содир этишга далолатчиликни қонуний ман этиш ҳамда бундай ҳаракатларнинг олдини олиш даъвати қайд қилинганлигини таъкидлаб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши глобал стратегиясига мувофиқ бизнинг, жумладан «Интернетда терроризмнинг барча шакллари ва кўринишлари билан курашиш мақсадларида халқаро ва минтақавий даражаларда қилинаётган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш» ва «терроризмни тарқатиш билан курашиш воситаси сифатида Интернет тармоғидан фойдаланиш, бунда давлатларга мазкур масалаларда ёрдам талаб қилиниши мумкинлигини эътироф этиш» бўйича мажбуриятларимизни яна бир бор тасдиқлаб,

(...)

Европа Кенгашининг Кибержиноят бўйича конвенцияси (2001) махсус кибержиноятчиликка бағишланган, юридик мажбурий бўлган ягона кўп томонлама восита эканлигини, жумладан у мазкур Конвенциянинг иштирокчилари бўлган давлатлар ўртасида кибержиноятчилик билан курашиш учун халқаро ҳамкорлик қилиш умумий ҳуқуқий асосини таъминлашини ҳамда компьютер тизимлари ёрдамида содир этилаётган ирқчилик ва ксенофобия актлари жиноятларига тааллуқли Конвенцияга Қўшимча протоколни эслатиб,

«Саккизлик»нинг Саммитида (Санкт-Петербург, Россия Федерацияси, 2006 йил 16 июнь) қабул қилинган киберхудуддан терроризм мақсадларида, шу жумладан террористик хуружларни содир этишга далолатчилик қилиш, террористик хуружлар тўғрисида маълум қилиш ва террористик хуружларни режалаштириш, шунингдек террорчиларни ёллаш ва ўқитиш мақсадларида фойдаланишга уринишларга самарали қарши туриш, жумладан компьютер тармоғининг киберхудудда жамиятга зид хатти-ҳаракатларга қарши туриш учун 24/7 форматида «саккизлик» мамлакатларида жиноятчилик билан курашдаги ролини қайд этиб,

(...)

«ноқонуний» ва «ҳуқуққа зид» тушунчасининг мазмунини аниқлашга мамлакатларнинг турлича ёндашувини ҳамда Интернет ёрдамида тўпланган тезкор маълумотлардан фойдаланиш имконияти каби киберхудудда ноқонуний ва ҳуқуққа зид жойлаштириш ҳамда террористик ташкилотлар ва улар тарафдорларининг веб-сайтларини ёпиш билан курашиш турли усуллари эътиборга олиб,

терроризм билан боғлиқ бўлмасалар ҳам ҳар ҳолда бу соҳада эксперт билимлари мавжудлигини намоиш қилаётган ва бу билан энг муҳим инфратузилмалар, молия муассасалари ёки бошқа ҳаётий муҳим тармоқларга террорчилик киберхужумлар қилиш имкониятини таъминлаётган хакерларнинг давом этаётган хужумларидан ташвишланиб,

1. ЕХХТнинг ва унинг иштирок этувчи давлатларининг фаолиятини асосан Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишга қарши туриш ишида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўли билан фаоллаштиришга қарор қилади;

2. Иштирок этувчи давлатларни энг муҳим ахборот тузилмалари ва ҳал қилувчи тармоқларни киберхужум таҳдидларидан ҳимоя қилиш учун барча тегишли чораларни кўриш имкониятини қараб чиқишга даъват этади;

3. Иштирок этувчи давлатларни мавжуд халқаро ва минтакавий ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Европа Кенгашининг кибержиноятчилик (2001) ва терроризмнинг олдини олиш тўғрисидаги (2005) конвенцияларига қўшилиш имкониятини қараб чиқиш ҳамда уларнинг мажбурий қоидаларини бажаришга даъват этади;

4. Иштирок этувчи давлатларга «саккизлик» мамлакатларининг жиноятчилик билан курашиш бўйича 24/7 форматидаги компьютер тармоғига уланишни ва киберхуруддан ҳуқуққа зид фойдаланиш билан курашиш ҳамда, зарурат бўлганда, электрон далиллардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноий ишлар доирасида ҳуқуқ-тартибот соҳасида халқаро ҳамкорликга кўмаклашиш мақсадларида бу тармоқ билан алоқа қилиш учун тегишли орган/алоқа қилувчи шахсни тайинлашни тавсия этади;

5. Иштирок этувчи давлатларни ички қонунчилиги бўйича мазмун ҳуқуққа зид бўлган ва жойлаштирилиши ўзларининг юрисдикцияси доирасида тартибга солинадиган мазмунларга нисбатан чора кўриш тўғрисидаги илтимос олинганда, бундай мазмунга нисбатан қарши туриш учун барча тегишли чораларни кўриш ҳамда ўзларининг ички қонунчилиги ва қонун устунлиги концепциясига, шунингдек ўзларининг халқаро мажбуриятлари, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларига мувофиқ бошқа манфаатдор давлатлар билан ҳамкорликни таъминлашга даъват этади;

6. Иштирок этувчи давлатларга зўравонликни тарғиб қиладиган террорчи/экстремистик ташкилотларнинг ҳамда улар тарафдорларининг веб-сайтлари мониторингини кенгайтириш, шунингдек Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш, ички қонунчиликка мувофиқ бундай фойдаланишга қарши туриш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида ЕХХТ ҳамда бошқа тегишли анжуманлар доирасида ахборот алмашишни фаоллаштириш, айти пайтда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбурият ва нормаларга, шу жумладан хусусий турмушнинг дахлсизлиги, фикр билдириш эркинлиги ва қонун устунлигига тааллуқли мажбуриятлар ва нормаларга риоя этилишини таъминлаш таклиф этилади. Бошқа халқаро анжуманлар доирасида амалга оширилаётган фаолият такрорланишга йўл қўймаслик лозим;

7. Иштирок этувчи давлатларга фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий секторни Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга қарши туриш бўйича фаолиятга янада фаолроқ жалб этиш имкониятини ўрганиш тавсия этилади;

(...)

9. Бош котибга, асосан ЕХХТнинг Терроризм билан курашиш бўйича тармоғи орқали, Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ таҳдидлар, шу жумладан террорчилик актларига далолатчилик қилиш, бунинг учун одам ёллаш, маблағ тўплаш, тайёргарлик кўриш, мақсадларни танлаш ва режалаш бўйича ахборотлар ҳамда мазкур таҳдидга қарши туриш мақсадида кўрилаётган

қонунчилик ва бошқа чоралар тўғрисидаги ахборот билан алмашишни ташкил этиш топширилсин.

Мадрид 2007 йил (Вазирлар Кенгашининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши глобал стратегиясини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёноти)

14. ЕХХТнинг иштирок этувчи давлатлари Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишдан ҳали ҳам жиддий ташвишланиб, бу таҳдид тўғрисида ахборот алмашишни давом эттирадилар ҳамда Вазирлар кенгашининг Интернетдан террористик мақсадларда фойдаланишга қарши туриш тўғрисидаги 7/06-сон Қарорига мувофиқ бошқа чораларни кўрадилар;

(...)

7.

ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚҚА ТААЛЛУҚЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

Хельсинки 1992 йил (Қарор. VI. Инсонийлик мезонлари)

Иштирок этувчи давлатлар

(47) Халқаро гуманитар ҳуқуқ инсон шахсининг ажралмас кадр-қимматига асосланишини эслатиб ўтадилар.

(48) Халқаро гуманитар ҳуқуқни, шу жумладан фуқаро аҳолини ҳимоя қилишни ҳар қандай ҳолатларда ҳам ҳурмат қиладилар ва ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.

(49) Халқаро гуманитар ҳуқуқни бузувчилар ўз хатти-ҳаракатлари учун шахсан жавобгар эканликларини эслатиб ўтадилар.

(50) Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг халқаро ҳуқуқ, шу жумладан Женева конвенциялари ва уларнинг тегишли Протоколларини амалга ошириш ва ривожлантиришдаги жуда муҳим ролини тан оладилар.

(51) Ўзларининг Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, шунингдек, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Жамиятлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг ташкилотларига, айниқса, қуроли моjarолар даврида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳимоя рамзларини ҳурмат қилиш, бу рамзларни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва зарур ҳолларда тегишли ҳудудларга боришни таъминлашда бор куч-ғайратларини сарфлаш мажбуриятларини яна бир қара тасдиқлайдилар.

(52) Халқаро гуманитар ҳуқуқ доирасидаги ўз мажбуриятларига доир маърифий фаолиятни олиб бориш ва ахборот тарқатиш мажбуриятларини бажаришга содиқ эканликларини баён этадилар.

Стокгольм 1992 йил (Қарор: 2. ЕХҲК умумий қадриятлар тизими сифатида)

Қочоқлар ва кўчирилган шахслар муаммоларининг, айниқса асосий инсоний эҳтиёжларни қондиришнинг кескинлашиши барча иштирок этувчи давлатларда жиддий ташвиш уйғотаётган масала ҳисобланади. Вазирлар бундай моjarолар оқибатида энг кўп жабр кўрган фуқаро аҳолисининг уқубатлари муносабати билан таассуф билдирдилар ва барча иштирок этувчи давлатларга бу умумий оғир юкни ўзаро тақсимлашга келишилган савий-ҳаракатларга ҳисса қўшишга даъват билан мурожаат қилдилар. Барча мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз фуқаролари ва ўз қўшниларига нисбатан ўз муносабатлари учун бир-бирлари олдида масъуллар. Айрим шахслар ҳарбий жиноятлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқни бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари учун шахсан жавобгар бўлишлари керак.

Рим 1993 йил (Қарор: X. Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм тўғрисидаги декларация)

4. Вазирлар халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига катъий риоя қилишни, шу жумладан ҳарбий жиноятларда ва инсониятга қарши қаратилган бошқа

жиноятларда айбдорларни таъқиб қилиш ва жазолашни мустаҳкам таъминлаш мақсадида тезкор ҳаракатлар зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Будапешт 1994 йил (Қарор: IV. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли ҳуққ-атвор кодекси)

29. Иштирок этувчи давлатлар ўз мамлакатларида халқаро гуманитар ҳуқуқнинг ҳарбий ҳаракатларга тааллуқли ҳужжатларини тенг тарқатадилар. Улар ўзларининг миллий амалиётларига мувофиқ ўзларининг ҳарбий ўқув дастурлари ва қоидаларида бу соҳадаги ўз мажбуриятларини акс эттирадилар.

30. Ҳар бир иштирок этувчи давлат унинг қуроли кучлари шахсий таркиби халқаро гуманитар ҳуқуқ, ҳарбий можароларга тааллуқли халқаро гуманитар қоидалар, нормалар ва мажбуриятлар билан таништирилишини, шунингдек шахсий таркиб миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ ўз хатти-ҳаракатлари учун шахсий жавобгар эканлигидан хабардор бўлишини таъминлайди.

31. Иштирок этувчи давлатлар қуроли кучлари шахсий таркибининг қўмондонлик ваколатига эга бўлган шахслари бу ваколатни миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ амалга оширишларини, шунингдек мазкур ҳуқуқий нормаларга мувофиқ бу ваколатларни қонунга зид ҳолда амалга ошириш учун шахсий жавобгарликка тортилиш мумкинлиги ҳамда миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуққа зид бўлган буйруқлар берилмаслигидан хабардор қилинишини таъминлайдилар. Юқори мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги уларга бўйсунадиганларни шахсий жавобгарликдан озод қилмайди.

(...)

34. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ҳам тинч, ҳам уруш вақти шароитларида унинг қуроли кучларига раҳбарлик, шахсий таркибни тузиш, уни тайёрлаш ва таъминлаш халқаро ҳуқуқ ҳамда ўзининг тегишли ҳуқуқлари ва бошқа мажбуриятларига, шу жумладан, қўллаш мумкин бўлганда, 1907 ва 1954 йилги Гаага конвенциялари, 1949 йилги Женева конвенцияси ҳамда уларга 1977 йилги қўшимча протоколларга, шунингдек 1980 йилги Оддий қуролининг айрим турларини қўллаш тўғрисидаги конвенция қоидаларига жавоб беришини таъминлайди.

35. Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўзининг мудофаа соҳасидаги сиёсати ва доктринаси қуроли кучларни ишлатиш, шу жумладан ҳарбий можаролар давомида ишлатишга тааллуқли халқаро ҳуқуқий нормаларга, шунингдек мазкур Кодексда қайд этилган тегишли мажбуриятларга зид бўлмаслигини таъминлайди.

Будапешт 1994 йил (Қарорлар: VIII. Инсонийлик мезонлари)

33. Иштирок этувчи давлатлар кейинги йилларда ЕХХК минтақасида юз берган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг қўпол бузилишлари муносабати билан жиддий ташвиш билдирадилар ва умумий гуманитар ҳуқуқни ҳурмат қилиш ҳамда унинг ҳурмат қилинишини таъминлаш мажбуриятини ва хусусан ўзлари иштирокчилари ҳисобланган тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан 1949 йилги Женева конвенциялари ва уларга оид қўшимча Протоколлар бўйича мажбуриятларини яна бир қарра тасдиқлайдилар.

34. Улар барча вазиятларда қўлланиладиган энг кам гуманитар нормалар тўғрисидаги декларациянинг потенциал аҳамиятини таъкидлаб, БМТ доирасида уни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёр эканликларини баён қиладилар. Улар халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига тааллуқли ўз ҳарбий хизматлари шахсий

таркибининг лозим даражада хабардор қилинишини ва тайёрланишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар ҳамда бу борадаги ахборот танишиб чикиш учун очиқ бўлиши керак деб ҳисоблайдилар.

35. Улар ЕХХК ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХК) ўртасидаги, шу жумладан ЕХХК миссиялари иштирокидаги ривожланаётган ҳамкорликни юқори баҳолайдилар, ХҚХКнинг бундай ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини маъқуллайдилар ҳамда бундан буён ҳам ХҚХКни, хусусан, жойларда ишлаётган ЕХХК миссиялари ва ХҚХК делегациялари ўртасида қарор топган муносабатларни мустаҳкамлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Истамбул 1999 йил (Европа хавфсизлиги хартияси: III. Бизнинг умумий жавобимиз)

22. Биз ҳар қандай этник тозалаш ёки оммавий қувғин қилиш сиёсатини рад этамиз (...) Фуқаро шахсларни можаролар пайтида ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида биз халқаро гуманитар ҳуқуқни янада фаолроқ қўллаш йўллариини излаймиз.

София 2004 йил (Вазирларнинг Иккинчи жаҳон уруши тугаганининг олтмиш йиллиги тўғрисидаги декларацияси)

(...) Биз этник тозалашнинг барча шакллариини қоралаймиз. Биз 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган БМТнинг Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенцияга ўзимизнинг содиқлигимизни тасдиқлаймиз. Биз иштирок этувчи давлатларни бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам геноцидни содир этиш уринишларига йўл қўймаслик учун имконияти бўлган барча чораларни кўришга даъват этамиз. Бундай жиноятларда айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак.

София 2004 йил (Қарорлар: 14/04-сон Қарорига Илова, ЕХХТнинг Гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилги Ҳаракат режаси)

- аёлларга нисбатан жиноят содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, бу жиноятлар халқаро ҳуқуқнинг қўлланса бўладиган нормаларига мувофиқ ҳарбий жиноятлар ёки инсониятга қарши жиноятлар сифатида малакалаштирилади (...)

Хельсинки 2008 йил (Вазирлар учрашувининг Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенциясининг олтмиш йиллиги тўғрисидаги декларацияси)

Биз, ЕХХТ Вазирлар кенгашининг аъзолари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 9 декабрда қабул қилинган Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенциянинг (бундан буён «Конвенция» деб аталади) олтмиш йиллигини нишонлаяпмиз. (...)

Биз Конвенциянинг геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш бўйича муҳим халқаро восита сифатидаги аҳамиятини яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз иштирок этувчи давлатларни, башарти улар ҳали бун қилмаган бўлсалар, иложи борида тезроқ Конвенциянинг ҳамда геноцид жиноятининг олдини олиш

ва унинг учун жазолаш бўйича бу глобал механизмнинг қисми томонлари бўлиш масаласини қараб чиқишга даъват этамиз. Бундан сўнг биз иштирок этувчи давлатларни Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга йўналтирилган ўз фаолиятларини кенгайтириш ва фаоллаштиришга даъват этамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияни қабул қилар экан, геноцид жинояти инсониятга катта йўқотишлар келтирган жирканч қилмиш ҳамда геноцид жиноятининг тезроқ олдини олиш ва унинг учун жазолашни қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамкорлик зарурлигига ишончи комил эканлигини эътироф этганлигини қайд этамиз.

Биз геноцид халқаро ҳуқуқ бўйича энг жиддий жиноятлардан бири эканлигини, бутун халқаро ҳамжамият томонидан қораланишини ва ҳеч қачон оқлаб бўлинмаслигини эътироф этамиз.



УДК 341.231.14 (575.1)
ББК КБК 67.412.1
Е 23

**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти:
инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар.**
Учинчи нашр. Тошкент: Baktria Press, 2012. 368 бет.

Нашриет уйи ООО «BAKTRIA PRESS»
Лицензия АІ № 203, 28.08.2011 й.
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25
Телефон: +998 (97) 335-10-51

ISBN 978-9943-4060-0-1

Босишга рухсат этилди 08.06.2012 й.
Бичими 70 × 100 ¹/₁₆. Офсет босма.
Шартли босма табаги 30,55. Адади 2000.

MEGA босмахонасида чоп этилган
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr